АЛИШЕР НАВОИЙ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

Узб
Н 14

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Саккизинчи жилд

Хамса

Садди Искандарий

Тарихи анбиё ва ҳукамо
Тарихи мулуки Ажам



835497
TDIU
kutubxonasi
СБО

САДДИ ИСКАНДАРИЙ

I

Худоё, мусаллам худолиқ санга[1],
Биров шаҳки, даъби гадолиқ санга.

Худованди бемислу монандсен,
Худовандларга худовандсен.

Забардастлар зердастинг сенинг,
Бийиклар келиб борча пастинг сенинг.

Санки кўргузуб мавж дарёйи жуд,
Сен айлаб аён коргоҳи вужуд.

Вужуд аҳлининг коми жудунг била,
Келиб жуд қойим вужудунг била[2].

Вужудунг қачон қилса зоҳир қидам,
Бўлуб борча ашё вужуди адам.

Замонеки кавнайн маъдум эди,
Адам тангнойида мактум эди.

Не кун оразидин бор эрди нишон,
Не тун турраси анда анбарфишон.

Саҳардин фалак золи рў тоза йўқ,
Шафақдин юзига анинг ғоза йўқ.

Не афлоку, не муттасил анда давр,
Не эл, не анинг давридин элга жавр.

Не олам диёридин осор ҳам,
Не пайдо диёр ичра дайёр ҳам.

Сен ул навъ мавжуд эдинг, бал вужуд
Ки, будунгға йўқ эрди нанги набуд.

Аён бўлмайин баҳри зотингға мавж,

Анинг мавжиға не ҳазизу не авж.

Жамолингки меҳри жаҳонтоб ўлуб
Хафо пардаси ичра ноёб ўлуб.

Жамолингға чунким зуҳур истадинг,
Қуёшингға ифшойи нур истадинг.

Бу навъ иқтизо айлади хўблуғ
Ки, қилғайсен изҳори маҳбублуғ.

Чу маҳбублуқ амри пинҳон эмас
Ки, то бўлмағай ошиқ имкон эмас.

Чу бори ҳуснға ишқ лойиқ басе,
Керак бўлди ҳуснунгға ошиқ басе.

Чу бир жунбуш этти аён баҳри зот,
Падид ўлди амвождин коинот.

Ики ҳарф амрин қилиб нуктавар,
Аён айладинг мунча дилкаш сувар.

Чу қилдинг малак хайлини жилвасоз,
Алар қисмати бўлди зикру ниёз.

Ики, учу тўрт очилиб парлари,
Ҳарими жалолинг кабутарлари.

Тилаб ул кабутарлар оромини,
Ясадинг фалак қасрининг томини.

Чу афлок тарҳиға чектинг қалам,
Ҳаво сафҳасиға чекилди рақам.

Тўқуз гунбад ул навъ чектинг баланд
Ки, ваҳм анда руст айлай олмас каманд.

Келиб бир-бири ичра ҳар бир ниҳон,
Фазо ҳар бирига жаҳон дар жаҳон.

Алар жавҳарини басит айладинг,

Бирин секизига муҳит айладинг.

Бори бир-бири жавфида тў-батў,
Бири бирга вобаст ўлуб мў-бамў.

Борин табъ бир жониб айландуруб,
Бурунғи борин табъ ила ёндуруб.

Бўлуб ул секизнинг мадори анга,
Таҳаррук аро ихтиёри анга.

Яна бирда сабт айладинг собитот,
Анга сайр, аммо буларға сабот.

Тушуб давр аро жоми нилуфарий,
Анга берк юз минг шараф гавҳари.

Мурассаъ жавоҳир била бўлса жом,
Вале давр аро жом топса хиром.

Неча бор эса сайр зоҳир анга,
Не тонг маҳкам ўлса жавоҳир анга.

Бўлуб жилвагар юз туман моҳваш,
Вале жилва ичра сукун бирла хуш.

Яна бирни ундур ҳисор айладинг,
Бировни анга қалъадор айладинг.

Муҳандис шиори тааммул иши,
Таҳаммуллиқ ул навъ бўлмай киши.

Батийравлиғи ҳилм аёғи киби,
Гаронжонлиғи сабр тоғи киби.

Кўзидин бало рахнаси очилиб,
Дамидин нуҳусат ўти сочилиб,

Қаро юз била чархи гардуннишин,
Нечукким, харос уйи ичра чибин.

Яна бирни бир маъбад эттинг васеъ,

Анинг обиди қадр аро бас рафеъ.

Саодат зиёсин сочиб меҳрсон,
Юзинда шараф ҳулласи тайласон.

Топиб «Кимиёйи саодат»қа йўл,
Фалак хонақоҳида ғаззолий ул**З**.

Фалак гунбади ичра қандилдек,
Ваё Арш буржида Жибрилдек.

Бўлуб яхшиликқа мунир ахтаре,
Харидор, яъни дейин Муштарий.

Яна бирни бир мақтал эттинг ажиб,
Анинг сокини қотили, бас муҳиб.

Киши тиғидин топмайин баҳр амон,
Бешинчи мамоликда ул қаҳрамон.

Келиб ламъаи тиғи барқи бало,
Ҳамул сув аро халқ ғарқи бало.

Бўлуб шева эл бўйнин урмоқ анга,
Итик тиғ ила бош учурмоқ анга.

Кесук бошнинг косасин жом этиб,
Вале қон май ўрниға ошом этиб.

Келиб иш анга чарх даврида қаҳр,
Қадаҳ даврида, ўйлаким қатра заҳр.

Яна бирни бир равза қилдинг назиҳ,
Муқими анинг ҳурдин ҳам фариҳ.

Демай ҳурким, чарх мулкида шоҳ,
Анга тахти феруза оромгоҳ.

Сипеҳр аҳлининг зеб ила зайни ул,
Демай айни ул, қурратул-айни ул.

Бўлуб зоти рахшанда миръот анга,

Гувоҳ ушбу даъвода заррот анга.

Бири гунбади чархи гардон аро,
Анингдекки, зар шамса айвон аро.

Яна бирни тоқи баланд айладинг,
Муқим анда бир нўшханд айладинг.

Қуёш чеҳралик шўхи барбатнавоз
Ки, жон риштаси тор анга, чолса соз.

Чуториға дастон гузориш бериб,
Бағирларға тирноғи хориш бериб.

Қачон хушнаво лаҳн бунёд этиб,
Агар Ақли Кулл бўлса фарёд этиб.

Қаёнким етиб барбатидин нағам,
Не йўл анда топиб кудурат, не ғам.

Фалак тоқида ун чекиб кўнгли тинч,
Бўлуб, ўйлаким доира ичра синч.

Яна бирни қилдинг кутубхонае,
Ичинда китобатда фарзонае.

Мудаққиқ замирида мамлу фунун,
Келиб диққат аҳли аро зуфунун.

Иши сарбасар лаъбу найранг ўлуб,
Сувдек қайдаким етса, ул ранг ўлуб.

Шиори хароши қалам айламак,
Нукат сафҳа узра рақам айламак.

Фалак дуржида лавҳи даркордек,
Давот узра бир нақши паргордек.

Яна бирни соз айладинг турфа дайр,
Анинг сокинин айладинг тезсайр.

Боридин итикрак хироми анинг,

Вале тегмайин ерга гоми анинг.

Манозилға бот-бот қилиб интиқол,
Отин гоҳ этиб бадру, гоҳи ҳилол.

Вуболу шараф кўргузуб суръати,
Гаҳи заъфи ортиб, гаҳи қуввати.

Фалак даврида суръати ичра зўр,
Тегирмон тоши узра андоққи мўр.

Чу обоға бу навъ бердинг сифот,
Алар таҳтида айладинг уммаҳот.

Аъто етти-ю, тўрт қилдинг ано,
Натижа уч эттинг булардин яно[4].

Не тонг, гар ано тўрт қилдинг мубоҳ
Ки, тўрт ўлди шаръ ичра жойиз никоҳ.

Бирининг мизожини тез айладинг,
Анинг табъини шуълахез айладинг.

Бирига бериб лутфи табъи ҳаёт,
Ҳаёт аҳлиға бердинг андин нажот.

Бирин сойир эттинг, нечукким само,
Сафо ичра миръоти гетинамо.

Ясодинг касофат бирининг ишин
Ким, ул бўлди бу ишдин асфалнишин

Бериб бу тазаввужға пайванд ҳам,
Падид айладинг неча фарзанд ҳам.

Бирига ҳажар жисмидин тўшадур,
Анга нақд балким жигаргўшадур.

Бирига нуму жилвасидин ҳаёт,
Қади жилвада найшакар, бал набот.

Бирин лутф аро жавҳари жон дейин,
Анга обхўр оби ҳайвон дейин.

Мунга тегру ғилдинг маротибнавард
Ки, очтинг башар гулбуни ичра вард.

Очилғоч бу гулшанда инсон гули,
Не инсон гули, боғи ризвон гули.

Таниға шарафдин дувож айладинг,
Бошин ҳам сазовори тож айладинг.

Қилиб кўнглини роз ганжинаси,
Юзин айладинг зот ойинаси.

Анга айлагач нури ҳуснунг зуҳур,
Ўқубон малак хайли Аллоҳ нур.

Чу бу навъ мавжуд қилдинг ани,
Малойикка масжуд қилдинг ани.

Қаю кўзгуда тутса аксинг вужуд.
Малойик нечук қилмағайлар сужуд.

Бош индурмаган айлаб изҳори таън,
Не тонг таъм нуни анга тавқи лаън.

Чу бердинг анга рутба мундоқ баланд,
Қилиб кўнглини севмагинг аржуманд.

Чу ишқинг ўти солди кўнглига тоб,
Қуёшнинг юзидин кеторди саҳоб.

Қуёшингға худ монеъи йўқ эди,
Ҳижоби анинг ўзлуги-ўқ эди.

Чу рафъ айладинг ул ҳижобин анинг,
Фузун айладинг ишқи тобин анинг.

Сени кўрди ҳар ёнки солди кўзин,
Чу бори сен ўлдунг, итурди ўзин.

Ажаб ҳолким, бўлса айни шуҳуд,
Чиқорғой биров жонидан шавқи дуд.

Зиҳи турфа маъшуқи ошиқнавоз
Ки, қилмоққа ўз ҳуснини жилвасоз.

Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.

ғараз одаме анга олам туфайл,
Неким ғайри оламдур, ул ҳам туфайл.

Киши кўрмамиш ҳаргиз андоқ киши
Ки, ошиққа ошиқлик ўлғай иши[5].

Яқин англасам ғайр бордур адам,
Ўзунг ошиқу ишқу маъшуқ ҳам.

Чу маъшуқу ошиқ сен ўлдунг тамом,
Санга ишқу ушшоқдин вассалом.

II

Муножот ул Карими Халлоқ ва мукаррами алал-итлоққаким, караминнинг «коф»и саркашлик била ёзуқ «қоф»ини ерга паст қилур ва «ро»си ройи оламоро била маъсият «айн»ин кўр этар ва «мим»и лутфи эмим била хато хаттиға афв рақами чекар ва ўз журми олойишин демак ва баҳри ғуфронидин амон истамак

Лакал-ҳамд, ё Акрамал-Акрамин,
Карам аҳлин этган гадойи камин.

Карим ўлса оламда ҳар навъ шоҳ,
Анга сен карам қилдинг ул дастгоҳ.

Карамдин киши қайда сочқай дирам,
Дирам сен анга қилмоғунча карам.

Карам аҳли гар соҳиби тож эрур,
Ки, хони наволингға муҳтож эрур.

Анга сен хазойин эшигин очиб,
Чу сочмоққа амр айлабон, ул сочиб.

Бас, ул филҳақиқат карамкеш эмас,
Ўзунг Мукрим, ул бир сабаб беш эмас.

Чу сен Мукрим, аҳли карамдур сабаб,
Десам Акрамул-Акрамин не ажаб.

Мунга ўзга маъни доғи бордур,
Акобир сўзидин намудордур

Ки, айни карамдин қачонким Илоҳ,
Гунаҳкордин ўткарур бир гуноҳ.

Карам фартидин будур онинг иши,
Ким ул ишга ўзга тутулмас киши.

Улусқа агар ул гуноҳ ишдурур,
Қиёматқача афву бахшишдурур.

Бу янглиғ карамдин расули амин
Сени этмиш ул Акрамул-Акрамин.

Илоҳий, аларким гунаҳкор экин,
Сен ўткармаган не гунаҳ бор экин?

Чу ҳар мужримекм, сен эттинг карам,
Сўрулмас ҳамул журм ила ўзга ҳам.

Агар афв бирла карам будурур,
Бори халқнинг журми маъфудурур.

Сангаким карамдур бу ғоятқача
Ким эл маъфу ўлса ниҳоятқача.

Чу дарёйи раҳматқа солғанда мавж,
Қуруқ қолмамиш не ҳазизу не авж.

Неча менда журм ўлса беҳад падид,
Не янглиғ бўла олғамен ноумид.

Неча маъсиятдин табаҳкормен,
Ниҳоятдин ортуқ гунаҳкормен.

Қадимни хижолат юки хам қилиб
Анга журм сарборлиқ ҳам қилиб.

Тутошиб вужудумға ҳирмон ўти,
Не ҳирмон ўти, балки исён ўти[1].

Бу исён ўти ичра куймак аро,
Бўлуб дудидин рўзгорим қаро.

Не исён ўти, балки оташкада,
Анга ҳема бу жисми меҳнатзада.

Не оташкадаким томуғдин нишон,
Забоналари кўкка оташфишон.

Гунаҳ шуъласин чун чекиб ул томуғ,
Куюб абри раҳмат нечукким момуғ.

Шарардин кавокиб юзи ўртаниб,
Не кавкаб, малойик пари чўрканиб.

Қарортиб тутун чарх жавфин тамом,
Замона қўюб онинг отини шом.

Демай шом, меҳнат палоси дейин,
Жаҳон кийди мотам либоси дейин.

Гунаҳда мени ўлтурурга қазо,
Кийиб даҳр шахси либоси азо.

Ичин ҳам қаро қайғу ғамнок этиб,
Яқосин доғи субҳдин чок этиб.

Ўкуш тийраликлар аро турфа боқ
Ки, чарх этти мушкум саводини оқ.

Саводим баёзиға сўрсанг далил,

Ерур шоми исёнға субҳи раҳил.

Фано пахтаси бил намудор анга,
Кафан риштаси англа ҳар тор анга.

Ажал хайлиға чун ҳужум ортибон,
Адам сори ҳар торидин тортибон.

Нечук бўлмай оҳимдин оташфишон,
Мениким ажал элтгай мўкашон.

Ғамим йўқтур ўлмакда эмгак учун,
Нединким туғар кимса ўлмак учун.

Ва лекин бу жонимға эмгакдурур,
Ки асру ёмон навъ ўлмакдурур.

Мунга тегру андинки, ўзни билиб,
Залолат аро умр зойиъ қилиб.

Нафас урмай айлар замон хийралик
Ки, топмай кўнгул кўзгуси тийралик.

Қадам урмайин ғайри бероҳға
Ки, андин тушуб бош тубан чоҳға.

Туну кун харобот аро майпараст,
Қилиб ўзни исён майи бирла маст.

Мусалло гаравда маёло бўлуб,
Ридо гўшаси бодаполо бўлуб.

Бўлуб майкада дайри зулмат асос,
Мен анда қари габри ҳақношинос.

Агар мунча юз бўлса расволиғим,
Сияҳрўлуғу бесару полиғим.

Вале сендин узмаймен асло умид
Ки, эрмон карам баҳридин ноумид.

Бу даргоҳда ҳар ким гунаҳкорроқ,

Иноят қилурға сазоворроқ.

Муни англағач бўлди ҳолим табоҳ
Ки, уммид ила кўпрак эттим гуноҳ.

Эшиттимки, Ҳоруни[2] дарё ато
Демишким, чу афв айласам бир хато.

Агар билсалар халққим бегумон,
Не чоғлиғ топармен фараҳ ул замон.

Топарға иноят била парвариш,
Улус қилмағай журмдин ўзга иш.

Илоҳий, туман минг бу Ҳорун киби,
Не Ҳорунки, Ашку[3] Фаридун киби.

Сенинг даргаҳингда не бўлғай хасе,
Демай хаски, ул хасдин ўксук басе.

Алар қилсалар мунча арзи карам,
Бу маъразда не навъ атай сени ҳам.

Алар гар шаҳ ўлса, гадомен ямон,
Ўлар вақти сойил ҳамон, шаҳ ҳамон.

Ёрурда қуёш партавидин саро,
Қачон фарқ ўлур фаҳм заррот аро.

Қилур вақт бу зарраларға карам,
Навоийға лутф айла бир зарра ҳам.

Сазо андин ар журму пиндор эрур,
Сен ул қилки сендин сазовор эрур.

Хато айлаганни ҳисоб айлама,
Хатосиға лойиқ азоб айлама.

Карам бирла журмини кам айлагил,
Гару ул қилди камм, лек карам айлагил.

Агар қилмадинг зуҳду тоат насиб,
Ҳабибингдин этгил шафоат насиб.

III

Ул Расули амин наътиким, рисолат хутбасида муборак алқоби саййид ул-мурсалин келди ва ул шафеъ ул-музаннибин васфиким, ҳумоюн сифоти «Ва мо арсалнока илло раҳматан лил-оламин» ёзилди, алайҳи афзалус- салавот ва акмалут - таҳиёт

Зиҳи анбиё хайлининг сарвари,
Бошинг узра сархайллиқ гавҳари.

Демай анбиё қавму хайлинг сенинг,
Бори офариниш туфайлинг сенинг.

Тутуб гавҳари зотинг аввал вужуд,
Бўлуб сўнгра мавжуд буду набуд.

Замонеки нурунгға бўлмай зуҳур,
Не зулмат бўлуб зоҳир ул дам, не нур.

Чу Ҳақ айлаб ул нурни шамъи жамъ,
Анинг нуридин ёрутуб жамъи шамъ.

Бу машъал чу ўз шуъласин ёрутуб,
Русул шамъи андин ёруғлуқ тутуб.

Демайким русул, ҳар неким топти руҳ,
Бу кибритдин борча топиб футуҳ.

Не кибрит, гугирди аҳмар ҳам ул.
Не гугирд, иксири акбар ҳам ул.

Вужудингдин айлаб қазо кимиё,
Мисин олтун айлаб бори анбиё.

Бу сабқатки, зотингға берди Аҳад,
Санга Бул-башар тонг йўқ ўлмоқ валад.

Атолиққа суратда пайванд эрур,
Вале асли фитратда фарзанд эрур.

Ажаб йўқ сен ўлмоқ ато, ул сабий,
Бу маъниғадур дол «Кунтун-набий»1.

Қачонким, валад бўлса Одам санга,
Бас аҳфод эрур ўзгалар ҳам санга.

Хирадға солиб ажз зотинг сенинг,
Хирад аҳлиға муъжизотинг сенинг.

Чу Мусоға2 «Таврот» этиб Ҳақ баён,
Санга ул баён ичра муъжиз аён.

Бўлуб чунки Довуд3 қисми «Забур»,
Сенинг муъжизинг анда айлаб зуҳур.

Чу Исоға[4] «Инжил»5 нозил бўлуб,
Ҳақ анда сифотингға қойил бўлуб.

Каломеки сендин топиб интизом,
Анинг лафз бар лафзи муъжизнизом.

Нечаким кутуби осмоний келиб,
Борисинда сендин нишоний келиб.

Бўлуб чун зуҳури валодат санга,
Бўлуб фош нури саодат санга.

Анинг партавидин нечукким қуёш,
Мадойин бўлуб Макка6 аҳлиға фош.

Сужудунгға бутлар бўлуб ерга паст,
Анингдекки, бут оллида бутпараст.

Ангаким санга берди мундоқ вужуд,
Бу шукронаға сен ҳам айлаб сужуд.

Сени чунки сожид қилиб кирдигор,
Анга сажда қилмоқ бўлуб ошкор.

Сенинг туғмоғинг равшан айлаб жаҳон

Анингдекки, туққай қуёш ногаҳон.

Бу иштин фалак топқач огоҳлиқ,
Санга шаҳлар узра бериб шоҳлиқ.

Фалакка бу бахшиш қилурға не ҳад,
Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.

Гувоҳ ўлди тожи футувват мунга,
Далил ўлди муҳри нубувват мунга.

Бу муҳреки нақшин тутуб ул китиф,
Қуёш ичрадур ахтари мунхасиф.

Не ахтарки, бир хотам этмиш нишон,
Ядуллоҳ7 аро хотам ўлғон ниҳон.

Вужудунгни чун қилди Ҳақ ганжи роз,
Ҳақиқат дуру лаълидин йўқ мажоз.

Қилиб фош маҳфузи асрор фанин,
Заруратки муҳр этти ўз махзанин.

Демай жисмким, ганжи шоҳийдур ул,
Не хотам, нигини илоҳийдур ул.

Ангаким илик берса мундоқ нигин,
Нигинида тонг йўқ замону замин.

Гини йўққи, ой узра пироядур,
Қуёш устида мушкдин соядур.

Қуёшнинг чу манъ айлади сояни,
Недин соя касб этти бу пояни.

Чу шамъингнинг ўлди адам сояси,
Нечук бўлди бу соя ҳамсояси.

Қилиб ҳар кун ул сояға рашк фош,
Тўкар сарғариб, титраб ашкин қуёш.

Қуёшингғаким банда юз бадрдур,

Ики зулф ики лайлатул-қадрдур.

Демай зулф, ики гесуйи анбарин,
Қарориб алар атридин мушки Чин.

Сабо Чин8 сари андин элтиб шамим,
Бўлуб Чин доғи нофаи мушкин насим.

Недин бўлди Чин нофаси мушкфом,
Булардин агар қилмади мушк вом.

Ўрулганда топиб чу тобу шиканж,
Ики анбарин афъи, ул жисм ганж.

Қачонким тарар чоғда тобин очиб,
Сабо барги гул узра сунбул сочиб.

Юзунг сунбули анбаринфом аро,
Саодат тазарви тушуб дом аро.

Қушеким санга бастаи дом эмиш,
Азозилдек фарруханжом эмиш.

Аёғингға тайреки афгандадур,
Агар чуғз бўлсунки, фархандадур.

Бировким эрур ганж вайронаси,
Не ғам аждаҳо бўлса ҳамхонаси.

Аларким ўлумга даво қилдилар,
Асо ташлабон аждаҳо қилдилар.

Очилғоч каломингдин оби ҳаёт,
Ани тўрт бурқаъға солди уёт.

Чу ҳабли матининг аён қилди зўр,
Мунунг айлади аждаҳосини мўр.

Не Мусо-ю, Исоки, бори милал,
Чу шаръинг аён бўлди топти халал.

Зиҳи офтоби рисолатпаноҳ

Ки, анжумдек эттинг русулдин сипоҳ.

Вале чунки хуршидинг этти зуҳур,
Кавокиб сипоҳин ниҳон қилди нур.

Неким чарху анжум санга жилвагоҳ
Ки, жилванг чоғи Арш[9] ўлуб хоки роҳ.

Рикобингда човуш ўлуб Жабраил[10].
Бу маънига меърож шоми[11] далил.

IV

Ул ҳумойи баландпарвоз тайронининг суръати таърифидаким, меърож шабистонида кўзи наргиси била кўнгли ғунчаси «мозоғал-басару ва мо таро» жўйборидин шодобдурур ва тақарруб айвонида муқаввас қошлари « қоба қавсайни ав адно » эътиборидин баҳраёб

Не шом ул шабистони фархундафол,
Булуб офариниш узориға хол.

Демай холким, гесуйи мушкрез,
Қилиб офариниш уза мушкбез.

Чу онинг бўлуб ошкоро иси,
Жаҳонни тутуб мушкисоро иси.

Тааний била жунбиш айлаб насим,
Ёйиб мушк зимнида авроқи сим.

Не симин варақ, балки юз ламъа нур,
Қилиб ул шабистонда ҳар ён зуҳур.

Ул анвордин жирми ғабро ёруб,
Не ғабро, шабистони хазро ёруб.

Фалак гулшани равза бўстонидек,
Сипеҳр ахтари хулд ризвонидек.

Малойик иниб равшан ахтар киби,
Учуб даҳр даврида шабпар киби.

Бу қушлар жиноҳи ели чун етиб,
Шаётин ғуборини барбод этиб,

Бу янглиғ кеча ул чароғи сипеҳр,
Юзи тоза гулбарги боғи сипеҳр.

Қуёшдек улусдин ниҳоний бўлуб,
Ери ҳужраи уммаҳоний бўлуб

Ки, ногоҳ чоқилди бир тез барқ
Ки, офоқни қилди нур ичра ғарқ.

Демай барққим, тойири барқсайр,
Қўлида бир ул навъким барқтайр.

Бири Арш айвонининг тойири,
Бири хулд бўстонининг сойири.

Анга Сидра кохи навогоҳ ўлуб,
Мунга равза боғи чарогоҳ ўлуб,

Келиб ҳосилан Жабраили амин,
Етиб турфа товуси хулди барин.

Буроқи1 сабук сайри қудсий сиришт.
Бўлуб жилвагоҳи риёзи биҳишт.

Фалак сайридин тез ором анга,
Минг иллиқ фалак сайри бир гом анга.

Қаёнким солиб гом пайки назар,
Юз онча қилиб гоми онинг гузар.

Чу етти паёмовари раҳнавард,
Бўлуб жабҳадин хоки даргаҳнавард.

Юзин меҳрдек айлагач хоксуд,
Ҳабибиға еткурди Ҳақдин дуруд

Ки, ҳижрон бисотин тай этмак керак,
Қўпуб Ҳақ висолиға етмак керак.

Ешитгач бу сўз сойири чархгом,
Равон қўпти бўлмоққа гардунхиром.

Чекиб қосид ул рахшу айландуруб,
Сафар созни қўлдаб, отландуруб.

Чу отланди рокиб, нечукким дарахш,
Бурун сурди Байтул-ҳарам[2] узра рахш.

Яна пўяда қўйди Ақсоға юз,
Не Ақсоға юз, чархи аълоға юз.

Ўтуб ҳамли аввалда бу боғдин,
Елу ўт била суву туфроғдин.

Чу жавлонгаҳи бўлди бу тийра фарш,
Бурун ҳамлада фаршдек қолди Арш.

Фалакдин демай ўтмак осон эди,
Қуйиғи тиҳи бирла яксон эди.

Бурунғидаким ойға қилди видоъ,
Қамар манзили бўлди тақташ-шиоъ.

Чу касб этти ул нури жовиддин,
Қамар пояси ўтти хуршиддин.

Чу рахши икинчига урди қадам,
Аторидға[3] синди давоту қалам.

Кўруб уммийи илмлар махзани,
Равон илм касб этмак ўлди фани.

Учунчи сори чун шитоб айлабон,
Фалак Зуҳраға[4] эҳтисоб айлабон.

Йўлидин қочиб зоҳир этмай суруд,
Равон ёшуруб чодири ичра руд[5].

Чу тўртунчи сори таковар суруб,

Қуёшқа басе сарзаниш еткуруб.

Бўла олмайин ул шабистонда фош,
Кириб ер тубига уётдин қуёш**6**.

Бешинчига чун еткуруб гомни,
Қилиб бандаи амри Баҳромни**7**.

Ки, солиб улус таркидин қинға тиғ,
Қилиб тарк қон тўкмагин бедариғ.

Чу олтинчиға еткуруб раҳбари,
Ўқуб хутбаи давлатин Муштарий**8**.

Дуосиға минбарда чун қўл очиб,
Бошиға фалак нақди анжум сочиб.

Етинчига чун обир айлаб саманд,
Саодатдин ўлуб Зуҳал**9** баҳраманд.

Бўлуб дафъ анинг борча наҳсияти,
Қули бўлуб анинг саодат оти.

Чу айлаб секизинчи сори мурур,
Савобит топиб мақдамидин сурур.

Очиб гулларин ул мусамман чаман,
Боши узра сочиб гулу настаран.

Ҳамал чун анингдек топиб меҳрибон,
Керакмас дебон Мусо янглиғ шубон.

Бўлуб садқаси чархи даввор уйи,
Қилиб давра, андоққи ассор уйи.

Ики пайкар очиб дуосиға эл,
Тонгиб хизматиға ики ерда бел.

Мушарраф қилиб чунки харчангни,
Очиб рахши темориға чангни.

Қочиб Шер етган замон ул далер,

Қари тулку ул навъким етса шер.

Бўлуб Хўшаға дона гавҳар киби,
Не гавҳар киби, балки ахтар киби.

Аёғиға Мезон қўюб бошини,
Адолат юзидин тузуб тошини.

Чаён нўш сочмоқ қилиб ибтидо,
Етиб нишининг банд-банддин жудо.

Бўлуб қош учидин ишоратнамой,
Бериб қоби қавсайндин мужда Ёй.

Сути Ўчкунинг шираи жон бўлуб,
Анинг қатраси дурри ғалтон бўлуб.

Йўли устида Қубқаким сув сочиб,
Сочар вақти сув йўққи, инжу сочиб.

Фалак деб дамидин тирилганда Ҳут
Ки, «Субҳона ҳаййил-лази ло ямут»10

Фалак боғи андоқ топиб зебу фар
Ки, бир чарх ўлуб анда ҳар нилуфар.

Чу гарм айлабон чархи атласқа от,
Тўшаб атласин оти оллинда бот.

Чу сайр айлаб ул неча торам сори,
Таковар суруб Арши аъзам сори.

Бўлуб муфтахир Арш анинг зотиға
Ки, наъл айлабон «айн»идин отиға.

Бериб чунки Курсига пирояе,
Уружиға Курси бўлуб пояе.

Мунаввар бўлуб Лавҳ анворидин,
Қилиб шамса хуршид рухсоридин.

Қаламға етиб мақдамидин кушод,

Ёзиб чашмзахми учун «ин якод»**11.**

Суруб барқсайрини жон мулкига,
Не жон мулкига, ломакон мулкига.

Гузаргоҳи ул дамки Рафраф бўлуб,
Юзидин дамо-дам мушарраф бўлуб.

Ўтуб доғи бир ерга тортиб алам
Ки, бўлмай анга ҳамраҳи ҳамқадам.

Қолиб пўядин пайки афлокгард,
Қадам олмайин рахши гардуннавард.

Буроқин тушуб пайкига топшуруб,
Қадамсиз юруб, пўясиз гом уруб.

Не тўрт аслдин кўнглига ёрлиқ,
Не олти тарафдин хабардорлиқ.

Ҳам олти-ю ҳам тўрт мавқуф эди,
Анинг хотири бирга машъуф эди.

Бўйидин вужуди либосин сўюб,
Бошидин таайюн ливосин қўюб.

Вужудин адам гарди айлаб соғинч,
Вужуду адамдин бўлуб кўнгли тинч.

Ўзидин чу жонида қолмай нишон,
Солиб ўзни жонон сори жонфишон.

Ўзидин ўзин токи қилмай халос,
Қила олмайин ўзни жононға хос.

Чу ўзлукни ўздин қилиб бартараф,
Қилиб жилва мақсуд анга ҳар тараф.

Бўлуб рафъ ўзлук аро пардаси,
Падид ўлди ваҳдат саропардаси.

Ниқоб анда етмиш минг этти зуҳур,

Анинг кўпраги зулмат, озроғи нур.

Ки, рафъ этти борин ҳидоят ели,
Ҳидоят ели йўқ, иноят ели.

Яқинроқ сиғинди висол истабон,
Висол авжиға иттисол истабон.

Неким истабон айлар эрди ҳавас,
Тамомиға Ҳақ еткуруб дастрас.

Ёруб васл хуршидидин айн анга,
Муайян бўлуб қоби қавсайн анга.

Тааллумға етмай «шадидул-қуво»,
Кўзи топти «мо зоғ», ўзи «мо тағо»12,

Неча икилик нақши нобуд ўлуб,
Бир-ўқ ваҳдати сирф мавжуд ўлуб.

Қилиб майл уммат низомиға ҳам,
Ёниб «Ли мааллоҳ» мақомиға ҳам.

Қилиб мустамиълиқда арзи ниёз,
Топиб Ҳақ таолодин исмои роз.

Агар махфий, ар фош ўлуб Ҳақ сўзи,
Ўзи айтибу ҳам эшитиб ўзи.

Кўруб баҳри ғуфронни чун мавжнок,
Тилаб осий уммат гуноҳини пок.

Бу мақсудини арз қилғон замон,
Талаб бирла топмоқ бўлуб тавъамон.

Чу топиб тилаб топмағонни киши,
Кириб кўнглига авд қилмоқ иши.

Келиб ғунчау боғи ризвон ёниб,
Етиб қатрау баҳри Уммон ёниб.

Топиб ҳар не мақсудким истабон,

Бўлуб борча мавжудким истабон.

Ёниб юз қўюб рахшу йўлдошиға,
Тонилмай етишгач алар қошиға.

Анинг шавкатин беадад топибон,
Неча Аҳмад истаб Аҳад топибон.

Яна секрибон маркаби узра чуст,
Қилиб пўя азми, нечукким нухуст.

Фалак аҳли ичра алоло тушуб,
Малак хайлиға шўру ғавғо тушуб.

Малоик тутуб йўл бошин жавқ-жавқ,
Тамошосида борча кўнглида шавқ.

Жамолиға чун кўзларин очибон,
Табақи нурлар бошиға сочибон.

Анга нур сочмоққа монанд бу
Ки, сочқай киши баҳри Уммонга сув.

Сочиб нуру бори аёғин ўпуб,
Аёғ неки, рахши тувоғин ўпуб.

Чу бир хайл этиб хайрбодиға майл,
Етиб, хайра мақдам, дебон ўзга хайл.

Булар қилмайин авд, побўс этиб
Ки, бир ўзга хайли малоик етиб.

Малакдин тўлуб, баски, ҳар қўл анга,
Нузул этгали боғланиб йўл анга.

Туман минг шарор ичра бир ламъа нур,
Ўкуш хайли нор ичра бир ламъа нур.

Вале нуриға нордин йўқ газанд,
Бўлуб нор ул нурдин баҳраманд.

Бу янглиғ кириб хайли афлок аро,

Гузар қилғали маркази хок аро.

Бошиға анинг эврулуб ҳар фалак.
Нечукким, фалак узра хайли малак.

Чароғиға парвоналардек нужум,
Ўзин ўртамакликка айлаб ҳужум.

Не парвонаким, борча шамъин тутуб,
Анинг машъали нуридин ёрутуб.

Фалак аҳлин айлаб чу нур ичра ғарқ,
Фалакдин иниб ерга андоққи барқ.

Гули чун қилиб тоза бу боғни,
Етиб ғайрати Арш туфроғни.

Тушуб бўлғоч оромгоҳи висоқ,
Ёниб пайку жаннатқа элтиб Бурок.

Мунунгдек сафарким эмас халқ иши
Ки, шарҳин анинг айлай олмас киши.

Хирадни не тонг айласа бадгумон
Ки, боштин-оёқ бор эмиш бир замон.

Бориб келмак андоқ топиб иттисол
Ки, бўлмоқ бурун сўнгра лафзи маҳол.

Не ерга етишгай хирад билмаги,
Бор эрса борурдин бурун келмаги.

Даме сайр этардин бийик ҳиммати,
Муродини ҳосил қилиб уммати.

Бориға бериб муждаи шодлиғ,
Гунаҳ интиқомидин озодлиғ.

Навоийға бўлса гунаҳ беҳисоб,
Анга ҳам, гуноҳиға ҳам не ҳисоб.

Шафеъ ўлғон ўлса бу янглиғ расул,

Ҳақ ул навъ ани қилғон ўлса қабул,

Иши неча журм ичра мушкилдурур,
Бағишланғон эл ичра дохилдурур.

Қачон ҳожати бўлғай эрди раво,
Агар топмаса эрди мундоқ наво.

V

Бу «Хамса» такмилидаким, салавоти хамса адосидек аввал фажр сажадотидин «Сиймоҳум фи вужуҳиҳим мин асариссужуд» зумрасиға кирилди ва зуҳр ракаотидин «Варкау мааррокиин» хайлиға қўшулулди ва аср қиёмидин «Ва иқомас-саловот» жамоатиға юз қўюлди ва мағриб қироатидин «Иқраъ бисми раббикаллази халақ» халқиға бош индурулди ва эмди ишо ниятидин отил табъни ғафлат уйқусиға борғоли қўймайин

Кел, эй толеъи саъду бахти баланд
Ки, сиздин бўлур одами аржуманд.

Ангаким тушар қайсингиз сояси,
Қуёшдин бийикрак бўлур пояси.

Ангаким етар икингиздин мадад[1],
Мададкори Ҳақдур азал то абад.

Карам айлаб ики қўлум қўлдангиз,
Сўз иқлими сори мени йўлдангиз.

Бу водий аро Хизри[2] роҳим бўлунг,
Қаён юз кетурсам паноҳим бўлунг.

Бурундин чу кўргуздунгуз ёрлиқ,
Басе етти сиздин мададкорлиқ.

Кичик эрканимдин бўлуб қошима,
Улуғ муддао солдингиз бошима[3].

Чу олимға келган бийик тоғ эди,
Тоши итигу йўли бўртоғ эди.

Бу бўртоғлиқ бирла юз печ анга,

Чиқа олмағудек киши ҳеч анга.

Чиқар йўлида тўрт оромгоҳ4,
Бешинчиси мақсад билоиштибоҳ.

Ҳар оромгоҳида юз навъ ранж,
Вале тутқач ором зимнида ганж.

Анга чиқмоқ ўлмай кишининг иши,
Магарким чиқиб бир, ики, уч киши5.

Манга чунки сиздин мадад бор эди,
Не сиздинки, Тенгри мададкор эди.

Чиқорға чу қилдим азимат дуруст,
Қадам урдум ул ақба йўлиға чуст.

Қилай деб мақом ул фалакваш сарир,
Итик тош аёғимға эрди ҳарир.

Қадам урмоғим бемадоро бўлуб
Ким, ул хора йўлумда хоро бўлуб.

Қилиб танға осудалиғни ҳаром,
Ҳамул тўрт манзилни қилдим хиром.

Йўлум ичра манзил чу бу тўрт эди,
Чиқорим бийик, ўйлаким ўрт эди.

Солиб чун бийик йўлға чиқмоққа хез,
Макон тай қилиб, ўт киби гарму тез.

Не манзилға етгунча гар ранж ўлуб,
Вале баҳра манзилда бир ганж ўлуб.

Қўюлди чу тўртунчи манзилға гом,
Дедимким, қилай тўрт-беш кун мақом

Ки, йўл ранжидин нотануманд эдим,
Тинорға, басе орзуманд эдим.

Неча кунки дафъ ўлди фарсудалиқ,

Мизожимға юзланди осудалиқ.

Табиатки хўйи касолатдурур,
Тараддуд анга саъб ҳолатдурур.

Хусусанки товшолмиш ўлғай басе,
Қотиғ пўядин толмиш ўлғай басе.

Беш-ўн кунчаким бўлдум оромжўй.
Нишоти маю нуқлдин комжўй.

Ҳаво андоқ айлабдур они лаванд,
Тараб танбалу, кому ғафлат тананд,

Ки, жуз майли кому мурод айламас,
Қадам йўлға урмоғни ёд айламас.

Десам азм тарғибиға юз масал,
Анинг дафъиға кўргузуб минг ҳиял.

Йўл эмгакларин ёд қилғон замон,
Бўлур хотири азм этардин рамон.

Даме бемаю нуқл масрур эмас,
Манга онинг ислоҳи мақдур эмас.

Азимат анга мундин ар қолса кеч,
Не эмгакки чектим, эрур борча ҳеч.

Хусусанки занжирлар бирла ҳам,
Агар чексалар, йўлға қўймас қадам.

Насиҳат мизожиға даргир йўқ,
Кучум етмасу ўзга тадбир йўқ.

Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкил иш,
Манга тушган иш кимсага тушмамиш.

Бу достонки сурдум–киноятдурур,
ғараз андин, ушбу ҳикоятдурур

Ки, Ҳақдин ато чу манга бор эди,

Яна бахту иқбол ҳам ёр эди

Ки, чун «Хамса» азмин дуруст айладим,
Камаргоҳиға панжа руст айладим.

Етишмай кўп ул ишта панжамға ранж,
Насиб ўлди беш ганжидин тўрт ганж.

Не васф айлайин, чунки ҳар ким етар,
Тааммул агар қилса, маълум этар.

Ки ганж, ўйла йўқтур Фаридунға ҳам.
Фаридун демай, балки Қорунға6 ҳам.

Ва лекин бешинчида табъи нажанд,
Неча кун бўлуб лаҳвға пойбанд.

Қадаҳ дурдиға қўл узотибдурур,
Аёғи бу лой ичра ботибдурур.

Ани тортмоғлиқни бу лойдин,
Ҳамул бодаи хотиролойдин.

Неча ўз қошимдин қилурмен хаёл,
Хирад ул хаёлимни айтур маҳол.

Уйеким, ваҳалдин чекар юз киши,
Ани чекмак эрмасдурур мўр иши.

Бу ишдинки табъим ҳаросон эрур,
Агар Тенгри лутф этса осон эрур.

Қачон чекса они иноят қўли,
Илайинда очса ҳидоят йўли.

Талаб йўлида толпина, тирмана,
Не душвор манзилға етмак янағ

Чу Ҳақдин эди ул саодат манга,
Бу душвор иш ичра жалодат манга.

Бу дам ҳамки, мушкилрак ўлмиш ишим,

Ерур Тенгри оллинда-ўқ нолишим.

Агар лутфини айласа ёварим,
Тилимни ёзуғларга узроварим.

Чекиб борча олудалиғдин аёқ,
Тутуб бори беҳудалиғдин қироқ.

Надомат кўзин ашкнок айлабон,
Ҳамул сув била ғусли пок айлабон.

Солиб кўнглума сўз демак ниятин,
Кийиб эгнима доғи сўз кисватин.

Суханварлиғ асбобини соз этиб,
Дури назм сочмоғлиғ оғоз этиб.

Тузай назм мулкида шоҳона базм,
Ҳамул базм сори қилай ёна азм.

Билик тахти узра чиқиб ўлтурай,
Хаёл элчисин ҳар тараф чоптурай.

Намудори расми раёсат қилиб,
Ибо айлаганга сиёсат қилиб.

Маоний сипоҳини жон мулкидин,
Не жон мулкидин, ломакон мулкидин,

Ясоқ бирла еткуртайин фавж-фавж
Ки, тутсун черик не ҳазизу не авж.

Йиғилғоч сипаҳ, тарки базм айлайин,
Жаҳонгирлик сори азм айлайин.

Солиб танға сўз жавшану багтарин,
Қўюб бош уза пок назм афсарин.

Минай кўшишу саъй рахшиға тез,
Сипаҳ зийнатиға қилойин ситез.

Ясолни тузай андоқ ороста

Ки, бир туз чаман сарви навхоста.

Мамоликки, табъ айламиш эрди фатҳ,
Ул иқлимким бўлмамиш эрди фатҳ.

Не иқлим, балким жаҳон кишвари
Ки, топмиш эди фатҳи Искандарий.

Скандардек айлаб сипаҳдорлиғ,
Сипаҳни халалдин нигаҳдорлиғ.

Нечукким, Скандар[7] кезиб хушку тар,
Мусаххар қилай назм ила баҳру бар

Ки, яъни чекиб хомаи хушхиром,
Скандар ишига қилай эҳтимом.

Илоҳи Навоийға тавфиқ бер,
Қаро шомиға шамъи таҳқиқ бер

Ким, ул шоми дайжур офотидин,
Не офотидин, балки зулмотидин,

Чиқорсун Хизр янглиғ оби ҳаёт,
Етурсун Скандар жанобиға бот.

Неча зойил ўлсун ҳаёти анинг,
Тирилсун бу дам бори оти анинг.

VI

Сўз таърифида бир неча сўзким, офариниш дарёсидин бурунғи чиққон гавҳари серобдурур ва хилқат сипеҳридин аввалғи тулуъ этган ахтари пуртоб ва бу муносабат билан ҳазрати шайхи Низомий қаддаса сирраҳу маддоҳлиғиким, бу ахтарнинг сипеҳри гардони ул эрди ва бу таъриф била Мир Хусрав наввара марқадаҳу авсофиким, бу гавҳарнинг дарёйи

Ичар хайл сўз бодаи софини,
Демак фарз келди сўз[1] авсофини.

Будур васфи ичра камолин демак
Ки, бўлмас камолини васф айламак.

Бу таъриф анга бас муважжаҳдурур
Ки, таъриф этардин мунназаҳдурур.

Бийикрак мақом ичра афлокдин,
Не афлокдин, ваҳму идрокдин.

Ул авж узраким сочилиб сўз дури,
Сурайё келиб анда таҳтас-сари.

Вужуд ичра оламға сабқатнамой,
Шараф бирла Одамға рифъатфизой.

Гар ул бўлмаса кимсага йўқ шараф,
Анингдекки, гавҳарсиз ўлғай садаф.

Садаф то гуҳар анда пинҳон эрур,
Анинг хозини баҳри Уммон2 эрур.

Гуҳардин чу холи бўлур ул садаф,
Ерур тенг улу бир қуруғон кашаф.

Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул.

Буким жавҳари жон дедим отини,
Қилай жон била бу сўз исботини.

Чу жисм ичра жон йўқтур, ул йўқдурур,
Яна жонға онсиз бу ҳол-ўқдурур.

Башар хайлиға тил тутулғон замон,
Тириклик ҳамон келди ўлмак ҳамон.

Бу ҳамким дедим оби ҳайвон ани,
Қулоқ тутки, шарҳ айлай осон ани.

Ўлук тиргузур бўлса ҳайвон суйи,

Қилур ҳам бу ишни дами Исави[3].

Қаю кимсаким, сўз берур жон анга,
Қилур жон фидо оби ҳайвон анга.

Ўлукка гар андин эрур жони пок,
Ва лекин тирикни ҳам айлар ҳалок.

Гаҳи масжид ичра алоло солиб,
Харобот аро гоҳ ғавғо солиб.

Ҳам ул чарх баҳриға дурдонадур,
Ҳам ул баҳру гавҳарға афсонадур.

Башар табъининг ишвагар дилбари,
Назардин ниҳон, ул сифатким пари.

Дилоролиғ анда жаҳон дар жаҳон,
Латофат ани кўздин айлаб ниҳон.

Вале гар тилаб халқ офатларин,
Кийиб савт ила ҳарф кисватларин.

Ҳулалким жамолин мушаккал қилиб,
Маъоний дуридин мукаллал қилиб.

Юзига бериб зеб санъат била,
Солиб зулфиға тоб диққат била.

Бериб нуктадонлиғ фасоҳат анга,
Ясаб нуктаронлиғ балоғат анга.

Лутуфдин юзин айлаб ороста,
Бўлуб, ўйлаким моҳи нокоста.

Оғиз равзанидин хиром айласа,
Қулоқ ҳужрасиға мақом айласа.

Не ўтларки солғай жаҳон ичра ул,
Жаҳон ичра йўқ, инсу жон ичра ул.

Бу ҳол ўлса минбар уза ошкор,
Вараъ аҳлининг кўнглин айлаб фигор.

Бири нолаи дарднок айлабон,
Бири далқи пашмина чок айлабон.

Бу янглиғки, шарҳ айладим можаро,
Агар зоҳир ўлса харобот аро,

Бир ўт дурдкашларға солғайки даҳр,
Топа олмағай шуъладин ўзга баҳр.

Кўкусга қоқиб юмруғ ўрниға тош,
Уруб ер уза бўрк ўрниға бош.

Дамеким, анга зоҳир ўлмай вужуд,
Гум эрди адам ичра буду набуд.

Не бу ети қандили воло эди,
Не тўқуз сипеҳри муалло эди.

Адам эрди ҳар неки мавжуд эрур,
Жуз ул зотким, фойизи жуд эрур.

Ҳам ул ваҳдати сирф бўстонидин,
Не бўстон, ҳақиқат гулистонидин.

Бурунроқ насимеки урди нафас,
Ешитгил нафаским, сўз эрдию бас.

Очилди чу ул ел – дам урди нуҳуфт,
Адам ичра юз ғунчаи ношукуфт.

Қаю ғунчаким, гулшани коинот,
Бу жонбахш ел бирла топти ҳаёт.

Нима офаринишда тутмай ўрун
Ки, тебранмиш ўлғай бу елдин бурун.

Қаю вардким, келди анбаршамим,
Ани билки очмишдурур бу насим.

Магар бўлди Руҳул-қудс ҳамраҳи,
Ва ё келди анфоси Руҳуллаҳи[4].

Анинг бирла кони маоний кутуб,
Йўқ арзий кутуб, осмоний кутуб[5].

Неча қидмати ортуқ андозадин,
Вале дам-бадам тозароқ-тозадин.

Жаҳон гулшани ичра бу тоза гул,
Қуёш вардидек олий овоза гул

Ки, андиндурур даҳр боғиға атр,
Бори офариниш димоғиға атр.

Вале воқеъ ўлмиш тафовут басе,
Бири гулбун ўлмиш, яна бир хасе.

Бу гавҳардин ўлди тўла ғарбу шарқ,
Вале топти қийматда бисёр фарқ.

Бировга етишгонга қиймат пашез,
Яна бирга қиймат келиб ганжхез.

Бу ганж олгон ул нодири фард[6] эрур
Ки, ганжи анинг Ганжапарвард эрур.

Ҳам ул ганжрезу ҳам ул ганжпош,
Бўлуб базлидин даҳр аро ганж фош.

Нечаким очиб ганж тўкмакка қўл,
Вале махзани роз ганжури ул.

Анинг ганжидин ҳар дирам ахтаре,
Яшил куп анга гунбади ахзаре.

Куп остидағи хишт қурси қамар,
Вале бошида ташти заррини хур.

Қазо қисмидин етмайин ранж анга,

Бу янглиғ не бир ганж, беш ганж[7] анга.

Тутуб ганжи бу чархи нуҳ тоқни,
Нечукким, қуёш нури офоқни.

Бу янглиғки ганжи маоний тўкуб,
Жаҳон аҳлиға жовидоний тўкуб.

Бу беш ганжидинким жаҳондур тўло
Ки, кўк жавфида доғи йўқтур хало.

Йўқ улким, жаҳонни тўло айламиш
Ки, гардунни ҳам имтило айламиш.

Келиб табъи гардуни олий асос,
Маоний дури анда анжумқиёс.

Бу гардун аро табъи хуршид ўлуб,
Анинг нури оламда жовид ўлуб.

Шиҳоби қалам, чунки айлаб тарош,
Топиб сафҳаи меҳр андин харош.

Аторидки, мавлойи даргаҳнишин,
Қачон хома йўнса бўлуб резачин.

Фалак уд сўзида ахгар қилиб,
Малоик ани уди мижмар қилиб.

Не коғазғаким, килки гавҳарфишон,
Қилиб меҳри заркаш анга зарфишон.

Етиб анда олтинчи кўк зевари,
Ўпуб бошиға санчибон Муштари.

Фалак аҳли ул нома кўрган замон,
Боши узра мисвоке айлаб гумон.

Қуёш чунки нур англамай айнидин,
Ани ёрутуб гарди наълайнидин.

Бўлуб сўз майиға чу ҳуши гаров,
Анга журъакаш йўқ, магарким биров.

Биров йўққи, ҳиндуйи лаъбовари,
Не ҳиндуки, жодуйи донишвари.

Не жодуки, донойи ҳикматмаоб,
Сўзи назм девонидин интихоб.

Чучук нуктадин ёпишиб номаси,
Магар найшакардин бўлуб хомаси.

Анга хома нўги қаранфул киби,
Ва ё сарвиноз узра сунбул киби.

Гаҳ ул сунбули тар қаранфул сочиб,
Қаранфул доғи гоҳ сунбул сочиб.

Сўз ичра анга тезбозорлиқ,
Бу бозор аро турфа атторлиқ.

Валек ул дўконеки мавжуд анга,
Сутуну эшик-сандалу уд анга.

Бу атторликда мақосид билиб,
Ани доли дониш Аторид қилиб.

Қачон хома дастонсаро айлабон,
Саводи жаҳонни қаро айлабон.

Чу Ҳиндустондин суруб достон,
Қилиб даҳрни дағи Ҳиндустон.

Сўзи шоҳиди мажлисоройи Ҳинд,
Бу мажлис ичида ўзи ройи Ҳинд.

Демай рой ани, балки юз Кеду рой,
Сазодур анга хокрўби сарой.

Бу ерга чекиб поя хусравлуғи,
Бийик авжида меҳр партавлуғи

Ки, дониш саводида ҳар кимки шоҳ,
Анинг хизматида бўлуб хоки роҳ.

Низомийча гар назми чолок йўқ,
Чу эл мунча – чолок йўқ, бок йўқ.

Сўз авжида гар ул маҳи ховарий,
Бу гар йўқ маҳи ховарий, Муштарий.

Анинг лаълида гар дурахшандалиқ,
Мунунг доғи дуррида рахшандалиқ[8].

Гар ул раҳрав ўлса, бу пайрав келиб,
Гар ул шоҳ, бу доғи хусрав келиб

Ки, жаннат алар маскани то абад,
Навоийға маъниларидин мадад.

Яна ҳам қилиб нақджўлуғ адо,
Бу савдоға урди қадам ҳар гадо.

Вале ҳар бирига бир офат етиб
Ким, ул ком таҳсили манъин этиб.

Анингким бўлуб назм пирояси,
Бу савдони қилмоққа сармояси.

Топиб жузъе суд бирла сурур,
Солиб кўнглига ул сурури ғурур.

Тажовуз қилиб ажзу инсофдин,
Қабартиб ўзин даъвию лофдин.

Чу тарки адаб зул этиб иқтизо,
Сўз айтурға тавфиқ бермай қазо.

Агар нақд ила бўлса ҳам борлиқ,
Анга халқ қилмай харидорлиқ.

Не қоғаздаким нукта айлаб рақам,
Рақам қилмай они яна кимса ҳам.

Киши нақл қилмоққа чекмай насақ,
Бўлуб ул варақ рамл чеккан варақ.

Бу хайл ичра бир номуроде эди
Ки, таҳрир қилғон саводе эди

Ки, гарчи юзи зебдин эрди фард,
Ниёз оҳидин лек топти навард.

Бу маънидин ар зулмат, ар нур эрур,
Сўзи гоҳ тилларда мазкур эрур.

Чу ул чошниға мушарраф бўлуб,
Ўзи жаргаликлардин Ашраф[9] бўлуб.

Булар чун адам сори кўчмиш эди,
Дегил маснавий оти ўчмиш эди.

Ҳамул боғ аро гул йўқу бўйи ҳам,
Қурумиш эди ул ариғ суйи ҳам.

Биҳамдиллаҳ, ул гул топиб рангу бў,
Бир оққан ариққа яна оқти сув.

VII

Сўз дурлари назмида низомийнизом ва такаллум гавҳарлари интизомида хусравкалом Низомий била Хусрав қойим мақоми, яъни ҳазрати махдумий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий[1] мадда зиллуҳул-олий ало мафориқи фарқат-толибин жанобида арзи ниёз қилмоқ ва изҳори

Биров олди сўз кишварин якқалам
Ки, қилди қаламни сутуни алам.

Қўлиға олиб найза ўрниға килк,
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк.

Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.

Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.

Ҳамул ўтқаким, назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб.

Чу табъидин оқиб маони суйи,
Келиб чашмаи зиндагони суйи.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик ўлган танин тиргузуб.

Чу истаб тараб табъи озодаси,
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.

Анинг журъаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон.

Не жомеки, май журъасидин наме,
Тарашшуҳ қилиб, маст ўлуб оламе.

Бу янглиғки жоми маоний тутуб,
Малак хайлиға дўстгоний тутуб.

Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,
Бўлуб чарх сўфилари журъакаш

Ки, машъуф ўлуб жоми мастонаға,
Гаров айлабон хирқа майхонаға.

Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,
Нечаким тўла бўлса холи қилиб.

Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи дастафшон, гаҳи пойкўб,

Бу навъ ўлсалар Арши Аъзам эли,
Не бўлғай, хаёл айла, олам элиғ

Чу ул жомдин оби ҳайвон топиб,
Ўни жон бериб, гар бири жон топиб.

Дема жом ила майки, назми равон,
Еру кўк элин айлади нотавон.

Қаю назм, балким жаҳон офати,
Жаҳон офати йўққи, жон офати.

Ешитмаклиги завқнок айлабон,
Вале дарки маъни ҳалок айлабон.

Ғазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей,
Деса маснавий, Аллоҳ-Аллоҳ, не дей!

Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хўб анга.

Вале маснавий ўзга оламдурур
Ки, таъбиға ҳоло мусалламдурур.

Бўлуб жилвагар табъи кўзгусида
Ки, сабт айлади «Хамса» ўтрусида.

Ерур андин ортуққи, ўксук эмас,
Ел андин дер ортуққи, ўксук демас.

Анинг байтиға гар фузундур адад,
Вале йўқтурур мунда маъниға ҳад.

Неча анда дуржи дақойиқдурур,
Вале мунда дурри ҳақойиқдурур.

Бўлур они баҳру муни кон демак,
Ани кўнгул, аммо муни жон демак.

Бурун жилва айлаб аён «Туҳфа»си,
Бериб олам аҳлига жон туҳфаси[2].

Яна «Субҳа»3 жон риштасин тор этиб
Ки, ҳар муҳра бир дурри шаҳвор этиб.

Чу Юсуф4 сўзин ошкор айлабон,

Зулайҳо киби элни зор айлабон.

Чекиб хома «Лайлию Мажнун»5 сари,
Юз офат солиб тоғу ҳомун сари.

Бу дамким қилиб хомасин дурфишон,
Скандар ҳадисидин айтур нишон.

Шак эрмаски, фатҳ айлабон хушку тар,
Скандар киби олғуси баҳру бар.

Букун комил ул навъ мафҳум эмас,
Бурун бор экан доғи маълум эмас.

Биров кўнгли оллиндаким софдур,
Агар заркаш, ар бўрёбофдур.

Агар бўлса ўз фаннида бебадал,
ғаниматдур ул борчаға филмасал.

Бировким анга нафас қудсийсифот,
Нафас бирла ўлганга бергай ҳаёт.

Қаю кимсаким аҳли идрокдур,
Анга жон фидо қилса не бокдур.

Агар нуктаи жонфизоси анинг,
Бу навъ ўлса, юз жон фидоси анинг.

Ало, токи жон бўлғай инсон била,
Тирик бўлғай инсон доғи жон била.

Ҳадисини эл жониға воя қил,
Ҳамул воядин жонға сармоя қил.

Бу сармоядин бизга коме етур,
Лаболаб майи васли Жомий етур

Ки, Жомийға ўзни қилиб журъакаш,
Сўз айлай адо, масту девонаваш.

VIII

Иноят қуёши васфидаким, файз матлаъидин тулуъ этса, тарбияти хорани ёқути обдор ва лаъли оташин қилур ва ҳидоят саҳоби таърифидаким, жуд ҳавосидин иртифоъ тутса, тақвиятидин туфроқтин лолаи сероб ва гули оташин очилур ва ўзининг кўнгли хораси ул қуёш партавин топқонин демак

Бировким, эрур ёвар иқбол анга,
Не иш қилса фархундадур фол анга.

Қаю ишгаким ройи озим бўлур,
Зафар ёру давлат мулозим бўлур.

Агар қилса хармуҳра дарйўза ул,
Бўлур кирса илгига феруза ул.

Тикон сориким қўл узотур нуҳуфт,
Қўлиға кирар ғунчаи ношугуфт.

Агар ойға тушса кўзи, кун бўлур,
Қадам қўйса туфроққа, олтун бўлур.

Қаро афъи ар етса онинг қўли,
Бўлур коми гулчеҳранинг сунбули.

Булут бошиға етса ёмғур сочар,
ғалатдурки ёмғур сочар, дур сочар.

Вале иш керак бўйла фарзонаға,
Бу янглиғ атоёда шукронаға

Ки, фориғ бўлуб халқ бедодидин,
Фароғ истамай додгар ёдидин.

Жафоси анинг дўстға етмагай,
Қаю дўст, душманға жавр этмагай.

Демай жаврким, қилса аъдоси жавр,
Анга бўлмағай тортмоқ кийна тавр.

Жафо ўтрусида вафо айлагай,

Ва гар бухл кўрса ато айлагай.

Неча топса дунё матоъиға ком,
Анинг ҳифзиға қилмағай эҳтимом.

Дема, Ҳақ неким еткурур – найлагай,
Борин Ҳақ ризосида сарф айлагай.

Ўзига аро ерда кўрмай вужуд,
Бу шукронаға Ҳаққа этгай сужуд.

Атоёни англаб, мусаббиб иши,
Ўзин билмагай ўрта ерда киши

Ким, ўтруда етгай анингдек футуҳ
Ки, шарҳиға бердим юқорроқ вузуҳ.

Булут элга дурдин атокеш эмас,
Ҳақ эҳсонидур, ул сабаб беш эмас.

Тугангач сочар файз амтор анга,
Ҳавода яна борму осор ангағ

Шукуфа чоғи елки сочқай дирам,
Бўлурму демак елни соҳибкарамғ

Қазодин анга ҳар не марқум эрур,
Чу тутти вужуд ўзга – маъдум эрур.

Манга Тенгридин бўлди рўзу бу ком
Ки, ҳар ишгаким айладим эҳтимом,

Ҳусулиға онинг узотқунча қўл,
Суҳулат била қўпти оллимдин ул.

Муродим агар хорабунёд эди,
Бўлуб гард оллимда барбод эди.

Йўлумда неким аждаҳолиқ қилиб,
Қўлумда мададға асолиқ қилиб.

Бузуғ соясида қилиб дафъи ранж,

Тушумға кириб махфи оллинда ганж.

Кўруб Тенгри лутфин фалак чоғлиқ,
Нечук қилмай ўтруда туфроғлиқғ!

Неча шукрига сажда қилсам нажанд,
Мени чунки айлар фалакдин баланд.

Сужуд ичра бу суд тутса вужуд,
Ерур бевужуд улки қўйғай сужуд[1].

Бу мужмалки килк этти таъвил ани,
Ешитсанг қилай эмди тафсил ани.

Борин айтмоқ гар эмас дилпазир,
Вале шарҳи мақсуддин йўқ гузир

Ки, чун Ҳақдин ўлди иноят манга,
Карам айлади бениҳоят манга.

Улуғ комлардин эдим бахтиёр
Ки, йўқ эрди анда манга ихтиёр.

Не тонг бўлса кўпдин-кўп ар қайғулуқ,
Тамаъ бўлса кимга улуғдин-улуқ.

Ва лекин не ғам Тенгри айлаб карам,
Улуғ муддао берса, мақсуд ҳам.

Ғаразким, чу назм ўлди туҳмат манга,
Ёйилди жаҳон ичра шуҳрат манга.

Ғазал тарзиға аввал айлаб ситез,
Жаҳон ичра солдим улуғ рустахез.

Ўқур вақти аҳли саломат муни,
Кўруб олам ичра қиёмат куни.

Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,
Билур ҳар киши боқса девонима[2].

Вале қониъ ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ**З**.

Не майдон аро сурсам эрди саманд,
Ҳавосин кўнгул қилмас эрди писанд.

Не бўстонки сайр ичра мавжуд эди,
Ҳақоратдин оллимда мардуд эди.

Хаёлимда кишварситонлиғ кириб,
Мамоликда соҳибқиронлиғ кириб.

Бу андешадин эрди кўнглумда шайн
Ки, бўлди кўнгул мойили хамсатайн.

Чу машғул бўлдум тамошосиға,
Ўтуб водию тоғу дарёсиға.

Ёримчуқ кўруб сайр тарк этмадим,
Ере қолмадиким – анга етмадим.

Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,
Ниҳон, балки ҳар байти ичра жаҳон.

Қаю гўшаким, нозир ўлдум даме,
Назарға эди жилвагар оламе.

Вале тоғининг тиғи ул навъ тез
Ки, кўк хам бўлуб, айлаб андин гурез.

Итикликта ҳар хора тоше анга,
Камарда келиб «дурбоше» анга.

Бўлуб лола қон, сабза тиғи ҳалок,
Гиёҳи доғи сарбасар заҳрнок.

Халойиққа отмоққа санги бало,
Етак ҳам тўло анда, ҳам қўл тўло.

Тўло ғорлар аждаҳойи дамон,
Дами ўйлаким аждаҳойи замон.

Ютарға чу оғизлари очилиб,
Шарори бало ҳар тараф сочилиб.

Ул ўтқа ўтун тишларидин қалаб,
Забона тилидин фалакни ялаб.

Яна баҳри заххори андоқ амиқ
Ки, анда фалак жунгидек юз ғариқ.

Убур айлаб ул ён бало сарсари
Ки, мавжи бало юзланиб ҳар сари.

Юбон кўк юзин хайли кўлок анга,
Ҳубоб англаниб гўё афлок анга.

Бало селидин мавжи хунхорроқ,
Наҳанги ажалдин ситамкорроқ.

Яна даштининг сатҳи андоқ васеъ
Ки, етмай қироғиға чархи сареъ.

Бало манзили марзу буми анинг,
Ажал шахсин ўртаб самуми анинг.

Дема девбод, андаким бори дев,
Югурмакта саргашта ҳар сори дев.

Ҳамоқат топиб чун кўруб тул анга,
Бу дашт ичра бози бериб ғул анга.

Қум ичра топиб ул биёбон гуми,
Машаққат ҳисоби биёбон қуми.

Кишиким боқиб ошкору ниҳон,
Кўруб бўйла меҳнат жаҳон дар жаҳон.

Назарға келиб ганжи беинтиҳо,
Вале ҳар бири узра юз аждаҳо.

Бўлуб чун бу оламға нозир даме,
Манга юзланиб ҳар замон оламе.

Қилиб ёд даъвою лофимни ҳам,
Соғиниб бурун дер газофимни ҳам.

Уятқа солиб бўйла ҳолат мени,
Ҳалок айлабон бал хижолат мени.

Гаҳи юзланиб ул сўзумдин уёт,
Сўзумдин демайким, ўзумдин уёт.

Гаҳи дебки, йўқ дахли имкон мунга,
Тасарруф қила олмоқ инсон мунга.

Бу андеша кўнглумда қўймай қарор,
Ҳалок айлабон ажз ила изтирор.

Ўзумдин ишим яъси жовид ўлуб,
Ишимдин кўнгул доғи навмид ўлуб.

Қулоғим бу ҳолат аро бир хуруш –
Ешиттики, дер эрди фаррух суруш

Ки: «Ей булбули зори алҳонсаро,
Вале сўз риёзида достонсаро.

Наво ичра минг лаҳнсозинг қани,
Дасотини хотирнавозинг қаниғ

Санга онча Ҳақ лутфи воқеъдурур
Ки, то турк алфози шоеъдурур.

Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши.

Санга турк ақолимин айлаб рақам,
Азалда насиб айламиш якқалам.

Насиб этти айлаб сени марзбон,
Синони қалам бирла тиғи забон.

Ки, бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен,
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен.

Бу йўл қатъидин тоймоғинг не эдиғ
Кўруб «Хамса» сустоймоғинг не эдиғ

Қаю ишки, бўлмиш муяссар санга,
Бўлурму бу андеша бовар сангағ

Ки Ҳақ лутфи бўлмай бўлуб эркин ул,
Ул очмай ёруб эркин оллингда йўлғ

Не ишгаки эл сундунг, ул4 тутти эл,
Муни ҳам аларнинг яна бири бил.

Агар очмаса Ҳақ ҳидоят йўли,
Ва гар тутмас ўлса иноят қўли.

Ким, ўлғай заиф одамизоди хас
Ки, ишта тавонолиғ этгай ҳавас.

Хусусанки, сен барчадин пастсен,
Демай хаски, туфроққа ҳамдастсен.

Ҳам элдин санга кўпрак афкандалик,
Ҳавосингға доғи парокандалик.

Не кўнглунгда қувват, не жисмингда зўр,
Нечукким, оёғ остида қолса мўр.

Босилғочки янчилса мўри заиф,
Не иш қилғали бўлғай, оё, ҳарифғ

Агарчи сен ул мўри пажмурдасен
Ки, даврон жафосидин озурдасен.

Вале Ҳақдин ўлса иноят санга,
Тулуъ этса меҳри ҳидоят санга.

Неча мўр эсанг бахт ўлуб раҳнамун,
Санга аждаҳоларни қилғай забун.

Кўнгулдин таваҳҳумни айлаб адам,
Илик ишга ур, йўлға қўйғил қадам!»

Чу ҳотиф манга бу нидо айлади,
Мен этган адони адо айлади5.

Шукуҳ онча юзланди жоним сари,
Тавон ҳам тани нотавоним сари

Ки, бўлди назар наргиси боғча,
Кўнгул ғунчасин худ не дей, тоғча.

Етиб ғайбдин чун бу неру манга,
Бўлуб сўз демак майли асру манга.

Қазодин кўруб гарм ҳангомани,
Йўнуб «Хамса» таҳририға хомани.

Кўнгул ичра шавқ ўтиға иштиол,
Кўнгулсизга назм этгали иштиғол.

Не янглиғки бор эрди қилдим шуруъ,
Нечукким мурод эрди топти вукуъ.

Қаламни чу коғазнигор айладим,
Кўп аъжубалар ошкор айладим.

Не ғоятки табъим ҳаросон эди,
Юз онча битир вақт осон эди.

Гуҳар ул қадар сочтим офоқ аро
Ки, жавф ўлди гум бу куҳан тоқ аро.

Давотимки, очти дўкони гуҳар,
Дўкони гуҳар йўққи, кони гуҳар.

Ҳамоноки юр чоғда лосин анинг,
Силоя қилурда қаросин анинг.

Томизғонда ҳар қатрае су анга,
Су ўрнида томғондур инжу анга.

Қаю қатра сув, балки дарёйи жарф
Ки, қилмиш анга Ҳақ давотимни зарф.

Давот эрмас ул ўзга олам дегил,
Не олам, ани чархи аъзам дегил!

Гар ул чархдин йўқ нишоне анга,
Недур юз жаҳони маони анга.

Бўлуб килким андоқ диловар наҳанг
Ки, баҳри маонийда қилмай даранг.

Қаёнким бу сувда тавоф айлабон,
Суни жунг янглиғ шикоф айлабон.

Маалқисса: айтурда ул маснавий,
Агарчи бор эрдим алар пайрави.

Вале дер замон қайси бир дафтарин,
Сочиб баҳри андешанинг гавҳарин.

Анга зебу зийнатлар эттим фузун
Ки, васфи эрур шарҳ этардин узун.

Камм афсона килк этти таҳрир анга
Ки, йўл топмамиш хатти тағйир анга.

Чу Ҳақдин эди келди поку силиғ,
Қаю ергаким бўлди ортуқсилиғ.

Бу янглиғ етиб тўрти итмомиға,
Бири етмамиш эрди анжомиға[6].

Шуруъи доғи нопадидор ўлуб
Ки, тағйир вазъиға душвор ўлуб.

Латойиф топилмас эди онча ҳам,
Яна тўртига лоҳиқ ўлғонча ҳам.

Кўнгулда топилмасдин озор эди,
Ва лекин топар фикрида бор эди.

Мунга тегруким назм элининг шаҳи[7],
Бу иш борча душворининг огаҳи.

Сафо базмининг софи ошоми ул,
Бу дайр аҳли сарҳалқаси Жомий ул.

Ешиттим, қилиб зеб дафтар сўзин,
Қилур назм гўё Скандар сўзин.

Вале қилмайин майл ҳолотиға,
Шуруъ айламиштур мақолотиға.

Қўюбтур тавориху афсонасин,
Битийдур деган дурри якдонасин.

Бу сўздан манга юзланиб шодлиқ,
Топиб хотирим ғамдин озодлиқ

Ки, топтим дуреким талабгор эдим,
Бериб умр нақдин харидор эдим.

Ким ул достон сори чун боққамен,
Кўп ортуқси зевар анга тоққамен.

Чу Ҳақдин бўлуб лутф зоҳир манга,
Насиб ўлди мундоқ жавоҳир манга.

Йўнуб хома, коғаз нигориш қилай,
Ҳам ул достонни гузориш қилай.

Скандар жаҳондори кишварситон
Ишидин чу назм ўлса ҳар достон.

Сўзидин доғи яхши тақриб ила,
Ҳам ул достон зайлида зеб ила,

Сурай ҳикматосо мақолотини,
Сўз ичра ажойиб хаёлотини.

Бериб достон зеби элга фиреб,
Сўзидин фиреб ўлғай ортуқси зеб

Ки, фарзоналар деб кўп афсона ҳам,
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам.

Қадам урсам ушбу ики йўлға мен,
Неким борча дебдур, демиш бўлғамен.

Бўлуб гарм не ҳарза сўзлар дедим,
Магар маст эдим, йўқса мажнун эдим.

Бу дамким хирад мендин огоҳдур,
Сўзум борча астағфируллоҳдур.

Ҳақ этгай мунга доғи илгим қавий
Ки, бўлғаймен ул хайлнинг пайрави.

Алардин қачон етмагунча мадад,
Манга нома сабт этгали қайда ҳадғ

Агарчи бу сўзни улус кам билур,
Вале мен билурмен, Худо ҳам билур.

Ки, айлаб ярим тунлар уйқу ҳаром
Ки, Ҳақ саждасиға қилурмен қиём.

Аларнинг равони пуранвориға,
Бу бирнинг доғи қуввати кориға**8**,

Қилиб фотиҳа хатми ихлос ила,
Кўзум баҳрида жисми ғаввос ила,

Қилурға ниёзимнинг исботини,
Тутуб бошқа-бошқа алар отини,

Тазаллум юзидин тазарруъ қилиб,
Мадад ҳар биридин таваққуъ қилиб.

Булардин сўнг илгимга олиб қалам,
Неким хотир истар қилурмен рақам.

Ишим тобу ошуби пинҳон эмас,
Қалам сафҳаға қўймоқ имкон эмас.

Булар йўққи, ҳар кимки назме демиш,
Ва ё бу жамоатқа дохил эмиш.

Бориға ниёзу дуодур ишим,
Алардин мадад муддаодур ишим.

Чекармен алар жоми шавқини хуш**9**,
Вале пир Жомийға мен дурдкаш.

Кетур соқиё, ул каёний қадаҳ,
Тағореки, дегайлар они қадаҳ

Ки, оғзимға қуйғон дам-ўқ сипқорай,
Оғиз андин олғоч, ўзумдин борай!

Муғанний, суруди ҳарифона чек,
Бир ун бирла тек турмағил, ёна чек!

Дема сўз, мени айла масту хароб
Ки, тонгла сўз айтурға қилғум шитоб!

Навоий, неча соқийи шангдур,
Муғанний доғи дилкашоҳангдур.

Ўзунг асрағайсен ичар чоғда роҳ
Ки, куллий иш оллингға тушмиш сабоҳ!

IX

Анингдекки, анбиёи мурсал анжумани анжумиға Муҳаммади арабий «айни»дин қуёшлиқ аён бўлди, салотини олий хайлида доғи Шоҳи ғозий[1] вужуди божудидин ҳамул ҳол зоҳир бўлғондин шаммае зоҳир қилмоқ халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва аъло шонаҳу

Азал субҳиким, мавж уруб баҳри жуд,
Бериб офаринишқа нақши вужуд.

Рақам топибон чархи мийно доғи,
Анинг жавфида жирми ғабро доғи.

Вале кўпраги сувға мақрун бўлуб,
Башар маъмани рубъи маскун бўлуб.

Ясаб чунки ҳам дўзаху ҳам биҳишт,
Башарни қилиб зишту зебосиришт

Ки, эл қисми кому бало айлагай
Ким, ул ики уйни[2] тўло айлагай.

Бу суратқа бўлғоч азалдин қазо,
Қазо элга бу навъ этиб иқтизо

Ки, бўлғай тафовут арода басе,
Бу бир тўбийи равза, ул бир хасе.

Заруратки, атвор ўлуб мухталиф,
Ҳар эл бир сифатқа бўлуб муттасиф.

Жаҳон ичра ғавғойи хайли башар,
Низоъ узра солғай басе шўру шар.

Агар бўлса баъзиға огоҳлиғ,
Бўлуб лек кўпракка гумроҳлиғ.

Солурға залолат тунига зиё,
Алар ичра ирсол этиб анбиё.

Кераклик учун забту ойин доғи,
Қилиб насб аларға салотин доғи.

Вале анбиё ичра андоққи, шоҳ
Муҳаммад келиб, ўзга – хайлу сипоҳ.

Анинг умматидин салотинда ҳам,
Биров келди шоҳ, ўзга бори хидам.

Қаю шоҳким, довари тахтгир,
Не довар, шаҳаншоҳи гардунсарир.

Бори шоҳларнинг сарафрози ул,
Шаҳи шаръойин Абулғози ул.

Вужудидин офоқ аро зебу зайн,
Улус хон бин хони Султон Ҳусайн[3].

Отиға қазо: «дома иҳсонаҳу»,
Ёзиб «халладаллоҳу султонаҳу»[4].

Жаҳон халқидин поки зоти ғараз,
Бу жавҳар келиб, офариниш – араз.

Бу аъроз аро жавҳари зот анга,
Қилиб пок гавҳарлик исбот анга.

Жаҳон дуржи ичра самин гавҳар ул,
Сипеҳр авжи узра мунир ахтар ул.

Бўлуб қадри боғи фалак олами,
Мунир анжум ул боғнинг шабнами.

Дема боғ, фаррух шабистон дегил,
Бу шабнам била кавкабистон дегил.

Не кавкаб, ани жолаи ноб де,
Дема жолаким, кирми шабтоб де.

Чу шабнам десам жавҳари жон эрур
Ки, ҳар қатра дарёи эҳсон эрур.

Ки аъдосидин юз туман минг фариқ,
Ҳамул баҳр қаърида бордур ғариқ.

Анинг кирми шабтобидур ахгаре,
Демон ахгареким, эрур аждаре.

Ёруғлуғки атрофин онинг тутуб,
Ани оғзининг шуъласи ёрутуб.

Аду бўлса бу чархи гардон анга,
Чекиб бир нафас ютмоқ осон анга.

Агар ройининг меҳри кўргузса тоб,
Қуёш заррадек айлабон изтироб.

Не тонг гар қуёш изтироб этса фош,

Анга чунки ҳар заррадур бир қуёш.

Агар базми айши тузулса, сипеҳр
Тўқуз хон келиб, анда бир қурс – меҳр.

Топиб олам ул хонларидин хўриш,
Анингдекким ул қурс ила парвариш

Сахоси чу зоҳир бўлуб баҳру кон,
Тутуб туфроғу тош ичинда макон.

Не баҳр ичра бир дурри ғалтон қолиб,
Не кон ичра бир лаъли рахшон қолиб.

Бўлуб баҳр девонау талхком,
Яқосида сочқон кафига мақом.

Вале кон гадолиғ топиб чораси,
Гадолардек атрофида хораси.

Олиб баҳру коннинг чу сармоясин,
Ики нотавоннинг ясаб воясин.

Қўлин баҳр ила кон мисоли дегил,
Саходин алар таври холи дегил.

Атоси қилиб баҳру конға жафо,
Анга баҳру кон доғи қилмай вафо.

Гули хулқи андоққи, боғи биҳишт.
Суйи чашмаи зиндагони сиришт.

Гули атри юз йилчилиқ йўл кетиб,
Юз иллик ўлук жон топиб, чун етиб.

Суйинким Ҳақ айлаб зилоли ҳаёт,
Бутуб борча андин ниҳоли ҳаёт.

Қилиб чунки бўлса балоғатшиор,
Масиҳодин анфоси жонбахши ор

Ки, бўлғоч Масиҳоға ул муддао,

Тазарруъ била айлабон юз дуо.

Юзидин бириким бўлуб мустажоб,
Ани халқ Жонбахш айлаб хитоб.

Чу ул нукта сурмакка оғзин очиб,
Демай жон бериб элгаким, жон сочиб.

Анингдек улус нутқидин жон топиб
Ки, ўлган киши оби ҳайвон топиб.

Дамидин топиб бир, агар минг ҳаёт,
Қуёшдин нечукким ёрур коинот.

Чучук тил била нўш этиб элга баҳр,
Қиличи тилидин томиб лек заҳр.

Қилич йўқ, ҳилоли дурахшанда ул,
Чопар вақтида барқи рахшанда ул.

Агар барқ эмас, нега тушган замон,
Суға етмайин бўлмай андин амонғ

Бало абридин тушгач ул илдирим,
Кўруб Дашти Қифчоқдин[5] то Қирим.

Ўқи разм вақти чу топиб кушод,
Адув жони танға дебон хайрбод.

Анинг нўгига мониъ ўлмай зириҳ
Ким, ул хасм кўнглидин очиб гириҳ.

Очилғоч гириҳ турмайин анда кеч,
Демай кечким, қилмайин макс ҳеч.

Кўруб манзили тийра етган замон
Ки, етмак ҳамон анга, ўтмак ҳамон.

Синониға гар худ қатиғ хорадур
Ки, бағри анинг нўгидин ёрадур.

Учи қатра сувдин топиб чошни,
Не тонг гар тешар қатра сув тошни.

Тешарда алар хора бор онча фарқ,
Сув андоқки ёмғур, бу андоқки барқ.

Чу разм ичра рахшиға жавлон бериб,
Адув чун кўруб ваҳмдин жон бериб.

Қилиб хасмин бир-бир ул девзод
Анингдекки, хошокни девбод.

Тушуб чун ваға оламиға даме,
Даме саъй этиб, фатҳ ўлуб оламе.

Олиб оламе, айлаб аъдони рафъ,
Бу ишдин бўлуб олам аҳлиға нафъ

Ки, олам футуҳида ҳар не етиб,
Борин олам аҳлиға эҳсон этиб.

Чекиб фитна яъжужиға бир сари,
Қилич шаклидин Садди Искандарий.

Гар ул ожири суст бунёддин,
Темурдин бу, йўқ-йўққи пўлоддин.

Скандар неча руст боғлаб тилисм,
Бу айлаб тилисмин ушотмоғни қисм.

Ушатмоғта зойиъ қилиб ранжини,
Муроди сахо айламак ганжини.

Анинг6 кўзгуси гар жаҳон кўргузуб,
Мунунг кўзгудек ройи олам тузуб.

Анинг мушкилотин ҳаким этса ҳал,
Мунинг мушкилотин ҳакими азал.

Гар ул оби ҳайвон тилай жон бериб,
Мунунг нуктаси оби ҳайвон бериб.

Гар ул саъй бирла олиб хушку тар,
Бу бесаъй базл айлабон баҳру бар.

Ало, то Скандардин ўлғай нишон,
Муни тут жаҳонда Скандарнишон.

Мутеъи қилиб баҳр ила барни ҳам,
Бару баҳр олғон Скандарни ҳам.

Мулозимларини Скандарфар эт,
Адолат уйин Садди Искандар эт.

Аёқчи, тут ойинагун соғаре,
Не соғарки, миръоти Искандари!

Ҳамул кўзгу бирла кўзум равшан эт,
Кўнгул ғунчасин, ўйлаким гулшан эт.

Муғанний! Чу гулшанда базм ўлди рост,
Будур хостким тузсанг оҳанги «Рост»![7]

У оҳангдин бизни қилсанг хушон
Ки, бўлсоқ сарандозу доманфишон!

Навоий, чу базм ўлди ороста,
Қадаҳдин тутуб моҳи нокоста.

Бу шоҳона мажлис аро бода ич,
Ва лекин қачон тутса шаҳзода, ич!

X

Хилофат тахтининг тожи зебандаси ва салтанат тожининг мулк бахшандаси, жаҳондорлиғ кишварининг соҳиб сарири ва жаҳонкушойлиқ сипеҳрининг меҳри мунири Султон Бадиуззамон[1] баҳодир мадҳида.

Хирад боғининг сарви озодаси,
Замон аҳлининг шоҳу шаҳзодаси.

Ҳаё гулистонида абри мутир,
Адаб осмонида меҳри мунир.

Асолат сипеҳрида рахшанда меҳр,
Адолат жаҳониға олий сипеҳр.

Саодат баҳорида озода сарв,
Шараф гулшанида хиромон тазарв.

Сахо равзасида гулафшон насим,
Ато вардида руҳпарвар шамим.

Камол авжининг хусрави анжуми,
Ҳамул анжуман айнининг мардуми.

Вафо гулбунининг очуқ варди ул,
Сахо баҳрининг жавҳари фарди ул.

Келиб салтанат айну, ул нури айн,
Бадиуззамон ибни Султон Ҳусайн.

Зиҳи хилқатинг нур, бал руҳи пок,
Малак зикри шаънингда руҳи фидок.

Малоиксифат пок зотинг сенинг,
Малакваш жамеъи сифотинг сенинг.

Йиғиб яхшилиқ бирла яхши қилиқ,
Қилиқдек бошингдин аёқ яхшилиқ2.

Латофат ниҳон истаб аҳли жаҳон,
Жаҳони латофат сен айлаб ниҳон.

Ниҳон лутфунг ар бемадоро бўлуб,
Ёшурғон сойи ошкоро бўлуб.

Қуёшким, эрур нур сочмоқ иши,
Нетиб нур ила они ёпқай киши.

Сўзунгдин етиб элга қути ҳаёт,
Хизр суйини гум қилиб ул уёт.

Гар ул сув бериб Хизр умриға мад,
Бу сўздин улусқа ҳаёти абад.

Чу би хосият бўлмай ул сув аро,
Ниҳон айлаб ўзни қоронғу аро.

Сўзунг айлабон умр бахшандалиқ,
Юзунгдин халойиққа фархандалиқ.

Йўқ улким, мутеъ аҳли бийниш санга
Ки, маъмури амр офариниш санга.

Йўқ улким бўлуб амру фармон била
Ки, умрунгға айлаб дуо жон била.

Ешитган малаксон сифотинг сенинг,
Дуо бирла истаб ҳаётинг сенинг.

Фалак ҳимматинг авжи оллинда паст,
Фалак аҳли худдомингга зердаст.

Қўлунг ҳиммат авжида чун очилиб,
Нужум ул дирамким, қуйи сочилиб.

Ешик хайли они қабул этмайин
Ки, жамъ айламакка нузул этмайин.

Дирам йўққи, баҳри кафинг дур сочиб,
Саҳоб, ўйлаким ерга мўлдур сочиб.

Бу янглиғ ёғинлар била ул саҳоб,
Бериб чарх бўстониға обу тоб.

Тун ул бўстон ичра сунбул киби,
Вале кун очилғон сариғ гул киби.

Ёйиб сунбули мушк исин даҳр аро
Ки, даврон шабистонин айлаб қаро.

Чу сориғ гулин чарх боғи очиб,
Табақ бирла оалмға олтун сочиб.

Анингдекки бўлғонда ул зарфишон,
Етиб борча оламға андин нишон.

Ало, то қуёш зарфишон ўлғуси,
Саҳоб илги гавҳарфишон ўлғуси.

Қадаҳ – базми айшинг аро зарнигор,
Жавоҳир қилиб они гавҳарнигор.

Тўлуб ул қадаҳ лаъли рахшон била,
Не рахшанда лаъл, оби ҳайвон била.

Сен ичмакка айлаб анга илтифот,
Дамо-дамки бўлсун мумидди ҳаёт.

Кетур соқий, ул майки рахшандадур,
Анинг нашъаси файз бахшандадур.

Кўнгул масканин лавнидин гулшан эт,
Назар ҳужрасин тобидин равшан эт.

Муғанний, суруде чек андоқ баланд
Ки, тушсун сипеҳр аҳлиға дилписанд!

Унунг савтини олий овоза эт,
Сўз овозасин кўнглума тоза эт!

Навоий, сўз айтурда фарзона бўл,
Чу иш бошингга тушти, мардона бўл!

Баҳона тариқини барбод қил,
Суруб достон, нукта бунёд қил!

XI

Бу гавҳарфишонликдин чун улуғ мақсуд тарих илми махзаниға вуқуф топмоғлиғ ва бу жавоҳир нишонликдин куллий мурод салотини мозия ҳолоти макшуф бўлмоғ эрди, ул жиҳатдин Ажам мулукиким, тўрт табақа воқеъдурурлар, алар аҳволидин ижмол тариқи била ихтисор этилди ва аввалғи табақаким пешдодийлардурур пешниҳод алар ишлари шарҳин қилинди

Бу тарих сурат нигорандаси,
Бу янглиғ бўлур сўз гузорандаси:

Ки андинки Одам алайҳиссалом,1
Хилофат саридида тутти мақом.

Анга тегруким, шоҳи Маккий лақаб,
Не Маккий лақабким, Расули араб

Муҳаммадки2 эрди русул шоҳи ул,
Ладуний улумнинг огоҳи ул.

Қилиб Ҳақ ани саййидал-мурсалин,3
Рисолат уза бўлди маснаднишин.

Бу мобайн аро воқеъ ўлғон мулук
Ки, кўргуздилар шаҳлиғ ичра сулук.

Кўп эттим таворих ўқур сори майл,
Ҳамоноки бор эрдилар тўрт хайл

Ки, тарих таҳририн этган рақам,
Битибдур аларни «Мулуки ажам».

Агарчи кўп ўлмишдурур ихтилоф
Ки, бор ихтилоф айлаганлар маоф

Ки, солмишдурур имтидоди замон,
Ҳаводиски, ом айламиш осмон.

Таворих вазъиға беҳад футур
Ки, андин бу фан ичра бўлмиш қусур.

Вале улча бергайлар андин хабар,
«Низом ут-таворих»4 эрур муътабар.

Қилиб ўзгалар бирла татбиқ ҳам,
Бу сарнома фиҳрастин эттим рақам.

Буларники сабт айладим тўрт қисм,
Ешит эмди бориға тариху исм.

Бурунғиға келди лақаб Пешдод,
Икинчи эмишлар Каёнийниҳод.

Учунчига Ашконий ўлди лақаб,
Яна бирга Сосоний ўлди лақаб.

Вале Пешдод5 ўлди ўн бир киши,
Бурун салтанат келди бу қавм иши.

Алар пешвоси Каюмарси[6] род
Ким, ул қўйди тахт узра ойини дод.

Тутуб гар жаҳонни асоси анинг,
Даду ваҳш чарми либоси анинг.

Яна бир жаҳондор Ҳушанг7 эди
Ки, зебандаи тожу авранг эди.

Анга йўқ хирадмандлиғ ичра ҳад,
Битиб нусхае «Жовидони хирад».

Чу ул борди, Таҳмурас8 ўлди падид,
Анга боғлади олам аҳли умид.

Басе шаҳр оламда қилди бино,
Нишопуру Марву Сипоҳон9 яно.

Яна сурди Жамшид10 оламға рахш
Ки, ҳам тахтгир эрди, ҳам тожбахш.

Халойиққа кўп еткуруб интифоъ,
ғариб амр кўп айлади ихтироъ.

Яна даҳр дороси Заҳҳок11 эди,
Ки, эл қони тўкмакта бебок эди.

Неча кун ишига кўрунди сабот,
Борур чоғ кўрунди анга асру бот.

Фаридун12 эди сўнгра офоқгир,

Анга бори офоқ фармонпазир.

Боши узра тожи Каёний бўлуб,
Дирафши анинг ковиёний бўлуб.

Манучеҳр13 бўлди валиаҳд анга
Ки, маснад эди бу куҳан маҳд анга.

Фурот ариғин ул равон айлади,
Шажар эктию бўстон айлади.

Яна топти Нувдар14 жаҳондин наво,
Жаҳон мулкига бўлди фармонраво.

Вале даҳр комин раво қилмади,
Анга доғи олам вафо қилмади.

Яна шоҳлиғ қилди Афросиёб15,
Вале қилди Эронни зулми хароб.

Замонида гар эрди обод кам,
Ани қўймади чарх обод ҳам.

Бўлуб Зоб Таҳмоспнинг[16] навбати,
Фалакдин ўтуб чатрининг рифъати.

Мусаллам анга эрди аврангу тож
Ки, боғишлади ети йиллиқ хирож.

Чу олам тиҳи бўлди Таҳмоспдин,
Замон зебу фар топти Гаршосбдин17.

Фалак тавсанин гарчи ром айлади,
Чу вақт ўлди, ул ҳам хиром айлади.

Бари даҳрнинг сарфарози эди,
Вале даҳрдин барча бози еди.

Кетур соқий, ул жоми жамшедсоз
Ки, қилғай жаҳондин мени бениёз.

Чу йўқ шоҳлиғ расми огоҳлиғ,
Ерур майдин огоҳлиғ – шоҳлиғ.

Муғанний, «ажам»18 ичра тутқил нағам,
Сиғур анда зикри «Мулуки ажам».

Алар Пешдод эрканин ёд қил,
Манга сен доғи тарки бедод қил.

Навоий, ажаб ерга етмиш сўзунг,
Не элдур булар, худ билурсен ўзунг!

Адаб бирла шоҳона соғар сумур,
Димоғинг чу гарм ўлди афсона сур!

XII

Иккинчи табақаким каёнийлардурур аларнинг олий тахтлари ва каёний Тожларин бошдин-аёққача демак

Бировким, бу сўз айлади ибтидо,
Қилур «Фурс тарихи» бу навъ адо

Ким, эрди Каёний иккинчи гуруҳ
Ки, оламда эрди алардин шукуҳ.

Булардин бурунғини бил Кайқубод1
Ки, эрди хирадманду одилниҳод.

Магар Рустам2 ул вақт эди навжувон
Ки, бўлди анинг оллида паҳлавон.

Яна тутти Ковус3 офоқни,
Тамаъ айлади чархи нуҳ тоқни.

Сипаҳдори Гударз4 эрдию Тус,[5]
Сиёвушқа[6] ёрутти нори мажус.

Яна бўлди Кайхусрави[7] покрой,
Жаҳон аҳлиға рой ила кадхудой.

Сипаҳдор анга Тусу Гударзу Гев,
Фаромарз ила Рустаму Золу Нев[8].

Яна бўлди Луҳросб[9] мулк узра шоҳ,
Кўпи Балх[10] эрди анга тахтгоҳ.

Яқиндин анга тийра бўлди басар
Ки, лашкаркаши бўлди Бухтуннасар[11].

Яна мулк уза қилди Гаршосп[12] ҳукм,
Нечукким, қилиб эрди Луҳросб ҳукм.

Вале тутти Зардушт[13] ойини ул,
Мажус[14] ўлди истаб, алар дини ул.

Яна мулк уза тутти Баҳман[15] қарор,
Ўчурди залолат ўтидан шарор.

Агар Зобулистонға[16] солди футур,
Вале Байти мақдасқа берди сурур.

Чу ул борди мулкини берди Худой
Қизиғаки, бор эрди оти Ҳумой.[17]

Чу тавфиқ анга бўлди омузгор,
Неча йил анга тўқтади рўзгор.

Вафо қилмай ул оламороға мулк,
Яна мунтақил бўлди Дороға[18] мулк.

Шаҳе эрди ул шимаси адлу дод,
Буюрди жаҳон аҳлиға инқиёд.

Анинг ўғли Доройи Доро[19] эди
Ки, андин сўнг ул оламоро эди.

Вазири бўлуб шоҳ ила хашмнок,
Анинг қасдидин бўлди Доро ҳалок.

Скандарки гардунға чекти ливо,

Анинг асрида бўлди фармонраво.

Ўз ўрнида гар зикри топти вуқуъ,
Вале қилмағум қиссасиға шуруъ.

Каёнийлар эрди бу тўққуз киши
Ки, чекти аларни фалак гардиши.

Вале, ўйлаким кўкка чекти баланд,
Қаро ер уза солди охир нажанд.

Аёқчи, майи дўстгоний кетур,
Тўло айла жоми Каёний кетур

Ки, давронки, ойини ўлмиш жафо,
Не Кайга, не Дороға айлар вафо.

Муғанний, тузуб нағмаи Паҳлавий,[20]
Суруде анинг бирла чек маънавий!

Бу шаҳларки назм ичра қилдим савод,
Сурудунг аро сен доғи айла ёд.

Навоий, май ич, доғи бўл раҳшунос,
Бу шаҳлардин эт ўз ишингни қиёс!

Жаҳондорларни жаҳон қилса паст,
Топа олмағайму гадоларға дастғ

XIII

Учинчи табақаким, ашконийлардурурким, аларни мулуки тавойиф ҳам ебдурлар, алар ҳолатидин достон сурмак

Муаррихки ёзди «Мулуки Ажам»,
Бу янглиғ қилур достонни рақам

Ки, ўн тўқуз эрди учунчи мулук
Ки, бор эрдилар олам ичра мулук.

«Мулуки тавойиф»ки машҳур эрур,
Булардурки, дафтарда мастур эрур

Ки, Искандари1 кордон этти насб,
Мамолик аро ҳукмрон этти насб.

Алардин бири Ашки Доро[2] эди
Ки, кўп шавкати ошкоро эди.

Неча кун қилиб зулм ё адлу дод,
Жаҳон мулкига айлади хайрбод.

Чу Ашкони Дороға қолди жаҳон,
Қилиб зулмни эл кўзидин ниҳон.

Жаҳон Ашки Ашконға3 бўлғач мақом,
Зуҳур этти Исо алайҳиссалом.

Чу Баҳроми Шопурға4 қолди даҳр,
Бори даҳр эли адлидин топти баҳр.

Ялош ибни Баҳром5 сургач саманд,
Фалак буржиға маҳкам этти каманд.

Чу олди жаҳон Ҳурмуз ибни Ялош,[6]
Адолат ўтар даҳр аро қилди фош.

Яна Нарси ибни Ялош7 олди тахт,
Неча кун ани комрон этти бахт.

Яна қолди Ферузи Ҳурмузға8 тож,
Ўкуш тожварлардин олди хирож.

Ялош ибни Феруз9 чун билди мулк,
Тафохур анинг адлидин қилди мулк.

Яна Хусрав ибни Ялош10 ўлди шоҳ,
Анга ер юзин тутти хайлу сипоҳ.

Яна шаҳлиғ этти Ялоши Ялош,[11]

Кишига анинг бирла бўлмай талош.

Яна Ардавони Ялош[12] ўлди тунд,
Анинг тиғини ҳам фалак қилди кунд.

Яна Ардавон ибни Ашғон[13] бўлуб,
Замона анинг узрини ҳам қўлуб.

Жаҳон олди Гударзи[14] Ашғон яна,
Анга ҳам жафо қилди даврон яна.

Яна шоҳ Тийри Гударз эди
Ки, манзилгаҳи бу куҳан марз эди.

Яна бўлди Гударз Тийри улуғ,
Ани ҳам завол айлади қайғулуғ.

Яна тутти олам юзин Ардавон[15]
Ки, чекти ани чархи ахзар давон.

Буларға доғи боқий ўлмай ҳаёт,
Фалак мулкни берди бот, олди бот.

Кетур соқий, ул соғари лаълранг,
Анга даврида зоҳир этма даранг.

Чу йўқтур даранге фалак жомиға,
Кўнгул қўйма оғозу анжомиға.

Муғанний, бу шаҳларки чектим тироз,
Алар ёдиға нағма чек дилнавоз

Ки, нағманг била бир қадаҳ нўш этай,
Даме нуктадин тилни хомуш этай.

Навоий, бу шаҳларки кўрди жаҳон,
Букун барча туфроғ ародур ниҳон.

Чу бориға ул ён азиматдурур,
Замоне хуш ўлмоқ ғаниматдурур.

XIV

Тўртунчи табақа сосонийлар эрдиларким, жаҳон мулкида жаҳон мулкида жаҳонбонлиқ қилдилар ва рубъи маскун мамлакатин билдилар

Навосози деҳқони озарпараст,
Бу навъ этти сўз риштасин борбаст

Ки, тўртунчи хайл улча шоҳ эрдилар,
Фалакқадру анжумсипоҳ эрдилар

Ки, ҳоло адамдур аларға мафар,
Йигирми дурур, доғи тўқуз нафар.

Бири Ардашер ибни Бобак1 эди
Ки, баъзи эл они валий ҳам деди.

Яна эрди Шопур2 бин Ардашер
Ки, шоҳе эди кордону далер.

Ул этти бақо мулки сори хиром,
Қўюб ўғли Ҳурмузни3 қойим-мақом.

Яна тегди Баҳроми Ҳурмузға4 тож,
Жаҳон ичра адлидин ўлди ривож.

Яна қилди Баҳроми Баҳром5 жаҳд
Ки, даҳр этти тоза анинг бирла аҳд.

Яна ўғлиға даҳр аро ком эди
Ки, Баҳроми Баҳроми Баҳром[6] эди.

Яна қилди Нарсини7 чарх аржуманд,
Ҳам охир адам сори сурди саманд.

Яна Ҳурмузи Нарси8 этти ғулув
Ки, қадри фалакдин ошурди улув.

Яна етти Шопури Ҳурмузға9 зўр
Ки, солди сипаҳ бирла оламға шўр.

Яна Ардашер ибни Ҳурмузға[10] кавн,
Етишти чу ул Тенгридин топти авн.

Яна қилди Шопури Шопур[11] кин
Ки, офоқ анга бўлди зери нигин.

Яна тузди Баҳроми Шопур[12] жайш
Ки, илгига олди тўла жоми айш.

Яна олди Ферузи бин Яздижирд,[13]
Жаҳонда қилиб адлу инсоф вирд.

Яна шаҳ Ялош ибни Феруз[14] эди,
Адолат била оламафруз эди.

Қубод ибни Феруз[15] ҳам тузди базм,
Бу кох ичра, лекин қўюб қилди азм.

Яна бўлди Жомосб[16] кишварситон,
Жаҳон бўлди инсофидин бўстон.

Чу тахт олди Нуширвони Қубод,[17]
Ул этти бино даҳр аро адлу дод.

Яна Ҳурмуз ибни Анушировн,[18]
Киюрди жаҳон жисми ичра равон.

Чу Парвези Ҳурмузға[19] чарх ўлди ёр,
Замонида шод ўлди мулку диёр.

Чу Шеруя[20] оғози кин айлади,
Азиз элни хору ҳазин айлади.

Яна Ардашер[21] ўлди чун қаҳрамон,
Анинг қаҳриға қолди аҳли замон

Яна Ардашер ўлди кишварҳудой,
Жаҳон аҳлиға бўлди раҳматфизой.

Яна Кисри Арслон[22] топти фар,

Адам мулкига ул ҳам этти сафар.

Яна Кисри[23] ўлди жаҳон довари
Ки, гардундин ўтти анинг афсари.

Яна даҳр Туронни[24] қилди азиз
Ки, нисбатда Парвезға эрди қиз.

Жаҳон олди Парвези Баҳром[25] ҳам,
Қўлиға тутуб тиғ ила жом ҳам.

Яна бўлди Озарми[26] афсарпараст
Ким, ул топти Турон ерига нишаст.

Яна Фаррух[27] олди жаҳон кишварин,
Солиб адл аро табъи донишварин.

Яна Яздижирд[28] олди мулку диёр,
Ки, дерлар лақабда ани Шаҳриёр.

Қаю бирки мулк олди топти сурур,
Мубаддал сурурига бўлди ғурур.

Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Гумони ҳамон эрди – кетмак ҳамон.

Қутулди алар даҳр озоридин,
Кетиб бори, қолди жаҳон боридин.

Аёқчи, манга жоми шоҳона тут,
Туганган сойи тўлдуруб ёна тут!

Чу кетгумдурур, даҳр базми қолиб,
Кетай бори комимни майдин олиб.

Муғанний, суруд айтибон руд туз,
Вафосиз жаҳон бирла падруд туз!

Чу кетмаклик андин эрур ногузир,
Даме хушдил ўлмоқ эрур дилпазир.

Навоий, бу янглиғ эмиш даҳр иши,
Вафо кўрмамиш ҳаргиз андин киши.

Кишилик будурким, унутсанг ани,
Чу таркинг қилур, тарк тутсанг ани!

XV

Искандар достонининг оғозиким, ҳақ анжомиға еткурғай ва тарихининг ифтитоҳиким, Тенгри ихтитоми рақамин сургай ва анинг насабида ихтилофким, тарих аҳли қилмишлар ва ул ихтилофни рафъ этиб, аҳли таҳқиқ ишининг ҳақиқатин билмишлар ва малик Файлақуснинг дори бақоға кетгани ва Искандарнинг мулки фоний тахтин мақом этгани

Нигор айлаган нақши румийтироз,
Очиб парда, бу навъ кўргузди роз

Ки, бу тўрт хайлики топти адо
Ки, кўк тоқиға солдилар кўп садо1

Ки, давронлари тўрт минг уч юз ил,
Яна ўттуз олтию ўн ой бил.

Бу муддатда кимдинки осор эди
Ки, кишваркушо бал жаҳондор эди.

Топиб беш юзу балки минг йил амон,
Бу муддатда маҳкуми – аҳли замон.

Қилиб улча хотирға келганча иш,
Аларға насиб ўлмади онча иш.

Ки, оз вақт аро шоҳи Яздонпараст,
Скандарга офоқ аро берди даст.

Билингай, дейилганда бир-бир иши
Ки, халқ этмади Тенгри андоқ киши.

Бу мужмалки васф айладим зотини,
Қилай эмди боринг исботини.

Ҳамул тўрт хайлики ёздим сутур,
Икидин сўнг2 Искандар этти зуҳур.

Каёнийлар ўлғонда бир-бир ниҳон
Ки, Доройи Баҳманға қолди жаҳон.

Мубоҳот этиб тахт ила тож анга,
Берурлар эди шоҳлар бож анга.

Бу фурсат аро волийи Руму Рус,
Шаҳе эрди оти малик Файлақус.3

Маликваш келиб ҳар сифоти анинг,
Малакваш вале пок зоти анинг.

Низомийки назм аҳлиға шоҳ эди,
Бу шаҳ саргузаштидин огоҳ эди,

Китобида дер чоғ нишонин анинг,
Бу янглиғ деди достонин анинг

Ки, насл ичра йўқ эрди пайванд анга,
Мурод эрди оламда фарзанд анга.

Бу савдо солиб жисмиға печ-печ,
Гум ўлмас эди ул таманноси ҳеч.

Магар бир кун овдин олиб кўнгли баҳр,
Тараб бирла айлаб эди азми шаҳр.

Кўрунди йўли узра вайронае,
Йўмурган фалак зулми кошонае.

Тоши хасталар кўнгли янглиғ синуқ,
Ичи мотамийлар ичидек бузуқ.

Бу вайрона ичра шаҳи бахтиёр,
Сабосайрини сурди беихтиёр.

Кўрарким, қўюб ҳамл бир ҳомила,
Қарин қолмайин руҳ анга жисм ила4.

Ётиб оллида тифли зору забун,
Чекиб гаҳ-гаҳе йиғлағон янглиғ ун.

Бўлуб шоми риҳлат анонинг куни,
Келиб гоҳу гаҳ йўқ – ўғулнинг уни.

Унига буким йиғламоғни қотиб,
Ано сўги[5] они магар йиғлотиб.

Солиб чун аларға назар Файлақус,
Дегил тушти кўнглига нори мажус[6].

Буюрдики, маҳрамваш эл еттилар,
Ўлукни ҳамул ерда дафн эттилар.

Ўзи тифлни олди эъзоз ила,
Қилур эрди парварда юз ноз ила.

Скандар атаб, ўғли билди ани,
Ўларда валиаҳд қилди ани.

Муаррих яна навъ ҳам сурди сўз
Ки, нисбатда Дороға еткурди сўз

Ки, Дороға берди қизин шоҳи Рум,
Ясаб зеб ила, ўйлаким нахли мум.

Бир иш бўлдиким, бемадоро ани,
Атосиға қайтарди Доро ани.

Ҳамоноки сур айлаган тун – саҳоб
Садафқа тўкуб эрди дурри хушоб.

Чу вақт ўлди, фош айлади ул садаф,
Дуреким, жаҳон топти андин шараф.

Яна бўйла сўз доғи мазкур эрур
Ки, «Таърихи фурс» ичра мастур эрур.

Ки, оламда ики Скандар эмиш
Ки, икиси давронда довар эмиш.

Бири улки, Доро била қилди разм,
Бири буки, сад боғлаю этти азм.

Ва лекин бу фурсатки донойи даҳр,[7]
Берур эрди бу қиссадин элга баҳр.

Ки, жоми сафо урди элга сало
Ки, Жомийға еткурмасун Ҳақ бало.

Скандар иши эрди манзум анга,
Бори ҳолати эрди маълум анга.

Манга ҳам чу машғуллуқ бу эди,
Таворих оллимда ўтру эди.

Бу ерда мени чунки ажз этти лол,
Ўпуб ерни, донодин эттим савол.

Скандарга ики эканни адад,
Чу оллинда таҳқиқ эди, қилди рад:

«Ул ишлар, – деди, – бирга воқеъдурур,
Гувоҳи анинг насси қотеъдурур»**8**.

Анингдекки аслин Низомий деди,
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди

Ким, ул Файлақус ўғли эрмиш яқин,
Емас аҳли таърих тардиди чин.

Қилинди чу таҳқиқ тадқиқ ила.
Қилай эмди тадқиқ таҳқиқ ила.

Бу янглиғ баён этти таърихсанж
Ки, чун ёвар ўлди саройи сипанж.

Скандарни топти малик Файлақус,
Ясаб мулкин андоқки зебо арус.

Очиб бахшишу базл абвобини,

Тузатти басе сур асбобини.

Мулукона тартибу ойин била,
Ёрутти кўзин ул жаҳонбин била.

Қилиб ҳифзиға кеча-кундуз қиём,
Фузунроқ этиб дам-бадам эҳтимом.

Бериб парваришқа муносиб хўриш,
Муносиб хўришдин топиб парвариш.

Ани асрамай коху айвон аро,
Ясаб ер кўнгул ичра, бал жон аро.

Нечукким тенгиз дурри шоҳонасин,
Тенгиз йўққи, кон лаъли якдонасин.

Анга тегруким бўлди лафзи дуруст,
Тааллум иши вожиб ўлди нахуст.

Нақумоҳис9 оллинда дастур эди
Ки, ҳикматқа оламда машҳур эди.

Сипеҳр авжиға фикри суръатнамой,
Фалак сайридин ройи мушкилкушой.

Назар чобукин чун қилиб тезбин,
Бўлуб нозири важҳи айнул-яқин.

Киши йўқ билик ичра монанд анга,
Арастуи фарзона фарзанд анга.

Чу тадбир ила дафъи офот этиб,
Анинг ройидин шаҳ мубоҳот этиб.

Бори илм аро, ўйла соҳиб камол
Ки, комил анингдек топилмоқ маҳол.

Скандарни доноға топшурди чуст
Ки, донишнинг авроқин этгай дуруст.

Ўзига шараф билди доно муни

Ки, ул воқиф эрди валодат куни.

Боқиб чархнинг борча ҳолотиға,
Кавокибнинг иқболу офотиға.

Кўруб мустақимин, билиб рожеъин,[10]
Ёзиб эрди мавлудининг толеъин.

Қилиб ҳукмлар анжум арқомида,
Рақамлар қўюб эрди аҳкомида

Ким, ул тифли фаррухпайи покзод,**11**
Шаҳе бўлғуси поку фаррухниҳод.

Ети кўк уза шавкати етгуси,
Юруб рубъи маскунни фатҳ этгуси.

Кириб шоҳлар қуллари сониға,
Бўюн қўйғуси тавқи фармониға.

Сипеҳр авжиға еткуруб ҳимматин,
Фалак тоқида чолғуси навбатин.

Чу ҳайъатда табъи жадал қилғуси,
Фалак мушкилотини ҳал қилғуси.

Қилиб хурдадон табъи ҳикматни қисм,
Басе ерда соз этгусидур тилисм.

Риёзий била тузгусидур расад,
Илоҳий била фитна оллиға сад.

Жаҳон мулкини чун мақар қилғуси,
Тенгиз ичра йиллар сафар қилғуси.

Анга ҳақ насиб айлабон хушку тар,
Юруб фатҳ қилғусидур баҳру бар**12**.

Ҳаким англамиш эрди чун барча ҳол,
Бу иқболдин бўлди ишратсигол.

Мураттаб қилиб лавҳи иршодини,
Анга қилди таълим бунёдини.

Қаю ишни таълим қилғон замон,
Ешитмак ҳамон эрди – билмак ҳамон.

Билиб бўлмас эрди тавақкуф анга,
Қилур эрди турлук тасарруф анга.

Бу янглиғки теъдод бўлди сифот,
Ҳамоно ўн ончани касб этти бот.

Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Чу тутти мусаллам камолотин эл,
Диловарлиғ амриға чуст этти бел.

Не ишким сипоҳиға нафъ айлагай
Ки, андин адусини дафъ айлагай.

Гаҳи маркаб узра силаҳшўр эди,
Яёғликда гаҳ варзиши зўр эди.**13**

Демайким, ўқи очти тори зириҳ
Ки, тори тахайюлдин очти гириҳ.

Синони била тикти ахтар кўзин,
Не ахтар кўзин, чархи ахзар кўзин.

Анинг тиғи хорони қилди шикоф
Ки, кемухти ғабродин этти ғилоф.

Камандинки чин-чин қила бошлади,
Фалак қалъаси буржиға тошлади.

Қачон гурзини қилди хоронабард,
Қатиғ хорадин кўкка еткурди гард.

Чу майдон аро зўр расмин тузуб,
Чурук ип каби аждаҳони узуб.

Ва гар ройи бирла бўлуб чорасоз,
Диловарлиғу кучга бўлмай ниёз.

Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.

Атоси доғи чун суруб эрди умр,
Видоъ этгали еткуруб эрди умр.

Қадининг хамидин билиб эрди хайл
Ки, жисмиға туфроқ сари бўлди майл.

Қувосини заъф айлаган чоғда суст,
Скандар бўлуб эрди шаҳлиғда чуст.

Ўзи бўлди Тенгрига пўзишпазир,
Скандарга топшурди тожу сарир.

Чу ўғлиға тахтини қилди мақом,
Ўзи айлади тахта сори хиром.

Ҳамоно ики шох берди дарахт,
Бирин йўндилар тахтау бирни тахт.

Не қушқаки бир шохи маскандурур,
Яна шохи сўнгра нишимандурур.

Скандар чу кўрди ато маргини,
Яқин эрди қилғай жаҳон таркини.

Чу муставли ўлди бу ният анга,
Ато қилмиш эрди васият анга

Ки: «Мулкумда бегонани қўймағил,
Шабистонима ёнани қўймағил!

Ҳаримим аро кирмасун ҳеч ёт
Ки, бўлғай анга пардадарликда от!

Сени истабон топқонимдин мурод
Будурким, қачон айласам хайрбод.

Сен ўлсанг чу қойим мақомим менинг,
Бабод ўлмағай нангу номим менинг».

Бу сўз ёдиға келгач ўлди зарур,
Етурмак ато пардасиға сурур.

Ҳамият доғи монеъ ўлди басе
Ки, елдин зилолиға тушғай хасе.

Ато сўгини айлагач бартараф,
Сариру нигин топти андин шараф.[14]

Ато тахтини чун мақом айлади,
Тузуб руд, оҳанги жом айлади.

Аёғчи, бер ул жавҳари ғамзудо**15**,
Дема ғамзудо, жоми мотамзудо.

Ки, андин сумурсам ғамим қолмасун,
Ато сўгидин мотамим қолмасун.

Муғанний, қилиб соз руди нишот,
Анинг бирла тузгил суруди нишот

Ки, сўз тахтида бўлдум оромгир,
Бўлай таҳният базмида жомгир!

Навоий, жаҳоннинг фирибин ема,
Хирад оллида нақшу зебин дема.

Чу даврон иши бевафоликдурур,
Фузун шоҳлиғдин гадоликдурур.

Гадоеки қайд ўлғай андин йироқ,
Муқайяд жаҳондордин яхшироқ!

XVI

Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиғи таърифидаким, жаноҳҳайнининг сояси қуёшнинг анқойи заррин жаноҳиға зулмат Қофида нишиман берур ва азимжуссалиғи васфидаким, байзонинг сиймин байзосин

жаноҳайни остиға яшурур ва ҳар гадоға ул соя тушса, салотин анинг гадойидурур ва ҳар шоҳдин соясин олса гадо анинг қошида шоҳ кўринур

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Киши нақди гар бир қаро мис эмас,
Агар ҳиммати бўлса муфлис эмас.

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

Бу расм ўлди ойини дайри фано
Ки, ҳурмат топар кимда бўлса ғино.

Чу ҳиммат эрур кимиёйи вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.

Бировким, анинг кимиёдур фани,
Ани деса бўлғай эл ичра ғани.

ғинодур чу эл ҳурматиға сабаб,
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
ғани бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

Пашизе агар тугди эрса лаим,
Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.

Десаким: очай тонгла, ёхуд бугун,
Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Очардин эмас коми тарқотмоғи,
ғараз бор анга ўзга бир қотмоғи.

Кўрунмай дирам икдин очмоғи хўп,

Дирам ҳар неча кўп, тугун доғи кўп.

Очар бўлса андин саросар гириҳ,
Солур кўнглига бир гириҳ ҳар гириҳ.

Айиғ лаъбидин жатқаким нон эрур,
Ани итга солмоқ не имкон эрур.

Бижин топса ер, то ичига сиғар,
Не қолса овуртиға борин йиғар**1**.

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнгоғ
Кўмар ерга ҳар не ўғурлоди зоғ.

Ер остики сичқонға кошонадур,
Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур.

Разолатни ҳаддин қачон ошурур,
Ўзидин доғи туъмасин ёшурур.

Нажосат йўлидин қўюб гулхани,
Захирам, деб анбор айлар ани.

Жуалдур тезак тошимоқдин забун
Ки, бўлмиш қарориб, юзи сарнигун.

Ани қўймас ўлмаклигин билса ҳам,
Неча от оёғиға янчилса ҳам.

Кўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,
Анингдекки, йиғмоғни аҳли карам.

Карамдин бировким тиҳи жайб эрур,
Тиҳи айламак жайб анга айб эрур.

Бу иш ҳиммат аҳлиғадур ибтило
Ки, жайби дирам бирла бўлғай тўло.

Карамсизки бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга.

Емас элки амвол аро бўлса ғарқ,

Алар бирла муфлислар ичра не фарқғ

Десам ҳам бўлурким, эрур фарқи кам,
Хирад оллида кўпдурур фарқи ҳам

Ки, ҳар неча бемоя бўлса лаъим,
Анга кимсадин йўқдурур ҳеч бим2.

Вале бўлди чун ганжию махзани,
Халойиқ эрур жонининг душмани.

Қизил тулку ёхуд қаро киш киби
Ки, бўлғай туки қатлининг мужиби.

Садафдекки йиққон учун дурри пок,
Қилурлар олур чоғда кўксини чок.

Кўнгул ҳиммат аҳлиғаким бўлди кенг,
Ғино бирла фақр ўлди оллинда тенг3.

Не ганж ўлса бермакда бордур азиз,
Не номус этар бергали бир пашиз4.

Мубоҳот қилмас емактин кулоч,
ғамин бўлмас ар топса ёвғон умоч.

Хирад аҳли чунким тааммул қилур,
Тафовут бу икида ҳам топилур.

Не нақдеки аҳли карам сарф этар,
Анга халқдин кўп машаққат етар.

Агар йўқ анга базл этар дастрас
Ки, зоти аро ҳиммати ганжи бас.

Не элдин топар ҳар замон юз малол,
Не аҳволиға юз қўяр ихтилол.

Кишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,

Ҳалок истамас новакандоз анга.

Агарчи эрур мушак отмоқ иши,
Булут момуғин ўртай олмас киши.

Неча тифл қилса пулаб хийралиқ,
Қачон шамъи анжум топар тийралиқғ

Тутайким, бийик тоққа чиқсун паланг,
Тўлун ойға секриб етургайму чангғ

Баланд айлабон ҳиммат ул бениёз
Ки, ҳар неча ҳиммат бийик, меҳнат оз.

Бировгаки ҳиммат қилур ёрлиқ,
Гадолиқ тилар, йўқ жаҳондорлиқ.

Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,
Жаҳондорликдин вале ор этар.

Дема фақр кўйи гадойин гадо
Ки, шаҳлар шаҳи қилмиш они Худо.

Қилур подшо ул гадолиқ ҳавас,
Нечукким, гадо подшолиқ ҳавас.

Магар Ҳақ етургай бу огоҳлик
Ки, фақр истагай эл, қўюб шоҳлиқ.

XVII

Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки филҳақиқат подшолиққа етган гадо ҳикоятиким, Искандар ани мазаллат чоҳидин чиқориб, салтанат кохиға ўлтуртмоқ истади ва ул тож таркин қилиб, бошидин тарки тожихаёлин чиқорэмади.

Эшиттимки, Искандари номдор,
Чу бўлди жаҳон аҳлиға комкор.

Не кишварки бўлди мусаххар анга,
Мутеъ ўлди доройи кишвар анга.

Ҳамул шаҳни кишварға шоҳ айлади,
Ҳамул элга кишварпаноҳ айлади.

Шаҳу мулкдин кўнгли тинғоч тамом,
Яна мулк азмиға қилди хиром.

Магар фатҳ бўлғонда Мағриб замин,
Шаҳи зоҳир айлаб эди қатлу кин.

Чу разм ўти бўлмиш эди бартараф,
Шаҳ ўлмиш эди разм ичинда талаф.

Скандар чу фаҳм этти хасмин қатил,
Анга мулки ичра тилатти адил.

Дедиким: «Бу кишвар салотинидин[1],
Хабарлиқ жаҳонбонлиқ ойинидин,

Қолибму экин бир анингдек киши
Ки, қилсам ружуъ анга бу мулк ишиғ

Ани элга шоҳ айласам мустақил
Ки, мулк ўзгага бўлмаса мунтақил».

Дедилар халойиқ дуо айлабон,
Ҳадисиға жонлар фидо айлабон.

Ки: «Офоқ аро сарфароз ўлғасен,
Ҳамиша раиятнавоз ўлғасен.

Бу янглиғ кишиким қилурсен сўроғ
Ки, андин раиятқа етгай фароғ.

Қабул айлагай они яхши-ямон,
Киши йўқ, магарким биров бу замон,

Вале халқ ичиндин фирор айламиш,
Ажаб навъ иш ихтиёр айламиш.

Тириклар аросиға қилмас убур,

Матофи эмас ғайри – эски қубур2.

Ҳамоно тирикларда кўрмай вафо,
Қубур аҳлиға айламиш иктифо.

Боши тож таркин қилиб ихтиёр,
Бўлуб тарк тожи билан бахтиёр.

Не маскан бўлуб кеча бир бум анга,
Не кундуз емак важҳи маълум анга.

Киши бирла йўқ мутлақо улфати,
Бўлуб халқ ғавғосидин кулфати.

Ниёз аҳли чун қилсалар ихтилот,
Қилур сўзда зоҳир гаҳи инбисот.

Насойиҳ дер элга бағоят муфид
Ки, оламдин элни қилур ноумид.

Сўз ичра бу тақриб тартиб этар
Ки, элни фано сори тарғиб этар!»

Скандар эшитгач дедиким: «Юрунг,
Ани қайда бўлса, топиб келтурунг!»

Равон ҳукм ила ҳар тараф сурдилар,
Топиб шоҳ базмиға еткурдилар.

Яланг эрди бошу, аёғи яланг,
Яқо чокидин кўкси доғи яланг.

Жаҳон шуғли гардига силкиб этак,
Тутуб ики илгига ики сўнгак.

Скандар анга эҳтиром айлади,
Ўз оллинда олий мақом айлади.

Деди: «Бу сўнгаклардин афсона айт,
Не сўрсам, жавобин анинг ёна айт!»

Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,

Неча бу сўнгакларга солдим назар.

Замиримға лекин ниҳон қолди бу
Ки, шаҳнинг қаюдур, гадонинг қаюғ

Чу ўлганда бирдур бу ики матоъ,
Тирикликда невчун қилурлар низоъғ»

Келиб бу каломи Скандарга хуш,
Деди: «К-ей забоновари боркаш,

Сени топтим асру бийик нукталик,
Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик.

Сени кишварингда қилай аржуманд,
Бериб шоҳлиғ, поянг айлай баланд».

Деди: «Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст,
Сен истардек эрмас, вале асру паст

Ки, тарк айлабон фақр сармоясин,
Писанд этгамен шоҳлиғ поясин.

Емас рубъи маскунга рағбат манга,
Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:

Бири андин ўлди ҳаёти абад
Ки, йўқтур анинг интиҳосиға ҳад.

Яна бир: йигитликки топмай халал,
Қарилиқ била бўлмағай ул бадал.

Яна бир: ғинойи муаббаддурур
Ки, оллинда ифлосқа раддурур[3].

Яна: шодлиғким, йўқ онинг ғами,
Адам бўлғай ул сурнинг мотами».

Скандарни ҳайрат забун айлабон,
Деди, бош уётдин нигун айлабон

Ки: «Ей фаррухойину фархундарой,
Бу уқдангдин ул бўлди мушкилкушой

Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлиқ,
Санга фақр берди, манга шоҳлиқ.

Агарчи мени айлади аржуманд,
Санга берди ҳиммати мендин баланд».

Гадойеки бўлғай бийик ҳиммати:
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.

Чу ҳиммат баланд ўлди эрса фақир,
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир.

XVIII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, мақсудға қайси мақом яқинроқ ва ул мақом сари не навъ хиром муносиброқ ва Арасту йўқлуқ мақомиға йўл кўргузмак ва сабукборлиқ хироми оҳанги тузмак

Арастудин этти Скандар савол:
«Ки, эй фикратингға фалак поймол,

Не йўлдурки, мақсуд эрур манзили,
Не ишдурки маҳмуд эрур ҳосилиғ»

Деди: «Халқдин ўзни фард айламак,
Фано кўйи йўлинда гард айламак».

Деди: «Ул кишиким тавонгардурур,
Анга хайр кўпрак муяссардурур».

Амалнинг чу мақсуд аро дахли бор,
Тавонгарға кўпрак керак эътибор.

Бировким савоб этса кўпрак ҳусул,
Анга кўпрак ўлғай умиди вусул.

Деди: «Хайрким қилса аҳли манол,

Бу ишдин эмастур йироқ икки ҳол.

Бири улки: мавқеъдадур ул иши,
Ишин ғайри мавқеъ қилур ҳам киши.

Гар иш ғайри мавқеъда мавжуд эрур,
Киши ҳар неким қилди мардуд эрур.

Ва гар ўз еридадурур қилғани,
Не иш қилса мақбул тутсақ ани.

Неким аслдин топти маъзуллуқ,
Иши фаръ ила бўлди машғуллуқ.

Ерур роҳзан кимки огоҳ эрур,
Бу йўлда неким мосиваллоҳ эрур.

Биров шоҳ васлиға қатъ этса йўл,
Керак воқиф ўлса қароқчидин ул.

Қароқчиға бўлғон киши муттафиқ,
Қачон шоҳ базмиғадур мустаҳиқғ

Вале улки рафъ этти буду набуд,
Гумон қилмади Ҳақдин ўзга вужуд.

Ўзин чунки мақсуд аро қилди йўқ,
Ўзи қолмайин, қолди мақсуди-ўқ.

Гумон қилма мундин бийикрак мақом,
Киши анда чун етти, бўлди тамом».

Бу дурларниким сочти гавҳарфуруш,
Садаф оғзидек сойил ўлди хамуш.

XIX

Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик қилиб, хилофат тахтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт поясин баланд қилиб, тож қадрин аржуманд қилғонлари ва анинг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб,

жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ тутқони

Гузоришқа улким, қалам қилди тез,
Қаламдин бу янглиғ бўлур нуктарез

Ки, чун Файлақус ўртадин чекти рахт,
Скандарға таслим этиб тожу тахт.

Скандарки донойи офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди.

Анга тож ила тахт тушмай қабул,
Бу андешадин беҳад эрди малул

Ки, шаҳлиғда ҳаддин кўп офот эрур,
Не қилса фалакдин мукофот эрур.

Агар таркига кўнглини шод этиб,
Атонинг васиятларин ёд этиб.

Кўп ошуфта қилғоч ани бу миҳан,
Улусни йиғиб, тузди бир анжуман.

Чу яксар йиғилди шарифу вазеъ
Сўзе қилди оғоз беҳад бадеъ.

«Ки, эй қавмким, мулкунгиз келди Рум
Ки, оллимда ҳоло қилибсиз ҳужум.

Агар сарфароз ар сарафгандасиз,
Бори Тенгрига мен киби бандасиз.

Еман сиз киби, сиздин ўксук басе,
Атосиз, дил озурдае бекасе.

Атомни агар лутф айлаб Илоҳ,
Бу кишвар уза айлади подшоҳ.

Ҳамоно бу ишга сазовор эди,
Бу юк чеккали қуввати бор эди.

В-ар обову аждодима қилди Ҳақ,
Бу мулк аҳлиға ҳукмронлиқ насақ.

Алар доғи зебои тахт эрдилар,
Тавоноу ферузбахт эрдилар.

Вале мен эрурмен бағоят ҳақир,
Доғи салтанат амри беҳад хатир.

Бу ишга керактур тавоно киши,
Емас мен киби нотавоно иши.

Ерур тортмоқ шер чекконни мўр,
Юкин пилнинг айламак пашша зўр[1].

Не бор шаҳлик айларга ният манга,
Не айлай десам қобилият манга.

Бу таклифдин чунки ранжурмен,
Агар айласам тарк – маъзурмен.

Чу мен айладим ажзим изҳорини,
Бу андешадин кўнглум озорини.

Сиз эмди ўзунгузга шоҳе топинг,
Бу кишварға кишварпаноҳе топинг.

Ҳар ишта замон аҳлининг фойиқи
Ки, то бўлғай ул шоҳлиғ лойиқи.

Қуёшдек қавиймеҳру равшанзамир,
Ва гар чиқса ашҳабқа офоқгир.

Адолат аро фасли наврўздек,
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек.

Ириклик чоғи хасмға чорасоз,
Қотиғлиқ маҳалли раиятнавоз[2].

Анга тахту давлатни маскан қилинг,
Бошин тож бирла музайян қилинг

Ким, ул ёғдуруб абри эҳсонини,
Ерамдек қилиб мулк бўстонини.

Аду хайлин ошуфтаҳол айласун,
Санам зулфидек поймол айласун.

Неча шуълаи фитна ёқса адув,
Қилич селидин урсун ул ўтқа сув.

Раиятқа қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам**3**.

Мусофир йўли риштасин узмасун,
Қароқчи қаросини кўргузмасун.

Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлин,
Улус молидин қисқа қилсун қўлин.

Адам айласун зулм таълимини,
«Лам»и жаҳд этиб «лом» ила «мим»ини**4**.

Адолат қилурнинг топиб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин.

Неким Ҳақ буюрмиш, бўлуб пайрави,
Ҳақ айтур улус илгин этсун қавий.

Бериб зулмгустарга фарсудалиқ,
Раиятқа еткурсун осудалиқ».

Тугатгач сўзин шоҳи равшанзамир,
Улус чектилар ҳар тарафдин нафир

«Ки, эй хусрави одили додгар,
Нега айладинг бизни фарёдгарғ

Етар чоғда адлингдин элга наво,
Бу янглиғ недин зулм кўрдунг равоғ

Не сўзлар эдиким баён айладинг
Ки, бу халқ бағрини қон айладинг.

Бу сўзлар дегунча, оқиз қонимиз
Ки, бўлсун йўлунгда фидо жонимиз!

Сен ўлғунча бу эл бошидин йироқ,
Йироқ бўлсалар жонидин яхшироқ.

Санга гарчи жонбахш келди калом,
Яқин эрдиким айлагай қатли ом[5].

Сену салтанат тарки – сўзму бўлур,
Бадилингни кўргучи – кўзму бўлурғ

Бугун олам ичра сен ул шоҳсен
Ки, афлок сирридин огоҳсен.

Жаҳон ичра сен билмаган йўқ улум,
Билур олам аҳли, неким аҳли Рум.

Фалак шамъи ройи мунирингсенинг,
Малойик чароғи замирингсенинг.

Жаҳон кўрмаган сен киби хусраве,
Қуёшталъате, Муштарий[6] партаве.

Қилиб адл ройингдин андоқ зуҳур
Ки, гул бирла хуршиддин атру нур.

Вужудингда пинҳон хирадёрлиғ,
Жамолингда пайдо жаҳондорлиғ.

Бу ҳимматки зотинг аро бордур,
Санга Рум султонлиғи ордур.

Билурбизки бу мулк эрур кам санга,
Умид улки, тушгай жаҳон ҳам санга.

Фалак сайридин ошкору ниҳон
Ки, ҳукме ёзилмиш: сенингдур жаҳон.

Яна кимса фармонраво қилмағил,

Жаҳон аҳлини бенаво қилмағил.

Агар сен бу ишни қабул этмагунг,
Бу мулк аҳли фарёдиға етмагунг.

Қўюб мулки маврусинга ёнани,
Раво кўрсанг уй ичра бегонани.

Қила олмайин бу бало ихтиёр,
Боримиз қилурбиз жало ихтиёр!

Чу тушсак гадоликқа ҳар мулк аро,
Худо сўрғуси сендин ул можаро».

Бу сўз деб улус бўлдилар ашкрез,
Бош айлаб яланг, чектилар рустахез.

Скандарки мундоқ аломат кўруб,
Аломат демайким, қиёмат кўруб.

Пушаймон бўлуб деган ақволиға,
Бузулди басе кўнгли эл ҳолиға.

Солиб ул сифат сидқ ойин сифот,
Дегандин анинг кўнгли ичра уёт.

Ҳам атбоининг яхши ниятлари,
Яна ҳам атоси васиятлари

Аён этти бир навъ таъсир анга
Ки, бермак маҳол эрди тағйир анга.

Бўлуб хотири ҳаддин ортуқ малул,
Улус илтимосини қилди қабул.

Ризо зоҳир этгач, шаҳи навжувон,
Арастуйи[7] фарзона қўпти равон.

Олиб тожни айлабон аржуманд,
Анинг бошидин айлади сарбаланд.

Равон тутти айтиб сано, бир қўлин,
Балиноси[8] доно яно бир қўлин.

Ики ганжи ҳикмат ани йўлдабон,
Чиқордилар авранг уза қўлдабон.

Топиб мақдамидин бийик поя тахт,
Қуёш боши узра солиб соя бахт.

Арасту била ўқ, Балинос эди
Ки, бу Хизр эди, ул бир Илёс[9] эди.

Халойиққа юзланди бир инбисот
Ки, ўлтургали етти муфрит нишот.

Нисор ул қадар сочти яхши-ямон
Ки, қилди нужум арзни осмон.

Ададсиз сурур аҳлиға бўлди сур,
Анингдекки сур аҳли қилди сурур.

Чу Искандари меҳр ўлуб пардапўш,
Шафақ бодасин топти қилмоққа нўш.

Тарабдин фалак қилди ҳоли анга,
Янги ойни жоми ҳилолий анга.

Скандар баруманд ўлуб бахтидин,
Шабистонға кирди тушуб тахтидин.

Гулу сабза узра тузуб тоза базм,
Майи лолагун ичгали қилди азм.

Қадаҳ партавиким дамо-дам тутуб,
Шабистонни хуршиддек ёрутуб.

Дебон сўз, дегач шоҳи гардунжаноб,
Жавобин Арастуйи ҳикматмаоб.

Суруб нукта ҳар сори донишвари,
Билик ичра алломаи кишвари.

Не ҳикматдин айру қадаҳ гардиши,
Не жуз илми ҳикмат такаллум иши.

Нукотким шаҳи комёб айтибон,
Анга нукта аҳли жавоб айтибон.

Зуҳур айлабон гарчи айшу тараб,
Вале сарбасар маҳзи илму адаб.

Чу ҳар илмдин бўлди гуфту шунид,
Димоғини шаҳнинг қизитти набид.

Қўпуб чиққали майл кўргузди хайл,
Кўзи шоҳнинг уйқуға қилди майл.

Бўлуб уйқу чун улча матлуб ўлуб,
Ёрим кеча ҳам сажда марғуб ўлуб.

Ибодат учун шоҳи яздонпараст,
Ўзин хас киби қилди туфроққа паст.

Иши йиғлаю узри мофот эди,
Анга тонгғача бўйла авқот эди.

Қуёш чун қилиб авж оҳангини,
Ёрутти яна чарх аврангини.

Кавокиб топиб ул ёруқдин зарар,
Бори учтилар ул сифатким шарар.

Скандар яна тахтин айлаб мақом,
Халойиққа ҳукм айлади бори ом.

Улус қилдилар хизматиға ҳужум,
Қуёш теграсида нечукким нужум.

Йиғилғоч улус шаҳ қилиб ибтидо,
Халойиққа сўз мундоқ этти адо:

«Ки, берди манга додгарлик Илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,

Келиб оллима арзи ҳол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун!

Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.

Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате.

Не шаҳ деб мени айласун изтироб,
Не мақсуд адосида қилсун шитоб.

Аён айласун реши дарду ғамин,
Ёқай дод бермак била марҳамин».

Улус бошлади арзи ҳол айламак,
Скандар била қийлу қол айламак.

Саҳардин анга тегруким истиво,
Сўруб, халқ дардиға қилди даво.

Киши қони тўкканни бўйнин уруб,
Қўлин кестурурнинг, қўлин кестуруб.

Бериб дод мазлуми ғамхораға,
Қилиб раҳм марҳуми бечораға.

Қилиб зулм аҳлин қаро ерга паст,
Аларғаки, мазлум эрур зердаст.

Хуш ул шаҳки зулм аҳлин айлаб нигун,
Жафокаш жафогарни кўргай забун.

Бу янглиғ қўюб адл бунёдини,
Ярим кунгача берди эл додини.

Атоси замонида ҳар навъ иш
Ки, андин халойиққа озор эмиш,

Тамомин улус бошидин қилди дафъ,
Етишсун деб андин халойиққа нафъ.

Яна шоҳлар ҳодис этган русум
Ки, бедод эмиш эл аро бу умум.

Алар тарҳини бузди бунёддин,
Халойиқни қутқорди бедоддин.

Адолат тариқини фош айлади,
Сиёсат анга дурбош айлади.

Раиятқа маълум этиб эҳтиёж,
Ики йил алардин кўтарди хирож.

Амал аҳлиға қилди машғуллуқ,
Ёмонларға еткурди маъзуллуқ.

Вале яхшиға тақвият айлади,
Яна яхшилар тарбият айлади.

Яна нархларға қилиб иштиғол,
Оғир сотқучиға бериб гўшмол.

Туз айлаб тарозу ики бошини,
Темурдин ясаб, муҳр этиб тошини.

Қари ҳам темурдин анга бўлди хос
Ки, эл бўлди кам газ олурдин халос.

Қапонни ҳам ул ихтиро айлади,
Қиёс ичра рафъи низо айлади.

Яна тузлук изҳориға тузди кайл
Ки, эл қилмағай эгрилик сори майл.

Яна тузди олтун тарозусини,
Қавий айлабон адл бозусини.

Мароҳил аро қўйди раҳдорлар,
Йўл аҳлин хатардин нигаҳдорлар.

Адолат қўлин тутти андоқ бийик
Ки, топти амон арслондин кийик.

Карак хайлиға қарчиғай дармиён,
Алар жўжа янглиғ, бу бир макиён.

Ярим кунгача адл ила дод эди,
Яна кун сўнгғи яхши бунёд эди.

Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
ғани бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Кетур соқиё, тўлдуруб жоми адл
Ки, кўргузди Искандар айёми адл!

Таодул била тут ани беҳамол,
Ичарда манга гарчи йўқ эътидол.

Муғанний, навода тузуб муътадил,
Навосозлиқ қил манга муттасил.

Қулоғимға дилкаш садое етур,
Мени бенавоға навое етур!

Навоий, таодулдин этма удул,
Қабул аҳлидин гар тиларсен қабул!

Чу одил шаҳ илгидин ичгунг аёқ,
Неча эътидол асрасанг яхшироқ.

Нечукким, эрур адл шаҳларға зеб,
Ерур ҳам гадо, хокираҳларға зеб[10].

Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

XX

Адолат айни таърифидаким, салотиннинг зулумоти зулми орасида «айнул - ҳаёт» жовидонийдурур ва ичганга зилоли зиндагоний еткурур

Не асмоким, ул Ҳақ сифотиғадур,
Агар фикратинг ҳар бир отиғадур.

Не амреки бўлғай сифат дохили,
Ҳақ отидур ул амрнинг фоили.

Карам фартидиндур карим ўлмоғи,
Тараҳҳум кўпидин раҳим ўлмоғи.

Агар вожиду можид эт эътибор,
Агар Ҳайю Қайюм бир ҳукми бор.

Вале оти асмода одил эмас,
Ўқур чоғда эл они одил демас.

Адолатқа етганда қилмиш Худо,
Ўз отини «Ал-адл» бирла адо.

Бу отиға кўпрак учун эҳтимом,
Анинг бирла оламға берди низом.

Не шаҳким, анинг адл кирдоридур,
Десам, йўқ ажабким, Худо ёридур.

Бу маънидин эркинки, оламда шоҳ
Ки, дерлар ани халқ зилли Илоҳ.

Гар афъоли мардуду мақбул эмас,
Булардин қиёматда масъул эмас.

Ерур адлким, Қодири Зул-жалол,
Қиёмат куни андин айлар савол,

Агар адл йўқ ошкору ниҳон
Яқин билки, зеру забардур жаҳон.

Анушировон1 гарчи кофир эди,
Вале адл зотида зоҳир эди.

Ўрун гарчи кофирға дўзахдурур,
Анинг адлдин ўрни барзахдурур.

Агар куфр ризвон сори қўймади,
Вале адл нийрон сори қўймади.

Ул ўтгандин ар минг йил андозадур,
Адолатдин овозаси тозадур.

Ерур турфа буким, салотин аро,
Қаю адл этар кишвари дин аро.

Қилурда сифат адлу инсофини,
Ниҳоятқа еткурмак авсофини,

Демаклик эмас «ҳукмрони замон»,
Демактур «Ануширвони замон».

Ажаброқ буким, улки бу оти бор,
Бу ташбиҳ бирла мубоҳоти бор.

Не сўздинким ўтти эрур бу ажаб
Ки, кавнайн шоҳи – Расули араб.

Шаҳеким, русул келди хайли анинг,
Бори офариниш туфайли анинг.

Қилур чоғда Ҳақ шукри изҳорини,
Магар бу сифат сурди гуфторини

Ки: «Султони одил замонида даҳр,
Вужудум била берди оламға баҳр.

Манга чун валодат замони эди,
Улусқа адолат замони эди».

Ҳадисида ҳам бу башоратдурур
Ки, адл аҳли сори ишоратдурур.

Ки, адл ичра ўтганга бир соати,
Ерур беҳки, жинну башар тоати.

Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ
Ки, айлабдур они баёни фасиҳ:

«Қолур куфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк».

Шаҳ ар куфр аро адлин этса равон,
Тузар мулкин андоқки Нуширавон.

Ва гар дин аро зулм паррон қилур,
Бу шаҳлардек оз чоғда вайрон қилур.

Шаҳеким қилур хайли инсонға амр,
Ҳақ этмиш анга адлу эҳсонға амр.

Агар зулм қилса эрур неча ҳол
Ки, жониғадур борча онинг вубол.

Бировким Ҳақ амриға осий бўлур,
Неким қилса журму маосий бўлур.

Яна бир буким айлаб ўзни сафиҳ,
Ҳақ ахлоқиға хулқи қолмас шабиҳ.

Яна буки элга солиб изтироб,
Қилур зулми ободларни хароб.

Яна улки, чун зулме мавжуд ўлур,
Бори халқ кўнглига мардуд ўлур.

Не мардудлуққим, бўлур эл иши –
Туну кун анинг жонининг қарғиши.

Не дамким урар халқ нуқсониға,
Қилур тез дўзах ўтин жониға.

Улус душмани деса бўлмас ани
Ки, бор ул ҳақиқатда ўз душмани.

Неча зулмким элга золим қилур,
Ўз-ўзига кўпрак қилур – Ҳақ билур.

Не золимки, бир кимсага зулм этар,
Ики фоида зулмкашга етар.

Бир улким, қиёмат куни ажри бор,
Ангаким бу зулм айламиш, зажри бор.

Яна буки, мазлум эрур от анга,
Киши айламас зулм исбот анга.

Вале кимсаким зулм анга комдур,
Бу оламда мардуду бадномдур.

Макон чун қилур ўзга олам сори,
Ўтар бетаваққуф жаҳаннам сори.

Қаю шоҳким адлдин фард эрур,
Ҳам ўз жониға зулмидин дард эрур.

Кивурса ўзин одил эл сониға,
Не зулм элга айлар, не ўз жониға.
Агар билса шаҳ адл этар ҳирфасин,
Нечук бергай ўз илгидин сирфасин.

Неча сирфадин шаҳ керактур йироқ,
Бу ерда вале сирфаси яхшироқ.

Шаҳеким, анга адл бўлғай қилиқ,
Ерур айласа сирфа бесирфалиқ.

XXI

Маҳмуд ҳикоятиким, ажал оғир уйқусиға борғондин сўнгра Масъуднинг тушига кирди ва адолат айнин пайдо қилур учун анга пандлар берди ва насиҳат зилолидин анинг юзига бир сув урдиким, ани ғафлатуйқисидин сескандурди

Ешиттимки, Маҳмуди1 ғозийға даҳр
Чу жоми ҳаёт ичра ҳал қилди заҳр.

Қилиб «иржии» нағмасин истимоъ,
Ружуъ этти оламға айлаб видоъ.

Жаҳондин узар чоғда пайвандини
Валиаҳд этиб эрди фарзандини.

Чу ул айлади тарки дори фано,
Фироқида ўғлиға эрди ано.

Ҳамоно лақаб эрди Масъуд анга,
Кириб тушга бир кеча Маҳмуд анга,

Ўғулға ажаб навъ қилди зуҳур,
Бошидин-аёғиғача ғарқи нур.

Бўлуб турфа боғе анинг маскани,
Дема боғким, равзанинг гулшани.

Дамо-дам фузунроқ нишоти анинг,
Ошиб ҳар замон инбисоти анинг.

Зумурраддин оллида ҳавзеки, ақл
Келиб ожиз авсофин айларда нақл.

Мудаввар келиб чархи ахзар киби,
Суви лавну таъм ичра кавсар киби.

Қироғида ул ҳавзнинг бир дарахт,
Солиб шоҳ уза соя андоққи бахт.

Қилиб паст тубо қадин пояси,
Ҳамул равза саҳнин тутуб сояси.

Яна равзанинг сабзаси заъфарон,
Иси хасталар жисмидин заъфрон.

Тамошосидин кўзга ёруб чароғ,
Муаттар бўлуб атри бирла димоғ.

Кўруб шоҳ Масъуд бу турфа ҳол,
Ўпуб ер атосидин этти савол

Ки: «Султонлиғинг ичра неттинг экин
Ки, бу навъ манзилға еттинг экин?»

Деди: «Ул замонким, жаҳондор эдим,
Адолат қилур фикрида бор эдим.

Чекар чоғда Ҳиндустонға сипоҳ,
Чу ул ноҳият бўлди оромгоҳ,

Дедим эмин ўлсун черикдин бу мулк,
Ситамға узотур иликдин бу мулк.

Мунодидин англаб бу ҳукмумни хайл,
Манга бўлди сайр айламак сори майл.

Қилиб беша тавфиға ҳар ён назар,
Ки, ногаҳ бир эл сори солдим гузар.

Жазира аро неча уйлук киши,
Келиб заъф ила ажз аларнинг иши,

Йиғочу қамишдин ясаб хонумон,
Ани сандалу зарҳал айлаб гумон.

Уй ичра гилем ўрнида бўрё,
Келиб боғу бўстон бузуқ қўрё.

Ўтар чоғда наззора айлаб муни,
Етишти қулоғимға мазлум уни.

Ҳамул ун била маркаб эттим равон,
Чу еттим, ажузе эди нотавон.

Бузуб қўрёсин черикчи кириб,
Уйидин неча шох ўтун ойириб,

Ўтунни уйидин чиқорғон замон,
Солиб тўбра ичра доғи сомон.

Яна бир аёғ ҳам олиб бадсигол
Ки, ул зарф бор эрди яшил сафол.

Буларни олиб золими тундхў,
Чиқарда йўлуқти манга рўбарў.

Жадал айлабон додхоҳи била,
Келиб ул ики-уч гувоҳи била.

Чу билдим анинг зулму яғмосини,
Иёсига қайтардим ашёсини.

Яна қўрёсини найбаст этиб,
Не айрилғонин борча пайваст этиб.

Дедим, боғлабон золим илгини руст,
Осиб бўғзидин ул уй оллида чуст.

Чу ашёсини олди золи нажанд,
Ҳамул дам сипаҳ сори сурдум саманд.

Мен этган замон тарки дори ғурур
Ки, бўлди мақомим бу дори сурур.

Ниҳоятсиз эрди гуноҳим менинг,
Бу иш бўлди охир паноҳим менинг.

Хитоб ўлди, к-ей осийи боргоҳ
Ки, умрунгда қозғонмадинг жуз гуноҳ.

Неча ҳаддин ортуқ гунаҳкорсен,
Томуғ шуъласиға сазоворсен.

Ҳамул адлким тутти сендин вужуд,
Гуноҳинг боғишланди буду набуд.

Вале ҳар не иш қилғонинг беғараз
Топибдур бу оламда бир-бир эваз.

Тузаттинг чу ул золға қўрё,
Йўқ эрди бу феълингда рўю риё.

Анинг муздидур бу риёзи биҳишт,
Ели мушксо, гарди анбарсиришт.

Ики шох ўтунким, ани олди зол,
Ерур музди бу нахли тубо мисол.

Яшил зарфким, айладинг рад анга,
Еваздур бу ҳавзи зумуррад анга.

Етаклик сомонинки олди ажуз,
Еваздур анга заъфарон бирга юз.

Қатил этганинг золими шумни
Ки, қутқординг ул хаста мазлумни.

Анинг музди бўлди ҳаёти абад,
Мақосидга йўқ бу ҳаёт ичра ҳад.

Бу савдодин ар воқиф ўлса киши.
Қачон адлдин ўзга бўлғай иши.

Агар адл оламда тутмас вужуд,
Пушаймонлиғ этмас бу оламда суд.

Сангаким бу соат эрур дастрас,
Бу иш касбидин тинмоғил бир нафас.

Дамеким, шаҳ ўз адлидин фард эрур,
Анга ул даме бедаво дард эрур.

Чу Масъуд уйғонди ул уйқудин,
Фароғат топиб хотири қайғудин.

Адолат тариқин шиор айлади,
Ато буйруғин ихтиёр айлади.

Қаю шаҳки адл этса Масъуддек,
Не тонг Ҳақ насиб этса Маҳмуддек.

XXII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, адолат натижаси не навъ ишлар бўла олғайким, ул натижа умидига киши ул йўлға қадам солғай ва Арастуға жаҳонкушойлиқ тили очилмоқ ва адл натижаси жаҳонгирлик эркинин собит қилмоқ ва одилға ул жаҳон саодати ҳам топилмоқ

Яна шоҳ Арастуға қилди хитоб

«Ки, эй донишойину ҳикматмаоб!

Шаҳеким эрур адлнинг жозими,
Не ишлар экин адлнинг лозимиғ»

Деди: «Шаҳки адл ўлса ойин анга,
Мусаххардурур дунёю дин анга.

Бу оламда бўлмоғлиқ офоқгир,
Яна олам аҳлида жаннатсарир.

Бу олам олурни бурун шарҳ этай,
Яна ўзга оламға доғи етай.

Шаҳеким анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.

Чу мулк ўлди ободу халқи ғани,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани.

Чу махзанни бу навъ маъмур этар,
Сипоҳиға бешак мавожиб етар.

Сипоҳи қачон шаҳға толиб келур,
Адусиға, шак йўққи, ғолиб келур.

Қачон бир адусини паст айлади,
Анинг мулкини зердаст айлади.

Ики мулк афзун қилур қувватин,
Яна хасмининг синдурур шавкатин.

Бу тартиб ила чунки тарҳин солур,
Ажаб йўқ, агар даҳр мулкин олур.

Яна улки чун адли зоҳирдурур,
Бори қавм ила хайли шокирдурур.

Сипоҳийси гар тиғ урар беадад,
Раият дуо бирла айлар мадад.

Қачон қилди минг хасми кинхоҳ ўқи,

Ярим кеча қилғонча бир оҳ ўқи.

Яна улки чун адл бўлмиш фани,
Аду хайли доғи тиларлар ани.

Раоёси тунлар илик очибон,
Сипоҳийси бориб анга қочибон.

Биров топса бир ишга мунча сабаб,
Жаҳонгир бўлмоғлиғи не ажаб?

Бу бир муддао чунки топти вуқуъ,
Яна бирга эмди қилойин шуруъ.

Биров Тенгрига илтижо келтуруб,
Чу адл амр қилмиш бажо келтуруб.

Олиб мулкидин ранжу фарсудалиқ,
Халойиққа еткургай осудалиқ.

Тааммул қилиб адлу эҳсониға,
Дуо қилса офоқ эли жониға.

Натижа мунга ғайри ғуфрон эмас,
Жазойи амал бўлмай имкон эмас.

Бу олам доғи бўлди, ул ҳам анга,
Ики кавн мулки мусаллам анга».

Чу хатм этти донои бисёрдон,
Жавобини топти шаҳи кордон.

Ҳаким айтуридин чу касб этти нафъ,
Бори шубҳаси кўнглидин бўлди рафъ.

XXIII

Искандар ишларининг тафсилини ижмол била дейилмак ва ул ижмолнинг мужмалотин тафсил қилмоқ ва Доронинг расули анга олтун байза тилай келиб, пўлод найзадек итик сўзлар жавоб топиб бормоқ ва ул синон ламъасининг барқи анинг хирмани сабриға ўт солмоқ ва

кунжуд била гўй ва чавгон йибормаги ва Искандар ул чавгон била гўй уруб кунжудни қушлар термаги

Бу янглиғ деди мўбади нуктасанж1,
Ки, тарих илмиға кўп чекти ранж.

Ки, чун қилди ул шоҳи навхоста,
Адолат била мулкин ороста.

Ҳаким, ўйлаким кўргузуб эрди йўл,
Адолат ҳавосин билиб эрди ул.

Ки, олам олурға бўлур мунтаҳи,
Бу сўз фикрида хотири огаҳи.

Тааммул қилур эрди ҳаддин фузун,
Чекар эрди андиша торин узун.

Чу адлу шижоат анга ёр эди,
Яна рой ила ҳикмати бор эди.

Қуёшдек сипеҳр узра тортиб алам,
Юруб олди олам юзин якқалам.

Ул ишларки ул қилди офоқ аро,
Киши қилмади бу куҳан тоқ аро.

Бу аъжубаларким анга берди даст,
Жаҳондорлар қадри топти шикаст.

Неким қилди ул деса, айтай, киши,
Туганмас ўқуб қарнлар ул иши.

Бори қилғонин демак осон эмас,
Деганга тугатмаклик имкон эмас.

Муносиб бу келдики ҳар ҳол ила,
Десам, аввал аҳволин ижмол ила

Ки, комим раво айламиш бўлғамен,
Ҳадисин адо айламиш бўлғамен.

Яна қиссасиға тааққул қилиб,
Таворихиға кўп тааммул қилиб.

Умурида улча ғаройибдурур
Ки, ул ишта кўпрак ажойибдурур.

Жудо айлабон кизб олойишин,
Анга айласам назм оройишин[2].

Ҳамоноки ул шоҳи давлатпаноҳ,
Бурун Рум тахтиғаким бўлди шоҳ.

Мухолифқа қасди ҳалок айлади
Ки, аъдодин ул ерни пок айлади.

Черик чекти андин сўнг истаб кушод,
Жаҳон ичра айларга фатҳи билод[3].

Бурун тортибон разм учун тиғи кин,
Юруб айлади азми Мағриб замин[4].

Қилиб Зангбор[5] аҳлига чийралик,
Юди тиғ суйидин ул тийралик.

Яна бўлди Доро[6] била ҳамнабард
Ки, бадхоҳдин кўкка еткурди гард.

Яна мулк очмоқта қилмай даранг,
Юруб фатҳ қилди билоди Фаранг[7].

Чу бўлди мутеъ анда бўлғон улус,
Қирим бирла фатҳ айлади Андалус[8].

Ёниб Миср фатҳиға қилди ситез,
Сипеҳр они Миср узра этти азиз.

Кўруб табъи ул марзни ошно,
Қилиб анда Искандария бино.

Чу Зардушт[9] дафъиға қилди ғулу,

Алар ўтиға тиғ ила урди сув.

Ироқи Ажам сори қилғач хиром,
Наво топти оҳангидин ул мақом.

Ироқи Арабға чу сурди саманд,
Қудумидин ўлди ул эл баҳраманд.

Яна айлади азми Шому Ҳалаб,
Насиб ўлди ул ерга кому тараб.

Яман сори чиқти нечукким Суҳайл**10**,
Ақиқ ўлғали тошлари қилди майл.

Ер ўпмакка чун Макка азми қилиб,
Қабули учун ул эшик очилиб.

Қилиб азм андин савоҳил сари,
Қўюб юз ажойиб мароҳил сари.

Яна айлабон Форс фатҳиға азм,
Муяссар бўлуб, айламай кину разм.

Очилғоч булар шоҳи фархундафол,
Саодат била қилди азми Шимол.

Чу мулк олғали даъбу хў разм этиб,
Таважжуҳ била фатҳи Хоразм этиб.

Чекиб раъяти меҳри ишроқни,
Ёруқ айлабон Дашти Қифчоқни.

Чу бу ноҳиятдин инонтоб ўлуб,
Инонгири Сақсину Сақлоб ўлуб.

Чу озим бўлуб жониби Осу Рус,
Бўлуб юзлари ваҳмидин сандарус[11].

Тушуб Чаркасу Гуржа[12] сори йўли,
Бўлуб борча гуржию чаркас қули.

Шимол аҳлин эҳсонға ғарқ айлабон,
Таважжуҳ қилиб азми Шарқ айлабон.

Чу манзил қилиб мулки Фархорни,
Кесиб ул гулистонда ҳар хорни.

Чу маъбар бўлуб Мовараннаҳр анга,
Ясолиб Самарқанддек шаҳр анга.

Чигил бирла Яғмодин айлаб убур,
Нечукким, чамандин сабову дабур[13].

Юруб Чинға бўлғонда маснаднишин,
Камар боғлаб оллинда Хоқони Чин.

Яна Ҳинд сори қилиб турктоз,
Бўлуб Кед қуллуқ била чорасоз.

Бузуб Ҳинду Чин ичра бутхоналар,
Ясаб тоат аҳлиға кошоналар.

Чу рафъ айлабон куфр янглиғ уюб,
Бериб раҳнавардиға азми Жануб.

Ўтиб Синд ила Кечу Мукрон сори,
Ҳам андин қилиб азм Кирмон сори.

Хуросон ҳавосида топқач ҳаёт,
Ясаб анда шаҳре нечукким Ҳирот.

Сипоҳон сари дашт қилғонда тай,
Бино айлабон шаҳре андоққи Рай.

Чу фатҳ ўлди оламдағи марзу бум,
Кўнгул жамъ этиб айлади азми Рум.

Неча вақт ўлуб айш ила жомгир,
Кўнгул топмади анда оромгир.

Яна қатла оламни сайр айлади,
Мамоликда бунёди хайр айлади.

Ғариб ишларидинки йўқ анга ҳад,
Бири эрди яъжуж оллиға сад.

Масоҳат қилиб борча офоқни,
Не офоққим, чархи нуҳ тоқни.

Чу қилди масоҳат масолик аро,
Йиғоч этти таъйин мамолик аро**14**.

Танобеки, массоҳ қилди қулоч,
Қилиб ўн ики минг қари бир йиғоч[15].

Анинг саъйидин топти бори сабил
Нишоне қачон бир йиғоч ўлса мил**16**.

Манозилда тарҳи работ айлади
Ки, андин мусофир нишон айлади.

Чу маъмурани тузди қилмай даранг,
Тенгиз майли қилди, нечукким наҳанг.

Су узра суруб бениҳоят кема,
Солиб анда бори кераклик нима.

Неча йил сув узра хиром айлади,
Жазойирда гоҳи мақом айлади.

Ҳақ эҳсонидин баҳри зохир аро,
Билодиким эрди жазойир аро.

Борин фатҳ қилди сув узра юруб,
Бирин чун олиб, илгарирак суруб.

Чу ер қолмади олмоғон суда ҳам,
Бу ишлар била бўлмай осуда ҳам.

Су мавжи киби изтироб айлади,
Муҳит ўртасиға шитоб айлади.

Чу бўлди ери нуқтагоҳи Муҳит,

Қуйи суву устун сипеҳри басит.

Қилиб сув тубин кўрмак андишае,
Ҳамул ҳикмат аҳли ясаб шишае.

Кириб шишаға ранжу ташвир ила,
Анинг оғзини беркитиб қир ила,

Танобеки, бўлғай неча минг қари,
Ешилган, келур чоғда дарё сари.

Бир учин қилиб шиша давриға руст,
Яна бир учин туттуруб элга чуст.

Бу янглиғ қилиб чўкти дарё қуйи,
Ани қаъриға чекти дарё суйи.

Ғаройибки дарёда бўлғай ниҳон.
Анга зоҳир ўлди жаҳон дар жаҳон.

Алардин раво айлабон комини,
Кема ичра қўйди яна гомини.

Ва лекин бу сўзда эрур ихтилоф,
Ерида демакдин эмасмен маоф.

Яна азм қилди қуруғлуққа бот,
Чиқиб айлади азми оби ҳаёт.

Қоронқуда айлаб ёруғлуқ талаб,
Ани топмайин қойтти хушклаб.

Қуруғлуқ аро Хизр ўлуб раҳбари,
Тенгиз ичра Илёс эди ёвари.

Бу ишлар қилибким, киши қилмайин,
Кишидин бу навъ ишлар айтилмайин.

Валоят қилиб Тенгридин мултамас,
Нубувватқа доғи топиб дастрас.

Бўлуб онча давлат муяссар анга,

Яна онча кишвар мусаххар анга

Ки, сабтиға йўнса киши хомае,
Кератур рақам топса «Шаҳнома»е.

Ва лекин бу дафтарда гунжойиши,
Емас сиққудек борча оройиши.

Заруратдин алқисса ҳар ҳол ила,
Анинг қиссасин сурдум ижмол ила.

Адо бўлди ҳар байт аро дафтаре,
Ҳар уй ичра қилдим ниҳон кишваре.

Тамоми бу эрдики, қилдим адо,
Вале эмди тавфиқ берса Худо,

Сунуб панжа куллий ише сори қўл,
Қилай назмким, асл бўлғай ҳамул:

Алардин бири эрди Доро иши
Ким, ул навъ иш ёд бермас киши.

Бу навъ эрди ул ким малик Файлақус
Ки, Рум аҳли эрди анга хокбўс.

Жаҳонхусрав ул чоғда Доро эди,
Анга шоҳлиғ ошкоро эди.

Каёнийлар ўрнида офоқгир,
Келиб пушт-барпушти соҳибсарир.

Умурида ойини Луҳросбий,
Сипоҳида қонуни Гуштосбий.

Бўлуб кўп Каёний иш иҳдос анга,
Тегиб Баҳманий мулк мерос анга.

Жаҳонбонлиғ амрида Хусравнажод,
Ангачаки Кайхусраву Кайқубод.

Жаҳон мулкида мустақил подшоҳ,

Анга топшуруб шоҳлар тожу кох.

Мамоликда ҳар соҳиби тахту тож,
Анга еткуруб пешкаш, ё хирож.

Бири Файлақус эрди ул хайл аро,
Хирожини бергучи беможаро.

Хирож ул нимаким муқаррар эмиш,
Ҳамоноки минг байзаи зар эмиш.

Чу ул қилди дайри фанодин хиром,
Скандар анга бўлди қойим мақом.

Бор эрди чу мулк ўлди тайин анга,
Бу янглиғки шарҳ эттим ойин анга.

Ҳам аввалғи йил тортибон тиғи кин,
Қилиб Занг шоҳи била биғи кин.

Топиб тиғининг барқи чун иштиол,
Куюб занги андин нечукким зугол17.

Тўкуб эрди қон онча ул хайлдин
Ки, занг аҳли рухсори ул селдин,

Қаро доғлардек бўлуб ошкор,
Бўлуб ер юзи, ўйлаким лолазор.

Ики-уч йил ичра неча бўйла разм,
Қилиб эрди ул шоҳи фархунда азм

Ки, борида аъдоси манкуб эди,
Кириб илгига улча матлуб эди.

Бу фурсатда фатҳ айлаган марзу бум,
Бўлуб ики-уч ончаким мулки Рум.

Қилиб хайлин аъдоға андоқ далер
Ки, бўлғай қулон қасдида нарра шер.

Шукуҳи ошиб баҳри заххордин,

Ливоси ўтуб чархи даввордин.

Қилиб тиғи барқи жаҳонсўзлуқ,
Юзи машъали оламафрузлуқ.

Хаёли аро урмайин тобу печ,
Жаҳонгирлик фикридин ўзга ҳеч.

Не офоқни ўзига кенг кўруб,
Не офоқнинг шаҳларин тенг кўруб.

Атоси вафотидин уч йил ўтуб,
Иши лек ўн онча рифъат тутуб.

Бу уч йил аро кўнглига етмайин,
Хаёлиға балким хутур этмайин

Ки, Дороға бўлғай иши эҳтиёж,
Анга худ не этгайки, бергай хирож.

Бировким азалдиндурур рифъати,
Ўзидек рафеъ-ўқ эрур ҳиммати.

Буким бўлғуси хасм Доро анга,
Керак зоҳир этмак мадоро анга.

Ва ё мулку жоҳиға қилмоқ назар,
Анинг кўнглига мутлақ этмай гузар.

Қачон қилсалар кин ики нарра шер,
Яқинким, бўлур навжувонроқ далер.

Қачон кин чоғи бўлғай андешаси
Ки, кўпракдурур хасмнинг пешаси.

Ики аждаҳо бўлсалар кинасанж,
Тафовут не, кўпрак эса ерда ганж.

Тенгизда балиғ бўлса ҳаддин улуғ,
Наҳанг ўлмас осебидин қайғулуғ.

Скандаргаким ёвар афлок эди,

Бисот ичра ҳар кун тарабнок эди

Ки, Доро қошидин етишти расул,
Анинг остониға қилди нузул.

Парастандалардин чу бор истади,
Ани оллиға шаҳриёр истади.

Қадам урғоч-ўқ кўрди чун шоҳни,
Супурди юзи бирла даргоҳни.

Парастандалиқ расми чун соз этиб,
Сўзига дуони сароғоз этиб.

Дуоеки, бўлғай сазовор анга,
Жулус амри айлаб жаҳондор анга.

Чу ўлтурди қосид тикиб ерга кўз,
Не ёро анга сурмайин дерга сўз?

Скандар шукуҳи қилиб лол ани,
Қаю лолким, дангу беҳол ани.

Қилиб шоҳ андин бу маънини фаҳм
Ки, фарру шукуҳи анга солди ваҳм.

Сўз айтиб, анинг сори солмай кўзин,
Анга тегруким, топти қосид ўзин.

Кўнгул босқонин чунки фаҳм этти шоҳ,
Савол этти шоҳона айлаб нигоҳ

Ки: «Доро шаҳи комрон хушмудур?
Анга мулк ойини дилкашмудур?»

Қўпуб, ер ўпуб берди қосид жавоб,
Яна комкорона қилди хитоб

Ки: «Бу навъ келмакта комингни айт,
Неким деди Доро паёмингни айт!»

Яна ер ўпуб қосиди раҳхиром,

Деди: «К-ей шаҳаншоҳи олиймақом,

Чу сўрдунг сўзумни, эрур ногузир
Ки, бўлғаймен оллингда фармонпазир.

Ҳамоно бурунроқ малик Файлақус
Ки, Рум андин ўлмиш эди навъарус,

Қилиб эрди минг байза ҳар йил қабул,
Зари мағрибийдин топарға вусул.

Бўлуб эрмиш уч йилки ул комёб,
Бўлубтур биҳишт ичра оромёб.

Бу уч йилғи тақсим топқон хирож
Ки, андин эди дўстлуққа ривож.

Магар шоҳ девониға кетмамиш,
Етар махзан ичра магар етмамиш.

Менинг келганимдин бу эрди мурод
Ки, гар лутф этиб шоҳи олийнажод,

Ани берса, айлаб ҳисоб, элтайин,
Йўқ эрса, не айтур жавоб – элтайин».

Скандарга келди бу сўз бас қатиғ,
ғазаб заҳридин коми бўлди ачиғ.

Юзи ранги кўргузди ўтдин нишон,
Бўлурға жаҳон ичра оташфишон.

Яна лаҳзае бошин айлаб қуйи,
Ҳамул ўт уза урди ҳикмат суйи

Ки, ифроти ҳилму камоли хирад,
ғазаб хайли андешасин қилди рад.

Кўтарди бошин сўзга оғзин очиб,
Жавобиға онинг жавоҳир сочиб

Деди: «Айт Дороға мендин салом,

Салом айтқач бўйла еткур паём

Ки, шаҳлиққи, йўқтур бақоси анинг,
Емас жуз фано интиҳоси анинг.

Бугун-тонглалиғ умр учун кўрма ранж
Ки, қўйғайсен албатта ганж узра ганж.

Хазойинки йиғдинг ададдин фузун,
Санга ранж текурди ҳаддин фузун.

Буким йиғдинг, аввал топ андин асиғ,
Қачон топсанг андин асиғ, ўзга йиғ.

Ишеким зарар нафъидин бўлса кўп,
Емас қилмоғи ақл оллинда жўб.

Санга нафъ йўқ, бизга андин алам,
Ўзунгга етурма алам, бизга ҳам.

Тилаб байза кўп бўлма меҳнатқа тўш,
Ҳаво тутти ул байза бергучи қуш[18].

Агар табъинг ўлди насиҳатпазир,
Емас бизга ҳам дўстлуқдин гузир.

Ва гар панд кўнглунга йўқ судманд,
Сўзунг бизга доғи эмас дилписанд.

Бошингдин бу беҳуда савдони қўй,
Хаёлингдин ушбу таманнони қўй.

Ангаким эрур нуктадону зариф,
Улуғ ишдурур тонимоғлиқ ҳариф.

Санга нотавонлар била тушти иш,
Менингдек киши бирла иш тушмамиш.

Гуруҳеки, ҳар йил олурсен хирож,
Сотибсен аларға бирор эски тож?

Хирож олмоқ андин эмас дилпазир
Ки, ҳам тожбахш ўлса, ҳам тахтгир.

Наҳангеки баҳр ичра бебок эрур,
Гар ул сувда юз минг дурри пок эрур.

Не навъ ўлғай андин хирож истамак,
Сувда дурри кўп бўлса бож истамак.

Бу янглиғ таманнони қилғон басе,
Ўзин сувда қилди балиғ туъмаси.

Хирадмандлиғ келди хурсандлиқ,
Қулайсиз тама нохирадмандлиқ.

Чекиб бежиҳат бўйла хориж наво,
Аромизда кўрма хусумат раво.

Гумон этмаким, молу жоҳинг сенинг,
Иш ўлғонда бўлғай паноҳинг сенинг.

Дема ер кўтармас ададсиз черик,
Санга тиғим оллинда тутқай илик.

Санга кўп, манга озроқ эрса сипоҳ,
Ерур бергучи озу кўпга Илоҳ.

Керак дастгир ўлса давлат иши,
Йўқ эрса нетар кўп черикни кишиғ»

Тугатгунча сўзни шаҳи нуктагў,
Маҳобат эшитгучини қилди сув.

Қўпуб қосиди нотавон тутти йўл,
Вале не тирик, не ўлук эрди ул.

Солиб тезрак ҳар нафас гомни,
Чу Дороға еткурди пайғомни.

Жавобини Доро эшитгач тамом,
Тағайюр топиб, бўйла сурди калом

Ки: «Ҳар кимга бу навъ афсонадур,
Тасаввур қилурменки, девонадур.

Ва ё маст эркинки, бу сўзини
Деган чоғда билмайдурур ўзини.

Ва ёхуд эрур тифли беақлу рой
Ки, эрмас сўзида хирад раҳнамой».

Чу бу нукталардин савол айлади,
Равон мустамеъ шарҳи ҳол айлади

Ки: «Не телба фаҳм эттим они, не маст,
Худ эрмас яна тифли ғафлатпараст.

Ерур ҳам хирад ёру ҳам ҳушманд,
Ҳадиси рафеъу жаноби баланд.

Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст ҳам,
Диловарсифатдур, забардаст ҳам.

Не ҳожат сифотин баён айламак,
Бўлур сўзларидин аён айламак.

Шукуҳи била фарридин ҳеч аҳад,
Топа олмай оллида сўз дерга ҳад.

Нечаким назар айласам ҳар сари,
Анинг фикри эрмасдурур сарсари».

Бу сўз қилди Дорони ул навъ тунд
Ки, бўлди ажал тиғи оллинда кунд.

Ғазаб ўтини айлади шуълахез
Ки, тушти фалак жавфида рустахез[19].

Ул ўт қўзғалон солди даврон аро,
Не даврон аро, чархи гардон аро.

Буюрдики, қосидни банд эттилар,
Сияҳчол сори олиб кеттилар.

Деди: «Гўдаги бандазодам менинг,
Жанибаткаши хонаводам менинг.

Ҳам обоси бу хонадон бандаси,
Ҳам аждоди аждодим афкандаси.

Назар айласам ақл мезониға,
Ким ўлғайки, киргай киши сониға?

Ки, онинг сўзин сўз ҳисоби тутуб,
Ва ё мен деган сўз жавоби тутуб.

Тузуб шарҳ айларда дебочае,
Ясаб баҳр оллинда дарёчае.

Не мендин таваҳҳум, не элдин уёт,
Бу ғоятқа шарҳ этгай андин сифот.

Анинг дафъи асбобин энг тузай,
Анга ул ким эрконлигин кўргузай.

Берай гўшмолеки, ҳар бадсигол,
Тузалгай чу ёд этгай ул гўшмол»[20].

Забоноваре аввал истатти чуст,
Демакта далеру адоси дуруст.

Анга сўзлар айтиб итик досдек,
Итик досдек йўққи, олмосдек.

Яна берди чавгону гўе анга,**21**
Қилиб мунда ҳам гуфтугўе анга.

Яна бир идиш кунжуди беҳисоб
Бериб, анда ҳам қилди сўзлар хитоб.

Узотиб ани тикти йўлиға кўз
Ки, то не кетургай жавобиға сўз.

Чу ул етти қатъи масофат қилиб,

Қизил тилни бошиға офат қилиб.

Скандарга арз этти аҳли вусул
Ки: «Доро қошидин келибдур расул».

Деди шаҳки, қосидни келтурдилар,
Қаро ерни гардунға еткурдилар.

Скандарга чун тушти қосид кўзи,
Унут бўлди оғзида айтур сўзи.

Шукуҳи анинг жисмидин олди тоб,
Виқори солиб кўнглига изтироб.

Ер ўптию арзи дуо айлади,
Рисолат тариқин адо айлади.

Деди шаҳки: «Арз эт сўзунг борини,
Баён қил, хаёлинг намудорини!»

Деди ҳомили роз айлаб сужуд
Ки: «Жонингға Ҳақдин туман минг дуруд22.

Йўқ оллингда сўз дерга ёро манга,
Вале дей, деган сўзни Доро манга.

Не сўзким демиш ул десанг, арз этай,
Десанг йўқ, қаёндинки келдим, кетай».

Скандар замириға солди билик
Ки: «Бордур кетурган каломи ирик».

Дедиким: «Паём этти Доройи даҳр,
Адолат била кишвароройи даҳр,

Ки, расми қадимийки, дерлар хирож,
Ки, йўқ бизга олмоққа худ эҳтиёж.

Вале шоҳларким, эрур бандамиз,
Не ҳукмеки қилсоқ сарафкандамиз.

Муни бермак – изҳори тоатдурур,

Бизинг ҳукмумизга итоатдурур.

Отонгға замонеким, эрди ҳаёт,
Бу хизмат аро зоҳир этти сабот.

Чу сен топтинг онинг мақомиға йўл,
Керак қилсанг эрди, неким қилди ул.

Итоат тариқин шиор этмадинг,
Неким қилди ул, ихтиёр этмадинг.

Ики-уч йил ўттию ул етмади,
Киши ҳам ани бозжуст этмади.

Чу иш ҳаддин ўтти йибордук киши
Ки, бўлғай хирож олмоқ онинг иши.

Демишсен неча сўзки, ҳаддинг эмас,
Киши билса ҳаддин, сўз андоқ демас.

Вале невчунким, кичикдур ёшинг,
Тўқунмайдурур тошқа ҳаргиз бошинг.

Дедукким, жунунунгға оғоз эмиш,
Жаҳолат санга кўпу ақл оз эмиш.

Ишингга йўқ ислоҳ тадбирдин,
Чу гўдаксен, ўттук бу тақсирдин.

Керак эмди хизматни ноком этиб,
Не важҳеки қолмиш саранжом этиб.

Олиб, қилмайин ваҳм, азм этгасен,
Рафеъ остон ўпгали етгасен.

Юзунгдин доғи рафъ бўлғай ҳижоб,
Иноят доғи кўргасен беҳисоб.

Агар ваҳмдин изтироб айласанг,
Деган амрдин ижтиноб айласанг

Ва ё бўлса туғёни жаҳлу ғурур

Ки, сўз радди зотингға келса зарур

Ки билмаслигинг ибтидосидур ул,
Кичик ёшлиғинг иқтизосидур ул.

Йибордим қошингға муносиб нима,
Бўюн тўлғама, номуносиб дема!

Кетурди, бу сўзни дебон нуктагўй
Аро ерга бир савлажон бирла гўй

Ки, гўдаклигинг чунки ғолибдурур,
Санга гўю чавгон муносибдурур.

Будурким, кўрунгай санга кўзга иш,
Ва лекин эрур мулк иши ўзга иш.

Ва гар рафъ қилмай кўнгулдин хилоф,
Аён қилмасанг ажзинга эътироф.

Низоъ ўлғон ўлса муаккад санга
Ки, худ йўқ ул андешаға ҳад санга.

Қўюб жаҳл, ўз жонингга раҳм қил,
Сипоҳим ҳисобин бу кунжудча бил».

Дебон, қўпти мажлисдин айлаб шитоб,
Улуғ зарф аро кунжуди беҳисоб

Кетурдию оғзидин очти тугун,
Бисот ичра ул зарфин этти нигун,

Деди: «Шоҳдин ҳар ким этса ҳарос,
Сипоҳин бу кунжуддин этсун қиёс».

Тугатгач сўзин нуктагўйи далер,
Жавоб истаю, кўз тикиб боқти ер.

Чу қосид бу янглиғ такаллум қилиб,
Скандар ниҳоний табассум қилиб.

Тугатти чу хориж таманно била,

Скандар сўз очти таанно била

Ки: «Доройи даврон шаҳи покзод
Ки, бермиш тариқи фасоҳатқа дод.

Ани сўз чу беихтиёр айламиш,
Ажаб нукталар ошкор айламиш.

Буким шоҳларни демиш бандаси,
Сарафрозларни сарафкандаси.

Гуруҳеки ўз лутфи бирла Илоҳ,
Аларни қилибдур улус узра шоҳ.

Киши ўзига банда қилмоқ хитоб,
Ҳамоноки эрмас тариқи савоб**23**.

Алар қуллуғи Ҳаққа ойин эрур,
Агар Тенгри, бандам, деса чин эрур.

Бу сўзким деди шоҳи дарёато,
Шак эрмаски, бордур саросар хато.

Ерур ширк чун Тенгрининг ширкати,
Кирар куфр йўлиға бу фикрати.

Яна улки, дебдур мени тифлу маст,
Доғи телбалик қайдиға пойбаст.

Бу уч ишга бўлғай биров муттаҳам
Ки, чеккай сўзи куфр сори алам.

Йўқ эрса ики шоҳи ҳашматматоъ,
Аён этсалар мулк узра низоъ.

Бири бўлса фарзан улуғ, бир кичик,
Бу сўз демас ўлса улуғда билик.

Қўтоннинг улуқ қуш аро сони бор,
Вале сунғур оллинда не жони бор?[24]

Яна буки, шоҳ айлаб эҳсон манга,
Йибормишдурур гўю чавгон манга.

Ерур мунда бир рамзи пўшида ҳарф,
Тафаъул аро бениҳоят шигарф

Ки, ер ҳайъатин айлабон жустужўй,
Мудаввар топибдурлар андоқки гўй25.

Чу шоҳ они тутти мусаллам манга,
Ҳамоноки Ҳақ берди олам манга.

Буким илгима солди чавгонини,
Мусаллам манга тутти майдонини.

Ҳамоно чиқиб мулк майдонидин
Мени баҳравар қилди чавгонидин

Ки, то мен бу майдонда гўй урғамен,
Самандим қилиб гармпўй урғамен.

Манга муждалар етти андин басе
Ки, мамнунмен ул комрондин басе.

Бу кунжудки ҳам келди андин бу ён,
Анинг доғи рамзини айлай баён:

Чу қилмиш сипоҳийға ташбиҳ ани,
Ерур нуктае, ўйла танбиҳ ани.

Менинг хайлима келди қушлуқ сазо
Ким, ул қушқа кунжуддин ўлғай ғизо».

Буюрдики, сурдилар онча товуқ,
Ки кунжуд ҳисобиға бўлғай ёвуқ.

Алар келтуруб дона термакка зўр
Ки, бир дона ҳам қолмай элтурга мўр.

Бу диққатлар айлаб суханварни лол,
Қаю лолким, ўлтуруб инфиол.

Буюрди равон шоҳи ҳикматқиёс
Ки: «Бўл эмди Доро сари раҳшунос.

Ешитган жавобингни еткур анга,
Не сўзларки сурдунг манга, сур анга!»

Ёниб қосид ул сўз хароши била,
Аёғи келиб, борди боши била.

Чу Дороға билганларин қилди фош,
Адоват ўти кўкка тегурди бош.

Қолиб фитна хайлиға аҳли замон,
Адам кўйига қочти амну амон.

Аёқчи, кетур майки, тортай далер,
Чу сархуш бўлай, гўкрай андоқки шер!

Кирай хасм аро, ўйлаким шери маст,
Бориға берай бир дам ичра шикаст.

Муғанний, чолиб, гарм ҳангома туз,
Сурудунгда оҳанги «Шаҳнома» туз.

Чу оҳанги кин эттилар икки шоҳ,
Далер ўлсун ул нағма бирла сипоҳ.

Навоий, жаҳон ичра ошуб эрур,
Фитан сарсари амниятрўб эрур.

Бу ошубдин гар тиларсен амон,
Амон топма май шуғлидин бир замон.

Замон аҳлиға бўлса минг ибтило,
Емас мубтало бода ичган тўло.

XXIV

Мухолафат мазамматидаким, «мух» ҳасад била «улфат»дурур ва «мухл» андиша била «офат» кўрунурки, аксин тутса, мусодақат юз берур ва таркин тутса, саодат сарманзилиға еткурур ва сойир эл мухолафати

бобидаким, мужиби хонумон хароблиғидур ва салотинға воқеъ бўлса, жаҳон хараблиғи

Жаҳон аҳлида йўқ вафо, эй рафиқ,
Ерур рифқ[1] алардин жудо, эй рафиқ!

Адоват била киндур ойинлари,
Туганмас адоват била кинлари.

Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл
Ки, бориғадур кина қилмоққа майл.

Киши бўлмағай қилсанг андешае
Ки, топилмағай анга ҳампешае.

Қачонким аён бўлди ҳамкорлиқ,
Не имкон киши бўлмай озорлиқ.

Билур кимки бир пеша бўлғай фани
Ки, албатта ҳампешадур душмани.

Бир ишта маҳорат чу зоҳир бўлур,
Яна кимса ҳам анда моҳир бўлур.

Чу ҳар соридин бўлди даъвою лоф,
Аро ерда солур таассуб хилоф.

Бўлур кин иковнинг тунию куни,
Тилар бўлмағай – бу ани, ул муни.

Нединким бири бўлса туфроққа тенг,
Бу фанда қолур ер яна бирга кенг.

Ким ўлса биров бирла ҳамфанлиғи,
Жиҳат будурур бўлса душманлиғи.

Бу ёлғуз эмас аҳли санъат аро
Ки, кўпракдурур аҳли давлат аро.

Шаҳеким анга бўлса юз минг киши,

Будур борча бир чаргаликнинг иши.

Аларким, наёбатқа мансубдур,
Тақаррублари шаҳға матлубдур.

Аларким, эрурлар аморатмаоб,
Қилурлар наёбат учун изтироб.

Аларким, туман бўлди ойинлари,
Аморат учундур бори кинлари.

Аларким, қўшунбеклигин қилди фан,
Хароби буким бошлағайлар туман.

Ерур чун тафовут била ул асос,
Асофилға тегру биҳозалқиёс.

Қаю чаргаким анда бир хайл эрур,
Бориға яна чаргага майл эрур[2].

Қилур ҳар бири саъй етмак бурун,
Ҳамул мақсади ичра топмоқ ўрун.

Таассуб чу солди арода судоъ**3**,
Яна ўртаға тушти кину низоъ.

Неча шоҳларға яқинроқ киши,
Адоват келиб кўпрак онинг иши.

Асофилға ҳар нечаким жаҳл эрур,
Ва лекин хусуматлари саҳл эрур.

Зиёнин нечаким ёмон фарз қил,
Бир ўзига, ё ўн ўзидекка бил.

Булардин авосит ародур ашад
Ки, нуқсонлари фош ўлур беадад**4**.

Топар кўп киши ул адоватда бим,
Бузулур басе хонадони қадим.

Бурунғи ариғ этса тошмоққа майл,
Икинчи эрур поя боронға сел.

Ва лекин аолийға тушса ҳисоб
Ки, бўлғай салотин гардунжаноб.

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур
Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Не тўфон, бало баҳри чайқолгони,
Жаҳон аҳли сув остиға қолғони.

Агар дашту тоғ узрадур ҳар фариқ,
Қилич баҳри суйиға бўлмоқ ғариқ.

Жаҳон мулкидин амн бўлмоқ йироқ,
Амонлиқ ҳамул мулк элидин қироқ.

Бало селининг бўлмоғи мавжзан,
Чўмурмоқ улусни бу мавжи фитан.

Не тўфон, бедоду селоби ғам,
Ерур ончаким даҳр элига алам.

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.

Бори тортибон қатл учун тиғи тез,
Қилиб тиғи тез ўлтурурга ситез.

Ато бир тараф гар эрур, филмасал,
Яна жониб ўлса ўғулға маҳал.

Икисига кин ўти солғай ғазаб,
Ул ўт қон ичарга қилиб ташналаб.

Ато жон бериб ўғлин ўлтургали,
Ўғул ҳам анга тиғи кин сургали.

Қариндош топса қариндошини,
Дамо-дам тилаб кесгали бошини5.

Тушуб ошноларға бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларға ҳамхоналиқ.

Бу навъ ўлса мундоқ ики зот аро,
Не бўлғай, гумон қил ики ёт ароғ

Анингдек эсиб тундбоди набард
Ки, ошубдин еткуруб кўкка гард.

Тутуб фитна гарди халойиқ кўзин
Ким, ул гард аро халқ топмай ўзин.

Солиб элга мундоқ набарди бало,
Гаҳи қатлу торожу гоҳи жало.

Агар бу ики шаҳға бўлмай масоф,
Ва лекин бўлуб бўйла дойим хилоф.

Улусқа деган янглиғ аҳвол ўлуб,
Халойиқ ҳаводисқа помол ўлуб.

Ва гар раҳм қилмай улус жониға,
Азимат қилиб разм майдониға,

Бирисин зафар айлабон чирадаст,
Яна бир сори зоҳир ўлса шикаст.

Яқин билким ул кундур офат куни,
Не офат куниким, қиёмат куни.

Хушо, ики озодаи номурод
Ки, бир-бирга зоҳир қилиб иттиҳод.

Не ул айласа бу мадоро қилиб,
Анга ҳам бу рифқ ошкоро қилиб.

Анинг коми бу бирга мақсуд ўлуб,
Мунунг радди ул бирга мардуд ўлуб.

Рафиқ ики дарвеш, беиштибоҳ,
Ерур яхшироққим, адув ики шоҳ![6]

XXV

Ики жаҳондор мухолафатидин жаҳон аҳли хирманиға бало барқи етгани ва ики ёр мувофақатидин ул туташқон ўтқа раҳмат ёмғури ёғиб, шуъласин паст этгани

Эшиттимки, Чингизу1 Хоразмшоҳ,
Адоватқа чун бўлдилар кинахоҳ.

Бузулди жаҳон улча мақдур эрур,
Нетай шарҳин айтиб, чу машҳур эрур.

Ҳамоноки Чингиз топиб зафар,
Анинг мулкини қилди зеру забар.

Не кишвар ароким мақом айлади,
Чекиб тиғи кин, қатли ом айлади.

Тушуб мавжға баҳри жабборлиқ,
Аён айлабон мавжи қаҳҳорлиқ.

Ато ўғлиға йиғлабон: ҳой-ҳой!
Қизиға ано тортибон: вой-вой!

Ҳаёт уйига марг солиб халал,
Амон рахнасин маҳкам айлаб ажал.

Магар Шом мулкида эрди бу ҳол
Ки, ики рафиқи маваддатхисол.

Қазодин биров дастгири бўлуб,
Биров йўққи, кофир асири бўлуб.

Кўзидин оқар қонларидин иков,
Юдилар илик жонларидин иков.

Тилаб ҳар бири айламак ибтидо
Ки, жонин яна бирга қилғай фидо.

Бу ҳолатда қотил чекиб тиғи қатл
Бирисига қилди аён биғи қатл.

Яна бир бошин очиб, этмай ҳарос,
Аён айлади ёлбориб илтимос

Ки: «Аввал менинг бошима тиғ сур,
Чу мен ўлдум, ул дам анинг бўйнин ур!»

Мунга чунки майл этти ўлтургали,
Бошиға жафо тиғи текургали.

Очиб бошин ул бир ҳам айлаб ҳавас,
Неким эрди аввалғиға мултамас.

Булар ҳар бир – ул бир учун қайғуда,
Бу ҳолатда Чингиз эмиш уйқуда.

Тушига кирар бу икки ёр иши,
Муни кўргач айтур анга бир киши

Ки: «Кечгил халойиққа озордин,
Вафо ўрган ушбу ики ёрдин.

Санга кинавар бўлса Хоразмшоҳ,
Ул иштин жаҳон аҳлиға не гуноҳ?»

Ики шаҳ кини жаҳонни бузуб,
Ики зор мундоқ вафо кўргузуб.

Чу уйғонди уйқусидин қаҳрамон,
Ўлумдин халойиққа берди амон.

Ики ёру қотилда ул можаро
Ки, ом ўлди бахшиш сўзи халқ аро,

Қилиб эрди кофирға доғи асар,
Етишти қулоғига чун бу хабар.

Қилиб рафъ кўнглидин озорни,
Ешиб қилди озод ики ёрни.

Ики шоҳ чун бўлдилар кинахоҳ,
Жаҳон аҳли бўлди саросар табоҳ.

Вале ики дарвешнинг ҳиммати,
Мувофиқлиғи юмни хосияти

Ки, қилдилар исор жони ҳазин,
Кўтарди жаҳон аҳлидин тиғи кин.

Киши айласа рифқ юмнин ҳавас,
Анга то абад ушбу тамсил бас2.

XXVI

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, мухолафатки борча милалда мамнуъдурур ва низоъки борча маҳалда номасмуъ, андоқ модда топилғаймуким, анда дилпазир бўлғай ва қилмоғи ногузир ва Арасту ул тийраликда ёруғлуғ кўргузмак ва ул мухолиф оҳангни ростда тузмак

Яна сўрди шоҳи Фаридунҳашам1
Ки: «Ей ҳикмат аҳлиға ройинг ҳакам!

Ики кимсага воқеъ ўлмоқ низоъ,
Бир ишта эрур мужиби имтиноъ.

Низоеки, ҳар кимга масмуъдур,
Хирад буйруғи бирла мамнуъдур.

Топилғайму ул навъ бир жоддае,
Ҳамул жодда ичра бир моддае

Ки, бўлғай низоъ анда хотирписанд
Ки, гар бўлмаса бўлғай андин газандғ»

Деди ҳикматойини донанда2 ҳарф
Ки: «Қилдинг саволе бағоят шигарф.

Низоеки қилди хирад они рад,
Қабул этти ҳам баъзи ишда хирад.

Бировда бир иш бўлса нодилпазир,
Ки, фоилғадур қилмоғи ногузир.

Вале элга андин зарардур басе,
Анинг зимнида шўру шардур басе.

Биров манъиға гар топар дастрас,
Ўзин тутса маъзур, маъзур эмас**3.**

Ва гар манъ қилдию ер тутмади,
Не иш таркиниким бу дер, тутмади.

Билиндики, кўп табъи роғибдурур,
Ирикрак анинг манъи вожибдурур.

Мунунг бирла ҳам топмаса имтиноъ,
Бўлур вожиб ул лаҳза қилмоқ низоъ.

Бўлур чун низоъ ичра нуқсону суд,
Керак анда бир шарт тутса вужуд

Ки, буким низоъ ичра тузди асос,
Ўзин айласа хасм бирла қиёс.

Агар ғолиб ўлмоғлиғин чоғласа,
Низоъиға ул лаҳза бел боғласа.

Ва гар қувватин англаса байн-байн,
Арода падид этмаса шўру-шайн.

Ва гар худ ўзин билса мағлубдур,
Насиҳат била иктифо хўбдур.

Керак ул насиҳат доғи нармрўй
Ки, то мустамиъ бўлмағай тундхўй.

Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор
Ки, носиҳқа ҳам бим нуқсони бор.

Низоъ ичра мундоқ маротибни бил,
Қила олмоғинг чун яқин бўлди қил.

Яқин бўлмаса ғолиби зан керак,
Киши барча ишта хирадфан керак.

Бировким хираддур анга раҳнамун,
Бу ишларда қўймас бўлурға забун».

Чу нофиъ жавоб англади мустамиъ,
Яна сўрмади сўз – бўлуб мунтафиъ.

XXVII

Доронинг Искандар сўзидин ошуфта бўлуб, сипоҳ йиғмоқтин оламға ошуб солиб, олам-олам черик йиғиб Искандар размиға азм қилғони ва Скандар ҳам ул дарёйи офат муқобаласида сели бало ва кўҳи махофат муқоталасиға барқи разм ва ваға ясаб юзлашгани ва офоқни ул ики шоҳ зеру забар қилурда Доронинг ливойи давлати ўзга сарсар офатидин сарнигун бўлуб Искандарнинг маҳчак алами қуёш ливосидин ўтгани

Ики шоҳ ишида ҳикоятгузор,
Бу янглиғ берур сўзга зеби узор

Ки, Дороға чун етти борғон расул,
Скандар қазоёсиға берди тул.

Қаю сўзки шаҳдин хитоб айлади,
Неким истимои жавоб айлади.

Чу арз айламакдин йўқ эрди гузир,
Борин айлади арз фармонпазир.

Чу фаҳм этти Доро анингдек жавоб,
ғазаб ўтидин жисмиға тушти тоб.

Ёнар ўтдек ўлди қадам то ба фарқ,
Таҳаррук ани қилди андоққи барқ.

Гаҳи бўлди даврон била тундхў,
Гаҳи чархи гардонға деди: «Туфу!»

Ошиб дам-бадам изтироби анинг,
Еру кўкка таъну итоби анинг.

Бу ошуб дардиға бўлмай даво,
Черик жамъиға бўлди фармонраво.

Киши чопти офоқ аро бедаранг,
Бажуз Рум ила Зангбору Фаранг**1**.

Сипаҳ баҳриға тушти ул навъ жўш
Ки, ўтти фалак лужжасидин хуруш.

Ҳам Эрону Турон**2**, ҳам ақсойи Чин,
Анга тегруким, ҳадди Машриқ замин.

Чиқиб ул сифатким, киши қолмайин,
Демай қолмайинким, қола олмайин.

Анга тегруким, ҳадди ақсойи ғарб,
Бутуб борчанинг жисмидин сози ҳарб.

Яна ҳам диёри Жанубу Шимол,
Киши қолмоғи топмайин эҳтимол.

Башар жинси хайлин жаҳондин йиғиб,
Жаҳон аҳлини тўрт ёндин йиғиб.

Сипаҳ жўш уруб тоғу ҳомун аро,
Ғалат айладим, рубъи маскун аро.

Суруб элни зобит сипаҳдорлар,
Сиёсат тариқида ғаддорлар.

Бу янглиғ черик яхшироқ фол ила,
Ики йилда жамъ ўлди тунқол ила.

Сипоҳийки ер сатҳиға сиғмайин,
Черик ҳаргиз андоқ киши йиғмайин.

Не учу қироқ эрди пайдо анга,
Не ҳадду не ғоят ҳувайдо анга.

Ададда фалак анжумидин фузун,
Не анжум, биёбон қумидин фузун.

Чу мавъидға жамъ ўлди мундоқ сипоҳ,
Билиб ул сипаҳ сори азм этти шоҳ.

Назар солди чун ул черик сори тез,
Адоват ўтин айлади шуълахез.

Димоғиға йўл топти навъи ғурур
Ки, гардун қочар қилсам ул ён убур.

Етиб ҳар тарафдин улус шаҳлари
Ўкуш тортиғу туҳфа ҳамраҳлари.

Ақолим волийлари жавқ-жавқ,
Итоат солиб борча бўйниға тавқ**З**.

Чу Доро тушуб боргоҳи аро,
Тушуб жўш хайлу сипоҳи аро.

Қўюб боргоҳ ичра тахти баланд,
Чиқиб тахт уза хусрави аржуманд.

Тузуб маснадеким, сипеҳри барин,
Яна кўрмайин, ўйла маснаднишин.

Қилиб ҳукмким: «Мулк султонлари,
Қамуқ хайлу кишвар нигаҳбонлари,

Келиб борча ер ўптик айлаб салом,
Мунунг бирла касб айладик эҳтиром».

Салотинға чунким, бу навъ ўлди бор,
Топиб ишлари сиккаи эътибор.

Йироқтин келиб, борча бош индуруб,
Тикиб ерга кўз, ўқ учидин туруб.

Чу ҳар бирни кўрмакка шоҳ истабон,
Бориб ҳожиби боргоҳ истабон.

Келиб ул бисоти қироғин ўпуб,
Қўюб оллида бош, аёғин ўпуб.

Ёниб, чун бўлуб ўрниға раҳхиром,
Яна бир бўлуб хоки даргаҳхиром.

Бу янглиғ ярим кунгача эрди маҳл
Ки, топти шараф улки бор эрди аҳл.

Хито мулкидин Мангу-қоон киби,
Яна Ҳинд элидин Қарохон киби.

Ҳамул Мисрдин Варқау Бошдек,
Доғи Дашт элидин Темуртошдек.

Фарангисдек Ховарон мулкидин,
Даволи киби Ширвон мулкидин.

Шаҳу шоҳзода ададдин фузун,
Сипаҳдору сархайл ҳаддин фузун4.

Ки, побўсидин бўлдилар сарбаланд,
Яна илтифоти била аржуманд.

Бўлуб кўрмагидин чу олий асос,
Яна пешкашлар чекиб беқиёс

Ки, юз минг муҳосибқа юз йил шитоб,
Етишса қила олмағайлар ҳисоб.

Бу ашғолни айлабон бартараф,
Халойиқни тарқаттилар ҳар тараф.

Не сархайлким бор эди ҳар сари,
Тилатти иноят қилиб ичкари.

Қилиб тожварларға ҳукми жулус,
Бори ўлтурурға бўлуб хокбўс.

Чу атрофида шоҳлар ўлтуруб,
Сипаҳдорлар хизматида туруб.

Улуғлар чу алтофидин топти баҳр,
Равон бошлади нукта Доройи даҳр

Ки: «Боис чекарга бу янглиғ сипоҳ,
Халойиқ фароғин қилурға табоҳ

Бу эрдики, чун Румдин Файлақус,
Жаҳон риҳлати азмиға урди кўс,

Қолибдур анга зодае мажнунваше,
Судек кажраве, ўт киби саркаше.

Йибормай хазойинға уч йил хирож,
Бошиға сарафрозлиқ солди тож.

Чу борди киши билгали шарҳи ҳол
Ки, ўз хизматин невчун этмиш ўсол?

Анинг бирла бу можаро сургали,
Бақоёни девонға келтургали.

Паришон такаллум қилиб беадад
Ки, йўқтур анга, ўйла сўз дерга ҳад.

Яна қилдим ирсол кўп навъ панд,
Анга ҳеч панд ўлмади судманд.

Жавобида кўп қилди тарки адаб,
Мени доғи ошуфта қилди ғазаб.

Ешитгач қулайсиз мақолин анинг,
Зарурат кўруб гўшмолин анинг.

Бўлуб боис ул гўлу нодон иши,
Черик жамъиға чопти ҳар ён киши».

Дедилар қўпуб, ер ўпуб шоҳлар,
Сипаҳбадлиғ амридин огоҳлар

Ки: «Қилмоққа ҳолини онинг табоҳ,
Не ҳожат эди айламак азм шоҳ.

Бу янглиғ черик ҳожат эрмас эди,
Анинг дафъиға бир қуле бас эди.

Қаю бирга бу иш иноят бўлур,
Ҳамоноки бу иш кифоят бўлур».

Деди шоҳким: «Чун йиғилмиш сипоҳ,
Керак Румни қилсақ оромгоҳ.

Чу кирмиш анга Зангбору Фаранг,
Алар фикрига ҳам керактур даранг.

Неча кун бу ерлар тавофи қилиб,
Адудин мамоликни софий қилиб,

Агар қайтсақ ҳам эмастур йироқ,
Ҳар андешадин бу эрур яхшироқ».

Чу шоҳ оғзиға солди бу сўз қазо,
Қазо амриға чора йўқ жуз ризо.

Неким шаҳ деди, иттифоқ эттилар,
Бори Рум азмин яроқ эттилар.

Манозил битиб, бўлдилар жазми кўч,
Қўпуб ҳар тараф қилдилар азми кўч.

Буларға бўлуб кўч-баркўч азм,
Скандарга доғи хабар етти жазм,

Ки, Доро йиғиб ер юзидин сипоҳ,
Буён айламиш азм беиштибоҳ.

Худ эрмас эди ғофил ул ҳолдин,
Ишида йироқ эрди эҳмолдин.

Узотиб дамо-дам адуға киши,
Паёпай хабар топмоқ эрди иши.

Қаю ишгаким фаҳм этиб эҳтиёж,
Фароғат била айлар эрди илож.

Сипоҳини ул шоҳи навхоста,
Анингдек қилиб эрди ороста,

Ки, оллиға чекса сипаҳ оламе,
Ки бўлса алар ҳар бири Рустаме,

Нечукким ел оллиға бўлғай самон,
Етишмак ҳамону – совурмоқ ҳамон.

Ва лекин шиори мадоро бўлуб,
Таҳаттук йўқ андоққи Доро бўлуб5.

Чу Доро ҳадиси анга бўлди туз
Ки, олам сипоҳин йиғиб қўйди юз.

Бу янглиғ черикким баён айладим,
Рақам бирла васфин аён айладим.

Тузуб ул хирадманди ҳикматмаоб,
Адув рўбарўйиға қилди шитоб.

Нечукким тенгиз сори ғурранда абр
Ва ё гўр хайлиға ғуррон ҳизабр.

Чу фаҳм этти ул ишни Доро доғи,
Ки борди ародин мадоро доғи.

Анинг чиқмоғи бўйла беваҳму пос,
Адув хайлиға солди беҳад ҳарос.

Чу ўн манзил ўлди аро ерда жазм,
Ики ёндин ўлди тааннию ҳазм.

Юруш расмида бўлмас эрди ўсол,
Кўчарда, тушарда бор эрди ясол.

Тушулгач, черик даврини шақ қилиб,
Сипаҳ ҳифзи айларга хандақ қилиб.

Қуёш чун ботиб кўкка соя чиқиб,
Ҳамул ики ёндин талоя чиқиб.

Язак аҳлиға, ўйла бедорлиқ,

Талоя аро, ўйла ҳушёрлиқ[6].

Ки, гар мўр тебранса қилмай даранг,
Тикарлар эди кўзин отиб хаданг.

Бу янглиғ сипаҳ бошлабон икки шоҳ
Ки, бир кунчилик қолди йўл размгоҳ.

Аро ерда тоғе эди бас рафеъ,
Ики ёнида ики дашти васеъ.

Ики дашт аро ики хусрав эли
Ки, йўл топмай ул эл аро тонг ели.

Скандар сипаҳ теграсига етиб.
Нечаким керак забтида жаҳд этиб,

Ясаб хандақу ҳисн Хайбар киби,
Не Хайбарки, Садди Скандар киби[7].

Чу кўнгли бўлуб тинч юз тиғзан,
Бори лашкаророю лашкаршикан.

Ойириб ўзи бирла бўлди равон,
Зиҳи, ҳам сипаҳдору ҳам паҳлавон.

Ҳамул тоғ уза чиқти ул хайл ила,
Адувнинг сипоҳин тамошо қила.

Не кўрдики, тутмиш сипаҳ ер юзин,
Қаро айлабон даҳр тоғу тузин.

Таҳаррук топиб халқдин дашту тоғ,
Таҳаррукка ҳам кимса топмай фароғ.

Фалакни анингдек тутуб дуду гард
Ки, пинҳон бўлуб гунбади ложувард.

Топиб гард ила дуд чун имтизож,
Бериб ўту туфроққа бир мизож.

Қаёнким Скандарга тушти назар,
Топа олмади халқ ичидин гузар.

Қила олмайин эл қиёсини ҳеч,
Таҳайюр анинг мағзини қилди геч.

Хаёлида бу сўзким: «Ики черик
Қачон сунсалар кин ишига илик,

Бири ёна бирча эса ики-уч,
Ерур ҳарб ойини озроққа куч.

Агар бўлса бир сори ёлғуз киши,
ғаним ўлса ўтрусида юз киши.

Агар истаса ҳарбу пархошини,
Илик бирла кесмактур ўз бошини.

Манга мунча ҳикмат тариқида лоф,
Ажаб ерда ёйдим бисоти масоф.

Бу ердин ёнарнинг худ имкони йўқ,
Набард айласам ғайри нуқсони йўқ!»8

Бу фикр ичра ройи хирадпарвари
Ки, бир тош уза ики кабки дарий

Кўрундики, бир-бирга айлаб ситез,
Урушурлар эрди басе тунду тез.

Бири жусса ичра забардастроқ,
Яна бир ҳақир эрдию пастроқ.

Анга неча қувват, мунга онча заъф,
Де олғонча қувват, де олғонча заъф.

Скандар чу ул заъфу қувват кўруб,
Ўзи бирла Дороға нисбат кўруб,

Алар сори боқти тааммул била,
Ўзию адувға тафаъул била.

Ўзи жонибидин ҳақирин тутуб,
Адув ўрниға ёна бирин тутуб.

Қилур эрди ул ҳарб наззораси,
Тараддуд аро жони бечораси.

Ки, ногоҳ ҳаводин уқобе иниб,
Қилиб сайд олурға шитобе иниб,

Улуғроғни сайд этти ул навъ чуст
Ки, гўёким ул худ йўқ эрди нухуст.

Уқоб илгида бўлғоч ул бир табоҳ,
Яна бирга бўлди ери жилвагоҳ.

Скандар бўлуб хушдил ул ҳолдин,
Тануманд ўлуб кўнгли бу фолдин.

Билибким, анга хасм ўлур зердаст,
Ва лекин топар ўзга ердин шикаст.

Бу ишдин ўзига шугун англабон,
Ёниб хасм қадрин нигун англабон.

Сипоҳиға кирди топиб бу футуҳ,
Анингдекки, жонсиз бадан ичра руҳ.

Чу ул тоғдин инди топиб наво,
Қуёш чекти тоғ кейин сори ливо.

Фалак машъали кўктин ўлғоч нигун,
Замона бўлуб дудидин қиргун.

Ўзин айлабон маҳкам ики сипоҳ
Сипоҳ интизорин чекиб размгоҳ.

Язак айлабон, ўйла огоҳлиқ
Ки, қилмай анга соя ҳамроҳлиқ.

Талоя бўлуб ҳар тарафтин мудир,
Тун ўғрисин этмак тилаб дастгир**9**.

Язакдин сипаҳ даврида, ўйла бим
Ки, тебранмак имкони топмай насим.

Улус, ўйла мазбут ўлуб ҳар сори
Ки, ун ҳам чиқа олмайин ташқори.

Ики шоҳ ҳар сори иш фикрида,
Ясол зикри бирла тикиш фикрида.

Нари юзда Доройи анжумсипоҳ,
Боши узра гардун киби боргоҳ.

Қилиб тахт уза иш яроғини гуфт,
Бори навъидин ошкору нуҳуфт.

Ўзи жониби фатҳ лозим кўруб,
Ливосиға нусрат мулозим кўруб.

Кўзига Скандарни ҳеч илмайин,
Қазодин не ҳол ўлмоғин билмайин.

Сипаҳбадлари худ ғулу айлабон,
Скандар сўзин гуфтугў айлабон

Ки: «Гар шоҳ ҳукм этса беваҳму бийм,
Ерурбиз анга ҳар биримиз ғаним».

Бири дебки: «Кўргач қаро қочқуси»,
Бири дебки: «Узр эшигин очқуси».

Ва лекин Скандар сори барча жазм
Ки, қилмоқ керак тонгла ўлгунча разм.

Қавий хасмға мумкин эрмас шикаст,
Магар улки кўргузгабиз зарби даст.

Кўзидин бориб уйқу осойиши,
Иши разм аҳлининг оройиши.

Елига карамдин етурмак навид,
Қочар элга бим, иш қилурға умид.

Ели ҳеч тинмай ясаб созу барг,
Муҳайё қилиб жавшану худу тарг.

Кўрунуб узун кина аҳлиға тун,
Вале кун хаёлоти тундин узун.

Бу янглиғ эди ики ёндин хаёл
Ки, бўлди аён субҳи фаррухжамол.

Саҳар ошкор этти заррин ливо
Ки, бўлди ёруғ маҳчасидин ҳаво.

Қазо солди ул ики дарёға жўш
Ки, Баҳром самъиға етти хурўш.

Чекиб гурдлар наъраи ҳоила
Ки, солиб ер ажзосиға зилзила.

Зуҳур айлабон «арзу зилзолаҳо
Ва ахражатил-арзу асқолаҳо»**10**.

Бўлуб тиғзанлар қадам то ба фарқ,
Фалак туркидек кўк темур ичра ғарқ**11**.

Ясаб ҳарб учун ўзни маркаб уза,
Таковар суруб, ўз ясолин туза.

Чу отланди Доройи давлатпаноҳ,
Скандарға ўтру тузатти сипоҳ.

Сипаҳ дема, дарёйи хунхор, де,
Фалак баҳри андин намудор, де.

Сафе тузди тузмакка ойини ҳарб
Ки, бир қамбали–шарқ эди, бири–ғарб.

Ясолеки бу тул ила кўргузуб,
Будур турфаким, ети дабқур тузуб.

Боронғор[12] анга хайли Машриқ замин,
Самарқанддин токи сарҳадди Чин.

Яна юз минг ўзбак мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам.

Бўлуб борчаси олти юз минг киши,
Борига ҳунар кин ила разм иши.

Ясаб Чин элин турки чинийсиришт,
Тароватда андоққи боғи биҳишт.

Ети ранг зарбафт ҳар паҳлавон,
Солиб бодпойиға баргуствон.

Довулғода чиний ялов дилпазир,
Яна жавшан устига чиний ҳарир.

Ясолеки қалмоқ хони ясаб,
Ажал дўзахидин нишоне ясаб.

Томуғ шуъласи барча рангин ялов,
Билиниб ялов жилвасидин қалов.

Ҳар ўпчинлук онча қилиб карру фар
Ки, андин тушуб даҳр аро шўру шар.

Алар хайлининг хони Тўқвоб ўлуб,
Уруш вақти озармдин тоб ўлуб.

Мўғул шерпайкарлари ўту ёлин,
Тааддуд аро ит тукидин қолин.

Булар хони Мангу келиб разм аро
Ки, ошуби оламни айлаб қаро.

Яна манғит ўзбак била ёндашиб,
Ики зулфдек тузлари чирмашиб.

Кумушдек ёруғ барчанинг кўҳаси,
Боз узра довулғалар чаркасий.

Алар ёнида Мовараннаҳр эли,
Ики руд аросида ўн шаҳр эли.

Бори шергиру бори пилзўр,
Тикиб ўқ била кўзларин бўлса мўр.

Жинонваш Самарқанд мавжуд йўқ
Ки, қилмиш бино они Искандар-ўқ**13**.

Жувонғорда Мағриб эли бир сари,
Яна сори Бартосию Барбари.

Синонлар сариғ ранг, қалқон доғи,
Кежимлар сариғ жинс, хафтон доғи,

Араб барридин найзавар қирқ минг
Ки, якрони този келиб борчанинг.

Аламлар қароу синонлар қаро,
Бедов узра баргуствонлар қаро.

Ҳамул мағриб аҳлини бошлаб Талиъ,
Араб хайлининг пешвоси Вакиъ.

Мадойин навоҳисидин Ардашер,
Чекиб тиғ, хайлида юз минг далер.

Бинафш айлабон шадда бирла дирафш,
Саманд узра баргуствон ҳам бинафш.

Қутайф аҳли, Баҳрайну Бағдод ҳам,
Сипаҳбад аларға келиб Густаҳам.

Бўлуб сарбасар кўк темур ичра ғарқ,
Кўк атласда пинҳон қадам то бафарқ.

Жувонғор ҳам олти юз минг адад,
Булар бошқа андинки бўлғай мадад.

Ҳировул ясаб ети юз минг киши
Ки, ҳайрон қолиб ети кўк гардиши.

Борининг келиб худу хафтони оқ,
Неким кийгулуктур ясаб они оқ.

Бу кофургун саф аро разм эли,
Келиб Дашти Қифчоқу Хоразм эли.

Ўзидин топиб ғул фарру шукуҳ,
Сипаҳ саф тузуб даврида кўҳ-кўҳ.

Қилиб андоқ ороста етти ғул
Ки, ел хайли топмай аро ерда йўл.

Бўлуб ҳар саф ул элга юз минг нафар,
Шаҳ ойинидин барчаға зебу фар.

Булар киймаги барча ахзар бўлуб,
Аламға яшил шуққа зевар бўлуб.

Бўлуб олам ул сабзадин марғзор,
Яшил хат бўлуб ер юзига узор.

Ҳамул қалбгоҳ ичра Доройи даҳр,
Хилофиға йўқ ҳадду ёройи даҳр.

Бу янглиғ ясаб созу ойини разм,
Адув сори таскин била қилди азм.

Нари юзда Искандари шердил,
Қилиб хайли оройиши муттасил.

Боронғорин айлаб сипоҳи фаранг,
Бори қон тўкарга бўлуб бедаранг.

Адувнинг қалин эрконин билмайин,
Агар билса ҳам кўзга ҳеч илмайин.

Сипаҳдор алар ичра Шайпол14 ўлуб,
Таҳаввурда чун Рустами Зол ўлуб.

Кийимлар гуҳардин мукаллал бори,
Фарангий ети ранг махмал бори.

Алам шуққаси доғи жинси фаранг,
Ҳам ул борча зарбафту ҳам ети ранг.

Адув ичра юз минг бори тезу тунд
Ки, ҳайбатларидин қуёш тиғи кунд.

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,
Фалак хингидек барча тунду шамус.

Алар жавшани борча қолқондуруқ,
Синон қўлларида нечукким сўруқ.

Вале бодполарға солғон кежим,
Сақарлоту борча ёвурқон кежим.

Довулға бўлуб тўппи янглиғ бари,
Ўтоға бош узра сариқ қуш пари.

Келиб ҳар бири кеча андоққи бум,
Мувофиққа маймун, мухолифқа шум.

Булар доғи юз минг келиб сон аро,
Чекиб саф жувонғорда майдон аро.

Ҳировулда занг аҳли таъйин бўлуб,
Аларға яна ўзга ойин бўлуб.

Кийиб барчаси жавшани зангсоз,
Ёруқ кўзгудек зангдин бениёз.

Яна худлар мисли жавшан келиб,
Қаро тунда хуршиди равшан келиб.

Ўтоға темур бирла шаҳпар мисол,
Қуёш узра сончиб нечукким ҳилол.

Кежимлар доғи барча пўлоддин.
Топиб ламъа суҳони бедоддин.

Ёруғ оҳа юз минг адув ўтруси,
Саросар ажал шахсининг кўзгуси.

Қилиб ғулини борча Румий сипоҳ,
Топиб зийнат ул ғул ила размгоҳ.

Қизил юз била борча андоқки шер,
Адув қасдиға шер янглиғ далер.

Кежим борчаға шеру бабру паланг,
Жиба узра хафтон доғи ушбу ранг.

Бўлуб ҳар бир, андоқки, ғурранда абр,
Дегил тутти олам юзин шеру бабр.

Туруб қалб аро шоҳи фарруҳсарир,
Нечукким ҳизабре, вале шергир.

Боши устида шерпайкар алам,
Есиб анга нусрат ели дам-бадам.

Бу янглиғ сипаҳ бирла дорои Рум,
Сипоҳин ясаб, ўйлаким нахли мум.

Юруб хасм хайлининг ўтрусиға,
Мунунг ул ҳам андоқки қаршусиға.

Чекиб кўс уни ики ёндин ғирев,
Анингдекки, маст ўлса юз нарра дев.

Фалак турки гардунни ики чопиб,
Анинг ҳар бирисига бир юз ёпиб.

Адув шайнини кимса қилмай қиёс
Ки, нокор ўлуб ғулғулидин ҳавос.

Нафир, ўйлаким аждари тездам,
Таҳаррук солиб бўйниға ики хам.

Оғиз очмоғи элни тутмоқ учун,
Ва ё хасм хайлини ютмоқ учун.

Яна карраною ковурго уни,
Қилиб ошкоро қиёмат куни.

Аламларки елдин бўлуб жилвагар,
Фулклар набардидин айтиб хабар.

Ҳавони анингдек тутуб тийра гард
Ки, бўлмай аён кўзга дашти набард.

Кўп элким қилиб гирд қилмоғин вирд,
Курра шакли ернинг бўлуб нимгирд.

Сипаҳ наълидин ёнчилиб ёрими,
Бўлуб гард янглиғ фалак озими.

Бу дарёйи гард ичра тушган киши,
Нафас қайтарурдин су ютмоқ иши.

Қолин тиғ ул гарди ҳайжо аро,
Ўкуш мўр оқиб лойи дарё аро.

Дема гардким, эрди мушкин саҳоб,
Еру кўк аросиға тортиб ниқоб.

Чоқиб барқ ўти оҳалар ишнари,
Чекиб раъд уни боралар кишнари**15**.

Тутуб қўлға жабборлар тиғи тез,
Фалак тортқондек синони ситез.

Бу янглиғ ики олами қатлу кин
Ки, титраб алардин замону замин.

Юруб бир-бирига яқин еттилар,
Аёғ тоғдек ерга беркиттилар.

Сурон солдилар аввал ул навъ тез
Ки, оламға тушти ажаб рустахез.

Демасменки, қўзғолди олам эли
Ки, булғашти бу сабз торам эли.

Қўяр эрди ҳамлин фалак беваси,
Сатарванлиғ ар бўлмаса шеваси**16**.

Чу бир лаҳза топти сукун ул хурўш,
Улус оғзи ғавғодин ўлди хамўш.

Насими ваға бир сори сурди гард,
Кўрунди халойиққа дашти набард.

Ҳамул ҳар тарафдин бир анбуҳ саф,
Не анбуҳким, кўҳ то кўҳ саф.

Қилилғон киби лавн-лавнин баён,
Тамошо қилур элга бўлди аён.

Анингдекки тушгай чоқиндин дурахш,
Скандар сафидин биров сурди рахш.

Тарид айлаю кирди майдон аро.
Ҳунарлар аён қилди жавлон аро.

Солиб бодпойиға баргуствон,
Намудор аро, ўйлаким арғувон.

Кийиб жавшан устига чиний ҳарир,
Келиб сув уза сабзадек дилпазир.

Синон ўнг қўлинда нечукким сутун,
Сўл эгнида қалқон келиб лаългун.

Ўтоға тикиб худида савсани,
Бўлуб ғунчадин савсан очмоқ фани.

Бу ҳайъат била чобуки жангжўй,
Туруб ўртада бошлади гуфтугўй.

Скандар дуосин бурун қилди ёд
Ки: «Топсун адувсиға кому мурод!»

Яна деди юз келтуруб ҳар сари
Ки: «Дерлар мени Бориқи Барбарий**17**.

Бурун бор эдим шоҳ Дороға қул,
Вале топмадим қуллуғи ичра йўл.

Мени, ўйлаким бор эдим билмади,
Риоят, нечукким керак, қилмади.

Топиб мендин ўксуклар андин наво,
Манга кўрди кўп бенаволиғ раво.

Чу ҳолим дедим, шоҳи олийсифот,
Жавобимға ҳам қилмади илтифот.

Ижозат сўзин арз қилғоч туруб,
Таёғлатти қаҳр айлабон бостуруб.

Чу Доро қилиб мунча зулму шикаст,
Мени қилди бахтим Скандарпараст.

Чу даргоҳиға еттим истаб паноҳ,
Манга онча лутфу карам қилди шоҳ.

Ким ул тарбиятдин сарафкандамен,
Иш этмай олиб музд, шармандамен.

Букунким, қилибмен бу майдонға азм,
Ики иш учун айлагум кину разм:

Бир улки: шаҳимға қилиб бандалиқ,
Ўзумдин қилай рафъи шармандалиқ.

Яна улки: чун қатл расмин тузай,
Ишим шоҳ Дороға ҳам кўргузай.

Ўзин улки ҳарбимға мойил қилур,
Манга ики мақсуд ҳосил қилур:

Аларғаки шоҳи хирад раҳнамун,
Иноят қилиб эрди мендин фузун.

Бўлурким паёпай равон айлагай,
Яко-як борин имтиҳон айлагай».

Чу Бориқ тугатти каломин тамом,
Алардинким ул айламиш эрди ком.

Равон бўлди майдонға қотилваше,
Тутундек ғализ, ўт киби саркаше.

Оти наълидин токи худида мил,
Кириб кўк темур ичра андоққи нил.

Оти наълидинким шарар айрилиб,
Бало абридин марг ўти чоқилиб.

Фалаксайри ошуби пайваст ила,
Солиб ел димоғиға фарраст ила.

Ҳамойилдағи тиғи бежодадек,
Қўл ичра синони келиб ходадек.

Ани разм эли шери даррон, дебон,
Отин анжуман аҳли Ҳаррон**18** дебон.

Чу майдон тариқин адо айлади,
Туруб хусравиға дуо айлади.

Тугатгач дуо, чопти Бориққа тез,
Анга доғи Борик бўлуб барқхез.

Бири-бирга майдонда чирмоштилар,
Басе бир-биридин қолиб, оштилар.

Уч уз олтмиш олти лаъбу гириҳ,
Ўтубким синон учи кўрмай зириҳ.

Ҳам охир чу Борик эди ишта чуст,
Синон бирла маркабдин они дуруст

Йироқ солди андоққи, чархи барин,
Синону қўлиға деди: «Офарин!»

Тушуб, бўйниға боғлабон полаҳанг,
Шаҳ оллиға еткурди қилмай даранг.

Скандарга фархунда бўлди бу фол
Ки, нусрат анга аввал очти жамол.

Яна шерпайкар яли хасмбанд,
Ер ўптию майдонға сурди саманд.

Тилар эрди ҳайжо қилурға тане
Ки, размиға от сурди пилафкане.

Далереки то разм варзиш қилиб,
Адувсиға юз маърака иш қилиб.

Темур ичра боштин-аёғи ниҳон,
Нечукким ўзи, оти доғи ниҳон.

Лақаб Шайда19 бирла анга фош ўлуб,
Насаб бирла Ҳарронға қардош ўлуб.

Йўлин тўсти Борикнинг ошуфтаваш,
Анга сурди Борик доғи кинакаш.

Яна қўйдилар саъю кўшишга юз,
Синонларни айлаб бири-бирга туз.

Чу ёр ўлди иқболи Искандарий,
Яна топти фурсат яли Барбарий.

Ани ҳам қилиб найза бирла нигун,
Чекиб шоҳи оллиға хору забун.

Скандар фалакдин топиб кому баҳр,
Фалакка қилиб таън Доройи даҳр.

Чопиб Барбарий бўлди майдоннавард,
Мубориз тилар эрди истаб набард.

Яна гармкине солиб юзга чин,
Чопиб Барбарий қасдиға гармкин.

Етишмак ҳамону етишган замон,
Диловар қўлидин йиқилмоқ ҳамон.

Бу янглиғ тўқуз паҳлавони далер
Ки, ҳар бир эди иш чоғи нарра шер,

Бори Барбарийға асир ўлдилар,
Синон захмидин дастгир ўлдилар.

Яна ҳарбиға кимса майл этмади,
Вале Борик ўз ўрнидин кетмади.

Мубориз тилаб бор эди наъразан,
Замириға аъдонинг оташфикан.

Ғазаб солди Дороға кўп изтироб:
«Анга кимса чиқсун!» деб этти шитоб.

Ҳам охир биров сурди майдонға от,
Адувға суруб солди жавлонға от.

Ҳам ул пилзўр эрди, ҳам пилтан,
Таковар анга, ўйлаким каркадан.

Палангина баргуствон отиға,
Кийиб бабр тўн халқ офотиға.

Қизил хўддин бошида нимтарг
Ки, ваҳмидин ўлуб ўлум ҳоли марг.

Ҳамул хўд давриға чирмаб қаро,
Киши кўрмамиш лолани доғ аро.

Юзи улча мумкиндур аҳмар анинг,
Маҳосин юзи узра асфар анинг.

Юзи ранги хурмо масаллик касиф,
Маҳосин намудори хурмоға лиф.

Ики кўз анга икки олмосдек,
Вале давраси қон тўла тосдек.

Ватангоҳи ақсойи Мағриб замин,
Ели эрмиш ул ерда водийнишин

Ки, бу янглиғ эрмиш алар ҳайъати,
Қўшун элча ҳар қайсининг шавкати.

Не хусравки, ул бўлса оламга шоҳ,
Чекар бўлса бир хасми сори сипоҳ.

Келур эрмиш ул қавмдин бир киши,
Ки саъб ўлса аъдодин ул шоҳ иши.

Қилур эрмиш ул шахс майдонға азм,
Намудор этар эрмиш ойини разм.

Чу бўлди адуси гирифтор анга,
Бўлур эрмиш уй сори рафтор анга.

Киши турғуза олмас эрмиш ани,
Анга тегруким манзилу маскани.

Гирифторини доғи элтур эмиш,
Буюрур эмиш ҳар нечук топса иш.

Чу Бориқдин эл эрди ҳайратқа ғарқ,
Ул оҳанги кин этти андоққи барқ.

Иков бўлди майдонда пархошжўй,
Чопарлар эди чирмашиб сў-басўй.

Гаҳи бу қочиб, ул кейиндин суруб,
Ки, майдон бошиға дегин еткуруб.

Бу қайтиб анинг гоҳ подошиға,
Қовуб токи майдоннинг ул бошиға.

Гаҳи совуруб гард, этиб тобу печ
Ки, қилмай қуюндин киши фарқ ҳеч.

Чу асраб ўзин Бориқи кинпараст,
Анга Мағрибий топмайин ҳеч даст.

Вале бўлди Бориқ иши нурсиз
Ки, кўшиш қилиб эрди мақдурсиз.

Ўзидек тўқуз кимса олмиш эди,
Бу кирган замон илги толмиш эди.

Чу аҳволида бўлди заъф ошкор
Белидин тутуб гурди мардумшикор.

Қўнқордию ўнг илгига қилди руст,
Сўл илги била маркабин тутти чуст.

Чу топиб маҳал, сайдини сирмади,
Ёниб ўз сипоҳига ҳам кирмади.

Равон бўлди Мағриб сори азм этиб,
Ғанимни олиб, раҳнавардин йитиб.

Анга айлабон ҳайрат аҳли жаҳон,
Анга тегруким, бўлди кўздин ниҳон.

Кўруб Мағрибийдин бу бебоклик,
Скандарга юзланди ғамноклик.

Яна Барбарий ҳолиға ғам ебон,
«Анинг ҳоли не бўлди эркинғ» – дебон.

Бўлуб шодким, борди саҳро сари,
Ёниб қилмади азм Доро сари.

Вале шоҳ Доро, басе шод ўлуб,
Бузуғ кўнгли ул ишдин обод ўлуб.

Буким Барбарийнинг бўлуб ғолиби,
Анинг сори келтурмади Мағрибий.

Неча шодмонликқа монеъ эди,
Вале хасм дафъиға қонеъ эди.

Чу хуршид дороси этти камин,
Камингоҳ анга бўлди Мағриб замин.

Қилиб жилва ой меҳри ховар киби,
Улусни ёрутти Скандар киби.

Ёниб размгаҳдин ул ики сипоҳ,
Тушуб берк туттилар оромгоҳ.

Тутуб хандақ ики сипаҳ даврини,
Қанот, ўйлаким боргаҳ даврини.

Талоя яна чиқти ҳар соридин,
Язак тинмади ҳифз изҳоридин.

Қилиб боргоҳ ичра Доро мақом,
Зарурат юзидин тилаб руду жом.

Вале қон ютуб шиша янглиғ ниҳон
Ки, тонгла не иш зоҳир этгай жаҳон?

Скандар доғи ўзга ойин топиб,
Бир Искандар онида таскин топиб.

Топиб ўнг ёнида камол аҳли ер,
Тутуб сўл қўлида қитол аҳли ер.

Тааммул била ҳар хирадпешае,
Қилиб фатҳ бобида андешае.

Таҳаввур била ҳар жаҳонпаҳлавон,
Тилаб нусрат ончаки тобу тавон.

Чу ўтти кеча хайлидин ики пос,
Бирор элда журъат, бирорда ҳарос.

Тилаб хилвате шоҳи яздонпараст,
Тазарруъ қила бўлди туфроққа паст.

Зафар истамакдин чу топти фароғ,
Саҳар нажми ёрутмиш эрди чароғ.

Яна тушти ошуб ики тараф,
Ики хайл ҳар ён тузатмакка саф.

Яна кўсзан тушти жунбуш аро,
Яна кўс тушти ғурунбуш аро.

Ҳамул найзаварларға тушти шитоб,
Ҳамул найзалар жисмиға печу тоб.

Ҳамул тиғзанларға бўлди масоф,
Ҳамул тиғлар бўлди паҳлушикоф.

Ҳамул бўлди кин бенадомат яна,
Ҳамул қойим ўлди қиёмат яна.

Скандар қилиб хилват ичра ниёз
Ки, қилғай анинг чорасин чорасоз.

Чиқар вақтида қосиде етти чуст,
Ниҳони тутуб номае оғзи руст.

Анга еткуруб нома хилват аро,
Дедиким: «Ўқуб англағил можаро».

Скандар очиб, қилди наззораси,
Ҳақ айлаб эди дардининг чораси.

Ҳамоноки Дороға ики киши,
Бор эрмиш наёбат аларнинг иши.

Вале зулмидин жонларидин тўюб,
Икиси кўнгул ўлмакига қўюб.

Бериб бийм Дороки топқач зафар,
Ул икига гўр оғзин этгай мақар.

Ул ики киши ҳам яроқ айлабон,
Анинг қатлиға иттифоқ айлабон

Ки: «Чун бизга ул қилғуси биғи қатл,
Анга биз бурунроқ чекиб тиғи қатл,

Йиқоли дарахтини бунёдидин,
Қутулсун улус зулму бедодидин.

Неча зулмидин жонимиз қолмағай,
Бу навъ ўлсак армонимиз қолмағай».

Скандарга ёзғон эмишлар битик,
Бировни юборган эмишлар итик.

Қилиб номада сабт бу сўзларин,
Анга боғлағонлар эмиш ўзларин.

Ўқуди Скандар чу ул номани,
Не навъ эрканин билди ҳангомани.

Ва лекин гумон қилди макру фириб,
Дам урмай ўз-ўзига берди шикиб.

Дедиким: «Мунга ҳеч янглиғ жавоб,
Демакда эмас эрди ройи савоб

Ки, ёлғон эса демаган яхшироқ,
Чин эрса бу бор анда етмак йироқ».

Таваккал қилиб рокиб ўлди равон,
Адув кинига роғиб ўлди равон.

Тузалди яна ики ёндин ясол,
Яна ошкор ўлди расми жидол.

Бурунроққи майдонға киргай биров,
Ики қотил этган киби сўз гаров,

Етиб шоҳ Доро ики ёнидин,
Қилич лаългун қилдилар қонидин.

Бири суғлубон гурдагоҳиға тиғ,
Тўкуб ерга қонин анинг бедариғ.

Яна бир доғи тиғ уруб бошиға,
Қилиб зулм анинг зулми подошиға.

Ебон захм ул навъ дорои тахт,
Йиқилди анингдекки олий дарахт.

Тушуб ер уза шоҳи Баҳманнажод,
Ўчуб машъали дудаи Кайқубод.

Қазодин бу навъ иш чу пайдо бўлуб,
Боши узра элдин алоло бўлуб.

Сипоҳида пайдо бўлуб қўзғалиш,
Сипаҳ қўзғалур, шаҳға чун тушти иш.

Скандар тариқи киёсат била,
Қилиб фаҳм ул ишни фаросат била.

Таанни била азм этиб ул тараф
Ки, бўлмай паришон сипоҳиға саф.

Етишти чу ул хайлнинг қошиға
Ки, жамъ эрдилар шоҳнинг бошиға.

Скандар етишгач қўюб ерга бош,
Анга қилдилар шоҳ ҳолини фош.

Скандар тушуб келди Доро сари,
Иши тушти рифқу мадоро сари.

Кўрарким, ётур жисми қон ичра ғарқ,
Топилмай анинг бирла қон ичра фарқ.

Боши узра ўлтурди гирён бўлуб,
Анинг ҳолиға кўнгли вайрон бўлуб.

Олиб қўйди ўз қўйниға бошини,
Узориға ҳар ён тўкуб ёшини.

Чу беҳуш уза септи андоқ гулоб,
Очилди анга наргиси нимхоб.

Боши узра ким эрканин қилди фаҳм,
Такаллумга тил очти бебийму ваҳм.

Деди: «Марҳабо, эй шаҳи навжавон,
Жаҳон узра ҳам шоҳу ҳам паҳлавон.

Атодин ўғул бўлмағон сен киби,
Адув узрини қўлмағон сен киби.

Нечаким хилофингда қилдим ғулу,
Вале кўп қилур эрдим ул орзу

Ки, сендек кишиким жаҳон фардисен,
Салотинда Доро ҳамовардисен.

Халойиққа йўқ ҳеч ишинг нисбати,
Жаҳон ичра сен Тенгрининг қудрати.

Замоне кўзум тушса рухсоринга,
Қулоғ мустамиъ бўлса гуфторинга.

Манга берди худ Ҳаййи Доно мурод,
Ажал айлаган чоғ вале номурод.

Етишти неким қилди Доро умид,
Вале ўздин ўлғон замон ноумид.

Бўлубсен ажаб вақт меҳмон манга
Ки, йўқтур нисоринг бажуз жон манга.

Бу соат нетиб мезбонлиқ қилай,
Қабул айласанг жонфишонлиқ қилай!

Енгилдим, нетиб бўлғамен мизбон
Ки, худ бир нафас мен санга меҳмон!

Бу соатки бошимға қўйдунг қадам,
Не эркин хаёлинг, дегил они ҳам.

Агар ёрлиғдур шиоринг сенинг,
Ики даҳр аро Тенгри ёринг сенинг.

Ва гар қатл учун келмишанг қошима,
Кесай деб қадам қўймишанг бошима.

Мурувват қилиб кесмагил бир замон,
Ики-уч сўз айтурча бергил амон!»

Скандар қилиб ул такаллумни гўш,
Чекиб мотамийлар масаллик хурўш.

Яқо йиртибон, тожини тошлабон,
Деди зор йиғлай бу сўз бошлабон

Ки: «Бўлсун тирик ети кишвар шаҳи,
Жаҳон бўлмасун бир дам андин тиҳи.

Анга мен камина парастандамен,
Парастандалиғ ичра шармандамен.

Ўзумга керак қуллуғин чоғлабон,
Анинг боргоҳида бел боғлабон,

Адувдин мубарро қилиб маъманин,
Жаҳондин чиқорсам эди душманин.

Тилим бормас айтурға бу сўзки, шоҳ
Хирож истаб ўлди манга кинахоҳ.

Кўруб шаҳни бу навъ беилтифот,
Юзумга менинг келди мунча уёт.

Сипаҳ чектиму зоҳир эттим хилоф,
Аён айладим ўтрусида масоф.

Ва лекин бу ишдин хабардор эмон,
Қилур эл била соҳибасрор эмон.

Манга етти бир нома ҳам бу замон,
Ўқуб ташладим бўйла қилмай гумон.

Кетурганга гарчи сазо бермадим,
Ва лекин бу ишга ризо бермадим.

Бу дамким аён бўлди бу можаро,
Ёруқ олам ўлмиш кўзумга қаро.

Жаҳондорким Ҳақ анинг ёвари,
Керак бўлса албатта бу бовари

Ки, розидур Искандар ўлмакка бот,
Бўлуб шаҳға минг йил замони ҳаёт.

Буким шаҳ деди: «Бор ики-уч сўзум»,
Анинг йўлида мунтазирдур кўзум.

Мени ул муродингға ҳамроз қил,
Буюрмоғи бирла сарафроз қил».

Чу топти Скандардин ул навъ баҳр,
Дуолар қилиб, деди доройи даҳр

Ким: «Ул уч сўзум — уч васиятдурур
Ки, изҳори кўнглумга ниятдурур.

Бириси буким, ул ики кинахоҳ
Ки, қатлимға қўл сундилар бегуноҳ,

Алар қатлин ойини дод этгасен,
Бу иш бирла руҳумни шод этгасен.

Йўқ андин манга гарчи дафъи газанд,
Ва лекин санга бордурур судманд.

Яна қавму хайлимға қилма инод
Ки, дерлар аларни Каёнийнажод.

Билурмен аларда йўқ андоқ киши
Ки, келгай қўлидин адоват иши.

Карам айласанг, борча хайлингдурур,
Қилурлар не хизматки майлингдурур.

Ҳабо айлама хонадони қадим
Ки, йўқтур алардин санга ҳеч бим.

Яна Равшанакким,**20** қизимдур менинг,
Букундин нари менсизимдур менинг.

Каёний салотин нишони анга,
Барозанда тожи Каёний анга.

Келиб салтанат баҳридин дурри пок,
Шараф авжидин ахтари тобнок.

Бисотингни ул шамъ бирла ёрут,
Анинг шуғлидин хотирингни овут.

Кивур меҳр бирла шабистонинга,
Қилиб акд, ўлтурт ани ёнинга.

Ерур ул бузуғ мазраим хўшаси
Манга пора бўлғон жигаргўшаси.

Ҳаримимда сен доғи фарзанд бўл,
Ҳамул хаста бағримға пайванд бўл.

Ким ул доғи сендин топиб тўшае,
Санга ҳосил этса жигаргўшае.

Атодин Скандарниҳод ўлғай ул,
Анодин Каёнийнажод ўлғай ул

Ки, чун бел адолатқа чуст айлагай,
Икимизга нисбат дуруст айлагай.

Қабул айлаб, эт хаста кўнглумни шод
Ки, эмди қилур вақт эрур хайрбод!»

Скандар тўкуб ашку тортиб нафир,
Деди: «К-ей шаҳаншоҳи гардунсарир!

Итоат йўлинда нузул айладим,
Неким ҳукм қилдинг, қабул айладим.

Умид улки тавфиқ бергай Илоҳ
Ки, руҳунгға қилғай мени узрхоҳ!»

Ешитган чу мундоқ қабул этти сўз,
Дегон чун эшитти бу сўз, юмди кўз.

Ажал шоми тонг йўқ агар бўлса фош
Ки, Баҳман кунига уёқти қуёш.

Адам бўлди қонуни Луҳросбий,
Нигун бўлди ойини Гуштосбий.

Бўлуб тийра Кайхусрав ойин чароғ,
Сиёвуш ўти бағриға қўйди доғ.

Унут бўлди Ковус ёди доғи,
Бал овозаи Кайқуboди доғи.

Манучеҳр руҳиға тушти жазаъ,
Фаридун равониға етти фазаъ.

Чу Дорони даҳр этти жондин сутуҳ,
Скандар жаҳондори Дорошукуҳ.

Солиб маҳди шоҳона ичра танин,
Каёний маҳофа қилиб масканин.

Жудо айлади разм майдонидин,
Ариғ айлаб ул гард ила қонидин.

Топиб равзасон дашти мийнусиришт,
Олиб сабзасидин насими биҳишт.

Тушуртуб ҳамул сабза узра си поҳ,
Фалак сабзасидин ўтуб боргоҳ.

Ҳамул боргоҳ ичра тушган замон,
Қилиб қатлдин элга ҳукми амон.

Кетур соқий, ул майки, жоне топай,
Ғам ичра ўлардин амоне топай!

Ки, гар давр оғу берди Дороға бот,
Скандарга ҳам бермас оби ҳаёт21.

Муғанний, бугун нағмаи чанг туз,
Вале навҳа соз айлаб оҳанг туз

Ки, дардимға тортиб фиғон йиғлайин,
Даме ўйлаким шиша қон йиғлайин!

Навоий, жаҳонға вафо йўқтурур,
Анинг даъбу расми жафо-ўқдурур.

Вафо айлаб онинг вафосин унут,
Наво истасанг, бенаволиғни тут!

XXVIII

Зобитаи русуми шоҳийдаким, корхонаи Илоҳийдин намудордурур, анингдекки, ул боргоҳда хоҳ малоик хайли, хоҳ русул маъшари, хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос жамоати алоқадри маротибиҳим ҳар бири ўз ерида мураттабдур, бу коргоҳда ҳам ҳамул дастур била бўлса яхшироқ сурат, балки заруратдурур

Керак қилса, улким тилар шоҳлиқ,
Сипаҳ борча ҳолидин огоҳлиқ.

Яқин билса тузганда пироясин,
Риоят чоғи ҳар киши поясин.1

Улуққа улуқча ато айласа –
Кичикка кичикча сахо айласа.

Ким этса васатлиқ йўлинда зуҳур,
Анга тузса ойини «хайрил-умур».2

Не тутса улуғни қошида кичик,
Не қилса кичикни улуғ чаргалик.

Бу қонун била бўлса ойин анга,
Топиб кишвару мулк тазйин анга.

Ишида кўруб фаррух анжомини,
Олур салтанат амридин комини.

Не шаҳким, анга мундоқ эрмас тузук,
Тузуклук нечук келгай андин, нечук.

Анингдекки тифл истабон инбисот,
Чу шатранж ўйнарға ёйса бисот.

Не ўйнорини билса, не термагин,
Не олмоғини билса, не бермагин.

Олиб қўйса байдақни шаҳ ёнида,
Яна пил қўйса рух айвонида.

Бу ойин била берса ҳар бирга ер,
Ўзунг де, хирад аҳли они не дерғ

Бу ўюни анинг нечаким чекса кеч,
Ерур ҳеч, балким эмас доғи ҳеч.

Ерур ит сафолиға қўймоқ самон
Ҳамону, сўнгак отқа солмоқ ҳамон.

Бўрига киши туъма қилса қўзи,
Ўзига бало ҳосил айлар ўзи.

Қориндин деса шер топсун наво,
Бу ишни доғи ақл кўрмас раво.

Ким истар қорин бирла арслонни тўқ,
Ёрар топса фурсат анинг қорнин-ўқ.

Муносиб эмас тоз бошиға тож,
Тумоға нутуқчиға не эҳтиёж.

Не сунғурғаким тезпарвоздур,
Мурассаъ тумоға ҳануз оздур.

Ешак оллида заъфарон хўб эмас
Ки, нодонға зарбафт марғуб эмас.

Йилонни киши тутса саркўфта,
Балодин қилур ўз йўлин рўфта.

Ва гар берса ўз жайби ичра маҳал,
Ўзи қатлиғадур таноби ажал.

Йилон жайб аро солмоқ этма ҳавас
Ким, охир йилондур бу, тасбиҳ эмас.

Ешик ит еридур, гар олсун бўри,
Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.

Гар ул дашт сайдини айлар фигор,
Ва лекин бу уй сайдин айлар шикор.

Не имконки саъй айламактин киши,
Алар айлагай бир-бирининг иши.

Анга ўз ерида керактур ҳуриш,
Мунга доғи ўз ўрнида парвариш.

Киши яхши боқса зарурат чоғи,
Керакликдурур бу доғи, ул доғи.

Яна бир доғи турфа суратдурур
Ки, шаҳ билмак они заруратдурур.

Буким, тутса ҳар кимса таврини пос,
Фаросат била бўлса жавҳаршунос.

Кўруб лаъл, ахгар гумон қилмаса,
Ҳам ахгарни гавҳар гумон қилмаса.

Жудо қилса хармуҳра ферузадин,
Бутун чини ўлса синуқ кўзадин[3].

Ерур лек бу ишта душворлиқ
Ки, бор даҳр эли бир намудорлиқ.

Кўрунур бори одами одами,
Мушобиҳ нечукким сипеҳр анжуми.

Бу бирга нуҳусат иродатдурур,
Яна бирга нури саодатдурур.

Киши бўлса ҳам, филмасал, тавъамон.
Бўла олур ул яхшию бу ямон.

Китобатда бирдекдур алфу алиф,
Ҳисоб ичрадурлар басе мухталиф[4].

Биёбонда ўлуб қуруғон кашаф,
Ерур ҳайъат ичра нечукким садаф.

Эрур лек бу бирда дурри ятим,
Яна бирда бир неча азми рамим[5].

Эрур нахлдек шамъу муз шушаси,
Мунунг ўт, анинг сувдурур хўшаси.

Ушоқ қанд ун-тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Ҳумо доғи бор, ўйлаким каркасе,
Вале бор арода тафовут басе.

Вале шаҳға нури фаросат керак,
Шуносолиғ ичра киёсат керак

Ки, кимсондин олтунни фарқ айлагай,
Қизил тобадин кунни фарқ айлагай.

Ва гар бу басиратдин ўлса йироқ,
Ўкуш имтиҳон қилғони яхшироқ.

Ва гар илгига тушти донишвар эл,
Фунун ичра оройиши кишвар эл.

Керактур алар бирла навъи маош
Ки, хотирлари топмағай кўп харош.

Йўқ улким карам кўргаю бас киром,
Керак рози андин хавосу авом.

Агар шоҳдин халқи хурсанд эмас,
Адув қасди қилса хирадманд эмас.

Не душманғадур тиғ чекмак фани
Ким, ўз хайлидур сарбасар душмани.

Зафар, ўйла шаҳдин канор айлагай
Ки, хайлини душманға ёр айлагай.

Агар йиллар элдин мадоро бўлур,
Зарурат чоғи ошкоро бўлур.

XXIX

Султон Абу Саид Кўрагон наввара марқадаҳу ҳикоятиким, ройи уқдакушойи била кўп мамлакат олди ва тиғи умрфарсойи била кўп элга ошуб солди ва лекин сипоҳи рози эмас эркандин иш вақти борча

қўзғолди ва ўзи аъдо аро маҳлакага қолди, балки хасм ул сарафрознинг тиғи кин била бўйнин чолди

Шаҳеким[1] иши хурдадонлиғ эди,
Лақаб отиға Кўрагонлиғ эди.

Хуросон била Мовароуннаҳр анинг,
Булардин доғи бошқа кўп шаҳр анинг.

Олиб мулки Хоразму Кирмонғача,
Яна Кошғардин Сипоҳонғача.

Бўлуб Зобулситону Кобулситон,
Баҳори муроотидин гулситон.

Олиб даҳр аро беадад мулку шаҳр,
Бўлуб салтанат ичра дорои даҳр.

Солиб донишу пухта тадбирлик,
Бошиға ҳавои жаҳонгирлик.

Каронсиз сипоҳиға берди ҳужум,
Юруб қилғали фатҳ Табризу Рум.

Ҳунар кўп бериб олимул-ғайб анга,
Вале бор эди бир ажаб айб анга

Ки, махзан йиғорға солиб майлини,
Тутар эрди танқис ила хайлини.

Ул андешадин кўнгли хурсанд эди,
Сипаҳ шоҳдин норизоманд эди.

Чу чекти сипаҳ ул навоҳийға шоҳ,
Навоҳий шаҳи доғи йиғди сипоҳ.

Мамоликка юзланмасун деб халал,
Чиқиб ўтру изҳор қилди жадал.

Қотиғлаштилар ишда ҳаддин фузун,

Адоватнинг айёми чекти узун.

Чу шаҳдин сипоҳ эрди озорлиқ
Замонеки юзланди душворлиқ.

Бузуб ҳар тарафтин сипаҳ шоҳни,
Анга айлабон чийра бадхоҳни.

Йўқ улким қочиб, шаҳға бедод этиб
Ки, бориб адувсиға имдод этиб.

Анингдекки дорои гардунсарир
Адув илгига бўлди зору асир.

Фалак чунки бемеҳрлик қилди фош,
ғуруб этти ул навъ равшан қуёш.

Аодиси қасд айлабон жониға,
Қилич лаългун қилдилар қониға.

Не шаҳдинки атбои хушнуд эмас,
Пушаймонлиғи иш чоғи суд эмас.

Сипаҳдин жудо шоҳ эрур бир киши,
Не бўлғусидур бир кишининг иши.

Қурур чун гулситондин айрилди гул,
Ки бир луқма этдур бадансиз кўнгул.

Анингдекки хушдур сипаҳ бирла шоҳ,
Ҳам андоқдурур шоҳ бирла сипоҳ.

Шаҳу хайл маъшуқу ошиқ керак,
Не ишким қилурлар мувофиқ керак.

Жаҳон олмоқ осон сарукор эмас:
Вале иттифоқ ўлса душвор эмас.

XXX

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, соҳиброй тааққул била иш бикри юзидин ниқоб очқондин сўнгра нега висолидин ком топмас ва анинг жавоби

Яна қатла дорои гардуншукуҳ,
Деди: «Кей ҳакими Филотуншукуҳ»![1]

Кишида не феълеки мавжуд эрур
Ки, андин зиёнбуд ё суд эрур.

Чу феълиға боқса тааққул била,
Натижасин англар тааммул била.

Билурким тамаъ айлар элни залил,
Қаноатқа иззу шарафдур далил.

Эрур шоҳ ишига доғи бу қиёс
Ки, чун бўлди беҳбудиға раҳшунос

Ки, мақсад топар эл ризоси била,
Турар кўп халойиқ дуоси била.

Тилар воқиан ишда ўз судини,
Қилур орзу кому беҳбудини.

Недин бас қилиб тарки ройи савоб,
Қилур нохуш афъолни иртикоб

Ки, андин етиб шавкатиға шикаст,
Бўлур зердастиға ул зердаст?»

Деди кордон фикрин айлаб амиқ
«Ки, бу сўз аро нуктаедур дақиқ.

Кишиким билик баҳриға топти ғавр,
Бу сўзнинг жавобин деди неча тавр:

Бир улким, киши ақлин этса ҳакам,
Салоҳу фасодин топар бешу кам.

Салоҳин анинг табъи айлар писанд,

Билур қилса бўлғусидур судманд.

Вале қилмоғи нафсиға шоқ эрур,
Суҳулат сари нафс муштоқ эрур2.

Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,
Қилур элни кўп нафъдин бенаво.

Яна кимса ҳар ишга мажбул эрур,
Жибиллий хисолиға машғул эрур3.

Топиб иш салоҳин ёмондур демас,
Анга лек биттабъ марғуб эмас.

Тилар қилмоғиға ўзин бахтиёр,
Ерур лек қилмасда беихтиёр.

Яна бир қилиб фикри ахтарпараст,
Кавокибга қилди ани борбаст

Ки, гар ёр эрур ахтари толеъи,
Қилур, ўйла ишким эрур нофеъи.

Китобатки шуғледурур бас нафис,
Биров истаса ўзни мушафнавис.

Агар толеъида юз иқбол эрур,
Аторид[4] вале анда бадҳол эрур.

Китобатқа саъй этса то жони бор,
Қаламзан бўлурнинг не имкони бор?

Бу уч сўзга бу навъ бўлди насақ,
Вале улча дерлар будур аҳли Ҳақ

Ки, гар аҳли масжид эрур, гар куништ,
Неким топти қисмат куни сарнавишт,

Неча айласа фикру тадбир анга,
Йўқ имкони қилмоққа тағйир анга.

Қаю ройким топти они савоб,
Бўла олмади шуғлиға комёб.

Жиҳат будур, улким тилар важҳи рост
Ки, йўқ эрмиш ул ишда Тенгрига хост,

Гар иш фикрини топти тадбир ила,
Бу тадбири туз келди тақдир ила.

Ҳам эрмас анинг рою тадбиридин
Ки, ул ҳам эрур Тенгри тақдиридин.

Ҳамул хайлким аҳли таҳқиқ эрур,
Бу иш ул эл оллинда тавфиқ эрур.

Муваффиқ букун сенсен, эй покзод
Ки, ҳар кун бу тавфиқинг ўлсун зиёд!»

Ҳаким ўлди бу навъ чун нуктасанж,
Насиб ўлди ул нуктадин шаҳға ганж.

Хамуш ўлди жонини равшан қилиб,
Бу сўз бирла кўнглини махзан қилиб.

XXXI

Искандарнинг Доро мамоликига мулкрон бўлуб, кунуз ва хазоинидин меҳр ва саҳобдек зарпош ва дурафшонлиқ қилиб, сипоҳ ва раиятни ул эҳсонлардин обод этиб, олам мамолики шоҳларин тиларга элчилар йиборгони ва алар борча анинг амриға инқиёд қилиб, Кашмир шоҳи номувофиқ афсун ўқуб, Ҳинд ройи бозгуна жавоб бериб, Чин хоқони чин сўздин қошиға чин солғони

Рақам айлаган бу зафарномани,
Адо бўйла қилди бу ҳангомани

Ки, бўлғоч Скандарга мундоқ зафар,
Адувси даргоҳиға бўлди мақар.

Гуруҳеки Доропараст эрдилар,
Анинг ҳукмиға зердаст эрдилар.

Чу Доро иши бўлди эл ичра фош,
Анинг оллиға қўйдилар барча бош.

Йироқ мулклардин вале келган эл,
Ватан азми қилдилар андоққи ел:

Салотини Сақлобу Машриқ замин,
Не Хоразму, не Ҳинду, не мулки Чин,

Ҳамул кунки қочмоққа майл эттилар,
Таваққуфсиз ўз мулкига кеттилар.

Скандарга чун фатҳ бўлди қарин,
Топиб шавкат андоққи шери ғарин.

Бийик тахт узра мақом айлади,
Васият ишига қиём айлади.

Бурун шоҳ Дороға тутти азо,
Бўлур янглиғ ул навъ шаҳға сазо.

Тутуб сўг эъзозу тамкин била,
Қилиб дафн шоҳона ойин била.

Басе зор йиғлаб анинг ҳолиға,
Анинг ҳолиға йўқ, ўз аҳволиға

Ки, иш бошиға тушти беҳад улуғ,
Неча иш улуғ, ишчиси қайғулуғ.

Топиб чунки Доро ишидин фароғ,
Тутуб ики қотилни айлаб сўроғ.

Кўмуб дор учун ерга ики сутун,
Ул икини остурди андин нигун.

Яна тирборонға фармон қилиб,
Аларға улус тирборон қилиб

Ки, ҳар кимки ғадр айласа шоҳиға,
Жазо будурур бахти гумроҳиға.

Буюрди баданларни куйдурдилар,
Кул эттилару кўкка совурдилар.

Яна ҳукм қилдики, доронажод,
Қаёнким киши бўлса ғамгину шод.

Бори эмин ўлсунки, лутфи амийм,
Кўтарди алар кўнглидин ваҳму бийм.

Не иқтоъ аларғаки Доро қилиб,
Скандар ҳам андоғ мадоро қилиб.

Яна қилди таъйин писандида эл,
Бори хайл аро анжумандида эл.

Ёзиб Равшанак наздиға номае,
Азодин суруб тийра ҳангомае.

Битиб судманд анда ҳар навъ панд
Ки, кўп қилма ошуби носудманд.

Саодат гулидин барумандлиқ,
Ерур Тенгри ҳукмиға хурсандлиқ.

Жаҳон боғидин гулбун ўлса нуҳуфт,
Тару тоза бўлсун гули ношукуфт.

Садаф кўксини гар сипеҳр этти чок,
Шараф тожин этсун макон дурри пок.

Яна андағи элга фармон қилиб,
Бориға мавоид эҳсон қилиб

Ким, айлаб равон сарви озодни,
Қаю сарв, ҳури паризодни

Кетурсунлар онинг шабистониға,
Қуёш гулрухин чарх айвониға.

Чу Доро васиятларин соз этиб,
Жаҳонгирлик шуғлин оғоз этиб.

Хазойинки Доро қилиб эрди жамъ,
Ниҳону ошкоро қилиб эрди жамъ,

Фаридун чоғидин йиғилғон манол,
Топиб шоҳдин шоҳға интиқол.

Анга тегруким Кайқубоди гузин,
Жаҳон мулкига бўлди маснаднишин,

Худ андин сўнг авлодиға қолди мулк,
Чу борди бири, ул бири олди мулк.

Қаю бирки бўлди жаҳондин ниҳон,
Яна бирга мерос қолди жаҳон.

Бирига неча ганжу махзан тўлуб,
Яна бирга етгонда тазъиф ўлуб.

Бу фурсатқа тегруки Доройи даҳр,
Жаҳондорлиғ тахтидин топти баҳр.

Минг уч юз йил ўн тўрт олампаноҳ
Ки, бор эрдилар олам аҳлиға шоҳ.

Хазойинки жамъ эттилар беҳасиб,
Ҳақ этти Скандарга борин насиб.

Қилоеъки Дороға махзан эди,
Ешиттимки юз, доғи сексан эди.

Булар борча махзун жавоҳир била,
Зари махфию, сийми зоҳир била.

Келиб барчадин хозину кутвол,
Ўпуб шоҳ аёғини давлат мисол.

Хазина калидин бу бир келтуруб,
Яна қалъа мифтоҳин ул топшуруб.

Аларға шаҳ айлаб басе жустужўй,
Қилиб махзану қалъадин гуфтугўй.

Бирига карам ошкор айлабон,
Яна бирни уммидвор айлабон.

Қаю кимса ҳар қалъадинким етиб,
Анга-ўқ ҳамул ишни тафвиз этиб.

Хазойинға ҳукм этти лекин нухуст,
Ки аҳли қалам айлабон бозжуст.

Тилаб дафтар ул шоҳ девонидин,
Ки махзан эди жамъ, фармонидин.

Топиб жамъу хозиндин истаб ҳисоб,
Агар лаъл конию гар дурри ноб.

Қаю қилса дафтар юзидин қабул,
Анга ҳукм айлаб тариқи вусул.

Яна чиқмағонни ҳисобиға рост,
Ташаддуд била қилдуруб бозхост.

Алар чун бори жамъини туз қилиб,
Шаҳ оллида арз этгали юз қилиб.

Чу шоҳ оллида бўлди хотирнишон,
Бу ҳукм айлади шоҳи махзанфишон

Ки: «Қилсунлар ўрдуға борини нақл»
Ки ул нақлдин қолди ҳайратқа ақл.

Равон бўлдилар ҳукм ила хайл-хайл,
Нечукким тенгиз жониби тунд сел.

Итоат қилиб шоҳ фармониға,
Таширлар эди шоҳ девониға.

Ики йилғача, ўйлаким корвон,
Келур эрди шаҳ сори ганжи равон.

Ҳисоб асрамиш эрди аҳли қалам
Ким, эрмас эди ганжнинг нисфи ҳам.

Яна деди шаҳ, кимса таъйин қилиб
Ки: «Хозинға қолғонни тахмин қилиб,

Бориб айласунлар эшикларни руст
Ки, топшурғай этган замон бозжуст!»

Неким ҳукм қилди шаҳи аржуманд,
Ҳамул навъ ила бўлдилар корбанд.

Кетурган ҳисобин қилиб аҳли фан,
Қиёс эттилар етти юз минг туман.

Деди шоҳи Дорофару Жамшукуҳ
Ки: «Доро сипоҳидағи ҳар гуруҳ,

Сипаҳдору наввобу ҳожиб анга
Ки, девондин эрмиш мавожиб анга.

Муқаррар не эрконни арз айласун,
Анинг фикрини шаҳға фарз айласун».

Чу арз ўлди неким муқаррар эди,
Шаҳ оллида асру муҳаққар эди.

Дедилар бу ҳам бўйла воқеъ эмиш
Ки, ҳар бир неча қатла рожеъ эмиш.

Улусқа басе ранжу таклиф ўлуб,
Кирар эрмиш ул қўлға тансиф ўлуб.

Чу Доро сипоҳиға билди бу ҳол,
Деди лутф этиб шоҳи дарёнавол

Ки: «Гар расм Дороға тансифдур,
Вале бизга ул расм тазъифдур1.

Музоаф, – дедиким, – беринг ганждин»
Ки, эл тинди буткаргали ранждин2.

Мавожиб олур тўрт юз минг киши
Ки, чокарлик эрди аларнинг иши,

Олиб ганждин борча иқтоъини,
Мураффаҳ бу навъ этти атбоъини3.

Яна ики юз минг мавожибхўри,
Бўлуб бирга ики мавожиблари.

Улуфа бериб олти юз минг сипоҳ,
Фалак авжидин ўткариб боргоҳ.

Мавожиб сипаҳға чу тазъиф этиб,
Раият хирожини тансиф этиб.

Сипоҳийси ободу ҳам шод ўлуб,
Раоёси ҳам шоду обод ўлуб.

Чу тўкти сипоҳу раиятқа ганж,
Ангау мунга бартараф бўлди ранж.

Дедиким: «Манга ганж эмастур ҳавас,
Сипоҳу раият манга ганж, бас.

Агар ганж эрур баҳру кондин фузун,
Ва гар худ хизона жаҳондин фузун.

Чу нафъе эмастур алардин гумон,
Алардур ҳамон, тошу туфроғ ҳамон.

Агар нафъдин бўлса махзан йироқ,
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ

Ким, ул хора бир тош эрур безарар,
Вале ганждин элгадур юз хатар.

Кишинингки бенафъ эрур махзани,
Жаҳон аҳлидур сарбасар душмани.

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур
Ки, андин жаҳон фатҳи беранж эрур».

Скандар чу топти бу сармояни,
Ел узра солиб лутф ила сояни.

Ўзидин қилиб рози Эрон элин,
Жаҳон очқали руст қилди белин.

Бурун ҳикмат аҳлидин этти гузин,
Неча кимса бориға ройи разин.

Сўз айтурда ҳар бир келиб мўшикоф,
Ҳамул торлардин бўлуб ҳуллабоф.

Қилиб тортқон чоғда тиғи забон
Ки, қилмай туман тиғлиқ марзбон.

Не сўздаки саъй ошкоро қилиб,
Чу хасм ўлди обий мадоро қилиб.

Узун тиллари чарб дер нукта чоғ,
Қиличдекки суртулса юзига ёғ.

Бори илмдин бори соҳибвуқуф,
Келиб ҳар бириси жаҳонфайласуф.

Ҳамул хайлдин шоҳи олий хирад,
Қилиб ҳар бирин бир сори номзад.

Бири мулки Сақлобу Сақсин сори,
Бири Ҳинд сори, бири Чин сори.

Бирига рақам бўлди Байтулҳарам[4],
Бири топти Кашмир сори рақам.

Аталди бири Мисру, Бағдодға,
Ёзилди бири мулки Навшодға.

Бериб ҳар бири илгига номае,
Тузуб нома зимнида ҳангомае.

Бори нома мазмуни бирдек паём,
Дилоро сўзу хотиросо калом.

Чу таҳрир учун хома нўгин тузуб,
Битик нақшини бу сифат кўргузуб

Ки, бу нома ул Тенгри оти била
Ки, қойимдур афлок зоти била.

Қадимеки, йўқ ибтидоси анинг,
Азимеки, йўқ интиҳоси анинг.

Гадолар замирининг огоҳи ул,
Шаҳаншоҳларнинг шаҳаншоҳи ул.

Қаю шаҳки дорои даврон келиб,
Жанобида маҳкуми фармон келиб.

Бу шаҳлиқдин ани қачон қилса рад,
Кишига жиҳат истамакка не ҳадғ?

Гадоеки ҳар дам тўюб жонидин,
Мунга доғи рўзи анинг хонидин.

Шаҳ этса анингдекки доро ани,
Киши рад қилурға не ёро ани.

Ул авлоки андин не бўлса қазо,
Аён айлагай борча шаҳлар ризо.

Чу бу ерга Ҳақ ҳамдини еткуруб,
Такаллум тариқин бу янглиғ суруб.

Ки: «Мендинки, Искандар отимдурур,
Ети кишвар олмоқ сифотимдурур.

Сангаким отинг келди Хоқони Чин,
Йўқ эрса сипаҳдори Турон замин.

Муни билки, оламда буду набуд
Ки, кавну фасод ичра тутқай вужуд.

Чу мумкин эмас кимса тадбиридин,
Яқинким эрур Тенгри тақдиридин.

Гадоларға гар подшолиғ берур,
Ва гар шоҳларға гадолиғ берур.

Керак шоҳлар кўрса беҳбуд ани,
Гадолар доғи билсалар суд ани.

Неким амридин ошкородурур,
Ибо қилғали кимга ёродурур.

Чу ҳукмидин ўлмас ибо айламак
Ки, бор ул вужудин ҳабо айламак.

Анинг ҳукмидин ошкору ниҳон,
Манга бўлди рўзи саросар жаҳон.

Чу ул қилди бу комға бахтиёр,
Манга доғи бу ишда йўқ ихтиёр.

Бурун қилди иқбол қисмат манга
Ки, ёр ўлдилар ақлу ҳикмат манга.

Отомким, эди кишваророи Рум,
Чу борди, манга қолди ул марзу бум.

Топиб илму ҳикматдин огоҳлиқ,
Таманно йўқ эрди манга шоҳлиқ.

Не ишким насиб этти Файёзи Жуд,
Кишининг таманносиға не вужуд.

Чу оллимға ёзғондурур бу варақ,
Мени қўймади ихтиёримға Ҳақ.

Улус доғи афғону зор эттилар,
Алар доғи беихтиёр эттилар.

Не амр этти илҳоми ҳотиф била,
Шуруъ айладим жони хойиф[5] била.

Бурун амри бирла тузуб можаро,
Қилиб Занг эли рўзгорин қаро.

Яна азм қилдим чолиб ною кўс,
Мутеъ ўлди ҳукмумға Бартосу Рус.

Яна озим ўлдум чу қилмай даранг,
Насиб ўлди Ҳақдин диёри Фаранг.

Чу саъйим яна ошкоро бўлуб,
Асири кафим шоҳи Доро бўлуб.

Сарафроз этиб бахти сармад мени,

Ҳақ этмиш бу янглиғ муайяд мени.

Қаю биргаким толеъим қўйди юз,
Бор эрди алар менча ўн, балки юз.

Чу Ҳақ амридин зоҳир эттим набард,
Алардин чиқордим фалак узра гард.

Бўлубдур бугун мулки Эрон манга,
Бори шоҳлар бандаи фармон манга.

Гуруҳеки Дорони англаб рафеъ,
Бўлуб эрдилар буйруғиға мутеъ.

Бори даргаҳимға нузул эттилар,
Келиб қуллуғумни қабул эттилар.

Иноятлар эттим гумондин фузун,
Неким эл гумон этса, ондин фузун.

Санга ҳам агар бахт ёвардурур,
Яна толеъинг ёру раҳбардурур,

Қўпуб ўзгалардек жанобимға кел,
Жаноби сипеҳр интисобимға кел.

Не амр айласам, бил каломимни хўб,
Тобуғумда бош қўй, аёғимни ўп

Ки, борингға мен лутфу эҳсон қилай,
Мадору рифқ улча имкон қилай.

Сени шаҳлар ичра баланд айлайин,
Иноят қилиб, аржуманд айлайин.

Қилай кишварингнинг мисолин рақам
Ки, тутсун тааллуқ санга якқалам.

Сипеҳр офатидин паноҳинг бўлай,
Адув қилса кин, кинахоҳинг бўлай.

Ва гар монеъе тутқон ўлса вужуд
Ки, йўлға қадам қилмасанг хоксуд.

Қила олмас ўлсанг бу сори мурур,
Бу иқболдин орий ўлсанг зарур,

Сенга остонбўс мамнуъ эса,

Деган узр маъқулу масмуъ эса,

Ини, ўғлунг ўлса иковни йибор,
Йўқ эрса элингдин бировни йибор

Ки, доноу соҳибхирад бўлғай ул,
Санга нойибу муътамад бўлғай ул

Ки, чексун келиб мол ила пешкаш,
Бажо келтуруб қуллуғунг бандаваш.

Неким узрунг ўлса адо айласун,
Не комингдурур муддао айласун

Ки, коминг саросар раво айлайин,
Неким ваъда қилдим, вафо айлайин.

Ва гар бошласанг айламай инқиёд,
Маозаллоҳ ойини жаҳлу инод**6**.

Тариқи адоват шиор айласанг,
Залолат йўлин ихтиёр айласанг,

Не оллингға келтурса чархи дани,
Кўрар лаҳза, кўргил ўзингдин ани.

Мадоро хаёлини мендин унут,
Неким қилсам ул вақт маъзур тут.

Бу эрди мақосидки, топти паём,
Яна сўзни қосид дегай, вассалом!»

Бу янглиғ макотиб иншо қилиб,
Яна сўзлар ул элга ифшо қилиб

Ки, ҳар сўзга бўлса маҳал муқтазий,
Керак бўлмаса ул маҳал мунқазий.

Ва гар ўзга айтилса сўз носавоб,
Ерур қосиди кордондин жавоб.

Мураттаб чу бўлди битиклар бори,
Узотти алар ҳар бирин бир сори.

Чу бўлди равон ҳар тараф ул русул,
Қилурда, демакта билиб жузву кул**7**.

Қаю бирки ҳар сори азм эттилар,

Чу оз вақт йўл кеттилар еттилар.

Ул ишни билиб ҳар шаҳу шаҳриёр
Ки, бор эрди мулки анинг ҳар диёр.

Риоят қилиб улча таъзим эди,
Агар анда уммид, агар бим эди.

Аларнинг тузуб хотири комасин,
Олибон қўюб кўзга шаҳ номасин.

Ўқуб, чунки мазмундин огаҳ бўлуб,
Ҳамул номабар бирла ҳамраҳ бўлуб.

Муҳайё қилиб пешкаш ё хирож,
Яна ҳар негаким эрур эҳтиёж.

Шаҳ иқболи топмоғни жазм айлабон,
Бори еттилар шаҳға азм айлабон,

Магар уч кишиким, хато қилдилар,
Азимат қилурдин ибо қилдилар.

Вале ҳар бири деди бир навъ сўз,
Ки, тутмас эди кимса ул навъ кўз.

Деди шоҳи Кашмир беваҳму бок
Ки, оти эди Маллу ибни Мабок

Ки: «Искандар ар шоҳи офоқдур,
Менинг мулкум офоқдин тоқдур.

Манга Тенгри уч иш қилибдур насиб
Ки, бўлсам забун, бўлғай асру ғариб.

Бири улки, мулкум эрур бас матин,
Жиболи рафеъу қилоъи ҳасин.

Яна турфа иш мунда пайдодурур
Ки, ҳам даври, ҳам ости дарёдурур.

Икинч улки, бор онча афсунгарим,
Мавожиб егон барчаси чокарим.

Ки, гар фитнае етса афлокдин,
Қилур ҳар бири ройи бебокдин:

Фусун бирла юмронни шери жаён,

Гавазнни салобатда бабри ябон**8**.

Ки, Искандар ар йиғса олам элин
Анга эстурай, ўйла офат елин

Ки, қўзғалғай ул хайли топмай амон,
Ҳамул навъким, тунд елдин самон.

Учунч улки, гар ул бўлуб кинпараст,
Таадди била топса мулкумга даст.

Бу мулк ичра бир кўҳсоре дурур,
Бийик тоғ уза бир ҳисоре дурур.

Мису рўйдин анга якпора жисм,
Бурун аҳли ҳикмат ясоғон тилисм.

Қозилмиш бу шаҳр ичра нақбе ниҳон
Ки, гар кирса шоҳ иш тушуб ногаҳон.

Борур йўл, уруб тоб қўрғонғача,
Қуюн ўйлаким, чархи гардонғача.

Қачон қилсалар бир бошин нопадид,
Яна боши ҳам бўлмас асло падид.

Киши ул ҳисор ичра қилғоч ватан,
Тилисми аро бордур ул навъ фан

Ки, ул фанниким жустужў қилса эл,
Ўғурлай олур хасмдин ўту ел.

Бу мулкедурур гармсер ул тариқ,
Ки, гар эсмаса ел, бўлур эл ҳариқ.

Бу мулк ичра ҳар кимсаким жони бор,
Чу ел турди, турмоқ не имкони бор?

Гар ўт бўлмаса ҳожат эрмас демак,
Ки, не навъ ўлур одамийға емак.

Ерур барча тақдир бирлан зарур,
Бу иқлимдин ўзга сори убур».

Чу Маллу бўлуб бўйла фикратнамой,
Дебон лек Ҳиндустон шоҳи Рой

Ки: «Искандар ул шоҳи олийсарир,

Ерурмен не ҳукм этса фармонпазир.

Ва лекин чу Доройи гетипаноҳ
Ки, онинг сори чекмиш эрди сипоҳ.

Битиб нома юз навъ таъриф ила,
Мени ҳам тилаб эрди таклиф ила.

Сўзи нофиз эрди, доғи йўл йироқ,
Керак эрди бир-ики йиллиқ яроқ.

Олиб мулкдин ики йиллиқ хирож,
Черикка бериб ончаким эҳтиёж.

Чу еттук анинг жору булжорига,
Шаҳи Рум эли бирла пайкорига.

Ани худ шаҳ иқболи паст айлади,
Ажал домиға пойбаст айлади.

Адувдин чиқорди шаҳ иқболи гард,
Биз ўлдуқ биёбонда водинавард.

Яроқу сипаҳ барча барбод ўлуб,
Фалакдин ўкуш навъ бедод ўлуб.

Урушқон элимга сарафкандалик,
Тутулғонға бошгин-оёқ бандалик.

Улус оллида банда озодалар,
Жиловда қилиб пўя шаҳзодалар.

Мен айлаб неча ой биёбонни тай,
Етургунча бу мулку кишварга пай.

Елимким, бўлуб қатлу яғмога туш,
Келиб ўн улуштин буён бир улуш.

Тушуб мулкум элига бас турфа ҳол
Ки, ғойиб топиб, ким не айлаб хаёл.

Қаро ранг аслий дема эл аро
Ки, бу мулк мотамға кийди қаро.

Демонким, эмасмен Скандарпараст,
Тушубтур манга лек мунча шикаст.

Анинг ҳукми бошимғау жонима,

Вале зулмдин кирмасун қонима.

Бугундин ики-уч йил ўтса замон,
Юз урса бу кишварга амну амон.

Топилса буюрғониға дастрас,
Манга доғи бор они кўрмак ҳавас.

Ики-уч йил ўтмайки таклиф этар,
Манга беҳад андин малолат етар.

Евурмас агар лутф этиб бу варақ,
Кўрай ҳар неким олима ёзди Ҳақ.

Анинг амри ҳукми қазо худ эмас,
Худованд бўлса Худо худ эмас.

Чу мен мунча туттум сўзи ҳурматин,
Керак ул доғи асраса иззатин».

Сўзига бериб Рой мундоқ жавоб,
Қилиб Чин шаҳи ўзга янглиғ хитоб,

Дебонким: «Скандар йиборган битик
Ки, саммдин ачиғдур, қиличдин итик.

Расулин бу сори йиборган куни,
Тааммул била ёзмамиштур муни.

Сипоҳим қалин, кишварим тўқтурур,
Менинг андин ўксуклугум йўқтурур.

Шаҳеким яна шаҳға маъмур этмас,
Анга бўйла мактуб дастур эмас.

Ёзибдур китобатда ҳикмат сўзин,
«Ҳакиму хирадманд» дебдур ўзин.

Анинг ройиким бўйла софийдурур,
Бу сўзлар хирадқа мунофийдурур.

Бу сўзни деёлмас сипеҳри барин –
Ки: «Келсун жанобимға Хоқони Чин!»

Неча қилса Доро жаҳондорлиқ,
Аромизда воқеъ эди ёрлиқ.

Мулоқот асбобини тузмади,

Манга бўйла таклиф кўргузмади.

Скандарни Дорои соний тутай,
Жаҳон мулкининг шоҳи они тутай.

Анга қолди гўё бу маъни ниҳон,
Ки Чин кишваридур яна бир жаҳон.

Йигитлик анга сўзга берди шитоб,
Жавобида мен айламон изтироб.

Агар номасин ул ёзибдур ирик,
Вале мен ирикликка урмон илик.

Гар ул қилса Доро киби ёрлиқ,
Сўзига қилурмен харидорлиқ.

Хаёли агар мундин афзун эса,
Битик ичра ёзғон киби сўз деса.

Таманносида бўлмаса эътидол,
Ишим йўқтурур, ғайри кину жидол.

Демонким, анинг сори азм айлагум,
Қаю ердаким деса разм айлагум.

Вале келса бошимга тортиб черик,
Кириб шаҳрима чекмогумдур эшик.

Сипаҳдин ёйиб чархи гардунға гард,
Чиқиб рўбарў айлагумдур набард!»

Скандар жанобига айлаб нузул,
Ул уч мулк шоҳи сўзин уч расул.

Бу дастур ила ибтидо қилдилар,
Тугагунча бир-бир адо қилдилар.

Не шаҳларки, келдилар оллиға бот,
Аларға қилиб асру кўп илтифот.

Неча қатла шоҳона мажлис тузуб,
Маю руд бирла тараб кўргузуб.

Неча май била кўнгли ишратфизой,
Ул уч мулк бобида фикратнамой.

Тараб базмида айш ўлуб пешаси,

Вале кўнглида азм андешаси.

Ва лекин чу ёқин етиб эрди қиш,
Черик шоҳлар қиш куни чекмамиш.

Чу қишлоқ иши кўнглида эрди жазм,
Қаробоғи Аррон сори қилди азм.

Аёқчи, унут бир дам андишани,
Аёқ ичра қилғил нигун шишани.

Даме солмағил шишадек юзга чин
Ки, азм айлагум Ҳинду Кашмиру Чин.

Муғанний дегил ҳиндуйи рехта[9],
Анга сеҳри Кашмири омехта.

Мен ичганда чиний аёғни олиб,
Дегил савт оллимда чиний чолиб.

Навоий, сумур бодаи жонфизой
Ки, қолмиш не Маллу, не Хоқон, не Рой.

Бу маъни хати даври соғардадур,
Алардин дема, сўз Скандардадур.

Йўқ, Искандари оламорода баҳс,
Ерур балки Хизру Масиҳода баҳс.

XXXII

Қиш таърифидаким, тунд ели кўнгли ҳасрастлиқ ушшоқ совуқ оҳидин нишона кўргузур ва совуқ замҳарири ичи ўтлуқ бедиллар кофурбор нафасидин фасона айтур ва тахта музеким, мармар тошидин дам урар ва чопқуни дурбошиким, жаҳонни барҳам ва бу фаслда фалакваш оқ уйким, қуёшдек шуъладин, балки шуъладек бодадин равшан бўлғай ва анжуман бир қуёшюзлук баҳори нозпарвард гулъузоридин гулшан

Керак базм аро ўту май бўлса дай,
Май андоққи ўт, ўт анингдекки май.

Анинг манқали ширатазйин келиб,
Мунунг шираси манқалойин келиб.

Мунунг юзида май бати лаъли ноб,
Ичинда анинг бурдоғон бат кабоб.

Анинг шуъласи уйни гулшан қилиб,
Мунунг ламъаси кўзни равшан қилиб[1].

Ани дам-бадам ёндуруб дилкаше,
Муни ҳар дам айлондуруб маҳваше.

Анга дуд ўрниға тарвиҳи уд,
Бу солиб димоғ ичра ҳар лаҳза дуд.

Анинг ахгари кони гавҳар бўлуб,
Мунунг лаъли бир пора ахгар бўлуб.

Вале базм юз бошлиғ оқ уй аро,
Оқ уй тоши тун мушки бирла қаро.

Вале мушк уза абри кофурбез,
Жаҳон узра якдаст кофуррез.

Оқ уйга эшик руст, тунглук доғи,
Бўлуб кўрага эв давриға тўк доғи.

Муғаннийлар айлаб навосозлиқ,
Муоширлар айлаб сарандозлиқ.

Не май, элни ҳар шўх бир ноз ила,
Йиқиб ғамзаи новакандоз ила.

Кўнгулда биридин ниҳони ғаме,
Хаёли била ўзга бир оламе.

Чу май они беихтиёр этмайин,
Ул андуҳини ошкор этмайин.

Вале чун қилиб бода торожи ҳуш,
Бўлуб ўтрудин моҳваши боданўш.

Мунга дам-бадам ул қадаҳ аччиғи,
Қадаҳдек солиб аччиғ-аччиғ йиғи.

Не боқмай анга умридин баҳраси,
Не боқмоққа онинг сори заҳраси.

Келиб ногаҳ ул шўхи худрой анга,
Қадаҳ тутса юз ноз ила, вой анга!

Ичиб бодани қўйса оллиға бош
Қиёматқача бош кўтармаса кош!

Гар ўлса дема марг сони ани,
Ҳаёти, дегил, жовидони ани.

Ўзидин кетиб ошиқи майпараст,
Йиқилди чу ҳар кимса бир ерда маст.

Сабуҳий чоғи кўз очиб моҳваш,
Хумор этгали дафъ, ўлуб журъакаш.

Яна ёқибон шамъу мажлис тузуб,
Ятимона кўп шевалар кўргузуб.

Кўзи айни махмурлуғ ичра маст,
Майи лаълидин мастлар майпараст.

Қаро бўркин эгри қўюб бошиға,
Етиб бир қироғи қаро қошиға.

Кўзи пўстин ичра пинҳон бўлуб,
Ҳамал буржида меҳри рахшон бўлуб.

Қиёс этмайин даври лайлу наҳор,
Анингдек қиш ичра, мунунгдек баҳор.

Бу ҳайъат била ошиқи бошиға,
Келиб ноз ила ўлтуруб қошиға.

Қулоғин тутуб, тортиб уйғотқали,
Кўз очқоч туман ноз ўқин отқали.

Масиҳоваш алқисса юз дам тузуб.
Кеча андоқ ўлтурганин тиргузуб.

Чу ошиққа ул руҳ этиб илтифот,
Масиҳ илгидин топиб оби ҳаёт.

Масиҳи дамидин анинг жон топиб,
Хусусан, яна оби ҳайвон топиб.

Ики журъадин, ўйла мастон бўлуб
Ки, базм аҳлиға ҳарфи дастон бўлуб.

Дема маст, мажнуни беҳол де,
Жунун ичра ошуфта аҳвол де.

Ҳарорат чу ғолиб бўлуб бодадин,
Жунун ортибон ул паризодадин.

Қилиб ваҳмким ишқи девонасоз,
Анга қилмағай ногаҳ ифшои роз.

Қўпуб доғи уйдин чиқиб ташқари,
Уруб телбалардек қадам ҳар сари.

Жаҳонни кўруб қор ичинда ниҳон
Кўрунуб кўзига яна бир жаҳон.

Камар тиғидин сарсар андоқ эсиб
Ки, ҳар ерга тегса пичоқдек кесиб.

Сулар муздин андоқ бўлуб сангбаст
Ки, тош урсалар мумкин ўлмай шикаст.

Қуёш чашмаси бир қадаҳ муз бўлуб,
Сочилғон бори қатра юлдуз бўлуб.

Фалак сабзасида қолиб ёшурун,
Назарға бўлуб зоҳир ўлғонда тун.

Кўрунмай қуёш партави нурлуқ,
Бориб табъидин доғи маҳрурлуқ.

Ел осебидин халқ юз боғлабон,
Нафаснинг тафи шуша муз боғлабон.

Уруб қуш ўзин ўтқа девонадек,
Ва ё шамъи сўзонға парвонадек.

Дегил дуддин шуъла дом этти фош,
Шарарлардин ўлди анга донапош.

Тўлун ойға кўк бўлғуча юз тўнгуб,
Фалак баҳри нили доғи муз тўнгуб.

Емас оқ булут чарх жавфида туз
Ки, андин синиб тушти бир пора муз.

Чу дай хони ел хайлидин ун солиб,
Чаман кишвари сори чопқун солиб.

Шажар хайлини, ўйла толон этиб
Ки, боштин-аёғини урён этиб.

Қилиб ўзларин ўртамак мултамас,
Саросар ўтун бўлмак айлаб ҳавас.

Гумон айлабон шуъла кўргач тазарв,
Қилиб даврида ларза шамшоду сарв.

Бўлуб момуғу тук аро эл ниҳон,
Ҳамул навъким қоқум ичра жаҳон[2].

Ёпиб эл қулоғларин ики китф,
Қўюнларда қўллар бўлуб муътакиф.

Кишиким қилиб ҳайя наззораси,
Гумон айлабон песа ип пораси.

Бориб заҳрию урмайин тобу печ,
Анинг заҳрин айлаб ҳаво заҳри ҳеч.

Ўт устида маҳвашлар айлаб ҳужум,
Қуёш теграсида нечукким нужум.

Чу сорғартиб элни насими сабо,
Бўлуб ул сомонларға ўт каҳрабо.

Насим айлагач бирка сори шитоб,
Қилиб борча сиймобни сийми ноб[3].

Балиғлар бўлуб дай наҳангига қут,
Тонг эрмас наҳангики, қут этса ҳут.

Чу Баҳман сипоҳи тузуб анжуман,
Ер Исфандиёрин қилиб Рўйинтан.

Бу Исфандиёр айлабон чун ситез
Солиб олам аҳли аро рустахез.

Совуғ шиддатидинки кўзлар қотиб,
Анга қавс ҳар дам балорак отиб.

Назарға келиб булъажаб оламе,
Ҳаводис елидин жаҳон дарҳаме.

Ул ошуфта наззора қилғоч бу ҳол,
Қилиб дай сипоҳи ани поймол.

Ул уйдин чиқорға жиҳат кўрмайин,
Бажуз қайтмоқ маслаҳат кўрмайин.

Кириб базм анбарсириште топиб,
Қочиб ул томуғдин биҳиште топиб.

Анга ҳурзоде тутуб кавсаре
Ки, ул сув уруб жониға озаре.

Чу бир ратл нўш айлабон маст ўлуб
Ки, соқий аёғида-ўқ паст ўлуб.

Бошиким бўлуб ёр аёғиға паст,
Етиб чархи гардунга андин шикаст.

Қаю кимсаким топса мундоқ мурод,
Ўқусун ёмон кўз учун «ин якод»4.

Неча анжуман жаннатосордур,
Томуғдур агар кимса беёрдур.

XXXIII

Мажнун ҳикоятиким, қиш кунининг узун қоронғу туни Лайли зулфининг мушки исин ел корвонидин истишмом қилиб, гом урар эрдиким, бахт машшотаси ул сариштаи муродни илгига берди

Ешиттимки, Мажнуни шўридаҳол
Ки, дашт узра сойир эди моҳу сол.

Таку тоз эрди қишу ёз анга,
Қишу ёз эрди таку тоз анга.

Чу ёз ўлса водий томуғдин нишон
Ки, хуршид ўлур эрди оташфишон.

Анга воя эрмас эрди сояе
Ки, топмас эди соядин вояе.

Ва гар қиш ҳавоси тўкуб замҳарир
Ки, бард айлар эрди бақамни зарир.

Ҳам этмас эди азм маскан сори,
Исинмоқ учун майл гулхан сори.

Бори майли ул ёнки Лайли эди,
Қаён Лайли, ул сори майли эди.

Хабар ҳар қаён топса маҳбубидин,
Чекиб нола жони пурошубидин.

Урар эрди елдек анинг сори гом,
Сабо гул сори айлагандек хиром.

Магар бир қиш эрмиш бағоят совуқ,

Ани пўя Лайлиға қилмиш ёвуқ.

Димоғиға бермиш сабо ёр исин,
Анингдекки, булбулға гулзор исин.

Бу ҳолатда гўё қаро тун эмиш,
Анинг оллидин елу чопқун эмиш.

Нигоридин ул иски топиб машом,
Юмуб кўз, урар эрмиш ул сори гом.

Етишган замон ёр уйи қошиға,
Ҳамоно урунмиш эшик бошиға.

Очилғоч эшик, уйга кирмиш юруб,
Магар уйга кирмак будур бош уруб.

Кўз очиб кўрар, уйда Лайли эмиш,
Қаро тунда равшан Суҳайли эмиш[1].

Солур ҳайрату шавқ жониға тоб,
Қилиб бетаҳаммуллуқ они хароб.

Қўюб Лайли оллида туфроққа юз,
Юмар сўнгра кавнайндин ики кўз.

Ани ҳужрада Лайли айлаб ниҳон
Ки, фаҳм этмагайлар эли ногаҳон.

Киши ҳуш таркида бу навъ ком
Топиб, истаса ҳуш – бўлсун ҳаром.

Ерур ишқ аро бўйла аъжубалар
Ки, беишқ билмас бу мансубалар.

Навойиға, ё Раб, қариб эт ани,
Қариб эттинг эрса, насиб эт ани.

XXXIV

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, шито фасли бурудат касратидин ва ёғин шиддатидин мужиби паришонлиқ ва боиси бесомонликдурур халқ анга невчун роғиб ва табъ анга нега толибдурур ва ҳаким жавобқа оғиз очмоқ ва ҳикмат саҳобидин дурар сочмоқ

Яна қатла дорои дарёнавол1
Деди: «Кей ҳакими Масиҳомисол,2

Шито фаслида кўп суубатдурур
Ки, инсонға андин уқубатдурур.

Бири елки, элни қилур дарднок,
Бири барди муфритки – айлар ҳалок.

Яна замҳариру узун тун доғи,
Қўшулса елу қор, чопқун доғи.

Фалак ерга бу навъ ўлур фитнарез
Ки, андин керак табъ қилгай гурез.

Недин қишқа кўпракдурур толиб эл,
Анга ёздин ортуғ бўлур роғиб эл.

Мунунг ваҳшатиға чу бор иттилоъ,
Ҳаросон керак эрди мундин тибоъ»3.

Деди, ҳикматойини ахтаршунос:
«Ки, бу ишга бор ўзга янглиғ қиёс.

Чу қиш табъи борид доғи ратб эрур,
Хирад мунда бу навъ рухсат берур

Ки, табъ ичра солур сабоу шитоб,
Ҳарорат била юбсдин изтироб.

Чу юбсу ҳарорат бўлур муштаил,
Ани бориду ратб этар муътадил4.

Яна чун шабобу куҳулат5 доғи,
Ерур элга айшу фароғат чоғи.

Билур эл қошида муқаррардурур
Ки, бу қишда хушроқ муяссардурур

Ки, гар кундузи бўлса қору ёғин,
Билур эл ғанимат фароғат чоғин.

Тараддудға чун бўлди монеъ ҳаво,
Фароғат қилур табъ комин раво.

Ерур кечаси доғи чунким тавил,

Бу доғи фароғатқа келди далил

Ки, суҳбат муносибдурур ўтса шом
Ки, топқай сукун уйқу бирла авом.

Анга тегруким, бўлғай уйқуға чоғ,
Рутубат қилиб касб майдин димоғ.

Бўлуб уйқуға вақтида рағбати,
Баданнинг будур мужиби сиҳҳати.

Чу ул уйқудин табъ масрур эрур,
Замон доғи бор улча мақдур эрур.

Яна ҳирфат аҳли тутуб гўшае,
Маоши учун истаса тўшае,

Узун тунда уйқудин ўлғач амон,
Ерур касбининг вақти мумтад замон.

Яна илм таҳсили айлар киши,
Агар истаса рушд топқай иши.

Ишидин анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.

Ики бошта ёнса чароғи анинг,
Тун ўртаси тинғай димоғи анинг.

Яна аҳли Ҳаққим қўюб хўрду хоб
Қилурлар ибодатқа жаҳду шитоб.

Халойиқ кўзидин эрурлар ниҳон
Ки, равнақлиқ эрмас аларсиз жаҳон.

Қаро тунлар ул хайл тоат этар
Ки, оламга андин ёруғлуқ етар.

Бас ул тун нечаким топар имтидод,
Ёруғлуққадур мужиби издиёд.

Буким шарҳ топти неча навъ иш,
Муяссардурур олам аҳлиға қиш.

Бу ким даҳр эли қишни айлар талаб,
Ерур ани истарга мунча сабаб».

Дегач сўзни донойи бисёрдон,
Деди: «Офарин!» — хусрави кордон.

XXXV

Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси била азм этиб, Хуросонға етиб, Ҳироти сонаҳаллоҳу анил-офоти вал балиётни бино қилиб, Моваройуннаҳрни олиб Самарқанди бемонанд тарҳин солиб, Кашмир сори мутаважжиҳ бўлғони ва Кашмирийлар сеҳри дафъиға Мусо киби яди байзо кўргузуб, сеҳройин қалъаларин мўжиза бирла бузуб, Маллунинг доғи бузулуб, тилисм қўрғониға азм этгани ва Искандарнинг Кашмир шаҳриға кетгани

Муаррихки, шарҳ этти бу можаро,
Бу янглиғ бўлур сўзга дастонсаро

Ки, чун қилди қишлоқ азмиға шоҳ,
Қаробоғи Арронни оромгоҳ.

Жаҳонгирлик эрди андешаси,
Бу тадбир эди туну кун пешаси.

Тузуб ҳикмат аҳли била анжуман,
Бўлур эрди бу амрда ройзан.

Хаёлида доим бу тадбир эди,
Хаёли намудори тақдир эди.

Бу андешадин ҳосил ўлғач фароғ,
Сипаҳ зийнатин айлар эрди яроғ.

Бериб қавму хайлиға дилдорлиғ,
Тилар эрди Ҳақдин мададкорлиғ.

Чу рафъ ўлса эрди анга барча қайд,
Бўлуб рокиб, айлар эди азми сайд.

Фароғат чоғи, сайд ўлуб пешаси,
Матофи Арас[1] рўдининг бешаси.

Бу эрди иши токи гардон сипеҳр,
Ҳамал жилвагоҳиға еткурди меҳр.

Қуёш хусрави чунки топиб шараф,
Сипаҳ тортти сабзадин ҳар тараф.

Уруб шоҳи хуршидваш боргоҳ,
Чекиб дашт уза сабза янглиғ сипоҳ.

Топиб саъд соат куҳан тоқдин,
Саодат била чиқти қишлоқдин.

Қилиб азм, қўйди Сипоҳонға[2] юз,
Ўтуб андин, урди Хуросонға[3] юз.

Мунга етгуча борча Эрон замин
Бўлуб эрди ҳукмиға зери нигин.

Хуросон ҳавосида топти нишот,
Мизожиға юзланди кўп инбисот.

Ким, ул кишваре эрди беҳад васеъ,
Ери ўзга иқлимлардин рафеъ.

Масоҳат қилиб борча атрофини,
Нечукким керак топиб авсофини.

Фазосида кўп чашмау руд бор,
Бори юб кўнгул кўзгусидин ғубор.

Яна баҳр янглиғ улуғ тўрт руд
Ки, кўк тоқиға савти тортиб суруд.

Ўзи чунки жаннат намудор ўлуб,
Сулар доғи жаннатқа анҳор ўлуб.

Алардин дедилар бирин Ҳирманд[4]
Ки, ҳар қатраси рафъ этиб юз газанд

Ки, анҳоридин мулки Зобулситон[5].
Бўлуб зебу зийнат аро гулситон.

Сафо ичра кўзга бериб хиралиқ,
Ҳамул мулкдин рафъ этиб тиралик.

Ёруқ, ўйлаким меҳри гетифуруз,
Бу маънидин оти келиб Нимрўз[6].

Бу кишварда ҳар бир гадо Ҳотаме,
Доғи ҳар сипоҳи келиб Рустаме.

Яна бир алардин Дарижаз[7] суйи,
Манофиъда ул навъким – раз суйи.

Қаю раз, «шаробан таҳуро»дур ул,

Кеча-кундуз ошоми ҳуродур ул

Ки, анҳори обод этиб мулки Балх
Ки, андиндурур хасмнинг айши талх.

Ҳамул Балхким, қилди Ҳушангшоҳ,
Жаҳондин гузин айлабон тахтгоҳ.

Мақоми – Бироҳими Адҳам[8] келиб
Ки, гарди раҳи чархи аъзам келиб.

Яна бир доғи келди Мурғоб руд[9]
Ки, шаънида кавсардин ўлди дуруд.

Олиб заҳмати жисму ранжи равон,
Хирад айтибон они ганжи равон.

Бўлуб андин обод Мохону Марв
Ки, қуштур тазарв анда, ашжор – сарв.

Паривашларидин бўлуб баҳраманд,
Қилиб тахт Таҳмураси девбанд.

Бўлуб сўнгра Санжарға оромгоҳ,
Ки, қуш кўрмай ул навъ бу домгоҳ.

Яна бир анга Чахчарон[10] руд ўлуб
Ки, ул руд ҳайвон суйидин тўлуб.

Ери рифъат ичра фалакдин нишон,
Бу руд анда ул навъким Каҳкашон.

Ушоқ тошлари ахтари тобнок,
Латофат аро, ўйлаким дурри пок.

Суйи хосиятда зилоли ҳаёт,
Топиб андин ичкан ўлумдин нажот.

Қироғинда ҳар гулбуни ахзаре,
Бақо ичра бир Хизр пайғамбаре.

Фалакваш ерининг фазоси доғи,
Келиб жаннатосо ҳавоси доғи.

Вале бу сифат наҳри Кавсармисол
Ки, андин жаҳон коми топиб зилол.

Суйи қуму дашт ичра шоеъ бўлуб,
Бориб ончаким, борча зоеъ бўлуб.

Хуросонни чун шаҳ масоҳат қилиб,
Нечукким керак тўрт наҳрин билиб.

Дедиким, «Бу ердур жинон гулшани»,
Писанд айлабон хотири равшани.

Вале чунки манзури ўлғоч бу наҳр,
Ясаб анда бир жаннатосор шаҳр.

Чу мазкур этиб аҳли дониш ҳир от,
Писанд айламай хотири, жуз Ҳирот.

Чу бу лафзға илтифот айлабон,
Ҳамул шаҳр отин Ҳирот айлабон.

Ҳирот ўлди алқоби Искандари,
Дедилар авом они лекин – Ҳири.

Чу тўртунч иқлим эди мавқеъи,
Бас ўлди қуёш соҳиби толеъи.

Кавокибгаким, ети тақсим эрур,
Жаҳон мулки ҳам ети иқлим эрур.

Ангаким васат меҳри рахшон келиб,
Мунга лек мулки Хуросон келиб.

Хуросон бадандур, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, бадандур Хуросон анга[11].

Ало, токи бўлғай сипеҳр узра меҳр,
Ёруқ меҳр нуридин ўлғай сипеҳр,

Анга бўлмасун меҳр янглиғ завол,
Сипеҳр этмасун халқин ошуфтаҳол.

Чу саъй айлабон қилди дорои даҳр,
Бино бўйла кишварда бу навъ шаҳр.

Қилур эрди манзил-баманзил мурур,
Ангачаки Жайҳундин этти убур.

Яна кишваре кўрди фирдавсваш,
Ҳавоу суйи мисли фирдавс хуш.

Латофат аро равзадин баҳр анга,
Вале исм ўлуб Мовараунаҳр[12] анга.

Нединким, ики наҳр ароси келиб,
Яқин юз йиғочқа фазоси келиб.

Оқиб ҳадди шарқида Сайҳун суйи,
Бориб ҳадди ғарбида Жайҳун суйи.

Йўқ улким анга бу ики руду бас,
Ўн-ўн беш сув ҳар бир нечукким Арас.

Бўлуб ҳар биридин жудо наҳрлар
Ки, ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар.

Ва лекин бу рудеки, дерлар Кўҳак[13]
Ки, йўқ равзанинг наҳри эрконга шак

Ки, ичгач тавоно бўлуб нотавон,
Гузар айлабон умр янглиғ равон

Ки, андин не бир шаҳр обод ўлуб,
Не маъмурасидин биров шод ўлуб.

Агарчи латофатда рашки Фурот[14],
Бўлуб борча зоеъ, нечукким ҳаёт.

Скандар чу бу мулки дилкаш кўруб,
Фазоу ҳавосин Эрамваш кўруб.

Хусусан Кўҳак рудиким, наҳри Нил[15]
Емас онча, не Нилким, Салсабил[16].

Яна Тенгридин бўйла тутти умид
Ки, ул Нил учун Мисре этгай падид.

Қилиб ҳикмат аҳли била гуфтугўй,
Етиб шаҳр учун яхши ер жустужўй.

Ҳамул пуштаеким Кўҳак топти исм,
Не пушта жаҳон ганжи узра тилисм.

Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,
Яшил сабзаси чархи мийну киби

Ки, мансуб эрур анга Кўҳак суйи,

Нединким, эрур жори андин қуйи.

Ҳамул тўпа оллидин андоқ оқар
Ки, ошиқ бошу ашки, дер, ким боқар[17].

Анинг ёнида шаҳр қилди бино
Ки, ўлтурмасун анга гарди фано.

Скандар отоди Самарқанд ани,
Самарқанди фирдавсмонанд ани.

Ани чун тугатти қилиб эҳтимом,
Равон қилди Кашмир сори хиром.

Кесиб даштнинг роҳу бероҳини,
Анга солғуча сояи жоҳини.

Бийик ҳиммату бахти бедоридин,
Басе мулк фатҳ ўлди ҳар соридин.

Чу Кашмир ҳаддиға қўйди оёғ,
Падид ўлди бир чархпайванд тоғ.

Кўкартиб қамар оразин хораси,
Солиб бўркни ерга наззораси.

Фалакка дегин, ўйла рахшанда тош
Ки, пардохт қилғайлар айлаб тарош.

Ики жониби ҳар бир андоқ йироқ
Ки, қатъиға азм этмаган яхшироқ.

Бу янглиғ бийик тоғ, анингдекки Қоф,
Бўлуб чархдин ерға тегру шикоф.

Бўлуб ошкоро аросинда йўл,
Вале ики йилмон қаё ики қўл.

Бу йўлким анга тоғ ўлуб ҳар сари,
Келиб арзи тахмин била юз қари.

Ани аҳли Кашмир дарбанд этиб,
Ики тоғни бир-бирга пайванд этиб.

Юз эллик қари авжи рифъат анга,
Яна мунча доғи захомат анга.

Анингдек қўюб гаж била хора тош

Ки, ердин бўлуб кўкка якпора тош.

Темурдин ясаб анда дарвозае,
Фалак тоқидин тоқи андозае.

Бу дарвозани ўйла руст айлабон,
Ким ул ики жузвин дуруст айлабон.

Қўпорибки ердин мадоро била,
Камаргоҳиға тегру хоро била.

Ясаб устида буржу бору доғи,
Адув дафъин этмакка кўшиш чоғи.

Демай кимса дарбанду бору ани,
Тасаввур қилиб ақл жоду ани.

Ичинда ики минг киши чорасоз,
Бори ҳийлапардозу афсунтироз

Ки, дарбанди олий намудоридин,
Яқин келмагай кимса минг қоридин.

Кишиким қадам қўйғай ул ён нухуст,
Аёғи анинг бўлғай ул навъ суст

Ки, топмай таҳаррукнинг имконини,
Ёмон вартада кўргай ўз жонини.

Таковар доғи қилса ул ён шитоб,
Аёғидин итгай тавон бирла тоб.

Сипаҳ чун бу ерга етиб, лол ўлуб,
Таҳайюрдин ошуфта аҳвол ўлуб.

Шаҳ оллиға қайтиб аён эттилар,
Неким бўлмиш эрди баён эттилар.

Шаҳ этмай бу сўзларга ҳеч илтифот,
Арасту била етти ул ерга бот.

Инонмай йироқтин намойиш била,
Яқин айлади озмойиш била.

Дедиким: «Бу найранги Кашмирдур,
Фусунгар иши, макру тазвирдур.

Керак қилмоқ андоқ анинг чораси

Ки, бўлғай нигун бурж ила бораси».

Черикни тушурди кейинрак ёниб,
Юруб ҳифз учун давриға айлониб.

Чу кўнгли бўлуб жамъ, айлаб хиром
Тушуб боргоҳ ичра, тутти мақом.

Бор эрди жанобида беш юз ҳаким,
Алардин ўни кеча-кундуз надим:

Филотун, Арасту, Балинос ҳам,
Яна Арашмидус, Шаминос ҳам.

Қилинмуну Волису Фарфурнус
Ки, Суқроту Ҳурмус киби хокбўс.

Борин ҳозир этти тузуб анжуман,
Деди анжумансози лашкаршикан

Ки: «Бу ишки афсуни Кашмир эрур,
Ани дафъ этарга не тадбир эрур?»

Равон ҳикмат аҳли сўз оғоз этиб,
Тилин шаҳға бори дуосоз этиб,

Дедиларки: «Шаҳға бу иштин не ғам,
Бу иш демали, бўлса юз мунча ҳам.

Бу дарбанд агар чархи гардон эрур,
Иложи анинг бизга осон эрур.

Шаҳ иқболини Тенгри этсун фузун
Ки, иқболи гар бизгадур раҳнамун.

Бу найрангларга шикаст айлали,
Бийик борасин ерга паст айлали.

Не қилғай неча жўгийи сеҳрсоз,
Бири муҳрадузду бири ҳуққабоз

Ки, ҳикмат эли они дафъ этмагай,
Илайдин не қилғонлари кетмагай.

Бу донишвар элким эрур раҳбаринг,
Қаю раҳбаринг, бандау чокаринг.

Биликдин эрур ҳар бири бир жаҳон,

Жаҳон ҳикмати ҳар бирида ниҳон.

Филотунға юзланди ул ерга иш
Ки, жўгидин ўлғай анга сарзаниш.

Арасту нега ердин ўлмас адам
Ки, кўргай фусунгардин афсуну дам.

Кўп ўлса фусунсози Кашмирнинг,
Биримиз бизинг бас, алар бўлса минг.

Неча бўлса чубчуққа жоду лақаб,
Кўпидин қилур сайдгар кўп тараб.

Шаҳ ар ики кун бўлса оромжўй,
Учунч ўлсун аъдосидин комжўй.

Қилиб ҳикмат ойиниға илтижо,
Бузоли алар сеҳрини жобажо».

Скандар бу сўздин тарабгин бўлуб,
Сўзи аҳли ҳикматқа таҳсин бўлуб:

«Бори амрдин, – деди, – маъзул ўлунг,
Бориб бу ишингизга машғул ўлунг».

Алар қўпти шаҳни дуо айлабон,
Неким коми эрди, раво айлабон.

Скандар қўпуб, қўйди хилватқа юз,
Алар қўйдилар борча ҳикматқа юз.

Бўлуб анжум аҳволиға раҳшунос,
Табиатларин доғи айлаб қиёс.

Неча кўрау дамни даркор этиб,
Филиззотдин бир намудор этиб.

Қилиб мазж сиймобу қалъию рўй,
Намудор қилдилар ул навъ гўй

Мудаввар фалакдек мисоли анинг,
Фалакваш ичи доғи холи анинг.

Ичининг халосин мало қилдилар,
Адовидин они тўло қилдилар.

Мураккаб неча навъ ашё қилиб,

Ҳамул ҳуққа ичра муҳайё қилиб.

Ики суқба ичра фатила анга,
Қилиб зоҳир ул тавр ҳийла анга,

Ким ул гўйни хасм боши киби,
ғалат айладим, раъд тоши киби.

Фатиласиға ўтни чуст айлабон,
Қўюб раъд ёйиға руст айлабон.

Ани отиб ул сода хоро аро,
Ҳаводин тушургайлар аъдо аро.

Фатила борурда куюб сарбасар,
Етиб махфий ашёға ўтдин асар.

Чу ерга тегиб руст гўйи тилисм,
Неча пора бўлғай анга салб жисм.

Ушолғоч, садо чиққай андин ғариб,
Яна шуълау риҳу дуди ажиб.

Уни бузғай ул сеҳр асбобини,
Ўти очқай ул қалъанинг бобини.

Қаро айлагай дуди соҳир юзин,
Қаророқ ҳамул фанда моҳир юзин.

Исидин ким этса муаттар машом,
Унутқай фусун илмини, вассалом.

Чу зебо тилисм ўлғач ороста,
Ҳамул навъким моҳи нокоста.

Бўлуб жамъ ул ҳикматойин гуруҳ,
Фалакдин фузун ҳар бирига шукуҳ.

Қўюб шоҳи Дорофар оллиға юз,
Не Дорофар, Искандар оллиға юз.

Тилисми ниҳонни аён қилдилар,
Ниҳон барча рамзин баён қилдилар.

Шаҳ ул турфа ишдин басе шод ўлуб,
Деди узрлар ҳаддин афзун қўлуб

Ки: «Мундоқ тилисмеки соз эттингиз,

Шуруъида не ишга мавқуф сизғ»

Чу шаҳ табъида топтилар бу ҳавас,
Дедиларки: «Ҳукмунгға мавқуфу бас!»

Қўпуб шоҳу эл ичра ғавғо тушуб,
Улусқа ул ишдин алоло тушуб.

Чу рокиб бўлуб қалъаға қилди майл,
Улус доғи юзланди андоққи сел.

Юруб оллида олам огаҳлари,
Рикобида бори жаҳон шаҳлари.

Сипаҳнинг қироғиға чун еттилар,
Равон раъд асбоби соз эттилар.

Тилисми гаронмояни келтуруб,
Ҳамул раъд ёйиға тошдек қуруб.

Чу доруга ўт етти, тутти ҳаво,
Қилурга улус меҳнатиға даво.

Бориб тушти аъдо аросиға чуст,
Азим ун чиқорди тегиб ерга руст.

Деган тўрт иш тутти андин вужуд:
Садоу афан, ис била ўту дуд.

Садо ботил этти фусунларни пок,
Ўти куйдуруб қалъани қилди хок.

Фусунгар юзин дуди этти қаро,
Иси қўймади нукта хотир аро.

Алар ичра чун тушти бу рустахез,
Топилмас эди чорае жуз гурез.

Қочиб бўлдилар озими пойтахт,
Анга тегруким Маллуйи тийрабахт.

Паришонлиғу бенаволиғ била,
Ҳамул дуддин юзқаролиғ била.

Борур чоғда минг жодуйи сабзранг,
Ва лекин келиб барчаси аҳли занг.

Бориб анда кўк қарға – зоғе келиб,

Кетиб тўти, аммо калоғе келиб.

Ҳамул гўй отилғоч қочиб як-баяк,
Масалдурки: «Минг қарғаға бир кесак»[18].

Киши тонимай мунда мингдин бирин,
Алар демагунча ул иш соҳирин.

Чу Маллуға арз эттилар ҳолни,
Алар отқон ул турфа тимсолни.

Скандар ишидин кўтарди ҳисоб,
Ўз аҳволиға топти йўл изтироб.

Қавий англади они, ўзин заиф,
Яқин билдиким, эрмас эрмиш ҳариф.

Ҳаким оллида ҳеч жоду сўзи,
Нечукким Скандар қошида ўзи.

Адув олғонин билди дарбандни,
Ҳамул қалъаи чархмонандни.

Яқин англадиким, хато айламиш
Ки, шаҳ буйруғидин ибо айламиш.

Ўзин топти бебаргу ҳайрон басе,
Елин ҳам ваҳиму паришон басе.

Тута олмади мулки ичра қарор,
Доғи топмади чорае жуз фирор.

Ҳамул қалъаким васфи ўтти бурун,
Топа олмади андин ўзга ўрун.

Анинг нақбин очмоққа айлаб шитоб,
Хазойин тошитти анга беҳисоб.

Басе бебаҳо туҳфа – бори нафис
Ки, табъ они топқай ўзига анис.

Жавоҳир фузун ҳадду миқдордин,
Самин гавҳару лаъли шаҳвордин.

Авонийи сиймину заррин зуруф
Ки, ожиз бўлуб элга андин вуқуф.

Хазойиндаким ҳар не ашё эди

Ки, навъи туҳаф ё ҳадоё эди.

Борин, ўйла қилдурди қўрғонға нақл
Ки, эҳсосидин қолди ҳайратқа ақл.

Чу жамъ айлади кўнглин ул ҳолдин,
Фирор этти нофаррух иқболдин.

Макон айлади ул Қаро тоғ уза,
Анингдекки қўнғай чибин зоғ уза.

Анга бўлди иш бўйла суратпазир,
Вале шоҳи Жамқадру Доросарир.

Ҳамул дамки оттурди қўрғонға гўй
Ки, дарбанд қилди йиқилмоққа рўй.

Деди, айлагай азм қўрғон сари,
Нечукким наби чархи гардон сари.

Вале бермади аҳли ҳикмат анга,
Равон азм қилмоққа рухсат анга.

Ки: «Қилмоқ бугун азм эмас маслаҳат,
Бугун манъ қилмоққа будур жиҳат.

Ким, ул дуд ила ис тугансун тамом
Ки, нуқсон топар элга андин машом».

Ешитгач бу сўз довари қаҳрамон,
Сукун ихтиёр айлади шодмон.

Ёниб боргаҳ сори азм айлади,
Тараб бирла оҳанги базм айлади.

Билик аҳлидин мажмае соз этиб,
Кўп эҳсону таҳсинлар оғоз этиб.

Қилиб ҳар бирин лутфидин баҳраманд.
Ато бирла таъзимидин аржуманд.

Чу мағрибқа отти ҳакими сипеҳр,
Скандар тилисми киби гўйи меҳр.

Қадаҳ бирла тийби димоғ эттилар,
Тараб бирла майли фароғ эттилар.

Анга тегруким, гарм бўлди димоғ,

Қўпуб, уйқудин истадилар фароғ.

Бориб табъдин ранжу фарсудалиқ,
Бадан уйқудин топти осудалиқ.

Чу хуршид кўргузди анворини,
Скандар киби очди рухсорини.

Скандар очиб чеҳра хуршиддек,
Мурод аҳлиға субҳи уммиддек.

Чиқиб рахш уза, ўйлаким Рустаме,
Ва ё чарх уза найййири аъзаме.

Сипаҳ доғи тўш-тўшдин ўлди равон,
Агар худ тавоно ва гар нотавон.

Чу дарбаннинг оғзига ёвушуб,
Неча кун черик ўттилар чупрушуб.

Қилиб кўч-баркўч ул ён хиром
Ки, етти ҳамул шаҳр элидин паём.

Расуле етиб хидмат этти падид,
Бир илгида нома, бирида калид.

Хатин шаҳр аҳли савод айлабон,
Анинг ҳукмиға инқиёд айлабон

Ки: «Маллуда бўлғон замон бу диёр,
Йўқ эрди бу қулларға ҳеч ихтиёр

Ки, қилгай эдук хидмат изҳорини,
Аён айлабон қуллуқ осорини.

Бу дамким ани шавкатинг қилди паст,
Фирор ихтиёр этти, топиб шикаст.

Неча бандалиғ ичра шармандабиз,
Неким бизга ҳукм айласанг бандабиз.

Ёруғ айласанг мулки вайронимиз,
Фидодур санга мол ила жонимиз.

Ва гар бизни истарга фармон эрур,
Бориға юзунг кўрмак армон эрур.

Ерурбиз не ҳукм айласанг муфтахир,

Бу нома жавобига биз мунтазир».

Скандар ўқуғоч бититди мисол
Ки: «Сиз келгали бўлманг ошуфтаҳол.

Ҳамул мулкунгузда фароғат қилинг,
Манга деб дуо, Ҳаққа тоат қилинг

Ки, мен худ келурмен шитоб айлабон»,
Йиборди бу янглиғ хитоб айлабон.

Етишгунча бу нома бирла расул,
Ўзи доғи шаҳр ичра қилди нузул.

Ясаб эрди Маллу тарабхонае,
Тараб қилгали қасри шоҳонае.

Ҳамул қаср даврида бир турфа боғ,
Анга ҳар гули тоза равшан чароғ.

Бийик тоқини чархфарсо қилиб,
Бу гулшан отин Жаннатосо қилиб.

Ҳамул равзада бўлди шаҳ манзили,
Тушуб шаҳр ичинда сипаҳ маҳмили.

Чу бу ишни маълум этиб хосу ом,
Бори Жаннатосоға айлаб хиром,

Хавоси кўруб шоҳдин илтифот,
Топиб ҳар бири янги бошдин ҳаёт.

Авом оллиға илтижо айлабон,
Йироқтин чекиб ун, дуо айлабон.

Шаҳ алтоф ила барчасин шод этиб,
Бузулғон кўнгулларни обод этиб.

Қилиб ҳукмким, эл қилиб изтироб,
Кишидин тамаъ қилмасун риштатоб.

Бировким тамаъ риштае қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси.

Бериб мулк эли лек моли амон
Ки, андин топиб баҳра яхши-ямон.

Раият бу бермакка хурсанд ўлуб,

Сипоҳи олурдин баруманд ўлуб.

Бировдин бировга етишмай ғаме,
Кишидин киши олмайин дирҳаме.

Скандар ичиб айш учун жоми соф,
Қилур эрди Кашмир мулкин тавоф.

ғаройиб кўрар эрди ҳаддин фузун
Ки, шарҳи анинг сўзни айлар узун.

Бир ул жумладин жоме эрди шигарф,
Тўла майдин андоқки дарёи жарф

Ки, Маллу чу солиб чиқиб мулкини,
Қочиб қолди гўёки бир хозини.

Неча туҳфа ганжидин онинг олиб,
Чу ул қалъаға азм этиб, бу – қолиб.

Ҳамул туҳфалар бир-биридин ғариб,
Ҳамоно Скандарга эрмиш насиб.

Алардин бири ул дурахшанда жом,
Ичинда тўла бодаи лаълфом

Ки, ҳар нечаким ичса кам бўлмайин,
Ича олмайин кимса, хам бўлмайин.

Ёзиб жом даврида таърифини,
Қилур чоғда ул жом таснифини

Ки, оламни олғонда Жамшидшоҳ
Ким, ул хусраве эрди ҳикматпаноҳ.

Неча йил йиғиб ҳикмат аҳлин тамом,
Тилисм эттилар саъй этиб ики жом.

Бирисин деди: Жоми Гетинамой,
Бирисин деди: Жоми Ишратфизой.

Чу Гетинамо асру машҳур эрур,
Муни васф этай улча мақдур эрур

Ки, вазъин тилисм айлаганда ҳаким,
Бу навъ айламиш соз табъи салим.

Ки, май жозиби бўлгай ажзо анга,

Тамом ўлмағай бода асло анга.

Неча ичсалар бўлғай ул лаб-балаб,
Зиҳи хуш тамошо, зиҳи хуш тараб.

Агарчи неча ичса ўксулмагай,
Вале эгри ҳам бўлса, тўкулмагай.

Анингдекки, май жазби онинг иши,
Ола олмағай жазб қилмай киши.

Май анда ҳамул кун магар қолмағай
Ки, оламда майдин асар қолмағай.

Скандарга чун рўзи ул жом ўлуб,
Тузуб мажлису бодаошом ўлуб.

Қилиб ҳикмат аҳли тамошо ани,
Иликдин даме қўймай асло ани.

Бўлуб шаҳға ул навъ ишратфизой
Ки, ёд айламай Жоми Гетинамой.

Кетур соқий, ул жоми ёқутгун
Ки, эл табъида ишрат этгай фузун.

Неча бодасин ичса кам бўлмағай,
Муоширға андин алам бўлмағай.

Муғанний, суруде чиқор дилнавоз,
Бўлуб аҳли Кашмирдек сеҳрсоз.

Агар нағма бас қилмоқ этсанг ҳавас,
Ҳамул жом гум бўлмайин қилма бас!

Навоий, агар топсанг ул навъ жом,
Неким бодадин ўзга ичсанг ҳаром.

Хитоб этгасен Жоми Боқий ани,
Вале тутса гулчеҳра соқий ани!

XXXVI

Ҳакими коинот пайванд ва холиқи бемислу монанд маснуоти тамошоси анинг вужуди исботиға ҳужжати қотиъ ва бурҳони сотиъ экан бобда нукта сурмак ва ул саноеънинг бадоеъи жаҳон кезмакта кўпрак муяссар эрконга ҳам далил келтурмак ва сафар тариқин уч навъда тақсим қилмоқ: аввал, солики раҳнаварди ўзлук баводисин қатъ этиб, мақсад ҳарамиға муҳтарам бўлмоқ; иккинчи сайёҳи жаҳонгард талаб манозилида бошдин қадам

қилиб, муршиди комил иршоди била такмил топмоқ; учунчи, хусрави Баҳром набард сипоҳи анжум адад чекиб жаҳон мулкин олмоқ

Азал субҳиким чекти Файёзи Жуд,
Бори офаринишқа нақши вужуд.

Таҳаррук топиб килки тақдир анга,
Бўлуб кавн ашколи тасвир анга.

Чу ул хомани қилди суратнигор,
Ажойиб сувар бўлди кўп ошкор.

Ажаб йўқ мусаввир эса бир оти
Ким, ул чекти кавнайннинг сурати.

Бу тасвир аро кўп ғаройиб дурур,
Ниҳоятсиз анда ажойиб дурур.

Ки, ҳар қайсиға кимки тадқиқ этар,
Мусаввир камолини таҳқиқ этар.

Чу ашёда кўрса киши санъатин,
Билур Сонеъи ғайбдон қудратин.

Ул аъжубаларда бўлуб хурдабин,
Анга Ҳақ камолида ортар яқин.

Ким ўлғай қуёш сирринининг маҳрами
Ки, бир зарра моҳиятин одами.

Нечунким керак билмак осон эмас,
Не осон эмас, балки имкон эмас.

Ва лекин киши зоҳир этса талаб,
Жаҳон ичра кўптур ажабдин-ажаб.

Муни кўрмак ўлмас жаҳон кезмайин,
Тааб заҳрин ўз комиға эзмайин.

Сафар заҳмати гарчи душвор эрур,
Тенгиз қаърида дурри шоҳвор эрур.

Муҳит ичра чўммай нечукким наҳанг,
Киши урса бўлғайму гавҳарға чанг?

Катакда қолиб бўрдағон мокиён,
Не маълуми учмоққа суду зиён.

Фалак жавфида ғарқ ўлуб журрабоз
Пару бол урар чун нишебу фароз.

Демай, сайд жониға яғмо қилур
Ки, оламни яксар тамошо қилур.

Тарона чекар сойир эрконда руд,
Чу турди тараб бирла, чекмас суруд.

Валоят ишин қилсалар кимга арз,
Бийикрак мақоми эрур таййи арз.

Сафар қилмағон одами хомдур,
Совуқда тўнгар кимга оромдур.

Фалак сайрдин поя топти баланд,
Сукун қилди туфроғни хору нажанд.

Сафар қилмағонға не огоҳлиқ
Ки, элга қилур Хизр ҳамроҳлиқ.

Не воқиф киши уйдин олмай қадам
Ки, не жонфизодур тавофи ҳарам.

Хуш улким, кўнгулга кушод истабон,
Қўпуб азм қилғай, мурод истабон.

Фано тайласонини қилғай кафан,
Кафан бас анга, балки гарди миҳан.

Тажарруд хиромига роғиб бўлуб,
Таваккул самандига рокиб бўлуб.

Сароби фано жўйбори анинг,
Самуми бало лолазори анинг.

Аёқтин-боши шавқ ўти ичра ғарқ,
Итик пўяда секриб андоққи барқ.

Тани чайқалиб кўнгли топокидин,
Ул ўт бош уруб жисми хошокидин.

Қабарчуқ кафи пойида ҳар тараф,
Тўла дурри мақсуд ила ики каф.

Ёрилғоч суйи дема ҳар ён томиб,
Фано абридин дурри ғалтон томиб.

Дема дурри ғалтонки, ҳайвон суйи,
Аёғда тўла ҳар тараф жон суйи.

Ёруғким тобонни қилиб чоклиғ,
Ясаб оби ҳайвон оқарға ариғ.

Хизр айласа пойбўсин ҳавас,
ғараз ичмаги оби ҳайвону бас.

Не бийми малолат, не хавфи алам,
Бу янглиғ етиб қилса тавфи ҳарам,

Иё мукриму ҳужра тайёр анга,
Карамдин эмас бермамак бор анга.

Бу янглиғ азиз улки меҳмони бор,
Қачон мизбон бўлмай имкони бор.

Бу янглиғ сафар кимгаки берса даст,
Нетар хилват ичра бўлуб пойбаст.

Сафар ичра мундин бийик йўқ мақом,
Ва гар кимсага даст бермас бу ком,

Ёмон эрмас ул ҳамки озодае,
Миёнбастае йўлга омодае.

Қадам тортқон халқ абвобидин,
Етак силккан олам асбобидин.

Бўлуб жузвдони аниси анинг,
Китоби рафиқу жалиси анинг.

Жаҳон аҳлида чун вафо кўрмайин,
Жаҳондин доғи жуз бало кўрмайин.

Қилиб майл олам тамошосиға,
Фано мулкига, фақр саҳросиға.

Қўпуб гом уруб фарду фарзонавор,
Қилиб дашт қатъини девонавор.

Солиб ҳар нечук ергаким, етса кўз,
Ешитиб яна барча эл ичра сўз.

Кўруб ҳар машаққатда хосияте,
Топиб ҳар мазаллатда кайфияте.

Зилоле тилаб кўнглининг тобиға,
Табибе сўраб дарди ноёбиға.

Ўзин борча хайл ичра туз еткуруб,
Бори тузлар оллиға юз еткуруб.

Агар етса сарвақтиға комиле,
Қуёшдек фалаксайру равшандиле.

Қўюб заррадек сайру саргашталик,
Етак чун топиб, олмай андин илик.

Анинг хидматидин кушоде топиб,
Худо рўзи этса муроде топиб.

Бу янглиғ сафар доғи марғубдур,
Бу ҳам бўлмаса, ул доғи хўбдур

Ки, тортиб Скандармасаллик сипоҳ,
Бўлурға ети кишвар аҳлиға шоҳ.

Қаёнким азимат қилиб фатҳ этиб,
Қилиб ҳар тараф майл, нусрат етиб.

Бўлуб гаҳ Ажам мулки тасхир анга,
Мусаллам бўлуб гоҳ Кашмир анга.

ғаройиб ниҳоятдин афзун кўруб,
Ажиб амр ғоятдин афзун кўруб.

Чу бир-бир келиб ком ҳар дам анга,
Бўлуб рубъи маскун мусаллам анга.

Жаҳон мулкига ҳукми шоҳи топиб,
Бу шаҳлиғни маҳ то ба моҳи топиб.

Сафар ичра ҳар ишта аҳли рашод,
Бу янглиғ кушод узра топиб кушод.
Санга доғи бўлса кушоде ҳавас,
Бу оламда топмоқ муроде ҳавас.

Талаб йўлида қил шитобандалиқ
Ки, жўяндаға келди ёбандалиқ.

XXXVII

Ики рафиқ ҳикоятиким, бири сайрдин қуёш сипеҳр кишварида шоҳ бўлғондек, мулк

салтанатиға етти ва бири сукундин ер олам аҳлиға лагадкўб бўлғондек, хоксорлиқ ҳосил этти, бу ҳам то гарддек ҳаракат этмади, туфродин қўпуб мақомға етмади

Хуросонда бор эрди ики рафиқ,
Бўлуб рифқ ила бир-бирига шафиқ.

Ҳаводис солиб ишлариға шикаст,
Маош амрида бўлдилар тангдаст.

Бири қилмайин тарк мулку диёр,
Бири қилди лекин сафар ихтиёр.

Мужовирға даврон солиб зорлиқ,
Улусдин кўрар эрди кўп хорлиқ.

Керак элга муфлис кўрунса қалил,
Ким они қилур кўп кўрунмак залил.

Ерур озки, феруза бўлмиш азиз,
Чу хармуҳра кўпдур – ўни бир пашиз[1].

Мусофир сафарга топиб ихтисос,
Бурун худ мазаллатдин ўлди халос.

Кўруб ҳар дам амре бағоят ажиб,
Ани тортибон элтур эрди насиб

Ки, тушти гузаргоҳи Юнон сори,
Етишти ўлук – оби ҳайвон сори.

Ере кўрди туфроғи ҳикматсиришт,
Магар ҳикмат эрди анга сарнавишт.

Неча вақт анда мақом айлади,
Билик касбига эҳтимом айлади.

Мусоҳиб бўлуб аҳли ҳикмат била,
Басе илм касб этти рағбат била.

Не қилғоликим кимга ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф
Ки, ҳикматда бўлди жаҳонфайласуф.

Анга чун бу иш сайрдин берди даст,
Яна сайрға тушти қилмай нишаст.

Анга Ҳинд мулкига тушти гузар
Ки, шоҳиға ёпилмиш эрди назар[2].

Гарав айлаб эрди арода бу сўз
Ки, саъй айлаб улким манга очса кўз,

Анга ақд айлаб кўзум нурини,
Кўзум ичраки парда мастурини,

Ани қурратул-айну фарзанд этай,
Кўзум нурини анга пайванд этай[3].

Чу доноға фаҳм ўлди ул эҳтиёж,
Бориб бир-ики кунда қилди илож.

Шаҳ ўз ваъдасиға вафо айлади,
Дегандек ани кадхудо айлади.

Етиб шоҳ умри кунига завол,
Анга топти ул шоҳлиғ интиқол.

Чу огаҳлиғ ўлди анинг ёриға,
Буким шаҳлиғ ўлди анинг ёриға.

Сафар азми қилди ажаб ҳол ила,
Фалак кўбидин жисми помол ила.

Бу кишварни чун қилди оромгоҳ
Ки, ёри эди анда кишварпаноҳ.

Рафиқиға келди бу иш дилпазир,
Иноят қилиб, этти они вазир.

Чу мулкида афтодау зор эди,
Улус оллида дам-бадам хор эди.

Вазоратдин ўлмоқ рафоҳияти,
Бу доғи эди сайр хосияти.

Чу аввалғининг сайри комил эди,
Анга салтанат амри шомил эди.

Киши ўзлуки мулкидин қилса сайр,
Анга оқибат айласун Тенгри хайр.

XXXVIII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун сафар мужиби шиддатдур, ҳикмат аҳлидин анга нега рухсатдур ва жавоб эшитмак

Яна деди шоҳи Фаридунҳашам
Ки: «Ей ҳикмат аҳлиға ройинг ҳакам.

Ҳазарда бўлур кому осудалиқ,
Сафарда вале ранжу фарсудалиқ.

Чу табъ анда ранжуру ожиздурур,
Недин шуғли ҳикматда жойиздурур?»1

Жавоб айтти фикр бирла ҳаким
Ки: «Ей ҳикмат амрида фикринг салим!

Буким сайр аро элга етгай малол,
Анинг рухсатидур маҳалли савол.

Вале мунда сирри ниҳони эрур
Ки, нафъи анинг жовидони эрур

Ки, ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате.

Таомеки, ул мужиби комдур,
Гар ўт ранжини тортмас – хомдур.

Не олтунки бор элга дилкашлиғи,
Ўт ичра бўлубтур жудо ғашлиғи.

Сафарким, машаққатда келди сақар,
Анинг ўтида кимса тутмай мақар.

Ҳамоно анга озмойиш куни,
Емас поку холис вужуд олтуни.

Чу ҳар неча ўт бўлса сўзандароқ,
Гудоз ичра олтун фурўзандароқ.

Сафар ўтини айлаган ихтиёр,
Вужуд олтунин қилди комил иёр2.

Кетурса биров имтиҳондин маҳак,
Иёри аро топмағай ҳеч шак.

Яна андин ўлди сафар рухсати

Ки, элнинг эрур мужиби сиҳҳати.

Нединким, сафарға киши урса гом,
Тараддуд эрур мужиби инҳизом.

ғизо ҳазмиға табъ чун бўлди чуст,
Киши бу жиҳатдин бўлур тандуруст.

Яна улки, табъеки бўлди сақим,
Ҳавоу сув такроридин топти бим.

Бу ики чу бўлди тажаддудпазир,
Табиатқа сиҳҳат бўлур дастгир

Ки, мажбул эрур одамизод анга
Ки, ҳар амрким бўлса муътод анга.

Нишотиға такрор ҳойил бўлур,
Табиат тажаддудга мойил бўлур.

Тажаддуд эрур чунки марғуби табъ,
Ерур мужиби айш маҳбуби табъ.

Сафарда бу ҳолат муяссардурур
Ки, суву ҳаво номукаррардурур.

Табиатқа бор ики иштин наво,
Алардин бири сув, бириси ҳаво.

Чу икиси бўлди муяссар муқим,
Не узр айтқай табъ бўлмай салим.

Бас ўлди сафардин саломат доғи,
Башар табъиға истиқомат доғи.

Ҳаким ар бу навъ ишга рухсат берур,
Хирад аҳли оллинда маъзур эрур».

Жавобин топиб хусрави хурдабин,
Хамуш ўлди доноға деб: «Офарин!»

XXXIX

Искандарнинг Кашмир шаҳриға етгандин сўнгра Маллунинг тилисм қўрғонидин Кашмирдин ел била ўтни ўғурлағони ва ул вилоятни бир ўлук жисмдекки, нафаси мунқатиъ ва ғаризий ҳарорати мунтафи бўлмиш бўлғай қилғони ва Афлотуннинг ул тилисмни очқони ва яшурғон ел била Маллунинг ҳаётин барбод этиб, махфий ўт шарор ва

ахгарин анинг хирмани умриға сочқони ва Искандарнинг Маллу ўрнида Ферузанинг чароғи давлатин ёрутқони

Бу фархунда тарих донишвари,
Деди бўйла «Тарихи Искандари»

Ки, Маллу чу азм этти қўрғониға,
Тирикликни миннат тутуб жониға.

Скандар келиб олди тахтин анинг,
Қилиб тийра иқболу бахтин анинг.

Улусқа бериб адли бирла навид,
Улус борча адлиға боғлаб умид.

Мутеъ ўлдилар ҳукму фармониға,
Кўнгул боғлабон лутфу эҳсониға.

Хабар сўрди чун Маллу аҳволидин,
Бу янглиғ дедилар хабар ҳолидин

Ки: «Шоҳ савлатидин фирорийдурур,
Фалон қалъа ичра ҳисорийдурур[1].

Ҳамул сеҳр ёхуд тилисме сўзи
Ки, элчи қошида дегандур ўзи».

Тамомини шарҳ эттилар мў-бамў,
Худ англаб эди шоҳи фархундахў.

Чу ул бир ажаб навъ сурат эди,
Анинг фикрин этмак зарурат эди.

Яна мажмаи дилкушой истади,
Билик аҳлидин анда рой истади

Ки: «Кашмир агар тоза гулзордур,
Ҳавоси ва лекин ажаб ҳордур.

Есар доимо руҳпарвар насим
Ки, жаннатдурур, йўқса бордур жаҳим[2].

Насим ар бу гулшанда тутмас вужуд,
Гули – ўтдурур, сунбули – тийра дуд.

Ажаб ишки даҳр ўлғай оташфишон,
Вале топмағай кимса ўтдин нишон.

Не мулк ичраким бу уқубатдурур,
Бўлур элга анда суубатдурур.

Суубат неким, бўлмоқ имкон эмас
Ки, бу икининг тарки**з** осон эмас.

Бу ишга агар чора мумкиндурур,
Не ғам, гар киши мунда сокиндурур.

Йўқ эрса бурунроқки бор ихтиёр,
Ул авлоки тарк айласак бу диёр

Ки, ожиз бўлуб азм иши хуш эмас,
Ешитмакка ҳар ерда дилкаш эмас».

Дедилар билик аҳли айлаб дуо
Ки: «Гар шаҳға бу ишдурур муддао

Ки, онинг бу макрини дафъ эткабиз,
Ҳижобеки ул солди, рафъ эткабиз.

Недин шоҳ табъи ҳаросон эрур
Ки, бу қуллар оллида осон эрур.

Гар ўн кунгача шоҳ муҳлат берур,
Ул иш дафъиға Тенгри нусрат берур».

Деди шаҳки: «Ўн кунга бўлса даранг,
Ўту елсиз эл келгусидур батанг».

Ул иштин кўруб шоҳ табъин малул,
Филотуни донишвар этти қабул

Ки: «Фархунда табъини шоҳи жаҳон,
Ғамин этмасун ошкору ниҳон.

Мен уч кунда ул навъ тадбир этай
Ким, ул ҳол вазъиға тағйир этай».

Бу сўзни дегач нуктадони бисот,
Скандарга юзланди кўп инбисот.

Бу ҳолатда ул навъ гум бўлди ел
Ки, дўзах аро тушти исиғдин эл.

Исиғдин бўлуб халқ ичи тоблиғ,
Ажаброқ буким, ўтқа ноёблиғ.

Етиб матбах аҳли фиғон қилдилар,
Фиғон ичра бу сўз аён қилдилар

Ки: «Олам аро йўқдур ўтдин вужуд,
Не ахгар, не шуъла, не учқун, не дуд4.

Дегил хўблар кўнглидек бўлди тош
Ки, андин эмас мутлақо шуъла фош.

Темур урсалар ўт қилиб орзу,
Яқиндурки чиққай ўт ўрниға сув.

Агар бўлса шилон ишида футур,
Чу арз айладук биздин эрмас қусур».

Маалқисса: ўту ел ўлди табоҳ,
Ўт исиғ дам эрдию ел совуғ оҳ5.

Танур ўлмайин кундуз оташфишон,
Кеча шамъда шуъладин йўқ нишон.

Ажаб ишки чун елдин эрди фароғ,
Недин қолмади ўчмайин бир чароғ.

Исиғдин назар шамъиға хиралиқ,
Совуғдин ёнар шамъға тиралиқ.

Ул уч кунда эл бўлди андоқ забун
Ки, бўлди энгакларга қўллар сутун.

Филотун ҳаримиға юз қўйди шоҳ,
Анингдекки шаҳ, борча хайлу сипоҳ

Ким: «Ул ваъдаким қилди донои даҳр,
Ўтуб уч кун, эл топмади ҳеч баҳр.

Агар мундин ортуқ тааммул бўлур,
Машаққатдин эл бетаҳаммул бўлур!»

Деди ҳикматойини донишпужуҳ
Ки: «Ел бўлмасун бу аламдин сутуҳ,

Бу кун доғи мавъидға дохилдурур,
Вале тонгла мақсуд ҳосилдурур».

Бу сўз бирла таскин топиб шоҳу хайл,
Бори қилди оромгоҳиға майл.

Ул иш дафъи бу навъ эдиким, ҳаким
Ки, қилди қабул они беваҳму бим:

Ўқуб эрди Жомосб аҳкомида
Бу сўзники: «Искандар айёмида

Ким, ул бўлғуси шоҳи ҳикматсиришт,
Жаҳон мулки фатҳи анга сарнавишт.

Бўлурда жаҳон мулки тасхир анга,
Чу бўлғусидур фатҳ Кашмир анга.

Шаҳи берк қўрғонға юз урғуси,
Улусдин елу ўтин ёшурғуси.

Тилисмедурур ул ҳисор ичра чуст,
Бўлур топмоғ они қилиб бозжуст.

Ҳисор ичра бир уйдурур сангбаст,
Тилисм айламиш они ҳикматпараст

Ки, ел хайлини анда банд айламиш,
Халойиққа дафъи газанд айламиш.

Бурун чоғ эсиб асру бееътидол,
Улусқа етар эрмиш андин малол.

Чу елни ҳаким этмиш ул уйда банд,
Ясамиш анга равзани дилписанд.

Келиб мулк сори бу равзанға юз,
Боқиб лек Кашмир шаҳриға туз

Ки, равзан ичиндин неким чиқса ел,
Ҳамул ел била баҳраманд ўлғай эл.

Чу равзанни мадрус қилғай киши,
Есар елни маҳбус қилғай киши.

Яна қалъа тошида бир чоҳ эрур,
Тилисме яна анда дилхоҳ эрур.

Бу чоҳ оғзи бас тордур, қаъри кенг,
Ҳамул қалъа даври кенгликда тенг.

Анинг қаъри бир аъзам оташкада,
Каюмарс чоғидин оташзада**6**.

Ичинда намудор андоқ тилисм
Ки, ул ҳуфра кунжида бир рўй жисм.

Киши ҳайъати бирла жунбишнамой,
Ул оташгаҳ ичра ҳароратфизой.

Ясаб оллида дам била кўрае,
Ҳамул кўра жисмида мошурае.

Чу ул кўрау дамға айлаб ситез,
Бу мошура нафхи қилиб шуъла тез.

Чоҳ оғзида зоҳир шарар бирла дуд,
Бу дуду шарардин халойиққа суд7

Ки, мулк ичра ўт манбаъи ул бўлуб,
Не ўтким, қуёш матлаъи ул бўлуб.

Бу мулк ичра ўтлуғ неким бўлса тош,
Ўти ушбу оташгаҳ ичинда фош.

Тилисм айлабон жазб ўтларни пок
Ки, оташгаҳ андин бўлуб шуъланок.

Шарарларки чоҳ оғзида билгуруб,
Ҳамул кишвар аҳлиға ўт еткуруб.

Киши қилса ул чоҳ бошини руст,
Ҳамул навъким руст экандур нухуст.

Ўт ўлмас яна мулк аҳлиға фош,
Кирар ер тубига нечукким қуёш.

Скандар қачон олса Кашмирни,
Анинг шоҳи айлар бу тадбирни.

Ул иш дафъиға аҳли ҳикмат тамом,
Дегайлар аён айлали эҳтимом.

Филотунға лекин ҳаволатдурур
Ки, ҳикматда соҳибмақолатдурур,

Керак топиб ул нақб бошин бурун,
Тикиб чодир ул ерда тутқай ўрун.

Очиб нақб бошини қилғай хиром,
Қадамни санаб урғай ўн етти гом.

Чу ўн етти гом урди қилмай гузар,
Ики ёниға яхши қилғай назар

Ки, ҳар сори лавҳе эрур таъбия,
Бирида елу бирда ўт таъмия[8].

Керак тепса ҳар лавҳни ўйла руст
Ки, юмрулса девор ичига дуруст.

Бири елга йўлдур, бири ўтга йўл,
Бузулғоч равон ташқари қочтик ул

Ки, ўт бирла ел, ўйла туғён қилур
Ки, йўлларки боғланди – вайрон қилур.

Ики рахнадин чун чиқар ўту ел,
Кўрар рустахез ул навоҳийда эл.

Ел ул қалъа аҳлиға андоқ етар
Ки, ҳар кимгаким тегди барбод этар.

Қилур барча олий иморатни паст,
Берур бори индур йиғочга шикаст.

Ели қолмоқ ўлмай хаёл айламак,
Ерур бас хаёли маҳол айламак.

Ўт ул чоҳдинким, бўлур шуълазан,
Бўлур илтиҳоби анинг қалъакан[9].

Тутошур ҳамул қалъа ўтрусиға,
Не ўтрусиға, буржу борусига.

Топар шуъладин тоши ул навъ тоб
Ки, халқи бўлур ичкари сангкабоб.

Чу ул лавҳларни ушотти ҳаким,
Керак ташқари турса бир дам ваҳим.

Агар ел солиб қалъаға рустахез,
Етишти ҳамул шаҳрға тунду тез,

Кириб лавҳлар томға руст айласун,
Ҳамул рахналарни дуруст айласун

Ки, ул ўт била елга таскин етар,
Икисидин ошубу туғён кетар.

Бўлур ҳам бурунғи қарори била,
Ел оромию ўт шарори била».

Филотун бу афсона шарҳин билиб,
Қўпуб эрди шаҳдин тааҳҳуд қилиб.

Кезиб уч кун ул ерда ҳанжор ила,
Нишона битилган намудор ила.

Топиб эрди ул нақбнинг бошини,
Қилурға фусунсоз подошини.

Узотқоч халойиқ била шоҳни,
Ҳамул нақб уза чекти бунгоҳни.

Макон айлагач арз нақбини меҳр,
Чиқорди кавокиб тилисмин сипеҳр.

Филотун қилиб азм даргоҳға,
Тилаб хилват ўлди яқин шоҳға.

Бу сўзни билиб арз қилмоғни фарз,
Бурундин ниҳоятғача қилди арз.

Шаҳ англаб, бўлуб ҳайратойин анга,
Деди айлаб эҳсону таҳсин анга

Ки: «Бу иш бутарга топилди жиҳат,
Не навъ эмди доно кўрар маслаҳат?»

Дуо айлабон сурди доно мақол
Ки: «Ей шавкатингға фалак поймол!

Манга улча дарҳўрд эди, бўлди рост,
Саранжом ўлур бўлса Тенгрига хост.

Бир иш қолдиким, бордур иқбол иши,
Бугун муқбил андоққи сен йўқ киши.

Қавийдур ҳам иқболу, ҳам давлатинг,
Ҳам ул икича қуввату ҳимматинг.

Тааммуллуқ ишларга қилдим илож,
Сенинг дастбурдунгға бор эҳтиёж

Ки, синдурғасен лавҳларни нухуст
Ки, бу иш саранжом бўлғай дуруст

Ки, ҳам шоҳсен, ҳам жаҳон паҳлавон,
Жувонмард ўзунг, давлатинг навжувон.

Будур бандалар хотириға мурод
Ки, сендин бу иш банди топқай кушод».

Дегач нукта донойи бисёрдон,
Дебон офаринлар шаҳи кордон.

Ниҳони неча маҳрами роз ила,
Ҳамул бихради чорапардоз ила.

Равон рокиб этти ҳамул сори азм
Ки, бўлмиш эди нақб доноға жазм.

Чу еткурди шойиста ҳамроҳни,
Қаро тунда равшанравон шоҳни.

Тушурдию нақб оғзиға борди бот,
Анинг бирла ҳамраҳ шаҳи покзот.

Кириб нақб аро онча қилди хиром
Ки, эрди ики лавҳаи нуқрафом.

Икисин Скандарга кўргузди ул,
Деди: «Емди соат ўтар, бот бўл!»

Скандар аларни кўруб бўлди шод,
Ҳамул шодликда қилиб Ҳақни ёд.

Ики лавҳани тепти ул навъ руст
Ки, емрулдию ташқари чиқти чуст.

Иков тиктилар кўзни қўрғон сари,
Не қўрғон сари, сунъи яздон сари**10**.

Бу ишдин даме ўтмади бешу кам
Ки, ўт қалъадин кўкка чекти алам.

Яна бир нафас ўтмайин етти ел,
Анингдекки то етти, қўзғолди эл.

Чу ел солди офоқ аро рустахез,
Яна қилдилар нақб сори гурез.

Ики рахна сори равон бордилар,
Гачу хишт ила руст буткордилар.

Масолиҳ тутулмоқ учун садди бим,
Қилиб эрди омода борин ҳаким.

Бало рахнаси чунки маҳкам бўлуб,
Елу ўтнинг ошуби ҳам кам бўлуб.

Чиқиб нақбдин шоҳи гардун жаноб,
Анинг бирла донойи ҳикматмаоб.

Бўлуб икиси бахтдин шодмон,
Сипаҳ жониби азм айлар замон,

Ҳамул нақбдин келди ғавғо уни,
Алоло била вою-вайло уни.

Ҳамул дамки, қўрғон аро тушти ўт
Ки, афлок авжига ёвушти ўт.

Яна ел ҳам ошубким бошлади,
Олиб халқни ҳар тараф тошлади.

Бўлуб эл бу ики балодин ҳалок,
Кириб нақб аро бир неча ваҳмнок.

Бу хайл ичра Маллуву фарзанди ҳам,
Демай бир-ики, завжу дилбанди ҳам.

Ҳамул ўтдин ул хайли дилсўхта,
Куюб бу бири, ул бир афрухта.

Чиқиб келди бори саросемавор,
Тутошиб ҳамул шуъладин ҳемавор.

Шаҳ оллиндағи ул гуруҳи хавос,
Бориб айлаб ўтдин аларни халос.

Кўпи ўлди ул хайли маҳрукдин,
Киши кўрмади бўйла махлуқдин.

Неча кимсаким қолди бўлмай ҳалок,
Бири бор эди Маллу ибни Мабок.

Яна ўғликим, оти Феруз эди,
Қизиким, маҳи оламафрўз эди.

Анинг васфиға бу дам эрмас маҳал
Ки, бўлғусидур ўз маҳаллида ҳал.

Чу Маллуға фаҳм ўлдиким-шоҳдур,
Ўзи умрининг тори кўтоҳдур.

Скандар қошиға келиб қўйди бош,
Бошин чун кўтарди, дебон тўкти ёш

Ки: «Шоҳо, қошингда гунаҳкормен,
Жазо ҳар не қилсанг – сазовормен!

Агар афв журмумға шомилдурур,
Тирилмак манга асру мушкилдурур.

Гар ўтдин манга қатъ бўлмиш ҳаёт,
Яна ўлтурур ҳазратингда уёт.

Ерур ўлмагим жазм ҳар ҳол ила,
Сен ўлғил тирик кўп йил иқбол ила.

Чу мен бандамен, бу ики бандазод[11],
Алар афви бирла мени айла шод!»

Кўруб шоҳ ул ажзу таслимни,
Чиқорди анинг кўнглидин бимни.

Деди: «Биздин эрмас эди бу ситез,
Сен ўз бошинга торттинг тиғи тез.

Бу дам ҳамки туфроқға суртуб узор,
Аён айладинг ажз ила эътизор.

Қошингда тузуб афв ҳангомасин,
Гуноҳингға чектук карам хомасин.

Тирилсанг иноят қилиб тахту тож,
Муқаррар қилиб кишварингдин хирож.

Мусаллам тутуб афсарингни доғи,
Чиқоли бериб кишварингни доғи**12**.

Ва гар бермаса умр муҳлат санга,
ғуруб этса хуршиди давлат санга,

Халафзодинга эҳтиром айлали,
Санга они қойим-мақом айлали.

Яна зоди иффатмаобингни ҳам,

Шабистон аро офтобингни ҳам,

Ҳарими висол ичра хос айлабон,
Никоҳ амриға ихтисос айлабон,

Қилиб шамъи мажлис шабистон аро,
Анис айлали коху айвон аро.

Бу пайванд бирла бўлуб улфате,
Бизинг бирла бўлсун санга нисбате».

Чу шаҳ қилди бу навъ сўзлар адо,
Тарабдин бу худ қилди жонин фидо.

Олиб жонини лутфу эҳсон била,
Қатил айлади оби ҳайвон била.

Уруб эрди ханжар замона анга,
Бу ўлмак худ ўлди баҳона анга.

Скандарки мулкида меҳмон эди,
Чу кеч етти, тортар нима жон эди.

Чу ул шоҳға қилди жонин нисор,
Гадо этти нақди ниҳонин нисор.

Анга бўйла бўлгунча риҳлат чоғи,
Келиб эрди аркони давлат доғи.

Шаҳ этти неча кимса таъйинки, бот –
Анга соз этиб барча барги мамот[13].

Тонг отқоч мулукона тартиб ила,
Анга лойиқ оройишу зеб ила.

Сипоҳ ичра шаҳларни огоҳ этиб,
Борин наъши даврида ҳамроҳ этиб.

Не мадфанки, аждоди осудадур
Ки, туфроқ анга анбари судадур.

Улуғ равзаи чарх тоқи анинг,
Яна бир фалакча равоқи анинг.

Йўқ атрофи кўк гунбадининг ҳади,
Вале ҳар бир, андоқки кўк гунбади.

Тошида фалаксой ўлуб миллар,
Ичинда малаксайр қандиллар.

Келиб Маллу аждодининг мадфани,
Борининг оғир уйқуға маъмани.

Салотинға бўлғон маҳал комгоҳ,
Бу султонға ҳам бўлсун оромгоҳ.

Ҳам андоқки шоҳ этти иншои ҳукм,
Ешитгонлар эттилар ижрои ҳукм.

Ики-уч кун атбои айлаб жазаъ,
Навардида бўлди бисоти фазаъ.

Ҳамул моҳи Кашмиру рашки Тироз
Ки, отин қўюб эрдилар Меҳр Ноз,

Бор эрди ҳамул сўгдин ғамзада,
Яна ўғли Феруз мотамзада.

Ҳамул сўг рафъиға шоҳи заман,
Мулукона соз айлабон анжуман.

Тўқуз поялиғ тахт уза ўлтуруб,
Тўқуз чархнинг шавкатин синдуруб.

Мулук ўлтуруб жашнида ҳар тараф,
Йироқтин олиб даврини ики саф.

Булар боргоҳ ичра маскан топиб,
Йироқтин халойиқ нишиман топиб.

Талаттуф била шоҳи гардунфирош,
Бериб дўстлардек адувсиға ош.

Чекиб онча неъматки чархи дани,
Хиром этгали тушта кўрмай ани.

Туман хону, ҳар қайси хони сипеҳр,
Бу хонларда ҳар қурс – бир қурси меҳр.

Қўй онча бўлуб забҳким, сони йўқ,
От ончаки қўй, онча имкони йўқ.

Ҳаловани таъриф этай ранг-ранг,
Пишурмакка шаккар эзиб танг-танг.

Табақ ўрниға саҳнни хон тутуб,
Табақни эт ўрниға бирён тутуб.

Егулук фузун ҳадди авсофдин,
Демай ҳадди авсофким, лофдин.

Чу бу навъ хон чекти дорои даҳр,
Жаҳон аҳли ул хонидин олди баҳр.

Чу хонлардин ул жашн холи бўлуб,
Шаҳи даҳр фармони ҳоли бўлуб

Ки, аркони давлат хиром айлабон,
Шаҳ аҳкомини эҳтиром айлабон.

Қилиб зеб албоси Ферузни,
Ҳарам аҳли – моҳи дилафрузни,

Келиб қўйдилар бошиға тожи зар,
Либоси зар устига заррин камар.

Яна уч тўқуз давлат арконига,
Тўну жубба бирла анинг ёниға –

Ики юзга ҳам деклаю тўн бериб,
Яланг тўн аларча яна ўн бериб.

Аларни чу мундоқ севундурдилар,
Шаҳ оллинда тўқуз юкундурдилар.

Юкунгач, тилаб шоҳ Ферузни,
Узотиб каломи дилафрузни

Деди: «Чора йўқ Тенгри тақдириға,
Азалдан қазо килки таҳririға.

Жаҳон ичра бўлсун гадо, йўқса шоҳ,
Будур барчанинг йўли беиштибоҳ.

Емас кимса шаҳликқа етмак учун,
Ерур шоҳу дарвеш кетмак учун.

Кишига эрур гарчи уммид умр,
Бировга эшиттингму жовид умр?

Жаҳон узра ким бўлдиким, урди тахт
Ким, ул чекмади тахта устига рахт?

ғалат айладим, тахт уза рахт эрур
Ки, тахт аҳлиға рахт зийнат берур.

Вале тахтаға кимки муҳтождур,
Қиёмат элидек ялангғочдур.

Ўкуш рахт ила тахт қилғон мақом,
Қилур тахта устида урён мақом.

Агар мен ва гар сен ва гар Амру Зайд[14],
Керакмасдурур рубъи маскунга қайд.

Баҳарҳол чун кетгулукдур киши,
Кетар фикри доим керакдур иши.

Кишига амал хирман ар хўшадур,
Неким мунда экти анга тўшадур.

Ерур ҳар кишига бир иш зоди роҳ,
Вале зод эрур адл бўлғонға шоҳ.

Сениким бу мулк узра шоҳ айладим,
Бу кишварда кишварпаноҳ айладим.

Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.

Раиятқа сендин етиб шодлиғ,
Мамоликка юз қўйса ободлиғ».

Бу янглиғ чу иршод этиб ваъзу панд,
Ики олам ичра бори судманд.

Анга қилди таълим ўз динини,
Ҳамул аҳли ислом ойинини.

Бу сўзлар ичига ҳулул айлади,
Ер ўптию борин қабул айлади.

Деди: «К-ей, шаҳаншоҳи гетиситон,
Адолатда дунёю уқбоситон.

Буким айладинг майл фармонима,
Неким амр қилдинг, бори жонима.

Деган сўзларингга тутуб Ҳақ мени,
Умид улки қилғай муваффақ мени.

Дегандек, Илоҳий, бўла олғамен,
Не тил бирла узрунг қўла олғамен.

Отамнинг бўлуб эрди ёши улуқ,
Мен афъолидин бор эдим қайғулуқ.

Димоғиға хиффат топиб эрди йўл,
Қулоқ солмас эрди насиҳатқа ул.

Ани бу жиҳатдин хато айлади
Ки, шаҳ буйруғидин ибо айлади.

Бериб панд, сўзлар дедим кўп қатиғ,
Чу давлат ёниб эрди, сўз не асиғғ

Чу мен бар едим шоҳ инсофидин,
Умидим будур Тенгри алтофидин

Ки, қуллуқда мен дилписанд ўлғамен,
Шаҳ эҳсонидин баҳраманд ўлғамен,

Қаридин агар ишта келди хато,
Йигит қилмағай, кўрди чун кўп ато».

Шаҳ ул сўзларин чун нигоҳ айлади,
Ото мулкида они шоҳ айлади.

Чу борди куҳан пир ўлуб нотавон,
Анинг ўрнида тутти ер навжувон.

Аёқчи, манга жоми пирона тут,
Демон хусравона, фақирона тут.

Ҳамул жом бўлсун манга чорарас
Ки, бошдин йигитлик қилибмен ҳавас!

Муғанний, ҳазин нағма бунёд қил,
Йигитликнинг айёмини ёд қил

Ки, ул нағмадин тоза ҳуше топай,
Соғиниб йигитликни жўше топай!

Навоий, басе кеч айилдинг, дариғ!
Йигитликни барбод қилдинг, дариғ!

Йигитликта йўл урди нафси ҳасуд,
Надомат қарилиқта эмди не суд?

XL

Сабо субҳининг сабоҳати таърифидаким, нафас-нафас андин ёруғлуқ юзланур ва шабоб гулзорининг назоҳати васфидаким, лаҳза-лаҳза андин очуғлуқ даст берур ва ул айёмда қуёшдек саждадин юзни ёрутмоқ тарғиби ва бу фаслда бинафшадек тоатқа қад нигун қилмоқ таҳриси

На фархунда ахтардурур ул киши
Ки, тоат йигитликта бўлғай иши.

Ўюн вақтида тарк қилғай ўюн,
Неким Тенгри амр этти – сунғай бўюн.

Ризо касбини бартараф қилмағай,
Залолатда умрин талаф қилмағай.

Ангаким ўзи охирандеш эмас,
Бу лаҳву ҳаво неча кун беш эмас.

Хушо улки, билгай они муғтанам,
Нари қўймағай Ҳақ йўлидин қадам.

Не неъматки рўзи қилибдур Худо,
Ҳамул шукри неъматни қилғай адо.

Вале кимки бўлғай басират фани,
Не мумкин адо айлай олмоқ ани.

Ниамким санга Ҳақ насиб айламиш,
Агарчи ани беҳисиб айламиш.

Ешит гар тиларсен анинг розини,
Ки, айтай кўпидин санга озини.

Адамдин санга берди аввал вужуд,
Набудунгни қилди карам бирла буд.

Туфулият айёмидин то шабоб,
Вужудунгға еткурмади печу тоб.

Не мушкил ишингда қилиб ёрлиғ,
Балолардин этти нигаҳдорлиғ.

Жамолингни жаннатмисол айлади,
Бўюнг тўбиёсо ниҳол айлади.

Чу афсунгар этти кўзунг жодусин,
Анга солди ошубу ноз уйқусин.

Солиб сунбули зулфунгга тоблар,
Кўнгул бўйниға қилди қуллоблар.

Тузотти чу кирпикларингдин синон,
Синонварлар илгидин олдинг инон.

Қошинг ёйин этгач аён ҳар тараф,
Бағир доғин ўтруда қилди ҳадаф.

Чу берди ики лаълингга нўшханд,
Уётдин эзилди аро ерда қанд.

Тишинг жоласин қилди дурри хушоб,
Садаф бўлди ул дурға ёқути ноб.

Занахдонингга еткуруб рангу бў,
Ул олмаға жон чашмаси берди сув.

Зақан устида ошкор этти хол,
Ҳамул чоҳнинг нуқтасидин мисол.

Жамолингни товуси зеб айлади,
Карашмангни обидфиреб айлади.

Сукунунгда зеболиқ этти аён,
Хиромингда раънолиқ этти баён.

Бошингдин-аёғингғача хўблуқ,
Оёғдин, бошингғача маҳбублуқ.

Булардин ўгун берди ақлу ҳавос,
Сени қилди ҳар қайсиға раҳшунос.

Ниам зоҳир айлаб само то ба арз,
Санга қилди бир неча қуллуғни фарз.

Анинг зимнида доғи юз минг хавос,
Кўп уммид қурбиға бўлмоққа хос.

Санга барча амри фаромуш ўлуб,
Тилинг шукрида гунгу хомуш ўлуб.

Не шокир тилинг мунча эҳсониға,
Не машғул ўзунг амру фармониға.

Тутуб ер димоғингда деви ғурур,
Малоик қочиб суҳбатингдин зарур.

Не оғзингға жорий ўлуб жуз газоф,
Не кўнглунгга торий бўлуб жуз хилоф.

Йигитликки айёми тоатдурур,
Санга бу сифат жаҳлу ғафлатдурур.

Қилиб «ҳай» дегунча бу водини тай,
Чу қўйсанг қарилиқ тариқиға пай,

Худ ўлмас тараб ели ул дам вазон,
Етар умр боғиға фасли хазон.

Бўлур юз нечукким хазон яфроғи,
Сариғлиққа лекин юз урғон чоғи.

Чинор илгидек титрар эл панжаси,
Вале бўлса ул барг ел ранжаси.

Агарчи илик титрар ул баргваш,
Томурлар қурур, ўйлаким обкаш.

Етиб тийра кўзларга заъфи қавий
Бўлур уйлари кунжида мунзавий.

Кўкс узра қилғон киби майл бош,
Кўз узра тушар кирпик ўрниға қош.

Бўлур жисм уза айру-айру бўғун,
Бир ипдекки бўлғай паё-пай тугун.

Келиб риштаға ул тугунлар фириҳ,
Солиб ишга ҳар бир тугун юз гириҳ.

Жабинға тушар бир-бир устига чин,
Ҳамоноки «бе»син ёшурур жабин.

Қилур чин кўпи юзни бадранг жинс,
Фатилакаш, андоққи худранг жинс.

Не худранг, бал жинси коҳи дегил,
Топиб тору пуди табоҳи дегил.

Бу жинс ўлмағай айбнинг пардаси
Ки, ул худ эрур айбпарвардаси.

Қилур табъи борид нафасни совуқ,
Бурудатда Баҳман елига ёвуқ.

Нафас бардиким ёғдуруб қорлар,
Бўлуб оқ маҳосин анга торлар.

Агар қўпса қад мили чавгон киби,
Таҳаррукда бош гўйи ғалтон киби.

Йўқ эрса юрумак не имкон яна,
Асо шаклидин қўлда чавгон яна.

Таҳаррукдин ул бош эса гармпўй,
Не тонг ики чавгондурур, фард – гўй.

Йўқ, ўлтурса девор бўлмай амон,
Ёпушмай учоси нечукким самон.

Ва лекин учодин ўтуб тизлари,
Йўқ имкон очуқ узвни кизлари.

Ва гар ётса мундоқ малолат туни,
Анга бош кўтармак қиёмат куни.

Биров бўлса бу навъ ранжозмой,
Анга солим ўлғайму тадбиру рой.

Ҳар ишга шуруъ этмаги бемаза,
Ибодат анга ортуғ айлаб база.

Тавоно экан чоғда айлаб гуноҳ,
Не суд айлаган вақт умрин табоҳ.

Йигитлик эрур қуллуқ этмак чоғи,
Қарилиқ эрур чунки кетмак чоғи.

Хушо улки, умрин табоҳ этмади,
Қилур ишларин қилмайин кетмади.

XLI

Ул ғофил йигит ҳикоятиким, воқиф пир насиҳати қадрин билмади, иш вақтидин ўтгандин сўнгра пушаймонлиғи суд қилмади

Эшиттимки, бир турфа барно эди,
Юзи дилкашу қадди раъно эди.

Нечукким эрур муқтазои шабоб,
Иши бор эди лаҳв сори шитоб.

Емас эрди бир лаҳза беруду май,
Агар навбаҳору ва гар фасли дай.

Бор эди жаворинда аҳли диле,
Тариқатнинг одобида комиле.

Келиб эрди қўшнилиғидин батанг
Ки, бор эрди ғавғо анга бедаранг.

Насиҳат қилур эрди кўп дилпазир,
Вале бўлмас эрди анга жойгир.

Неча панд ила топса эрди хитоб,
Берур эрди носиҳқа мундоқ жавоб

Ки: «Бордур йигитлик фароғат чоғи,
Қарилиқ эрур зуҳду тоат чоғи.

Шабоб андаким узр қўлғусидур,
Вараъ айламак вақти бўлғусидур».

Бу сўз бирла кўнглин қилур эрди хуш,
Бу хушлуқ била бор эди журъакаш.

Шабоб ўттию қуввати қолмади,
Деди: «Тоат айлай», қила олмади.

Ҳам ўлмиш эди фисқ одат анга,
Басе саъб эрди ибодат анга.

Ва гар қилса ҳам завқ топмас эди,
Даме лаҳвдин дийда ёпмас эди.

Чу кўрдики, умр ўлди яксар табоҳ,
Яна етти сарвақтиға пири роҳ.

Кўрар турфа барнони мабҳуту масх
Ки, қилмиш эди зуҳд азмини фасх.

Келиб назъ вақти анинг бошиға,
Сукун тутти раҳм айлабон қошиға.

Неким қилғонидин пушаймон кўруб,
Замирини бенури имон кўруб.

Деди: «Панд бердим, вале қилмадинг,
Бу кун оллинга келмагин билмадинг».

Деди: «Тажрибам йўқ эди, эй рафиқ,
Су узмакни ўрганмай ўлдум ғариқ.

Қарилиғда гар билсам эрди бу ҳол,
Йигитлик чоғи қилмас эрдим вабол».

Дедиким: «Отангга неча умр эдиғ?»
Ҳисоб айлабон: «Юз ўн ики», – деди.

Деди: «Ул ҳам ўлмиш эди нотавон?»
Ешитгучи тасдиқ қилди равон.

Кулуб деди соҳибдил: «Ей булҳавас,
Емасму эди тажрибанг мунча бас?»

Ангаким етар Тенгридин мавҳиба,
Керак ўзгалар ҳолидин тажриба.

XLII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, йигитликта табъ невчун ибодатдин мутанаффирдурур ва қариликқа димоғ таакқулдин қосир ва ҳакимнинг пирона рой била шоҳи жувонбахтқа йўл кўргузгани

Яна сурди бу нукта шоҳи жаҳон
Ки: «Ей нуктадони рамузи ниҳон,

Йигитликта иш касби осондурур,
Недин табъи андин ҳаросондурур?

Нединдур анга коми лаҳву тараб,

Вараъдин нега зоҳир айлар тааб?

Йигитликнинг ўтган замон навбати,
Ҳар ишта недин кам бўлур лаззати?

Тарабнок невчун бўлур навжувон
Қариға бўлур не тараб, не тавон?»

Деди донишомузи ҳикматхисол
Ки: «Ей борча даъбу хисолинг камол,

Туфулийят айёми йўқтур шуур,
Ерур табъ рою хираддин нуфур.

Ул айём эрур лаҳвға муқтази,
Хатоға, доғи саҳвга муқтази.

Нединким хирадқа чу йўқ дастрас,
Ерур нафс даъби ҳавоу ҳавас.

Туфулийят ўтгачки бўлди шабоб,
Хирад нури солди димоғ ичра тоб.

Кишининг бу вақт икидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Агар ақлиға қувват ўлди фузун,
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун.

Вале олам аҳлида бу оздур,
Улусдин агар бўлса мумтоздур.

Ва гар нафси ақлидин ўлса қави,
Заруратки, бўлғай анинг пайрави.

Не амр этса лаҳву ҳаво соридур
Ким, ул нафс майли хато соридур.

Чу кўпрак халойиққа будур тариқ,
Бўлурлар хатокор кўпрак фариқ.

Чу элга берур парвариш рўзгор,

Керак мундоқ-ўқ бўлса омузгор.

Ангаким, қилур руҳи қудси мадад,
Солур кўнглига нур шамъи хирад.

Кишиким бу суратқа қодирдурур,
Басе оздур, бўлса нодирдурур.

Ададда чу кўпракдур аввалғи хайл,
Ҳамул сори кўпракдурур элга майл.

Буларға тааммул чу айлар кўнгул,
Берур чунки аксар топар ҳукми кул.

Йигит чунки қўйди куҳулатқа юз,
Иши қўйди барча суҳулатқа юз.

Бурудатдин абдон тўла бошлади,
Ҳарорат ўти паст ўла бошлади.

Булар табъиға май бўлуб дастгир,
Бўлуб бода бирла ҳароратпазир.

Чу май шуғли сори бўлуб муртакиб,
Ул ашғол ўлуб мужиби кўп лаиб.

Чу шайхухат ўлди табиатқа жуфт,
Қавий вазъиға заъф солди нуҳуфт.

ғаризий ҳарорат ўти бўлди паст,
Рутубатқа бўлди ул ўт зердаст.

Қаю ўтки, сув қилса туғён анга,
Ўзунг деки, ўчмай не имкон анга.

Ҳарорат кам ўлғоч, бўлуб меъда суст,
ғизо топмади чунки ҳазми дуруст.

Агар қилса таълил қувват кетиб,
Кўпидин табиатқа иллат етиб**1**.

Табиатки андин қавийдур димоғ,

Ҳароратдин анда ёрутур чироғ.

Ул ўт ўчгач-ўқ ўчти бу шамъ ҳам,
Тааққул анга бўлмади жамъ ҳам.

Димоғ ичра хабт ўлди беҳадду ад,
Футур ўлди ойини рою хирад.

Киши бўлса бу васф ила муттасиф,
Ажаб йўқ агар бўлса масху ҳазиф.

Ва лекин ҳамул хайли қудсийсифот
Ки, бўлмасун ул хайлсиз коинот.

Чу хилқатлари келди ҳикматсиришт,
Саодат аларға келиб сарнавишт

Ки, ул қавм эрур ё наби, ё вали,
Ва ё ҳикмат аҳли аро аъқали

Ки, нафсоният қилмайин ишта фош,
Қилурлар нечукким керактур маош.

Бадан ичра топиб риёзат субут,
Кўнгулга берурлар сафо бирла қут.

Неча бўлсалар умр бирла асан,
Топарлар камол ичра важҳи ҳасан.

Неча кимсага умр имкон эрур,
Алар ақли хуршиди рахшон эрур.

Яшағон сойи дониш ичра бойиб,
Катондек неча эскириб кўркониб».

Скандарга чун етти бу фоида,
Савол этмади нуктаи зоида.

XLIII

Искандарнинг, кўнгул зулфи жодудин холи ҳиндуға майл этгандек, Кашмирдин Ҳиндустонға азимат қилғони ва ройи ҳинд жамоати аҳли

яқин ва гуруҳи ҳикматойинни шафеъ қилиб, алар подшоҳдин қули ёзуғин тилагондек, дархост қилиб, қабул тушгони ва Рой Искандари соҳибройни Ҳинд сори бошлаб, бешаи Нигорда қишлоқ кўргузгони ва ул бешанинг тўрт ҳадди васфиким, баён ўзига ҳадди таъриф билмас, балки рубъи маскунда андоқ ер топилмас

Гузорандаи донои ҳиндинажод,
Бу тарихни мундоқ айлар савод

Ки, қилғоч Скандар бу тадбирни
Ки, Ферузға берди Кашмирни.

Чу бошин сазовори тож айлади,
Анга ҳам муайян хирож айлади.

Муқаррар бу навъ айттиким: «Ики ой
Бўл ўз кишваринг узра равнақфизой.

Бу миод ила жамъ айлаб сипоҳ,
Тегишча бориға бериб харжи роҳ.

Яна қилма ҳеч иш сори илтифот,
Етиш бизга Ҳиндустон сори бот».

Бу сўзлардин они қилиб сарфароз,
Яна синглиниким, эди Меҳр Ноз.

Тўқуз парда кейнида пинҳон қилиб,
Ҳаримида шамъи шабистон қилиб.

Аён айлабон Ҳинд азмини жазм,
Равон қилди Ҳиндустон сори азм.

Черикка иш ошуб бўлди яна,
Замона лагадкўб бўлди яна.

Черик ёпибон арсаи хокни,
Анинг гарди андоққи афлокни.

Борур эрди ул сори айлаб шитоб,
Уруб йўлни манзил-баманзил таноб.

Қаю ноҳиятқаки манзил қилиб,
Ўтар эрди фатҳини ҳосил қилиб.

Агар чархваш ҳисну олий жибол,
Сипоҳ айлар эрди ани поймол.

Ёмонлардин офоқни пок этиб,
Вале яхшиларни тарабнок этиб.

Қилиб саркаш эл шавкатин ерга паст,
Забардастларни қилиб зердаст.

Этиб даштни адлидин бўстон,
Анга тегруким мулки Ҳиндустон.

Хабар чунки фаҳм айлади Ройи Ҳинд
Ки, шоҳ ўлғуси кишвароройи Ҳинд.

Худ андинки, Кашмирға азм этиб,
Не янглиғ ани фатҳ этиб, чун етиб.

Фусун риштасин сарбасар узганин,
Тилисмотнинг фатҳи кўргузганин.

Нелар қилғонин аҳли Кашмир ила,
Агар зўр ила, йўқса тадбир ила.

Эшитмиш эди борчасин як-баяк
Ки, кўнгли аро йўқ эди ҳеч шак.

Билиб эрдиким айлай олмас хилоф,
Не мумкин худ этмак хаёли масоф.

Мураттаб қилиб пешкаш асру кўб,
Скандар жанобиға тортарға жўб.

Матоъ анда ҳар неки ашё келиб,
Тўқуз-тўқуз андин муҳайё келиб.

Боридин бурун зинда пили дамон
Ки, титраб алардин замину замон.

Аларнинг келиб сони тўқуз-тўқуз,
Яна бир ривоятда ўтуз тўқуз.

Келиб тоғдек ҳар бирининг тани,
Чу зўр айлабон тоғ йиқмоқ фани.

Вале тоғким, бўлса якпора тош,
Намойишда хокистари хора тош.

Бир учида бир чархваш тош анга
Ки, андин намудор ўлуб бош анга.

Ажаб тоғ ўлуб жунг янглиғ равон,
Ики жонибида ики бодбон.

Қаю жунг кўктин нишон кўргузуб
Ки, хартумидин Каҳкашон кўргузуб.

Не хартумким, гурза мори дамон,
Салобатда аждар ҳамон, ул ҳамон[1].

Чу жисмиға ҳар лаҳза ул айланиб,
Дегил тоғ аро аждаҳо чирманиб.

Узуб, чирмоғоч солхўрда чинор,
Йиқиб, туртгач сидраосо минор.

Чиқиб хартум атрофидин ики тиш,
Алардин фалак хайлиға сарзаниш.

Ажал нахлиға ҳар бири соқ ўлуб,
Сапидорнинг соқидек оқ ўлуб.

Сифоти «бало»ға келиб муттасиф,
«Бало» ичра сабт айлаган лом-алиф[2].

Улуғ жусса бирла фалакдин мисол,
Бўлуб ул фалак узра чангак ҳилол.

Бу янглиғки шарҳ ўлди тобу тавон,

Солиб ҳар бири узра баргуствон.

Ети ранг дебойи заркордин,
Мукаллал қилиб дурри шаҳвордин.

Яна ҳар бири узра бир турфа тахт,
Ичинда тўқуз ҳиндуйи некбахт[3].

Қабул ичра ҳар турфа ҳоле келиб,
Назар мардумидин мисоле келиб.

Бори зангийи холдек мушкранг,
Бори ҳиндуйи зулфдек шўху шанг.

Борининг либоси сориғ ё қизил,
Баҳору хазон айлабон муттасил.

Ҳамул пил чунким хиром айлабон,
Булар анга уйқу ҳаром айлабон.

Яна пилча хинги тозийнажод,
Демай девзоду, дейин девбод.

Назарға келиб ҳар тўқуз ўзга ранг,
Ки, ул лутф ила келмайин кўзга ранг.

Намудор аро ҳар бири бир пари,
Вале девмонанд ўлуб пайкари.

Югурмакта ҳар бир сабодин ўтуб,
Сабо йўққи, рахши самодин ўтуб.

Хиром айлагач, нарм рафтор ҳам,
Юруш барчаға тезу ҳамвор ҳам.

Ҳар аблаққи, рафтор аро гом олиб,
Замон аблақи кўз етарча қолиб.

Ҳар ашҳабки, кўкка боқиб кишнабон,
Қуёш ашҳаби тобидек ишнабон.

Кежим ҳар тўқузға яна ўзга ранг,
Жаложиллари барча заррина ранг.

Миниб устига ҳиндуйи найзавар,
Зарогин қабо, балки заррин камар.

Бўлуб чунки якрониға жилвадеҳ,
Синони била ердин олиб зиреҳ.

Зуҳалранг ўлуб, лек Баҳромкин,
Замири аро барча ҳангом кин**4.**

Қулоқларида ҳалқаи бандалиқ,
Топиб ўзча олтунға арзандалиқ.

Яна бу адад бирла харвор рахт,
Тангиб танглар чархкирдор рахт.

Назокатда ҳар ҳуллаи бемисол,
Бўла олмайин пардапўши хаёл.

Бўла олмайин кийса мастур тан,
Намудор ўлуб ўн қотидин бадан.

Яна бу адад бирла олтун зуруф,
Қуёшдек фурузон, вале бекусуф.

Суроҳию тунгу қадаҳ бирла жом,
Сафоу намойишда хуршидфом.

Яна онча тўтийи шаккаршикан,
Не шаккаршикан, балки ширин сухан.

Зумуррад тану лаъл минқор ҳам.
Ҳамул лаъл сўз вақти дурбор ҳам.

Яна онча товуси зебо жамол,
Латофатда товуси жаннатмисол.

Санамдек қилиб ҳуш қасдида куч,
Боши узра йўқ тожким, титрагуч.

Яна сандалу уд харворлар,
Ҳамул мушку кофур анборлар.

Бу янглиғ муҳайё қилиб пешкаш
Ки, қилғай тамошосидин руҳ ғаш.

Акобирки – мулк ичра мавжуд эди
Ким, ул хайл мулк ичра мақсуд эди.

Бори ҳикматойину донишпужуҳ,
Филотунманиш, бал Арастушукуҳ.

Яна бир гуруҳ аҳли зуҳду салоҳ,
Сафода қуёшдекки чиққай сабоҳ.

Масиҳи сухансанж янглиғ бори,
Фариди шакарганж янглиғ бори.

Булар оллида эътизор айлабон,
Басе ажзлар ошкор айлабон

Ки: «Мен бир камин бандамен шоҳға,
Бошим мойил ул хоки даргоҳға,

Хаёлимға ҳаргиз хилоф ўтмамиш,
Анинг бирла кину масоф ўтмамиш.

Не ҳад бирла худ қилғамен бу хаёл
Ки, қилсам ҳам ўлғай хаёли маҳол.

Бировким ўзин тутса ҳинду анга,
Не янглиғ чиқор рўй-барў анга.

Буким амри етганда азм этмадим,
Анга ғояти ажздин етмадим.

Мисолин русулидин олдим қўпуб,
Бошим устига қўйдум они ўпуб.

Кўп эрди манга хизмати мултамас,
Борурға вале топмадим дастрас.

Неким ҳукми эрди ибо қилмадим,
Бўюн тўлғабон можаро қилмадим.

Мисолини жон бирла қилдим қабул,
Десун билганин, Тенгри ҳаққи, расул.

Вале асру мажруҳу ранжур эдим,
Дедим узр, невчунки маъзур эдим.

Агар шоҳ узрум қабул айласа,
Бузуғ кишваримға нузул айласа,

Мени лутф ила айлабон сарбаланд,
Халойиқ аро айласа аржуманд.

Бошим кўкка етгай ул алтофдин,
Намудору ойини аътофдин.

Қули бўлғамен танда жон борича,
Бадан ичра жондин нишон борича.

Ва гар Тенгри кўргузмасун, қилса қаҳр,
Майи рифқ жоми аро қуйса заҳр.

Манга зоҳир этса гунаҳкорлиқ,
Не тонг қилса ҳинду сияҳкорлиқ.

Қабул айламасга доғи қайда ҳад
Ки, ҳиндустонийда бўлмас хирад.

Мени шаҳ сўзи бирла мужрим билинг,
Вале сиз жамоат шафоат қилинг.

Шак эрмаски чун маҳзи алтофдур,
Ариғ хотири кўзгудек софдур.

Қачон турсангиз сиз шафоат қилиб,
Гуноҳимдин ўтгай иноят қилиб».

Бу сўз бирла ҳиндуи ширинзабон,
Не ҳиндуки, ҳинд аҳлиға марзбон,

Йиборди ҳамул хайли чолокни,
Тенгиз оллиға неча хошокни.

Ҳамул пешкашлар била ул гуруҳ,
Топиб ҳар қадам йўлда фарру шукуҳ.

Борурлар эди ўрду ўтрусиға
Ки, еттилар Искандар ўрдусиға.

Бурун бориб аркони давлат сори,
Яна юз қўюб аҳли ҳикмат сори.

Алар доғи зоҳир қилиб эҳтиром,
Булар доғи айлаб адойи паём.

Паёмин аларнинг чу маълум этиб,
Бориб шоҳ табъиға мафҳум этиб.

Скандар чиқиб тахт уза шодмон,
Топиб Ройи ҳинди ғазабдин амон.

Ҳамул эл келурдин топиб шодлиқ,
ғаму ғусса бандидин озодлиқ

Ки, бу хайл эди оллида кўп азиз,
Кўрунмас эди Ҳинд моли пашиз5.

Аларни тилаб лутфу икром ила,
Суруб нукта шоҳона ором ила.

Салоҳ аҳли етгач, тушуб тахтидин,
Бу тавфиқ топиб бийик бахтидин.

Кўрушган маҳалда қилиб ўзни паст,
Кўруб ўзни дин аҳлиға зердаст.

Қилиб ҳикмат аҳлиға ҳам майл бот,
Етиб ҳар бирисига кўп илтифот.

Ҳақ аҳли қошида шаҳи некбахт,
Жулус этгали қилмайин майли тахт.

Такаллуфсиз айлаб ер узра мақом,
Аларни доғи кўп қилиб эҳтиром.

Тамомиға шойиста ер кўргузуб,
Нечукким эрур лойиқ ўлтурғузуб.

Тилин узр сори қилиб нуктасанж
Ки, бушқунча худ етмади йўлда ранж.

Бурун шаҳға барча дуо қилдилар,
Яна Рой сўзин адо қилдилар.

Қилиб шоҳ изҳори шармандалиқ,
Машойихқа айлаб сарафкандалиқ.

Деди: «Ҳар не сиз этсангиз илтимос,
Ерур фарз тутмоқ нафас бизга пос.

Сизинг шаҳға гарчи гунаҳ оз эрур,
Сунуфи иноятқа мумтоз эрур.

Агар журму исёни кўп бўлса ҳам,
Кўруб ажзини айлар эрдим карам.

Хусусан сизингдек кироманд эл,
Хирадпарвару покпайванд эл.

Келиб бўлғасиз қилғониға шафеъ,
Не қилғай бажуз афв ройи рафеъ?

Гуноҳи худ оз эрди, кўб бўлса ҳам,
Сиёсат тариқиға жўб бўлса ҳам,

Билиб кечтим ул барчанинг бошидин,
Илик торттим кину подошидин.

Ўзига иноятни жазм айласун,
Қўпуб боргаҳ сори азм айласун.

Ишига чекай мулк бирла тироз,
Бошин тож ила айлайин сарфароз.

Сарири юзин кишваророй этай.
Ливоси тирозин фалаксой этай.

Яна чунки сиз хайли фаррухжамол,
Ки, бўлдум сизинг бирла фархундафол.

Қадам ранжа айлаб буён еттингиз,
Мени хушдилу баҳраманд эттингиз.

Сизинг ранжингиз узрини қўлғамен
Ки, андин ўзим мубтаҳиж бўлғамен.

Не кишварға бир шоҳ кирган замон,
Қадимий эрур расми моли амон.

Ани қилмасунлар бу элдин талаб
Ки, эл топмағай бермагидин тааб.

Яна Рой хизматға чун етгуси,
Бу кишвар хирожин қабул этгуси.

Халойиқ бошидан олиб эҳтиёж,
Маоф айладук ики йиллиқ хирож».

Бу янглиғ карамлар чу кўргузди шоҳ,
Ул эл бўлдилар лутфидин хокироҳ.

Ул ахлоқи беҳадду ғоят кўруб,
Яна бахшиши бениҳоят кўруб,

Анинг шукрин айтурға лол ўлдилар,
Дуо дерда ошуфтаҳол ўлдилар.

Чу бир йўли юзланди муфрит сурур,
Яқин эрди жон тандин ўлғай нуфур.

Не навъ ўлса ўзларни забт айлабон,
Дуо сори ойини рабт айлабон

Дедиларки: «То дойир ўлғай сипеҳр,
Сипеҳр узра то айлағай сайр меҳр,

Сипеҳр узра бўлсун санга тахтгоҳ,
Қуёш гирдболиштидин такягоҳ.

Фалак бўлмасун сендек огоҳсиз,
Жаҳон бўлмасун сен киби шоҳсиз.

Мусаххар бўлуб барча олам санга,
Ети кишвар ўлсун мусаллам санга.

Юзунг айласун бахт меҳри само,
Замирингни миръоти гетинамо.

Жанобингға келганда беҳол эдук,
Сўз айтурда қўрқунчдин лол эдук.

Сени ўзга шаҳлардек эттук гумон,
Дедук ўзга шаҳлар ҳамон, сен ҳамон.

Не билдукки, бўлса алар тийра хок,
Сени Тенгри халқ айламиш нури пок.

Сени шоҳлар ичра қилмиш Илоҳ,
Анингдекки, сойир улус ичра шоҳ.

Кўруб сенда бу навъ хулқи карим,
Кўнул ичра не ваҳм қолди, не бим.

Бировдекки, гулни ўт этган гумон,
Исидин тирилгай етишган замон.

Чу топтуқ жанобингға мансублуқ,
Фузун бўлди ҳайратқа мағлублуқ.

Қилилғоч ишингда тафаккур фузун,
Таҳайюрға бўлди таҳайюр фузун.

Кўрулди сифотингки мастур эмас
Ким, ул навъ инсонға мақдур эмас.

Вужудунг Ҳақ этмиш малойиксифот
Ки, сенсиз даме бўлмасун коинот.

Сени бўйла билса эди Ройи ҳинд,
Келиб қилмағай эрди парвойи ҳинд.

Ижозат агар бўлса келтурмаки,
Юзин остонингға еткурмаки.

Бориб афву лутфунг баён айлали,
Ҳазин хотирин шодмон айлали.

Ани тортали қуллуғунгға ёвуқ,
Кўзин хоки пойингдин этсун ёруқ».

Деди шаҳки: «Сизга неким бўлса ком,
Манга ком эрур, андин ўзга ҳаром».

Дуо қилдилар ул жамоат қўпуб,
Яна йўлға юз урдилар ер ўпуб.

Етиб Ройи ҳинд оллиға шодмон,
Ани ҳам қилиб шод етган замон.

Бериб борча ҳолатдин огоҳлиқ,
Тилаб азм қилмоққа ҳамроҳлиқ.

Ўзига топиб Рой мундоқ нажот,
Дегайсенки, ўлганга етти ҳаёт.

Ҳамул хайлни солибон илгари,
Равон бўлди шоҳ остони сари.

Яна туҳфалар бурноғидин шигарф
Ки, васфиға қилмай вафо савту ҳарф.

Ўзига ҳамул элни ҳоди қилиб,
Ҳидоят била қатъи води қилиб.

Алар доғи раҳбарлиғ айлаб анга,
Бори йўл суханварлиғ айлаб анга.

Шаҳи комрон васфини соз этиб,
Бу қилмай тамом, ул бир оғоз этиб.

Дебон файзу нафъини хуршидвор,
Ани заррадек айлаб уммидвор.

Дебон бўйла сўзларни ҳамроҳиға,
Қадам қўйдилар шаҳ даргоҳиға.

Равон бердилар шаҳға огоҳлиғ
Ки, Рой этмиш ул элга ҳамроҳлиғ.

Яна ҳукми олийға бўлди судур
Ки: «Берсун билик аҳли мажлисқа нур».

Алар Ҳинд Ройин олиб кирдилар
Ки, бу ҳукмға мунтазир эрдилар.

Кафан эгнидау қилич бўйнида,
Яна мавт пирояси қўйнида.

Ани кўргач-ўқ айлади манъ шоҳ
Ки, ул қилмамиш эрди онча гуноҳ.

Ки, келгай бу янглиғ мазаллат била,
Бу баским, келур аҳли миллат била.

Нечукким, мурувват анга эрди фан,
Деди, олдилар тиғ бирла кафан.

Кетурдилар айлаб басе эҳтиром,
Анга тегруким шоҳи олий мақом.

Шаҳ эъзоз ила аржуманд айлади,
Қучушмоқ била сарбаланд айлади.

Қилиб шоҳнинг пойбўсиға майл,
Нечукким, тушар тоғ аёғиға сел,

Юқорроқ чекиб шоҳ икром ила,
Қучуб шоҳни Рой ҳам ком ила.

Ёниб чун қучардин бўлуб кўнгли хуш,
Кетурганларни айлабон пешкаш.

Шаҳ айлаб қабул, анга ер кўргузуб,
Мулукона қонуну ойин тузуб.

Неким ваҳм эди кўнглидин қилди рафъ,
Замиридин андешани қилди дафъ.

Яна ул сурук зумраи динни ҳам,
Доғи зумраи ҳикматойинни ҳам,

Бурунғидек айлаб риоят басе,
Ниёз узра қилди иноят басе.

Такаллум қилиб шаҳ басе жоннавоз,
Демай жоннавоз, айт меҳмоннавоз.

Бори Ҳинд элин ўйла сайд айлади
Ки, тори вафо бирла қайд айлади.

Мулойим чиқиб базм ҳаддин фузун,
Тасалсул бўлуб нукталарга узун.

Шаҳ алтофини чун кўруб беқиёс,
Қўпуб Ройи ҳинд айлади илтимос

Ки: «Айлаб карам шоҳи гардуннаҳиб,
Бу кишварга рухсоридин берса зеб.

Таваққуф қилиб мунда бир неча ой,
Қилиб Ҳинд туфроғини чархсой.

Бу кишвардаким кўп ғаройибдурур,
Демай, кўпки, кони ажойибдурур.

Ажаб бешау булъажаб ваҳшу тайр,
Фароғат била неча кун қилса сайр.

Етибдур яқин ғолибо қиш доғи,
Бу қиш ичра йўқ қилғудек иш доғи.

Бажуз бодау руду айшу нишот,
Фароғат била айламак инбисот.

Хусусанки Ҳиндустоннинг қиши,
Қилур халқ табъиға наврўз иши.

Булут узра ёмғур, шажар узра вард,
Не совуғ, не иссиғ, не болчиғ, не гард.

Ҳамалға қуёш чунки бергай шараф,
Юруш азми гар бор эса ҳар тараф.

Сипаҳ тортмоқ вақти ҳам улдурур,
Киши ҳар иш айлай деса йўлдурур».

Келиб шоҳ кўнглига бу нукта хуш,
Анингдекки, сув кўрса соҳиб аташ.

Қабул айлабон, бўлди хушҳол кўп,
Ҳамул элга юзланди иқбол кўп.

Деди: «Қай сари бўлсангиз раҳнамой,
Бўлоли бу қиш анда маҳмилкушой».

Дедиларки: «Деҳли эрур пойтахт,
Муносибдурур тортмоқ анда рахт».

Деди шаҳки: «Шаҳр ичра сиғмас сипоҳ,
Керак бешада элга оромгоҳ.

Ва гар сиғса доғи эмас дилписанд
Ки, етгай раоёға элдин газанд.

Равон бўлса биздин биров илгари
Ки, ер кўрса ул шаҳрдин ташқари.

Йироқроққина бўлса ҳам бок эмас
Ки, эл шаҳрсиз асру ғамнок эмас».

Яна илтимос айлабон деди Рой
Ки: «Ҳукм айласа шоҳи кишваркушой,

Бу қул борса бу иш саранжомиға,
Кўрарга маҳал шоҳ оромиға.

Йўқ эрса кўнгул ҳеч топмас қарор,
Манга юзланур дам-бадам изтирор».

Бу сўздин анга шоҳи фархундафар,
Иноят қилиб тахту тожу камар.

Басе тезрав рахши хорошикан,
Бори каркзўру бори пилтан.

Мурассаъ эгар бирла тазйин топиб,
Яна ғошия гавҳаройин топиб.

Узотиб ани Ҳинд сори нухуст,
Ўзи доғи азм этти ул ён дуруст.

Етишти чу ўз кишвари ичра Рой,
Бўлуб кишвар аҳлиға ишратфизой.

Билиб элки душмандин ўлмиш амон,
Қилиб шод кўнглини яхши-ямон.

Шаҳ этган карамларни бори билиб,
Бўлуб шоду беҳад дуолар қилиб.

Яна Рой чун хушдил айлаб элин,
Скандар яроғиға боғлаб белин.

Ҳамул бешаким дер эдилар Нигор**6**,
Ичида анинг бениҳоят шикор.

Не беша, Эрам боғининг ғайрати,
Хирад нутқини лол этиб ҳайрати.

Келиб бешадин атри анбар насим,
Қилиб тийра туфроғни абҳаршамим.

Муқорин келиб сандалу обнус,
Шабаҳ бирла ул навъким сандарус.

Насимеки сандал саридин етиб,
Димоғ уйини сандалолуд этиб.

Ҳамул ис тутуб бешау тоғни,
Қилиб сандалисуда туфроғни.

Йилон сандалосо шажар соқиға,
Сочидек бути сиймбар соқиға[7].

Қаранфул қилиб майл сунбул сори,
Анингдекки, сунбул қаранфул сори.

Шажар ҳар бири еткуруб кўкка бош,
Бўлуб барглар ичра пинҳон қуёш.

Қуёш барг аро ул сифат мунзави
Ки, туфроққа соя аро партави.

Чинор андаким панжа айлаб хизоб,
Бўлуб, ўйлаким панжаи офтоб.

Фалакким етиб жавзи бўё анга,
Бош айланмоғи солди гўё анга.

Шажарким бўлуб жавзи бўё ери,
Келиб шохиға дорчиний тири.

Чу зайтун бўлуб чарх ила муттасил,
Бўлуб чарх зайтуни андин хижил.

Қаю нахлким, шохи кўктин ошиб,
Анга ток шохи чиқиб чирмошиб.

Узум хўшаси бирла аҳли расад,
Сипеҳр узра Парвин кўруб беадад.

Ҳамул токким, бўлди шох узра банд,
Солиб сидра шохиға печон каманд.

Анга ёрмониб хўшадузди хаёл,
Сипеҳр узра чиқмоғни кўрмай маҳол.

Хазон ичра чун барги асфар сочиб,
Фалак ҳар сори юз минг ахтар сочиб.

Бу ашжор учида ҳар жинс тайр,
Бўлуб тойир ўлғонда афлоксайр.

Дема тайр чарх узра сойир бўлуб
Ки, ҳар тайр бир Насри Тойир бўлуб.

Сурук турфа тўтии дилкашнаво
Ки, ҳар ён тутуб беша ичра ҳаво.

Қўнуб қай шажар узра ахзар қилиб,
Не ахзарки, Хизри паямбар қилиб.

Бўлуб баргсиз нахл ножу киби,
Не ножуки, бу чархи мину киби.

Дема чархи минуки, гулбун мисол,
Гул ул хайлким, кўргузуб ранги ол.

Қизил хайлининг ранги гулнор ўлуб,
Анга шуълаи нор минқор ўлуб.

Қизил, ёшил айлаб чу ҳар ён ҳужум,
Ясалғон киби айлабон ранги мум.

Яна шораки нуктагў хайл-хайл,
Қилиб ҳинд элидек такаллумга майл.

Қилиб лавҳа кимсон била зевари,
Анингдекки, ҳиндуйи бозигари.

Дема лавҳаким, лавҳаи зарнигор,
Қилиб зарварақ бирла афсарнигор.

Қаёнким кироманда мадфун келиб,
Ким они кўруб, зору мафтун келиб.

Жавак атлас айлаб ўзига либос,
Кийиб бўрк ўрнида бошиға тос.

Хироманда товуси зебо жамол,
Малак хайлидин зоҳир айлаб мисол.

Қилиб жилва ҳар ён, вале масти ноз,
Суроҳи киби масту гарданфароз.

Суроҳи келиб ложувардийнишон,
Қилиб они зарҳал била шустмон.

Тазарви хироманда, дуррож ҳам,
Қилиб ҳуш нақдини торож ҳам.

Бўлуб чун тазарв айлабон майли сарв,
Бу гулдаста мили, муталло – тазарв.

Чу товус ўлуб шохи олийнишин,
Бўлуб сидра шохида Руҳул-Амин.

Ери сабза бирла зумурраднишон,
Анга чархи мино забаржадфишон.

Шимолида бу бешанинг руди Синд**8**,
Жанубида зоҳир бўлуб шаҳри Ҳинд.

Бу руд ичра юз кема суръатнамой,
Фалак баҳрида ўйлаким янги ой.

Келиб ҳадди шарқида бир найситон
Ки, васфида камдур неча достон.

Саросар бу най ичра шаккар бутуб,
Не шаккарки, қанди мукаррар бутуб.

Бўлуб шарбат ул найситоннинг суйи,
Шакар, болчиғ ўрнига сувдин қуйи.

Яна ҳадди ғарбида тоғе рафеъ,
Бўлуб тўрт фасл анда – фасли рабеъ**9**.

Қишу ёз мамлу раёҳин анга,
Келиб наҳлаи шаҳд гулчин анга[10].

Ниҳоятдин ортуғ келиб бу калез,

Бўлуб борча бу тоғ аро шаҳдрез.

Киши қайси тоше сориким боқиб,
Анинг шаҳди бир чашма сувдек оқиб.

Қаю кўл сори элга бўлса вуруд,
Кўруб шаҳд оққонни андоққи руд.

Кийик хайли бу тоғ уза минг гала,
Гулу шаҳд аросида бори яла.

Буғую марал – найистонида сайд,
Шакардин боринининг аёғида қайд.

Тўла баҳрида моҳийи сиймгун,
Фалак Ҳути ҳар бир қошида забун.

Яна беша атрофида дому дад,
Киши овламоғлиғ учун беадад.

Келиб шаҳри худ васфдин ташқари,
Бўлуб хира кўз чун боқиб ҳар сари.

Бу бешадаким, дедим авсофини,
Қалам қилди маҳдуд атрофини.

Ере эрди очуқ бағоят анга,
Гулу сабза бас бениҳоят анга.

Қуловузлуғ айлаб, бўлуб раҳнамой,
Тушурди Скандарни фархунда Рой.

Ҳамул сабзаға тушти хайлу сипоҳ,
Тикилди яна чархсо боргоҳ.

Шаҳ ул ердин асру нишот айлабон,
Юруб ҳар ёнин эҳтиёт айлабон.

Басират била ҳар тараф кўз солиб,
Анинг тавру вазъида ҳайрон қолиб.

Қилиб Рой анга онча қуллуқ аён

Ки, қосир бўлуб шарҳи ичра баён.

Бори шуғлдин шоҳи маъзул ўлуб,
Қиш ул ерда ишратқа машғул ўлуб.

Кетур соқий, ул соғари зарнигор
Ки, май лаълидин бўлди гавҳарнигор.

Чу дашти Нигор ичра қилдим мақом,
Керактур манга зарнигор эмди жом.

Муғанний, тузот нағмаи рехта,
Ани қил унунг бирла омехта

Ки, бир сабзи ширин яна Ҳинд аро,
Менинг рўзгоримни қилди қаро.

Навоий, нелар қилди хоманг яна
Ки, бир мулки Ҳинд ўлди номанг яна.

Неча кўрса мулкида ҳинду савод,
Унутқай кўрунган замон бу савод.

XLIV

Афв фазилатидаким, дарёдил жувонмардлар мужримлар гуноҳи хасу хошокин бахшиш насими била кўнгул баҳридин адам савоҳилиға сурарлар ва юзларига дарё мавжидек чин тушмас ва ҳайрат зулумотидағи ованларни карам шамъи раҳнамойлиғи била ул водийи ҳалоктин чиқорурлар ва ул тийраликтин аларға ҳеч бушмас

Биров шаҳлар ичра эрур муҳтарам
Ки, бўлғай анинг даъби афву карам.

Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиғ.
Ки, ойини бўлғай жувонмардлиғ.

Ани бил жувонмард ёхуд карим
Ки, бедодидин бўлмағай элга бим.

Демасменки, бедод ком этмагай
Ки, бедодға интиқом этмагай.

Гунаҳкор бўлғоч анга узржўй,
Карам баҳридин бўлғай ул журмшўй.

Қуйи қилса мужрим бошини уёт,
Қуйироқ ани солмағай тиғи бот.

Гунаҳ лойида кимса бўлса асир,
Тойилғоч оёғ бўлғай ул дастгир.

Муқассир шафеъ этса тақсирини,
Талаттуф била қилса тадбирини,

Ва гар ҳурмат аҳлини қилса шафеъ,
Шафоатгар амриға бўлса мутеъ,

Агар афвнинг бўлса гунжойиши,
Гуноҳ аҳлиға етса бахшойиши,

Улус узра, эй бандаким, шоҳсен,
Неча сўз эшитгил гар огоҳсен:

Гуруҳеки ул сойири носдур,
Сенинг ҳукмунга ишлари посдур.

Эрурсен сену ул гуруҳ – инсдин,
Бори офаринишда бир жинсдин.

Камол ичра сендин кўпи аржуманд,
Яна қобилиятда доғи баланд.

Сениким Ҳақ айлаб бориға амир,
Аларни санга қилди фармонпазир.

Қаю бирга берса эди бу кушод,
Не қилғай эдинг қилмайин инқиёд?

Буким Ҳақ сени имтиёз айлади,
Бори халққа сарфароз айлади.

Гунаҳдин тилар чоғда Ҳақдин амон,
Ўзунгни аларнинг бири қил гумон.

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа ани кўрма асло раво.

Чекар чоғда мужрим итобиға тил,
Ҳақ оллида журмунгни ёд айлагил.

Ёмонға жазо гар сиёсатдурур,
Мурувват – тариқи раёсатдурур.

Ани қатл айлардаким жони бор,
Ҳаял айла, ончаки имкони бор.

Неча қатлға кимса шоистадур,
Қасосида таъхир боистадур.

Этар бўлса филҳол ўлумдин газанд,
Абас бўлди, бас ҳибсу зиндону банд.

Бугун кимса зиндонда бўлса не бок,
Бўлур чун ани тонгла қилмоқ ҳалок.

Тааммулсиз ўлса бугун бегуноҳ,
Санга ҳолини тонгла билганда, оҳ!

Ўзунгни гар ўлтурсанг ул дам не суд,
Бошинг кессанг илгинг билан ҳам не суд?

Недин солғасен кимсага бир мараз
Ки, топмас даво бўлса жонинг эваз?

Не қилмоқдурур бир иморатни паст
Ки, мумкин эмас бутмак, ўлғоч шикаст.

Ани кўрким, ул зори мазлум ано,
Неча кўрди ҳифзида ранжу ано[1].

Ул уйғонмасун деб, ебон қайғусин,
Ҳаром айлади кечалар уйқусин.

Ўтуз-қирқ йил давра айлаб сипеҳр,

Анга кўргузуб тарбият ичра меҳр.

Тушуб ул доғи чарх давронига,
Кириб қарндин сўнг киши сониға.

Қилиб ҳукм сенким, ситампешае,
Чопиб бошини қилмай андешае,

Равоким кўруб бу газанди анинг,
Тамаъ эски тўнию банди анинг.

ғараз нафсдин анга бу шумлуқ,
Йўқ улким, санга қилса маҳкумлуқ.

Не навъ айлагай кимса, ваҳ-ваҳ, бу иш,
Равому бўлур, Аллоҳ-Аллоҳ, бу иш.

Бўригаки қўй бўғмоғи пешадур,
Шубон меҳнатидин не андешадур?

Кабутарни росу2 қилурда ҳалок,
Анга тифл ўзин ўлтурурдин не бок?

Агар қатл ўлур ўз ерида аён,
Сияҳчол аро ики кун не зиён?

Ва гар айласа ул хатони киши,
Не қилғай бу янглиғ балони киши?

Ва гар кимсага собит ўлди гуноҳ,
Карам қилсанг ўлғон замон узрхоҳ.

Агар одами бўлса – то жони бор
Яна қилмоқ ул ишни имкони бор?

Ани жон била айладинг муҳтарам,
Сенга зоҳир ўлди камоли карам.

Тирикликдин ўлғай анга бу ғараз
Ки, қилғай сенинг бу ишингга эваз.

Агар топса юз жон, фидо айлагай

Ки, то ул ҳақингни адо айлагай.

Агар қолса бу орзудин йироқ,
Еваз Тенгридин гар етар, яхшироқ.

Евазға доғи қилмаса илтифот,
Бас эрмасмудур даҳр аро яхши от?

Скандарки андоқ карам айлади,
Қолур отни андеша ҳам айлади.

Бу навъ ўлса кимда карам жавҳари,
Бугун улдур офоқ Искандари.

Ким ўзни карам ичра моҳир қилур,
Карам ўз хавосини зоҳир қилур.

XLV

Ул тожир ҳикоятиким, суду савдосидин улуқ зиён бошиға келди ва жигаргўшаси фироқидин жигар парголалари юзин мунаққаш қилди ва белидаги нақдин ўлумлукни халос қилур учун берди ва қутулғон ўлумлук анинг жигаргўшаси, балки нақди эрди

Адан[1] мулкида бор эди тожире,
Тижоратда тужжор аро моҳире.[2]

Бор эрди бир озода фарзанд анга
Ки, йўқ эрди оламда монанд анга.

Ешилмас эди ноқадин маҳмили,
Ҳар ўн кунда бир шаҳр эди манзили.

Борур эрди бир кеча шабгир этиб,
Басе суду савдони тадбир этиб,

Бас этмай даме дашту дарё сўзин
Ки, урди қароқчи аларға ўзин.

Ўлум хавфидин борча бутроштилар,

Қочиб ҳар бири бир бойир оштилар.

Чу қочқон сари чиқди туз ҳар киши,
Бир иқлимға қўйди юз ҳар киши.

Чу қутқорди жон тожири раҳнавард
Ўзин, лек ўз ўғлидин топти фард**3.**

Жигаргўшасин топмай ул тийраръўз,
Жигардин чекиб оҳи афлоксўз.

Бу ғамдин жигарни топиб ёралиқ,
Деди: «Менмен эмдию оворалиқ.

Қуюндек юз урғумдурур ҳар тараф,
Бу хокий бадан бўлғуча бартараф.

Муродим ҳаримиға қўйсам қадам,
Биёбонда саргашталикдин не ғам?»

Тўкулгач ҳароми анга ногаҳон,
Минг олтун белида бор эрмиш ниҳон.

Белида муҳайё кўруб тўшасин,
Юз урди тиларга жигаргўшасин.

Жигар оқизиб кўз йўлидин мудом,
Жигаргўша истаб урар эрди гом.

Анга пўя реш этмиш эрди жигар
Ки, бир турфа кишварға қилди гузар.

Жигархуни бедил қилиб дашт тай,
Ҳамул шаҳр гашт этгали урди пай.

Кўрарким, гуруҳе турубтур касир,
Алар илгида бир жигархун асир.

Жигаргуна, лек қон аросида ғарқ,
Боши узра тиғе, анингдекки барқ.

Жигарранг ўлуб қон аро ҳайъати,

Бўлуб боис ул ишга қон туҳмати.

Минг олтунға қонлиғ қилиб сарбасар,
Берурга вале кимса чекмай жигар.

Бу савдо кўруб тожири нотавон,
Жигаргоҳидин ешти нақдин равон.

Чу қутқорди мазлумни тўшаси,
Қутулғон худ эрмиш жигаргўшаси.

Анга ашк тўкмакта маъзур эди,
Ажаб ишки, қон бирла қон юр эди.

Чу бутти жигар захмидин ёраси,
Деди: «Ҳолинг айт, эй жигар пораси»**4**.

Деди: «Ул кеча бўлғач андоқ бало,
Мен ўлдум адув илгида мубтало.

Бурун барча қатлимға жаҳд эттилар,
Бошимдин кечиб сўнгра аҳд эттилар.

Ким: «Ўлтурмоли, бўл бизинг ёримиз,
Не иш айласак соҳибасроримиз».

Ўлар чоғда бу навъ инъомдин,
Мутеъ ўлдум ул элга нокомдин.

Бу кунга дегинким бу кишварга азм
Қилиб, эттилар жамъе эл бирла разм.

Булардин шаҳодат топиб бир фақир,
Алардин мен ўлдум буларға асир.

Чу ҳолимни ҳокимга еткурдилар,
Суруб мени қонликқа топшурдилар.

Топар чоғда умрум қуёши кусуф,
Санга худ бор ўз қилғонингдин вуқуф.

Очиб роди илгинг карам ақдини,

Бериб нақд сийм, олди жон нақдини».

Улус воқиф ўлғоч бу аҳволдин,
Хабар бердилар шаҳға ул ҳолдин.

Чу воқиф бўлуб ул навоҳи шаҳи,
Карам нуктасининг бўлуб огаҳи.

Яно қилди тожирни пироялиқ,
Бурундин фузун нақду сармоялиқ.

Минг олтунгаким зоҳир этти карам,
Ўғул топтию юз минг иқбол ҳам.

Карам ёмғури қайдаким сочилур,
Анга оқибат гул бу навъ очилур.

XLVI

ҲИКМАТ

Искандарнинг саволи Арастудин ул бобдаким, ҳар амалғаким, бир жазодур, ул амал тухмиға бу бир недин сазодур ва жавоб маҳсулин кўтармак

Яна сўрди доройи ҳикматсиришт1:
«Ки эй ҳарфи ҳикмат санга сарнавишт,

Буким келди ҳар ишга бир хосият,
Манга зоҳир этким, недур кайфият?

Не феълеки келди бировдин ёмон,
Ёмонлиқ кўрардин анга йўқ омон.

Ва гар яхшилиқ кимга афъол эрур,
Жазоси анинг ганжи иқбол эрур.

Недин мундоқ эрконга бир нукта сур,
Мунунг сиррини хотиримға етур».

Деди нуктапардози доно[2] маниш:
«Ки эй нуктадин зотинга парвариш,

Неким Тенгри халқ этти офоқ аро,
Не офоққим, бу куҳан тоқ аро.

Ниҳоний анга берди хосияте,
Бу хосияти ичра кайфияте.

Агар қойил эрмас бу ишга киши,
Бўлур бар абас офариниш иши.

Башар хайликим жаҳл эрур лозими,
Қачонким бўлурлар ҳар иш озими.

Агар нафъе ул ишта мақсуд эмас,
Ул иш кимсадин, билки, мавжуд эмас.

Агар худ ғараз нафъе пинҳони йўқ,
Бировдин бир иш бўлмоқ имкони йўқ.

Бажуз тифл ё улки девонадур,
Хираддин бу икиси бегонадур.

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул,
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул[3].

Қачон бўлса махлуқ аро бўйла ҳол,
Ажаб йўққи, Холиқдин ўлғай маҳол.

Буким нафъсиз халқ қилғай вужуд,
Агар равшан ўтдур ва гар тийра дуд.

Неким офаринишқа пайвастадур,
Бори бир-бирисига вобастадур.

Бир иш деса бўлмас «сазовор эмас»
Ки, бир риштатоб анда бекор эмас.

Бу худ собит ўлдики йўқ ҳеч зот,
Ва ё ҳеч афъол ёхуд сифот

Ки, зимнида хосияте бўлмағай,
Вужудида кайфияте бўлмағай.

Вале чун яратти эл афъолини,
Яшурди анга дона аҳволини

Ки, деҳқон неким дона мазруъ этар,
Ани-ўқ ўрар, чунки вақти етар.

Қачон сочса туфроққа буғдой биров,
Йўқ имконким, ул арпа қилғай дарав**4.**

Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга буғдой ўрмоғнинг имкони йўқ.

Киши ҳанзал экса аччиғ бар топар,
Ва гар найшакар экса – шаккар топар.

Чу афъолнинг ашрафу дуни бор,
Агар дуну ашраф бу қонуни бор

Ки, ҳар ким аён этса яхши қилиғ,
Етар яхшиликдин анга яхшилиғ.

Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ямон,
Кўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон.

Керак шони ҳам бўлса ишнинг бу тавр
Ки, бар лутф лутф-ўқ берур, жавр-жавр.

Топар айласа фикр табъи салим
Ки, бу навъ экин жодаи мустақим.

Бу қонундин ар бўлса иш мухталиф,
Адолат тариқи бўлур мунҳариф».

Чу қойилға бу нукта шофий келиб,
Мухотабға ҳам мунча кофий келиб.

XLVII

Искандарнинг, қуёш тун зулми Зангборидин чиқиб, кун зиёси нимрузиға киргондек, Ҳинд соводидин чиқиб, Чин кишварига киргони ва Хоқони Чин анинг қуёшдек гармхўйлуқ била тиғи жаҳонгир тортиб келатурғонин эшитиб, муқобаласида заррадек беҳисоб черик йиғиб, анга мувофақатқа элчи йибориб, номувофиқ жавоб топқони ва ул жиҳатдин зарра ҳисоблиқ чериги зарра хайлидек қўзғолиб, ўзи тадбир ишин зарраи қўймағони

Бу янглиғ деди ноқили нуктасанж,
Басе тортқон нукта нақлида ранж:

Ки, чун бўлди Искандари номжўй,
Қиш ул турфа марз ичра оромжўй.

Ўзи худ эди кишвароройи Ҳинд,
Яна мажлисоро анга Ройи Ҳинд.

Бориб гоҳ шаҳр ичра ҳаммом учун
Иморат аро бодау жом учун.

Солиб Рой қасрида ишратқа пай,
Тараб бирла оғоз этиб руду май.

Гаҳи беша ичра шикор айлабон,
Шикор ичра май ихтиёр айлабон.

Гаҳи бабр уруб, гоҳ шер ўлтуруб,
Ва гар пилу карк – ул далер ўлтуруб.

Гаҳи соз этиб базм дарё аро,
Кириб киштийи баҳрпаймо аро.

Тутуб шаст ила моҳийи сиймгун**1**,
Қилиб жоми сиймин ичардин нигун.

Найистонни гоҳи қилиб марҳала,
Кириб анда андоққи шери яла.

Гавазн ўлтуруб, чун суруб гўртак,
Қилиб май аро найшакардин газак.

Гаҳи Шаҳд тоғиға айлаб уруж,
Қуёш, ўйлаким қилса майли буруж.

Чу май бирла тоғ узра хушҳол ўлуб,
Ҳамул шаҳддин фориғулбол ўлуб.

Гаҳи айлаб ойини шоҳаншаҳи,
Тузуб нағма хиргоҳ аро хиргаҳи.

Ичиб боргоҳи фалакжоҳ аро,
Саропардаи чархдаргоҳ аро.

Гаҳи дониш аҳли била ўлтуруб,
Кутуб анда ҳар илмдин келтуруб.

Қаю баҳским диққатиға етиб,
Неким бўлса мажҳул маълум этиб.

Бу янглиғ анга ўтти лайлу наҳор,
Анга тегруким бўлди фасли баҳор.

Шараф буржини ёрутуб шамъи меҳр,
Ҳамул шамъдин равшан ўлди сипеҳр.

Яна шоҳ рахшанда хуршиддек,
Жаҳон мулки фатҳиға Жамшиддек,

Азиматнинг оҳангига йиғди базм,
Хито бирла Чин азмини қилди жазм.

Сипаҳ баҳри ичра яна тушти жўш,
Кар этти фалакнинг қулоғин хурўш.

Кўтарди яна ҳарб кўсини пил,
Чолинди бу кишварға кўси раҳил2.

Олиб Ҳинд ноҳиятин якқалам,
Юруб Чин билодиға чекти алам.

Чу Ҳиндустондин чиқарди сипоҳ,
Ки, Чин кишварин қилғай оромгоҳ.

Борур йўлнинг атрофида ҳар билод
Ки, бир шоҳ эди анда олийниҳод.

Гар эллик йиғоч эрди, гар юз йиғоч,
Йибармак черик йўқ эди эҳтиёж.

Бирор номаким ул тараф борибон,
Келиб номабар бирла ёлборибон.

Чекиб пешкашлар, кўруб шоҳни,
Қилиб такягаҳ хоки даргоҳни.

Иноят қилиб шоҳи олий мақом,
Таваққуфсиз илгаррак айлаб хиром.

Юруб йўл, тамошо қилиб ҳар ҳаде
Ки, то маскани бўлди Чин сарҳади.

Билиб эрди Хоқонким, ул тунд сел,
Юруб Ҳиндин қилди Чин сари майл.

Сипаҳ йиғмиш эрди ададдин фузун,
Яроғ айламиш эрди ҳаддин фузун

Ки, аввал инод ошкор этмагай,
Хусумат ишин ихтиёр этмагай.

Солиб сулҳдин сўз, йиборгай расул,
Боришмоқ тариқини қилғай қабул**3**.

Агар хасм бу сўзга индурса бош,
Узотқай қилиб дўстона маош.

Ва гар кўрса иш бутмас озарм ила,
Темур юмшамас пўзиши гарм ила.

Ўзин қилмағай ажз бирла забун,
Черик тортиб этгай масоф озмун.

Бу тадбир илаким топиб эрди рой,
Қилиб аввал ўзни ҳарифозмой.

Йиборди расули хирадпешае,
Рисолат аро чобукандешае.

Ниҳоний анга туттуруб сўз басе,
Тенгиз суйи узра йиборди хасе.

Чу қосид етиб шоҳ даргоҳиға,
Назар солди андозаи жоҳиға.

Сипоҳи кўрундики, юз йил хирад,
Қиёс айлай олмас анга ҳадду ад.

Яна ўрдуеким, сипеҳри барин,
Келиб анда бир чодири камтарин.

Асос ончаким, кўрса наззорагар,
Бўла олмайин ҳушиға чорагар.

Кўруб, қолмайин ўзда водийнавард,
Ўзин солди даргаҳға андоққи гард.

Сўзин фаҳм этиб хайли даргаҳнишин,
Шаҳ оллида арз эттилар келмишин.

Деди шаҳки қосидни келтурдилар,
Ҳамул хасни дарёға еткурдилар.

Расули хирадманди корозмой,
Равон бўлди туфроқ уза чеҳрасой.

Чу тахт оллини қилди оромгоҳ,
Ўзин қилди машғул ҳар сори шоҳ.

Ки, таскин топиб кўнглида изтироб,
Сўзин айтибон англай олғай жавоб.

Басе макс этиб, шоҳи кишварҳудо,
Деди: «Қил ҳадисингни эмди адо!»

Дуо кўп қилиб қосиди нотавон,
Баён этти Хоқон ҳадисин равон.

Ки: «Арз этти Хоқони дарёшукуҳ
Ки, эй номвар шоҳи анжумгуруҳ!

Буким азм қилдинг бу кишвар сори,
Нечукким қуёш чархи ахзар сори.

Кириб рахши гетинавардинг била,
Ёруттунг бу кишварни гардинг била.

Бу маъниға боис не эрди экин?
Не фикринг буён азм берди экин?

Агар дўстсен, дўстлуқ бу эмас,
Киши дўстлуқ мундоқ ишни демас

Ки, сендек улуғ шоҳ тортиб сипоҳ
Бизинг мулкни қилғасен жилвагоҳ.

Ва гар худ адоватқа қилдинг ғулу,
Не кўрдунг адоватки, бўлдунг аду?

Расулунгки келди сўз айтиб ирик,
Анга узр айтиб узоттуқ тирик.

Деб эрдингки: «Азм этсун олиб хирож
Ки, Доро бориб, мендадур тахту тож».

Деб эрдимки: «Гар борди Доройи даҳр,
Санга даҳрдин етсун ойину баҳр.

Ва лекин менинг бирла Доро аро,
Иш эрди салоҳу мадоро аро.

Йўқ улким, манга ғолиб ўлғай эди,
Хирожу кесим толиб ўлғай эди.

Агар сен доғи қилсанг андоқ сулук
Ки, бир-бир била айлагайлар мулук,

Тузуб икимиз ваҳдат асбобини,
Фароз айлали шиддат абвобини.

Ва гар бермас эрсанг бу ишга ризо,
Кўрай ҳар не оллимға ёзмиш қазо.

Бу эрди сўзум, эмди ҳам будурур,
Ўзунг деки, бу сўз ёмонмудурур?

Ҳамул сўздин инкор йўқтур манга,
Яна навъ гуфтор йўқтур манга.

Бу дам доғи ёнсанг бўлуб сулҳжўй,
Манга доғи сулҳ узрадур гуфтугўй.

Ва гар кин ишида ғулу айласанг,
Адоват уза гуфтугў айласанг.

Менинг доғи бу ишта йўқ камлиғим,
Масоф амрида нофароҳамлиғим.

Черик ончадурким, анинг сони йўқ,
Яроқ ончаким, анинг имкони йўқ.

Аёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Вале ики шаҳ зоҳир этганда кин,
Зафар қай тараф бўлмоқ эрмас яқин.

Қаён фатҳ бўлмоқ чу маълум эмас,
Жабин узра ул ҳарф марқум эмас.

Киши размдин неча бўлса йироқ,
Ерур ҳазм ойинида яхшироқ»**4.**

Суханвар чу шарҳ айлади барча сўз,
Жавоб истаю, тикти туфроққа кўз.

Шаҳ ул нукталардин табассум қилиб,
Деди гавҳарафшон такаллум қилиб

Ки: «Гар шоҳлиғ иззу тамкинида,
Жаҳондорлиғ расму ойинида,

Менинг бирла Дорони Хоқони Чин
Баробар тутар – бу ғалатдур яқин

Ки, ҳар кимсага бўлса огоҳлиғ,
Билурким, эрур мулк ила шоҳлиғ.

Агар шаҳғадур мулк ила эътибор,
Менинг кишварим ики Дороча бор.

Ва гар худ шижоат эрур мўтабар,
Анинг ҳолидин тутти эркин хабар

Ки, размиға чун бўлди рағбат манга,
Анинг ушри йўқ эрди шавкат манга.

Қилиб эрдим ул тавр ожиз ани
Ки, кўрмайдур эл, ўйла ҳаргиз ани.

Чу мен ғолиб эрдим билоиштибоҳ,
Ҳам охир манга берди нусрат Илоҳ**5**.

Мусаллам тутар бўлса бу розни,
Унуттик мақолоти носозни.

Ўзин буйруғумға мутеъ айладик,
Келиб узру ажзин шафеъ айладик**6**.

Риоят қилай улча имконидур,
Анингдек сарафрозлар шонидур.

Агар тутмас эрса мусаллам муни,
Анга кўргузай разму ҳайжо куни

Ки, ҳар сўзки қилдим баён – чин эмиш.
Манга чин демак расму ойин эмиш.

Туганди сўзум, эмди бўлғил равон,
Анга бу сўзумдин хабар қил равон

Ки, сен борғоч-ўқ азм қилғумдурур,
Йўл оҳиста-оҳиста келгумдурур.

Равонроқ кетурсанг жавоби савоб,
Савоб ўлғуси бизга доғи жавоб[7].

Агар амрдин тўлғар ўлса бўюн,
Кўролики, гардун не ўйнар ўюн?»

Чу қосид эшитти бу янглиғ мақол,
Қўпуб қўйди юз йўлға ошуфтаҳол.

Даво топмайин дарди жонкоҳиға
Қадам қўйди ўз хони даргоҳиға.

Не сўзким қилиб эрди Хоқон хитоб,
Неларким буюрди Скандар жавоб.

Нечукким ўтуб эрди мажлис аро,
Саросар баён айлади можаро.

Чу фаҳм этти Хоқонким, ул тундшер**8**,
Ерур ул гумон айлагандин далер.

Йиборса киши асру бенафъ эрур,
Ва гар борса мундоқ жавобин берур.

Адоватқа мардона бел боғлади,
Скандар келур вақтини чоғлади.

Черик йиғмиш эрди Хито мулкидин,
Ети йўққи, етмиш ато мулкидин.

Сипоҳи сипеҳр анжумидин фузун,
Адад ичра саҳро қумидин фузун**9**.

Тўқуз юз минг ул навъ новакфикан,
Не новакфиканким, балоракфикан

Ки, бирдин бўлуб хасм ёмғурда ғарқ,
Яна бир чоқилғай анингдекки барқ.

Жиба сарбасар зарҳалу турксоз,
Кежим борча зарбафт чинийтироз.

Бори новакафган, бори тиғзан,
Бўлуб борча жавшан била рўйтан.

Ҳар отлиғ келиб нахли ороста,
Дема нахлким, моҳи нокоста.

Бу янглиғ сипаҳ бирла Хоқони Чин,
Сипаҳ йўққи, ошуби рўйи замин

Адувга чиқиб ўтру, Чин шаҳридин,
Солиб жабҳаси узра чин қаҳридин.

Адув ваҳмидин бўлмайин ишда суст,
Кўруб ер, тушурди сипоҳин дуруст.

Сипаҳ давриға хандақе қоздуруб
Ки, наззораси ҳушни оздуруб.

Риоят қилиб ҳазм ойинини
Ки, соз айлагай разм ойинини.

Чу хандақ қозорға топиб эҳтиёж,
Бўлуб хандақи даври ўн беш йиғоч.

Ани бовужуд ихтисор айлабон,
Ичин лек маҳкам ҳисор айлабон.

Ароба била, ўйла ҳисни матин
Ки, эрмас фалак ҳисни андоқ ҳасин[10].

Ароба чу эл давриға ёндошиб,
Ики даврадин ҳам ҳисоби ошиб.

Ароба уза тўра[11] пайваст ўлуб,
Тўра кейнида халқ ҳамдаст ўлуб.

Тўра борча қуллоб ила банду баст,
Камин айлабон кейнида аҳли шаст.

Яна хандақ оллида мўнду тикиб,

Қалин найшакардекки ҳинду тикиб.

Ясаб қўрғонин ул сифат бехалал
Ки, йўл топмағудек ичига ажал.

Ўзин беркитиб бўйла сархайли Чин,
Ясаб хайли даврида ҳисни ҳасин.

Яна ёндин Искандари чираразм,
Қилиб кўч-баркўч Чин сори азм.

Анга тегруким, бу ўзин беркитиб,
Мунунг мулки қасдиға ул ҳам етиб,

Чу Хоқон соридин кўрунди қаро,
Ясаб турди Скандар ул дашт аро**12**.

Сипоҳики таъриф анга ор эди,
Нечаким киши кўп деса бор эди.

Сипоҳин тузуб шоҳи размозмой,
Сурон солдию тушти ҳазмозмой.

Сурон йўққи, юз минг ҳизабри яла,
Дегин солди кўк тоқиға валвала.

Скандарнинг ул келмаги тунду тез,
Сурон бирла бу солмоғи рустахез.

Адув кўнглини айлади ваҳмнок
Ки, кўрдилар они ажаб саҳмнок.

Чу оқшом яқин эрди ики сипоҳ,
Заруратки, туттилар оромгоҳ.

Фалак чунки хуршид Хоқонини,
Ёшурди тузуб ғарб қўрғонини.

Ҳамул хайли Парвин ўзин кўргуза,
Талоя киби чиқти гардун уза.

Ики хайл аро ҳазм изҳоридин,

Талоя равон бўлди ҳар соридин.

Язаклар паёпай равона бўлуб,
Суҳо ўқларига нишона бўлуб**13**.

Скандар хаёли буким субҳгоҳ,
Таҳаррук топиб хайли анжумсипоҳ.

Қилиб ҳарб аҳлининг оройиши,
Ясаб улча имкон гунжойиши.

Адув сори азм айлагай бедаранг,
Анингдекки, дарёға сурғай наҳанг.

Чу пархош этиб корзор айлагай,
Қиёмат кунин ошкор айлагай.

Чу фаҳм эттилар ҳикмат аҳли бу азм,
Келиб шоҳға қилдилар манъи разм.

Ки: «Тонглоу индин мадоро керак,
Ҳаял айламак ошкоро керак.

Не ишгаки сайёрау собитот,
Қилурлар нуҳусатда сайру сабот.

Назарким нуҳусатқа воқеъдурур,
Таносуб ила бизға рожеъдурур.

Бу ики кун ар[14] шаҳға бўлса сукун,
Ише солғай ўртаға чархи нигун

Ким, ул ишта бўлғай ғаробат басе,
Шаҳ иқболи топқай маҳобат басе.

Бу сўзда агар бўлса доғи хилоф,
Учунчи кун ар шоҳ қилса масоф.

Умид улки аъдоға солғай шикаст,
Шукуҳини қилғай қаро ерға паст».

Шаҳ ул сўз била топти таскин басе,
Ҳаво тутмади шуълаи кин басе.

Яна сори Хоқони гардунжаноб
Ели ичра топмиш эди изтироб.

Хитойи сипаҳ, балки Чиний гуруҳ,
Кўруб хасм хайлида беҳад шукуҳ.

Борининг аросида ошуб эди,
Бори ваҳм элига лагадкўб эди.

Нечаким берур эрди Хоқон кўнгул,
Тузалмас эди ваҳм топқон кўнгул.

Анга еттиким, қилмайин ишга майл,
Сўз изҳор эта бошлади хайл-хайл:

«Ки бу номвари комкори далер,
Юрак ичра қоплон, шукуҳ ичра шер

Ки, айлаб жаҳонгирликни ҳавас,
Ҳавас қилғониға топиб дастрас.

Бу кунга дегин ҳар қаёнким юруб,
Неким комидур, илгига келтуруб.

Қаю мулк сорики элтиб ҳашар,
Ани фатҳ этиб, қилмайин шўру шар.

Не шаҳ бўйни сорики ташлаб каманд,
Бўлуб бўйни онинг камандиға банд.

Масофида ул кунки Доро эди,
Бу бир қатра, ул жарф дарё эди.

Анга разму тадбир ила топти даст
Ки, иқболи шохиға берди шикаст.

Емас бизга Дороча хайлу гуруҳ,
Анга лек ўн бизча фарру шукуҳ.

Яна улки соҳибқирон ҳам эрур,
Жувондавлату паҳлавон ҳам эрур.

Мунунгдек киши бирла кўшишға печ,
Емас иш ҳисоби била рост ҳеч.

Анинг бирла ким урса лофи масоф,
Хирад айтур ул сўзнинг отин газоф.

Улуғларни айлаб шафоат анга,
Керак қилса Хоқон итоат анга.

Йўқ эрса эрур ул қавий, бу заиф,
Анга ҳеч по бирла эрмас ҳариф.

Киши қилса даъво уруш биғидин,
Амон топмоғ ўлмас анинг тиғидин.

Бировким – анга ақл даъвоси бор,
Ўзи қасдин этмак не маъноси борғ

Йўқ ўз жониға, халқ жониға ҳам,
Не жон, ирз ила хонумониға ҳам.

Мутеъ ўлса айлаб қабули хирож,
Тутар ул мусаллам мунга тахту тож.

Нелар қилди Маллуйи бадрўз анга,
Букун муътамад бўлди Феруз анга.

Бўлуб ажзиға муътариф Ройи Ҳинд,
Ерур бу замон кишвароройи Ҳинд.

Агар борса Хоқон доғи қошиға,
Қўяр мамлакат афсарин бошиға.

Аён айлабон хизмат изҳорини,
Олур ҳар неким мулкидур борини.

Бу иштин неким ўзга тутса вужуд,
Пушаймонлиғи қилмас ул вақт суд».

Бўлуб фирқа-фирқа эли сў-басў,
Бу сўзни қилур эрдилар гуфтугў.

Бировким эди маҳрами хос анга,
Муҳаббат аро соҳибихлос анга.

Тилаб хилвате холи ағёрдин,
Не ағёрдин, балки дайёрдин.

Деди ўлтуруб йиғлаю зор-зор
Ки: «Елга тушубтур ажаб хорхор».

Ешитганни элдин саросар деди,
Кўпу оз йўқким, баробар деди.

Тугатгач сўзин деди: «Ей шаҳриёр
Ки, бўлсун санга дойимо бахт ёр!

Манга улча маълум бўлди, дедим
Ки, бу сўзни айтурда маъзур эдим.

Инонсанг бу ҳолатқа бир фикр қил,
Инонмас эсанг айла таҳқиқу бил».

Даме қилди андеша Хоқони Чин,
Чу кўп қилди таҳқиқ, билди яқин

Ки, ноқил сўзи сарбасар чин эмиш,
Анға ростлиқ даъбу ойин эмиш.

Басе бўлди ўз ҳолиға чоражўй,
Анга бермади ҳеч бир чора рўй.

Елин доғи билдики, бордур муҳиқ,
Емас таъну ташниъға мустаҳиқ

Ки, чиний аёғ бирла хорои Рум,
Қачонким уруштурса дорои Рум,

Неча кимса ақл ичрадур зердаст,
Билурким қаён тушгусидур шикаст.

Агар чини ул кинани қилса фош,
Билурким урар ўз аёғиға тош.

Бу ишта ҳужум этти қайғу анга,
Тонг отқунча йўқ эрди уйқу анга.

Саҳар вақти бир рой топти савоб,
Олиб ғайб душизасидин ниқоб.

Солиб ақл кўнглига андешае
Ки, топмайдур они хирадпешае.

Тилатти ҳам ул маҳрами хосни
Ки, кўргузмиш эрди бу ихлосни.

Деди: «Боргаҳ давридин элни сур,
Саропарда даргоҳидин ҳам итур.

Ешикни келиб айлагил такягоҳ,
Нидо қилки: «Кўрмас бугун элни шоҳ!»

Бугун асра оқшомғача бу эшик,
Менинг соридин бўлма андешалик.

Келур кеча гар келдим эрса бу чоғ,
Муяссардурур борча кому фароғ.

Агар келмасам ўз яроғингни кўр,
Не оллингға келса аёғингни кўр.

Вале бир куну бир кеча зинҳор
Ки, бу пардада яхши бўл пардадор.

Вале мендин иш суратин сўрмағил,
Бу андеша кайфиятин сўрмағил».

Қабул этти Хоқон сўзин мустамиъ,
Кириб уйга ул рой аро мухтариъ.

Солиб ҳар не шоҳона эрди асос,
Расулона эгнига солди либос.

Ҳамул маҳрамиға айттики: «Бот,
Саропарда ёнида келтур бир от!»

Чу келтурди маркабни тайёр этиб,
Саропарда ёниға чекти етиб.

Чиқиб маркаб устига Хоқони Чин,
Ани қилди бу роз ишига амин.

XLVIII

Қамарсайёҳ сариус-сайри қуёш била қирон қилғондек Хоқон Искандарга рисолат учун муқорин бўлғони ва ул муқоранадин муқобалаға борғоч қамардек нур ва сафодин тўлғони

Қоронғуда чиқти сипаҳдин суруб,
Ўзин қалъа дарбандиға еткуруб.

Бериб муҳри нақшинки, Хоқон демиш:
«Чиқоринг мениким, эрур кулли иш».

Алар чун нишона топиб дилписанд,
Чиқориб ани қалъадин бегазанд.

Бўлуб тез Хоқони офоқгард,
Скандар сипоҳи сари раҳнавард.

Борур эрди кўнглида юз минг хаёл,
Хавотир қилиб кўнглини поймол.

Чу хуршиди искандарий очти чеҳр**1**,
Скандардек офоқ уза солди меҳр.

Нужум ўлди Чин хайлидек бефуруғ,
Қазо қилди кўк марғзорин қўруғ**2**.

Скандар сипоҳиға фаррух расул –
Етиб остонида қилди нузул.

Равон шаҳға арз эттилар бу мақол
Ки: «Келмиш расули ҳумоюнжамол.

Бошидин-оёғиғача фарру ҳуш,
Башар сурати ичра келган суруш».

Скандар деди: «Айлабон эҳтиром,
Анга тахтим оллинда айланг мақом

Ки, бу кеча бир туш кўрубмен ғариб,
Бу гар бўлса таъбири эрмас ажиб:

«Қуёшча манга тушта анвор эди,
Яна бир қуёш ҳам падидор эди.

Келибон қўяр эрди оллимда бош,
Киши кўрмамиш мундоқ ики қуёш».

Яна ҳикмат аҳлининг аъломида,
Фалак сайридин ёзғон аҳкомида:

«Наводир эди бу ики кунда кўп
Ки, зоҳир бўлур, — дедилар, — мунда кўп».

Наводирки қилди алар эътибор,
Бу нодир бири бўлмоқ имкони бор».

Дебон шаҳ бу сўзни, дедиким: «Юрунг,
Дегон кимсани ичкари келтурунг!»

Бориб чунки келтурдилар ичкари,
Кўруб расму ойини Искандари.

Йироқроқ сухандони фархундарой,
Расулона ойин кетурди бажой.

Расул эрди чун яхши авсоф ила,
Скандар тилаб қучти алтоф ила.

Етиб бахтдин бу башорат анга,
Шаҳ: «Ўлтур!» — деб этти ишорат анга.

Расул ўлғоч оллида оромжўй,
Савол этти Искандари комжўй.

Ки: «Ҳар не сўзунг бўлса оғоз қил,
Не роз айтсанг бизни ҳамроз қил!»

Таанни била деди фаррух расул
Ки: «Ей даргаҳинг остони қабул!

Неким айладинг ҳукм, жон устига,
Равон қилмоқ они равон устига.

Ва лекин Хито хони Хоқони Чин
Ки, тадбиру ройиға юз офарин.

Манга неча сўз дебдурур, бас шариф
Ки, эрмас эшитмакка ҳар ким ҳариф.

Агар тарқаса ҳар тараф анжуман,
Расул ўлсау хусрави сафшикан.

Сурарға чу шаҳ лутфу эҳсони бор,
Мен ул нукта сурмакнинг имкони бор.

Яна дебдурурким шаҳи покрой,
Агар бўлса бу навъ хилватнамой

Ки, шаҳ бўлғаю ҳомили розу бас,
Сен изҳор қил ҳар неким мултамас.

Йўқ эрса қўпуб ёнғилу турмағил,
Ва гар қилсалар ҳибс, дам урмағил.

Гумон этсалар эл фидойи сени,
Фасод аҳлининг тийраройи сени.

Шикол айласунлар оёғингға банд,
Қўлунгға доғи боғласунлар каманд.

Скандар қўюб оллиға тиғи тез,
Қил ул лаҳза тиғи забон нуктарез.

Агар бўлсангиз мендин андешалик,
Қилинг банд инак оёғу илик».

Скандарга ошти бу ишдин шааф,
Деди: «Борингиз ҳар киши бир тараф

Ки, банд айламакликка йўқ эҳтиёж,
Эмас ҳудҳуд ойини сунғурға кож»[3].

Қилиб ҳикмат аҳли басе илтимос,
Хусусан Арастуйи анжумшунос.

Суханвар оёғини банд эттилар,
Қўлин ҳам асири каманд эттилар.

Шаҳ оллиға келтурдилар тиғ ҳам,
Йироқ қўйдилар борча бир-бир қадам.

Чу бўлди тиҳи хилват ағёрдин,
Яна сўрди пўшида асрордин.

Расул айтти: «К-ей, шаҳи покрой,
Адувбанд, йўқ-йўққи, кишваркушой.

Соғинма мени қосиди раҳнавард
Ки, Хоқон санга бўлди даргаҳнавард.

Буким бўлмишам хоки даргаҳнишин,
Не илгимда тиғу не кўнглумда кин.

Аёғимда банду илигимда банд,
Ўзумни санга қилмишам мустаманд.

Бу иш боиси неча сурат эди
Ки, бу навъ келмак зарурат эди».

Скандарни ҳайрат забун айлади,
Бу ишдинки чарх нигун айлади.

Деди: «К-ей, сипаҳдори Чину Хито,
Нечук шоҳлар бўйла қилғай хато

Ки, бўлғай адувсиға мундоқ асир
Ки, кимса анга бўлмағай дастгир.

Тутулғай келиб ўз аёғи била,
Доғи нукта сургай фароғи била.

Сўзунгнинг адосида қилма шитоб,
Бурун бу саволимға бергил жавоб».

Деди айлабон фикр Хоқони Чин
Ки: «Ей даҳр мулкига маснаднишин,

Тушуб эрди бошимға, бас, мушкил иш
Ки, онинг иложи эди бу келиш.

Яна бор эди эътимодим санга
Ки, бу навъ эди эътиқодим санга

Ки, борсен хирадманду равшан равон,
Жувонмарду ҳиммatвару паҳлавон.

Забункушлук ўлмас шиоринг сенинг,
Бу навъ ишдур, албатта, оринг сенинг.

Аларким санга қилдилар кўп хилоф,
Сипаҳ чектилар зоҳир айлаб масоф.

Деган чоғда узр этмадинг жуз карам
Ким, ўлди залил, айладинг муҳтарам.

Манга топмайин андоқ амри вуқуъ
Ки, қилғай тақозойи биму хушуъ.

Хусусан хисоли ҳамидинг билиб,
Улуғ эътимод ишларингга қилиб.

Ўзумни қилиб бўйла зору забун,
Тушуб тахтинг оллиға хору нигун.

Дебон арзи ҳолим тазаллум қилиб,
Асирона нутқу такаллум қилиб.

Топа олмадим ҳеч сурат била,
Қошингдин қўпарни кудурат била.

Бор эрди қошимда қуёшдин ёруқ
Ки, қилғунгдурур лутфу дилжўйлуқ».

Бу сўзким суруб шоҳи мушкилписанд,
Жавобин бағоят топиб дилписанд.

Деди офарин айлаб: «Ей комёб,
Бу ройинг худ эрди бағоят савоб.

Яна ҳар сўзунг бўлса изҳор қил,
Хафо пардасидин падидор қил

Ки, бу ҳол ила кўрса бўлмас сени,
Бу сурат била сўрса бўлмас сени».

Дуо бирла Хоқони дарёназир,
Деди: «К-ей, жаҳондори дарёзамир!

Бу келмакдин эрди ғараз бу манга
Ки, бўлғай жанобингда ёрғу манга.

Сўзум ҳар не бор, ўлтуруб рў-барў,
Қошингда дегаймен борин мў-бамў.

Будур сўзки, чун келди шаҳдин расул
Ки, ҳам келгилу, ҳам хирож эт қабул.

Жавобидин ар бўлди ошуфта шоҳ,
Келибмен анга бўлғали узрхоҳ.

Гар ортуғ дедим сўз – гунаҳкормен,
Сиёсат қилурға сазовормен.

Билиб журмум олингға келдим залил,
Агар тортсанг тиғ – қоним сабил**5**.

Ва гар афв ила қисмим этсанг тараб,
Сенинг хулқу лутфунгдин эрмас ажаб».

Скандар деди: «К-ей, шаҳи комёб,
Манга улча сен айтиб эрдинг жавоб.

Сўзи эрди маъқулу ёрона ҳам,
Писанд этгудек хешу бегона ҳам.

Вале мен қилиб пухта тадбирлик,
Чу бошимда эрди жаҳонгирлик.

Жаҳон мулкин очмоқни жазм айладим,
Бу кишвар сари доғи азм айладим.

Адувсиға ҳар шаҳки ғолибдурур,
Бу янглиғ баҳонаға толибдурур.

Йўқ эрса санга ўкта сўз йўқ эди,
Не бўлса бизинг соридин-ўқ эди.

Гар ул сўзда бор эрса доғи хилоф,
Билиб айладук эмди хотирни соф»**6.**

Дуо қилди Хоқону сўз бошлади,
Сўзин ўз муроди сари тошлади.

Деди: «К-ей, мутеъ аҳли олам санга,
Жаҳонгир бўлмоқ мусаллам санга,

Не кишварки очмоққа урдунг қадам,
Анинг фатҳи худ бўлмади беалам.

Қилиб фатҳи тадбирида қийлу қол,
Кўнгулга кириб ҳар замон юз хаёл.

Билурсен ўзунг Маллу чоғли киши
Ки, найрангу афсун эди варзиши.

Неча қилди оллингда кину инод,
Не ташвиш ила бўлди фатҳ ул билод.

Ери бор эди айламак қатлу кин,
Ато қилдинг ўғлиға тожу нигин.

Чу лутфунгдин огоҳ қилдинг ани,
Ато мулкида шоҳ қилдинг ани.

Буён айлагач азм давлат била
Ки, тахт узра сен фатҳу нусрат била.

Мениким адув айлар эрдинг хаёл,
Бу навъ эттим ўзни санга поймол.

Хаёлимға юзланди бу навъ иш
Ки, мундоқ итоат киши қилмамиш.

Сениким Ҳақ этти бу навъ аржуманд
Ки, пастингдурур бўйла мендек баланд.

Тиларменки, бу бўлса осон манга
Ки, билсамки, не қилғунг эҳсон манга!»

Скандар деди: «Жамъ қилғил кўнгул,
Ики даҳр аро сен ато, мен ўғул.

Десанг, хизматингда жабин суртайин,
Сени тахти жоҳимға ўлтуртайин.

Қилиб санга фарзанддек пойбус,
Дейинким, тирилди малик Файлақус.

Сен эт маснад узра кулаҳдорлиқ,
Мен оллингда айлай сипаҳдорлиқ.

Агар худ бу навъ айламассен қабул,
Не янглиғки, кўнглунга айлар шумул.

Мени айла огаҳки, ул иш қилай,
Неча айлай олғонча кўшиш қилай».

Бўлуб шод Хоқони давлатқарин,
Дуолар била айлабон офарин.

Кўзидан тия олмайин ёшини,
Қўюб шукр туфроғиға бошини

Деди: «К-ей, шаҳаншоҳи гардунсарир,
Саридингға йўқ авжи гардунназир.

Ҳамеша жаҳон паҳлавон бўлғасен,
Жаҳон аҳлиға комрон бўлғасен.

Бўлуб тавъ ила бандаи фармон санга,
Менингдек басе хону хоқон санга.

Бу не лутфу покиза тийнат бўлур,
Бу не хулқу эҳсону ҳиммат бўлур.

Бу ҳимматки бермиш санга бениёз,
Ерур шаҳлиғингға жаҳон мулки оз.

Демон лойиқинг ики олам эди
Ки, ўн бўлса эрди доғи кам эди.

Бу алтофким сен аён айладинг,
Мени шукрида нотавон айладинг.

Каломинг аён айлаган масъала,
Ешитмакка йўқтур манга ҳавсала.

Вале чун дединг ошнолиғ сўзи,
Арода ўғуллуқ, атолиқ сўзи.

Гумонимда йўқ эрди бу эҳтиром
Ки, қилғунг мени бўйла олий мақом.

Яромас санга гарчи мендек ато,
Вале мен бу сўзни демакдур хато.

Гуҳар зотиға не кам ўлгай шараф,
Буким бўлғай онинг атоси садаф.

Бу эҳсонинга гарчи лойиқ эмон,
Садаф бирла дур ҳолидин йўқ демон.

Ва лек ўзга сўзларки қилдинг баён,
Алардин қил ушмунча чоғлиқ аён

Ки, фош этмагил элга бу розни,
Бу келмакдин анжому оғозни.

Расулона айлаб манга илтифот,
Букун асрабон, шом бўлғач узот.

Елингга дегилким: «Бу келган расул,
Ярашдин,– деди,– сўзу қилдим қабул».

Тонг отқач расуле юбор қошима
Ки, солсун шараф сояси бошима.

Мени айла даргоҳинга илтимос,
Келай мен тутуб ҳукму амрингни пос.

Кўруб айла таъзим эл кўргудек,
Мулук они бир-бирга еткургудек.

Эрур минг йил улким келур ёдима
Ки, хонлиғдур обоу аждодима

Ки, бу мулк андинки иҳдос эрур,
Атодин атобизга мерос эрур

Ки, Чин мулкида эрдилар хон бори,
Қаю хонки, қоону хоқон бори.

Буларнинг тутуб поси номусини,
Манга солма базминг заминбўсини

Ки, хоқонлиғим шавкати синмасун,
Шаҳаншаҳлиғим савлати синмасун.

Улус ичра эъзоз қилғил мени,
«Ато», деб сарафроз қилғил мени.

Хирожеки номангда мастур эди
Ки, Чин дойим ул ишта маъзур эди.

Бу таклифни сен доғи қилмағил,
Сўзин демау кўзга ҳам илмағил.

Хирож истамакдин ғараз мол эса,
Дуру лаълдин тавқу халхол эса,

Хазойин манга бениҳоятдурур,
Дуру лаъл беҳадду ғоятдурур.

Манга ҳар қачон бўлса сендек ўғул,
Қачон махзан асрарға бўлғай кўнгул.

Тўкай оллинга ул қадар молу ганж
Ки, етсун сипоҳингға йиғмоғда ранж.

Бу янглиғ риоятлар этган замон,
Менинг боғу қасримға бўл меҳмон

Ки, юзунга мен доғи мажлис тузай,
Мулукона тартиблар кўрғузай.

Неча вақтким бўлса коминг сенинг,
Бу кишварда бўлсун мақоминг сенинг.

Борур вақтинг ул кунки таъйин эрур,
Узотай анингдекки ойин эрур.

Бўлай неча манзил жамолингға шод,
Не ерда буюрсанг қилай хайрбод.

Қил албатта пинҳон вале бу сўзум
Ки, мундоқ рисолатни қилдим ўзум».

Скандар деди: «Мен худ айлай ниҳон,
Сен ар зоҳир этсанг нетай ногаҳонғ»

Деди: «Мендин ўлмас бу иш элга тарҳ»,
Не янғлиғки забт айламиш, қилди шарҳ.

Скандар қабул этти бори сўзин,
Бу ваъда вафосиға тутти ўзин.

Элин ҳозир истаб, ишорат била,
Деди нукта, мундоқ иборат била

Ки: «Бу фаррухойини фархундапай
Ки, қилди биёбон рисолатқа тай.

Бурун қўлларидин камандин олинг,
Аёғларидин доғи бандин олинг.

Басе яхши сўзларга ҳомил эди,
Рисолат тариқида комил эди.

Менинг бирла Хоқон аро солди сулҳ,
Ҳамул баҳр ила кон аро солди сулҳ.

Мулукона тўнлар анга кийдурунг,
Бериб мунча нақд, оллима келтурунг!»

Не янглиғки ҳукм этти, тутти вужуд,
Ижозат бериб шоҳи бофарру жуд

Деди: «Тинғил оқшомғача шодмон,
Равон бўл жаҳон тийра бўлғон замон».

Дуо айтибон шоҳи фарзонаға,
Хиром айлади меҳмонхонаға.

Бўлуб анда оқшомғача комёб
Топиб кому очмай юзидин ниқоб

Ки, ул ердаким дохили Чин эди,
Рисолатқа бу навъ ойин эди.

Чу ой қосиди чиқти гардун уза,
Хиром айлаю тоғу ҳомун уза.

Расули қамарсайр ҳам минди от,
Ўзин манзили сори еткурди бот.

Ҳамул маҳрамеким эди мунтазир,
Висолидин айлаб ани муфтахир.

Анга топшуруб даштпаймо саманд,
Кириб парда ичра шаҳи аржуманд.

Бориб йўлдағи ранжу фарсудалиғ,
Топиб тахту жоҳ узра осудалиғ.

Ише айлаб андоққи қилмай киши,
Киши хайлидин келмай андоқ иши.

Саҳаргаҳки меҳр ўлди маснаднишин,
Анингдекки тахт узра Хоқони Чин.

Скандар қилиб тахти узра мақом,
Буюрди сипоҳ аҳлиға бори ом.

Улус ҳозир ўлди чу даргоҳиға,
Таважжуҳ қилиб маснади жоҳиға.

Таанни била шоҳи офоқгир,
Тилаб бир сухандони фармонпазир,

Деди: «Айлагил азм Хоқон сари,
Баҳор абридек баҳри Уммон сари.

Анга айт мендин дуруду салом,
Саломим дегач, бўйла еткур паём

Ки: «Қил бартараф кина асбобини,
Узорингға оч сулҳ абвобини.

Агар яхшибиз, гар ёмонбиз букун,
Сенинг мулкунга меҳмонбиз букун.

Қўпуб келки, биз кинадин тоқбиз,
Бағоят жамолингға муштоқбиз.

Яқинким бу сўзни қабул айлагунг,
Ниёз аҳли сори нузул айлагунг».

Скандар чу мақсудин этти тамом,
Расул урди йўл қатъи қилмоққа гом.

Чу Хоқон сипоҳиға бўлди қарин,
Суруб нукта, андоққи дурри самин.

Расул эрканин ошкор айлади,
Ўзин орзухоҳи бор айлади.

Чу Хоқонға арз ўлди ул можаро,
Тилатти ани боргоҳи аро.

Қилиб маснад узра мақом ул доғи,
Улусқа бериб бори ом ул доғи.

Скандар расулидин этти савол
Ки: «Келмакта мақсудунг айтғил мақол».

Суханвар нечукким шаҳ айтиб эди,
Тамомини Хоқон қошида деди.

Эшитти чу Хоқон саросар ҳадис,
Фараҳбахш, бал руҳпарвар ҳадис.

Кўп изҳори айшу нишот айлабон,
Суханвар била инбисот айлабон.

Деди: «Чунки шоҳи сипеҳриҳтишом,
Сурар эрди чун кин юзидин калом.

Адоват била қилди бизга мурур,
Сипаҳ тортмоқ бизга бўлди зарур.

Бу дамким мулойим ҳикоят демиш,
Яқин бўлдиким бизга хоҳон эмиш.

Анинг бирла йўқ бизга пархошу кин,
Бўлурбиз равон сен бор эрсанг амин».

Расул айттиким: «Бизинг шаҳ сўзи
Дейилгач, гумон этки, айтур ўзи.

Йўқ эрса билур мунча аҳли хирад
Ки, йўқтур менга сени истарга ҳад».

Бу сўз бирла Хоқон қилиб нўшханд,
Равон азм қилмоққа минди саманд.

Бўлуб Чин сипоҳи ажаб шодмон
Ким, ул бимдин топти бори амон.

Ўзига улус, борча айландилар,
Анинг кейнича бори отландилар.

Магар баски жўш урди халқи касир,
Ер ажзоси бўлди тахалхулпазир.

Халойиққа ҳукм этти Чин хусрави,
«Ки ўрнида бўлсун заифу қави.

Вале юзча гулрўйи чинийнажод,
Яна минг хидеви хитоиниҳод.

Ўзи бирла олди, доғи сурди рахш,
Анга тегруким хусрави мулкбахш.

Скандар соридин доғи шоҳлар,
Хирадпешау донишогоҳлар.

Алар доғи шоҳона тазйин била,
Булар ҳам ҳакимона ойин била,

Чиқиб ўтру Хоқонға айлаб ҳужум,
Анингдекки, ул чоғда бўлғай русум.

Кўрушуб паёпай, етиб фавж-фавж,
Тенгиздин, анингдекки, ҳар лаҳза мавж.

Чу шоҳ остониға бўлди яқин,
Равон отидин тушти Хоқони Чин.

Югуруб илайинда озодалар,
Не озодалар шоҳу шаҳзодалар.

Таноб учиға чун ёвуқ қўйди гом,
Оқ уйдин Скандар ҳам этти хиром.

Ики соридин қўл очиб ики шоҳ,
Қирон айлаб андоққи хуршиду моҳ.

Чу бир-бирларига ёвушти иков,
Атоу ўғулдек қучушти иков.

Фалак кўрмайин ошкору ниҳон,
Мунунгдек қарин ўлмоғ ики жаҳон.

Бири гар азим, ул бири аъзаме,
Бу ҳам оламе, ул доғи оламе.

Қучушқоч ики шоҳи ферузбахт,
Скандар ёниб айлади азми тахт.

Тутуб бир қўли бирла Хоқон қўлин,
Анга кўргузуб тахти шоҳий йўлин.

Чу Хоқон кейин қолди айлаб ҳижоб,
Чиқорди чекиб шоҳи гардунжаноб.

Аёғин сарир узра чун еткуруб,
Бурун они ўлтуртубу ўлтуруб.

Қилурға неким ваъда қилмиш вафо,
Мунинг бирла ҳам қилмайин иктифо,

Мулойим-мулойим сўруб ҳар нафас,
Анингдекки Хоқонға бир-бир ҳавас.

Шафиқона сўз чун дамо-дам солиб,
Ўғуллуқ – атолиқ сўзин ҳам солиб.

Тутуб илгини бу сўз айтурда руст
Ким, ул аҳд мисоқин айлаб дуруст.

Тугатгач сўзин шоҳи бисёрдон,
Баковул келиб ёйди дасторхон.

Ёйилди чу шоҳона хонлар басе,
Қуёш қурсидек анда нонлар басе.

Ҳамул хон аро гуна-гуна таом,
Бўлуб лаҳза-лаҳза табиатқа ком.

Чу тортилди хоники дастур эмас,
Таом онча оламда мақдур эмас.

Деди мизбони фалактумтароқ
Ки: «Отланса Хоқон ҳам эрмас йироқ

Ки, Чин халқи билса мулоқотимиз,
Муҳаббат тариқида исботимиз».

Бу сўздин бўлуб шод Хоқон басе,
Қўпуб бўлди шаҳға санохон басе.

Скандар узотти ани Чин сори,
Ўзи қўйди юз – жоми рангин сори.

Аёқчи, тўла айла чини аёқ,
Ерур бизга сўзнинг чини иштиёқ.

Лаболаб тут оники мен сипқорай,
Доғи лаҳза-лаҳза ўзумдин борай.

Муғанний, келу черт туркона соз,
Мақоми «Наво», йўқса «Туркий Ҳижоз»7,

Навоийнинг ашъоридин неча байт,
Менинг ҳасби ҳолим топиб туркий айт!

Навоий, тутуб фол – девонни оч,
Ўқурда дуру лаъл оламға соч.

Муғаннийға ҳам айла таълим ани
Ки, қилсун суруд ичра тақсим ани!

XLIX

Тузлук таърифидаким, даҳр бўстонининг сарвсифат озодавашларининг писандидароқ шевасидурур ва сидқ қавл васфидаким, сипеҳр шабистонининг субҳосо тоза дамларининг баргузидароқ шимаси ва ройи савобнамой асариким, меҳри оламородек жузве ҳаракат била куллий ерни ёрутур ва каломи салоҳафзой фавоидиким, оз нукта била олам аҳлиға кўп натижа еткурур

Биров даҳр аро давлатойин эрур

Ки, ҳар сўзким ул айтқай, чин эрур.

Худо комин онинг раво айлагай
Ки, ҳар ваъда қилса – вафо айлагай.

Не назр этса қилғай вафодин адо
Ки, «Юфуна бин-назри» дебдур Худо**1**.

Қабул айлаган нуктани қарз бил,
Ани насси қотиъ била фарз бил

Ки, бўйнунгда ул бир оғир юкдурур,
Ерур тоғча, гарчи бир тукдурур.

Қаю кимсаким, сўзни ёлғон дегай,
Инонмаслар ар насси «Қуръон»**2** дегай.

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадур нописанд.

Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шуълаи саркаше.

Фиғонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Ешитганга бўлмай сўзи муътамад.

Чу куймиш уйи юмуб-очқунча кўз**3**,
Демиш анга соҳибдиле бўйла сўз

Ки: «Ёлғон ангаким фаровондурур,
Чини ҳам эл оллинда ёлғондурур.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керактур шикоят санга».

Эшиттимки, бир шаҳға бўлди ниёз,
Уйе айламак бир сутун узра соз.

Кезиб топтилар бир йиғоч бўйла туз,
Ва лекин анинг молики бир ажуз.

Бериб ўн баҳо, балки юз, балки минг,

Ризо бермайин хотири золнинг.

Чу байъу шаро топмайин интиҳо,
Бериб зол ҳамсанги олтун баҳо4.

Ясодилар ул уйни гавҳарнигор,
Сутунни вале қилдилар зарнигор.

Ҳамоноки келди тамошоға зол,
Йиғочин ўпуб, сурди мундоқ мақол

Ки: «Солдинг, чу Ҳақ туз яратти сени,
Ҳам ўзунгни олтун аро, ҳам мени».

Ниҳолеки ул туз бўлур жилвасоз,
Бари элни мундоқ қилур бениёз.

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.

Хусусан шаҳи комрон бўлғай ул,
Жаҳон узра хисравнишон бўлғай ул.

Маозаллоҳ, ар қилса шаҳ эгрилик,
Юмоғлиқ керак шаҳлиғидин илик5.

Бировгаки мулк ўлса зери нигин,
Нигин бирла ул бўлса маснаднишин,

Анга «Рости расти»6 этса нигор
Қачон рост бўлмай бўлур растгор.

Алифким эрур ростликда алам,
Агарчи алифдур, эрур алф ҳам7.

Хатеким қилур тузлуги бирга минг,
Не иш айлагай тузлуги кимсанинг?

Кишиким жаҳонда сўзи ростдур,
Ерур дол ангаким ўзи ростдур.

Бировким эрур ростликдин йироқ,

Анингдек киши бўлмағон яхшироқ.

Яна улки сойибдурур рой анга.
Адув касратидин не парвой анга?**8**

Гум айлар ёмон кунда бир яхши рой,
Тумон хасмни борча размозмой.

Басо хасмким кўпроқ андозадин
Ки, дафъ ўлди бир солғон овозадин.

Разин рой ила ёймаса кимса дом,
Ҳавода учар қушни қилғайму ром?

Киши билмаса ройи сойибфанин,
Қачон дўст қилғай эди душманин?

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур[9].

Ешиттимки, дер эрди бир зуфунун
Ки, буким йилонға қилурлар фусун.

Бўлур ўзи қайдиға печон каманд
Ки, андин кишига етишмас газанд.

Магар ул билур тилдин аҳли хирад,
Хушомад баён қилдилар беадад.

Паёпай чучук сўз чу пайғом ўлур,
Анингдек хашин жонвар ром ўлур.

Нечаким хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ёмонроқ эмас одами.

Чу ғаввос касб этти ройи разин,
Наҳанг оғзидин олди дурри самин.

Дам урмай чу ул дурри ғалтон олур,
Тенгиз қаъридин гавҳар осон олур.

Бас улким такаллумға оғзин очар,
Мухотабға сўз йўққи, гавҳар сочар.

Не тонг тунд душман анга ром эса,
Чу ром ўлди ҳосил неким ком эса.

Такаллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойимға не сон эрур?

Вале сўзда доғи маротибдурур,
Ҳам анда ҳунар, ҳам маойибдурур.

Ҳам улдурки айлар тирикни ҳалок,
Ҳам андин ўлук тан топар руҳи пок.

Хирад бирла чун яхши сўз бўлди ёр,
Киши ройи сойиб қилур ихтиёр.

Хирадманд бўлса балоғатмаоб,
Не бўлғай иши ғайри ройи савоб?

Бировким савоб ўлди ройи анинг,
Берур улча ройи Худойи анинг.

L

Ардашер ҳикоятиким, қавий душман дафъини қилич била қилурдин ожиз эрди, ройи разин ва тиғи забон била ул мушкил қазияға саранжом берди

Мулуки тавойиф аро Ардашер
Ки, ҳам ройзан эрдию ҳам далер.

Магар Ардавон бирла айлаб хилоф,
Ики соридин бўлди азми масоф.

Ҳамоноки кучлук эди Ардавон,
Мунга йўқ эди онча тобу тавон.

Ёнарға ризо бермайин ғайрати,
Юрурга вале заъфдин ҳайрати.

Тааммул қилур эрди рой истабон,
Бир андешаи раҳнамой истабон.

Яраш истаю озим этти расул,
Адув қилмади ажзин англаб қабул.

Бор эрди сипоҳи аро бир киши,
Адув жониби нома ёзмоқ иши.

Неча берсалар эрди огоҳлиқ,
Шаҳ ўлмас эди андин икроҳлиқ.

Адув етти бир кунчилик йўлға тунд,
Бу ҳам бўлмади фикру рой ичра кунд.

Хаёлиға ройе етишти ажаб,
Равон давлат арконин этти талаб.

Кивурди чу борини хилват аро,
Равон қилди бунёд бу можаро

Ки: «Ногаҳ киши изтирор этмасун,
Адув шавкатидин фирор этмасун

Ки, Ҳақдин етишти иноят манга,
Ерур шодлиғ бениҳоят манга.

Ани сизга дермен, вале зинҳор,
Киши қошида қилмангиз ошкор».

Бори аҳд қилғоч, равон бошлади,
Тараб бирла бу достон бошлади

«Ки, аъдо соридин неча паҳлавон:
Фалону фалону фалону фалон

Ки, бу хайл эрур асли кўшиш чоғи,
Нечукким, билурсиз муни сиз доғи.

Бўлуб Ардавондин бори тийрарой,
Манга айлаб ўзни тазаллумнамой.

Бу сўзга қилиб аҳду мисоқ этиб,
Йибормишдурурлар манга хат битиб

Ки, тонглаки эл бўлса водийнавард,
Тузулса ики сори саффи набард.

Не ердаки турғон эса Ардавон,
Чопиб бошиға бир неча паҳлавон.

Анга еткуруб зулм подошини,
Санга келтурурбиз анинг бошини».

Бу сўзни чу тақрир этиб Ардашер,
Елидин кетиб заъф, бўлди далер.

Магар ўртада эрди пайғомгар,
Битиб ҳолни бўлди эъломгар.

Ешитгач бу сўз хасми олий асос,
Замириға йўл топти беҳад ҳарос.

Не топти юруб разм этарга жиҳат,
Не хайлини дафъ этгали маслаҳат.

Ярашқа ризо берди ҳиммат тутуб,
Яршти, доғи ёнди миннат тутуб.

Бу ким топти бу навъ ройи савоб,
Бу навъ ўлди иқболидин комёб.

LI

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, савоб ройға мужиби исобат не бўлғай ва хатоға жиҳати заъф не ва жавоб эшитмак

Яна сўрди Искандари поктабъ
«Ки, эй ҳикматойину дарроктабъ,

Буким одами борча инсондурур,
Бори офаринишда яксондурур.

Мунга ройи сойиб Ҳақ этти ато,
Ва лекин анга берди ройи хато.

Яна ҳам буким, ройи сойиб эрур,
Ишинда анинг бу ажойиб эрур

Ки, чун покрой ўлди беиштибоҳ,
Ва лекин хато ҳам қилур гоҳ-гоҳ.

Керакким, бу бир бўлса, ул бўлмаса,
Ул ўлса, бу бир сори йўл бўлмаса».

Тааммул қилиб деди донишнавард:
«Ки, эй борча, шаҳлар аросида фард,

Буким халқ эрур офаринишда бир,
Не донишда бирдур, не бинишда бир.

Ерур Ҳақ сифоти ададдин бари,
Булар ҳар бири бир сифат мазҳари.

Керак ҳар бири бўлса бир фардзот,
Нединким эмас бирдек ики сифот.

Не тонг бўлса бу бирга фаҳму хирад,
Яна бир хираддин эса бемадад.

Хирадлиғнинг ар бўлса ройи дуруст,
Керак бўлса албатта гаҳ-гаҳ суст.

Нединким эмас кимса бир ҳол ила,
Ерур ҳар замон ўзга минвол ила.

Яна улки гар бўлса туз борча рой,
Хирад бўлди, бас, кимсага раҳнамой.

Хирад ғайб илмида аъмодурур
Ки, билмаски, тонгла келур недурур.

Хираддин эрур ғайб илми йироқ,
Ерур бехираддин хирад яхшироқ.

Яна кимсага борча рой ўлса туз,
Хирадға берур, бас, ажаб фикр юз

Ки, Ҳақ амрида бўлди ширкат анга,
Емасдур муносиб бу фикрат анга.

Камол аҳлининг ройи гоҳи табоҳ,
Ерур Ҳақ камолиға равшан гувоҳ».

Жавобини шаҳ топти чун дилписанд,
Яна урмади дам бўлуб баҳраманд.

LII

Хоқоннинг Искандар учун зиёфат асбобин тузгани ва ани Чинга элтурга илтимос кўргузгони ва ул шоҳона базму ойин вазъи васфида хомаи нодиранигор дурфишонлиқ қилмоқ ва ул туҳаф ва наводир тазйини таърифида табъи балоғатшиор гавҳарпошлиқ кўргузмак ва пешкашлари теъдодида тўқуз фалак авроқин хомаға рақамзад қилмоқ ва базми дилкашлари шарҳида секиз биҳишт риёзин ақл кўзига рад қилмоқ

Бу дебо уза пайкаророи Чин,
Бу навъ айлади нақши дебои Чин

Ки, чун Чин сари бўлди Хоқонға азм,
Мубаддал бўлуб базм ила кину разм.

Ели кўнглидин кетти ранжу тааб,
Булар ўрниға келди айшу тараб.

Ўзи тушти Чин шаҳриға шодмон,
Кириб қасри давлатға тушган замон.

Талаб қилди аркони давлатни бот,
Жулус амри этти қилиб илтифот.

Дедиким: «Бу шоҳи фалакиҳтишом
Ки, олам юзин фатҳ қилмиш тамом.

Жаҳон шаҳларин айламиш бандаси,
Забардастлар бўлмиш афкандаси.

Каманд улки гардунға банд айламиш,
Бу они асири каманд айламиш.

Қачон бизга бор эрди худ бу гумон
Ки, бўлғай бу алтоф ила меҳмон.

Келиб тарки қатлу масоф айлагай,
Бизинг бирла кўнглини соф айлагай.

Қилиб улча имкони бор эҳтиром,
Манга тахти устида бергай мақом.

Мени ҳам атоликка қилғай қабул,
Ҳам ўлғай шафиқим, нечукким ўғул.

Билурсизки, гар қилса эрди набард,
Улусдин чиқорур эди кўкка гард.

Санам зулфидек айлабон тору мор,
Қўпорур эди борчамиздан дамор.

Бу лутфеки ул ошкор айлади
Ки, эҳсон тариқин шиор айлади.

Бу мажмаъ ичинда йиғилғон анга,
Ерур борча озод қилғон анга.

Мен алтофидин онча шармандамен
Ки, гарчи ато дер, вале бандамен.

Қилурдин анга хизмати дилпазир,
Худ эрмасдурур ҳеч янглиғ гузир.

Бу ишнинг салоҳи недур, фикр этинг,
Қошимда чу фикр эттингиз, зикр этинг?»

Бу сўзлар дегач шоҳи Чину Хўтан**1**,
Дуосиға тил чектилар анжуман.

Дедиларки: «Ҳар нуктаким сурди шоҳ,
Ерур муттафиқ борча хайлу сипоҳ.

Бу шоҳеки бор эмди меҳмонимиз,
Гар оллида бўлса фидо жонимиз.

Анга улча ойини эъзоздур,
Муни деса бўлғай – ҳануз оздур.

Не мулку сипаҳға сен этсанг рақам,
Билурлар анинг бермагин муғтанам.

Ва лек улча сен ўзинг эткунг яроқ,
Билурсен сен они ўзинг яхшироқ.

Неким ҳимматингға таманнодурур
Бизинг ҳиммат андин муарродурур.

Қачонким қирон айласа найирайн,
Кўрунурму заррот аро тушса шайн?[2]

Бўлур чунки ёндошса ики жаҳон,
Жаҳон даржаҳон, мўр кўздин ниҳон.

Не тонг, халқ табъи қироқ айласа,
Скандарга Хоқон яроғ айласа.

Муқассирдурур табъимиз дахлдин
Ки, тўбо иши келмади нахлдин**3.**

Вале мунча иш бизга равшандурур
Ки, гар харжи юз ганжу махзандурур.

Чу сен мизбон ўлсанг, ул меҳмон,
Кўп ўлмоғлиғин қилса бўлмас гумон».

Бу сўзларки арз эттилар ул гуруҳ,
Бўлуб шод – Хоқони дарёшукуҳ

Деди: «Улча кўргузди бу қаҳрамон,

Ерур элға худ фарз моли амон.

Сипоҳиға улким мавожибдурур,
Анинг йиллиғи элга вожибдурур.

Яна йиллиғиға очиб қуфли ганж,
Мен ўз махзанимдин бўлай нақдсанж.

Сипоҳига фикр ўлса ушбу сифат,
Ўзи фикрини мен кўрай маслаҳат»[4]

Бу янглиғки сўз ўтти Хоқон била,
Бори эл қабул эттилар жон била.

Бўлуб борчаси бир-бирига мумид,
Қилиб иш саранжомиға жаҳду жид.

Неча кунда бори муҳайё бўлуб
Ки, Чин нақддин кону дарё бўлуб.

Бу янглиғ ясаб пешкашлар ўзи
Ки, ҳайрон қолиб анда даврон кўзи.

Минг от – борча оҳутаку гўрдав,
Бори гўру оҳудин элтиб гарав.

Алар гардиға ета олмай сабо,
Сабосайри пўяларидин ҳабо.

Югурмак аро абру секрирда барқ,
Вале баркдек борча олтунға ғарқ.

Ҳам олтун эгар, доғи олтун лижом,
Ҳам олтун тақо, доғи олтун ситом.

Кежим борча устида зарбафти Чин.
Пашизалари лаълу дурри самин.

Яна минг тева – ҳар бири кўҳтан,
Фалак пилича ҳар бирига бадан.

Неча жусса ичра фалакваш келиб,
Камозорлиғда малакваш келиб.

Бори суръат ичра, нечукким фалак,
Нечукким фалак йўқ, нечукким малак.

Бори рахти дебойи Чину Хитой,
Жавоҳир бори узра зийнатфизой,

Алоқа бориға саросар ипак,
Дуру лаълу феруза мунчоғидак.

Яна минг хачир, борчаси тезгом,
Сипеҳри ҳарундек бориға хиром.

Писандида сайру шитоби доғи,
Қаторию зини, рикоби доғи.

Рухути ҳам андоқки дастур ўлуб
Ки, оту тева узра мазкур ўлуб.

Яна минг тўқуз рахти нахху насеж,
Очилмай, нечукким топиб тобу печ5.

Неча боғдек борча рангин келиб,
Вале тоғдек бори сангин келиб.

Яна яшмдин минг авонию зарф,
Латофат аро бир-биридин шигарф.

Яна чини олот минг порча,
Идора аро меҳри сайёрча.

Яна минг сиҳи қадду гулхад каниз,
Бари сунбули зулфдин мушкбез.

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

Келиб ғамзаи шўх ила дилфиреб,
Либос ичра ончаки имкони зеб.

Ва лекин ики булъажаб туҳфа ҳам
Ки, андоқ келиб булъажаб туҳфа кам.

Бири кўзгуйи жоми Жамшиддек,
Сафо ичра миръоти хуршиддек

Ки, они фалак меҳройин дебон,
Вале халқ ойинаи Чин6 дебон.

Ики юз анга ою кундек ёруқ,
Вале тийра бўлмай бўлурдин очуқ.

Ёруқ ҳар юзи чеҳра кўргузгудек,
Демай бир юзи тийрарў кўзгудек.

Ҳакимики они тилисм айлабон,
Намойиш анга ики қисм айлабон.

Келиб бир юзи бўйлаким чунки шоҳ,
Сўрар чоғда маснад уза додхоҳ

Ки, бир-бирга эл даъво изҳор этар,
Агар кимса даъвоға инкор этар.

Бу даъвода эрмас гувоҳ эҳтиёж,
Ерур кўзгу сори нигоҳ эҳтиёж.

Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,
Кўрунмас юзи – бўлса ёлғон сўзи.

Яна бир юзининг тилисми бу иш
Ки, шаҳ базм аро бода этса хуриш,

Анга мажлис аҳли назар қилсалар,
Тамошойи шахсу сувар қилсалар,

Аларким, май ичгайлар ором ила,
Кўрунур аларға юз андом ила.

Биров майға топиб фурудастлиқ,
Аён қилғудек бўлса бадмастлиқ,

Кўрунур юзи кўзгу ичра бузуқ,
Узун, йўқса, ёйпонг, кичик ё улуқ.

Чу бийнанда бу нуктаға топти пай,
Бўлуб хушдил, айлар равон тарки май[7].

Кўруб ул бузуғлуғни наззорагар,
Бўлур ўз бузуғ ҳолиға чорагар.

Яна луъбате, бал жаҳон офати,
Жаҳон офати йўқки, жон офати.

Хитойи ҳасаб, шўхи чинийнажод[8],
Жамолиға ҳуру пари хоназод.

Ики банда ҳуснига ҳуру пари,
Ва лекин қочиб ҳар бири бир сари.

Хито мулкида зулфи ғавғо солиб,
Кўзи Чин диёрида яғмо солиб.

Ики чини зулфайни мушкин таноб,
Анга Чин ичинда сепиб мушки ноб.

Қаро қоши мушкин ҳилоле келиб,
Ҳилол андин ошуфтаҳоле келиб,

Ани чарх айларда мушкин ҳилол,
Томиб нуқтаеким – бўлуб оти хол.

Узори уза ики қиймоч кўз,
Улус қонини ичгали очкўз

Ким, ул очлиқ айлаб они заиф,
Узолиб ётиб хасталардек наҳиф.

Қуёшдек анга давр рухсор ўлуб,
Оғиз нуқтасидин намудор ўлуб.

Чу паргор учи даврин айлаб кашон,
Падид ўлғуча нуқта топмай нишон.

Занах тавқи лекин яна нимдавр
Ки, андин бори давр аҳлиға жавр.

Зақан чоҳи ул давранинг нуқтаси,
Тушуб чоҳ аро аҳли даврон басе**9**.

Қади ишва бирла хироманда сарв,
Хироманда сарви хиромон тазарв.

Чу ноз ул тазарв ошкор айлабон,
Басе бозу шоҳин шикор айлабон.

Бошидин-оёқ ишвау хўблуқ,
Оёқдин боши нозу маҳбублуқ.

Келиб борчадин турфа бу можаро
Ки, ҳам базм аро чусту ҳам разм аро.

Чу базм ўлса илҳони ушшоқ сўз,
Не ушшоқсўз, айт офоқсўз.

Чу тортиб наво, элни беҳол этиб,
Хирад нутқини нағмаси лол этиб.

Чолиб чун ғино нотавон риштасин,
Узуб нотавонларға жон риштасин.

Чу ун бирла барбат навосин тузуб,
Бири ўлтуруб, ул бири тиргузуб.

Қачонким кириб разм майдониға,
Қилиб қасд майдон эли жониға.

Чу рахшиға ҳар сори жавлон бериб,
Замон аҳли жавлониға жон бериб.

ғаним ўлса гардун киби зўрманд,
Ваго вақти гардунға солиб каманд.

Қилич солса хорони айлаб шикоф,
Анга хора кемухти ўлуб ғилоф.

Ўқи бўлса юз худу хафтон ўтуб,
Қатиқ хорадин балки паррон ўтуб.

Синони қачон кўргузуб печу тоб,
Сипеҳр аждариға тушуб изтироб.

Қачонким адув хайлиға от солиб,
Чу ул ел етиб – хасдек эл қўзғолиб.

Балоеки чархи қадимий ниҳод,
Бера олмайин бир анингдекни ёд.

Скандарга Хоқон ясаб пешкаш,
Тўқуз бўйла туҳфаки, шарҳ ўлди хуш.

Булар чун саросар муҳайё бўлуб,
Яна Чин шаҳи мажлисоро бўлуб.

Ясаб бир ажаб базми олиясос,
Такаллуфқа ақл анда топмай қиёс.

Улуғ хайлни раҳшунос айлабон,
Шаҳ иҳзорини илтимос айлабон.

Шаҳ оллиға чун мултамаслар етиб,
Ҳадисин анинг ер ўпуб – арз этиб.

Қабул айлабон сўзни дорои даҳр,
Равон отланиб айлади азми шаҳр.

Тўшаб эрди Хоқони хуршидтож,
Ўзи қасридин рост то бир йиғоч

Скандар йўли узра дебойи Чин
Ки, пинҳон бўлуб эрди саҳройи Чин.

Ҳар ўн гомда бир нисор айлабон,
Дуру лаълни хоксор айлабон.

Йўли узра онча тўкуб мушки ноб
Ки, эл тўтиёлиққа топмай туроб.

Ел ул мушк уза чун бўлуб раҳнавард,
Тутуб мушкдин кўк юзин тийра гард.

Бу ҳашмат била хусраву тожу тахт,
Кириб Чин диёриға фархунда бахт.

Кўруб, ўйла шаҳреки, чархи куҳун,
Ўқуб мислига ояти «ламъякун»**10**.

Жинонваш ҳаволию боғи анинг,
Не пайдо учи, не қироғи анинг.

Безаб тому тошини ойин била,
Мусаввар бори ҳуллаи чин била.

Кўруб онча ороки, кўз кўрмайин,
Кўнгул ҳам тахайюлға келтурмайин.

Скандарга ҳар лаҳза ортиб нишот,
Ангочаки, Искандаройин бисот.

Қўюб чунки Хоқон бисотиға гом,
Топиб даргоҳин чархи ферузафом.

Суруб чунки даргоҳдин ичкари,
Кўруб оламе чун боқиб ҳар сори.

Назиҳ равзае чархи ахзар киби,
Анга ҳар очуқ гул бир ахтар киби.

Келиб чор дарчор паргор анга,
Секиз дойлиғ тўрт девор анга**11**.

Йиғочлар ўтуб тўрт девордин
Демайким, ети чархи заркордин.

Ададдин фузун ҳар ҳумоюн дарахт,
Қўюб баргдин чарх тоқиға рахт.

Бўлуб чарх уза шохлар шеваси,
Дегайсенки, анжум эрур меваси[12].

Йиғочлар тубида чаман-дарчаман,
Саросар тузуб чарга сарву саман.

Бинафшаки ўз қаддин айлаб нигун,
Қалинликда чодиршаби нилгун.

Магар чарх ўлуб зебу тазйин уза,
Солиб акс ойинаи Чин уза.

Раёҳинға кимса адад топмайин,
Фараҳбахш атриға ҳад топмайин.

Қилиб наргис ўз ғунчасин байзавор
Ки, кўзинда эрди рамаддин ғубор.

Рамад йўққи, чун қор уза кўз солиб,
Қориқмоқ кўзининг зиёсин олиб.

Бўлуб лолау сабза нақшин гилем,
Шукуфа тўкуб ул гилем узра сим.

Мулавван зужожа нишони бўлуб,
Кўк айвонининг тобадони бўлуб.

Бу гулшан ичинда фазойи васеъ,
Фазо ўртасида биное рафеъ.

Қилиб посбониға дамсозлиқ,
Зуҳал бирла ҳар шом ҳамрозлиқ.

Бийикрак фалак қасридин пояси,
Равоқиға тушмай булут сояси.

Ёғиндин анинг томи нам кўрмаган,
Чоқин шуъла тоқиға еткурмаган.

Музаҳҳаб қилиб они боштин-оёқ,
Агар раҳба, гар бурж, гар худ равоқ[13].

Бисотидағи хишт чинисиришт,

Мусамман ясаб чини андоқки хишт.

Чу чини бўлуб фарш коши анга,
Бўлуб нақш матну ҳавоши анга.

Бори хишт анга чиниойин бўлуб,
Сафо ичра ойинаи Чин бўлуб.

Ичи қасрнинг сар-басар зарнигор,
Ешик борча зийнатда гавҳарнигор.

Келиб борча наққоши чобукқалам,
Басе вақт уруб килки Монийрақам.

Топиб нақш конуну ҳанжорини,
Мусаввар қилиб тўрт деворини.

Мавозеъ анга ҳар бири нақши Чин,
Дема нақши Чинким, биҳишти барин.

Бу қаср ичра тахти сипеҳр иҳтиром,
Ясаб шоҳ учун анда олий мақом.

Скандарга Хоқони меҳмонпараст,
Бу олий сарир узра берди нишаст.

Анга доғи Искандари тахтгир,
Макон этти ҳам ушбу олий сарир.

Атоу ўғул янглиғ ўлтурдилар,
Нишоту тараб базмини қурдилар.

Бори ўлтурур элга ҳукм этти шоҳ
Ки, ерлик ерин қилғай оромгоҳ.

Сукун топиб аввал кулаҳдорлар,
Алардин қуйироқ сипаҳдорлар,

Яқинроқ тутуб ҳикмат аҳли жулус,
Филотун, Арастую Фарфунюс**14**.

Чу қаср ўлди жаннат киби бекусур,

Худ эрди муҳайё шаробан таҳур.

Чу маъкулдин табъ топти фараҳ,
Кўнгул айлади майли чини қадаҳ.

Равон қўпти бир шўхи чинисиришт,
Малоҳат аро рашки ҳури биҳишт.

Ўзи ичти ёқути аҳмар суйи,
Вале шоҳға тутти кавсар суйи.

Равон ичти дорои даврон доғи,
Не дорои давронки, Хоқон доғи.

Чу эврулди уч-тўрт даври нишот,
Падид ўлди эл кўнглига инбисот.

Қадаҳ солди аҳбоб мағзиға шўр,
Ҳижобу ҳаё рафъи келтурди зўр.

ғино аҳли ҳарён наво туздилар,
Навосозлиғ расми кўргуздилар.

Қилиб жилва ҳар соқийи маҳжабин,
Сочиб анбарин зулфидин мушки Чин.

Бўлуб ҳушу фаҳм аҳлиға гуфтугўй,
Май олғонга ҳушин тушуб ҳой-ҳуй.

Ики шоҳ бир-бирга айлаб ниёз,
Такаллум қилиб ҳар бири дилнавоз.

Бу онинг қошида қулоғин тутуб,
Мунунг ул ўпарға оёғин тутуб.

Бу айлаб анинг садқаси мулки Чин,
Ул айлаб мунга садқа рўйи замин.

Йўқ улким ики шаҳға бу расми хос,
Ҳар икига бир-бир била ихтисос.

Чу ичмак улус расму ройи бўлуб,

Газак борча хони Хитойи бўлуб.

Олиб чарх атбоқи ҳар дам сабақ,
Не янглиғ бўлурни табақ-бартабақ.

Яшил хонлару қурси лиму бари,
Кавокиб била чархи мину бари.

Бўлуб ўйла базмеки, чархи баланд,
Бўлуб зийнату зебидин баҳраманд.

Емакка улус майли бўлғонда фош,
Газак ўртадин чиқти, тортилди ош.

Қаю ошким, ер юзини хон тутуб,
Вале хонни неъмат юз алвон тутуб.

Не дей, улча ул хон қиёси эди
Ки, тўқуз минг отнинг учоси эди.

Яна қўйға йўқ эрди ҳадду ҳисоб
Ки, юз минг десам бўлғай ул интихоб.

Мунга лойиқ англа ушоқ ошини
Ки, кўрмак уюрди фалак бошини.

Чу тортилди бу навъ беҳад таом
Ки, топти таматтуъ бори хосу ом.

Равон тахтдин тушти Хоқони Чин,
Қўпуб тахт уза шоҳи маснаднишин.

Тавозеъ била Чин шаҳи турди хуш,
Шаҳ оллиға сўзлатғали пешкаш.

Ҳисобин битиб шаҳ сари кеттилар,
Ҳамул давлат аркони арз эттилар.

Чу арз ўлди, Хоқон юкунди равон,
Юкунди яна хусрави навжавон.

Тўқуз-тўқуз ўткардилар борини,

Анингдекки айлабмен изҳорини.

Кўруб туҳфа ул навъ бори гузин,
Деди шоҳ Хоқонга кўп офарин.

Чу ўткардилар борчасин хайл-хайл,
Шаҳ ул ики нодир сари қилди майл.

Бири ул Хўтанзоди маҳрў эди,
Яна моҳваш турфа кўзгу эди.

Равон бўлди Хоқони хуршидрой,
Бу илгида ойина, ул бирда ой.

Шаҳ оллиға келтурди кўзгуни ҳам,
Не кўзгуки, ул меҳри дилжўни ҳам.

Чиқиб тахт уза ўлтуруб шоҳ ила,
Деди кўзгу васфини дилхоҳ ила.

Шаҳ ул кўзгудин бўлди кўп шодмон,
Анга қилди машғуллуқ ҳар замон.

Ани аҳли ҳикматқа кўргузди ҳам,
Басе сўз анинг бобида тузди ҳам.

Қўлидин бу кўзгу йироқ кетмади
Ки, кўзгу чиройлиғни ёд этмади.

Гаҳе қилди эҳсос қисмин анинг,
Гаҳе фикр қилди тилисмин анинг.

Чу қилди қуёш кўзгуси юз ниҳон,
Яна занги зулматқа қолди жаҳон.

Қадаҳ ичмади шоҳи ҳикматпараст,
Ки мазмум эрур бўлмоғи шоҳ маст.

Миниб отқа майл этти ўрду сари,
Қуёш ўйлаким чархи мину сари.

Қўпуб бўлди Хоқон доғи ҳамраҳи,

Бўлуб ҳифзида ҳам ато, ҳам раҳи.

Сипоҳиға чун шаҳни еткурди бот,
Ер ўптию ўз шаҳриға сурди от.

Скандар тушуб истади жоми май,
Яна лаҳзае солди суҳбатға пай.

Чу Хоқонға ул базму ойин бўлуб,
Скандар сўзи барча таҳсин бўлуб.

Кетур соқий, ул кўзгуни рўбарўй
Ки, кофуртабъ ўлғаю мушкбўй.

Димоғимда Чин мулки савдосидур,
Бу янглиғ май онинг мудовосидур.

Муғанний, улуғ йир навосини туз!
Бижир кўкка пийпо садосини туз!

Мени бир наво бирла хушҳол қил,
Жаҳон фикридин фориғулбол қил!

Навоий, ичиб май эшитгил суруд
Ки, бас, бевафодур сипеҳри кабуд.

Ки, Хоқонға гар жуз жафо қилмади.
Скандарға доғи вафо қилмади.

LIII

Зиёфат боғининг сарвдек озодлари бобидаким, ғунчадек хизмат камарин чуст боғлаб гулдек очуқ юз била хони карамлари доим очуқдурур ва қўноғлари агар қумри бўлсун вагар булбулким, ҳар бири ўз хўри ҳолиға кўра ул хондин наво топарлар ва алар ифрот имтилосидин муарродурурлар ва муфрит иштаҳосидин мубарро

Хушо улки, жуз базл анга пеша йўқ,
Жаҳон бору йўқидин андеша йўқ.

Замон ичра топиб ўзин меҳмон,

Анга меҳмон борча аҳли замон.

Кишиким анга меҳмонлиқ қилиб,
Бу ҳам жон била мизбонлиқ қилиб.

Чу меҳмон етиб, дун киби қочмайин,
Бал ул бўлмайин, рўзасин очмайин.

Халилуллаҳосо очиб хони базл,
Қамар қурсидек синдуруб нони базл**1**.

Нечаким таоми келиб нўши баҳр,
Келиб меҳмонсиз мазоқиға заҳр.

Ва гар келса меҳмон, қуруғ нон анга,
Бўлуб қурси хуршиди рахшон анга.

Бурун лутф беҳадду поён қилиб,
Очуқ юз била хулқу эҳсон қилиб.

Юзин мисли гулбарги хандон очиб,
Яна оллида гул киби хон очиб.

Нечук гулда гулбарги хандон тўла,
Бу хон ичра гул баргидек нон тўла.

Чу меҳмон узотиб қўлин хониға,
Қўюб мизбон миннатин жониға.

Ани токи тўйғормайин, тўймайин,
Илик чекмай ул, бу илик қўймайин.

Агар бўлса меҳмони шоҳ, ар гадо,
Қилиб мизбонлиқ тариқин адо.

Йўқ улким шаҳ оллида қўйғай кулоч,
Гадоға қуруғ нону ёвғон умоч.

Тафовут кўрар бўлса худ бок йўқ,
Вале анга шаҳду мунга хок йўқ.

Гар ул сарвару бу сарафкандадур,

Вале икиси Тенгрига бандадур.

Басо кузпушту пароканда ҳол,
Бўйида чу бўлғай ипи эски шол[2]

Ки, бўлғай кўнгул мулкининг шоҳи ул,
Ниҳоний кўнгул рози огоҳи ул.

Сипеҳри забардаст анга зердаст,
Кўруб ҳиммати чархи аълони паст

Ки, гар шаҳға фаҳм ўлса ҳоли анинг,
Бошин айлагай поймоли анинг.

Киши қилса бўлғайму таҳқир ани
Ки, Ҳақ айламиш бўлса тавқир ани.

Бас, авло буким ҳар қачон аҳли роз,
Очиб базл уйин бўлса меҳмоннавоз.

Чу эл барча суратда пинҳон эрур,
Хирад они англарда нодон эрур.

Мувосо кўзин ҳар тараф очса кенг,
Ҳамул кўз била борчани кўрса тенг.

Қуёшдекки кўргузса рухсорини,
Солур тенг жаҳон узра анворини.

Агар қасри заррин эрур, гар бузуқ,
Баробар қилур партавидин ёруқ.

Йўқ ул шамъдекким фурузандадур,
Чу парвонаға етти – сўзандадур.

Не тонг гар анинг феъли подошига,
Етар ҳар замон тиғ анинг бошиға.

Булутдек сахолиқ керак мизбон,
Ки тенгдур анга марз ила марзбон[3].

Қачонким сочар дурри эҳсонини,

Жаҳон шўразору гулистонини.

Сахо ёмғури бирла сероб этар,
Не сероб, ғарқи дури ноб этар.

Йўқ андоққи, елким эрур хокрўб,
Қачон дашт аро бўлса хошокрўб.

Қилур ер юзин хору хасдин хало,
Тамомин чуқурларға айлар тўло.

Бу афъолидин қилмиш они қадар,
Сабуксору саргаштау дарбадар.

Сангаким эрур базл қилмоққа тавъ,
Муни англаким ул эрур неча навъ,

Бир улким киши бўлса меҳмон санга,
Қилиб сели исроф туғён санга.

Йўқ ойини иззатфизолиғ учун
Ки, шуҳрат била худнамолиғ учун.

Биров оллиға хон чу келтургасен,
Киши бир, вале ўн қўй ўлтургасен,

Паёпай асопқурни айлаб равон,
Емакдин бўлуб ожиз ул нотавон.

Анга сен едурмак учун сўз била,
Тикиб кўзки, они ебон кўз била.

Анинг оллиға ҳар табаққим етиб,
Ҳамул ош таъмини таъриф этиб.

Борин ул есун деб, бу авсоф эрур,
Бу бедод қилмоқ не инсоф эрур?

Уюнг шайх Луқмон мазори эмас,
Сени кимса ул буқъа шайхи демас.

Худо молиға қилмоқ исроф не?

Жунун аҳлидек мунча итлоф не?

Ки, Ҳақ гарчи дебдур: «Кулу вашрабу»,
Вале ҳам демиштурки: «Ло тусрифу»4.

Не қилмиш бу меҳмонки, ўлтургасен,
Анга ёлбориб заҳр едургасенғ

Не бир заҳр, ҳар луқма бир заҳри ноб,
Вале луқмаға кимса топмай ҳисоб.

Бу янглиғ зиёфат басе шум эрур,
Хирад аҳли оллинда мазмум эрур.

Яна бир буким, ҳар қачон келди зайф,
Анга қилғасен бермайин туъма ҳайф.

Мусофир ичин куйдуруб иштиҳо,
Вале йўқ сенинг бухлунга интиҳо.

Раво кўрмагинг анга маҳрумлуқ,
Ерур бурноғидин батар шумлуқ.

Будур даъбким яхшидур, гар ёмон
Ки, бўлғай сенинг хонинга меҳмон.

Бурун лутф бирла тарабнок қил5,
Не исроф қилғил, не имсок қил.

Емакка анга ҳар не дархўр эса,
Санга доғи неким муяссар эса.

Очуқ юз била чек анинг қошиға,
Вале истама музд подошиға.

Ишингга солиб «Акрамуз-зайфа» нур,
Тутуб маъри ойини «Хайрул-умур»6.

Зиёфат бу навъ ўлса ойин санга,
Керак мизбонликда таҳсин санга,

Бу янглиғ киши мизбон камдурур,
Агар бўлса донои оламдурур.

LIV

Баҳроми Гўр ҳикоятиким, уч олачуқ элига меҳмон бўлди, икиси ифрот ва тафрит кўргузуб, мухотаб ва матъун бўлдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун

Эрур нақлким, шоҳ Баҳроми гўр**1**,
Магар сайд учун сурди бир кун сутур.

Ул ов ичра тушти сипаҳдин йироқ,
Ани бир қулон солди элдин қироқ.

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард,
Ики-уч олочуқ аро етти фард.

Шаҳи даштпаймо басе оч эди,
Бағоят емакликка муҳтож эди.

Ул уйлар қошида эди бир дарахт,
Тушуб сояға шоҳи фархунда бахт.

Деди ул халойиққа тушган замон,
Ки: «Сизга эрурмен бу дам меҳмон.

Бўлунг моҳазар бирла меҳмоннавоз
Ки, андин наво топқай аҳли ниёз».

Ул уч уй элидин бири дун эди,
Агарчи тамаввулда Қорун эди.

Неким шаҳ деди, қилмади илтифот,
Яна бирга исроф эрди сифот.

Қазон остуруб, қилди қўйлар қатил
Ки, молин зиёфатқа қилғай сабил.

Солиб жуъ меҳмон димоғиға дуд,
Анинг ошиким, тонгла пишгай, не суд?

Ва лекин бири эрди аҳли хирад,
Хушо улки топқай хираддин мадад.

Ани уйга келтурди тортиб инон,
Равон моҳазар чекти — жуғроту нон.

Кетиб шоҳдин ранжу фарсудалиқ,
Ебон моҳазар топти осудалиқ.

Анга берди беҳадду андоза мол,
Ҳамул дунға андозасиз гўшмол2.

Қилиб таъна мусрифқа беинтиҳо,
Неким зойи этганга берди баҳо.

Булар таврида турфа ҳолат кўрунг,
Анга ҳам тариқи адолат кўрунг.

Бу бирдек керак меҳмонлиқ доғи,
Яна бир киби мизбонлиқ доғи.

LV

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, зиёфат хонин не навъ очмоқ яхшидур ва муроот суфрасин не навъ ёймоқ мустаҳсан кўрунур ва дононинг ул бобда нукта сургони ва ҳикмат моидасидин Скандарга фойда етгургони

Яна сўрди фармондиҳи рўзгор[1]:
Ки: «Ей, дониш аҳлиға омузгор,

Зиёфатда недур тариқи савоб,
Амал айламак бизга қилғил хитоб.

Ки, ул бўлғай ойини ҳикматқа жўб,
Не андин керак бўлғай озу, не кўп

Ки, бу бобда борча аҳли милал
Кўп айлабдурурлар тариқи жадал.

Қилибдурлар охир муни ихтиёр
Ки, кўп қилғон икром эрур бахтиёр».

Қилиб донишойин дуо ибтидо,
Дуодин сўнг айтти бу янглиғ адо:

«Ки, ҳар неки меҳмонға бор эҳтиёж,
Агар ошу нон, йўқса шаҳду кулоч.

Керак ҳозир ўлса бори хон аро,
Таодул тариқида мезон аро.

Анингдекки мазмум эрур бўлса кам,
Ерур ўйла мазмум ифроти ҳам».

Деди шаҳки: «Бу шева осон эрур,
Вале шаҳ шукуҳиға нуқсон эрур».

Тааммул била нукта сурди ҳаким:
Ки: «Ей, ҳикмат ойинида мустақим.

Худо шаҳ жанобин рафеъ айламиш
Ки, шаҳга улусни мутеъ айламиш.

Чу шаҳ халқ ризқиға бўлмиш зимон,
Ерур ортуғ ўксук еткурмак ёмон.

Вагар нақди жузве зиён айласа,
Шукуҳини ортар гумон айласа.

Неким халқ ризқиға мақсумдур,
Ики онча ҳам қилса маълумдур

Ки, не моя бўлғуси зоид анга
Ки, то бўлғай исроф оид анга.

Мунунг бирла гар ўзни истар азим,
Емастур анинг бу хаёли салим

Ким, ул бўлғуси минг, ики минг дирам
Ки, харжидин истар ўзин муҳтарам.

Ангаким мунунг бирла ортар шукуҳ,
Қилур фаҳм агар бўлса фикратпужуҳ

Ки, айлар ўзи ўз шукуҳини паст,
Ўзи берур ўз поясиға шикаст.

Ерур шаҳға андин улви жаноб
Ки, паст эл ишидин қилур ижтиноб.

Вагар кўнгли эҳсонга ҳамроздур,
Нечаким берур кўп, ҳануз оздур.

Ангаким хираддин етар ёрлиқ,
Писандида эрмас талафкорлиқ».

Чу бу нуктани сурди донишпужуҳ,
Қабул айлади шоҳи гардуншукуҳ.

LVI

Искандарнинг ҳукамо иттифоқи била фалак рози пинҳонийси ва олам сирри ниҳонийсини зоҳир ва пайдо ва равшан ва ҳувайдо қилурға сутурлоби хуршидтоб ва миръоти меҳрсифот тасниф қилғони ва бу ики туҳфаи меҳр мисолдин хотир жамъ этиб яна ики маҳваши меҳржамол висолиға рағбат қилғони ва ул бобда сур яроқин ва сурур тумтароқин муҳайё қилиб, сипеҳри бариндек айвонини Равшанак нуридин мунир тутқони ва Меҳрноз партавидин ёрутқон

Бу Чиний нигориш гузорандаси,
Ерур бу гузориш нигорандаси

Ки, Хоқон чу бўлди Скандарпараст
Скандарга Чин1 ичра бўлди нишаст.

Этиб эрди қиш мавсуми доғи туш,
Эмас эрди бир сори мумкин юруш.

Яна эрди Хоқонга беҳад ҳавас,
Ҳавас демаким, ком ила мултамас

Ки, шаҳ Чинда ором тутқай бу қиш,

Танаъум қилиб, жом тутқай бу қиш.

Шаҳ оллиға чун илтимос айлади,
Шаҳ онинг ҳадисини пос айлади.

Бу ишга тутуб табъи донишварин,
Туруб қилди қишлоқ Чин кишварин.

Гаҳи ҳамнафас эрди Хоқон била,
Қуёш, ўйлаким моҳи тобон била[2].

Гаҳи сайд ишин ихтиёр айлабон,
Юруб Чин кийигин шикор айлабон,

Гаҳи руду май бирла мажлис тузуб,
Ичиб май, нишоту тараб кўргузуб.

Гаҳи ҳикмат аҳли била ройзан,
Бўлуб илми ҳикматда устоди фан.

Ҳамул кўзгуким чекти Хоқон анга,
Бўлуб эрди осойиши жон анга.

Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ
Ки, ўз додин истар эди додхоҳ

Тутар эрди ул кўзгуни рўбарў,
Қилиб ҳукм ойинаи ростгў.

Бу ҳолатда ҳайрат енгиб шоҳни,
Яна ул суруки донишогоҳни.

Қачонким тузуб базми шоҳона ҳам,
Ароға солиб кўзгуни ёна ҳам.

Ҳамул феълини ошкор айлабон
Ки, бадмастни шармсор айлабон.

Шаҳ андоқ бўлуб эрди мафтун анга
Ки, ҳайратда йўқ эрди қонун анга.

Чу кўп солди фикрат аро ҳайрати,
Бу водий сори чекти бош фикрати.

Ки: «Бу бир тилисмедурур турфасоз,
Ёсоғон билиб ҳикмат аҳли бу роз.

Мени доғи дорои чархи баланд,
Чу ҳикмат била айламиш баҳраманд.

Яна хидматимда неча юз ҳаким,
Борининг сўзи поку ройи салим.

Билик бобида ҳар бири оламе,
Фалак рози ашколиға маҳраме.

Бу кўзгуки солимни туз кўргузур,
Менга анда юз фикр юз кўргузур.

Недин мен доғи аҳли ҳикмат била,
Бориб чора кейнига ҳиммат била,

Тааммул қилиб, ғавриға етмайин,
Тилисм андин ортуғ падид этмайин».

Тилаб дониш аҳлини элдин нуҳуфт,
Бу маънида кўп қилди гуфту шунуфт.

Дуолар қилиб муттафиқ ул гуруҳ,
Дедиларки: «Ей шоҳи гардуншукуҳ!

Қачонким буюрсанг бу янглиғ тилисм,
Бу бир амр эрурким, эрур бизга қисм:

Тааммул била айлабон иттифоқ,
Қилоли иш андин басе яхшироқ».

Ҳамул ҳикмат аҳли бўлуб ики хайл,
Равон қилди ҳар хайл бир ишга майл.

Филотуну Суқрот ўлуб бир тараф[3],
Арастую Буқрот ўлуб бир тараф.

Алар сори Ҳурмус, Балинос ҳам,
Бу ён Аршимидус тутуб пос ҳам.

Буён ики юз, ул тараф ики юз,
Дебон кеча-кундуз бу маънида сўз.

Алардин дамо-дам шаҳи номвар,
Бўлуб ҳикмат ойинида баҳравар.

Риёзат била ул ики хайл чуст,
Топиб ер била кўк мисолин дуруст.

Бири бўлди оламда фикратнамо,
Вале бир гуруҳ этти азми само.

Топиб анжум ойину табъин тамом,
Тибои маволиди сифлий мақом[4].

Мувофиқ топиб кавкаб анзорини,
Аён эттилар санъат изҳорини[5].

Филиззот аро зоҳир айлаб тилисм,
Мудаввар намудор этиб ики жисм[6].

Бири рўю мис бирла обод эди,
Яна бир дурахшанда пўлод эди.

Алардинким ул рўй топти гудоз,
Бўлуб эрди бори сутурлобсоз.

Аларғаки пўлод ўтру эди,
Намудори гўёки кўзгу эди.

Скандар бериб ики сори мадад,
Гаҳ айлаб қабул ишларин, гоҳ рад.

Алардин бу доғи бўлуб мустафид,
Алар ҳам топиб дахл мундин муфид.

Ҳамул қишда ул ҳикмат аҳли ниҳон
Ки, ҳар бир алардин эди бир жаҳон.

Ики турфа ҳайъат падид эттилар
Ки, олам элин мустафид эттилар.

Сутурлобға чарх ашколи қисм,
Вале кўзгу жисми саросар тилисм.

Жаҳон мулки анда бўлуб жилвагар,
Кишиким анга бўлса суратнигар.

Фалак тулу арзи7 бирида ниҳон,
Бирида аён борча мулки жаҳон.

Ул ўлди сутурлоби махфисамо,
Бу бир бўлди миръоти гетинамо8.

Шараф буржи топқач қуёш кўзгуси9,
Ки, қилди замон рафъ қиш қайғуси.

Қуёш жирми бўлди зари нобдек,
Скандар тузатган сутурлобдек.

Қилиб шоҳ маснад уза базм фош,
Шараф буржидин ул сифатким қуёш.

Сарир узра ёнида Хоқони Сҳин,
Ики сори кўп шоҳи маснаднишин.

Тузуб боргоҳ ичра шоҳона базм,
Қилиб таҳниятдин танаъумға азм.

Бу ҳолатда кирдилар ул ики хайл,
Бори қилдилар тахт оллиға майл.

Бори илм аро бахти сармад киби,
Тажаррудда ақли мужаррад киби.

Скандар қилиб борчаға эҳтиром,
Сарир оллида хос қилди мақом.

Чу базм ичра ўлтурдилар ул гуруҳ,
Халойиққа етти алардин шукуҳ.

Мақом ичра чун зоҳир ўлди сукун,
Солиб бош қуйи мисли чархи нигун.

Виқор узра бир дам чу ўлтурдилар,
Сутурлобу кўзгуни келтурдилар.

Қилиб арз ҳар қайси тимсолини,
Аён эттилар ҳар бири ҳолини

Биридин аён бўлди афлок иши,
Яна биридин арсаи хок иши.

Бирида тўқуз чарх тақсим ўлуб,
Бирида аён ети иқлим ўлуб.

Чу Хоқонға фаҳм ўлди ул ики ҳол,
Таҳайюр ани айлади гунгу лол.

Аён айлади шаҳға ҳамду сано,
Дебон ҳамд, бу нукта сурди яно

Ки: «Шаҳ сен киби кўрмади чархи пир
Ки, не тож сенсиз керак, не сарир.

Мулозимларинг доғи лойиқ санга,
Билик ичра бори мувофиқ санга.

Емас олам аҳли киби зотингиз
Ки, оламдин ўксулмасун отингиз».

Ул ишгаки ҳикмат эли чекти ранж,
Сила топти шаҳдин басе молу ганж.

Магар эрди ул ганж ила мол кам
Ки, Юнонни қилди суюрғол ҳам.

Ато қилди Хоқони Чин ҳам басе,
Гуҳар берди, дурри самин ҳам басе.

Ғаний бўлди ул навъ аҳли камол
Ки, туш вақти ҳар бир қуёштин мисол.

Чу хусравға ул ики иш берди даст,
Нишот айлабон бўлди ишратпараст

Ки, машшотаи бахт кулгу била,
Ҳамул софу рахшанда кўзгу била.

Безаб гулрухи жоҳу иқболни,
Юзинда ясаб зулф ила холни.

Муқаввас қошиға чекиб вусма ҳам,
Қўюб хол ҳам, синдуруб кесма ҳам.

Қилиб ҳури жаннатдек ороста,
Ерам боғида сарви навхоста.

Шаҳи комрон бирла ақд айлагай,
Жаҳон ганжи маҳрига нақд айлагай[11].

Никоҳини айлар замон Муштари
Ким, ул чархнинг келди саъд ахтари.

Бўлуб чарх Суқротиға бахт ёр,
Қилур чоғда яхши назар ихтиёр.

Тутуб илгига ул сутурлобни,
Топиб чарх вазъидин асбобни.

Тутуб меҳр сайри учун иртифоъ,
Тушуб суқбадин суқба сори шиоъ.

Шаҳ иқбол ила майли роҳ айлагай,
Тараб навъарусин никоҳ айлагай

Ки, Доройи даврон қизи Равшанак,
Ким, эрди жамол ичра меҳри фалак.

Васият қилиб эрди Доро нуҳуфт
Ки, бу шоҳ ила бўлғай ул моҳ жуфт.

Жаҳонгирлик амрида моҳу сол,

Емас эрди шаҳға мажоли висол.

Яна шоҳ Маллу қизи Ноз Меҳр
Ки, меҳр ўйла, кўрмайдур эрди сипеҳр.

Шаҳ андин доғи бор эди комсиз,
Вале хотири эрди оромсиз.

Тилар эрди жашни азим айламак,
Халойиқни ғарқи наим айламак.

Ёруб Равшанакдин шабистон анга,
Бўлуб борча олам гулистон анга.

Яна Ноз Меҳр ўлғай ороми руҳ
Ки, топқай мулоқотидин ком руҳ.

Чу кўнгли пишурди бу андешани,
Тилатти гуруҳи хирадпешани.

Алар бирла бу нуктада урди рой,
Ул ишга бори бўлдилар раҳнамой.

Ки, ҳар кимгаким бўлса тожу сарир,
Анга бир халафдин эмастур гузир.

Чиқорда бу ферузагун маҳддин,
Емас шоҳ фориғ валиаҳддин.

Қуёшким қилур майл мағрибқа, шом
Ўзига қилур ойни қойим-мақом.

Қуёш нурича гар эмас моҳтоб,
Ерур ул ёруғлуққа нойиб-маноб.

Шажар чун қилур боғдин интиқол,
Агар ўрнида бўлса наврас ниҳол.

Бўлур оқибат боғ пирояси,
Берур нафъ ҳам мева, ҳам сояси**12**.

Чу донишвар эл қилдилар иттифоқ,

Деди шоҳким: «Айласунлар яроқ».

Бориб давлат аркони шаҳ комиға,
Топиб шуғл ул иш саранжомиға.

Неча кунда бори муҳайё бўлуб
Ки, Чин кишвари жаннатосо бўлуб.

Бўлуб онча зийнатки чархи дани,
Ҳисоб айламак бўлса минг йил фани,

Юзидин бирига ета олмағай,
Мингидин бирин шарҳ эта олмағай.

Муҳайё бўлуб ҳар сифат хоста,
Чу асбоби сур ўлди ороста.

Равон қилдилар сур бунёдини,
Бериб ишрату айшнинг додини.

Баҳор эрдию гул арусиға зеб,
Арусона булбулға андин фиреб.

Гулу сабза айёмида бўлди тўй,
Бўлуб гулшан ойин била шаҳру кўй.

Аёқчи, кетур жомни лаб-балаб
Ки, тўй ўлди айёми айшу тараб

Ки, бу сур эрур оламафрўз ҳам,
Хусусан эрур фасли наврўз ҳам.

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки ҳай-ҳай ўланг, ҳой ўланг,

Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки: мунглуғ бошим ёр-ёр!

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,
Сурудунг доғи сур аро чингадур**13**.

Аёлғунг неча ёр-ёр ўлғуси,

Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси.

LVII

Йигитлик баҳорининг хушлуғи ва баҳор йигитлигининг дилкашлиғида гул ва булбулдек барг ва наво тузмак ва юз барг ва минг наво била нағма кўргузмак ва гулистон атфоли саҳоб доясидин сут ўрниға шираи жоний ва сув ўрниға оби зиндагоний ичгонидин руҳ наботи топқонин баён қилмоқ

Жаҳон чорбоғики дилкашдурур,
Йигитлик баҳори била хушдурур.

Йигитликда ҳам ўтса лайлу наҳор,
Ерур ишрат айёми фасли баҳор.

Тирилған замон сабза, ўлганда Ҳут,
Ки «Субҳона ҳаййил-лази ло ямут».

Ҳамал сабзазори сари офтоб,
Танаъум ҳавосиға айлар шитоб**1**.

Анингдекки илгини Мусо сунар,
Қўзи тутқали яди байзо сунар.

Эсар субҳдам руҳпарвар насим,
Топар жон йиғочқа изоми рамим**2**.

Бу ел Исо анфосин исбот этар
Ки, боғ ичра иҳёи амвот этар.

Баҳорий булут пилдек бедаранг,
Қилур жилва ҳар ён, бори пилранг.

Рутубат аро гўё ул хайли пил,
Бўлубтур бори ғарқи дарёйи Нил.

Гар андоқ эмас, бас недур, айт бу
Ки, ҳар ён алардин томар қатра сув?

Дема қатраким, пояборон дегил,
Дема пил, абри баҳорон дегил.

Чу абри баҳори сочиб дурри ноб,
Етишти чаман саҳниға обу тоб.

Очиб ер рагин сабзанинг ништари,
Чиқиб қон киби лолаи аҳмари.

Бўлуб гўё ул қонға майли фасод,
Нединким бўлуб зоҳир андин савод**3**.

Чаман айлабон ҳулласин ранг-ранг.
Тугуб ҳулла хилъат учун танг-танг.

Гияҳ боғ аро чиниойин бўлуб
Ки, ҳар гул анга луъбати Чин бўлуб.

Бўлуб сунбули тарға сарв узра печ,
Қаду зулфдин бўлмайин фарқи ҳеч.

Гул атрофидин шохи сунбул чиқиб,
Юз олдидин андоққи кокул чиқиб.

Бинафша бошин андин айлаб қуйи
Ки, остиға онинг кириб мул суйи.

Агар топмаса ул су бирла газанд,
Нега рахт ердин кўтарди баланд?

Ўзин тифли наргис қадаҳҳўр қилиб
Ки, лиму терисини соғар қилиб.

Ва ё лимуйи бўрки топти шикаст
Ки, даврин бийик қилди, учини паст.

Чиқиб савсан ошуфта мажнун киби,
Сабо кожидин ранги гардун киби.

Юзинда аён фориғулболлиқ,
Топиб завқ таврида беҳоллиқ.

Қилиб шуъла зоҳир гули оташин,
Самандар киби булбул ахгарнишин.

Не гулким, тушуб ошёниға ўт,
Қаю ошён балки жониға ўт.

Сабо пайки айлаб чамандин гузар,
Ҳамишабаҳор англағил ранги зар.

Шабистонда гул равшан айлаб чароғ,
Фатила ясаб ғунча қўймоққа доғ.

Сабо дояси чун бу ишни билиб,
Фатиласин онинг паришон қилиб.

Қилиб шохини настаран сиймгун
Ким, ул сийм атрофин айлаб нигун.

Босиб сийм бўлғоч гаронбор ани,
Ҳамул шохдекким босар қор ани.

Бўлуб жилва қилғон замон арғувон,
Тўни арғувонранг, лек навжувон.

Насим они ҳар ёнки мойил қилиб,
Қизил тўн била элга қотил қилиб.

Су узра булут тифли ақтор ила,
Қилиб даврлар машқ паргор ила.

Дема тифл, Монийки афзорсиз,
Чекиб юз туман давр паргорсиз.

Сапидор уза гулки пайванд ўлуб,
Қади сарви гулрухқа монанд ўлуб.

Кўрунуб чаман хулди ризвон киби,
Гулу сарв анга ҳуру ғилмон киби.

Чу гулзор уза абри найсон ёғиб,
Дема қатраким, дурри ғалтон ёғиб.

Ўтуб бир-бириндин чу боранда абр,
Қилиб наъра, андоққи ғуррон ҳизабр.

Ўвидин тушуб боғ аро зилзила,
Чоқин шаклидин бўйнида силсила**4**.

Ёғин қатрасин оби ҳайвон, дегил,
Анинг торини риштаи жон, дегил.

Назоҳатда гулшан нечукким биҳишт,
Ели борча анфоси Исосиришт.

Бу фасл ичраким тонг ели жон берур,
Булут қатраси оби ҳайвон берур.

Чиқиб сабза равҳи наботи била,
Қилур жилва топқон ҳаёти била.

Нишот этмаган улча имкони бор,
Гумон қилмағилким, анинг жони бор.

Бу чоғ этмаган айш бўстон аро,
Жамодедурур шакли инсон аро.

Вале эрмас ул айш ҳам дилпазир,
Кўнгул бир тараф гар эмасдур асир.

Кўнгул чунки бир гул учун зордур,
Не тонг, гар анга майли гулзордур.

Ва гар васлидин бўлса осуда ҳол,
Анга боғу гулшан тавофи ҳалол.

Скандарга чун ишқ аро бўлди ком,
Тилаб васл гулшанға қилди хиром.

LVIII

Булбул ҳикоятиким, анинг гулбонгидин зоғ ёлқиб, балоғат аҳлиға гачча ҳинду ҳарза дегондек таън қилди ва анинг фасиҳ жавобидин ўзгача сўзин билди

Эшиттимки, бир боғ аро гул чоғи
Ки, тез ўлди булбул фиғон қилмоғи.

Келиб сарзаниш қилди бир зоғ анга
Ким, эрди нишиман ҳамул боғ анга.

Деди: «К-ей, жунуншеваи ҳарзарой,
Недур буки, ҳар йил аро ўн бир ой.

Кезарсен чаманда ҳазину хамўш,
Бир ойдур санга мунча жўшу хурўш?

Бир ишта дарангу саботинг қани,
Чаман қушларидин уётинг қани?»

Деди булбул: «Ей ишқдин бехабар,
Менинг куймагимдин санга не хабар?

Чу гул йўқтурур ўн бир ой боғ аро,
Ерур рўзгорим сенингдек қаро.

ғаму дард эрур менда лайлу наҳор.
Ва лекин чу эсти насими баҳор

Гул этти чиқиб жилва ойин яна
Тикиб жайбиға нофаи Чин яна.

Чу гул қилди бу навъ зеби жамол,
Қачон қолғай ул лаҳза булбулға ҳолғ!

Чаман ҳусни динор, агар донгдур
Ки, бечора булбулға гулбонгдур.

Чу кетти чамандин гули оташин,
Кўмур бирла найлай бўлуб ҳамнишин.

Сенингким намудоринг ўлди жуал,
Ҳаётингғадур гул исидин халал.

Қачон англағайсен менинг ҳолатим

Ки, сендин йироқ яхшироқ суҳбатим».

Чу булбул аён қилди бу дарду доғ,
Қарорди жавобида афсурда зоғ.

Демакка жавоб ўлмади сахткўш
Қиш айёми булбулдек ўлди хамўш.

LIX

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким инсонга майли табиий баҳор ва гулларга бўлмоғи недин бўла олғай ва анинг ҳикмат баҳоридин жавоб насими етгургони

Яна сўрди дорои гардунмаҳал:
Ки: «Ей чарх ашколи оллингда ҳал.

Буким ҳар қачон етса фасли рабеъ,
Неким жинси инсон шарифу вазеъ,

Бўлурлар бори хурраму шодмон,
Қилурлар ҳаво бир тараф ҳар замон.

Кўнгулники қиш ғунча янглиғ қилур,
Баҳор ўлса ул гул киби очилур.

Бу фасл элга мунча тараб не экин,
Бу янглиғ тарабқа сабаб не экин?»

Деди барча илму фунун огаҳи:
Ки: «Ей нутқунг анфоси Руҳуллаҳи.

Бу маънида эл кўп демишлар калом
Ки, борин билур шоҳи олий мақом.

Табиатқа гул майли эрмас ажаб,
Чаман завқи ҳам хели эрмас ажаб.

Вале нуктаким, асл эрур бу эмас,

Дейин, чун эрур шаҳға билмак ҳавас.

Табоеъки, офоқу анфусда бор,
Борин тўрт табъ эттилар эътибор:

Исиқ, совуқ, ўлу қуруқ фаҳм қил,
Ани ўту сув, елу туфроқ бил**1**.

Ки, инсон булардин мураккабдурур,
Жамеъи милалға бу мазҳабдурур.

Бирин ҳорри ёбис, деди борча хайл,
Бирин борид айлаб рутубатқа майл.

Бирин ҳорри рутаб англа беваҳму бим,
Бирин бориди ёбис айтур ҳаким.

Қачон зоҳир ўлди санга бу усул,
Табиат бу навъ-ўқ топибдур фусул.

Алардин бири келди фасли баҳор
Ки, бордур табиат анга ратбу ҳор.

Чу бу фаслға келди табъи ҳаёт,
Яна учга уч табъ бўлди сифот

Ки, сафроу савдоу балғамдурур,
Вале руҳ табъи мунга замдурур.

Шак эрмаски, ҳар кимсаким жони бор,
Ҳаётин тилар улча имкони бор.

Бу маънидин ул фасл эрур дилпазир
Ки, йўқ элга майл айламакдин гузир.

Неча сирридин элга йўқтур шуур,
Вале йўқ табиат ишинда қусур.

Чу андин етар руҳға парвариш,
Анга етса бехост айлар кашиш.

Сувким таҳға бўлди гузори анинг,

Чекар табъу йўқ ихтиёри анинг».

Чу донодин ўлди бу янглиғ футуҳ,
Ҳулул этти шаҳ жисмиға тоза руҳ.

LX

Искандарнинг ул ики тоза вард, йўқ-йўққи, ики баҳори нозпарвард васлидин ком топқони ва Ноз Меҳрнинг меҳру нозидин бетоқат бўлуб, гул фаслида анинг гул жамолидин баҳра олғони ва анинг Равшанак рашкидинким, маҳбублуқ шевасидурур шамъдек саркашлик қилиб, чарбзабонлиқ била ўз шабистоноройлиғин равшан этгони ва Искандарнинг ул хилват висолидин чиқиб, Чин мулкидин Мағриб диёриға азм этгони ва ул диёр ғаройибидин азаб қолғони

Бу пайкарни улким намудор этар,
Гузориш ишин мундоқ изҳор этар

Ки, Чин ичра Искандари Файлақус,
Чу топти ики ўйла зебо арус.

Баҳору йигитлик, доғи шоҳлиғ,
Яна ҳикмату донишогоҳлиғ.

Билибким, неча бўлса оламға шоҳ,
Ерур оқибат туфроғ оромгоҳ.

Не оламға топмиш вафое киши,
Не шаҳлиққа кўрмиш бақое киши.

Кишига бу ҳолот чун бўлғуси,
Деким, айш қай кун учун бўлғуси?

Бу тақдир ила шоҳи ишратпараст,
Неча кун тараб жомидин бўлди маст.

Ики шамъ бирла шабистон аро,
Ики сарвқад бирла бўстон аро

Бўлуб ком топмоққа оромжўй,
Топиб чунки ором, ўлуб комжўй.

Ҳамул Равшанак маҳди улё бўлуб,

Шабистонида мажлисоро бўлуб.

Бори парда аҳлиға бону эди
Ки, шаҳ бирла зону-базону эди.

Вале Ноз Меҳр эрди пойинпараст,
Анга тахт ёнида эрди нишаст.

Қилиб шаҳға гоҳи парасторлиқ,
Гаҳи ғамза бирла жигархорлиқ[1].

Вале Равшанакка басе рашк эди,
Анга боқса шаҳ, кўзида ашк эди.

Билиб хусрав ул навъ рашку ҳасад,
Риоят тариқиға йўқ эрди ҳад.

Қилиб Равшанак бирла айшу нишот,
Анинг бирла оз айлабон инбисот.

Вале нотавон кўнгли зори анинг,
Ҳазин хотири беқарори анинг.

Бу иштин малолат топиб Ноз Меҳр
Ки, шоҳ ўзга ён қилди оғоз меҳр.

Талошмоққа не ҳадду ёро эди
Ким, ул шамъи айвони Доро эди.

Вале ғофил андинки, шоҳи жаҳон,
Анинг меҳрини жонда асрар ниҳон.

Ҳазин жони онинг харобидурур,
Ичинда анинг изтиробидурур.

Ики кун эди Равшанак навбати,
Мунинг лек бир кун эди хилвати.

Бу андешадин кўнглида эрди ранж,
Бўлур эрди нозук тани ғуссасанж.

Бу ойин ила ўтти фасли баҳор

Ки, то бўлди гул мавсуми ошкор.

Шаҳ англаб эдиким, маҳи сомири2,
Кўзи Ҳинду Кашмирнинг соҳири.

Ерур жинс рашкидин ошуфтадил,
Ниҳон шаҳдин озурда, элдин хижил.

Кунеким, бўлуб эрди навбат анга
Ки, бўлғай шабистонда хилват анга.

Шаҳ онинг ҳаримиға майл айлади,
Жамолиға жонин туфайл айлади.

Дедиким: «Неча ёшурун ўртанай,
Улустин ниҳон туну кун ўртанай?

Ниҳон ишқдин етти иш жонима,
Букун фош этай роз жононима».

Келиб ҳурваш оллида тузди базм,
Фароғат била бодаға қилди азм.

Шаҳ этти аён бодапаймойлиқ
Ки, шўх айлагай мажлисоройлиқ.

Вале моҳваш кўнгли ғамгин эди,
Ниҳони қоши кунжида чин эди.

Такаллуф била мажлисоро бўлуб,
Иши баст этарда мадоро бўлуб.

Скандар неча айлабон жустужўй,
Суманбар далер айламай гуфтугўй.

Неча бу ниёз ошкор айлабон,
Ул ойини ноз ошкор айлабон.

Мунунг чун фузун бўлди саркашлиғи,
Анинг ҳаддин ошиб мушаввашлиғи.

Чу шаҳ кўрдиким, тоқати тоқ ўлур,

Жунун ичра расвойи офоқ ўлур.

Анга ишқ амри жунун айламиш,
Жунун ақлу фаҳмин забун айламиш.

Не ҳикмат анга еткурур ёрлиқ,
Не ойини дониш мададкорлиқ.

Тазаллум била деди: «К-ей, нозанин!
Недин бизга қилдинг аён бўйла кин?

Недур ажзим оллинда тавсанлиғинг,
Ангаким эрур дўст – душманлиғинг.

Не журм эттим эркин мени хоксор
Ки, кўнглунгга ўлтурди мендин ғубор.

Не хаским ўтунгдин куяр лоғ-лоғ,
Не ҳожат яна қуймоғ ул ўтқа ёғ?

Чибинким эрур шаҳдинга пойбанд,
Тапонча била анга недур газанд?

Вафо айлагилким, жафокор эмон,
Бу зулм айламакка сазовор эмон.

Чу мен ишқ аро ўлгум, ўлтурмагил,
Қатилингға тиғи жафо сурмагил.

Ниёзимға боқ, асру ноз айлама,
Таадди кўпу лутф оз айлама!»

Бу янглиғ тазаллум чу кўргузди шоҳ,
Киноят била золими кинахоҳ.

Шакар тунгини айлади шаҳдрез,
Кўп ул шаҳд зимнида неши калез**3**

Ки: «Шаҳ айшини Ҳақ мудом айласун,
Ишин дилбари бирла ком айласун!

Анинг лойиқи келди Доро қизи

Ки, кўз равшан айлар аёғи изи.

Канизиким ул бўлса ҳиндинажод,
Не ҳиндинажод, айт кашмирзод.

Не лойиқки, они анис айлагай,
Такаллуф юзидин жалис айлагай».

Деди шаҳки: «Ей хаста жон офати!
Демай хаста жонким, жаҳон офати!

Киноят тариқини бир дам унут,
Қилиб раҳм, бедод таркини тут.

Манга Равшанак таънини қилма кўп,
Ул ишта кўзунгга мени илма кўп.

Мени анда маъзур тутсанг бўлур,
Замирингни масрур тутсанг бўлур

Ки, вожибдурур эҳтироми анинг,
Нединким, бийикдур мақоми анинг.

Ерур Баҳманий тожнинг гавҳари,
Яна Кайқубодий сипеҳр ахтари».

Деди макр ила шўхи ширинзабон
Ки: «Ей ети кишвар уза марзбон!

Бу сўзнинг муҳаббатқа не дахли бор
Ки, ишқ ичра шаҳлиққа йўқ эътибор.

Жамолу малоҳат кўнгул комидур,
Узун турра тақво қуши домидур.

Насаб бирла бўлса анга шоҳлиқ,
Ҳасаб бирла етмиш манга моҳлиқ.

Анинг тожи кишварга бўлса хирож,
Менинг оллима бош қўяр аҳли тож.

Анга фахр нисбатда Жамшиддин,

Манга ор ҳусн ичра хуршиддин.

Анга мулк агар бўлса фармонпазир,
Манга зор эрур юз туман мулкгир.

Агар ул хирад бирла афсонадур,
Манга юз хирадманд девонадур.

Гар ул бўлса офоқ элига азиз,
Солурмен мен офоқ аро рустахез.

Анга гар эрур пеша жон ўртамак,
Манга шева бўлмиш жаҳон ўртамак.

Гар ул ғамзадин ўқни паррон қилур,
Менинг кирпиким тирборон қилур.

Гар ул қатл ишига қилур эҳтимом,
Менинг тиғи ишқим қилур қатли ом.

Анга гар фусун айламак вирд эрур,
Манга борча кашмир шогирд эрур.

Анга ғамза бўлса жаҳон соҳири,
Манга бўлди гўсола юз сомири4.

Анинг шуҳрати гар эрур ом аро,
Менинг қўзғолонимдур ислом аро.

Гар ул халқни қатл этар дам-бадам,
Манга келди тиргузмак ойини ҳам.

Анинг қилса зулфи йилонни фусун,
Фусунум қилур аждаҳони забун.

Анинг зулфи гар чекса имон рагин,
Менинг тори лаълим чекар жон рагин5.

Қачон сунбулум урса гул узра тоб,
Ёпар юзга хуршид тундин ниқоб.

Қошим ёйини кимки айлар хаёл,

Уётдин кўзига кўрунмас ҳилол.

Ерур кирпигим ўқиға жон ҳадаф,
Нишона отарға магар чекти саф.

Кўзумга, қачонким бўлур уйқу ком,
Бўлур олам аҳлиға уйқу ҳаром.

Юзу мардумаквор холим сўзи,
Дегил гул уза тушти булбул кўзи.

Чекилгач узорим қироғиға нил,
Ерур тақвою ақл кўзига мил.

Гажакдекки зулфум аро тобдур,
Кўнгулларни тортарға қуллобдур.

Лабим лаъликим жавҳари жон эрур,
Су ул лаъл аро оби ҳайвон эрур.

Тишим риштасин жолаи ноб де,
Дема жолаким, дурри сероб де.

Йўқ оғзим бўлуб жавҳари бебаҳо,
Не пайдо вужуде анга, не баҳо.

Ики лаълим этгач такаллум падид,
Қилиб оғзима эл таваҳҳум падид.

Ани халқ йўқ ерда айлаб гумон,
Агар бўлса ҳам ул ҳамон – йўқ ҳамон.

Юзумда дема сиймдин ғабғабе
Ки, ой ичра хуршидваш кабкабе.

Не кавкабки, нури анинг бекарон,
Қуёш бирла ҳусн ичра айлаб қирон.

Лабим пешаси жонфизояндалиқ,
Кўзум шеваси дилрабояндалиқ.

Дема руҳ – қаддим кўруб лол ўлуб

Ки, Руҳул-амин доғи беҳол ўлуб.

Хиромим қилиб равза сарвини мот,
Анга можаро қилмай оби ҳаёт.

Жамолим қуёшни солиб тобқа,
Таним сийми титратма сиймобқа.

Белим торин улким хаёл айлабон,
Ҳамоно хаёли маҳол айлабон.

Хаёлим башар ичра ғавғо солиб,
Малойикка ҳуснум алоло солиб.

Кўрунган замон суратим пайкари,
Халойиқ кўзига кўрунмай пари.

Лабимда такаллумдин ортуқ фусун,
Фусундин доғи ҳусну нозим фузун.

Қуёш қўзғолиб ҳуснум ошубидин,
Фалак паст меҳрим лагадкўбидин.

Вале мунча афсонадин не асиғ
Ки, шаҳ комиға келди шаҳдим ачиғ.

Не хуш дебдур ул дардманди фироқ
Ки: «Оз бахт – кўп ҳусндин яхшироқ»**6.**

Шикоят манга йўқтурур шоҳдин
Ки, шиквам эрур бахти гумроҳдин».

Чу ширинлаб ул навъ шўр айлади,
Анинг ишқи хусравға зўр айлади.

Каломиға вола қилиб жонини,
Равон жон аро чекти жононини.

Ҳамойилсифат тортибон қўйниға,
Илигин ҳамойил қилиб бўйниға.

ғазол ул сифат шер қилғач шикор,

Шикориға меҳр айлади ошкор.

Мамос ўлди чун шохи сандалға ож,
Не бўлғонни эрмас демак эҳтиёж7.

Скандар бу хилватқа мафтун эди,
Паричеҳра ёриға мажнун эди.

Неча кун бўлуб пардада айшсоз
Ки, фаҳм ўлмай ул пардадин ҳеч роз.

Чу ошиққа бўлди муяссар висол,
Анинг ишқида қолмас аввалғи ҳол.

Чу шаҳға неча кун эди ул шааф,
Яқин билдиким, умрин айлар талаф.

Яна ақлу ҳикмат паноҳ айлади,
Хирад тахтин оромгоҳ айлади.

Жаҳон мулкин этганда зери нигин,
Олинмай қолиб эрди Мағриб замин.

Сипаҳға бериб неъмату ком ҳам,
Мавожиб демай, балки инъом ҳам.

Чу ул фикридин кўнглини тиндуруб,
Юруш ҳукмини элга жар еткуруб.

Шаҳеким, сипаҳ бўлди обод анга,
Ерур душманидин кўнгул шод анга.

Агар шоҳдин халқи ғамнок эмас,
Қалин бўлмоғидин адув бок эмас.

Маозаллоҳ, ар бўлса ношод эли,
Адув йўқ, берур они барбод эли.

Сахо шоҳдин элга матлуб эрур,
Сиёсат ҳам ўз ўрнида хўб эрур.

Скандарки фаррух жаҳондор эди,

Не шаҳлиққа матлуб анга бор эди.

Сипоҳин чу эҳсон била қилди шод,
Аён этти Хоқон била хайрбод.

Анга топшуруб мулки Чину Хито,
Яна малик ҳамчун деб они ато.

Сипаҳ сурди Чин мулкидин ташқори,
Таважжуҳ қилиб мулки Мағриб сори.

Қилиб[8] ҳамраҳ ўлмоғни Хоқон ҳавас,
Қабул ўлмайин шаҳға бу мултамас.

Ани қайтариб кўп ниҳон роз ила,
Анга лойиқ ойини эъзоз ила.

Солиб Ҳинд ҳадди жанубини йўл
Ки, ул турфа кишвар бўлуб рост қўл,

Ижозат бериб Ройи Ҳиндиға ҳам,
Ўкуш лутф бирла қилиб муҳтарам.

Чу ул қайтибон Ҳинд мулкига бот,
Суруб шоҳ Мағриб бисотиға от.

Сипоҳи масун борча офотдин,
Ўтуб бедарде мулки Гажротдин**9**.

Бўлуб баҳри Уммон анинг манзили,
Неча кунки маскан бўлуб соҳили.

Кема ул навоҳийда неким билиб
Борин ўрду оллинда ҳозир қилиб.

Кема ичра гоҳи мақом айлабон,
Жазойир била гаҳ хиром айлабон.

Тенгиз қатъ этиб фулки сойир била,
Гаҳи қатъи водий жазойир била.

Савоҳилда фатҳи билод айлабон,
Жазойир диёрин кушод айлабон.

Бу янглиғ қилиб қатъ ҳадсиз тенгиз,
Яна тоғ ила дашт андозасиз.

Ҳамул ергаким азм этиб эрди шоҳ,
Қилиб саъй еткурди хайлу сипоҳ.

Мадад айлабон лутфи бори анга,
Макон бўлди Мағриб диёри анга.

Бу иқлимни ҳам юруб қилди фатҳ,
Миниб рахши давлат, суруб қилди фатҳ.

Басе шаҳри аъзамға берди кушод
Ки, Мағрибзамин келди аъзам савод.

Ҳамул шаҳрлар шоҳи солиб шанеъ,
Қабул айлабон мол бўлди мутеъ.

Қилиб шоҳ Мағриб замин гаштини,
Бийик тоғи бирла очуғ даштини.

Не манзилғаким етти бўлмай сабур,
Қилур эрди манзил-баманзил убур.

Ки, чун бўлди манзури бу марзу бум,
Назар айлагай ул дам ақсои Рум.

Ва лекин бу иқлим аро кўп ажиб,
Бўлур эрди ҳар лаҳза кўрмак насиб.

Табиат ғаройибқа қонеъ бўлуб
Ки, ул Рум азмиға монеъ бўлуб.

Ҳамул жумладин бир бу эрдики шоҳ,
Қилур чоғда ул марзни жилвагоҳ.

Етишти анингдек биёбон аро
Ки, ҳавли солур эрди ўт жон аро.

Тутуб даштни ит киби жонвар,
Вале борчаға мўр янглиғ сувар.

Аёғу илик борча андоққи мўр,
Вале шери дарронча ҳар бирга зўр**10**.

Алар ичра ҳар кимсаким сурди от,
Анга мўрлар қилдилар ҳамла бот.

Чу ошуб ила ҳамла кўргуздилар,
Ани бир-биридин равон уздилар.

Анингдекки, қолмай нишони анинг,
Ер устида бир қатра қони анинг.

Чу бу ерга етти шаҳи ҳушманд,
Деди: «Сурмасун кимса ул ён саманд».

Ҳамул ер элидин савол айлади,
Бу маънида кўп қийлу қол айлади.

Дедиларки: «Бир навъ ердур бу марз
Ки, солур тасаввур ани жонға ларз.

Бу водий эрур бир йиғоч урса зўр
Ки, анда солур шўр бу навъ мўр.

Булардин нари водиедур назиҳ,
Назоҳатда боғи Эрамдин фазиҳ.

Гуруҳедурур анда оромгир
Ки, бу элга ул қавмдиндур нафир.

Қаю қавм, Тенгри балоси алар,
Жаҳон ганжининг аждаҳоси алар.

Қавий ҳайкал, андоққи, бир пора кўҳ,
Бирига ҳариф ўлмайин юз гуруҳ.

Қаю бир десанг ул қадар зўр анга
Ки, бу жонварлар келиб мўр анга.

Аларнинг тилин фаҳм қилмай киши,
Неким айтибон ҳарза, билмай киши.

Алардин нари борса ўн кунча йўл,
Келур водие ики тоғ, ики қўл.

Фалаксой ҳар тоғнинг хораси,
Солиб бўркни авжи наззораси.

Қизил олтун айлаб бири кўзга фош
Ки, хира қилиб кўзни мисли қуёш.

Яна бир келиб сарбасар сийми ноб,
Қамардек анга ламъау нуру тоб.

Бу махзанки, ҳар тошидур бебаҳо,
Бўлуб бу халойиқ анга аждаҳо.

Бу элга вале турфа уйқу эрур
Ки, кўп ўзларидин ажаб бу эрур

Ки, ҳар ўн кун ул қавм уйқудадур,
Жамеъи тараддуддин осудадур.

Чу ўн кун ўтар уйғанурлар бори,
Ўз аҳволиға айланурлар бори.

Топарлар яна ўн кун уйғоғлиқ,
Бу уйғоғлиқ уйқулари чоғлиқ.

Топа олур уйқу чоғи кимса даст,
Ҳамул деввашларга бермак шикаст.

Қутулмиш вале бимдин жонлари
Ки, бу мўрлардур нигаҳбонлари.

Алар ул хазойинға ганжур ўлуб,
Аларнинг нигаҳбони бу мўр ўлуб».

Таолиллоҳ, ул Сонийи зул-жалол**11**
Ки, сунъида ожиздур аҳли камол.

Ерур сунъи ҳушу хираддин фузун,
Не ҳушу хирад, балки ҳаддин фузун.

Чу шаҳ топти ул ишга огоҳлиқ,
Хираддин талаб қилди ҳамроҳлиқ.

Етишган мақомида қилди нузул,
Йиғилди жанобиға аҳли уқул.

Ки, қилғайлар ул ишга наззорае,
Дид[12] қилғайлар андишаи чорае.

Вале ул ажабларки пайдо бўлуб,
Кўнгул Тенгри сунъида шайдо бўлуб.

Кўнгулга бўлуб қисм мабҳутлуқ,
Хирадқа етиб ажзу фартутлуқ.

Қила олмайин чора ҳикмат била,
Қолиб ожизу лол ҳайрат била.

Кетур соқий, ул руҳ сармоясин
Ки, маъдум этай ақл пироясин.

Ки, қўл тутмади ақлу ҳикмат манга,
Вале қасди жон этти ҳайрат манга.

Муғанний, ғарибона ун чек ҳазин
Ки, манзилгаҳим бўлди Мағриб замин.

Сочай бошинг узра зари мағрибий,
Қуёш ерга мағрибда сочқон киби.

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!
Ватан ёди ранжидин озод бўл!

Агар Шарқу ғарб ўлса манзил санга,
Не ғам, ком агар бўлса ҳосил санга.

LXI

Басират кўзларин айнул-яқин куҳли ёрутқонлар бобидаким, қаён боқсалар офариниш ғаройибин мушоҳада қилурлар ва Мубдеъи корсоз ва Мухтареъи банданавоз сунъиға офарин айтурлар ва одами хокий хилқати сўзиким, «Хамиррту тината одама бияди арбаина сабоҳан» дастбурди била суратпазир бўлди. «Ва лақад каррамно бани одама» парвариши била тахти хилофатгир

Биров аҳли маъни деёлур ўзин
Ки, Ҳақ очмиш ўлғай басират кўзин1.

Не сурат ангаким бўлур ошкор,
Ани англаса сунъи суратнигор,

Қаю нақш аро кўрса бир чошни,
Анинг сонеъи билса наққошни.

Не пайкарки ороста кўрса ул,
Анинг пайкароройиға топса йўл.

Ғарази нақшдин бўлмаса нақшбанд,
Киши нақшдин бўлмағай баҳраманд.

Ўкуш нақшлар бирла чархи кабуд,
Кўрунган била нозириға не суд?

Тўқуз хонида юз туман моида,
Кўрунган била элга не фоида?2

Бу гулшандаким офаринишдурур,
Назар қилғучи аҳли бинишдурур

Ки, ҳар бир чаманким кўрар дилкушой,
Бўлур боғбониға фикратнамой.

Қаю нахлу бунким кўрар нозанин,
Қилур нахлбандиға юз офарин.

Не гул рангу бўйин кўруб турфа соз,
Топар санъати ичра бир ўзга роз.

Бу андозасиз коргоҳи васеъ,

Аросида бу боргоҳи рафеъ

Ки, турмуш муаллақ, анга йўқ сутун
Ки, эрмас сутун йўқлуғидин нигун.

Назар айлаган айламай изтироб.
Топа олмағай анда бир риштатоб

Ки, ул риштада бўлмағай санъате
Ки, то билмағай зимнида ҳикмате.

Ёрутқонға тавфиқ куҳли назар,
Қаён тушса кўз, ҳожат эрмас гузар

Ки, сунъ ичра бўлуб ғаройиб талаб,
Талаб ичра кўнглига солғай тааб.

Кишиким, ғаройиб қилур орзу,
Не лозимки қилғай юруб жустужў?

Гаҳи манзили бўлғай ақсойи Чин,
Гаҳи тортқай ранжи Мағриб замин.

Гаҳи Ҳинд мулкида бўлғай залил,
Таажжубда кўрмакка товусу пил.

Араб барриға гаҳ бўлуб тезгард,
Шутурмурғ кўрмакка водийнавард.

Назар қилса топқон басират кўзи,
Ерур бу боридин ажаброқ ўзи.

Ўз авзойиға боқса сар то қадам,
Топар айласа яхши андеша ҳам

Ки, не турфа тимсол эрур дилписанд,
Анинг зимнида маънийи аржуманд.

Бурун айлайин шарҳ тимсолини,
Дейин сўнгра маънисининг ҳолини.

Не тимсолким, дурри дарёйи жуд,

Не дарёу дур, сарви боғи вужуд.

Боши узра тожи хилофат келиб,
Ҳамул тож уза лаъли раъфат келиб3.

Жабинида пирояи шоҳлиқ,
Қоши узра туғройи огоҳлиқ.

Кўзидин аён нури айнул-яқин,
Сочида ниҳон тоби ҳаблул-матин.

Жамолида анвори шоҳаншаҳи,
Каломида эъжози Руҳуллаҳи.

Қўлидин гаҳи меҳри гардуннамой,
Гаҳи бармоғидин ики пора ой.

Қилиб тийнатин қудрат илги хамир,
Ҳамул қўл била шакли суратпазир.

Ҳақ ўз қудратин ошкоро қилиб,
Жамолин анинг оламоро қилиб.

Ҳакими азал турфа жисме ясаб,
Демай жисм, мушкил тилисме ясаб.

Тузуб ул тилисм ичра кўп тору пуд
Ки, эгнига солиб либоси вужуд.

Яна сунъ ила ўзга бир оламе,
Ҳақиқат аро ақлдин мубҳаме.

Бу эрди намудору тимсол анга,
Дейин эмди маънисидин ҳол анга.

Бу янглиғ тилисм ўлғоч ороста,
Тамом, ўйлаким моҳи нокоста.

Ҳакимеки айлаб анинг созини,
Ниҳон айлабон махзани розини.

Ҳамул ганжким топмай аҳли жаҳон,

Ани бу тилисм ичра айлаб ниҳон.

Чу ул ганжини анда мактум этиб,
Халойиққа сиррини маъдум этиб.

Кишиким бу ганжинаға топти йўл,
Жаҳон аҳлининг шоҳи ул бўлди, ул.

Дема ганжким, ети дарё дегил,
Не дарё, тўқуз чархи воло дегил.

Таолаллаҳ ул Холиқи моҳу меҳр,
Қаю моҳ ила меҳр, гардон сипеҳр

Ки, бир қатрада қилди дарё ниҳон,
Суҳо зимийда чархи аъло ниҳон.

Кишиким ғаройибдин истар насиб,
Нима топмоқ ўлғайму мундин ғариб.

ғаройибқа ҳар кимки хоҳон эрур,
Ҳам ўзинда мақсуди пинҳон эрур.

Не маъники истар ўзинда топор,
Жаҳонда кезарнинг не маъниси бор?

LXII

Ул болиғлар ҳикоятиким, сув истай Муҳит гирдобиға азм қилдилар, наҳанги фано туъмаси бўлғон замон сувдин айрилғонларин билдилар

Бировким бу дарёда ғаввос эди,
Манга нуктае дурр масаллик деди

Ки, дарёда бор эрди фавжи балиқ,
Сув топмоқ учун доим андешалиқ.

Аларға мудом орзу эрди сув,
Сув эрди аларға мудом орзу1.

Бўлуб иш бориға сув истар фани,
Дер эрдилар, улким, сув дерлар ани.

Не янглиғ экин таъму ранги анинг,
Қаю навъ сайру даранги анинг.

Дирамлар бўлуб танлари узра доғ,
Судин ҳеч топмаслар эрди сўроғ.

Деди бир болиғ, ул табу тоб аро
Ки: «Дерлар фалон тунд гирдоб аро.

Наҳангедурур солхўрду куҳун,
Бу дарёға сайр айлаган авжу бун.

Керакким, сувдин ул нишон англағай,
Бу, бас, турфа рози ниҳон англағай.

Анинг сори азм эттилар турмайин,
Сувнинг орзусида дам урмайин.

Қилиб саъй ул коми ноёбға,
Етиштилар ул тунд гирдобға.

Не гирдобким, чархи гардандадек,
Не игрим, сипеҳри наварандадек.

Сувнинг даврасиға етишгач бори,
Тушуб ҳар бири даврадин бир сори.

Болиғларни бутратти гирдоби бийм,
Анингдекки, тол яфроғини насим.

Бу ҳолатда чайқалди дарёйи жарф,
Падидор бўлди наҳанги шигарф.

Болиғларға тушганда дарди фироқ
Ки, бир-бирдин ўлмиш эдилар йироқ.

Борин ютти бир-бир наҳанги фано,
Ичи жавфида жамъ қилди яно.

Алар барча сувдин чу айрилдилар,
Бурун сувда эрконларин билдилар.

Надомат чиқорса фалак узра дуд,
Чу меъда ўти муҳриқ эрди, не суд?

Бўлурдин бурун бир-биридин биҳил,
Бўлур эрдилар барчаси музмаҳил.

Санга доғи ганжеки пинҳон эрур
Ки, табъинг вуқуфида нодон эрур.

Йўқ ул сенда пинҳонки, сен анда гум,
Жаҳолатдин аммо ишинг уштулум.

Еринг бўлса гирдоби баҳри ано,
Сени туъма қилғоч наҳанги фано.

Не суд ул дам ўлмоқ аён бу тариқ
Ки, матлуб аро бор экансен ғариқ?

Нетарсен тилаб ҳар ажойибқа йўл,
Ажойиб эрур сенда, огоҳ бўл!

Бурунроққи суд этмагай ҳар надам,
Ўзунгни билиб, йўлға қўйғил қадам.

LXIII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун инсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати идрокидин муарродур, нега сойир ҳайвонотдин мустаснодур

Яна сўрди фармондеҳи ганжпош:
Ки: «Ей, нуктада айлаган ганж фош,

Буким ашрафи халқ инсон эрур
Ки, Ҳақ сирри зотида пинҳон эрур.

Чу ул шамъдин равшан эрмас кўзи,
Ўзи ганжидин воқиф эрмас ўзи.

Недин бўлди бас илму ийқон аро,
Анинг бирла фарқ ўзга ҳайвон аро?»

Деди нуктапардози олий сифот
«Ки, инсон эрур мудрики куллиёт.

Ерур ўзга ҳайвон бу иштин бари
Ки, инсон эрур борчанинг сарвари».

Деди: «Билмаса улча мақсуд эрур
Ки, махфийдур ўзида не суд эрур».

Деди: «Улча бордур ўзида ниҳон,
Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон.

Вале мунча билмишки, билмайдурур,
Бу мақсуд даркини қилмайдурур.

Ўзи билмаси англағон сўзу дард,
Ани борча махлуқдин қилди фард.

Талаб ранжи-ю, топмамоқ шиддати,
Бўлубтур анинг мужиби шавкати.

Недин ўзгалар кўнглида тобдур
Ки, бу дарди ноёб-ноёбдур».

LXIV

Искандарнинг мўр хайлин шикор этгали сипоҳин тузотгони ва ул гуруҳи девсор девонавор етиб, анинг сипоҳи оллида саф тузотгонлари ва алардин бир сафшикан ики саф орасиға суруб, Искандар сипоҳининг сафдарларин ожиз этгани ва ул ғазолаи чиний шер суратида майдонға кириб, аждаҳошикорлиқ қилғони ва Искандар ғазоли чинийни оҳуйи ҳарам қилиб анинг сайдин лутф ила яна сайд этгони ва ул бориб ўз сайдлари била мажлисқа етгони

Аён айлаган нуктапошандалиқ,
Бу навъ этти коғазхарошандалиқ

Ки, чун сурдилар шоҳ хайли сутур,
Ҳамул ергаким, эрди ғавғойи мўр.

Чу шаҳ бўлди воқиф ҳамул роздин,
Тушуб топти таскин таку тоздин.

Қилиб аҳли ҳикмат била гуфтугўй,
Етиб чора ойинини жустужўй.

Муқаррар мунга қилдилар ройни
Ким, ул мавкиби кишвароройни

Ки, бордур ҳисоб ичра ҳаддин фузун,
Диловар эл анда ададдин фузун.

Қилиб неча дапқур сафоройлиқ,
Кийимдин қилиб зийнатафзойлиқ,

Юругайлар ул мўр даштиға тез,
Шикор этгали айлагайлар ситез:

Қалин мўр хайли не бўлғусидур,
Зарар сори майли не бўлғусидур?

Агар шер чоғлиқ аён қилса зўр,
Ерур шер – шер охиру мўр-мўр.

Биёбон чу ул мўрдин бўлса пок,
Юругайлар ул элга беваҳму бок.

Набард айлагайлар сипаҳ бирла шоҳ,
Анга тегруким фатҳ бергай Илоҳ.

Қуёш чунки мағрибда бўлди ниҳон,
Қалин мўрдек тийра бўлди жаҳон.

Шаҳ ул дашт аро қўнди қилмай ҳарос,
Вале мўрдин туттилар кеча пос

Ки, эл уйқусидин ешилган гала,
Ҳамул дашт аро бўлса ногаҳ яла.

Ани мўр хайли шикор этмагай,
Талашмоқ била тору мор этмагай.

Алам чекти чун субҳи гардунмаоб,
Юз очти шаҳи машриқий интисоб**1**.

Саф оройишин қилди дорои Рум,
Сипаҳ айлади мўр янглиғ ҳужум.

Яна наъразан бўлди аҳли масоф,
Яна кўс уни бўлди гардун шикоф**2**.

Сипоҳ аҳлиға тушти бир карру фар
Ки, офоқ аро солдилар шўру шар.

Ҳамул хайли ваҳший аро етти ун,
Соғиндилар, ўлмиш қиёмат букун.

Ҳамул ун сори еттилар беҳижоб,
Анинг сиррин англарға айлаб шитоб.

Чу ўттилар ул мўр саҳросидин,
Қомуқ пилдек пашша ғавғосидин.

Сипаҳдин тўла кўрдилар ер юзин,
Қаро айлабон даҳр тоғу тузин.

Солиб эл ғулуси жаҳон ичра шўр,
Анингдекким, ул дашт аро хайли мўр.

Чу саф кўрди ваҳший улус ҳар тараф.
Алар ҳам тузаттилар ўтруда саф.

Бори девпайкар, бори ғулваш,
Бори ғулбанду бори девкуш.

Келиб каргдек куч била, пилтан,
Вале ҳайъат ул навъким, аҳраман.

Кўз азрақ, сақол сориғу тийра юз,
Чиқиб борчанинг манглайидин мунгуз**3**.

Қулону кийик чарми – кисватлари,
Аларнинг эти бирла қутлари.

Тутуб қўлға ҳар қайси бебок дун,
Оғир чўбдасте, нечукким сутун.

Темур бирла қуллоб сархам қилиб,
Йиғочларнинг учиға маҳкам қилиб.

Аларға ҳамул бас келиб сози ҳарб,
Анинг бирла-ўқ айлаб оғози ҳарб.

Бу ҳайъат била туздилар чун ясол,
Аду ичра минг деви ваҳшийфиол.

Бири кирди майдон аро кин ила,
Сўз айтиб ўзи билган ойин ила.

Мубориз тилаб тўккали қонини,
Раҳовард учун олғали жонини.

Бу ёндин доғи сурди хоротане,
Тани хораваш бирла кўҳафкане.

Шаҳ оллида кўп ерда қилғон набард,
Адувдин чиқорғон сипеҳр узра гард.

Ҳарифича жисмининг андозаси,
Вале андин ортуғроқ овозаси.

Ўзи пилпайкар, оти каркадан,
Вале каркаданким, эрур карктан4.

Лақаб Раъд5 анга аҳли пархош аро,
Вале раъддек ер тутуб тош аро.

Чу майдон аро кирди гурди далер,
Анингдекки аждар масофиға шер.

Ғаними ҳам онинг сори қилди майл,
Анингдекки, хоро сори тунд сел.

Етишгач бири бирга айландилар,
Ики қулладек ишга қатландилар.

Бири бирга зарб урдилар беадад,
Вале лаъб ила борчаси бўлди рад.

Юруб оқибат ваҳшзоди ҳарун,
Анинг сори солди гажаклик сутун.

Гажак маҳкам ўлғоч, чекиб қилди паст,
Анингдекки берк ўлса моҳиға шаст[6].

Кейин боғлади қўлларин чунки руст,
Гажак бирла тутти отин доғи чуст.

Чу топшурди ўз хайлиға ул асир,
Мубориз тилаб ёна чекти нафир.

Яна пурдиле кирди майдонға тунд
Ки, гурзидин эрди қаё тиғи кунд.

Қаёдек белида камар узра тиғ,
Камардин адув чопқали бедариғ.

Қаё янглиғ остида кўҳпайкаре,
Вале пўяда ўйлаким сарсаре.

Дегил қулла узра балое миниб,
Ва ё тоғ уза аждаҳое миниб.

Лақаб Қаҳқаро[7] деб анга аҳли кин,
Ери Қирвон, зоди Машриқ замин.

Равон киргач-ўқ солди ваҳшийға от,
Анга аҳраман қилмади илтифот.

Яна кин ўти бўлди андоқ баланд
Ки, гардунға бим эрди етгай газанд.

Гаҳи бу ёниб тунд, ул кирса тез,
Гаҳ ул тез ёнғоч, бу айлаб гурез.

Гаҳи ҳамлалар айлабон рўбарў,
Рад айларни фавт этмайин мў-бамў.

Яна ваҳший олиб анинг тобини,
Солиб эгнига чекти қуллобини

Ки, маркабдин ўлди нигун Қаҳқаро,
Йиқилди қаро гарду туфроқ аро.

Ани доғи руст айлабон девзод,
Ғаним истаю айлар эрди инод.

Яна бир киши кирди кўшиш чоғи,
Ул икидек ўлди асир ул доғи.

Яна кирди ҳам зоҳир айларга куч,
Гирифтор бўлди нечукким ул уч.

Бу янглиғ ўн уч гурди размозмун,
Кириб бўлдилар деввашқа забун.

Қошиға неча паҳлавони замон,
Етишмак ҳамону – тутулмоқ ҳамон.

Анга ҳар кишиким мубориз эди,
Етишган дам илгида ожиз эди.

Яна қичқурур эрди истаб ғаним,
Вале андин эл кўнглида эрди бим.

Ҳаросон бўлуб халқ майдонидин,
Кеча олмайин бежиҳат жонидин.

Бу иш солибон шоҳ кўнглиға тоб,
Мизожида зоҳир бўлуб изтироб.

Қила олмайин элга ҳукми аниф,
Набард айла, дебким, шаҳ эрди ҳариф**8**.

Боқиб турса, ваҳший басе ҳарза деб,
Шаҳ ул ишда номусдин ғусса еб

Ки: «Бу шумлардин бири бўлса бу,
Киши найлагай барча қилса ғулу?»

Гаҳи йўл топиб кўнгли ичра ҳарос,
Тутуб лек ҳикмат тариқини пос.

Етиб кўнгли ҳолиға юз минг газанд,
Такаллуф била айлабон заҳрханд.

Вале дев ёнмоқ ҳавас қилмайин,
Ҳамул шўру ғавғони бас қилмайин.

Бу ҳолатда бир чобук айлаб шитоб,
Ёпиб орази узра чиний ниқоб.

Нечукким қуёш кўкда по то ба фарқ,
Қуёшдек бўлуб кўк темур ичра ғарқ.

Сипеҳр узра меҳри жаҳонтобдек,
Қилиб жўш ер узра сиймобдек.

Саманди уза чобуки паҳлавон,
Солиб чиниоҳанг баргуствон.

Тутуб чин-бачин қўлда печон каманд,
Осиб хўдидин шуққа чиний паранд.

Саманди олиб барқдин тезлик,
Ўзи чархдин таври хунрезлик.

Кириб чун тарид этти ҳар сори фош,
Яқинроқ суруб шаҳға индурди бош.

Чу шаҳ оллида қилди арзи ниёз,
Ёниб қилди ваҳший сори турктоз.

Не шаҳ тониб они, не хайлу сипоҳ,
ғамидин чекиб халқ пинҳоний оҳ

Ки: «Бу навъ зебо йигит юз дариғ
Ки, қилғай бу ваҳшийдин ошом тиғ!»

Вале ул қилиб хасм бирла набард
Ки, рахши сочиб чархи гардонға гард.

Егармак била рахши айлаб шитоб,
Солиб аҳраман жисмиға изтироб.

Ани музтариб айлабон тобдин,
Ўзин асрабон лек қуллобдин.

Бири ер, бири чархи даввордек,
Сукун бирла сайр ичра паргордек.

Чу пархошидин хасм бўлди нажанд,
Анга ташлади ўйла печон каманд

Ки, бўйни била бир қўлин қилди руст,
Ани судраю шаҳ сори сурди чуст.

Чекардин танин нотавон айлабон,
Бўйин туфроғ ичра ниҳон айлабон.

Тани рахши остида помол ўлуб,
Ўзи судралур бирла беҳол ўлуб.

Шаҳ оллиға чобуксувори далер,
Етиб, секрибон оттин андоққи шер.

Чекиб тийра туфроғ уза сайдини,
Валек айлабон руст анинг қайдини.

Шаҳ андоқ ул иштин тарабнок ўлуб
Ки, гарди тааб кўнглидин пок ўлуб.

Равон ёнди ошубу ранжи итиб,
Келиб тушти ўз хайлини беркитиб.

Сипаҳ бўлди хандақ аро, ўйла берк,
Топа олмағудек анга чарх эрк.

Тушуб шоҳ рахши сипаҳгардидин,
Илик, юзни юб размгаҳ гардидин.

Кириб боргоҳ ичра Жамшидвор,
Бўлуб бахту давлатдин уммидвор.

Тузуб мажлис аҳли била анжуман,
Равон истабон гурди ваҳшийфикан.

Чу киргач эшикдин яли шергир,
Чекиб мадҳида мажлис аҳли нафир.

Ани истаб Искандари Файлақус,
Қучуб бўйнини, ул қилиб пойбўс.

Иноят басе ошкор айлабон,
Бошиға жавоҳир нисор айлабон.

Кўп этти чу лутфу карам ошкор,
Деди: «К-ей, адувбанд, ваҳшийшикор,

Ўзунгни аён қилки, кимсен, равон
Ки, шавкунг сенинг биздин олди тавон!»

Чу чобук жамолидин олди ниқоб,
Дегин чиқти миғ остидин офтоб.

Ҳамул шўхи чининажод эрди ул,
Ҳамул чобуки ҳурзод эрди ул

Ки, шаҳға чекиб эрди Хоқон ани,
Қилиб васф беҳадду поён ани

Ки: «Ҳусн ичра хуршиди тобон эрур,
Яна Зуҳра янглиғ хушилҳон эрур

Булар борча бир ёну, бир ён бу
Ки, майдон аро бордурур кинажў»**9**.

Скандарга хуш келмайин бу сифот,
Анга айламайдур эди илтифот.

Уну ҳусни беҳадду поён эди,

Вале кин ила разми пинҳон эди[10].

Бу чоққа дегин истар эрмиш маҳал
Ки, бир ерда юзланса кину жадал.

Шаҳ оллинда жонин нисор айлагай,
Ҳунарким билур – ошкор айлагай.

Бугун кўрдиким, дармаҳалдур басе,
Ки, давлат ишига халалдур басе.

Ўзин солди бу навъ майдон аро,
Адувсин асир этти жавлон аро.

Скандар чу билдики ул ой эрур
Ки, хуршиддек оламорой эрур.

Дебон Тенгри сунъиға юз офарин
Ки, лутфи анга қилди нусрат қарин.

Дедиким: «Жамолиға ёпсун ниқоб
Ки, қилмас тун оқшом тулуъ офтоб.

Шабистонға турмай хиром айласун,
Шаҳ уйқусин анда ҳаром айласун».

Чу ул шамъ кирди шабистон сари,
Ҳамул навъким сарв бўстон сари.

Тилаб шоҳ мажлисоро руду май,
Тузуб расму ойини Ковусу Кай.

Тараб сори азм айлади ком ила,
Топиб коми дил дам-бадам жом ила.

Чу майдин анга гарм бўлди димоғ,
Тараб бирла бошиға чиқти аёғ.

Талаб қилди тутқунни мажлис аро,
Ки, сургай анинг бирла бир можаро.

Киюрдилар ул навъким аҳраман,
Шукуҳ олдилар шаклидин анжуман.

Салосил аро маҳкам аъзо анга,
Кишидин етишмай мувосо анга.

Кўруб шоҳ андоқ гирифтор ани,
Ики пилча зўр ила зор ани.

Деди, олдилар бандин аъзосидин,
Кўнгул фориғ этти анинг посидин.

Чу банд олдилар эҳтиром айлади,
Сарир ўтрусида мақом айлади.

Бурун деди келтурдилар кўп таом
Ки, меҳмонга етти ғизо бирла ком.

Яна бердилар жилва жоми шигарф,
Тўла майдин, андоққи, дарёйи жарф.

Чу бир жомни меҳмон қилди нўш,
Аёқчи, кўрунг турфаким, тутти қўш.

Ики жомни чунки нўш айлади,
Шаҳ алтофидин кўнгли жўш айлади.

Яна шоҳ берди каёний қадаҳ
Ки, жониға еткурди юз минг фараҳ.

Ҳар инъомким шоҳдин бўлди фош,
Қўюб мунъим оллинда ҳар лаҳза бош.

Солиб ул камоли навозандалиқ,
Анинг бўйниға рибқаи бандалиқ**11**.

Ани май чу беихтиёр айлади,
Ўпуб ер, бу сўз ошкор айлади.

Ки: «Мен ваҳшиймен биёбонниҳод,
Атодин ато ваҳшию ваҳшзод.

Йўқ андоқ тилимким санонг айтсам,
Сен этгонга лойиқ дуонг айтсам.

Вале нуктаедур ниҳоне манга,
Дейин, гар десангким: «Де они манга».

Деди шаҳки: «Ҳар не каломингдур – айт,
Каломингни, андоққи комингдур – айт»

Деди ваҳшиёйини девонаваш,
Чу ифрот ила эрди паймонакаш

Ки: «Сендин кўп ўлди навозиш манга.
Емас эмди подоши оз иш манга.

Ва лекин қўлумдин келур мунча иш
Ки, қилғаймен оллингда ўлгунча иш.

Жанобингдин айрилмағаймен даме,
Хилофингға иш қилмағаймен даме.

Вале билки, мен бу улус хонимен,
Туну кун аларнинг нигаҳбонимен.

Чу кўрдум сипоҳингни андоққи мўр,
Етишгай дебон қавму хайлимға зўр.

Аларнинг жафосин тутуб жон аро,
Ўзум кирдим ул лаҳза майдон аро.

Не айлай ҳамул ишлар ифшосини
Ки, сен айламишсен тамошосини.

Бу дамким жанобингға бўлдум асир,
Худ ўлди саодат манга дастгир.

Сиёсат қиличин манга сурмадинг,
Мени ўлтурур ерда ўлтурмадинг.

Яна мунча қилдинг иноят манга,
Карам айладинг бениҳоят манга.

Бу дам гар ижозат берурсен, борай,
Келай, ўйлаким бир ишингга ярай.

Мени соғиниб бастаи ғам бу дам,
Ерур қавму хайлимда мотам бу дам.

Сенинг давлатингдин борин шод этай,
Борин ғусса бандидин озод этай».

Борурға шаҳ этти ишорат анга,
Етишгач бу янглиғ башорат анга.

Ер ўпти, ўзин айлабон ерга паст,
Қўпуб тебради ўйлаким пили маст.

Кўрунуб ажаб шоҳнинг ул иши,
Дебон бир сўз ўз кўнглида ҳар киши.

Сўз айтурға ҳар кимса айлаб ҳавас,
Вале топмайин кимса ул дастрас.

Келиб ҳикмат аҳлиға ҳам бас ажиб
Ким, ул бир иш эрди бағоят ғариб.

Вале шоҳ хандону хушҳол эди,
Ул андешадин фориғулбол эди.

Неким қилса иқбол талқин анга,
Ани айламак эрди ойин анга.

Бўлур эрди ҳар кимсага бир гумон
Ким, ул қиссадин ўтти мумтад замон.

Ешик аҳлиға тушти шўру шағаб,
Кириб келди ул ваҳшийи булъажаб.

Ҳамул паҳлавонларки тутмиш эди,
Улус кўнглин ишдин совутмиш эди.

Ўзи бирла келтурди борини хуш,
Равон қилди шоҳ олдида пешкаш.

Қулоғ туттию ерга қўйди юзин,
Алардек қули қилди шаҳнинг ўзин.

Шаҳ ул қиссадин бўлди, бас шодмон,
Не шоҳи замон, балки яхши-ёмон.

Анга лутф этиб шоҳи олийсифот,
Яна ошкор этти кўп илтифот.

Гирифторларким халос ўлдилар,
Яна шоҳ базмиға хос ўлдилар.

Чу шаҳ боқти лутф айлабон ул сари,
Бири бор эди Бориқи Барбарий.

Иноят била ул карам маъдани,
Борин қучти истаб, батахсис ани.

Насиб ўлди маҳжурларға висол,
Бўлуб васлдин борча осудаҳол.

Ул оқшом бори майпараст ўлдилар,
Борин уйқу бости, чу маст ўлдилар.

Аёғчи, бу дам тут манга бир аёғ
Ки, ҳижрондин ўлди мушавваш димоғ.

Замоне бўлуб дафъ қайғу манга,
Магар соате келгай уйқу манга.

Муғанний суруди висол айла соз
Ки, ҳижронда кўп топти жоним гудоз.

Анингдекки, ул қавм топти висол,
Манга ҳам насиб айлагай Зулжалол!

Навоий, висол одамий комидур,
Ҳаёти абад васл айёмидур.

Қачон васл топсанг насиб асра дам,
Агар бир дам ўлсунки, тут муғтанам**12.**

LXV

Ҳажр шоми тийралиги таърифидаким, бало дўзахининг дуди анинг жанбида тараб биҳиштининг сунбули бўла олғай ва ул шомда рўзгори қоморғонлар шарҳи ҳоли ихтилоликим, субҳи васлдин кўзлари ёрумайдур, хусусан, бу варақ юзин қаро қилғоннинг ҳоли ва васл гавҳари шабчароғининг жаҳонтоблиғи ва гавҳари шабчароғ васлидек ноёблиғи

Хушо улки, гар чекса юз йил фироқ,
Даме васл тушгай анга иттифоқ.

Неча кимса ҳижронда чекса алам,
Агар оқибат васл топса, не ғам?

Нечаким фироқ офати жон эрур,
Анга сўнгра васл ўлса осон эрур.

Бировким анга бўлса махмурлуқ,
Етар жисму жониға ранжурлуқ.

Вале базм аро чун қадаҳнўш ўлур,
Бори дарду ранжи фаромуш ўлур.

Ажаб умр эрур рўзгори фироқ
Ки, юз қатла андин ўлум яхшироқ.

Ҳаёти абад – васл айёмидур
Ки, жон қутию хотир оромидур.

Ерур шомдек тийра айёми ҳажр,
Не бўлғай, хаёл айлагил, шоми ҳажр?

Анинг шомини жоннинг офоти бил,
Бало сояси, марг зулмоти бил.

Қаро кун мисолу намуди ҳам ул,
Ажал ўтининг тийра дуди ҳам ул.

Агар қилмади дудлиғ расми фош,
Недин дойим андин тўлар кўзга ёш.

Қаро кун мисоли гар эрмас яқин,
Недин хасталар кўнглин айлар ҳазин.

Фироқ ўлмаса ошиқи нотавон,
Боғир порасин кўздин этмас равон.

Агар ҳажрдин кўрмаса рустахез,
Қачон куйгай эрди бўлуб ашкрез.

Қуёш ҳажридин бўлмаса дарднок,
Яқосини субҳ этмагай эрди чок.

Магар гулдин ўлди йироқ лолалар
Ким, ўз бағрини қилди парголалар.

Фалак бўлмади чунки хуршидсиз,
Булутдин недин ости бўйниға киз.

Булут бағрин ой ҳажри гўё сўкар,
Недин йўқса ашкини юммай тўкар?

Сулаймонсиз ар қилмади сўг фош,
Нигин не учун урди кўксига тош?

Магар тоғ Фарҳодсиз жон чекар,
Садодин нега йўқса афғон чекар?

Қолиб дашт Мажнуни жонкоҳдин,
Юзин йиртти гўйи шаҳроҳдин**1**.

Фироқ ичра куйдурди булбулни гул,
Ерур кул, эмас ранги андоқки кул.

Қилур ҳажр кул жисми ғамнокни,
Не тонг ўртаса барқ хошокни?

Биров англағай ҳажр ўти ҳирқатин
Ким, ул чекмиш ўлғай биров фурқатин.

Сўр андин ғами ҳажр қайғусини
Ки, бир шоми ҳажр олди уйқусини.

Киши дам-бадам куймак эрмас йироқ
Ким, ул мендек ўлғай асири фироқ.

Боғир қонидин бўлди рангин ёшим,
Фироқ ичра то тушти мунглуғ бошим.

Киши мендек озурдажон бўлмасун,
Фироқ илгида нотавон бўлмасун.

Фироқ ичра элга неча маҳл эрур,
Чу васл ила бўлди бадал, саҳл эрур.

Ниҳоятсиз ўлди манга бу малол
Ки, йўқ шоми ҳажримга субҳи висол.

Фироқ илгидин элгаким жаврдур,
Анинг бу балоси неча таврдур:

Бири олам асбоби ҳижрони бил,
Муассир жаҳон аҳлиға они бил.

Бири айру тушмаклик аҳбобдин,
Киши бағри ўртанмак ул тобдин.

Бири доғи ҳажри қаробат эрур
Ки, жон ичра андин маҳобат эрур.

Бир улким етиб ишқдин хасталиқ,
Биров жониби бўлса дилбасталиқ.

Бори ҳажр эрур худ уқубат била,
Ва лекин эмас бу суубат била**2.**

Буларнинг боридин эрур саъб ул
Ки, мақсуди аслиға гум бўлса йўл.

Мангаким ичим ҳажрдин зордур,
Бурунғидин ўзга бори бордур.

Биридин бўлур бетаҳаммул киши,
Бори бўлса кўрким, не бўлғай иши?

Вале бўлмағай андин ортуқ тараб
Ки, солғонда жон ичра ҳижрон тааб.

Киши васл давронидин топса баҳр,
Бадал бўлса ул нўш бирла бу заҳр,

Ани шарбати зиндагони дегил,
Десанг умри жовид, они дегил.

Илоҳи бу давлатдин урсанг навид,
Навоийни ҳам қўймағил ноумид.

LXVI

Мажнун ҳикоятиким фироқ тоғи оғирлиғидин ўзни тоғдин ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб ва қосиди камарин тутуб ташламоққа қўймади

Ешиттимки, Мажнуни1 саҳронавард
Ки, бошдин-оёғи эди сўзу дард.

Неча вақт Лайлидин эрди йироқ,
Танин сизғуруб эрди доғи фироқ.

Ҳамул шуълаи шавқ туғёнидин,
Кечиб эрди андуҳлиғ жонидин.

Чу ҳижрон аро қолмади тоқати
Ки, муҳлик эди ёрининг фурқати.

Чиқиб Нажд2 уза бўлди наззорагар,
Бу навъ ўлди ул ҳолиға чорагар

Ки, мажнунлуқ ошубини бошлағай,
Ўзин ул камардин қуйи тошлағай

Ки, бу навъ ўларни асири фироқ,
Кўрар ҳажр бедодидин яхшироқ.

Камар устига келди зору жунун

Ки, ўзни қуйи ташлағай сарнигун.

Бу ҳолатда бўлди аён қосиди
Ки, Лайли анга нома ёзмиш эди.

Келиб берди дилдорининг номасин,
Совуқ қилди ул гарм ҳангомасин.

Кўнгул нома маҳви қилиб кўзни ҳам,
Қаёни унутти демай, ўзни ҳам.

Бўлуб ул битик ҳирзи жони анга,
Ўлумдин қутулмоқ нишони анга.

Неча йил анинг бирла хурсанд эди
Ким, ул руқъа жониға пайванд эди.

Қачон нома бўлса тирикликка дол,
Ҳаёти абад берса, тонг йўқ висол.

LXVII

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, ёлғузлуқ мужиби жамъиятдурур ва жамоат мужиби тафриқа, бас недин ҳажр мардуддурур ва васл маҳбуб

Яна сўрди донойи ҳикматсиришт
Ки: «Ей ақлу ҳикмат санга сарнавишт,

Чу ғавғони мамнуъ тутмиш хирад,
Нединким, ул элга кўп ўлди адад.

Алар иштиғолини улким сиқа,
Демишким, эрур мужиби тафриқа.

Қачон бўйла бўлғач, бас ул яхшироқ
Ки, табъ ихтиёр этгай элдин қироқ.

Чу ҳижронға ҳуш аҳли толибдурур,

Недин табъ вуслатқа роғибдурур?»

Тааммул била бихради нуктадон,
Бу навъ ўлди шоҳ оллида нуктарон

Ки: «Касратни гар ақл манъ айламиш,
Адоват дурур ишқу ақл ичра иш.

Қаю ишниким, ишқ айлар писанд,
Емас ақл манъ айламак судманд.

Неча бўлса элга хирад раҳнамой,
Ҳар ишта тариқи муважжаҳнамой.

Вале ишқдин чунки ошуб ўлур,
Хирад хайли анда лагадкўб ўлур.

Яна улки, инсонға аҳли тамиз,
Билурким, нима жондин ўлмас азиз.

Вале зумраи ишқ жононини,
Кўп ортуқ кўрарларким ўз жонини.

Ерур жонсиз ўлмоқ ўлумдин хатар,
Вале онсиз ўлмоқ – ўлумдин батар.

Бўлур чоғда жондин баданға фироқ,
Келур кимса табъиға албатта шоқ.

Бу ойин ила табъ мажбул эрур
Ки, севгай ҳаётин, бу маъқул эрур.

Қаю кимсаким, жондин ўлса аҳаб,
Не тонг айламак жондин ортуқ талаб».

Жавобин топиб шоҳи донишқарин,
Деди нуктавар жониға офарин.

LXVIII

Искандарнинг Мағриб диёри фатҳидин сўнгра Румға азм этганида Яъжуж зулмидин Қирвон навоҳиси халқининг тазаллум қилғони ва

анинг ул бало рахнасини беркитгали сад тарҳи солғони ва муҳандисваш меъморлар ва ҳандасаойин сангкорлар шиҳобкирдор ража била сад ўрниға ранг тўкмак ва Аториdхаёл устодлар ва Зуҳалосор ҳаддодлар гач ўрниға рўйи маҳлул ва оҳак ерига пўлоди масқул қуюб сад учин фалак тоқиға етгурганлари

Дабири рақамсанжи фархундарой,
Бу навъ ўлди кофур уза мушксой

Ки, чун олди шоҳи сипеҳриҳтишом,
Бори мулки мағрибни андоққи ком.

Ҳамул булъажаб хайлу нодир гуруҳ
Ки, фикридин эрди халойиқ сутуҳ.

Алар сарфарозиким эрди асир
Ки, шаҳ лутфи бўлди анга дастгир.

Мутеъ ўлдию қуллуқ этти қабул,
Йўқ улким, бори хайли ҳам бўлди қул.

Шаҳ ул мўрларни қилурға ҳалок
Деди: «Отланиб халқ беваҳму бок,

Тузуб чарга, солсунлар ул навъ шўр
Ки, ул дашт аро қолмасун жинси мўр».

Ҳамул хайли ваҳший қилиб илтимос,
Дедиларки: «Ей шоҳи гардунасос!

Алар бўлмай, эмин эмас жонимиз
Ким, ул мўрлардур нигаҳбонимиз

Ки, оғирдурур бизга уйқу басе,
Қулоқ солки, аъжубадур бу басе

Ки, ўн кеча-кундуз таку пўдабиз,
Яна ўн кеча-кундуз уйқудабиз.

Чу уйқуға бордуқ алардур ҳисор,
Ёвутмаслар элни ямину ясор2».

Шаҳ ул нуктадин бармоғин тишлади,
Алар қатлин ул элга бағишлади.

Яна истади кўрмак айлаб юруш,
Ики тоғким эрди олтун-кумуш.

Дедилар ҳамул қавм айлаб дуо
Ки: «Бўлса унут яхши, бу муддао

Ким, ул теграга бормоқ осон эмас,
Не осон эмас, балки имкон эмас

Ки, ўн кунчилик йўлдур ул ики тоғ,
Бу ердинки, ҳоло, қилурсен суроғ.

Вужуди анинг бизга бордур яқин,
Вале кўрмамишбиз, десак сўзни чин.

Не биз кўрмаги бирла топтуқ мурод,
Не биздин улуғлар доғи берди ёд.

Нединким, йўлида хатар кўптурур,
Юз урғон кишига зарар кўптурур.

Топилмас ети кунчилик йўлда сув,
Гиёҳики бутмишдур – эрур оғу.

Исиқ хайли ул навъ айлар ҳужум
Ки, эсгач насим анда айлар самум.

Қилур қайси елким эсар муътадил,
Агар бор эса аждаҳо музмаҳил.

Яна қолғон уч кунчилик йўлки бор,
Йилондур ҳамул дашт аро улки бор.

Ерур кафчау, афъию жаъфари,
Бўлуб ҳар бир ул ганжнинг аждари.

Аларға туман мингдин ортуқ адад,
Туман минг демай, балки беҳадду ад**З**.

Агар пашша бўлса аларға залил,
Бўлуб етса бир ниш, андоқки пил.

Йилон бордур анда – эшитгил бу сўз
Ки, одам ўлар, чун анга солса кўз.

Ерур бу балиятдин ўтмак маҳол,
Неким айладук шарҳ, бу эрди ҳол».

Шаҳ ул сўзни чун истимоъ айлади,
Ҳамул ён борурға видоъ айлади.

Деди: «Ул тараф азм этардин мурод,
Тамошодин этмак эди ўзни шод.

Емас эрди мақсуд олтун-кумуш
Ки, бўлғай киши мунча меҳнатқа тўш.

Тамошоға йўл чунки боғлиқдурур,
Анинг азми тарки яроғлиқдурур.

Тамошодин ар бўлди қатъи назар,
Не ҳиммат бўлуркум, тилаб сийму зар.

Бу нақд истай ўлмоқ равон ул тараф,
Вале нақди жонини қилмоқ талаф?»

Чу ул азмдин фориғ ўлди билкул,
Ул эл илтифотиға қўйди кўнгул.

Карам айлаб этти риоят басе,
Бори топти шаҳдин иноят басе.

Аларни маконiға озим қилиб,
Неча кимса лекин мулозим қилиб.

Ўз оллинда асраб ғаробат учун,
Ешикда шукуҳу маҳобат учун.

Чу мағрибни осудаҳол айлади,
Яна азми савби шимол айлади.

Тенгиз айлабон қатъу тоғ артилиб,
Юрур эрди йўл Рум азми қилиб.

Ҳамул турки чин[4], йўққи чиний ғизол
Ки шерафкан эрди қилурда жидол.

Солиб шоҳ кўнглига ўз шавқини,
Чекиб бўйниға зулфининг тавқини.

Бўлуб шоҳ матлубу марғуби ҳам,
Не матлубу марғуб, маҳбуби ҳам.

Анинг бирла тун-кун бўлуб журъакаш,
Борур эрди ўз мулкига шоду хуш[5].

Гузаргоҳи Русу диёри Фаранг,
Қаю ерга етгач, ўтуб бедаранг.

Ўтар чоғда мобайни ғарбу Шимол,
Тилаб дод жамъе парокандаҳол.

Ўкуш нола айлаб тазаллум била,
Сўруб шоҳ аларни тараҳҳум била.

Дедиларки: «Шоҳо, жаҳондор бўл,
Қадар қудрату чархмиқдор бўл!

Жаҳон мулкига бердинг ободлиғ,
Жаҳон аҳлиға адл ила шодлиғ.

Диёреки адлинг анга етмамиш,
Диёр аҳлини шодмон этмамиш.

Ҳамоноки бу марз ила бум эрур,
Доғи бу неча зору мазлум эрур».

Деди шаҳ: «Бу кишвар нединдур хароб,
Елига недин тушти бу изтироб?»

Дедиларки: «Бу мулкнинг бир ҳади,
Ҳамоно эрур Қирвон сарҳади[6].

Ким, ул мулк ғарбиға мойилдурур,
Аро ерда бир тоғ ҳойилдурур

Ким, ул тоғдин нари офот эрур,
Ул офотдин нари зулмот эрур.

Бу навъ этти воқиф хабар бергучи
Ки, зулматнинг андиндурур бир учи.

Ерур тоғу зулмат аро водие
Ки, йўл элтмас ул тараф ҳодие.

Не зулмат – жаҳаннам, не водий – сақар
Ки, яъжуж хайлиға бўлди мақар.

Не яъжужким, юз туман, минг бало,
Биз ул юз туман минг балодин жало**7**.

Аларни Ҳақ ўз қаҳридин халқ этиб
Ки, кўп элга бедод алардин етиб.

Ерур ишларин васф қилмоқ маҳол
Ким, ул васфдин нутқ эрур гунгу лол.

Тааддуд аро йўқтурур сонлари,
Яна сонсиз ойини нуқсонлари.

Қад узра ёйилмиш пароканда соч,
Бири бир қаришдур, бири ўн қулоч**8**.

Дема соч, хошоку хас маъдани,
Либос андин айлаб боринг тани.

Қулоқ ики ёндин бўлуб бирга жуфт,
Нажас танларин кўздин айлаб нуҳуфт.

Келиб ғул бармоғи бармоғлари,
Вале дев тирноғи тирноғлари.

Ёмон юзлари ранги беҳад сариғ,
Қизил туклар анда сафодин ариғ.

Биайниҳ кўз андоққи – маймун кўзи,
Вале шум ҳар қайси малъун кўзи.

Бурун ичларин тил била пок этиб,
Топиб лаззат, ўзни тарабнок этиб,

Анингдекки, мабраз аритурда эл,
Солурлар ани холи айларга бел.

Оғиздин тўнғуздек чиқиб ики тиш,
Вале ерни қозмоқ алар бирла иш.

Не ерники ул тишлар этти табоҳ,
Қиёматқача бутмай андин гиёҳ.

Такаллумда ҳашв улча имкон келиб,
Оғиз барчасида занахдон келиб.

Тушуб ҳар бирининг ики эмчаги,
Ва гар худ тишиси, ва гар эркаги.

Ҳамул тоғ ундур, анингдекки, ваҳм
Қила олмойин кўктин авжини фаҳм.

Ики юз анга софу йилмон қаё,
Нима бутмай андин нечукким иё.

Ики ёниким ҳеч топмай гусил,
Бўлуб Қоф атрофиға муттасил.

Бу мобайн аларнинг тарабхонаси,
Бу тоғ ўйлаким Қоф домонаси.

Вале давраким бўйла кўргузди Қоф,
Топиб насх қофи киби ҳар шикоф.

Бўлуб фосил ул тоққа бир дара,
Убур этгали ул гуруҳи шара.

Алар йилда солиб ики қатла шўр,
Чиқиб тоғ шикофидин андоққи мўр.

Бизинг шаҳру водий сори ёйилиб,
Не бедодким мумкин ўлғай, қилиб.

Келур чоғ алар, биз фирор айлабон,
Ватандин жало ихтиёр айлабон.

Боримизға ул навъ бечоралиқ,
Солиб тоғу водийда оворалиқ.

Неким топиб ул қавм талон этиб,
Бори шаҳру кишварни вайрон этиб.

Киши топсалар айлаб они ҳалок,
Талошиб емакка этин завқнок.

Мавошини элтурга яксар суруб,
Ватангаҳлариға дегин еткуруб.

Захира емакдинки мавжуд ўлуб,
Алар зулмидин барча нобуд ўлуб.

Емак бирла худ мутлақо тўймайин
Ва гар тўйса ҳам донае қўймайин

Борин айлабон нақл бунгоҳқа;
Будур арзимизким, дедук шоҳқа».

Деди шаҳки: «Ул нописандида хайл,
Қачонким қилурлар сизинг сори майл,

Нечук сизға маълум ўлур ул бало
Ки, андин бурунроқ қилурсиз жало?»

Дедилар: «Бу тоғеким ул қавми шум,
Анинг ул юзида қилурлар ҳужум.

Бу сори бўлур чоғда саҳронавард,
Қилур чарх ойинасин тийра гард.

Қачон бўлса ул тийра гард ошкор,
Бўлур тийра бизларга ҳам рўзгор».

Деди шаҳ: «Қачон бўлғай ул иш чоғи?»
Дедилар: «Ўтуб бир неча кун доғи».

Эшитгач бу сўз довари чорарас,
Алар чорасин қилмоқ этти ҳавас.

Топиб берк манзил, тушарга паноҳ,
Ҳамул марз аро қилди оромгоҳ.

Дедилар ул эл юз тазарруъ била,
Жанобида ушбу таваққуъ била

Ки: «Бизга неча бахтдин йўқ наво.
Нечук кўргабиз эл газандин раво?

Шаҳ ар мунда маскан қилур, қилмасун,
Аларни жаҳон аҳлидек билмасун

Ки, ногаҳ бири етса ул қавмнинг,
Ғаним ўтрусида не юзу, не минг,

Батахсиским юз туман минг бало
Ки, бу кишвар ўлгай алардин тўло.

Етишгай борининг бошида ғазаб,
Бори эл қонин ичгани ташналаб».

Деди шаҳки: «Сиз бизга қайғурмангиз
Ва лекин бу кишварарo турмангиз.

Тошинг ҳар нейингиз бўлса айлаб шитоб
Ки, бу мулк аро қолмасун риштатоб

Ки, Тенгрига ул дам таваккал қилай,
Алар фикрин айлай, нечукким билай».

Алар чиқтилар мулкдин хонакўч,
Вале қилмади шоҳи фарзона кўч.

Деди, давриға қоздилар ҳар фариқ,
Очуқ хандақ, аммо бағоят амиқ.

Кишилар йибордики, ҳар марзу бум,
Фаранг ўлсуну Рус, ё Шому Рум.

Неким бўлса меъмори чобукхаёл,
Яна доғи устоди нозукхаёл.

Яна коргарлар, бори чарбдаст,
Бало рахнасин қилғудек сангбаст.

Мису рўю қалъи, биринжу темур,
Яна қўрғошун бирла толу кўмур.

Қилиб неча юз минг тева узра соз,
Яна неча устоди оҳангудоз.

Муҳайё қилиб эҳтимом айлабон,
Борин жаҳд ила тезгом айлабон.

Етургайлар ул ерга борини бот,
Бори бутти шоҳ айлагач илтифот.

Чу неким кераклик эди, бўлди рост,
Анингдекки дорои давронға хост.

Анга тегру ҳар кун ўзи отланиб,
Ҳамул тоғ домонасин айланиб.

Солиб ики минг сангбури бедаранг,
Камар узра кесмак учун тахта санг.

Бори зўрдаст ичра пўлоддек,
Қотиғ хора кесмакда Фарҳоддек.

Алар хорани бемадоро кесиб,
Мадоросиз ул тоғда хоро кесиб.

Йиғиб онча асбоб боғларға сад
Ки, тахминидин ажз топиб хирад.

Чу ҳар не керактур муҳайё бўлуб,
Ҳамул тийра гард ошкоро бўлуб

Ки, яъжуж азмиға эрди нишон,
Бўлуб меҳр нуриға зулматфишон.

Йиғиштурдилар элни таклиф ила,
Кивурмакка хандаққа тахвиф ила.

Сурулди гала доғи хандақ сари
Ки, жонлиқ нима қолмади ташқари.

Камингаҳда беш минг набардозмой,
Ниҳони қўюб шоҳи фархундарой

Ки, бир дастбурд айлабон ошкор,
Қилурға ҳамул сайдлардин шикор.

Алар ичра ўн ваҳшийи мағрибий,
Қамиш хайли ичра тераклар киби.

Бу савдо аларни чу марбут этиб,
Келиб хандақ аҳлини мазбут этиб.

Бу ҳолатда чиқти гуруҳо гуруҳ
Ки, яъжуждин тўлди саҳроу кўҳ.

Чиқиб бўйла ҳолатда аҳли камин,
Анингдекки, титраб замону замин,

Алар хайлиға ўзларин урдилар
Ки, тиғ остида кўпни ўлтурдилар.

Бу янглиғ чу кўрди алар дастзўр,
Хаёл айлаким, тушти дарёға шўр.

Қўюб борча тўш-тўшдин ул элга юз
Ки, касратларидин тўлуб тоғу туз.

Анингдек набард ошкор эттилар
Ки, ул хайл ишин изтирор эттилар.

Не ўқу қиличдин бирисига бок,
Не ўқу қиличким бўлурдин ҳалок.

Итик тиғдин ҳар нечаким ўлуб,
Ҳамул тиғдин ҳам итикрак бўлуб.

Алар ҳам кўп элни ҳалок айлабон,
Ҳалок айлаганни хўрок айлабон.

Отидин муборизни йиққон замон,
Йиқилғоч, талошиб тугатмак ҳамон.

Демонким ебон жисму қолабни ҳам,
Не жисму не қолабки, маркабни ҳам.

Ажаброққи, не хасму не ўз дебон,
Йиқилғонни филҳол узушуб ебон.

Бу янглиғки айлаб набард ул сипоҳ,
Кўп эл бўлди оқшомга тегру табоҳ.

Басе ул жамоатдин ўлтурдилар
Ки, то ўзни хандаққа еткурдилар.

Чу пархошдин қолмайин жонлари,
Кириб жон аросиға қўрғонлари

Ўкуш рев ила ҳисн азми қилиб,
Ҳамул девваш халқдин айрилиб.

Булар айлагач рев ила тарки разм,
Алар ҳам қилиб тоғу саҳроға азм.

Тонг отқунча ошубу ғавғо била,
Қалин ит масаллик алоло била.

Бори оғзида телба итдек ёлин,
Ададда вале ит тукидин қолин.

Чу ҳозир бўлуб шаҳ қошиға сипоҳ,
Мусибат тутуб хайли ғойибқа шоҳ.

Қабул айлаган иш кўрунуб қатиғ,
Пушаймонлиғи ҳеч қилмай асиғ.

Чу кўшиш сори топмайин ҳеч йўл,
Зарурат уруб чора зайлиға қўл.

Билибким, неча кун таҳаммул керак,
Қилур ишда кўпрак тааммул керак.

Емакдин чу холидур ул марзу бум,
Магар топмайин туъма ул хайли шум,

Ёниб ўз маконига азм этсалар,
Қилиб авд, келган сари кетсалар.

Етиб ишга ул лаҳза наззорае,
Қила олғай ул қиссаға чорае.

Ҳам ушбу дейилган киби ул гуруҳ
Нима топмоғондин бўлуб чин сутуҳ.

Бори қилдилар авд келган сари,
Дара ичра сиғмай кириб ичкари.

Аларға чу юзланди ороликқ,
Замона унутти ситамкоралиқ.

Шаҳ отланди ул хайли доно била,
Разин рою ақли товоно била.

Рикобида санъатгар эл беҳисоб,
Қилиб ул дара сори бори шитоб.

Чу еттилар, эрмас эди ул дара,
Очуқ жулгае эрди хўбу сара.

Ва лекин ики жониби ики тоғ,
Нечукким бериб эрди ул эл суроғ.

Ики тоғ аросида массоҳи чуст,
Яқинроқ ерин айлади бозжуст.

Таноб ончаким чектилар ҳар сари,
Яқинроқ ери эрди ўн минг қари**9**.

Нужум аҳли соат қилиб ихтиёр,
Кезиб маркаб узра шаҳи бахтиёр.

Буюрдики тўктилар ул ерга ранг10,
Тушуб қўйди соат била хора санг.

Гудозандалиғ ичра минг коргоҳ,
Қилиб, ўйлаким кўра тайёргоҳ.

Муҳандислар айлаб фусунсозлиқ,
Масоҳат била корпардозлиқ.

Бўлуб коргарлар доғи ишда чуст,
Ража жадвали бирла поку дуруст.

Гач ўрниға маҳлул этиб ҳафтжўш11,
Қуюб ерга санъатгари сахткўш.

Солиб ҳафтжўш устига тахта тош,
Бори жониби тез бўлғон тарош.

Қўпуб ёна устоди Бонийҳасаб,
Қўюб тошни тошқа лаб-балаб.

Чу бир сатҳ ул тош ҳамвор ўлуб,
Яна устида иш намудор ўлуб.

Чу тулиға ўн минг қари эрди арз,
Биносиға беш юз қари бўлди арз12.

Неча минг бу иш узра устод эди
Ки, санъатда банноу ҳаддод эди.

Қўюб ул сифат дарз-бардарз тош
Ки, бўлмай сари мўй анга дарз фош.

Яна эрди муздур сондин фузун,
Нечаким қиёс этса ондин фузун.

Бўлуб оламе бўйла санъатнамой,
Кеча-кундуз иш қилдилар олти ой

Ки, неча минг устоду санъатгари,
Тамом эттилар Садди Искандарий[13].

Муаррихдин эттим бу навъ истимоъ
Ки, топти сад уч юз қари иртифоъ.

Ики зина доғи ясаб эл сори
Ки, чиққай қуйидин улус юқори.

Яна кунгуру бурж этиб қалъавор,
Темурлар била айлабон устувор.

Ясаб ики манзил нигаҳбон учун,
Ташиб тош кўп сангборон учун.

Қилиб анда таъйин неча юз киши
Ки, сад ҳифзи бўлғай аларнинг иши[14].

Чу сад бўлди андоққи чархи кабуд,
Жаҳонофаринға шаҳ этти сужуд.

Бу ҳолатда ул хайли муҳликситез,
Солиб дашту водий аро рустахез.

Етиштилар андоққи, маъҳуд эди,
Бурунғича ун-шайн мавжуд эди.

Бало рахнасин топтилар, ўйла руст
Ки, тиш бирла тирноғлари бўлди суст.

Деди шоҳким: «Сангборон қилинг,
Бало хайлиға тошни паррон қилинг!»

Анингдек алар бошиға ёғди тош
Ким, ул тошдек тушти тупроққа бош.

Чу йўқ эрди ғавғоларидин асиғ,
Бўлуб қатл тошидин андешалиғ.

Ёниб бир-бирисига айлондилар,

Чу суд этмади жаҳду жидд – ёндилар.

Ер аҳлиға ҳар зулмким сурдилар,
Фалакдин бориға эваз кўрдилар.

Бу бедодким айлаб ул қавм фош,
Не тонг осмондин агар ёғса тош?

Неча қатла мундоқ топиб гўшмол,
Яна ул тараф боқмоғ этмай хаёл.

Бу ойин ила чун шаҳи пурхирад
Ки, яъжуж дафъи учун чекти сад.

Қилиб хотирин жамъ, қилди хиром,
Сипаҳ бирла ёд айлаб асли мақом.

Неча кун чу қатъ айлади марзу бум,
Яна бўлди манзилгаҳи тахти Рум.

Кетур соқий, ул жоми тақвишикан
Ки, кўнглумга тушмиш ҳавои ватан.

Тилармен кезиб рубъи атлолни,
Десам ранжи ғурбатдаги ҳолни.

Муғанний, чу топтим мақомимда ком,
Тузат ком ила сен доғи бир мақом.

Қилиб фаҳм ул оҳангнинг рангини,
Яна тарк этай сайр оҳангини.

Навоий, ватан бўлди манзил манга,
Бу манзилдин аммо не ҳосил манга

Ки, ҳар кимки бор эрди ёру қарин,
Бўлубтур адам сори ғурбатгузин.

LXIX

Елдек сайр аро сабукборлиғ нафйин қилмоқ ва тоғдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ ва ашоб суҳбатинким бир-бир ишлари

борурға шитобдурур ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотинким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур, муғтанам тутмоқ ва адам ғарибистонидин шаммае ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият қилмоқ

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,
ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Чу бу дамни чарх ўткарур ҳам, бу дам
Дамо-дам май ичким, эрур дам — бу дам.

Кўруб умр тарихи мубҳамлиғин,
ғанимат бил ашоб ҳамдамлиғин.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Сафар меҳнати жовидонидурур,
Нединким сақардин нишонедурур.

Сафарға недур ҳар дам этмак ҳавас,
Санга ул сафарким бор оллингда, бас.

Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,
Чолинғуси пил узра кўси раҳил.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг
Ки, борғунгдур ул навъким, ёнмоғунг.

Ерур бир йўл оллингда беҳад қатиғ,
Майи ҳажри аҳбобнинг бас ачиғ.

Не ҳамроҳ ул йўлда, не ҳамдаме,
Ерур, Аллоҳ-Аллоҳ, ажаб оламе

Ки, ҳар кимки ул йўлға қўйди қадам,
Бурунғи қадамдур саводи адам.

Не ул сайр поёниға ҳад падид,

Не мақсуд пайдо, не мақсад падид.

Ерур онча ранжу суубат анга
Ки, ўлмак эмастур уқубат анга.

Ерур бежиҳат кимки шарҳин қилур
Ки, ҳар кимки айлар тааммул – билур.

Киши билса оллинда бу навъ йўл,
Сафарни не янглиғ ҳавас қилғай ул.

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг.
Қачон бўлса бу йўлға азм айлагунг.

Чу охир борурсен, шитобинг недур,
Борурдин бурун изтиробинг недур.

Тараддудни тарк айлаб ором тут.
Тузуб базм аҳбоб ила жом тут.

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл
Ки, бордур бориға борур сори майл.

Ерурлар ғанимат бори бу замон
Ки, бир-бирига сиз барчангиз меҳмон.

Бўлунг майға гулрез ўлуб субҳхез
Ки, бир-бир учун бўлғунгуз ашкрез.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.

Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.

Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Неким келса ўзни даме хуш тутунг.

Не соатки юзланса кому мурод,
Сочиб ўтқа испанд, ўқунг «ин якод».

Ва гар бермаса даст кому тараб,

Тараб йўқ дебон ўзга солманг тааб.

Ўзунгизни меҳнат куни овутунг.
Не ғам келса даврондин, осон тутунг.

Агар ғам етиб, кимса топса алам,
Қилур бир ғамин куч била ики ғам.

Муни англаким ошкору ниҳон,
Киро айламас ғам емакка жаҳон.

Чу бир лаҳза давронға йўқ эътимод,
Бадан қайдида жонға йўқ эътимод.

Нечук одами бежиҳат ғам егай,
Ва гар бўлса юз минг жиҳат ҳам егай.

Бурунғи куну тонгладин урма дам
Ки, ул бир адамдур, бу доғи адам.

Эрур бир бу кун ҳар не нобуду буд
Ки, ики адам ичра тутмиш вужуд.

Дами нақд агарчи бу маъдум эмас,
Вале етмак оқшомға маълум эмас.

Не оқшом, тириклик эрур бир нафас,
Ҳам эрмас яқин топмоқ охир нафас.

Чу бир дамға йўқтур кишига зимон,
Фалак зулмидин алъамон-алъамон!

Муни доғи ғам бирла қилғон басар,
Хираддин магар топмамиштур асар.

Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса қайғурмағил, эй кўнгул.

Жудоликқа шод ўлма ашобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин.

Чу гардун иши бевафолиғдурур,

Саранжоми расми жудолиғдурур.

Фироқ ичра таъжил, яъники не.
Бу ҳосилға таҳсил, яъники не.

Ватандин чу охирдур ороликқ,
Недур они истаб ситамкоралиқ.

Будур чарх ишиким шитоб айлагай,
Не обод кўрса — хароб айлагай.

Чу ул бузғуси, қилмағил изтироб
Ки, андин бурун айлагайсен хароб.

Ва гар сайрға асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг,

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Сафар азми дўзахқа сонийдурур,
Ватан ҳубби имон нишонидурур.

Кишигаким имон эрур сарнавишт,
Неча журми бор кўргусидур биҳишт.

Бориб журмсиз кирма дўзах аро,
Ўзунгга кетурма узун можаро.

Чу зотингда имондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бўл гулфишон.

Эрур равзаи хулд чун масканинг,
Не бўлди дўзахқа бормоқ фанинг.

Жаҳон мулкин этсанг сафар хушку тар,
Скандардек олсанг юруб баҳру бар,

Қўюб борин охир чу кетгунгдурур,
Дегинким олиб они нетгунгдурур.

Ҳамул хушку, тарки азимат тутуб,

Фароғат мақомин ғанимат тутуб.

Етакка аёғ чексанг андоққи тоғ,
Неча кун бу вайронда қилсанг фароғ.

LXX

Ул кабутар ҳикоятиким подшоҳнинг қасри зарнигори ҳибсидин қутулди ва ўз бузуқ ошёнини нишиман қилди ва бумдек анга ул вайрондин фароғат ганжи топилди

Эшиттимки, бир тойири номабар,
Битик зимнида шарҳи ҳангомабар,

Сабукпар кабутарки, ҳар бир қулоч
Ки, паррон очиб тай қилиб бир йиғоч.

Топиб эрди бир шоҳ қайдида банд,
Етиб эрди болу париға газанд.

Фалак гардиши айлабон зулму зўр,
Неча йил ани айлабон хонагўр.

Чу зиндонидин қочти ул бенаво,
Нишоту фараҳ бирла тутти ҳаво.

Сингиб кўкка ҳар сори чун боқти ул,
Ўзининг диёри сори тутти йўл.

Қилиб саъй ила тайри фархундапай,
Неча кунчилик йўлни бир дамда тай.

Вале зулми даврон солиб инқилоб,
Қилиб эрди ул бўлғон уйни хароб.

Кабутар етишгач уйин топмади,
Ва лекин учардин қанот ёпмади.

Басе эл бўлуб том уза донарез,
Учуруб кабутар берур эрди хез.

Булар сори ҳеч айламай илтифот,
Урар эрди ўз томин истаб қанот.

Басе давр уруб эҳтиёт айлабон,
Бузуғ узра қўнди, нишот айлабон

Ки, маънус эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.

Ерур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдан тикан ошён.

LXXI

ҲИКМАТ

Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, табиатқа ватанда ком ва маълуф масканда ором жиҳати не бўлғай ва анинг жавоби

Яна сўрди дорои мушкилписанд:
«Ки эй борча мушкилларинг дилписанд,

Не манзилғаким бўлса ишратфизой,
Табиат керак бўлса рағбатнамой.

Ва лекин неча айласак ишта ғавр,
Емас одами навъи ичра бу тавр.

Ангаким бузуғ кулба зиндонча бор,
Қошида анинг боғи ризвонча бор.

Бу иш бўйла невчундурур, ҳикмат айт,
Тариқин баён айлабон иллат айт?»

Деди ҳикматомузи донишпужуҳ
Ки: «Бу бобда сўз демиш ҳар гуруҳ.

Вале ҳикмат аҳли аро ҳар мудиқ
Ки, бу нуктада бўлдилар муттафиқ.

Будурким, нега табъ муътод ўлур,
Чу муътодиға йўл топар шод ўлур.

Гар истар гадо кунжи вайронини,
Тилар шаҳ доғи қасру айвонини.

Такаллуфни бу ишда маъюс бил,
Анинг табъиға они маънус бил.

Табиатқа ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат – табиат бўлур.

Яқинким, билур шоҳи ҳикматпазир,
Табиатқа ўз шонидин йўқ гузир.

Табоеъга бу навъ эрур парвариш
Ки, айларлар ўз майли бирла кашиш.

Аларға бу майл ихтиёрий эмас,
Бажуз қисмати сунъи Борий эмас.

Не ерким биров табъи маълуфидур,
Бу маълуфининг онча машъуфидур

Ки, одат бўлур кимки бор огаҳи,
Табиатқа одат бўлур мунтаҳи.

Чу бўлди табиат керак бўйла-ўқ,
Анга чунки ўз майлидин чора йўқ».

Чу қойил тўкуб дур нечукким саҳоб,
Олиб мустамеъ баҳрдек дурри ноб.

LXXII

Искандарнинг қуёшдек жаҳонгирлигидин сўнгра дарёбор фатҳи учун орзу кемасига кириб, ҳавас елканин тортқони ва ҳукамо иттифоқи била Рум дарёси соҳилида олам мулкининг моҳир нажжорларин йиғиб кема тартибиға амр қилғони ва уч минг ҳилоли қавсмонанд қурулғондин сўнгра миҳваросо тирлар била аларға қаттиқ ёйдин чиққан ўқдек равонлиқ бермаклари ва анинг ул сафиналарда мавж хутутидин биҳор фатҳномасин ўқуғони

Бу баҳр ичра ғаввоси гавҳарфишон,
Берур бўйла сўз гавҳаридин нишон

Ки, оламни Искандар олғоч тамом
Ки, қилди яна Рум мулкин мақом.

Неча кун ватан ичра масрур эди,
Нишот айлади улча мақдур эди.

Юзи солиб ул мулк аро нуру тоб,
Нечукким шараф буржиға офтоб.

Топиб айш ҳар марзу ҳар бум эли,
Вале ўзгача шод ўлуб Рум эли.

Мубоҳот этиб борча офоқ аро,
Не офоқ аро, чархи нуҳ тоқ аро.

Не тонг, фахр тўртунчи кўк қилса фош,
Ани жилвагоҳ айлагандин қуёш1.

Чу шаҳ неча вақт ўлди оромгир,
Дилором ила жомдин комгир.

Кўп айлар эди хотириға хутур
Ки: «Чун берди тавфиқ Рабби ғафур.

Жаҳонгирликка қилиб эҳтимом,
Чу азм эттим, олдим жаҳонни тамом.

Ғаройиб неким даҳр аро бор эди,
Бу бир махфий, ул бир падидор эди.

Наботию конию гар жонвар,
ғаройиб мисолу ажойиб сувар2.

Сипеҳр этти оллимда ифшосини
Ки, қилдим борининг тамошосини.

Неким арз сатҳида топмиш вужуд,

Манга бўлди манзур буду набуд.

Ва лекин тенгиз сайрини қилмадим,
Не эрконни ул пардада билмадим.

Савоҳилда дерларки, кўптур ғариб,
Жазойирда ҳам кўпрак андин ажиб.

Биҳор ичра худ бениҳоятдурур,
Муҳит ичра беҳадду ғоятдурур**3.**

Бу шакли мудавварки дерлар жаҳон
Ки, бор аксари сув ичинда ниҳон.

Қуруғлиқ ери ўндин эрмасдурур,
Билур эл нишон бўйла бермасдурур.

Эрур офариниш аро онча печ
Ки, жанбидадур тўқуз афлок ҳеч.

Фалакларки, ҳеч ўлди ул печдин,
Қошида жаҳон камдурур ҳечдин.

Ҳисоб ичра бу ҳечдин доғи кам,
Киши кўрмамиш бўлса ушрини ҳам**4.**

Недур мунча лофи жаҳонгардлиқ,
Ерур бу сифат лофи дамсардлиқ?

Чу афлоку анжумға етмас илик
Ки, моҳияти элга бўлғай билик.

Билиб биз ҳисобини боғлаб расад,
Ҳақиқатларин фаҳм қилмас хирад.

Аларғаки қодир эмастур киши,
Билинмас сукуни била гардиши.

Жаҳонким, бўлубтур мусаххар манга,
Анга ҳукмронлиқ муяссар манга.

Ани мулк этиб Ҳақ, мени мулкдор,

Манга борча ишга бериб иқтидор.

Агар улча мулкумдадур, билмасам,
Чу билмай, билур фикрини қилмасам.

Менинг бирла сойир эл ичра не фарқ
Ки, бўлғай алар баҳри ғафлатда ғарқ?

Керак ҳар недур фарши ғабро аро,
Қуруғлуқ аро, йўқса дарё аро.

Агар айласа бахт ҳамроҳлиқ,
Юруб борчадин топсам огоҳлиқ.

Қуруғлуғни қилдим Хизр бирла тай,
Бу дам қўйсам Илёс ила сувға пай».

Чу кўнглида ер тутти мундоқ ҳавас,
Топа олмади дафъиға дастрас.

Ҳавас тундбоди чу бедод этар,
Хирад хонумонини барбод этар.

Бу андеша чун кўнглин этти забун,
Димоғиға юзланди бими жунун.

Билибким не кўнглида пинҳон эрур,
Ниҳон тутса жониға нуқсон эрур.

Талаб айлади дониш аҳлини бот,
Яна давлат аҳлин қилиб илтифот.

Чу бу анжуман ихтиёр айлади,
Ниҳон розини ошкор айлади.

Ичинда ниҳон кўнгли мақсудини,
Аён айлади буду нобудини.

Бори билдиларким, не қилмиш ҳавас,
Тенгиз сайридур кўнглига мултамас.

Қаю бирки манъ айлаю солди сўз,

Дебон сўзни, чун шоҳға қолди сўз.

Сўзин, ўйла маъқул ила қилди рад
Ки, бўлди жавобида ожиз хирад.

Билиб борчаким, манъ даргир эмас.
Ризодин ўгун ҳеч тадбир эмас.

Писанд эттилар барча, айлаб дуо
Ки: «Ҳақ солди кўнглунга бу муддао.

Умид улки ҳам лутф этиб Кирдигор,
Бу азмингда қилғай сени комкор».

Қаю ишта шаҳ топса ройи заиф
Ким, ўлғай жадал айламакка ҳариф.

Не жонибки, шаҳ бўлди кўшишнамой,
Заруратки, бўлғай мутеъ аҳли рой.

Шаҳ ар машваратда ситамкорадур,
Ситам чекмай ул ишта не чорадур?5

Вале ғайб сирри чу пайдо эмас,
Қазо қисмати ошкоро эмас.

Басо ройким ақл анга юз далил
Топор, лек ўлур, борча ройи алил.

Басо ишки нафс этса анда инод,
Етишгай ҳамул раҳгузардин кушод6.

Не роеки иқбол эрур раҳнамун,
Анинг тобеъи келди чархи нигун.

Бас, авло буким қай тараф тушса шоҳ,
Киши зилли жоҳиға чеккай паноҳ.

Ки, бўлғай иш ўнг келса масрурлуқ,
Ҳам ўлғай ёмон келса маъзурлуқ.

Скандар сўзин қилғоч ул эл писанд,

Бўлуб кўнгли ул ройдин баҳраманд.

Равон ҳукм қилдики, санъатвар эл,
Қилиб чуст кишти йўнар ишга бел.

Масолиҳки, даркордур ҳар нима
Олиб, соз қилғайлар уч минг кема.

Минг андин бўлуб шоҳ азмиға хос,
Ҳамул элгаким келди базмиға хос.

Яна минг ҳам аркони давлат учун,
Сув устида қилмоққа суръат учун.

Секиз юз сипоҳийи жаррорға,
Ики юз яна аҳли бозорға.

Мингиким рақам айлаб ўз отиға
Ки, бўлғай панаҳ баҳр офотиға.

Юзи жунг ўлуб ҳар бир андоққи шаҳр
Ки, топқай киши шаҳрдек анда баҳр.

Бўлуб, ўйлаким шаҳр ҳар жунг аро,
Маҳаллоту кўю мақому саро.

Яна уч юз ул навъким бехалал,
Бири минг сипоҳиға бўлғай маҳал

Ки, бўлғай бори ўз фароғи била,
Секиз йил кераклик яроғи била.

Яна ики юз кемада зоди роҳ,
Бўлуб ул иш аҳлиға оромгоҳ.

Яна юзда солиб танобу расан,
Масоҳатни қилмоққа баҳр ичра фан.

Яна ики юзда жаммолу сутур
Ки, шояд савоҳилға тушгай убур7.

Яна юз келиб заврақи тезрав

Ки, элтиб сув узра сабодин гарав.

Яна ики минг ҳам бу тартиб ила,
Бутарга бори зийнату зеб ила.

Чу фармон этиб шоҳи офоқгир,
Бўлуб аҳли офоқ фармонпазир.

Туруб хайли санноъдин тешакор,
Йиғоч кесгали неча минг пешакор.

Масолиҳ ёқо бешасидин етиб,
Ҳунарвар қарору шикеби кетиб.

Бу кишти ясар хайлнинг манзили,
Бўлуб Рум дарёсининг соҳили.

Ҳамул сув ёқоси ики-уч йиғоч,
Кўруб аррау тешадин куч йиғоч.

Ўн-ўн беш минг устоди нажжор эди
Ки, тун-кун иш устида даркор эди.

Яна мунча шогирду муздур ҳам,
Бори саъй этиб улча мақдур ҳам.

Яна икки-уч минг киши борча чуст,
Иш этмак учун кун-бакун бозжуст.

Солиб онча ул соҳил ичра хурўш,
Дегил Рум дарёсиға тушти жўш.

Бу янглиғ ўтуб уч йилу бир нима,
Тенгиз суйиға кирди уч минг кема

Анингдекки, тақсим топти бурун,
Тутуб ҳар ким ўз кемасида ўрун.

Солиб неча йиллиқ йўл асбобини,
Тенгиз сайрининг ҳар не ноёбини.

Тўлуб кемалар ичра ҳар хоста,

Чу бўлди керак янглиғ ороста.

Таҳаррук тутуб шоҳ дарё киби,
Не дарёки, чархи муалло киби.

Қилиб мамлакат аҳлиға хайрбод,
Навозиш била айлабон элни шод.

Чиқиб бодпой узра бўлди равон,
Шабистони аҳли қолиб нотавон.

Сурар эрди якронини бедаранг,
Анга тегруким, баҳри Руму Фаранг.

Чу соҳил сари даштдин қилди майл,
Анингдекки дарё сари тундсел.

Қўюб рахши дарё қироғиға гом,
Инонин чекиб шоҳи дарёхиром.

Ҳамул ҳикмат аҳли сутурлобсанж,
Чекиб яхши соат зуҳуриға ранж.

Чу бир лаҳзае макс вожиб эди,
Қолур эл сари шоҳ боқиб деди

Ки: «Ей қавмким, қилдингиз хизматим,
Чекарсиз бу кун ғуссаи фурқатим.

Неча ҳажрингиз бирла хурсандмен,
Вале барчангиздин ризомандмен.

Қазодин манга тушти мундоқ сафар,
Қадар ҳукмидин элга «айналмафар»**8**.

Қулоққа неким айтсам сўз – тутунг,
Неча вақтдин сўнг мени кўз тутунг.

Агар мулку, вагар мол, гар дин эрур,
Неким ҳар биригизга таъйин эрур.

Қаю ишки ҳар кимга чектим рақам,

Рақам чекканимдин чиқорманг қадам.

Ҳадисим кўнгул ичра олинг бори,
Саломат бўлунг, яхши қолинг бори.

Дуо бирла бизни гаҳе ёд этинг,
Бу хидмат била эмди имдод этинг».

Бу сўзлар дегач шоҳи кишвархидев,
Улус чектилар кўкка яксар ғирев.

Тўкуб ашкдин борча юзларга руд,
Дедилар анинг жонига кўп дуруд.

Дуодин сўнг оғоз этиб бу калом
Ки: «Гар бар, агар баҳр қилсанг мақом.

Нечаким фироқингда ғам егабиз,
Не ёроки, яхши-ёмон дегабиз.

Бисоти тараб жилвагоҳида бўл,
Қаёнким эсанг, ҳақ паноҳида бўл.

Не амр этганинг, токи бор жонимиз,
Тағофул қилурға не имконимизғ

Чу биздин дуо айладинг муддао,
Не иш илгимиздин келур жуз дуо».

Аларға бу ерга етишгач мақол,
Тулуъ айлади буржи фархундафол.

Сутурлоб сори чу кўз солди шоҳ,
Равон кемани қилди оромгоҳ.

Қуёш Жадй буржиға чунким етиб,
Равон Ҳут буржиға таҳвил этиб.

Фалак еткуруб бўйла ёмғур чоғин,
Тўкуб эл кўзи бениҳоят ёғин.

Чу шаҳ кема ичра мақом айлабон,

Улус ҳам саросар хиром айлабон.

Тўлуб чун лабо-лаб ул уч минг кема,
Ҳам эл бирла, ҳам ҳар кераклик нима.

Топиб ҳукм маллоҳи озодмард,
Равон кемани қилди дарёнавард.

Қалин кишти ўлғонда жунбушнамой,
Теранг баҳр бўлди ғурунбушнамой.

Юруб сув уза шаҳри аъзам савод,
Таҳаррукда бир ўзга олам савод.

Саводи ёпиб жарф дарё юзин,
Булут ўйлаким чархи хазро юзин**9**.

Бу ойин била шоҳи дарёшукуҳ,
Юруб қилди дарёни юкдин сутуҳ.

Қаён азм беваҳму бок айлади,
Тенгиз бағрини чок-чок айлади.

Чу ул навъ меҳмон кириб баҳр аро,
Қилиб мизбонлиғда сув можаро.

Очиб ҳар тараф абрмонанд каф,
Ки жамъ айлагай ҳар не бўлғай садаф.

Бори дурларин ошкор айлагай,
Борин меҳмонға нисор айлагай.

Сочиб борчасин шаҳға огоҳвор,
Бори дурларин айлагай шоҳвор.

Бировнингким ул навъ меҳмони бор,
Не дуррким, нисор этгай ар жони бор.

Аёғчи кетур жоми дарёмисол
Ки, баҳр ичрадур шоҳи дарёнавол.

Манга тутки, нўш айлаб, айлай тараб

Ки, дарё киби бўлмишам хушклаб.

Муғанний, тарона тузат рехта,
Ҳазин рудунга лаҳне омехта[10]

Ки, ашкимни тўккай дури нобдек,
Буюрғай манга чархи гирдобдек.

Навоий, талаб қил тариқи фано
Ки, сув узрадур даҳр уйига бино.

Кўнгулни бу уй бирла шод айлама,
Ҳубоб уйига[11] эътимод айлама.

LXXIII

Искандарнинг ҳукамодин дарёбор вазъин савол этгони ва Сукротнинг курраи арз даврида сувнинг не навъ иҳота қилғонин шарҳ қилғони ва Муҳит атрофида ети ахзар дарёким, ети чархи хазродек шўрангез, балки хунрездурур тақсим этиб, ўн ики минг жазоирким, холидотдин айрудур, мунқасим қилғони ва буҳайрот шарҳидин элга таҳайюрот солиб ва анҳор можаросидин сойилни баҳрдек хушклабликдин сероб қилғони

Ҳамул кунки шаҳ бўлди дарётавоф,
Анинг жунгининг кўкси дарёшикоф.

Тилаб ҳикмат аҳлини мажмаъ тузуб,
Бориларға дилжўйлуқ кўргузуб,

Деди: «Баҳр кайфиятин айтингиз
Ки, не вазъ иладур ер узра тенгиз?»

Тааммул қилиб борча аҳли аён,
Дедиларки: «Сукрот[1] қилсун баён

Ким, ул ҳикмат аҳлининг устодидур,
Замири хирад ҳикматободидур».

Сўз андин сўруб шоҳи дарёжаноб,
Бериб бўйла Сукроти доно жавоб:

«Ки, ер жирмидур ҳайъати мустадир,
Курра айлади они Ҳаййи Қадир.

Вале ул курра сув ичинда ниҳон,
Очуқ қисми улдурки, дерлар жаҳон

Ки, маъмурау тоғу ҳомун эрур
Ки, оти анинг рубъи маскун эрур.

Вале сув иҳота қилибдур ани,
Ерур ети иқлим очуқ қолғани.

Вале ул ҳам очуқ эмасдур тамом,
Ки, ҳар жонибин баҳр этибдур мақом.

Муҳитеким, ул чархосодурур,
Анинг даврида ети дарёдурур

Ки, ҳар ён кириб рубъи маскун аро,
Духул айламиш тоғу ҳомун аро.

Яна ҳам ўн олти буҳайрот эрур
Ки, ҳар бирга бир ўзгача от эрур.

Яна юздин ортуқ эрур рўдбор
Ки, олур алардин улус эътибор.

Нечукким Кўҳак, йўқса рўди Ҳирот,
Ва ё Нил ё Кавсаросо Фурот.

Алардин жаҳон ичра ободлиқ,
Анинг нафъидин халқ аро шодлиқ.

Ерур чашма бу рўдлар манбаъи,
Вале баҳрларға бўлуб мақтаъи.

Таарруз буҳайрот ила рўдға,
Халал еткурур шарҳи мақсудға.

Ҳамул ети дарёки зохирдурур
Ки, анда билоди жазоирдурур.

Ани шарҳ этарга қилоли шуруъ,
Аларға яқин бирла будур вуқуъ

Ки, мажмуъи ул баҳрдин айрилур
Ки, доно Муҳит онинг отин қилур.

Алардин бири баҳри Руму Фаранг
Ки, сенсен бу дам ул тенгизда наҳанг

Ки, ободу бум ичра воқеъдурур,
Жазоирки анда мазореъдурур.

Ерур олти юз улча топмиш адад
Ки, йўқ анда маъмурлуқ ичра ҳад.

Икинчини қил баҳри Мағриб гумон
Ки, мавжиға ором йўқ бир замон.

Шимолию шарқийси маъмур бил,
Жазоир минг ул сувда машҳур бил.

Учунчи эрур баҳри Зангу Ҳабаш
Ки, ошубидин келди девонаваш.

Минг уч юз жазира анинг дохили,
Басе кўп жазирасининг ҳосили.

Ҳисоб ичра тўртунчидур баҳри Ҳинд
Ки, жанбида бир нов сув рўди Синд.

Жазоир анга уч юзу ики минг,
Неча лужжа кўли ҳамул баҳрнинг.

Бири келди Уммону Қулзум бири,
Яна Баҳрайни пурталотум бири.

Бешинчи тенгиз келди дарёйи Чин,
Жазира кўп ул сувда мардумнишин.

Адад ичра уч минг, доғи ети юз,
Жазоир аросида кўп тоғу туз.

Дувонг деган сувни олтинчи де,
Билоди саводин кўнгул тинчи де.

Ики мингга яқин жазоир анга,
Туман минг кема лек соир анга.

Етинчини Машриқ суйи қил ҳисоб,
Қуёш аввал анда солиб нуру тоб.

Бўлуб ўн ики минг жазоир тамом,
Мунунг бирла ўн олтита вассалом.

Булардин эрур айру баҳри Ҳазар
Ки, ваҳм айлай олмас суйидин гузар.

Анга ҳам жазоир ададсиздурур,
ғароиб булар ичра ҳадсиздурур.

Булар барчанинг манбаъидур Муҳит
Ки, овозаси тутти сатҳи басит.

Анга муттасилдур булар бориси,
Қуруғлуғдурур лекин уч сориси.

Ва лекин эрур ул бағоят амиқ
Ки, афлок анга тушса айлар ғариқ.

Келибдур сифат бу ватира анга,
Жиҳат буки, бўлмас жазира анга.

Ва лекин улуқ вазълиқ жонвар,
Аларга ажаб вазъ бирла сувар.

Ерур андин ортуқки аҳли хирад,
Такаллум била айлай олғай адад.

Будур баҳр ишиким, дедим мужмалин,
Баён айладим махражу мадхалин.

Киши қилса тафсилини орзу,
Кўрар сайр этарда қилиб жустужу».

Скандар бўлуб хуррамойин басе,
Аён қилди доноға таҳсин басе.

Бурун ети дарёға азм этти жазм,
Булардин сўнг этмак Муҳит ичра азм.

Бўлур одамийнинг бийик ҳиммати,
Ерур ҳимматидин фузун ғафлати.

Ўлум солғуси чун димоғиға дуд,
Таманно ўтин мунча ёқмоқ не суд?

LXXIV

Машриқда ганж топқон киши ҳикоятиким, мағриб ганжномасини ўқуб, меҳрдек боштин қадам қилиб, мағрибқа борди ва ул зари мағрибий топқоч меҳрдек уёқти

Биров топти Машриқда ганжи шигарф,
Ёзиғлиғ эшигида бу турфа ҳарф

Ки: «Ҳар кимки бу ганжни топти, жазм
Агар қилса Мағриб диёриға азм,

Фалон ерда мундин улуқ ганж эрур,
Анга ким қадам урди, поранж эрур».

Ўқуғоч ани томеъи хомкор,
Деди: «Икисидин бўлай комгор».

Мунга «ҳиммат» оти қўюб фикрати,
Равон қилди Мағриб сори ҳиммати.

Неча йил қилиб қатъ дарёу дашт,
Бўлуб анга юз минг бало саргузашт.

Етиб, истаган ерни топқон маҳал,
Бошиға етишти саросар ажал.

Не мундин еди бар, не ондин доғи,

Машаққат чекиб кечти жондин доғи.

Емас шаҳлиқ — олмоқ юруб баҳру бар,
Ерур топмоқ андинки Ҳақ берди бар.

Бировким, бу маънига ёбандадур,
Хирадманду фархундапай бандадур.

LXXV

ҲИКМАТ

Искандарнинг саволи Суқротдин ул бобдаким, курраи арзни тамом сув иҳота қилмоғоннинг ҳикмати не бўлғай ва анинг жавоби

Скандар савол этти Суқротдин
Ки: «Ей фард тафриту ифротдин,

Буким ер юзига Муҳит ўлди сув,
Баён қилки, мушкилдурур бизга бу

Ки, не важҳдин тутмади ер юзин,
Жаҳон сатҳининг борча тоғу тузин

Ки, бу рубъи маскунга сув келди оз,
Ҳам ончаки бор эрди элга ниёз.

Муҳитеким, ул ошкородурур,
Нега даврида ети дарё дурур?

Чу андин ети баҳр бўлди жудо,
Нега тутмади ер юзин – қил адо?»

Дуо қилди донойи дарёзамир,
Ки: «Олсун жаҳон шоҳи дарёназир.

Гуруҳе демишларки, бу жирми хок,
Ерур вазъ ичинда баланду мағок.

Неча асли вазъи мудаввардурур,
Бу ҳикмат элига муқаррардурур.

Вале ер юзи чунки ҳамвор эмас,
Киши фикр агар қилса душвор эмас.

Билурким, ёғиндин қачон бўлди сел,
Қилур тоғдин паст водийға майл.

Чу олам юзи бўлди пасту баланд,
Бу сўзни қилур дониш аҳли писанд

Ки, сув мойил ўлмиш чуқурларга-ўқ,
Ерур бу жиҳатдин бийикларда йўқ.

Гуруҳе бу маъни гувоҳидурур
Ки, дерлар бу ҳикмат Илоҳийдурур.

Тутулмоқ керак эрди ер сув била,
Ҳамул навъким, акс кўзгу била.

Вале халққим, Ҳаққа осон эди,
Ғараз офаринишдин инсон эди.

Анга жилвагоҳ очти қудрат била,
Бу маъниға йўқ дахл ҳикмат била.

Муни бил Ҳакими Азал ҳикмати
Ки, топмас булардин халал ҳикмати.

Ерур чунки ул ерда ожиз хирад,
Хирад аҳлиға сўз демакка не ҳад»

Скандарга ул сўз келиб дилпазир,
Сукут ўлди ҳикмат била ногузир.

LXXVII

Искандарнинг ети дарё била ўн ики минг жазоир билодин фатҳ этгандин сўнграким бир қатла Муҳит даврасин паргорсифат эврулуб эрди, Муҳит нуқтагоҳиға азимат қилғони ва ул сайрда йиғоч марокибнинг елдин ҳаракати ва сув даштининг самовий ҳайъати ва кулокдин ул дашт аро кўп арғадол намудори ва ҳубобдин ул йўл аро кўп сангреза осори ва

Искандарнинг Муҳит марказига етгони ва чарх дўлоби ани айландуриб, Искандария азми этгони

Гуҳаррезким, нуктаовардурур,
Бу дарёда мундоқ шиновардурур

Ки, чун сурди доно бу янглиғ мақол,
Хабар топти дорои дарёнавол

Ки, не навъ эмиш баҳр кайфияти,
Сафар сори жозим бўлуб нияти.

Ҳакими илоҳийға[1] сурди нафас,
Ки: «Сендин эрур бизга бу мултамас,

Ким андоққи етти сўзунгдин наво,
Бу сайр ичра сен бўлғасен пешво.

Сенинг тобеъинг борча маллоҳлар,
Бори баҳр сайрида сайёҳлар.

Алар бирла топиб сув ҳанжорини,
Қаён бошласанг халқ рафторини,

Бўлурбиз бори донишинг пайрави
Ки, фаҳминг бийик келди, ройинг қави».

Қабул этти Суқроту йўл бошлади,
Улус борди ҳар ёнки, ул бошлади.

Бўлуб эҳтиёт амри лозим анга,
Ҳамул кема аҳли мулозим анга.

Ише тутмоқ ул йўл ишин пос ўлуб,
Анинг посини тутқон Илёс ўлуб[2].

Суруб кемани ул андоққи тайр,
Ҳамул сувға қилдилар оҳанги сайр

Ки, дарёйи Афранжау Рум эди
Ки, ҳолот анга ғайри маълум эди.

Жазойир футуҳига юз қўйди шоҳ,
Қилиб саъй шаҳ бирла хайлу сипоҳ**3**.

Қаёнким қилиб азм, қўймай олиб,
Чу олиб, ғаройибқа кўп кўз солиб.

Ўзи айлабон сувда фатҳи билод,
Жазойир билодини айлаб кушод.

Ва лекин неча кимса таъйин этиб,
Алар сув қироғи била йўл кетиб.

Неча кемау аҳли ҳикмат неча
Ки, ҳам кундуз айлаб равшан ҳам кеча.

Сувда ўй, нечукким ҳубоб урғоли,
Ҳамул баҳр даврин таноб урғоли.

Савоҳилда то ер топиб, йўл юруб,
Масоҳат тариқин бажо келтуруб.

Не ерким бўлуб беша, ё берк тоғ
Ки, қатъида массоҳ топмай фароғ.

Сув ичра қилиб кема бирла шитоб,
Бу навъ они массоҳ чеккай таноб

Ки, бир кема ичра йиғиб ҳар сари,
Таноби қади ўн ики минг қари.

Қилиб кемага берк лангар тошин,
Ва лекин ул ипнинг яна бир бошин

Яна бир кема аҳли тутқай суруб,
Неким шарт сурмак, бажо келтуруб.

Неча тор тутқон кема қочибон,
Танобини турғон кема очибон.

Чу сойир кема риштаси тортилиб,
Ҳамул кема сайрини сокин қилиб.

Анга кема аҳли солиб лангарин,
Яна кема сувдин олиб лангарин.

Танобин йиға баҳр аро тезрав,
Нечукким бурунғи кема тездав.

Мунга ҳам чу тортилди чеккан таноб,
Туруб бу вале, турғон айлаб шитоб.

Бу янглиғ чу бу бир туруб, ул юруб,
Бу турғон қачонким юруб, ул туруб.

Алар чун бу янглиғ шитоб айлабон,
Муҳосиблар они ҳисоб айлабон.

Кезиб бу сифат баҳр атрофини,
Масоҳат била англаб авсофини.

Яна бир неча доғи аҳли ҳисоб,
Уруб бу сифат баҳр қутрин таноб.

Ҳакими муҳосиб бу санъат била,
Билиб ҳосилин зарбу қисмат била

Ки, атрофи онинг эрур неча йўл,
Яна сатҳ бирла эрур неча ул.

Жазойирни то фатҳ қилғунча шоҳ,
Ҳисобин ҳаким айлабон рўбароҳ.

Чу бир баҳр фатҳи саранжом ўлуб,
Ҳисоби доғи ўйлаким ком ўлуб,

Неким бўлди ул сувда ҳангомае,
Анинг борча шарҳин ёзиб номае.

Чу ул нома шарҳин дуруст айлабон,
Кабутар аёғиға руст айлабон

Ки, ҳамроҳ ани Румдин келтуруб,
Ҳаво айлабон ул пару бол уруб.

Хабар элтиб ул барча Рум аҳлиға,
Қуруғлуқдағи марзу бум аҳлиға.

Бу янглиғ ети баҳри заххорни,
Ети жарф дарёйи хунхорни.

Кезиб айлади барчасиға убур,
Нечукким сув узра сабоу дабур.

Ажойибни ғоятдин ортуқ кўруб,
ғаройиб ниҳоятдин ортуқ кўруб.

Уруб ўн ики минг жазойирға гом,
Қилиб фатҳ чун айлабон эҳтимом.

Чу тортиб таноб анда беваҳму бим,
Билиб барчанинг тулу арзин ҳаким.

Ети баҳрни чун мусаххар қилиб,
Борининг салоҳу фасодин билиб.

Муҳит ўлди бир давра бу сайр аро,
Яна хомазан ёзди бу можаро.

Узотти яна тойири номабар
Ки, еткурди ҳижронкаш элга хабар.

Яна манзили бўлди баҳри Фаранг,
Қилиб бир жазира ичинда даранг.

Ўтуб қилғали баҳр ичинда хиром,
Бу чоққа дегин ўн ики йил тамом.

Жазира аро чун макон айлади,
Улус кўнглини шодмон айлади.

Гумон эттиларким, туганди сафар,
Ватан бўлғусидур аларға мафар.

Буюрди яна шоҳи дарёшитоб
Ки, келтурди Суқроти ҳикматмаоб.

Тенгизда равон қилғон асбоқини,
Чекилган масоҳатнинг авроқини[4].

Тўла бўлмиш эрди варақ бир кема
Ки, йўқ анда коғаздин ўзга нима.

Солиб борча сандуқлар ичра чуст,
Аларни қилиб қирлар бирла руст.

Қилиб ваҳмким ўтса коғазға нам,
Анга ногаҳон ботил ўлғай рақам.

Кемаким ул авроқ бирла тўлуб,
Сафина бўлуб демаким, жунг ўлуб[5].

Чу сандуқларни чиқорди ҳаким
Варақлар қолиб эрди намдин салим.

Деди шоҳким: «Неча аҳли қалам,
Ҳисоб айласун ул ададсиз рақам».

Муҳосиблар они ҳисоб эттилар,
Адад махласин интихоб эттилар.

Ҳаким ул ададни чу ташиҳ этиб,
Борин шоҳ кўнглига тавзиҳ этиб.

Тааққул била шоҳи гардунжаноб,
Қилиб ул рақам интихобин ҳисоб.

Ҳакимеки онча адад айлабон,
Ҳисоб ичра шаҳға мадад айлабон.

Сувнинг сатҳиға чун бўлуб раҳшунос,
Неча заръ эрконни айлаб қиёс.

Тенгиз тулу арзин важаб-барважаб.
Топиб зарбу қисмат била бетааб.

Муҳитеким ул баҳри аъзамдурур,
Анинг жавфида барча оламдурур.

Масоҳат била бефусуну фириб,
Билиб ҳавздекким, эрур бир жериб.

Ангаким жаҳон бўлса боғи тараб,
Тенгиз бўлса ҳавзи анинг не ажаб?

Ешиттимки, фармондиҳе бор эмиш,
Ҳадисида бу сўзга такрор эмиш

Ки: «Даҳр ўлди бир кадхудонинг ери,
Бу гар бор эрса, бордур онинг ери».

Жаҳон топса ул навъ бир кадхудой,
Не тонг олам ўлса анга бир сарой?

Чу шаҳ топти дарёнинг ойинини,
Бу навъ айлади даври тахминини

Ки, бўлса кема сувда суръатнамой,
Сафар қилса тўқуз йилу ети ой.

Ҳамул баҳри аъзамни бир давр этар,
Қаю ергаким сувға кирмиш, етар.

Чу паргор даврини пос айлади,
Яна қутрин онинг қиёс айлади.

Аён бўлдиким уч йилу бир нима,
Бўлур сув аро сайр қилса кема.

Муҳитиға марказки беиштибоҳ,
Ерур баҳри аъзамга ул нуқтагоҳ.

Яқин борур ул ён азимат чоғи,
Ики йилчилиқ йўлу камрак доғи.

Яна келмаги доғи онча бўлур,
Азиматда борғон замонча бўлур.

Буюрди қилиб тўрт йиллиқ яроқ,
Муҳит ўртасиға сафар иттифоқ.

Йиғиб анжуман, бўйла сурди калом
Ки: «Бизни ҳавои таманнои хом

Ки, онинг отин халқ қўймиш ҳавас,
Вале филҳақиқат бу янглиғ эмас.

Бори Тенгри тақдиридур бегумон,
Киши қилмоғи яхшидур, гар ёмон,

Гар ул, гар бу ҳар қайси тақдир ила,
Қила олмадим чора тадбир ила.

Улуснинг малолиға бўлдум сабаб,
Басе кўрдилар халқ ранжу тааб.

Бу дамким бу ерда қилибмен даранг,
Билурменки элдур сафардин батанг.

Эмас бўлсалар сайрнинг роғиби,
Билурмен эрур Ҳақ алар жониби.

Манга бу таманно туганмайдурур,
Юрурдин замирим ўсонмайдурур,

Ўн уч йил ишимким тамошо эди,
Жазойир била ети дарё эди.

Муҳит эрди мақсуд сув сайридин,
ғараз соқит эрди анинг ғайридин.

Бу муддатки, баҳр ичра қилдим хиром.
Не ерларки юзланди фатҳиға ком.

Бори фаръ эди, токи қатъ ўлди сув,
Менинг хотиримға эрур асл бу

Ки, сайр айладим доира даврини,
Керак англасам маркази ғаврини**6**.

Агар умру тавфиқ берса Худой,
Кема тўрт йил бўлғуси баҳрсой:

Ики йил бориб, ики йил келмаги,
Вале йўқ киши ғайбни билмаги.

Манга гар эрур давлату бахт ёр,
Бу йўл қатъида ҳеч йўқ ихтиёр.

Билурмен бу иш амри маъҳуд эмас,
Кишига тенгиз сайри мақсуд эмас.

Улус кўнглига тушмасун инҳироф
Ки, бори эрур бу юруштин маоф.

Йўликим қилур марг тахвифини,
Нечук қилғамен элга таклифини?

Ватанға ёниб халқ осудадил,
Бори биздин ўлдиклар7 аммо биҳил».

Бу сўзни чу шарҳ этти дорои Рум,
Фиғон чектилар халқ айлаб ҳужум

Ки: «Шоҳо, не журм айламиш бу гуруҳ
Ки, келдинг алар қуллуғидин сутуҳ?

Неча қуллуқ этмакта шармандабиз,
Ёмон-яхши бўлсоқ санга бандабиз.

Боримизға доим бу эрмиш мурод
Ки, бўлсоқ тобуғунгда ғамгину шод.

Ажал жонимиз қасди қилғон чоғи,
Тан ўлғай сенинг даргаҳинг туфроғи.

Не қилдуққи, дорои соҳибхирад,
Боримизга мундоқ чекиб хатти рад.

Ўзидин сипоҳин йироқ истади,
Асири балои фироқ истади.

Борурбиз қаёнким санга ком эрур,
Турарбиз санга қайда ором эрур.

Тирик бўлмоқу сендин ўлмоқ йироқ,
Ерур бизга андин ўлум яхшироқ».

Скандар сипоҳин қилиб озмун,
Яқин билдиким бўлмамишлар забун.

Ерур хидматида бори якжиҳат,
Кўруб элга дилжўйлиқ маслаҳат.

Бори хайлиға офарин айлади,
Иноятқа борин қарин айлади.

Деди: «Ҳақ ишингизга берсун эваз,
Бу сўздин манга билмак эрди ғараз

Ки, бу ранж аро халқ ҳоли недур,
Менинг бирла ҳар ким хаёли недур?

Боридин чу ихлосу сидқ ўлди фаҳм,
Манга ҳам бу дам муртафеъ бўлди ваҳм.

Ҳамул мен шаҳу сиз сипоҳсиз манга,
Ёмон кун етишгач паноҳсиз манга.

Бу ихлос бирла Худо ёрингиз,
Ҳаводис аро Ҳақ нигаҳдорингиз».

Бўлуб шод шаҳқа дуо қилдилар,
Садоқат тариқин адо қилдилар.

Шаҳ уч бўлди элни, тааммул била,
Бағоят муносиб тахайюл била.

Ики минг кема аҳлин этти жудо,
Деди: «Ёрингиз бўлсун эмди Худо».

Оғир юк эди доғи ортуқ киши,
Алар бирла йўқ шаҳнинг ортуқ иши.

Ватан сори борин равон айлади,
Борин лутф ила шодмон айлади.

Деди: «Рум мулки сори қайтингиз,
Саломатлиғимдин хабар айтингиз.

Бурун ети дарёйи зохирни денг,
Яна ўн ики минг жазойирни денг

Ки, фатҳ айладим тиғу тадбир ила,
Чу тадбир эди рост тақдир ила.

Бу дамким Муҳит ўлди мақсад манга,
Керакмас эди хайли беҳад манга

Ки, не мулк фатҳи эди, не билод
Ки, қилсам черик бирла они кушод.

Жиҳат бу эди бизни қайтармоғи,
Муҳит ичра оз эл била бормоғи».

Узотқоч аларни бу ойин ила,
Ети юз кема бўлди таскин ила,

Элин ҳам айириб деди: «Сиз гуруҳ
Бўлунг ушбу манзилда таскинпужуҳ.

Чекинг тўрт йил интизорим менинг,
Бу муддат бўлунг посдорим менинг.

Муҳайё қилинг Румдин кўп матоъ
Ким, ул айлагай дафъи заъфу судоъ.

Мен ўлсам сафар озими жидд била,
Агар ёндим эрса бу мавъид била,

Ул ашё бўлуб мужиби тақвият,
Қуво топқай андин яна тарбият.

Чу бир-бирга ҳижрон чекиб еткабиз,
Фароғат била азми Рум эткабиз.

Ва гар худ фалак зулм этиб ошкор,
Ўюн ўзга навъ ўйнаса рўзгор,

Мени тортибон баҳри заххор аро,
ғариқ этса дарёйи хунхор аро.

Сувда туъма айларга қилмай даранг,
Забун этса бу аждаҳони наҳанг.

Замон ўтса сизларга мавъуддин,
Топиб ўзни навмид мақсуддин,

Дуо хатти бизга рақамзад қилинг,
Биҳил айлабон азми мақсад қилинг»**8**.

Айирди уч юз киштийи тезтак,
Юрурда нечукким ҳилоли фалак.

Мулозим қилиб ҳикмат аҳлин тамом,
Мадороларига қилиб эҳтимом.

Бўлуб борча мамлу ул уч юз кема,
Тенгизда кераклик бўлур ҳар нима.

Неча минг киши якдилу якжиҳат,
Жалодат келиб барчасиға сифат.

Кема илмида барча маллоҳдек,
Тенгиз ғавси фаннида тимсоҳдек**9**.

Не хидматки айлаб бори дилпазир,
Алар шаҳга, шаҳ барчаға ногузир.

Мураттаб қилиб шоҳи гардуннабард,
Кириб кемага, бўлди дарёнавард.

Алар қолдилар ашкдин баҳррез,
Бориб ашкдек шоҳи дарёситез.

Туну кун қилиб пўя гардун киби,
Сув ичра қолиб рубъи маскун киби.

Кеча тинмоқу кундуз ором йўқ,
Емакдин наво, уйқудин ком йўқ.

Неча боқса йўқ тоғу саҳро падид,
Неким ғайри дарё – бори нопадид.

Сув афлокдин ҳеч топмай гусил,
Бўлуб давраси давриға муттасил.

Гумон айлабон хайли дарёхиром
Ки, гардун аро айламишлар мақом.

Қуёшким қилиб сайр ул афлок аро,
Ниҳон бўлмайин маркази хок аро.

Неча нурини баҳр аро бутротиб,
Тенгиздин туғуб ҳам тенгизга ботиб.

Қачонким бўлуб сув тубига нигун,
Юзига ёпиб пардаи обгун.

Чу машриқ сари пўя бирла юруб,
Сузук сувда гавҳар киби билгуруб.

Топиб чун қуёш сув юзидин хафо.
Вале партави топмайин интифо.

Анингдекки фонус аро бўлса шамъ,
Кўрунур анинг партави бирла жамъ.

Вале бўлса кўнглак самовий анга,
Лақаб ичра волойи мовий анга.

Қачонким топиб сув аро шамъи меҳр
Ки, луъбат аён айлар эрди сипеҳр.

Нечукки юқордин кўрунуб нужум,
Аларнинг сувда акси айлаб ҳужум.

Дема акским, юз туман жонвар,
Сув амвожида зоҳир айлаб сувар.

Тўқулғон киби жинси зебо аро,
Ўкуш жонвар нақши дебо аро.

Сувни равшан айлаб аларнинг кўзи,
Нечукким, ҳавони фалак юлдузи.

Ҳамул жонварлар сувда хайл-хайл,
Қилиб тўш-тўшидин кемаларга майл.

Ёқиб кўзлари юз туман минг чароғ,
Топиб эл қуёш партавидин фароғ.

Чу ул шуълалар кемаларга етиб,
Йиғочлар тутошурдин эл ваҳм этиб.

Ҳамоно куярдин қилиб манъ сув
Ки, куймас амад шамъ бўлса ғулу.

Вале шакллар жилва айлаб муҳиб
Ки, эл кўнгли топиб алардин наҳиб.

Ангачаки бу хайл яксу бўлуб,
Улус бағри ул ваҳмдин сув бўлуб.

Булар чун бўлуб бартараф, ёна фавж
Падидор ўлуб, солибон сувға мавж.

Қолиб кемалар юз минг офат аро,
Кема аҳли баҳри махофат аро.

Ел оғзиға юз минг карат жон етиб
Ки, бир бўйла оқшомга поён этиб.

Яна чун биҳор узра чиқти қуёш,
Бухор ўлди ҳар ён биҳор узра фош.

Назардин тенгиз анжуми гум бўлуб,
Итарда ҳам, андоққи анжум бўлуб**10**.

Сув таҳрикидин гоҳ гирдоблар,
Инониға йўлнинг бериб тоблар.

Не гирдобким, жарф чоҳи амиқ,
Қуёш Юсуфин айлагудек ғариқ**11**.

Ажаб келди чаҳға ҳаволи сувдин,
Сувда чоҳ ким кўрди холи сувдин.

Мусофирға не ҳол бўлғай табоҳ
Ки, йўлида ҳар ён бу навъ ўлса чоҳ?

Фалак гунбазиғаки келмиш нигун,
Сув ҳар ён маноре ясаб бозгун.

Кема даврасиға бериб имтидод,
Анингдекки тол баргига гирдбод12.

Биридин қутулмоққа чун хос ўлуб,
Яна бир самоиға раққос ўлуб.

Гаҳеким бўлуб рафъ саргашталик,
Ҳамул даврадин бахт баргашталик.

Эсиб сарсару баҳр ўлуб мавжхез,
Фалак бирла сув мавжи айлаб ситез.

Ел андоқ эсибким, тенгиз чайқалиб,
Суйи баҳрнинг мавждин қўзғалиб.

Солиб кўҳмонанд кўлоклар,
Паёпай тенгиз жисмига чоклар.

Кириб сув тубига саломат куни,
Бўлуб ошкоро қиёмат куни.

Фалак елга ваҳшат эшигин очиб,
Тенгиз ваҳши дарё тубига қочиб.

Не дарё тубиким, суға ул тараф,
Чиқиб гар болиғ, гар наҳанг, ар кашаф.

Чу кўлок ўзин чархшўй айлабон,
Фалак сатҳиға обрўй айлабон.

Кемаким қилиб чарх сори равиш,
Қилиб тири кўк Тириға сарзаниш.

Қуйи чун иниб, бўлуб онинг ери
Дема баҳр таҳтики, таҳтас-сари.

Бўлуб Савру Ҳут авжидин ваҳмлиғ,
Тубидин топиб кўп ўю балиғ.

Фалакка уруб бирни дарё суйи,
Яна бирни элтиб, вале ер қуйи.

Кема аҳли гоҳи ўлук, гаҳ тирик,
Тирик ҳам юб ул сувға жондин илик.

Гаҳиким ул ошуб топиб нишаст,
Бўлуб тоғдек мавжлар сувға паст.

Қутулиб кема аҳли ул ҳарбдин,
Келиб ул бири Шарқу бу ғарбдин.

Йиғоч отларин баҳр аро чопишиб,
Укуш ранж ила бир-бирин топишиб.

Тааб кўзларин ашкбор айлабон,
Тенгиз ичра гавҳарнисор айлабон.

Алардин ўзида бири қолмайин,
Скандар магарким ўзин солмайин[13].

Борурлар эди бўйла ойин била,
Гаҳи суръату гоҳ таскин била.

Бу янглиғ ўтуб бир йилу тўқуз ой
Ки, марказга бўлди қазо раҳнамой.

Скандарға бу мужда берди сурўш
Ки: «Ей, одамизоди беҳудакўш!

Ҳамул ерга еттингки ком айладинг,
Ҳусулида йиллар хиром айладинг».

Қилиб рафъ шаҳ кўнглидин ёсни,

Талаб қилди Суқроту Илёсни.

Аларға доғи бўлмиш эрди аён,
Келурлар эди айламакка баён.

Чу айтиштилар, шубҳа рафъ ўлди пок,
Скандар бўлуб хурраму завқнок.

Буюрди сафойинни турғуздилар,
Солиб лангарин, бодбон буздилар.

Деди элгаким: «Сиз турунг эмди шод,
Қилурмен барингиз била хайрбод.

Тенгиз қаърини айлаб эрдим ҳавас,
Топибмен бу соат анга дастрас.

Кирармен муродим таманно қила,
Ҳавас қилғонимни тамошо қила»14.

Бу ерда ривоятқа бор ихтилоф,
Вале Хусрав15 этмиш мунга эътироф

Ки, бир шиша соз этти сандуқваш,
Гуҳарвор сандуқ аро кирди хуш,

Бошин, – деди, – руст эттилар қир ила,
Танобе чекиб анга тадбир ила.

Тутуб берк ул аҳли ано бир учин,
Тугуб шишасиға яно бир учин,

Қилиб рафъ ҳар ваҳму андишани,
Тенгиз ичра солдилар ул шишани.

Қолиб ул тенгиз қаърида неча ой,
Бўлуб баҳр ҳолин тамошонамой.

Чу юз кун қолиб, баҳр анга ортибон,
Алар шишаси риштасин тортибон.

Вале бу ривоят эрур бас маҳол,

Вуқуъиға топмас хирад эҳтимол.

Яна бир ривоят доғи бордур
Ки, ровийлар оллинда мухтордур.

Манга доғи ул келди чун дилпазир,
Қачон бўлғай они демакдин гузир.

Будур улки, тарихлар ноқили,
Ҳам они наби дебдурур, ҳам вали.

Хабар бу сифатдурким, ул комжўй,
Чу бўлди Муҳит ичра оромжўй,

Риёзат басе чекмиш эрди тани,
Топиб тасфия хотири равшани.

Бўлуб сайр итмоми топқач мақом,
Иши ҳам сулук ичра бўлди тамом16.

Валоят мақомида топти ўзин,
Нубувват чароғи ёрутти кўзин.

Кўзи бўлғоч ул шуъладин нурлуқ,
Сув аҳлиға рафъ ўлди мастурлуқ.

Қаён боқти, кўрди неким бор эди,
Анга борча махфий падидор эди.

Суву сувдағин ўйла кўрди аён
Ки, кўргай киши баркаи моҳиён.

Қуруғлуққа ҳар жонварким бўлур,
Башар жинсидин ҳар суварким бўлур.

Кўрунди анга борчаси сув аро,
Нечукким булар акси кўзгу аро.

Вале анда бор эрди тимсол кўп,
Қавий ҳайкалу турфа ашкол кўп

Ки, оламға тушса бири ногаҳон,

Назорасидин ўлгай аҳли жаҳон.

Болиғларки бўлғонда жунбушнамой,
Ўта олмағай суръат этса бир ой.

Вале кўп наҳанг ўйлаким бўйла ҳут,
Муқаррар анга ики ҳар кунги қут.

Юруб эгри харчанг лойиқ мунга,
Шиновар кашаф ҳам мувофиқ мунга.

Скандарға неким таманно бўлуб,
Юз онча ғаройиб тамошо бўлуб.

Бўлуб бар ила баҳрнинг шоҳи ул,
Нубувват рамузининг огоҳи ул.

Етиб чун бу иқболи жовид анга,
Нимаким эмас эрди уммид анга.

Бериб хайлиға муждае ул ҳолдин,
Бўлуб борча муқбил ул иқболдин.

Билиб халқ шоҳи музаффар ани,
Ҳакиму валию паямбар ани.

Ҳаросон келиб, ёнибон шодмон,
Кема сайридин тинмайин бир замон.

Кема суръати ул сифат тез эди
Ки, жанбида гардун гаронхез эди.

Хиром ичра андоқ бўлуб пояси
Ки, ҳампойлиғдин қолиб сояси.

Ики йилчилиқ йўлни бир йил суруб,
Қўюб борғон элга ўзин еткуруб.

Етиб чун элиға шаҳи аржуманд,
Бўлуб васли бирла бори баҳраманд.

Тутуб бир кун ул манзил ичра мақом,

Яна кун юрурга қилиб эҳтимом.

Анга тегруким айлабон сувни тай,
Саодат била қўйди соҳилға пай.

Су ташвиридин жисми бетоб эди,
Саломат мизожида ноёб эди.

Хаёлиға келдики – кетмак керак,
Бу фоний жаҳон таркин этмак керак,

Қилиб елга ирсол ўз динини,
Тузуб мамлакат забту ойинини.

Бурунроққи, бўлғай иши изтирор,
Мулуки тавойифқа берди қарор.

Анингдекки, тузган киби ул мулук,
Қилиб ети юз йилгача бир сулук

Ки, ул мулк аларға қолиб неча пушт,
Чиқормай алардин сипеҳри дурушт.

Чу ул фикрдин хотирин тиндуруб,
Кеча-кундуз ором тутмай юруб.

Таковар суруб заъфлиқ тан била,
Ниҳон жисми зориға шеван била.

Қила олмайин кимса ҳампойлиқ,
Ул айлар эди даштпаймойлиқ.

Тамуз ўтидин эрди оламға жўш,
Сувлар айлабон қайнамоқтин хуруш.

Қуёш тобидин ер анингдек қизиқ,
Ки, биттабъ айлаб ҳавони исиқ.

Исиқ фартидин ер юзи ўртониб,
Кишига оёқ ерга етгач – ёниб.

Сурарга Скандар самандин равон,

Исиқ айлади жисмини нотавон.

Мизожининг англабки сомони йўқ,
Билибким, юрумакнинг имкони йўқ.

Туруб тушти тафсанда қумлоқ уза,
Қилиб елдин оҳанг туфроқ уза.

Мараздинки бор эрди жисмида тоб,
Мизожиға солмиш эди изтироб.

Тўшолгунча ер – қуввати қолмади,
Бўлуб заъфи ғолиб – тура олмади.

Тушуб эрди бир кўҳа, очти ани,
Узолди ҳамул кўҳа узра тани.

Чу беҳад қизимиш эди ул ёбон,
Биров қилди қолқон била соябон.

Магар айлагон ул сипаҳдорлиқ,
Қилиб эрди қолқонни заркорлиқ.

Ўқуб эрди шаҳ толеъ аҳкомида
Ки, онинг ҳаётининг анжомида:

Темурдин ер, олтундин ўлғай само,
Анга бўлғач ул ики суратнамо

Ки, арзи темур, чархи олтун эрур,
Яқин билдиким, иш дигаргун эрур.

Кўзидин тўкуб ашк қайғу била,
Илик ювди жонидин ул су(в) била.

Кетур соқиё бодау, қўй низоъ,
Тўло тут манга соғари алвидоъ.

Даме муғтанам англа майхонани
Ки, тўлдурғуси чарх паймонани.

Муғанний, чекиб нағма, қил бизни шод,

Керак бўлса ул нағмаи хайрбод.

Агар мунглуғ истар эсанг анда байт,
Навоийнинг ошуфта назмидин айт!

Навоий, топиб соқийи моҳваш,
Ёнида анинг мутриби нағмакаш.

Бўлуб маст, ёд этма огоҳлиқ,
Агар истар эрсанг даме шоҳлиқ.

LXXVII

Жаҳон базми соқийлари ҳаёсизлиғидаким, умр соғариға ажал заҳри қуярда ғофил била огоҳ аро тафовут кўрмаслар ва умр боғи соъилари вафосизлиғидаким, ҳаёт шохини ажал тиғи била қатъ этарда гадо била шоҳ аро фарқ бермаслар ва олами хокдин этак силкарга ишъор ва бу вартаи ҳалокдин илик тортарға иршод

Жаҳонға чу йўқтур бақо, эй кўнгул,
Тамаъ қилма андин вафо, эй кўнгул.

Жаҳон недурур – бир улуғроқ кесак,
Йироқ тортқил ул кесакдин этак

Ки, бор ул кесак сув ичинда ғариқ,
Олиб ўртаға они баҳри амиқ.

Эрур онинг уч рубъи дарё сори,
Яна рубъи келди судин тошқори.

Неким сув аро топти полудалиқ,
Етак топмағай андин олудалиқ.

Ҳамул рубъиким баҳрдин келди фард,
Ерур мумкин андин замирингға гард.

Бу балчиғ била гард аро қилма хўй,
Бўл анинг фироқи сори гармпўй

Ки, кирган бу болчиққа имкон эмас,

Киши ботса чиқмоғлиғ осон эмас.

Ҳамул гард аро кимки қўйди аёғ,
Не кўз қолди ошубидин, не димоғ

Ки, Баҳром анга боттию чиқмади1,
Қиёматқача ёттию чиқмади.

Мунга доғи Кайхусрав ўлғоч ниҳон,
Яна топмади они аҳли жаҳон.

Қаю шаҳки олди жаҳон кишварин,
Тасарруф қилиб баҳру кон зеварин.

Ҳам они жаҳон дарднок айлади,
Не бергонни олиб, ҳалок айлади.

Кишиким, бу маъниға даъвоси бор,
Йироқ ерга бормоқ не маъноси бор?

Қаю шаҳ нечукким Скандар эди,
Ҳакиму валию паямбар эди.

Қаю ишга илги узолди экин
Ки, ул бермайин даст, қолди экин?

Не иқлим азмиға чекти сипоҳ
Ки, фатҳ ўлмади бўлмайин кинахоҳ.

Не дашт узраким тузди саффи набард,
Чиқорди аду хайлидин кўкка гард.

Булар худ эрур шоҳларнинг иши,
Яна ишки қилмайдур андоқ киши.

Каюмарс давронидин то бу давр
Ки, келди мулук ичра ҳар гуна тавр.

Вале неча ишким анга берди даст,
Яна шоҳларға эмас эрди даст.

Бири ети иқлим фатҳи тамом

Ки, бу рубъи маскун уза сурди гом.

Чу ёйди саропардаи шавкатин,
Ети арсада чолди беш навбатин.

Яна чунки азм ошкор айлади,
Наҳангона фатҳи биҳор айлади.

Олиб ети дарёйи зохирни ҳам,
Яна ўн ики минг жазоирни ҳам,

Яна чекти яъжуж оллиға сад
Ки, шарҳ ичра ожиздур андин хирад.

Яна тузди бўлғоч сипеҳрозмо,
Сутурлобу миръоти гетинамо.

Яна қилди чун илм анга бўлди қисм,
Жаҳон мулкида кўп очилмас тилисм.

Яна мунча бемислу доно ҳаким,
Ки, бўлди анга борча ёру надим.

Билик авжи фикратлари манзили,
Бори оллида ҳал фалак мушкили.

Жаҳон ичра мундоқ топиб шоҳлиқ,
Нечук шоҳлиқ, донишогоҳлиқ.

Валоятдин илгида қувват доғи,
Нечукким валоят, нубувват доғи.

Қачон одамий бўйла маъҳуд эмиш,
Киши қайда бу навъ мавжуд эмиш.

Анга қилмади даври гардун вафо,
Жафо бирла ҳам қилмади иктифо.

Жафо элни бистарға солмоқ бўлур,
Фироши уза жонин олмоқ бўлур.

Йўқ ул элки бўлғай басе аржуманд,

Неча доғи бор эрса хору нажанд.

Ажал уйқусиға бўлурда асир,
Бўлур жисми бистарда оромгир.

Скандарни кўрким, бу дам чархи дун
Ки, қилди ажал уйқусиға забун.

Фарас чоптуруб дашт ила тоғ уза,
Йиқибдур танин тийра туфроғ уза.

Неча вақт айлаб ватандин жудо,
Аноу неча сиймтандин жудо.

Булар борча маҳбубу пайванд ҳам,
Демайким булар, неча фарзанд ҳам.

Тай этган замон дашту баҳри фироқ
Ки, кўнглида туғён солиб иштиёқ.

Ани васл завқи навиди била,
Солиб пўяға ком умиди била.

Бўлур чоғда умидидин комёб,
Солиб жониға марг ўти бирла тоб.

Қилиб қасди жон кинахоҳи киби,
Қизиқ қум уза тоба моҳи киби.

Не бошида бир мунису маҳраме,
Не оллида бир мушфиқу ҳамдаме.

Солиб дашт аро нотавону алил,
Олур хаста жонини зору залил.

Даво қилмайин ҳеч дармон била,
Қилур қатл юз дарду армон била.

Қаю бирдаким ҳушу хибратдурур,
Бу иш олам аҳлиға ибратдурур.

Ангаким жаҳон комин айлар ҳавас,
Бу афсона танбеҳи ўлгунча бас.

LXXVIII

Луқмон ҳикоятиким, жаҳон мутааллақотидин ганждек бир бузуғни ихтиёр этти ва минг йилдин сўнг сипеҳр аждаҳосидин анга ҳам осийб етти

Ешиттимки, Луқмонға даврон аро,
Сукун эрди бир кунжи вайрон аро.

Бузуғни макон айлаб андоқки ганж
Топар эрди иссиғ, совуғ бўлса ранж.

Ёғин ё гунашдин ул оромгоҳ,
Анинг жисмиға бермас эрди паноҳ.

Ёши мингга етгунча эрди бу ҳол,
Биров қилди ҳайрат юзидин савол

Ки: «Ёрутуб ер юзин донишинг,
Недин йўқ жаҳон айши бирла ишинг?

Ватан айламай турфа кошонае,
Қилибсан макон кунжи вайронае?»

Жавоб айтти пири омузгор
Ки: «Вайрона ичра узун рўзгор,

Бу ким чуғз янглиғ басар айладим,
Соғиндимки, дафъи зарар айладим

Ки, чун қилмадим майл оламға ҳеч,
Мени ул доғи солмағай ғамға ҳеч.

Муни кўрки, даврондин элтур чоғи,
Олур мендин ушбу бузуғни доғи.

Чу охир адам сори қўйғум қадам,
Манга бордур ортуғ бу вайрона ҳам.

Жаҳондин неча эл ҳаросон эрур,
Анинг ранжидин махлас осон эрур»**1**.

LXXIX

ҲИКМАТ

Бир соил саволи Луқмондин ул бобдаким, мунча илмингга боис ким эркин ва бизга андин хабар бергин ва анинг жаҳл аҳлиға ишорати ва аксин тутар башорати

Ҳам андин биров сўрди бу навъ сўз,
Ки: «Эй равшан этган билик бирла кўз!

Чу асрингда йўқ эрди андоқ киши
Ки, сен чоғлиқ ўлғай анинг дониши.

Бас, ушбу қадар дониши беҳисоб,
Дегил кимдин ўлди санга иктисоб?»

Деди: «Дониш аҳлиға айланмадим,
Биликни билур элдин ўрганмадим.

Жаҳон илми буким манга ёд эрур,
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутуб акси, топтим ёмондин амон.

Жаҳон аҳлиға чун шиор ўлди жаҳл,
Ерур борчанинг аксини тутқон аҳл».

Дединг чун жаҳон аҳли, эй ҳушёр,
Жаҳон тарки аввал керак ихтиёр.

Киши бўлса бу ганж ила комёб,
Не тонг бўлса оромгоҳи хароб.

Жаҳон таркидур шодлиғ боиси,
Харобидур ободлиғ боиси.

LXXX

Искандарнинг нолдек марг печо-печида онасиға азо манъи учун нома ёзмоғи ва андин сўнгра ҳаёти номасин қазо новардида қилмоғи ва хайли анинг наъшин Искандарияға нақл қилмоғлари ва онасиға ул нома етиб, наъшқа ўтру чиққони ва ўғлин туфулиятда маҳд ичра уйқу учун навозиш қилғондек наъши маҳди ичра доғи уйғонмас уйқусида навозиш қилмоғи ва кўкси чокидек ер кўксин доғи чок этиб Ани туфроққа топшурғони

Муаррихки, бу нуктада сурди сўз,
Бу янглиғ ниҳоятқа еткурди сўз

Ки, чун шаҳға ул ишдин ўлди вуқуф,
Ҳаёти қуёшиға етти кусуф.

Яқин билдиким, келди кетмак чоғи,
Жаҳон, балки жон таркин этмак чоғи.

Бу янглиғ қатиғ кунда дорои даҳр,
Ажал жомидин айлаб ошоми заҳр.

Аноси чу ёдиға тушти анинг,
Ажаб ўт ниҳодиға тушти анинг.

Кўзин очибон элга айлаб нигоҳ,
Ажал елидек чекти бир совуғ оҳ.

Дабир истади, сафҳау хомае,
Аносиға ёзмоқ учун номае.

Ки, коғаз узорин қаро айлагай,
Васият ишин можаро айлагай.

Дабири гуҳарсанжи чобукрақам,
Очиб саҳфаи дард, чекти қалам.

Анга нукталарким Скандар деди,
Рақам қилдию ул бу янглиғ эди.

Ки, бу сафҳаким номаи дард эрур,

Рақам анда ҳангомаи дард эрур.

Биров ҳамдидиндур бидоят анга,
Ки, йўқ ибтидоу ниҳоят анга.

Муфизи ато, балки халлоқи жуд,
Халойиққа берган адамдин вужуд.

Бадан ичра жон жавҳарин солғучи,
Яна охир ўз берганин олғучи,

Тенгиз ичра итгонга ҳам раҳбар ул,
Биёбонда ўлгонга ҳам ёвар ул.

Гадолиғни шаҳлиғдин этган азиз,
Жаҳон шаҳлари оллида бир пашиз.

Анингким мизожин алил айлабон,
Биёбонда зору залил айлабон.

Қазосидин ўлғонда огоҳлиғ,
Асиғ қилмайин ҳашмату шоҳлиғ.

Ниҳон ҳар қазосида ҳикмат басе
Ки, билмай қилиб ақл фикрат басе.

Таолиллоҳ, ул Сонеъи Зулжалол
Ки, ҳам лам-язал келди, ҳам ло-язол.

Чу Ҳақ шукру ҳамдин адо айлабон,
Васият бу навъ ибтидо айлабон

Ки: «Мендинки, йўқ мендек озурдае,
Ажал хайли илгида пажмурдае.

Сангаким, бузулғон таним жонисен,
Вужудум самин лаълининг конисен.

Будур сўзки, кўп фурқатинг истадим,
Йироқлиқ била меҳнатинг истадим.

Бошимға тушуб ҳарза андешае,

Дедим олам очмоқ эрур пешае.

Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,
Ҳавас жоми кўнглумга ошом эмиш.

Керак эрди, то кирди мағзимға ҳуш,
Хирад токи солди димоғимға жўш.

Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.

Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,
Анинг отин айтсам эди шоҳлиқ.

Ул иқболима чарх бўлди ҳасуд,
Ўлар чоғда ўлтурсам ўзни не суд?

Ризонг ўлмаса кўнглума ғамзудой,
Бу дармондаға вою юз қатла вой!

Неча тутмадим ҳукму амрингни пос,
Тут албатта сен пос, бу илтимос!

Ҳамул дамки, етгай бу номам санга,
Билингай ўқуб нақши хомам санга.

Яқинким бўлуб пайкаринг рез-рез,
Ҳаётингға тушгай ажаб рустахез.

Чу сенсен жаҳон аҳли донандаси,
Улуснинг васиятрасонандаси.

Керак ҳар не оллимға ёзди қазо,
Санга ҳам аён бўлса мендек ризо.

Кўнгул мендин узмак ишин чоғласанг,
Чу уздунг, ани Тенгрига боғласанг.

Юзунг кож ила қилмасанг мушкрез,
Сочинг бирла мушк узра кофурбез**1**.

Тузуб навҳам оҳангида можаро,

Жаҳон қилмасанг ғам тунидек қаро.

Қуёшдек ичинг сўзнок этмасанг,
Ёқонг ўйлаким субҳ чок этмасанг.

Сариғ юз уза қилмай оқ сочни фош,
Шуоъи хутутин нечукким қуёш.

Харош этмасанг юз янолар киби
Ўғул мотамида анолар киби.

Агар сабрға бўлмаса тоқатинг,
Бу ишга вафо қилмаса қувватинг,

Улуқ жашн қилғил қилиб эҳтимом,
Тузат ҳадсиз анда мулавван таом.

Муноди қилиб борча атрофқа,
Хабар айтиб арзолу ашрофқа,

Йиғиб кишвар аҳлини айвонинга,
Йиғилғонни ўлтуртқил хонинга.

Чу ул давра еткурди бир-бирга бош,
Дегил, тортсунлар эл оллинда ош.

Ёйилғоч улус оллида атъима
Ки, тутқай бори жашн ичин ер нима.

Дегилким, муноди ул элга десун
Ки: «Ул кимса бу ошлардин есун.

Ки, бу кўҳна дайри куҳан тоқ аро,
Анга бўлмағай кимса туфроқ аро».

Назар қил бу сўзни дегач хонинга
Ки, кимса сунарму илик нонинга?

Узотса биров ул емакларга қўл,
Менинг сўгума сен ҳам озурда бўл.

Ва гар кимса қўл сунмаса ҳар тараф,

Емак шуғлини қилсалар бартараф.

Бу маълум ўлурким, йўқ эрмиш бирав
Ки, туфроқ аро йўқ кишиси гарав.

Билингачки бу навъ эмиш рўзгор,
Ул ишдин ўзунгга бўл омўзгор.

Ғамимда алам ҳузнидин фард бўл,
Бори олам аҳлиға ҳамдард бўл.

Неча сарвару бахти фархундасен,
Алар бандадур, сен доғи бандасен.

Керак бандаға иш сарафкандалик,
Не Ҳақдин келур айламак бандалик.

Неким Ҳақ ризоси, ризоманд бўл,
Қазо ҳар неким қилса, хурсанд бўл.

Мен ар яхши эрдим ва гар худ ёмон,
Хиром айладим умр бермай амон.

Қўлумда агар нақд мақсуд эмас,
Пушаймонлиғимдин вале суд эмас.

Санга бўлса бир неча кун муҳлате,
Раво кўрма Ҳақ ёдидин ғафлате.

Гаҳи лек фархунда авқот аро
Ки, бўлғунг шуҳуд ичра тоат аро.

Бу ўлган ғарибингни ёд айлагил,
Дуо бирла руҳини шод айлагил».

Скандар чу мақсудин этти тамом,
Чекилди варақ кунжига: «вассалом».

Бериб печ, топшурди мактубни,
Аён қилди кўнглига матлубни

Ки: «Қилмай таваққуф, туну кун сурунг,

Аномға бу мактубни еткурунг.

Бу дамким уёқиб манга офтоб,
Ёпилғай қуёшимға мушкин саҳоб.

Бошим узра кўп изтироб айламанг,
Жаҳонни азодин хароб айламанг.

Манга наъш ичинда мақом айлангиз,
Демай кеча-кундуз хиром айлангиз.

Қилинг нақл жаҳду жидд айлаб бори,
Скандарни Искандария3 сори.

Тирикликда ул ер эди маъманим,
Ўлум вақти ҳам айлангиз мадфаним.

Вале қилсангиз наъш аро устувор,
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор:

Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким – ришта ёқутдин

Ки, эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:

«Бу панжаки, бармоғлари чекти саф,
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди каф.

Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.

Чу урди ажал илги табли раҳил,
Бақо бўйниға солди ҳабли раҳил4.

Жаҳондин шал илги мисоли борур,
Нечукким, чинор илги холи борур.

Ангаким, мададкор бўлғай билик,
Жаҳон шуғлидин бори чеккай илик».

Бу ерларга еткурди чун шаҳ сўзин,

Туганди сўзи, доғи юмди кўзин.

Олиб эрди чун мулки фонийни жазм,
Бақо мулкини олғали қилди азм.

Солиб тан тилисмини туфроқ уза,
Ҳаво қилди бу чархи нуҳ тоқ уза.

Чу кўк сори ердин сафар айлади,
Еру кўкни зеру забар айлади.

Ажал сарсари бўлди гетинавард,
Қаро қилди олам юзин тийра гард.

Нигунсор ўлуб хисравоний дарахт,
Тушуб ерга тож, ўлди юз пора тахт.

Қаросин нигин юзда фош айлади,
Юзин ҳам саросар харош айлади.

Узуб ҳикмат авроқини тундбод,
Кутуб учтию элга қолди савод.

Кутубдек кийиб ҳикмат аҳли қаро,
Тушуб илм янглиғ сиёҳи аро**5**.

Фалакким, ул иш бемадоро қилиб,
Қиёмат кунин ошкоро қилиб.

Нединким бўлуб бир жаҳон халқи ур,
Солиб ноладин даҳр аро нафхи сур.

Бу янглиғ қиёматки, ногаҳ тушуб,
Чиқиб кўкка арзу фалак таҳ тушуб**6**.

Чу ер топибон чархмиқдорлиқ,
Топиб ёна кўкдек нигунсорлиқ.

Фалак бирла ер сарбасар чайқалиб,
Дема чайқалиб, борчаси қўзғалиб.

Ҳамул дам чиқиб чун ародин амон,

Ҳамоно яна кўрмай они замон.

Кўруб эл бу янглиғ фалак жаврини,
Учургунча ошубдин ҳаврини.

Залилона ғавғоу фарёд этиб,
Чу шаҳнинг васиятларин ёд этиб.

Яна тарки оҳу фиғон айлабон,
Не ҳукмеки шоҳи жаҳон айлабон.

Ҳамул навъ этиб наъши тартибини,
Дегандин фузун зийнату зебини.

Маҳофа аро айлабон они руст,
Қадам қўйдилар шаҳ деган сори чуст.

Бурунроқ киши элтибон номани,
Оносиға арз этти ҳангомани.

Оноси чу воқиф бўлиб ҳолдин
Ки, не Рустам айрилмиш ул Золдин.

Кетиб мағзидин фаҳму ҳушу хирад,
Қолиб руҳсиз бир қуруқ колбад.

Тилаб кўксини чок-чок айламак,
Ул андуҳдин ўзни ҳалок айламак.

Вале чун боқиб нома мазмуниға,
Тасалли бериб жони маҳзуниға.

Билибким Скандар неким ёзди панд,
Ешитмаклик они эрур судманд.

Ва лекин ўзин забт эта олмайин,
Васият бошиға ета олмайин,

Тилаб оҳ ўтидин жаҳон ўртагай,
Жаҳон йўқ, тўқуз осмон ўртагай.

Яна айлабон шаҳ сўзи посини,

Ниҳоний ичиб заҳрлар косини.

Ҳамул дард ўтидин ниҳон ўртаниб,
Ки, пинҳон ўтидин жаҳон ўртаниб.

Куюб жисмида пуда раглар доғи,
Бўлуб кул қуруғон сўнгаклар доғи.

Анга бўйла ҳолатки етти гуруҳ,
Қаро остиға қолибон дашту кўҳ.

Қўюб шаҳ наъшин бўюнларға хайл,
Қилиб ҳар қадам йўлда жонлар туфайл.

Чу фаҳм этти ул ишни исматпаноҳ,
Ичи барқидин чекти бир ўтлуқ оҳ.

Асо тутти, доғи белин боғлади,
Тушуб йўлга гардун ичин доғлади.

Ситамдидалардек қадам олибон,
Уётдин фалак бош қуйи солибон.

Аларким кўруб ул қаро кун анга,
Бори навҳа айлаб, чекиб ун анга.

Йироқтин кўруб ўғли тобутини,
Узуб чарх анинг умрининг қутини.

Фалакдин кўруб халқ ул навъ рев,
Малак зумраси ичра солиб ғирев.

Чу тобутқа етти тожур-рижол,
Деди ун чекиб зору ошуфтаҳол

Ки: «Хуш келдинг, эй меҳмони азиз
Ки, қурбонинг ушбу қариғон каниз!

Санга лойиқ эрмас эди бу сарой
Ки, бўлдунг қўюб бизни, ғурбатгарой.

Не лойиқки қилғай макон нури пок,

Бу дайр ичраким аслидур тийра хок.

Мунаввар қилиб равза бўстонини,
Ёруттунг малойик шабистонини.

Хирад оллидаким муҳосибдурур,
Бу иш худ бу янглиғ муносибдурур.

Санга гар бу суратда эрди сурур,
Сурурунгға биздин ризодур зарур.

Манга лек зулм ўлди афлокдин,
Сариъанжуму даҳри бебокдин

Ки, азм этмадим йўлға сендин бурун,
Ясарға санга жаннат ичра ўрун**7**.

Ажаб лаъб кўргузди афъоли чарх
Ки, хуршид уёқти, қолиб золи чарх**8**.

Бу кунни агар қилсам эрди хаёл,
Мени ул дам ўлтургай эрди малол.

Бу иш тушта гар жилва қилғай эди,
Ҳамул лаҳза заҳрам ёрилғай эди.

Қазодин бу иш келди чун жонима,
Бу сели бало жисми вайронима.

Бу шиддат аро ҳам йўқ эрди ғамим,
Агар бўлса эрди аён мотамим.

Ўкурсам эди оқ сочимни ёйиб,
Келиб гоҳ ўзумга, гаҳи сустойиб.

Юзумдин ўюб тоза парголалар,
Очиб заъфаронзор аро лолалар.

Яқо чокига даст топсам эди,
Қаро киз осиб танни ёпсам эди,

Чекиб нола ул навъким нафхи сур,

Фалак жавфиға солсам эрди футур.

Бериб наъшинг оллинда жони заиф,
Солиб жисминг устига жисми наҳиф.

Фалак зулмидин холи айлаб кўнгул,
Ано борса эрди нечукким ўғул.

Ва лекин будур дарди жони манга,
ғаму меҳнати жовидони манга

Ки, мотам тутуб шайн ета олмадим,
Бериб жон, сўнгунгча ета олмадим

Ки, сендин бурун етти номанг манга,
Рақам айлаган нақши хоманг манга.

Не ишларки айлаб эдинг илтимос,
Зарур эрди тутмоқ ҳадисингни пос.

Уқубат агар торттим беадад,
Ешитмасга ҳукмунг ва лекин не ҳад?

Эмас эрди хоқону қайсар сўзи
Ки, ул нома эрди Скандар сўзи.

Таним дуржиға пок гавҳар қани?
Бару баҳр шоҳи Скандар қаниғ!»

Бу ойин ила ул бўлиб нуктарез,
Халойиқ ичига тушуб рустахез.

Келур эрдилар тортиб афғону оҳ,
Анга тегруким шаҳға оромгоҳ.

Чу ул танни мадфанға еткурдилар,
Дегил руҳни танға еткурдилар.

Қилиб тийра туфроқ бағрин харош,
Ёшурдилар ул туфроқ ичра қуёш.

Эрур расм ушбу куҳан тоқ аро,

Қуёш ботмоғи тийра туфроқ аро**9**.

Кўмуб тийра туфроққа равшан танин,
Ясаб юз туман зеб ила мадфанин.

Сипеҳр атласин қабрпўш эттилар,
Неча кун фиғону хурўш эттилар.

Ҳам охир кўнгулни бори тиндуруб,
Кўнгулда ҳавас хорини синдуруб.

Фиғон неча айлаб, наво топмайин,
Ул озурдалиққа даво топмайин.

Тутуб борча ойини хурсандлиқ,
Қазо ҳукмиға сабрпайвандлиқ.

Аёқчи, ичим келди ғамдин батанг,
Кетургил тўло соғари лоларанг.

Ки, чун бўлса они сумурмак манга,
Иш ўлғай ҳамул дам ўкурмак манга.

Муғанний, келу навҳа оҳанги туз,
Бузуғ кўнглумизни яна доғи буз

Ки, ҳам мотамий қилди, ҳам ғамзада,
Фироқ ичра бизни бу мотамкада.

Навоий, жаҳондин вафо истама,
Тутуб бенаволиғ, наво истама!

Бировга жаҳондин етишмас ано
Ким, ул тутса ойини фақру фано.

LXXXI

Ети ҳакимнинг Искандар онасиға азо текургали келмаклари ва ҳар бирининг дуо ва сано гулрухлариға ўзга иборат деболари либоси кийдуруб жилва бергони ва таҳсин ва офарин маҳвашлариға ўзга алфоз

гавҳарлари зеварин тоққони ва ул доғи ети фалак қошида даҳр золидек ўзни паст тутб, аларға маъзират ошкор қилғони

Бу мотамсарой[1] ичраги навҳагар,
Тешар элга бу навҳа бирла жигар

Ки, Искандар этти чу қатъи ҳаёт,
Аносиға бўлди қаро коинот.

Нечукким васият ёзиб эрди шоҳ,
Амал қилди Бонуйи иффатпаноҳ[2].

Ише қилдиким, ҳаргиз ул навъ иш,
Жаҳон аҳлидин ҳеч ким қилмамиш.

Бўлуб воқиф ул ишдин аҳли яқин,
Қилиб ҳар бири юз туман офарин.

Бори келдилар мотамин сўрғали,
Ниҳоятдин афзун ғамин сўрғали.

Ҳамул шоҳи мағфурнинг мадфани,
Бўлуб эрди тун-кун анинг маскани.

Чу Бонуйи даҳр ўлди доно анга
Ки, юз қўйди ул ети дарё анга.

Ҳамул қавм иҳзориға берди бор,
Қилиб юмни мақдамларин эътибор[3].

Ети баҳр бўлғоч аён ногаҳон,
Фалакдек таҳаррукка тушти жаҳон.

Аёғ узра ҳурматлариға туруб,
Борин бир-бир ўлтуртубу ўлтуруб.

Алар чунки бир лаҳза топиб сукун,
Филотун деди борчасидин бурун

Ки: «Бонуки даврондин огоҳ эрур,
Билик ичра давр аҳлиға шоҳ эрур.

Анга ҳожат эрмас бизинг пандимиз,
Ҳамул нуктаи сабрпайвандимиз.

Нединким, эрур аъқали рўзгор,
Халойиққа ақл ичра омўзгор4.

Вале бир дуодин эмастур гузир
Ки, борбиз анга барча фармонпазир.

Гуҳар чўмса дарёға бўлсун ҳаёт,
Қуёш ботса гардунға етсун сабот5.

Не ҳожатки, биз бўлғабиз сабрхоҳ
Ки, сабр айламакни ёзиб эрди шоҳ.

Неким шаҳ васиятда кўргузди панд,
Борин бўлди андин фузун корбанд6.

Букун улдурур олам аҳлида фард,
Демай шерзан, балки юз шери мард

Ки, андоқ ўғул андин олди қазо,
Қазоға аён этмади жуз ризо.

Умид улки бу дарду андуҳнинг,
Худо муздин этгай аён бирга минг».

Тугатгач Филотуни доно паём
Аён қилди Суқрот мундоқ калом

Ки: «Ей ети иқлим Бонусисен,
Хирад шахси зону-базонусисен.

Санга ғойиб ар бўлди озода шоҳ,
Бори ҳолинга ҳозир ўлсун Илоҳ.

Анга оқил ўлғай насиҳатписанд
Ким, ул ақлдин бўлмағай баҳраманд.

Қазодин не келса ризо бермагай,
Ризо ҳам нечукким, сазо бермагай.

Аёғиға сончилди эрса тикан,
Бўлуб оҳдин кўкка новакфикан.

Насимики зайлиға еткурса гард,
Анинг дардидин тортқай оҳи сард.

Ва лек ул кишиким хирадманддур,
Неким Тенгридин келса хурсанддур.

Сенинг бу тариқинг эрур баркамол
Ки, Ҳақ бермасун донишингга завол».

Туганди чу Сукротнинг ҳикмати,
Етишти Балиноснинг навбати.

Дуо қилди оғози таъзим ила,
Тикиб кўзларин ерга таслим ила.

Дуо хатм этиб, деди бу сўз яно
Ки: «Ети ато бирла бу тўрт ано7.

Сенингдек топа олмай огоҳ қиз
Ки, даҳр ўлмасун сендек огоҳсиз.

Бори элга бу сўзга бор иттифоқ
Ки, душвор эрур дарду доғи фироқ.

Бу дард ичра улким жазаъкорроқ,
Ризо бермаган дарди душворроқ

Ки, аввал ризо нақди бўлғай талаф,
Мусибатнинг ажри доғи бартараф.

Сенинг ройинга нури таҳқиқ эрур,
Ҳақ эҳсонидин онча тавфиқ эрур

Ки, шойиста ишга қилурсен шуруъ,
Не шойиста эрмас, этарсен ружуъ».

Балинос чун сўзни қилди адо,
Яна этти Буқрот сўзи ибтидо

Ки: «Ей ғусса ошомида Қофи ҳилм,
Сенинг зотинга содиқ авсофи ҳилм

Чу сабринг камандин Ҳақ этти узун,
Анга ҳар дам ўлсун узунлук фузун.

Муни билки, ҳар неки бор жунбуши,
Ниҳоятқа етгач сукундур иши.

Топар гўй чавгондин илдомлиқ,
Ва лекин бўлур охир оромлиқ.

Йўқ ул гўйким, гунбази гармпўй
Ки, саргаштадур тун-кун андоқки гўй.

Мунга доғи бир кун қарор ўлғуси,
Қарор ичра беихтиёр ўлғуси.

Булардин бири англа одамни ҳам,
Не одамки, бал аҳли оламни ҳам.

Ангаким азалдин хирад ёрдур,
Бу иш фикратиға мададкордур.

Сени юз туман шукрким, Кирдигор
Хирад ганжидин айлади комгор».

Чу Буқрот ҳарфиға итмом эди,
Дуо бирла донанда Хурмус деди

Ки: «Ей, гулсиз ўлғон хазондида боғ,
Ёруғ нуридин айру тушган чароғ.

Билурсенки очилса боғ ичра гул,
Узар боғбон охир андин кўнгул.

Нечаким чароғ ўлса мажлисфуруз,
Ҳам охир бўлур оқибат тийрарўз.

Чу бу навъ эрур даҳр хосияти
Ки, бўлғай пароканда жамъияти.

Мунга изтироб айламак суд эмас,
Демай судким, жуз зиёнбуд эмас.

Санга Тенгри чун берди донандалиқ,
Ўзунгга насиҳат расонандалиқ

Демак панд – таҳсили ҳосилдурур,
Дегандин хирад нақши зойилдурур»**8**.

Чу Хурмус деди сўз, бўлуб хокбўс,
Равон бошлади нукта Фарфунюс

Ки: «Ей, ҳикмат ойинидин баҳраманд,
Сўзунг гавҳару гавҳаринг аржуманд!

Букун сенсен ул баҳру кони шигарф
Ки, бўлмиш дуру гавҳаринг бартараф.

Вале қайси дарё яратмиш Худо
Ки, ул бўлмади ўз дуридин жудо.

Яна қайси конким, мағок ўлмади,
Бориб гавҳари, бағри чок ўлмади.

Эрур суннатуллоҳу расми қадим,
Билурда сенинг доғи мислинг адим**9**.

Хирад, ўйла қилмиш сени аржуманд
Ки, феълинг эрур барча бихрадписанд.

Сангаким бу Ҳақдин мавоҳибдурур,
Бу неъматқа кўп шукр вожибдурур»[10].

Чу Фарфунюс этти иршодини,
Арасту қилиб нукта бунёдини.

Аён айлабон нуктаи дилхарош,
Дер эрдию кўздин тўкар эрди ёш

Ки: «Бу важҳдин дурфишондур кўзум

Ки, деёлмону, бордурур кўп сўзум.

Санга панд бермак эмас дилписанд,
Керактур манга юз киши берса панд.

Вале мен чу эрмон насиҳатпазир
Ки, ҳушумни савдо қилибдур асир.

Дер эрдимки дарду ғамингни сўрай,
Бу поёни йўқ мотамингни сўрай.

Нетайким, сўрардин тилим лолдур,
Замирим, бас ошуфта аҳволдур.

Бу ғамда мадад қилди Бонуға Ҳақ
Ки, олмоқ керак барча андин сабақ

Ки, бизларча ҳам изтироб этмади,
Ўзин дард ўтиға кабоб этмади.

Ичи ғунчадек таҳ-батаҳ қон бўлуб,
Вале халқ аро оғзи хандон бўлуб.

Не ҳукми қазоға бўлуб носипос,
Не Ҳақ лутфу жудиға ҳақношинос.

Демас сўз тилига мурур этмайин,
Хаёлиға балким хутур этмайин

Ки, Ҳақ ортуғ этсун бу иқболини,
Ҳумоюн қилиб ҳар нафас фолини».

Чу ҳуш аҳли Бону ғамин сўрдилар,
Димоғини ҳушиға келтурдилар.

Қилиб хотиросо фусуну дами,
Ниҳон ёраларға қўюб марҳами.

Анинг бўйла марҳам топиб ёраси,
Ўзига келиб ҳуши овораси.

Алар узриға бўлди афсонасанж,

Ети кон уза бир бузуғ тўкти ганж11.

Ки: «Мендин бу мотам эрур сизга кўб,
Скандар ғами бордурур сизга жўб

Ки, ҳолоти сизларга маълум эди,
Камолоти сизларга мафҳум эди.

Сафар ичра сиз эрдингиз ёр анга,
Ҳазар ичра сиз ёру ғамхор анга.

Демасменки, ул бор эди шоҳингиз,
Рафиқ эрди андоқки дилхоҳингиз.

Барингиз анга ошкору ниҳон,
Кўп ортуғроқ эрдики ики жаҳон.

Чу ул ёрингиз борди, ғамгинмусиз,
Анинг ҳажрида мотамойинмусиз

Ки, Ҳақ бу ғамингизни рафъ айлагай,
Қатиғ мотамингизни дафъ айлагай.

Скандардин ар борчамиз фардбиз,
Вале бир-биримизга ҳамдардбиз.

Бу иш бўлғали қилмадим сўз ҳавас,
Такаллум қилиб урмадим бир нафас.

Дедим умрдин то таним топса қут,
Қўяй сўздин оғзимға муҳри сукут.

Чу сиздин аён бўлди ҳамдардлиқ,
Емас яхши ҳамдарддин фардлиқ.

Мени солдингиз сўзга беихтиёр
Ки, ҳамдард ўлуб сўзга не ихтиёр».

LXXXII

Ул илги кесилганнинг ҳикоятиким, қўлиға туҳмат тиғи дастбурд кўргузди в аул ҳамдардлариға етгач, дастандозлиғ била навҳа тузди

Эшиттимки, бор эрди бир нотавон,
Фалак зулмидин қисми ранжу ҳавон.

Яна даст берди ажаб шиддате,
Қўлин кестилар айлабон туҳмате.

Чу бу зулм анга ўтти, дам урмайин,
Нафас эл била бешу кам урмайин.

Кесук илгин олди бутун қўлға, бот
Югурди халойиққа беилтифот.

Бу иштин бўлуб воқиф аҳли диле,
Еришти ичига тушуб мушкиле.

Йироқдин қилур эрди ҳамроҳлиқ
Ки, ул рамздин топқай огоҳлиқ.

Чу мазлум чиқти улусдин қироқ
Ки, чиқмоқ улусдин қироқ яхшироқ.

Борур эрди андоққи девонае
Ки, ногаҳ падид ўлди вайронае.

Бор эрди бузуқта неча дардманд,
Қўли барчанинг бўйла топқон газанд.

Алар оллиға етгач ул сийнареш,
Дегайсенки бағриға сончилди неш.

Кесук илгини ташлабон, чекти вой,
Алар ичра ҳам тушти кўп ҳой-ҳой.

Қучуб бир-бирин можаро қилдилар
Ки, олам фазосин қаро қилдилар.

Камин айлаган кўргач ул созни,
Тафаррус била билди ул розни.

Ки мазлум элдин тилаб фардлиқ,

Чекиб келди ул элга ҳамдардлиқ.

Киши топса ҳамдардини ногаҳон,
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон?

LXXXIII

ҲИКМАТ

Ул бобдаким, ики ҳамдард бир-бирига недин маълуфдурурлар ва ики ҳамжинс бир-бирининг мулоқотиға невчун машъуф

Бу янглиғ демиш ҳикматандеша хайл
Ки, ҳамжинс қилмоқ бири бирга майл.

Ерур бир жиҳатдинки машраблари,
Яна доғи толеъда кавкаблари.

Мувофиқдурур асли фитрат аро
Ки, майл ўлди бир-бирга нисбат аро.

Бир ахтар қилиб икига парвариш,
Берур майл иковга табиий кашиш.

Ул ахтарға ҳарне асар бўлғуси
Ки, ул хайр йўқ эрса шар бўлғуси.

Ул элга асар юзланур воқеъи
Ки, бу нажм эрур соҳиби толеъи.

Агар айшу роҳат ва гар дарду ғам,
Бориға насиби етар бешу кам.

Топиб роҳат ичра ҳамовардлиқ,
Яна ранжу меҳнатда ҳамдардлиқ.

Фузун айлар аввалғи нисбатларин,
Берур иттисол ичра шиддатларин.

Қачон мунча нисбат топар ики ёр,
Қилур майл бир-бирга беихтиёр.

Ики зор булбул ҳамовоз ўлур,
Бўйла ики қумриға парвоз ўлур.

Агар ваҳшу тайр ўлсин, ар жинну инс,
Бу ишдин эрурлар анис ики жинс.

LXXXIV

Ул шаҳзодаи сипеҳржаноб мадҳиким, хуршеду ой қирон қилғонда туққан саъд ахтардурур ва сарву гул муқорин бўлғонда очилғон ғунчаи суханвар ва достон ибтидосини султони соҳибқирон мадҳида бир неча дурфишонлиқ била музайян қилмоқ ва гузориш дебочасини Скандари даврон саносида бир неча гуҳаррезлиқ била мурассаъ этмак ва шаҳзода мадҳин насойиҳ била ихтисор қилмоқ ва ети ҳаким била Искандар ҳикматларин анга ошкор айламак ва сўнгра қойил ўз зодаи табъи ики лаъли оташин анинг қулоғиға лойиқ ва ики дурри самин анинг истимоиға мувофиқ назм силкига тортмоқ ва дуо жавоҳири била хатм қилмоқ

Биҳамдиллаҳ, иқбол ўлуб корсоз,
Бу туғро баёзиға чектим тироз**1**.

Алиф ибтидосиға айлаб рақам,
Ниҳоятға қилдим рақам мими там**2**.

Ки, яъни бу сўз етти итмомиға,
Бу тарих оғози анжомиға.

Мададгор ўлуб гунбази тезгард,
Скандар ҳадисиға бердим навард.

Агар борди Искандари тахтгир,
Жаҳон мулкида қўйди тожу сарир.

Бу иштин жаҳон бўлмасун дарднок,
Чу қойим-мақом ўлди пайдо, не бок?

Бори шоҳлар сарфарозини бил,
Скандарсифат Шоҳи ғозийни бил.

Эрур олам аҳли нигаҳбони ул,
Нигаҳбон йўқ, Искандари сони[3] ул.

Скандар агар келди ойинасоз,
Замири анинг бўлди миръоти роз.

Гар ул[4] ганжлар узра қилди тилисм,
Мунга ганж сарф айламак бўлди қисм.

Гар ул эрди ҳикмат тариқида чуст,
Бу келди таваккул йўлида дуруст.

Гар ул қўймади душман этмай табоҳ,
Бу – душманлариға эрур некхоҳ.

Гар ул – рой ила қилди ҳар ишни биғ,
Мунга Ҳақ насиб айлади рою тиғ.

Гар ул оби ҳайвон учун сурди от,
Мунунг ҳар сўзи келди оби ҳаёт.

Гар ул фитна яъжужиға чекти сад,
Мунунг мулкига фитна келмак не ҳад.

Гар ул олам олди тузуб доругир,
Бу — олам берур, истаса бир фақир.

Анга гар йўқ эрди халафдин шараф,
Мунга Тенгри берди ўн олти халаф[5].

Алардин бири меҳри пурнур эрур
Ки, ҳар нома бошида мазкур эрур.

Бири улки, юз лутф эрур зотиға
Ки, «Фарҳоду Ширин» эрур отиға[6].

Яна қолғон ўн тўрт маълум қил,
Назоҳатда ўн тўрт маъсум бил.

Икиси набира, ўн ики ўғул
Ки, ҳар бирга юз шоҳу шаҳзода қул.

Эрур давлат авжиға ўн ики бурж,
Шараф дурру лаълиға ўн ики дурж

Ки, бўлсун бори умридин баҳраманд,
Алардин доғи хусрави аржуманд.

Бори бўлсун офоқ аро комкор,
Батахсис шаҳзодаи номвор.

Юзи меҳр базмида шамъи тироз,
Қади салтанат боғида сарвиноз.

Латаф – жисмининг жону жононаси,
Шараф баҳрининг дурри якдонаси.

Ети пушти оламға султон келиб,
Атодин ато хон, бин хон келиб.

Ато Шоҳи ғозию ул нури айн,
Музаффар Ҳусайн ибни Султон Ҳусайн.

Алал-оламина дома эҳсонаҳу,
Лаҳу халладаллоҳу султонаҳу**8**.

Таолиллоҳ, асру ажаб зот эрур
Ки, оламға андин мубоҳот эрур.

Зафарға қарин фаррух оти анинг,
Бори айбдин пок зоти анинг.

Адаб тахтининг меҳри афлоки ул,
Ҳаё баҳрининг гавҳари поки ул**9**.

Келиб қаҳридин дўзах ўтиға бим,
Вале хулқи жаннат гулидин насим.

Кичик ёшлиқ, аммо улуғ қадрлиқ,
Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ.

Неча шер бўлсун кичик, гар улуғ,
Эрур савлати бирла эл қайғулуғ.

Улус чеҳраи оламафрўзидин,
«Билур йил келишини наврўзидин»**10**.

Чу васфин баён қилмоқ осон эмас
Ки, поёниға етмак имкон эмас.

Насиҳат тариқин шиор айлайин,
Дуо бирла-ўқ ихтисор айлайин.

LXXXV

Юқори мастур бўлғон ва илгари мазкур бўлғон дастур била мадҳдин дуоға ружуъ қилмоқ ва ҳукамо хирадномаларига шуруъ қилмоқ

Аё, шоҳвашларнинг озодаси,
Жаҳон аҳлининг шоҳу шаҳзодаси!

Скандарки бор эрди оламға шоҳ,
Бори олам аҳлиға зилли Илоҳ.

Жаҳон аҳлича илму донолиғи,
Хирад қувватидин тавонолиғи.

Бўлуб қисми ҳам ҳикмату, ҳам билик,
Яна чекмайин ўрганурдин илик.

Эмас эрди ўз рою тадбири кам,
Тилар эрди эл рою тадбири ҳам.

Тутуб панд донишвар элдин умид,
Хирадномалар олмиш эрди муфид.

Солур эрди ҳар кун алар сори кўз,
Топиб дилписанд иш, дилосой сўз.

Ҳаким айтқондек бўлуб корбанд,
Не ишдинки айлаб, бўлуб баҳраманд.

Неча сўз алардин баён айлагум,
Не махфиси ўлса, аён айлагум.

Умид улки, сен ҳам қилиб истимоъ,
Санга доғи нафъ айлагай ул матоъ.

Биридур Арасту хирадномаси
Ки, таҳрир этибдур анинг хомаси.

Шуруъ айлагум гарчи мужмал анга,
Вале Тенгри ҳамдидур аввал анга.

Чу Ҳақ ҳамдиға айламиш ихтитом,
Бу янглиғ Скандарға сурмиш калом

Ки: «Билгилки, олам вафосиздурур,
Не оламдадур – ҳам бақосиздурур.

Неким бўлмағай анда пояндалиқ,
Анга яхши эрмас кирояндалиқ**1**.

Ерур Ҳақки боқидурур, лоязол
Ки, етмас камолиға онинг завол.

Неким Тенгрининг ғайри ёд этмагил,
Чу ёд айласанг, эътимод этмагил.

Ҳақ оллинда мундоққи, сенсен ҳақир,
Санга, ўйла йўқ ҳеч зору фақир.

Нечукким санга марҳамат айлар ул,
Сен ул элга ҳам марҳамат узра бўл.

Улуским санга бандакирдордур,
Санга доғи бир қодире бордур.

Заифингға гар лутф қил, гар ғазаб,
Қавийдин доғи они қилғил талаб.

Киши муҳр аро ҳар не қилди нигор,
Варақта ҳамул нақш ўлур ошкор**2**.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзунгга раво кўрмаганни раво».

Филотун сўзидурки: «Ей сарфароз,
Ҳақ этмиш сени халқдин бениёз.

Анинг лутфидиндур бу шавкат санга,
Анинг бахшишидин бу ҳашмат санга.

Агар амриға қилмасанг инқиёд,
Қачон топқай оллида укданг кушод.

Сипаҳ фикриға элни қилма табоҳ
Ки, Тенгри қилур ишни, йўққим сипоҳ.

Сипаҳ тутса оламни андоққи дуд,
Зафар бермаса Ҳақ таоло, не суд?

Сипаҳни ҳам асру нажанд айлама,
Фалокат аро мустаманд айлама

Ки, шаҳдин етишса сипаҳға газанд,
Сипаҳдин эрур бим шаҳға газанд.

Не мутлақ-инон айла, не ноумид,
Етур бийму уммид бирла навид.

Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб обод қил.

Бу икига сендин қачон етса ком,
Топар шаҳлиғинг равнақу интизом».

Яна сурди Суқрот бу навъ сўз –
Ки: «Тут Тенгридин фатҳу иқбол кўз.

Қачон Ҳақ била сидқинг ўлди дуруст,
Не ҳожат нима халқдин бозжуст.

Сени айлади Тенгри ўз сояси,
Бийикдур ҳамул соянинг пояси.

Керак элга осойиш ул соядин,
Етишмак наво борча пироядин.

Мунунгдек бийик поя қадрини бил,
Анга лойиқ афъол фикрини қил.

Улус ранжиға эҳтимом айлама,
Ўзунгга бу отни ҳаром айлама.

Раиятни адлингдин осуда тут,
Фароғат миҳодида уйқуда тут.

Аларға чу таскину оромдур,
Санга доғи ҳосил бори комдур.

Раиятқа бўлса парокандалиқ,
Топар салтанат нахли баркандалиқ.

Агар қўй бўри хайли помолидур,
Яқин билки, чўпонға ит ҳолидур».

Яна деди Буқроти фаррухсиришт
Ки: «Ел чун кўрар ҳар недур сарнавишт.

Не тақдирдур дафъи осон эмас,
Киши кўрмайин они имкон эмас.

Қазо дафъиға солибон элга ранж,
ғалатдур тамаъ айламак молу ганж

Ки, ҳифз этмаса эзиди зул-жалол
Кишига не ганж асиғ айлар, не мол**3**.

Таваккулдадур гарчи кому нишот,
Вале шарт эрур айламак эҳтиёт.

Риоятда ифрот матлуб эмас,
Таваккулда ғафлат доғи хўб эмас.

Не андозасиз ғам, не ҳадсиз сурур,
Керак ишда ойини хайрил-умур.

Бўлур ҳам салотинға ул навъ ҳол
Ки, ифроти онинг эрур эътидол:

Бири муфсид элга сиёсатдурур,
Ул ифрот шарти раёсатдурур.

Ёмонға чу ифрот ила бўлса бим,
Қолур яхши ифрот бирла салим»4.

Яна бўлди Фисоғурс нуктавар
Ки: «Шаҳ покликдин керак баҳравар.

Ани чунки шоҳ этти Яздони Пок,
Керакмас анинг хотири лавснок.

Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Керак оғзи поку сўзи доғи пок,
Яна кўнгли поку кўзи доғи пок.

Бори лавсдин кўнгли холи анинг,
Халойиқ аёли – аёли анинг.

Ўзи чун шиор айлади поклик,
Бўлур дафъ нопоку бебоклик.

Чу ваҳм этти нопокликдин ёмон,
Халойиқ аёлиға бўлди амон.

Агар айласа шоҳ нафси ҳаво
Ки, бир маъсият бирла топқай наво.

Яқиндурки аввал тилар хилвате
Ки, элдин анга етмагай ваҳшате.

Ажаб бўлғай элдин бу феъли ниҳон,
Вале нозир ўлғай Худойи жаҳон.

Керак топса аввал бир андоқ ўрун
Ки, бўлғай иши Тенгридин ёшурун!»

Яна Асқалинус иршодидур
Ки: «Ободгар элга шаҳ додидур.

Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.

Чу шаҳ зулм сори узотти илик,
Очилди улуқ зулм уйига эшик.

Анинг зулми кишварға онча эмас
Ки, золим не зулм айласа, сўз демас.

Агар шаҳға иш лутфу гар кин эрур,
Элига ҳамул шева ойин эрур.

Қачон жавқ-жавқ ўлса, авбош маст,
Тушар тақво аҳлиға кўп-кўп шикаст.

Чу ёшларға боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларға мазҳаб йўли.

Халал йўл топар тўғри ойинға ҳам,
Тушар рахна ислом ила динға ҳам.

Керак шаҳ адолат шиор айлагай
Ки, зулм аҳлини хоксор айлагай.

Халойиқ топиб адлидин интизом,
Иши ики дунёда бўлғай тамом».

Яна Ҳурмус этти навосозлиқ,
Бу навъ айлади нуктапардозлиқ

Ки: «Шаҳға саховат эрур ногузир,
Бўлурға иши халқ аро дилпазир.

Сахо ул эмастурки, ҳар булҳавас,
Мубоҳот учун сарф этар сийму бас.

Ажаб йўққи ёрмоқ сочар бехирад,
Кумуш банддин рам қилур дому дад.

Тилаб, доғи берган саховат эмас,
Сахо аҳли они саховат демас.

Чу метин узотиб тилин ун солур,
Қатиқ хорадин лаълу ёқут олур.

Сахо улдурурким, шаҳи номвар
Басират кўзи бирла айлаб назар.

Берур аввал арзоқи хайлу сипоҳ
Ки, қолмас анга даъвойи вомхоҳ.

Чу дафъ этти муздурнинг вомини,
Қиёр озу кўп элга инъомини.

Берур луқма ангаким, оч эрур,
Олур кўнглин онингки – муҳтож эрур.

Мубоҳот ила ўзин этмас азиз,
Агар юз туман берса, гар бир пашиз.

Не сарф айлар ўлсанг, бу навъ айла сарф
Ки, бу сарф эрур асрамоқтин шигарф».

Скандар сўзидурки: «Ҳар қайси шоҳ
Ки, бир мулк анга рўзи этгай Илоҳ,

Агар фикри бўлса жаҳонгирлик,
Жаҳон фатҳида пок тадбирлик.

Юруш фикри бўлса керак анга иш
Ки, бир мулк аро бўлмаса ики қиш.

Бировким, жаҳондин керак ком анга
Емас яхши бир ерда ором анга.

Черик чекмак арчи кўрунур ирик,
Ириклик эмас рафъ чекмай черик[5].

Шаҳеким ирикликка эрмас далер,
Иши нусрат ўлмас анингдекки шер.

Тузук истаган тобеъу хайлини,
Сиёсатқа туз айласун майлини.

Агар тузса овин саранжом ила,
Урушда ясолин тузар ком ила[6].

Вале шаҳ керак бўлмаса булҳавас,
Иши бўлса шаҳлиғ хаёлию бас».

Скандар била ети андоқ ҳаким
Ки, васф этса ул элни табъи салим.

Демак ети кавкаб[7] эрур нурлуқ,
Ва ё чархи аъзам бағоят улуқ.

Солиб сўзга анфоси қудсийсиришт,
Санга очтилар бўйла секиз биҳишт.

Навоий не арз айлагай жуз дуо,
Вале бор анга ики сўз муддао:

Бир улким: шариат қўлин тут қави,
Бори ишта бўл шарънинг пайрави

Ки, бу жода бирла хиром айласанг,
Талаб маркабин тезгом айласанг,

Ики даҳр коми бўлуб ҳосилинг,
Наби кўйи бўлғай сенинг манзилинг.

Икинч улки, қил хидмати волидайн,
Бил ул икининг қуллуғин фарзи айн[8].

Агар истасанг дунёу охират,
Букун салтанат, тонгла кун – мағфират

Ки, Ҳақдин ризо ҳосил этмак будур,
Ризо демайин Ҳаққа етмак будур.

Сўзим чун туганди дуо айлайин,
Зароат тариқин адо айлайин.

Ало, токи бўлғай Скандар сўзи,
Ул олғон юруб ети кишвар сўзи,

Насиб эт анинг мулкини шоҳға,
Дуосини қил жори афвоҳға.

Бу навъ айлабон шоҳи озодани,
Анинг кўнгли истарча шаҳзодани.

Аниким, мураббий анга шоҳ эрур,
Қил ул навъким, шаҳға дилхоҳ эрур.

LXXXVI

Гадойи камсармояи баландпоя ҳикоятиким, шоҳи баландпояи камсармояға насиҳатда сўз юзин ирик қилди ва бу суҳон била ишига андом бермак тилади

Ешиттимки, бир шаҳға бемояе,
Насиҳат била еткуруб вояе,

Бўлур эрди панд айтибон нуктасанж,
Нечукким, бузуғдин аён бўлса ганж.

Ўлукни биров нутқи этса тирик,
Агар ҳақдур, ул нукта бордур ирик.

Биров кўрди чун давлат арконидин
Ки, сўз тунд эрур ортуқ имконидин.

Вале қойиле бордур асру ҳақир,
Деди тунд ўлуб: «К-ей, гадойи фақир!

Ангаким – эрур шоҳу, сен бир гадо,
Не ҳаддинг била панд этарсен адо?»

Деди нуктапардози Исонафас
Ки: «Гар мен ҳақир эрсам андоқки хас.

Санга бор эса сўз билурдин мазоқ,
Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ!

Керак бўлса сўз, ўйлаким дурри пок,
Садафдек ҳақир ўлса қойил, не бок?

Манга ҳам агар нуктада тез эсам,
Қамиш нўгидин оташангез эсам.

Ўзум нечаким зору пажмурдамен,
Лагадкўби гардундин озурдамен.

Ҳамоноки сўз поку софийдурур,
Адабсизлиғимға талофийдурур».

LXXXVII

ҲИКМАТ

Ул бобдаким, машваратда дегучига мулоҳаза қилмай дейилгонни кўнгулга жилва бермак керак ва сочилғон жавоҳирдин муносибни термак керак

Хирадмандким, соҳиби рой эрур,
Хирад нуридин оламорой эрур.

Анга мушкил иш тушса бир бобдин,
Тилар машварат хайли аҳбобдин.

Аларнинг агар ройи сойиб эса,
Ва гар фикрида юз маойиб эса.

Чу сарриштаи ғайб равшан эмас,
Қаю сойиб эркан, муайян эмас.

Бири ақл ила тушса хотирписанд
Ки, қилса неким бўлса ҳозир, писанд.

Бегонса анга ақл бўлғоч ҳакам,
Қилурға қўяр ҳикмат аҳли қадам.

Вале ғайб илми чу мастурдур,
Иш ўнг келмаса кимса маъзурдур.

Вале машваратда адад касрати,
Берур бу натижаки эл фикрати.

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бирдек демас.

Неча кимса айлаб хаёлиға куч,
Агар топса сўз ҳар бири ики-уч.

Бу дурлар аро ақли жавҳаршинос,
Иши риштаси бирла айлаб қиёс.

Бирисинки сойирға фойиқ топар,
Иши афсари узра лойиқ топар.

Анинг бирла чун рост келди иши,
Йиғиштурди ўз гавҳарин ҳар киши.

Вале улдур иқболдин баҳраманд
Ким, ул пок гавҳарни қилғай писанд.

Бу дурларки – мен сочтим офоқ аро,
Нужум ўрниға чархи нуҳтоқ аро.

Умид улки чун бўлсалар бархабар,
Шаҳу шоҳзода бўлуб баҳрабар.

Солиб ўз қулоғиға шаҳзода ҳам,
Қабул айлагай шоҳи озода ҳам.

Ва лек истасам тезбозорлиқ,
Алар зоҳир этмай харидорлиқ,

Қулоғлариға бўлмаса устувор,
Қачон ерга қолғай дури шоҳвор?

Не туфроққа қолсун сипеҳр ахтари
Ки, бўлғай эри чархи нилуфарий.

Сўз онингдурурким, талабгоридур,
Анингдур гуҳарким, харидоридур.

Букун чунки шаҳ табъидур жавҳари,
Қачон ерга қолғай бу сўз гавҳари?

Агар бўлмаса зеби торак анга,
Неким бўлса бўлсун муборак анга.

Боши узра борин нисор айладим,
Тамом ўлди сўз, ихтисор айладим.

Кетур соқий, ул лаъли серобни
Ки, кўздин оқизғай дури нобни.

Тўкай шодлиғ ашкин ул жомға
Ки, етти бу оғозим анжомға.

Муғанний, тузат най унин дилпазир
Ки, бас қилғудек бўлди килким сарир

Ки, маст ўлғонимда ичиб жоми май,
Гар ул най уни сокин ўлса, бу най.

Навоий, яқин бўлди осойишинг,
Бўлуб сўз арусиға оройишинг,

Безалди чу ул моҳвашқа жамол,
Жамолин кўруб васлидин коминг ол.

LXXXVIII

Ҳокимсурату дарвешсийрат, балки Дарвеш исми ҳукумат қисм, яъни ахавий маоби давлат иёбқа мавоизосо калом ва насойиҳи молокалом демак

Аё гавҳарим конининг гавҳари,
Мунир ахтарим буржининг ахтари**1**.

Неча авжи ҳашмат уза фош сен,
Манга нисбат ичра қариндошсен.

Бу беш ганждинким ушоттим тилисм,
Неча гавҳар айлай санга доғи қисм.

Манга чун насиб ўлди майхонае,
Сумур сен доғи неча паймонае.

Ҳамул гавҳарим бордурур неча панд,
Бу паймона ҳам нуктаи судманд.

Эшитмакда қилма жадал зинҳор,
Анинг бирла қилғил амал зинҳор.

Сени қилди чун Холиқи Корсоз,
Ўз абнойи жинсинг аро сарфароз.

Бу шукронаға қил сарафкандалик,
Буюрғон киби Тенгрига бандалик.

Неким амр этибдур ризо бирла кўр,
Агар билмасанг билгучи топу сўр.

Чу бўлдунг саромад Ҳақ эҳсонидин,
Бўюн тўлғама амру фармонидин

Ки, Ҳақ бўлса Ваҳҳобу ғаффор ҳам,
Эрур лек Жаббору Қаҳҳор ҳам.

Чу қилди сени бас улуқ рутбалик,
Улуқ амрин онинг чу тутсанг кичик,

Агар ғайрату қаҳри тутса вужуд,
Хаёл этки, ул дам надомат не судғ

Тутай дер эсанг Тенгри амрин қави,
Бўл охир наби шаръининг пайрави.

Эрур жодаи шаръ бир шоҳроҳ
Ки, озмоқтин ул йўлда асрар Илоҳ.

Десанг озмайин чиқма ул жодадин,
Юруб ком топ бахти озодадин.

Худоу расул амри топқач камол,
Валинеъмат амриға қил иштиғол.

Не ҳукм айласа қилмоғин фарз бил,
Агар шубҳае бор эса арз қил.

Вале арзида асра шарти адаб
Ки, тарки адаб баҳра берур тааб.

Манга сўз ёзардек анга ёзмағил,
Нишотинг биноси тубин қозмағил

Ки, Ҳақ гарчи қисминг тараб айламиш,
Бу жоҳингға они сабаб айламиш.

Сабаб қилмаса шоҳ лутфин Худо,
Мену сен ким эрдук – бир-ики гадо.

Шаҳ ар лутф қилса иноят чоғи,
Вале айлай олур уқубат доғи.

Керак шоҳдин элга хавфу ражо,
Тинор бу икини кетурган бажо.

Риоят чу қуллуққа қилдинг тамом,
Раият ишига ҳам эт эҳтимом.

Адолат била элни қил баҳраманд
Ки, яхшиға кетсун ёмондин газанд.

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса сен яхши бўл.

Санга берди Ҳақ онча лутфи мизож
Ки, эрмас бу сўзлар демак эҳтиёж.

Вале ҳар дам ўлса баёни анинг,
Билурменки, йўқтур зиёни анинг.

Чу давронға йўқтур бақоу сабот,
Ҳам андин эрур бевафороқ ҳаёт.

Мен ар бўлсаму бўлмасам ошкор,
Бу сўзларни қўйдум санга ёдгор.

Керак бўлса бори шиоринг сенинг
Ки, кавнайн аро Тенгри ёринг сенинг.

LXXXIX

Бу маодин жавоҳирин эҳтимом била назм силкига тортмоқнинг тақрири ва бу махозин тилисмотини истеҳком била итмомға еткурмакнинг таҳрири ва ҳам жавоҳир пири дарёзамир равшан кўнглига ер тутқоннинг баёни ва ҳам махозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳиға қабул тушганнинг тибёни ва алардин бу заифнинг подшоҳи ислом дуоси илтимоси ва бу ниёзманд илтимоси мужиби била аларнинг дуоси

Манга давлат илги бўлуб раҳнамун,
Чу бу панжаға қилди зўр озмун.

Дема панжа они, қатиқ хора де,
Дема хора, пўлоди якпора де![1]

Солиб панжаким, бўлғали зўрсанж,
Топиб панжа ул панжада тобу ранж.

Чу зўр ортуқ айлаб тарозусидин,
Чиқиб йўққи оранж бозусидин[2].

Не панжа эрур, «Хамса»и ганжсанж
Ки, доно қўюбтур отин «Панж ганж»[3].

Қаю «Хамса»ким, махзани дурри ноб,
Қаю панжаким, панжаи офтоб

Ки, ҳар ким анга кўргузуб зўрдаст,
Чу зўр айлабон, илги топиб шикаст.

Менингким қўлум эрди беҳад заиф,
Эмас эрди ул панжа бирла ҳариф.

Солиб панжаварлиқ замиримға шўр,
Не илгимда қувват, не панжамда зўр,

Десам тарк этай, қўймайин ҳимматим,
Десам зўр этай, етмайин қувватим.

Чу панжамға ҳасрат била боқибон,
Бу панжамға ул панжани қоқибон.

Бу андиша мендин олиб ақлу ҳуш
Ки, ногаҳ нидо қилди фаррух суруш

Ки: «Ей ғарқаи баҳри ажзу ниёз,
Бўла олмағон дардинга чорасоз!

Етишгил қўпуб пир4 даргоҳиға,
Таважжуҳ қилиб жони огоҳиға.

Анинг ботинидин тила ёрлиқ,
Бийик ҳимматидин мададкорлиқ

Ки, ҳар қуфлким фатҳидур нопадид,
Анга бор эранлар дуоси калид»5.

Ешитгач бу сўз, боштин айлаб қадам,
Киши, ўйлаким қилса азми ҳарам6.

Чу ул остон маъман ўлди манга,
Биҳишти барин маскан ўлди манга.

Қаю остон тавфгоҳи фалак,
Қаю тавфгаҳ, саждагоҳи малак.

Кўзум очиб ул остон туфроғи,
Кўзум ҳам ёруб, балки кўнглум доғи.

Таважжуҳға чун хотирим қилди майл,
Ета бошлади файз, андоққи сел.

Не ҳаддим эшикка урарға илик,
Илик майл қилмай очилди эшик.

«Ниёз аҳли кирсун!» дебон чиқти роз,
Бу роз англағач кирдим айлаб ниёз7.

Не хилват, намудори чархи барин,
Не хилватнишин, балки Руҳул-амин.

Ани айлабон равшан анвори қудс,
Мунунг нутқидин равшан асрори қудс.

Ул ул навъким файз топқон кўнгул,
Бу ул навъ маскан аро ақли кул.

Чу мен бўлдум андоқ ҳарам маҳрами,
Ҳарам йўққи, нуру сафо олами**8**.

Қуёш нурида маҳв ўлуб зарравор,
Кўнгулни қила олмайин устувор.

Ўзум ўзлугум меҳнатидин ориб,
Бориб ўзлугу мен ўзумдин бориб.

Қила олмайин арз-ҳолимни ҳам,
Хаёл айлай олмай хаёлимни ҳам.

Бу янглиғ мени айлабон гунгу лол,
Аён айлади Исоосо мақол.

Не дер сўзки, кўнглум аро бор эди,
Мени чунки гунг этти, борин деди

Ки: «Гўё пишурган хаёлинг будур,
Қила олмасингдин малолинг будур».

Чу бу хастадин қилди тасдиқ фаҳм,
Анга худ бу ҳол эрди таҳқиқ фаҳм.

Ишим бутмагига дуо айлади,
Бори ҳожатимни раво айлади.

Дедиким: «Бу бир иш эди қилғулуқ,
Бу айтилмағон нукта айтулғулуқ.

Бу соатқа мавқуф эрди экин,
Бу дам Тенгри тавфиқ берди экин.

Агарчи етишти малолат санга,
Вале охир ўлди ҳаволат санга

Ким, ул ганжлар бошиға етгасен,
Тилисмотини доғи фатҳ этгасен

Ки, ҳар неча қилдуқ назар даҳр аро,
Қиёс айладук водию шаҳр аро.

Йўқ атрок аро бирда онча билик
Ки, бу навъ улуғ ишга урғай илик.

Не атрокким, ҳам ажам, ҳам араб,
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб.

Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал
Ки, беш байтдин боғлағай бир ғазал.

Басо маснавийгўйи нозук хаёл
Ки, назм аҳли ичра солиб қийлу қол.

Халойиққа юз ҳусну ноз айлагай
Ки, ўн йилда минг байт соз айлагай.

Чиқорғон замон ул навъ ойин савод
Ки, оламда йўқ бўйла рангин савод.

Саводиға ҳар кимки кўз солибон,
Қаро шоми меҳнат аро қолибон.

Не зулматки, йўқ оби ҳайвон анга,
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга.

Агар даҳр аро сепса мушки татор,
Кўнгулни қилур тийраю кўзни тор.

Бу беша ародур ики нарра шер,
Бу баҳр ичра ики наҳанги далер.

Анга киргали шери жанги керак,
Мунга ҳам диловар наҳанги керак**9**.

Сен-ўқ сен букун чобукандишае
Дақойиқ аро нозукандишае

Ки, сўз таври келди сенинг шонинга,
Бўлуб хатм табъи дурафшонинга.

Мусаллам сўзунга равонлиқ доғи,
Сўз ичра санга паҳлавонлиқ доғи.

Равон килкинга онча бор эътимод
Ки, сўз дерда шаққиға берса кушод.

Равон айлагай онча оби ҳаёт
Ки, тўйғай Хизр суйидин коинот.

Бу иш чунки бўлғай муқаррар санга,
Умид улки бўлғай муяссар санга.

Қўп эмди, ишингнинг хаёлида бўл,
Хаёл аҳли зеби жамолида бўл

Ки, сендин бу шуғлунгда ҳушёрлиқ,
Дуо бирла биздин мададкорлиқ».

Эшитгач бу сўзлар мени нотавон,
Ўлук жисмима кирди гўё равон.

Бўлуб жон берур сирринг огаҳи,
Топиб нутқум анфоси Руҳуллаҳи.

Ер ўптум, доғи йўлға азм айладим,
Сўз айтурни кўнглумга жазм айладим.

Келиб хилватим ичра юз ком ила,
Йўнуб хома нўгини ором ила.

Чу қилдим қалам нўгини нуктабез,
Қила бошлади нўгидин ганжрез.

Чу «Ҳайрат»қа солдим кўнгул рағбатин,
Анга ғолиб эттим улус ҳайратин.

Чу «Фарҳод»ға бўлдум андешавар,
Туз эттим басе тоғ – ўлуб тешавар.

Чу «Мажнун» ҳадисиға туздум фунун.
Басе халқни қилди шайдо жунун.

Яна «Сабъа»ға табъим ўлғоч қарин,
Ешиттим ети чархдин офарин.

Скандарга тил тортиб озар киби,
Дедим они «Садди Скандар» киби.

Таносуб била ақл номовари
Деди отини «Садди Искандарий»**10**.

Чу бўлди бу маҳвашлар ороста,
Ҳамул навъким, сарви навхоста.

Дема сарв, ҳар бир риёзи биҳишт,
Эли хосиятда Масиҳосиришт.

Латофат аро юз биҳишти барин,
Равон ҳар бири ичра минг ҳури ийн.

Бу беш ганжниким кушод айладим,
Варақ узра они савод айладим.

Саводин солиб жузвдоним[11] аро,
Дема жузвдонимки, жоним аро.

Анинг сори**12** бўлди кўнгул рағбати
Ким, эрди мададкор анинг ҳиммати.

Мададкор йўқ, амр этгучи ул,
Не иш тушса, ғаврумға етгучи ул.

Борур эрдим айларга арзи ниёз,
Иш итмомини қилмоқ ифшои роз.

Замиримда лекин хаёлот эди
Ки, бу иш ҳусули ажаб бот эди.

Улуғларки сабти бу ҳарф эттилар,
Узун умрлар анда сарф эттилар:

Низомийки назм аҳли устодидур,
Анинг табъи сўз жинси наққодидур

Ки, бу ганжлардур матоъи анинг,
Матоъи неким, ихтироъи анинг.

Ҳамоноки элдин канори тутуб,
Ярим қарн заҳмат чекиб, қон ютуб.

Топа олди беш ганж мифтоҳини,
Яна онча вақт этти ислоҳини.

Чу бир қарн давр этти чархи мудир,
Чиқорди бу аъжубаи дилпазир.

Неча тожвардин топиб парвариш,
Иши бу ўтуз йилда эрди бу иш.

Не эл меҳнатидин малоле анга,
Не бу ишдин ўзга хаёле анга.

Чиқориб риёзатда қирқ арбаъин,
Бу беш ганж розиға бўлди амин.

Яна Хусрав ул турки ҳинди лақаб
Ки, сўз бирла олди Ажам то Араб.

Кушод айлагунча бу маҳкам ҳисор,
Басе айлаб афсонада ихтисор**13**.

Неча вақт анинг ҳам иши бу эди
Ки, фикратқа зону-базону эди.

Замон худ ўтуз йилға андоз эмас,
Агар нисф эмас, сулсидин оз эмас.

Яна кимки бўлди буён раҳшунос,
Бўлур қилмоқ они булардин қиёс.

Сангаким йўқ эмгакда ғоят падид,
Улус меҳнатида ниҳоят падид.

Қилиб тонгдин оқшомғача қийлу қол,
Юзунгга етиб ҳар нафас юз малол.

Ўзунг тинмайин халқ ғавғосидин,
Қулоғинг халойиқ алолосидин.

Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин камо беш ўтуб ики йил.

Чекиб хома бу нома итмомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға

Ки, ақли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа.

Йиғиштурса бўлмас бори олти ой
Ки, бўлдунг бу раъноға суратнамой**14**.

Тузалди бу назминг басе сарсари,
Яна турки алфоз анга бир сари

Ки, ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.

Сўзунгники яхши кўрарсен ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.

Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,
Чу бор ўз сўзунг, йўқ анга эътибор

Ки, сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонға пайванд эрур,

Неча зодаи табъ эрур нописанд,
Кишининг ўз оллида бор аржуманд.

Неча бум фарзанди манҳусдур,
Ўз оллида хушжилва товусдур.

Канаб шохи йўқ гарчи хошокча,
Қаландарғадур сарви чолокча[15].

Сўзунгким, санга келди ҳоло писанд,
Писанд эркин эл ичра ё нописанд.

Не бўлғай кўруб пири кошиф[16] мени,
Бу аҳволдин қилса воқиф мени?

Бурун айтқонлар доғи бу китоб
Ки, чекмиш ажал юзларига ниқоб

Ки, жаннат риёзида ҳар бирга руҳ,
Умид улки, ҳар лаҳза топқай футуҳ.

Алар руҳиға то не сурат экин,
Сафо равҳиму ё кудурат экин?

Бу иштин доғи пири равшанзамир[17],
Мени бархабар қилса, ўзни хабир.

Уруб гом мундоқ хаёлот ила,
Димоғимда савдо маҳолот ила.

Ки, еттим ангаким эрур мақсадим
Ки, ҳар дам демакка отин йўқ ҳадим.

Ниёз айлаю остонин ўпуб,
Бийик суддаи чархшонин ўпуб,

Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,
Қўюб хизматида мени нотавон.

Неча ганжким ошкор айлабон,
Аёғиға борин нисор айлабон.

Сафинам чу азм этти дарё сари,
Узатти кафин баҳ рул ажзо сари[18].

Назар солди очиб варақ-барварақ,
Бўлуб мултафит, чун очиб ҳар варақ.

Қаю сўздаким бир савол айлабон,
Жавобин дегач, завқу ҳол айлабон.

Қилиб гоҳ таҳсину гоҳи дуо
Ки, юздин бири йўқ манга муддао.

Этиб ҳар сўзидин кушоде манга,
Бўлуб ҳосил андин муроде манга.

Мусалсал каломимдин оғзида сўз,
Мен оллинда ерга тикиб ики кўз.

Сўзум очибон бўстондек энгин,
Қилиб лутф, эгнимга солди енгин.

Қаю енгки, гардунға солса ани,
Муҳаддаб юзин айлагай мунҳани19.

Чу эгнимга ул қўл била енг етиб,
Замиримдин ўзлук хаёли кетиб.

Чу ўзлук кетиб, юзланиб ҳолате
Ки, ўздин ўзумга бўлуб ғайбати.

Ўзумдин ҳамул дамки ғойиб бўлуб,
Манга жилвагар кўп ғаройиб бўлуб.

Кўруб ўзни бир тоза бўстон аро,
Қилиб гашт боғу гулистон аро.

Назоҳат келиб равзамонанд анга,
Ерам сойири орзуманд анга.

Чамандин чаманға мен айлаб хиром,
Анингдекки эл тавфи Байтулҳаром20.

Кўрунди бу ҳолатда жамъи касир21,
Уруб ҳалқа, суҳбат тутуб дилпазир.

Алардин биров келди ул ёнки мен,
Чаманда анингдек хиромонки мен.

Манга етти, бор эрди шоирваше,
Жамоли хушу ҳайъати дилкаше.

Салом айлабон, марҳабо айлади,
Рисолат тариқин адо айлади.

Ки: «Бу фаррухойину фархунда хайл,
Қилурлар даме ихтилотингға майл»[22].

Қабул айлаю, солиб ул ён қадам,
Ўзин доғи сўрдум, ҳамул элни ҳам.

Дедиким: «Алар зумраи маънавий,
Гуруҳеки назм эттилар маснавий.

Хусусан аларким эрур «Хамса»санж
Ки, ҳар бирдур ул «Хамса»дин кони ганж.

Эрурлар бу мажмаъда ҳозир бори,
Сенинг сори муштоқу нозир бори.

Чу сўрдунг мени, эй ҳадисинг қавий,
Ҳасандур отим, халқ деб – Деҳлавий**23**.

Эшитгач бу сўз, жисмима тушти тоб,
Саросима кўнглумга ҳам изтироб.

Қўлуб узр, қучтум яна устувор,
Қадам қўйдум ул сори муштоқвор.

Борурда Ҳасан айтиб отин манга,
Қилиб ҳар бирин бошқа талқин манга

Ки, уч кимсадур садри мажлиснишин,
Қилиб шарҳ бир-бир аларнинг ишин.

Ки: «Ўртодағи пири фаррухжамол
Ки, васфида келди хирад нутқи лол,

Эрур ҳазрати Шайх[24], огоҳ бўл!
Ниёз айлабон хоки даргоҳ бўл.

Ўнг илги сори анга пайравдурур,
Жаҳон офати – Мир Хусравдурур.

Яна бир ён устоду пиринг[25] сенинг,
Рақамхони лавҳи замиринг сенинг

Ки, бу хайл эрур жисму ул жонлари,
Агар жон булар бўлса, жононлари.

Яна ики ёндин бу қавм-ўқдурур,
Киши йўққи, бу базм аро йўқдурур.

Кўрушгил бори бирла, ҳурмат била,
Далер ўлмағил сўзда – журъат била».

Қабул айлабон мен, неким айтиб ул
Ки, қатъ ўлди кўпрак бу мажмаъға йўл.

Доғи юз қарича масофат қолиб
Ким, ул базм эли қўптилар қўзғолиб.

Манга ўтру келмакка айлаб ситез,
Солиб мен алар сори гомимни тез.

Дебон бир-бир ул хайл отин раҳбарим[26],
Кўрушмакка доғи бўлуб ёварим.

Чу Саъдию, Фирдавсию, Унсурий,
Саноию, Хоқонию, Анварий[27].

Тааддудда муҳтожи тафсил эрур,
Вале бўлса тафсил, татвил эрур.

Бори дастбусиға топтим шараф,
Олиб ёндилар мени келган тараф.

Анга тегруким шайху пайрав эди
Ки, яъни Низмоию Хусрав эди.

Яна бир бизинг пиру махдум ҳам,
Қўпуб урдилар илгарирак қадам.

Бу ики юруб Шайхдин илгари,
Югурдум мени хаста ҳам ул сари.

Қўлум тутти пир ихтиёри била,
Кўруштурди ҳамроҳу ёри била.

Кўзумдин тўкуб қатра ёғин доғи,
Илигин ҳам ўптум, аёғин доғи.

Тутуб Жомию Хусрав ики қўлум,
Низомий сари бошладилар йўлум.

Тўкуб ашк – мендек асири ғаме,
Вале ҳар қўлумға тушуб оламе.

Вале мен бўлуб гарчи ўздин ниҳон,
Кириб ики илгимга ики жаҳон.

Манга Шайх бирла кўрушмак ҳамон,
Муборак аёғиға тушмак ҳамон.

Ўпуб туфроғини тўкуб сели ашк
Ки, андин ебон тўқуз афлок рашк.

Бошим ердин олиб иноят қўли,
Қилиб жилвагоҳим ҳидоят йўли.

Ёниб тутти ерлик ерида қарор,
Мени лек бехуд қилиб изтирор.

Чу Шайху ики ёри28 топти сукун,
Туруб мен ниёз ичра қаддим нигун.

Жулус ичра етти башорат манга
Ки, оллинда қилди ишорат манга.

Чу бўлди манга ҳукми бирла нишаст,
Ниёз этти жисмимни туфроққа паст.

Талаттуф била Шайхи олий мақом,
Менинг сори бунёд қилди калом.

Бурун сўрди ҳолимни шафқат била,
Ер ўптум жавобида ҳурмат била.

Яна деди: «К-ей олам аҳлида фард,
Фалак табъинга келмайин ҳамнавард.

Сипеҳр айлаб эл ичра нодир сени,
Жаҳон назми таврида қодир сени.

Ғазал таврида чунки қилдинг хиром,
Сўз аҳлиға сўз дерни қилдинг ҳаром.

Тутуб эрди назминг жаҳон кишварин,
Жаҳон кишварин йўққи, жон кишварин.

Бу дам маснавийғаким айлаб шитоб,
Тўкабошладинг хомадин дурри ноб.

Ажаб иш бу ишда санга берди даст
Ки, эл назмиға берди назминг шикаст

Ки, қилдинг сўз ичра татаббуъ манга,
Не истарда эттинг тазарруъ манга

Ки, мен «Хамса»да айлаб эрдим ваид
Ки: «Ҳар кимки, айтурға тутса умид,

Қилай тиғи буррон сўзум досидин,
Урай бошин ул тиғ олмосидин».

Кўп эл очти даъвоға сўз бошини,
Бу даъво аро қўйди ўз бошини.

Чу кўргузди фарзанд Хусрав ниёз,
Ниёзи била топти ул ганжи роз.

Яна бир, ики, уч гадолиғ била,
Насиб олдилар бенаволиғ била.

Магар сенки бу йўлға қўйғоч қадам,
Вужудунг хаёлини қилдинг адам.

Нечаким келиб рифъатинг тоғча,
Вале келмай оллингда туфроғча.

Ниёз ашкидин лавҳи хотирни юб,
Фано ҳарфин ул сафҳа узра йўюб.

Топиб пир фарзона Жомий киби,
Мумидду муовин Низомий киби.

Сунуб поклик бирла бу ишга қўл,
Очиб поклар руҳи оллингда йўл.

Саҳар вақти ҳарфе савод этмайин
Ки, руҳум дуо бирла шод этмайин,

Фараҳ топмайин маънийи хос ила
Ки, ёд этмайин бизни ихлос ила.

Не менким, бори назм аҳлини пок,
Дуо бирла ҳар субҳ этиб завқнок.

Ниёзинг чу бу навъ ўлуб беадад,
Санга биз ҳам айлаб ададсиз мадад.

Йўқ эрса эрур асру савдои хом,
Ики йилда бир «Хамса» қилмоқ тамом,

Қаю «Хамса», беш гавҳар омуда ганж,
Тасарруф жафосидин осуда ганж[29].

Дуру лаъл анга барча кўздин нуҳуфт,
Не дуррида ришта, не лаълида суфт.

Не дурким бериб Ҳақ Таборак санга,
Умид улки, бўлғай муборак санга.

Киши сен киби ишга қилса шуруъ,

Ажаб йўқ эваз бўйла топса вуқуъ.

Вале мунча ганжи маоний санга
Ки, Ҳақ рўзи этти ниҳоний санга.

Қаю эрдаким айни бинишдурур,
Сабабни билурким, ики ишдурур.

Бири улки туттунг тариқи ниёз,
Қабул айладилар сени аҳли роз.

Ишингга қилиб саъй рағбат била,
Мадад қилдилар борча ҳиммат била.

Яна улки фазл аҳли ҳарне қилур,
Урар лофу ишни мураббий қилур.

Эрур гар мураббий эмас кордон,
Муаттал хирадманди бисёрдон.

Ҳунарпарвар – ишни буюрғучидур.
Ҳунарвар вале лоф урғучидур.

Чу шоҳинг сенинг эрди соҳиб камол,
Яна оллида қадрсиз мулку мол.

Ангаким бу ики иш ўлди насиб,
ғариб иш замонида эрмас ғариб.

Шаҳеким улус чорасозидурур,
Улус фозили Шоҳи ғозийдурур

Ки, Тенгри фузун айласун давлатин,
Ети чархдин ҳам бийик рифъатин

Ки, келди замонида сендек киши
Ки, эрмас ишинг одамизод иши».

Чу сўз етти бу ерга, мен беҳарос,
Қўпуб айладим бир дуо илтимос

Ки: «Чун дедингиз шаҳға ҳамду сано,

Дуое қилинг давлатиға яно».

Деди Мир Хусравға донойи роз
Ки: «Сен Шоҳи ғозийғасен мадҳсоз.

Сўзунгдин басе байт ёдидадур,
Асарлар муборак ниҳодидадур.

Сўзунгдин чу кўнглига етгай асар,
Дамингдин дуо доғи этгай асар.

Дуо айлаким, фазлу дониш эли
Ҳам «омин» десун, биз ҳам «омин» дели».

Боқиб деди фазл аҳлиға пири роҳ:
«Ки, сиз шоир, ул доғи хуш табъ шоҳ.

Чу фарзанд Хусрав дуо айлагай,
Анинг комини Ҳақ раво айлагай.

Денгиз борча «омин» дилу жон била,
Дуо қилдик ул чашми гирён била».

Ешитгач қўпуб борча миннат тутуб,
Деб «омин»у шоҳ сори ҳиммат тутуб.

Суханвар қўпубким дуо бошлади,
Дуосиға мундоқ адо бошлади

Ки: «Ё Рабки, то олам ўлғусидур,
Ичинда бани Одам ўлғусидур.

Кириб таҳти ҳукмиға олам доғи,
Бўлуб бандаси жинси одам доғи.

Қиёматқача давлатиға бисот,
Ҳамиша бисотида айшу нишот.

Жаҳон аҳли адлида осудаҳол,
Батахсиским, аҳли фазлу камол».

Дуо хатм бўлғоч тушурди илик,

Йўқ ул, балки мажмуи аҳли билик.

Дуоким, ул аҳли савоб айлагай,
Ажаб йўққи, Ҳақ мустажоб айлагай.

Тугангач дуо, айладим илтижо,
Қўюндин чекиб «Хамса»ни жо-бажо.

Солиб тийра туфроқ аро йиғлабон,
Бу янглиғ тузуб можаро, йиғлабон

Ки: «Бу зодаи хотири хастани,
Кўнгулдин такаллумға пайвастани

Ки, ҳиммат тутуб эҳтимом эттингиз,
Демасменки мен, сиз тамом эттингиз.

Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг

Ки, эл хотириға нузул айласун,
Улус кўнгли они қабул айласун».

Равон Шайх олди бу иблоғдин,
Гаронмоя нақдимни туфроғдин.

Боқиб Мавлавий30 сори қилди ружуъ
Ки: «Сен қил дуо, зоҳир айлаб хушуъ

Ки, қойил эрур сўнгги фарзандимиз,
Билик мазраъидин барумандимиз.

Буларким анинг зоду пайвандидур,
Бори бизга фарзанд фарзандидур.

Санга ҳам чу шогирд эрур, ҳам мурид,
Дуосини сендин тутарбиз умид».

Чу Махдум топти дуо сори йўл,
Яна очтилар борча оминға қўл.

Дуоеки кўнглумга матлуб эди,

Муҳаввис замиримға марғуб эди

Қилиб, айладилар бу маҳзунни шод,
Манга чунки юзланди мундоқ мурод.

Сужуд эттим ул хайли огоҳға,
Дедилар: «Дегайсен дуо шоҳға».

Бу сўздин бўлуб ўзгача ҳолатим,
Ўзумга келиб, борди ул ғайбатим.

Кўрармен, ҳамул ҳужрада пир эрур,
Жанобида ҳолимға тағйир эрур.

Бу дам гўё эгнимдин олмиш қўлин
Ки, бу сори солмиш хаёлим йўлин.

Ҳамул оллида бошим эрди қуйи,
Оқар эрди туфроққа ашким суйи.

Деди лутф илаким: «Не навъ эрди ҳол»,
Яна бошни қилдим анга поймол.

Дедим: «Улча мен хастага ҳол эрур,
Анинг шарҳида нотиқа лол эрур».

Деди: «Улча бу дам санга берди даст,
Яна кимсага бермамиш эрди даст.

Қўпу, шукр қил Тенгри эҳсониға,
Бу тавфиқи беҳадду поёниға».

Ўпуб ерни, қўйдум чу ташқори гом,
Дегайсен: менинг эрди олам тамом!

Манга «Хамса» такмили бир ён эди,
Бу мақсуд таҳсили бир ён эди.

Не тил бирла дей шукр Маъбудума
Ки, еткурди охир бу мақсудума.

Бу дамким, беribтур муродимни Ҳақ,

Ул авлоки, тоқ узра қўйсам варақ.

Фароғат била инбисот айласам,
Тузуб базм, бир дам нишот айласам.

Аёқчи, тўла айла жоми фароғ
Ки, кўп фикрдин юбс топмиш димоғ**31**.

Ки, кўз ламъасидин мунаввар қилай,
Димоғим исидин муаттар қилай.

Муғанний, сўзум тингла охир гаҳи,
Ҳазин нағмае соз қил хиргаҳи.

Бир оҳанг ила айлагил ромише
Ки, етгай манга бир дам оромиши.

Навоий, қилиб Тенгри коминг раво,
Санга рўзи этти ажойиб наво.

Узот Тенгри шукри навосиға тил,
Наво ортуқ истар эсанг, шукр қил!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

«Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни 60-йиллар бошида ўзбек матншунос олими П. Шамсиев томонидан тузилган эди. Аммо қандайдир сабабларга кўра, матн чоп этилмаган. Матнда сўз боши ва илмий изоҳлар мавжуд эмас. Ҳозирда мазкур мант Узбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти архивида сақланади.

Кейинги йилларда навоийшунослик фани Алишер Навоий асарларининг шоир ҳаётлигида ва унинг вафотидан бирмунча вақт ўтгач кўчирилган қадимий, нодир нусхалар билан бойиди. Жумладан, Англпянинг Бодлеян кутубхонасида сақланаётган Бадиуззамон учун кўчирилган миниатюрали «Хамса» нусхаси Абдужамил нусхасидан «ёш» жиҳатдан фақат олти ойгагина фарқ қилади ва у Навоийнинг бевосита ҳомийлиги остида кўчирилган.

Туркиянинг «Тўпқопи» музейида сақланаётган Истанбул куллиёти ҳам Навоийнинг назари тушган табаррук нусхалардан. Шунингдек, Париж куллиёти, Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган XVI аср «Хамса»си ҳам шу даврнинг нодир ёзма ёдгорлиги сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу қўлёзмаларни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиб илмий истифодага олиб кириш ҳамда ҳурматли домламиз матнлари тузилгандан буён ўтган чорак асрдан зиёд вақтни назарда тутиб Қўлёзмалар институти маъмурияти ва илмий советининг маслаҳати билан филология фанлари номзоди Мавжуда Ҳамидова достоннинг мукаммал илмий-танқидий матнини тузиб чиқди. Матнга юқорида зикр этилган, ҳозирча дунё фондларида энг қадимий деб ҳисобланган XV—XVI асрдаги олти қўлёзма ва П. Шамсиев матнлари — жами етти қўлёзма асос бўлган.

Достоннинг ҳозирги чоп этилаётган нусхаси М. Ҳамидова томонидан тузилган ана шу илмий-танқидий матн асосидадир. Навоий (Навойи) тахаллусининг ёзилиши хусусида ҳали бир тўхтамга келинмаганлигини кўзда тутиб уни илгариги нашрлар ҳолида қолдирилди.

Илмий комментарияли изоҳларни филология фанлари номзоди Тошпўлат Аҳмедов тузган.

Ушбу амалга оширилган нашрда достоннинг литографик ҳамда турли вақтларда чоп этилган нусхаларидан ҳам фойдаланилди;

а) «Садди Искандарий», Узполиграфкомбинат, Тошкент, 1941;

б) «Хамса», Қисқартириб нашрга тайёрловчи С. Айний,

Ўздавгашр, Тошкент, 1947;
в) «Садди Искандарий», Узбекистон Давлат нашриёти, Тошкент,1949;
г) «Хамса», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960;
д) «Садди Искандарий», Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент,1965;
е) «Садди Искандарий». Насрга айлантирувчи Иноят Маҳсумов, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,Тошкент,1978;
ё) «Садди Искандарий» (насрий баёни билан). Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.

I

1.Ушбу ҳамд бобида худонинг сифатлари ҳароратли мисрларда васф этилади.
2.Тасаввуфга асосланган бу байтда «вужуд», «жуд» (биринчи мисра) «жуд», «вужуд» (иккинчи мисра) сўзлари келтирилиб, радд-ул-ажз мина-с-садр санъати ишлатилган.
3.Ғаззолийнинг тўлиқ номи Имом Абу Ҳамид ибн Муҳаммад бўлиб, у Хуросоннинг Тус шаҳрида 450 (1058/59) йилда туғилган. У дастлабки маълумотни Тусда олади, сўнгра Нишопурга боради. Бир қанча вақт салжуқийлардан Низомул-мулк хизматида бўлади ва шу вақтдан бошлаб дин ва тасаввуф фалсафаси билан шуғулланди. У Низомул-мулк топшириғига кўра, Бағдоддаги Низомия мадрасасида тўрт йил ишлайди. Кейинча бу вазифани укаси Аҳмадга топшириб. ўзи илмий иш билан чуқур шуғулланади. Унинг йирик асарларидан бири «Кимиёйи саодат»да олимнинг диний ва фалсафий қарашлари акс эттирилган. Ғаззолий 1111 йилнинг 19 декабрида вафот этган.
4. «Етти ато» - етти қат кўк ёки етти иқлим, «тўрт ано» тўрт фасл маъносида.
5. Бу байтда радд-ул-ажз мина-с-садр санъати (биринчи мисранинг боши ва охири, иккинчи мисранинг ўртасида «киши» ҳамда «ошиқ» сўзларини ишлатган ҳолда)дан фойдаланилган.

II

1. Ўз фикрини равшан талқинлар орқали бериш мақсадида илтизом (бир ёки бир неча сўзнинг қайтарилиши) санъатидан фойдаланилган.
2. Ҳорун—
Мусо пайғамбарнинг акаси бўлиб, у Бағдодда халифалик қилган.
3. Ашк — қадимги Эронда ўтган афсонавий подшоҳлардан бири.

III

1. Бу жойдаги «Кунтун-набий»—«мен пайғамбарман» деб бошланадиган ҳадисга ишора.
2. Мусо—яҳудий пайғамбарининг номи. «Таврот»—яҳудийларнинг диний китоби Мусо пайғамбарга нозил бўлган деб ҳисобланади.
3. Довуд — афсонавий пайғамбарлардан бири бўлиб, «Забур» китоби унга нисбат берилади.
4. Исо — христиан динининг асосчиси, мифологик пайғамбар.
5. «Инжил»—христиан динидагиларнинг муқаддас китоби.
6. Макка— Саудия Арабистони ғарбида жойлашган шаҳар, мусулмонлар ҳаж қиладиган жой.
7. Ядуллоҳ — худо қудратига ишора.
8. Чин — Хитой.
9. Арш — осмоннинг энг юқориси, худо манзили.
10. Жабраил—мифик образ. Худо билан пайғамбар ўртасида воситачи бўлган фаришта.
11.Мисрадаги «меърож номи» ибораси Муҳаммад пайғамбар,-нинг кўкка, яъни худо олдига чиққанига ишора.

IV

1. Буроқ — диний ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар «меърож» кечаси кўкка миниб чиққан афсонавий от.
2. Байтул-ҳарам— Макка шаҳридаги Каъба деб аталган машҳур зиёратгоҳ.
3. Аторид— Меркурий сайёраси (мифологияда бу юлдуз адибларнинг ҳомийси ҳисобланади).
4. Зуҳра— Чўлпон юлдузи — Венера (осмон созандаси маъносида).
5. Руд — торли мусиқа асбоби.
6. Бу байтда ҳусни таълил (бирор нарса ёки ҳодисага ғайри воқеий, лекин шоирона сабаб келтириш) санъати ишлатилган.
7. Баҳром—Миррих (Марс) сайёраси.
8. Муштарий—Юпитер планетаси, мунажжимлар бу сайёрани «Саъди акбар» ёки «Фалак қозиси» деб атайдилар, жойи олтинчи фалакда, дейилади.
9. Зуҳал — Сатурн сайёраси.
10. Бу мисранинг маъноси: «Барҳаёт пок лойман (Худо маъносида).
11. «Ғоятда кучли» маъносида.
12. Иккинчи мисрада қўштирноққа олинган иборалар Муҳаммад пайғамбар мадҳ қилинган оятлардан олинган сўзлар.

V

1. «Икингиздан мадад»—Шарқда машҳур хамсанавислар Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар кўзда тутилади. Илъёс Юсуф ўғли Низомий Ганжавий 1141 йилда Ганж шаҳрида туғилган. 1203 йилда вафот этган, шоирнинг қабри ҳам шу ердадир. Улуғ озарбайжон шоири Низомий лирика ва биринчи навбатда достоннависликда улуғ санъаткордир. Низомий Шарқ адабиётида тўнғич хамсанавис сифатида шуҳрат топган. Шоирнинг «Хамса»си «Махзанул-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») ва «Искандарнома» каби достонларни ўз ичига олади. Низомий «Хамса»си, ўз навбатида, «Панж ганж» номи билан ҳам маълумдир. Алишер Навоий Низомийнинг бу асарини кўпинча «Панж ганж» деб тилга олади. Хусрав Деҳлавий — атоқли форс-тожик шоири. Ҳаёти Ҳиндистонда кечган. Яминиддин Абул Ҳасан Хусрав Деҳлавий 1253 йилда туғилган, 1325 йил 27 сентябрда Деҳлида вафот этган.

Хусрав Деҳлавий форс, урду ва араб тилларида асарлар битган. Низомий «Панж ганж»и анъанаси асосида «Хамса» яратган шоирдир. Хусрав Деҳлавийнинг отаси Сайфиддин Муҳаммад Кеш (Шаҳрисабз)лик бўлиб, мўғуллар истилоси вақтида Ҳиндистонга кўчиб кетган эди. Деҳли султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211— 1236) унга амирлик унвонини берган. Сайфиддин Муҳаммад мўғулларга қарши Ҳиндистондаги жангларнинг бирида ҳалок бўлгач (1261), ёш Хусравни бобоси Имодул-мулк тарбиялайди. У 8 ёшида шайх Низомиддин Авлиёга мурид тушади. Хусрав Деҳлавий кейинчалик шайх— устозига бағишлаб «Афзал ул-фавоид» («Фойдали сўзларнинг афзаллиги) ва «Роҳат ул-муҳиббин» («Дўстликнинг роҳати») каби асарларини ёзган.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Туҳфат ус-сиғар» («Ёшлик туҳфаси», 1272), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртасида», 1284), «Ғуррат ул-камол» («Камолотнинг бошланиши», 1293), «Боқият ун-ноҳия» («Сараларнинг сараси», 1316), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси, 1323) каби девонлари бор.

У «Қирон ус-саъдайн» («Саодатли сайёранинг қўшилиши», 1289), «Мифтоҳ ул-футуҳ» («Ғалабалар калиди», 1291), «Матлаъ ул-анвор» (1299), «Ширин ва Хусрав» (1298), «Мажнуну Лайло» (1298), «Ойинаи Искандарий» (1299), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат», 1301) каби эпик асарларнинг муаллифидир. Унинг «Хамса»си юқорида номлари тилга олинган кейинги беш достондан иборатдир.

Хусрав Деҳлавий «Хазойин ул-футуҳ» («Ғалабалар хазина»си, 1311), «Дувалроний ва Хизирхон» (1316), «Нуҳ сипеҳр» («Тўққиз қават осмон». 1318), «Туғлуқнома» ва «Тарихи Деҳли» каби тарихий беш рисоладан иборат «Эъжози Хусрав» («Хусрав муъжизалари», 1319) номли илмий асарларнинг ҳам муаллифидир. Бадиуззамон

Хуросонийнинг ёзишича: «Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган» (ЎзСЭ, 12 том. Т. 1979. 406— 407-бетлар).
2. Хизр—афсонага кўра, «оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичиб, абадий тирик бўлган пайғамбар. Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг ўзига Хизрдек раҳнамо бўлишдарини истайди.
3. Ёшликдан Низомий ва Хусрав Деҳлавнй асарларини севиб ўқиган Навоийда улардан олинган таассурот катта-катта асарлар яратиш фикрини ўнғотганлиги бу байтда эътироф этилган.
4. Тўрт оромгоҳ —«Хамса»нинг дастлабки тўрт («Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр») достонларидир.
5. Бир, икки, уч киши — Низомий, Хусрав ва Ашраф.
6. Қорун — афсонавий образ. Катта бойликка эга бўлган.
7. Скандар — Искандарнинг, вазн талабига кўра, қисқартирилган шакли.

VI

1. Алишер Навоий адабиётнинг асосий материали бўлган сўзга катта эътибор берган. НАВОИЙ «сўз»ни ўз асарларида кўп наънода ишлатади. У «сўз» термин остида инсониятнинг ҳамма маънавии бойлигини — алоҳида ижтимоий категория бўлган тилни ҳам, идеология формаларидан ҳисобланган фалсафа ва бадиий адабиётни ҳам тушуна беради ҳамда уларни кўп вақт бир-биридан фарқ қилмайди» (А. Ҳ а й и т м е т о в, Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари, ЎзССР Фанлар академпяси нашриёти, Тошкент, 1959, 78-бет). Навоий «Хамса»сининг деярли ҳамма досгонларида («Фарҳод ва Ширин» бундан мустасно) «Сўз таърифида...» атамаси билан махсус боб («Ҳайратул-аброр»да XIV, «Лайли ва Мажнун»да V, «Сабъаи сайёр»да V, «Садди Искандарий»да VI) яратган. «Хамса»даги достонларнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобларида ҳам сўзнинг қудрати, таъсири ва моҳияти ҳақида кенг тўхтайди.
Навоий «бадиий сўзнинг жамиятдаги киши онги ва психологиясига ижобий ва салбий таьсир кучи» (А. Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари, 79 бет)ни яхши билгани ҳолда, ҳар бир шахсга, оҳанг ва мазмунига кўра ҳам турлича
таъсир этиши мумкинлигини кўзда тутнб. «Ҳайратул-аброр»да:

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажат,
Ҳам сўз ила тониб ўлик тан ҳаёт («Хамса», 1960, 104-бет)

деса, «Садди Искандарий»да:

Улукка гар андин эрур жойи пок
Ва лекин тирикни ҳам айлар ҳалок («Хамса», 1960, 632-бет) дейди.

2. Баҳри Уммон — Уммон денгизи.

3. Дами Исавий — анъанавий афсоналарга кўра, Исо пайғамбар ўз нафаси билан ўликларни тирилтириш қудратига эга бўлган. Бу ерда ўшанга ишора қилинади.

4. «Эҳтимол, унинг ҳамроҳи Жаброил (Руҳул-қудс) бўлгандир ёхуд бу келган Исо (Руҳуллаҳ) пайғамбарнинг нафасидурким, ўликларни тирилтади».

5. Такрир санъати ишлатилган бу байтда ҳар учала «қутуб»— китоб сўзининг кўплигини билдиради.

6. Нодири фард — Низомий Ганжавийга нисбатан ишлатилган.

7. Бсш ганж — Ннзомийнинг «Панж ганж» деб аталган «Хамса»сига ишора.

8. Анинг — Низомий Ганжавий, мунинг — Хусрав Дехлавий.

9. Ашраф — XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бирикчи ярмида яшаб ижод этган ҳамда «Хамса» яратган шоирлардан бўлиб, унинг тўлиқ исми—Ашраф ибн Шайхулимом Абу ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ал-Мароғий ат-Табризийдир. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Ашраф ҳақида маълумот бериб дейди: «Мавлоно Ашраф— дарвешваш ва номуродшева киши эрди. Ва кийиз бурк устина қурчуқ чирмар эрди. Ва эл била доғи омизиши оз эрди. Кўпрак авқот «Хамса» татаббуъиға сарф қилур эрди, то ул китобни тугатур товфиқи топти, воқеан, ўз хурди ҳолиға кўра ямон бормайдур. Афв фозилотида «Хамса»сидин бу байт яхши воқеъ бўлубтурким:

Ва назди касе к-ў ба дониш меҳ асг,
Зи мучримкуши чурм бахши беҳ аст...

(Мазмуни: Билимда илғор бўлган киши қошида гуноҳкорни ўлдиришдан—гуноҳини кечиш яхшидур») (Алишер Н а в о и й. Асарлар, 12-том, Т., 1966, 14-бет).

VII

1. Нуриддин Абдураҳмон Жомий—1414 йилнинг 7 ноябрида Хуросоннинг Жом шаҳрида шайхулислом — Низомиддин Аҳмад оиласида туғилган. У мактаб таҳсилидан кейин, Ҳиротдаги Дилкаш мадрасасида, Мавлоно Жунайд қўлида, кейинроқ Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий ва Алоиддин Али Самарқандийлардан таълим олган.

Абдураҳмон Жомий Самарқандга келиб Қозизода Румий дарсларига қатнашган. У филология, фалсафа, математика, астрономия, ҳуқуқ каби фанлар билан чуқур шуғулланган. Дин ва тасаввуфни синчковлик билан ўрганган. Жомий Баҳоваддин Нақшбандий таълимоти таъсирида бўлган Шайх Саъдиддин Қошғарийдан тасаввуф бўнича таълим олади.

Абдураҳмон Жомий 1492 йил 8 ноябрда Ҳиротда вафот этган. Абдураҳмон Жомийнинг «Фотиҳат уш-шабоб» («Йигитлик ибтидоси». 1479), «Васат ул-икд» («Ўртача марварид шодаси», 1489), «Ҳотимат ул-ҳаёт» («Ҳаётнинг хотимаси», 1491) каби девонлари маълум. Адиб «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир», 1472), «Саломон ва Абсол», 1480—81 «Туҳфат ул-аҳрор» («Ҳур кишиларнинг туҳфаси», 1481—82). «Сабҳат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг тасбиҳи», 1482— 83), «Юсуф на Зулайҳо», 1483, «Лайли ва Мажнун», 1483, «Хирадномаи Искандари» 1485 каби достонларнинг муаллифидир. Шоир мазкур етти достонни бирлаштириб «Ҳафт авранг» («Етти қароқчи юлдуз») номини берган. Шунинг учун ҳам унинг бу достонлар мажмуаси кўпроқ «Ҳафт авранг» номи билан машҳур бўлган.

Жомийнинг «Баҳористон» асари ҳам маьлум. Шоир адабиётшунослик соҳасида «Рисолаи аруз», «Рисолаи қофия», «Рисолаи муаммо» каби асарлар яратган. Адиб тасаввуф ва фалсафага оид «Нақши-фусус» («Жавоҳирлар нақши»), «Нақд ун-нусус» («Нусуес танқиди»), «Ашиьат ул-лаъмат» («Шуълалар зиёси»), «Нафоҳат ул-унс» («Дўстларнинг нафаси») каби асарларининг ҳам муаллифидир.

2. Биринчи мисра охиридаги «туҳфа» сўзи Абдураҳмон Жомий «Хамса»сининг биринчи достони—«Туҳфат ул-аҳрор»га ишора. Иккинчи мисрадаги «туҳфа»—совға маъносида ишлатилади.
3. «Субҳа»— Жомий «Хамса»сидаги достоннинг қисқартирилган номи.
4. Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонига ишора.
5. «Лайли ва Мажнун»—Жомий асари.

VIII

1. Радд-ул-ажз-с-садр санъати ишлатилган бу байтнинг мазмуни: «Вужуд саждадан бундай фойдалар кўрса, сажда қилмаганларни бевужуд деса бўлади».
2. Икки байтнинг мазмуни: «Аввал ғазал айтишга қасд қилиб, жаҳон ичига улуғ қиёмат солдим. Соғ одамлар буни ўқиган вақтларида, оламда қиёмат кунини кўргандай бўладилар».
3. Бундай кичик ишга ҳеч қаноатлана олмадим, кўнглимда доимо улуғ муддао — орзу, мақсад (эпик асарлар ёзиш) бор эди.
4. Ул — Худо.

5. Бу байт Тошкентда 1949 йилда нашр этилган шоир «Танланган асарларининг V китобида (27-бет) қуйидагича" берилган:

Чу ҳотиф менга бу нидо айлади,
Сен этган адони адо айлади.

6. Навоий байтнинг биринчи мисрасида «етиб тўрти итмомға» деганда яратаётган «Хамса»синиг тўрт достони («Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр»)ни кўзда тутган бўлса, иккинчи мисрада «бири етмамиш эрди» деганда ҳали ёзиб тугалланмаган (Садди Искандарий»—Т. А.) достонини кўзда тутмоқда.
7. Назм элининг шаҳи — Абдураҳмон Жомий кўзда тутилмоқда.
8. Байтдаги алар—Низомий ва Хусрав Деҳлавий бўлиб; бу бир — Жомий демакдир.
9. Бу сўзни «хуш» шаклида ёзсалар ҳам, «хаш» ўқиб, «каш» билан қофиядош қилиш одат бўлган.

IX

1. Шоҳи Ғозий—Навоий ўз асарларида Ҳусайн Бойқарони кўпинча шу унвон билан юритади.
2. Ул ики уй — Жаннат билан Дўзах.
3. Султон Ҳусайн — Султон Ҳусайн Бойқаро 1418 йили туғилган, 1469 йили Ҳиротда тахтга ўтириб, 37 йил ҳукмронлик қилган. У Ҳусайний тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Алишер Навоий «Ма-жолисун-нафойс»нинг унга махсус бағишланган 8-мажлисида Ҳусайний ғазалларига юқори баҳо беради. Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийдан 5 йил кейин, 1506 йили Ҳиротда вафот этган.
4. Мазмуни: «Унинг отига тақдир — тангри эҳсони доим бўлсин ва тангри унинг шоҳлигини доимий қилсин деб ёзган».
5. Дашти Қифчоқ — Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудуднинг XI— XVI асрлардаги номи. Дашти Қипчоқ атамасини дастлаб Носир Хусрав (1003—1088) қўллаган, шундан бошлаб араб ва форс тилларидаги асарларда учрайди. В. В. Бартольднинг аниқлашича, Дашти Қипчоқ аҳолиси (Шарқ манбаларида — қипчоқлар, рус солномаларида — половецлар, Византия тарих китобларида қўмонлар кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё, кўл ёқаларида яшаган аҳоли деҳқончилик, шаҳарлар (Сарой Боту, Сарой Берке, Урду Бозор, Сиғноқ, Арқуқ)даги аҳоли эса ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган.
6. Бу ва кейинги байтларда келган «анинг», «гар ул»— Искандарни

билдирса, «мунинг»—Ҳусайн Бойқарони англатади.
7. Биринчи «рост»—ўнг маъносида, иккинчиси эса, мусиқа кунларидан бирининг номи.

X

1. Султон Бадиуззамон— Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли, Сейистон ва Балх вилоятларининг ҳокими (1496—1505). У 1314 йилда Истамбулда вафот этгап.
2. Бу байтда тавзиъ (бир хил товушга эга сўзлар, айни пайтда, «қ» товуши) ҳамда тасдир (бир сўзни икки-уч ерда бериш) санъатлари ишлатилган.

XI

1. Одам Ато—иудизм, христиан ва ислом афсоналари (масалан, «Библия»)да биринчн одам, инсон зотининг отаси. Қадимий аҳдда ёзилишича, худо Одам Атони лойдан яратиб, унга жон ато қилган. Диний адабиётларда Одам Ато номи билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар учрайди.
2. Муҳаммад — Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570—571, Макка — 632.8.6, Мадина)—исломда оллоҳининг элчиси, пайғамбар деб эътироф этилган тарихий шахс. У Қурайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонида туғилган. Етимликда ўсган. Аввал чўпонлик билан машҳур бўлиб, кейин савдогарларга хизмат қилган. У бадавлат Хадичага уйлангач, мустақил савдогарчилик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. 610—622 йиллар Маккада ўзини пайғамбар деб эълон қилади. У аввалги маъжусийликни танқид қилиб, унга ягона худо тўғрисидаги таълимотни қарши қўяди. Лекии унинг тарғиботи Макка ҳукмронларинииг қаршилигига учрайди ва Муҳаммад ўз тарафдорлари билан Ясруб (Мадина)га кўчишга мажбур бўлади, бу кўчиш ҳижра дейилади (бу 622 йил 22 сентябрга тўғри келади). Муҳаммад Мадинага келиб мусулмонлар жамоасига асос солади.
3. Мазмуни: «Тангри уни пайғамбарларнинг бошлиғи қилди ва пайғамбарлик маснадига ўтқазди».
4. «Низомут-таворих» «(Тарихларнинг низомномаси»)—XIII асрда ўтган Носириддин Абу Саъид ибн Абдуллоҳ Байзавий асари. Бу асар қадимий Эроннинг умумий тарихи бўлиб, унда Одам Атодан то эрамизнинг 1265 йилигача бўлган давр қамраб олинади.
5. Пешдод, Каёний, Ашконий, Сосоний — Эроннинг афсонавий ва тарихий сулолаларн номлари. Навоий бу тўртала сулоланинг ҳукмронлик йиллари 4336 йилу олти ой давом этганлигини хабар

қилади.
6. Каюмарс — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да шундай деб ёзади: «...Тарих уламоси иттифоқи била бировким салтанат қилди, Каюмарс эрди... Ҳар тақдир била подшоҳлик қоидаси андин бурун йўқ эрди. Бу қоидани ул тузди. Доғи аввал кишиким, шаҳар бино қилди, ул эрди... Минг яшади ва лекин умрининг охирида қирқ йил салтанат қилди. Доғи Сиёмак ўғли Хушангниким, набираси эрди, валиаҳд қилди...».
7. Хушанг — Ажам подшоҳларининг тўнғич сулоласи — пешдодийларга мансуб. Алишер Навоий «Тарихн мулуки Ажам»да ёзади: «Хушанг хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди ва «Жовиди хирад» отлиғ китобни ҳикмат илмида ул тасниф қилдиким, Маъмун халифа вазири Ҳасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима қилибтур... Ва темурни тошдан ул чиқарди... Ерга фарш ул солди ва тулку ва ос тийин терисин ул қиярга қабул қилди... Доим тоғларда ибодат қилур эрди. Таворихда мундоқ масбатдурким, девлар ани саждада топиб, тош била бошин янчиб ўлтур-дилар».
8. Таҳмурас — Пешдодий шоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Таҳмурас отаси Хушангнинг чин валиаҳди эрди, анинг ўрнида салтанат тахтида ўлтурди ва халойиқ риоятаға ва мамолик ҳимоятиға жидд била машғул бўлди. Ва анинг замонида азим қаҳат воқеъ бўлди... Ва рўза тутмоқ андин суннат қолди. Ва ул бино қилғон шаҳарлар Марвда Куҳандиз ва Хуросонда Нишопур ва Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя... Ва анинг замонида қаттиқ вабо бўлди. Ҳар кимнинг бир севар кишиси бор эрса эрди, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрди, то бутпараст-ликқа бунжар бўлди. Ва Таҳмурас ўттуз йил мулк сурди».
9. Нашопур, Марв, Сипоҳон — қадимги шаҳарлар.
10. Жамшид — Эроннинг қадимги афсонавий подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебтурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чин салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди... Ғариб ихтиролар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслаҳаси... Синон ва ҳарба ва пичоқ... ул ясади. Ва ҳаммом бино қилди ва ғаввослиғ ҳаёл қилди... Ва салтанатининг замони етти юз йилғача бўлди... Заҳҳок (уни) тутиб, арра била икки бўлуб, жисмин пора-пора қилди».
11. Заҳҳок — Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Заҳҳок бинни Мардос чун Жамшид қатлидан сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди. Фаридун ани жазосиға еткурди. Заҳҳок салтанати минг йил эрди». Заҳҳок — Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳам тасвирланган.
12. Фаридун—афсонавий пешдодий подшоҳларидан бири. Алишер

Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Фаридун яхши ахлоқлиқ олим ва одил подшоҳ эрди. Анинг уч ўғли бор эрди: ...Салим, Тур, Эраж. Мамоликни учовга қисмат қилди. Фаридуннинг подшоҳлиги беш юз йил эрди...».

13. Манучеҳр— Эроннинг афсонавий пешдодий подшоҳларидан. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Манучеҳр Эражнинг қизининг ўғли эрди... Ва ул одил подшоҳ эрди. Фирот ориғин ул қозди ва Ироққа сув элтти... Ва кўпрак деҳқонлиғ зийнату зебин ул ароға кетурди... Манучеҳр юз йигирма йил подшоҳлиғ қилди».

14. Нувдар—қадимий Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да у ҳақда: «Нувдар Манучеҳрнинг ўғлидир. Отасидан сўнгра мулк анга етти. Аммо ул айёш ва бепарво киши эрди. Манучеҳр қўйғон қоида па русмни туза олмади ва мулк ва сипоҳиға халал йўл топиб, Афросиёб-черик тортиб келиб, ани тутуб ўлтурди. Ва ўн нкки йил Эрон мулкида туруб, бузуглуқ қилди. Ва ул навъким. оз ерда ободлиғ қолди. Баъзи тапорихда Нувдарни Сеҳри Наримон дебтурлар. Ва подшоҳлиғи баъзи олти йил ва баъзи икки йил дебтурлар», деб ёзади.

15. Афросиёб — қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб шоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг ҳақида куйидагиларни ёзади: «Ани дебтурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидир ва баъзи анинг нисбатин Каюмарсға еткурубтурлар. Аммо бурунги (бинни Фаридун — Т. Л.) дурустроқдур. Чун Нувдарни ўлтурди, эрон мулкини андоқ буздики, оз ерда маъмурлуқ қолди, йиғочларни кести ва иморатни йиқти ва коризлар била булоғларни кўмди. Ва ул фурсатда Сими Наримон ўтуб, ўғли зол Рустам отаси анинг таъзиятиға машғул эрди, Зол ул кучи била сипоҳ ороста қилиб, ани Эрон мулкидин чиқрди. Баъзи дебтурларким, Зоб бинни Таҳмосбким, Манучеҳр набираларидандур, хуруж қилиб, ул анинг била урушур яроғин топмай, юз уруб ўз мулкига азимат қилди. Афросиёб подшоҳлиғи ўн икки йил эрди».

16. Зоб Таҳмосб — қаднмнй Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарида унинг ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни ёзган: «Зоб бинни Таҳмосб Феруз ҳам дебтурлар. Насаби юқори ўтти. Одил подшоҳ эрди. Кўп вақт Эронди Афросиёб бузгон ерларни ислоҳ қилдиким, юз ободон-лиққа кўйди, Дерларким, етти йил раийятдин хирож олмади. Ва баъзи хазойинким. Манучеҳр ва Нувдардни қолиб эрдиким, Афросиёб қилои ҳасонатидин иликлай олмади. Ул хазойин била етти йил Зоб Таҳмосб салтанат асбобин тузуб, маош ўткарди. Ва Зол бинни Сом ангач хидматлар қилди ва бузуқ мамоликни тузарда модаллар қилди. Ва Зоб икки рудхонаким, Зобин дерлар, Ироқ мулкида чнқарди. Ва ўз ҳаёти замонида салтанатни

Гиршаспқа мусаллам тутти. Анинг подшоҳлиқин Банокатий беш йил дебтур. Ўзга таворихда ўттуз йилдур».
17. Гаршосб—Пешдодийлар сулоласига мансуб подшҳлардан. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» китобида Гаршосб хакида қуйидагича маълумот беради: «Гаршосбнинг онаси» ибни Ямин бинни Яъқуб алайҳиссаломнинг қизи эрди ва отаси Зоб бинни Таҳмосбнинг қардоши эрди. Кўпрак таворихда Рустам Достонни анинг наслидин дебтурлар. Аммо фақир қошида бу қавл йироқроқ кўринур невчунким Золким, Рустамнинг отасидур, анинг қошида сипоҳлар эрди ва Гаршосбни «Гузида»да балки хейли таворихда Манучеҳр набираларига чиқарибтурлар. Ва Рустамни Сом бинни Наримон бинни Атрут бинни Обтинға еткурубтурлар, валлоҳу аълам. Гаршосб била чоғида Афросиёб яна черик тортиб Эронға келиб, Гаршосб била масоф тузуб, разм қилди. Афросиёб урушида Гаршосб фавт бўлди ва Золи Зар Зобилистондин черик тортиб келиб, Афросиёбни Эрондин чиқарди. Ва Гаршосбнинг салтанати замомида ихтилофдур: «Низомут-таворих» ва Банокатийда йигирма йилдур, «Гузида» била «Мунтахаб»да олти йил, баъзида беш йил хам бор...».
18. Ажам—бу ерда Хуросон ва Мовароуннаҳрда машҳур қадимий куйлардан бирининг номи.

XII

1. Кайқубод — Эронда ҳукм сурган каёнийлар сулоласининг дастлабки афсонавий подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни бир юз йигирма йил ҳукм сурган, дейди.
2. Рустам — Эроннинг машҳур афсонавий қаҳрамони. Афсоналарга кўра, Золнинг ўғли бўлган Рустам Кайқубод ва Кайковуслар замонида яшаган ва машҳур қўшин бошлиғи бўлган.
3. Ковус— афсоналарга кўра, Кайқубоднинг набираси. Ковус Эроннинг афсонавий каёний сулоласидан бўлган подшоҳлардан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Ковус юз эллик йил подшоҳлиғ қилган, дейди.
4. Гударз— Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг тўлиқ исми Гив бинни Гударз Кашнод эканлигини айтади. Эроннинг афсонавий қаҳрамонларидан бирнинг номи.
5. Тус— Эроннинг афсонавий қўшин бошлиқларидан бири. У Кайхусравга хизмат қилганлиги тўғрисида Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да маълумот беради.
6. Сиёвуш — афсонавий Кайковуснинг ўғли. Сиёвуш ҳақида Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «...Кайковуснинг ўғли бор эрди, Судобадин ўзга анодин Сиёвуш отлиғким, Юсуф Алайҳиссаломдин

сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди... Ва ани Рустам асраб эрди, тарбият топиб эрди. Судоба—угай онаси анга ошиқ бўлуб эрди, андин ком ҳосил қила олмай, ўз кўркунчидин Кайковус қоши-да ани ўзи била бадном қилиб чақти ва ул ўз бароати учун ўтқа кирди. Чун ул туҳматдин муарро эрди, ўтдин осийб топмади ва атосининг хато ройи ва талаввун мизожидин ваҳим қилиб, Туронға Афросиёб қошиға борди. Афросиёб анга эъзоз ва икром қилиб, қизин бериб, Туркистон вилоятин берди. Аммо Гирсиюзнинг ҳасаддин сиоят қилғони била таҳқиқ қилмай, ани бегуноҳ ўлтурди ва анинг борасиға ажаб ҳайф юзидин зулм борди...».

7. Қайхусрав — қадимги Эроннинг афсонавий подшаҳларидан бири бўлиб, Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни Сиёвушнинг ўғлч Кайковуснинг набираси эканлиги ҳақида маълумот беради.

8. Рустаму Зол — Рустамнинг отаси.

9. Луҳросб — Эроннинг қадимий каёнийлар сулоласига мансуб афсонавий подшолардан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Луҳросб ҳақида ёзади: «Луҳросб бинни Авранд Каиковуснинг инисининг ўғлидир. Дррул-мулки Балх эрди. Оламнинг кўпрак мулкин очти. Аммо чун оталари салтанат қилмайдур эрдилар ва Кайхусравнинг ўғли йўқ жиҳатидин мулкни ангд берганда, элга қатиғ келди. Чун ул бу ишни англади, эл била андоқ бориштиким, борча ани тиладилар... Чун Луҳросб тахтни Гуштаспқа топширди ва ўзи Балхда ибодатқа машғул эрди. Гуштасп баъзи билод фат-ҳиға машғул эрканда, Аржасп келиб Балхни олиб, Луҳросбни ўлтурди Ва Луҳроспнинг подшоҳлиғи юз йигирма йил эрди».

10. Балх—Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мозори Шариф ғарбидаги кўҳна шаҳар. Милоддан аввал VII асрдан маълум. Балх тарихда Уммул билод (шаҳарлар онаси) деб юритилган. Юнонлар Балхни Бақтра деб атаганлар.

11. Бухтуннаср—Луҳросбнинг афсонавий лашкарбошларидан бири.

12. Гаршосб—«Тарихи мулуки Ажам»да Гуштасп тарзида берилган: «Чун Луҳросб тахтни Гуштаспқа топшурди ва ўзи Балхда ибодатқа машғул эрди... Гуштасп —Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди, ва зардушт анинг замонида пайдо бўлди. Ва Гуштасп осоридин Самарқанд қўрғони ва девориким, Эрон ва Турон орасиға тортилибтур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳриким, басе акобир ва ашроф андиндурлар. Ва салтанати юз йигирма йил эрди».

13. Зардушт—қадимги Эронда Гуштасп замонида ўтпарастлик динининг асосини қурган киши (бу дин шу иом билан машҳур бўлган).

14. Мажус — оташпарастлик.

15. Баҳман — қадимий Эроннинг каёнийлар сулоласидан бўлган Луҳросбнинг набираси, Исфандиёрнинг ўғли, Алишер Навоий «Тарихи

мулуки Ажам»да ёзади: «Баҳман подшоҳ бўлғондин сўнгра адл ойин қилди, Баҳманнинг отаси Толут наслидин эрди ва ҳарами Аргион бинни Сулаймон аланҳнссалом қнзидип икки ўғли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч қизи бор эди: Ҳумой ва Фаранг ва Баҳмандўст. Сосон зоҳид ва мутақий киши эрди. Мулкка парво қилмади, гўша тутти. Ҳумойни Ҳумони ҳам дебтурлар. Баҳмон ўз ақдиға киюруб эрди. Мавт марзида тожни анинг қорнига қуйдиким, Доробқа ҳомила эрди... Баъзи дебтурларким, Баҳман подшоҳлиғини ё Ҳумойға берди, тожни андин туғар фарзандга ҳавола қилди. Ва подшоҳлиғининг замоин юз ўн икки йил эрди.

16. Зобулистон — қадимий Эрон вилоятларидаи биринииг номи. Афсонавий каҳрамон Рустам кўпинча шу ерда яшаган.

17. Хумой — Эроннинг афсонавий подшохларидан Баҳманнинг хотини. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да у ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ҳумой рой ва хирадлиғ хотун эрди. Баҳмандин сўнгра тахтқа ўлтурди... Ва Ҳумойнинг салтанатининг муддати ўттуз йил эрди ва осори Истахрда Ҳазорсутун эрдиким, ани Искандар бузди ва баъзи Чиҳил минорни ҳам анга мансуб қилибтурлар. Ва Самара шаҳриким, Жорбодқон дерлар ҳам, ул бино қилди».

18. Доро — Эронда ўтган пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Алишер Навоийнинг «Тариҳм мулуки Ажам» асарида Дороб деб берилган ва унинг сабабини батафсил тушунтирган: «Ҳумой... Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди ва салтанат ҳубби қўймадиким, ўғлини подшоҳликқа мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай. Ани бир сандуққа солиб қийр била маҳкам қилиб, дарёга солди. Дебтурларким, бир гозур иликига тушуб, ани фарзандчилай асраб тарбият қилди... Гозур ани сувда топқан учун Дороб от қўйди...

Дороб чун Ҳумой ўрниға тахтқа ўлтурди, адл ва дод пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва хўб сурат подшоҳ эрди... Ва анинг салтанатини баъзи олтмиш йил, баъзи эллик икки йил дерлар».

19. Дорийи Доро — пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзади: «Доро ибн Доробни чуп валиаҳд қилиб эрди, отаси ўрнига подшоҳ бўлди. Чун золим табъ киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар... Ва Доронинг подшоҳлиғи ўн тўрт йил эрди».

20. Паҳлавий — бу ўринда Ўрта Осиё халқлари орасида машҳур бўлган қадимий куйлардан биринииг номи.

XIII

1. Искандар, Искандар Зулқарнайин— Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган образ. Бу образнинг пайдо бўлиши тарихий юнон саркардаси

Александр Македонский фаолиятн билан боғлиқ. Искандар Қуръоннинг сурасида эсланган Зулқарнайндир. У Шарқдаги мусулмон халқлари орасида машҳур. Искандар ҳақидаги илк маълумот X аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфаҳоний, Динюварий, Табарийлар асарларида, кейинроқ Берунийнинг «Қадими халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида учрайди. Бадиий асарларда, жумладан, Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий асарида Искандар салбий образ сифатида берилган бўлса, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Искандарнома», Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ойинаи Искандарий», Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарларида Искандар образи фотиҳ, олим. файласуф ва пайғамбар тарзида тасвирланган.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Искандар ҳақида афсона, ривоят ва тарихий асарлардан келиб чиқиб фикр юритади. «Садди Искандарий» достонида эса Искандарнинг идеал образини яратиб, уни шоҳ ва олим сифатида талқин этади.

2. Ашки Доро — қадимий Эронннинг ашконийлар сулоласига мансуб афсонавий подшоҳ. Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да хабар беришича, ҳокимиятни Абтаҳши Румийдан (уни ўлдириб) олиб, Эронда уч йил ҳукмдорлик қилган.

3. Ашки Ашкон — афсонавий Ашки Доронинг ўғли бўлиб, Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Ашки Ашкон йигирма йил подшоҳлик қилган, дейди.

4. Баҳроми Шопур — қадимий Эроннинг ашконий сулоласидан бўлган афсонавий подшоҳлардан бири. У отаси (Ашки Ашкон)дан кейин ўн бир йил тахтда ўтирган, дейди Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да.

5. Ялош ибни Баҳром — Эроннинг ашконийлар сулоласига мансуб бўлган подшоҳнинг номи. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни Баҳром бинни Шопурнинг валиаҳди бўлганлиги ҳамда ўн беш йил подшоҳлик қилганлигини ҳикоя қилади.

6. Ҳурмуз ибин Ялош — ашконийлар сулоласининг подшоҳларидан. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни отаси (Ялош ибин Баҳром)га нойиб бўлиб, ўн тўққиз йил подшоҳлик қилганлигини хабар беради.

7. Нарси ибни Ялош — қадимий Эроннинг ашконийлар сулоласига мансуб бўлган афсонавий подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг ўн йил подшоҳлик қилганлиги ҳақида хабар берган.

8. Ферузи Ҳурмуз— ашконийлар сулоласига мансуб бўлган подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да: «...анинг салтанати ўттуз йил эрди», дейди.

9. Ялош ибн Феруз— ашконийлар сулоласига мансуб бўлган шоҳ

Алишер Навоий. «Тарихи мулуки Ажам»да: «...ул Хусравнинг қардоши эрди. Оқибат ул доғи қардоши ичган шарбатни ичти ва анинг подшоҳлиғи йил эрди», дейди.
10. Хусрав ибн Ялош—қадимий Эроннинг ашконийлар сулоласига мансуб бўлган подшоҳлардан бир.
11. Ялоши Ялош — ашконийлир сулоласига мансуб бўлган подшоҳлардан бири. Е. Э. Бертельс бу номни Балоши Балош, дейди.
12. Ардавони Ялош—ашконийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.
13. Ардавон ибни Ашғон— қадимий Эронда ашконийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.
14. Гударзи Ашғон—қадимий Эроннинг ашконийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.
15. Ардавон—Эроннинг ашконийлар сулоласидан бўлган подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни Ардувон бинни Ялош тарзида қаламга олиб қуйидагича ёзади:

«Ашконийларнинг сўнгги подшоҳи эрди, азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табақадаги салотиндин ортти. Ва мулки тавойифдин кўпин ул мақҳур қилиб, мулкин олди ва ўзига мунқод қилди. Ва охирул-амр Ардашер Бобак ани орадин чиқариб мулк ашконийлардан сосонийларға интиқол топти...».

XIV

1. Ардашер ибни Бобак — сосонийлар сулоласидан бўлган бирничи подшоҳ. «Тарихи мулуки Ажам»да у қуйидагича характерланади: «...Ҳар тақдир била Ардашер Бобак сосонийларнинг аввалғи подшоҳидир. Ва ул Сосон бинни Баҳман набирасидур. Ва анинг шарҳи будирким, чун Баҳман Ҳумойни валиаҳд қилди, Сосонким ўғли эрди, гўша тутти, андоққим, мазкур бўлди... Сосондин бир ўғул қолиб эрди, оти анинг ҳам Сосон эрди, мутавори ва мактум юрур эрди.
2. Шопур бин Ардашер — сосонийлар сулоласидан бўлган Ардашор Бобакнинг ўғли.
3. Ҳурмуз — қадимий Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб бўлган подшоҳ.
4. Баҳроми Ҳурмуз — сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. «Тарихи мулуки Ажам»да Алишер Навоий Баҳром бинни Ҳурмуз деб берган. Навоий ёзади: «Баҳром бинни Ҳурмуз отаси Ҳурмуз васияти била подшоҳ бўлди ва Моний наққошнинг, миллатиким Зиндиқа эрди, анинг замонида шойиъ бўлди. Ва кўп халойиқ анга фирифта бўлдилар ва анинг динига кирдилар. Атбои қолин ва бу Баҳром худопараст эрди ва хирадманд подшоҳ эрди. Тиладиким, Монийнинг миллатин дафъ қилғай. Аввал ани умидворлиғлар била мусоҳиб ва мулозим қилди ва

атбоин ўзидин ваҳимсиз қилди, то барча зоҳир булдилар. Андин сўнгра уламони йиғиб, анинг била баҳсқа солди ва уламо ани якфан қилиб, куфрни анга собит қилдилар. Бу ҳужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб, сомон тиқтирди ва атбоин қатл этти... Ва Баҳромнинг замони ва муддати уч йил ва уч ой эрди».

5. Багроми Баҳром— сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Алишер Навоий уни «Тарихи мулуки Ажам»да Баҳром бинни Баҳром тарзяда атайди.

6. Баҳроми Баҳроми Баҳром — сосонийлар сулоласидан бўлган подшоҳ. «Тарихи мулуки Ажам»да Баҳром бинни Баҳром бинни Баҳром деб берилган. Навоий ёзади: «Ота ва абука отин анга қўйдилар, ва лекин ани шаҳаншоҳ дедилар. Бу лақаб била шуҳрат тутти ва ул кишиким, бу лақаб топти ул эрди. Шаъни аржуманд ва ахлоқи дилписанд подшоҳ эрди, ахлоқи элга марғуб ва атвори улусқа матлуб. Зулм биносни бузди ва адл асосин тузди... Ва ул тўрт ой мулк сурди...».

7. Нарси—сосоний подшоҳларидан бири. «Тарихи мулуки Ажам»да унинг тўлик исмини Нарси бинни Баҳром деб келтирилади.

8. Ҳурмузи Нарси—сосоний подшоҳларидан Насри бинни Баҳромнинг ўғли. «Тарихи мулуки Ажам»да Ҳурмуз бинни Нарси деб берилгаи ва у қуйидагича характерланган: «Ул бағоят мутакаббир киши эрди. Салтанатидин бурун бу сифотин эл билиб, андин ҳаросон эрдилар... Бир кун ғоят худписандлиғидин сўрдиким, манинг афъол ва сифотимға не нима керакликдур?.. Ҳаким мундоқ жавоб бердиким, халойиққа ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлғондек ўз нафсингға ҳам ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлмоқ санга керакликдур. Ул бу сўздин, чун зоти жавҳари бор эрди, ғафлат уйқусидин сесканиб, ўз қилиғи теграсига уйрулуб, мустаҳсан автор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди... Ва Ҳурмузнинг замони етти йил ё тўққуз йил эрди».

9. Шопури Ҳурмуз— сосонийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.

10. Ардамер ибни Ҳурмуз — сосонийлар сулоласидан бўлган подшоҳ. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да: «Ардашер бинни Ҳурмуз Шопур зул Актофнинг иниси эрди. Вафот қилурда чун Шопур ўғли кичик эрди, салтанатни инисиға бердиким, ўғли улғайса, анга берган... Чун Шопур ўғли улғайди, мулкни анга мусаллам тутиб ўзи орадин чиқти. Салтанати, замони ўн йил эрди», деб ёзган.

11. Шопури Шопур — сосоний подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Шопур бинни Шопур чун тахтқа ўлтирди, бағоят атвори, ҳусн ва ахлоқи мустаҳсан подшоҳ эрди. Ғоят яхшилиғидин Рум подшоҳини ўзига мутиъ қилиб эрди, андоққи қаисар вафоти чоғида, чун ўғли кичик эрди, Шопурға киши йибориб, истидоъ қилдиким, мен қарибмен... ўғли кичикдур, бир киши... йиборким, Румда салтанат қилсун, Ўғлум

улғайса, мулкни анга топшурғай. Шопур Ширвинни йиборди... Чун мулк вориси улғайди, Ширвин тахаллуф қилмай, мулкни анга топшурди... Шопур чодир ичинда эрдиким, қатиқ ел қўпуб чодирни анинг бошиға йиқти ва сутун бошиға тегиб, ҳалок бўлди. Ва салтанати беш йил ва бир нима эрди».

12. Баҳроми Шопур — сосоний подшоҳларидан бири. «Тарихи мулуки Ажам»да шундай ёзилади: «Отаси Шопур ўрнида тахтқа ўлтурди ва анинг сийратин баъзи муаррихлар яхши дебтурлар ва баъзи ёмон. Ва ани Кирмоншоҳ дерлар... Баҳромни баъзи... бир йил подшоҳлик қилди дебтурлар...».

13. Феруз бин Яздижирд— сосоний подшоҳлардан бўлган Ҳурмуз бинни Яздижирднинг ўғли. «Тарихи мулуки Ажам»да Навоий ёзади. «Феруз бинни Яздижирд мусулмон аа оқил кордон ва одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва саховат била раоёни хушнуд ва шод этти. Анинг салтанати замонида етти йил қаҳат воқеъ бўлди ва раоёдин хирожни соқит қилди. Бу етти йил ҳеч киши кишидик ҳеч нима тиламади ва кўпрак муҳтожларга хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди. Анинг адолати баракатидин... етти йилдан сўнграким ёмғур берди. Ул йилда онча маҳсул карам қилдиким, етти йиллиқ қаҳатнинг қусури рост бўлди... Ва Феруз кўпрак мамоликни олғондин сўнгра Туркистон мулкига этрди. Ва Туркистон подшоҳи анинг бир манзилида азим чоҳлар қазиб, устидин хаспўш қилиб эрди... кўп эл ул чоҳларга тушти. Иттифоқан ўзи доғи бир чоҳқа тушуб ҳалок бўлди... Ва салтанати замони йигирми йил эрди».

14. Ялош ибни Феруз— сосонийлар сулоласидан бўлган подишҳ.

15. Кубод ибни Феруз — сосонийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.

10. Жомосб—сосонийлар сулоласидан, Қубод ибни Ферузнинг укаси «Тарихи мулуки Ажам»да унинг ҳақида қуйидагича маълумот бермлади: «...Қубодни тутуб банд қилдилар. Ва Жомаспниким, анинг иниси эрди, подшоҳ қилдилар. Маздак қочиб Озарбайжонға борди ва Қубоднинг сингли ани ҳийла билан қочурди. Ва ул Туркистонға бориб, баъзи ҳаётила дебтурлар, ҳар тақдир била кўмак олиб, мулк устига юругач, билдиларким, Жомасп анинг била муқовамат қила олмас. Ани ҳам банд килдилар ва Қубодға топшуруб, Қубодни янатахтқа ўлтурттилар... Ва муаррихлар Жомаспни мулук аъдодида тутмайдурлар».

17. Нуширавони Қубод — Шарқ халқлари ёзма ва оғзаки ижодиётида адолатпарвар ҳукмрон тимсолида кенг тарқалган образ Алишер Навоий ҳал Нуширавонни одил подшоҳ сифатида талқин этган. Бу ном Алишер Навоий ижодида Нушрвон, Нуширавон ва Анушрвон шаклларида учрайди.

18. Ҳурмуз ибни Анушрвон — сосонийлар сулоласидан бўлган

Нуширвоннинг ўғли.
19. Парвез Ҳурмуз — Ҳурмуз ибни Ануширвоннинг ўғли. У Шарқ адабиётида Хусрав Парвиз номи билан машҳур. Хусрав Парвиз Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийлар «Хамса»сидаги иккинчи достон «Хусрав ва Ширин»нинг асосий қаҳрамони. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида уни босқинчи, адолатсиз, золим шоҳ сифатида тасвирлаган.
20. Шеруя — Парвиз Ҳурмузнинг ўғли. Шеруя Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги салбий образлардан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Шеруя отасини ўлтургандин сўнгра, подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди... Аммо мужмали будурким, Хусравнинг ғоят тажаммули ва жохидин ул навъки юкори теъдод қилилди, димоғида ғурур ва феълида футур бўлуб эрди ва сиёсат ва ғазаби элга ҳаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буким, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг
заволинг ўз авлодингнинг илгида бўлғусидур... Отасини ўлтургандин сўнгра анинг ҳам жисмига азим ранж тори бўлуб, етти ойдин сўнгра ҳаёт ва диатин ажал муқозийсиға топшурди. Мулк ҳирсидин ўн етти оғо-инисини доғи ўлтурди...»
21. Ардашер— сосонийлар сулоласидан бўлган Хисрав Парвизнинг набираси. Шеруянинг ўғли. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да у ҳақмда муфассал маълумот беради.
22. Қисра Арислон — Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг тўлиқ номини Кисро Арслон бинни Кисро Қубод бинни Феруз деб берган.
23. Қисро — сосонийлар сулоласидан бўлгап подшоҳ.
24. Турон — сосонийлар сулоласидан бўлгап Парвизнинг қизи. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да унинг номини Турондўхт деб беради ва бу ҳақда ёзади. «Турондўхт чун подшолиғ тахтиға ором тутти, бағоят оқила эрди, билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо қилмағусидур. Дод ва адл бунёд қилди ва халойиққа кўп умидворлиглар берди. Ўзидан бурунги жамиъ акосира замонидни қолғон шалтоқларни жамиъ раоёға бағишлаб, дафтарларин буюрдиким ювдилар ва яхши ойинлар ораға киюрди... Ва халойиқ андин басе муроффаҳ ва масрур бўлдилар... Ва Турондўхт Шаҳриродни ўлтургоп кишиниким, Машҳур Хуросоний дерлар эрди, тарбият қилиб, вузарот берди. Ва бир йилу тўрт ой подшоҳлик қилғондин сўнгра мулкка видоъ қилди».
25. Парвез Бахром — қадимий Эроннинг сосонийлар сулоласидан бўлган подшоҳ.
26. Озарм — сосонийлар сулоласидан бўлгаи Турондўхтнинг синглиси.
27. Фаррух— сосонийлар сулоласининг охирги подшоҳларидан бири. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да уни Фаррухзод деб берган:

«...Яна киши тилар эрдилар. То мағриб шаҳарларидин бирида Фаррухзодни топтилар ва тахтқа ўлтурттилар. Ва ани ҳам Парвиз авлодидин дебтурлар. Ва ул доги олти ой салтанат қилғондин сўнгра қатлға келди».
28. Яздижирд — сосонийлар сулоласининг энг охирги подшоҳи.

XV

1. Кўк тоқига кўп садо солган турт хайл — Эронда ҳукмронлик қилган тўрт (пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар) сулоладан иборат. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асари ҳамда «Садди Искандарий» достонининг XI, XII, XIII ва XIV бобларида бу сулолаларнинг ҳар бири тўғрисида ўзигача мавжуд бўлган тарихий асар ва манбалардан келиб чиқиб маълумот беради, уларнинг ҳаммаларини «мулуки Ажам» (Ажам ҳукмдорлари) деб атайди.
2. Навоий Искандар иккинчи (Каёнийлар) табақадаи сўнг ўтди, дейди, Аслида эса Искандар сосонийлар даврида ўтган.
3. Файлақус—Искандарнинг отаси.
4. Мазмуни: «Кўрдиларки, ҳомиладор хотин бир бола туққан, лекин хотннинг жисмида руҳ қолмаган (ўлгап)».
5. Ано сўги — онасинннг мотами.
6. Нори мажус—мажусий (ўтга топниувчи)лар олови, яьни ёлқинли олов.
7. Донайи даҳр — Абдураҳмон Жомий бўлиб, айни пайтда, у ҳам ўзинннг шу номдаги достонини яратиш билан банд бўлган.
8. Насси қотеъ — кескин далил.
9. Нақумоҳис— Искандар отаси Файлақуснинг олим ва донишманд вазири бўлган, у Искандарга ёшлигидан бошлаб тарбия бериб, унга кўп илмларни ўргатган.
10. «Мустақимин», «рожиин» мунажжимлар термини бўлиб, юлдузларнинг «тўғри юриши» ва юришдаги «орқага силжиши» каби тахминларни ифодалайди.
11. Тифли фаррухпайи покзод— Искандар демак.
12. Хушку тар, баҳру бар — қуруқ ва сув, денгиз ва ер юзи маъносида.
13. Мазмуни: «Гоҳ от устида қурол ўйнатар, гоҳ яёв ҳолда куч кўрсатар эди».
14. «Ота азасини бартараф қилган, тахтга чиқиб, шоҳлик узугини тақди».
15. Алишер Навоий достони қурилмасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унда боблар охиридаги лирик хотнмани ҳам такомпллаштирганидир. Агар Низомий Ганжавий «Искандарнома»нинг «Шарафнома» қисмида соқийга, «Иқболнома» қисмида мутрибга

мурожаат қилган бўлса, Хусрав Деҳлавий эса ҳар бир боб охиридаги лирик хотимада ҳам соқий ва ҳам мутрибга мурожаат қилса, Алишер Навоий боб охирида соқий ва мугрибга мурожаат қилиш билан бирга, ўз-ўзига ҳам мурожаат қилиш билан бобни якунлайди.

XVI

1. Олдинги ва бу байтнинг мазмуни:
«Жат (ҳайвон ўргатувчи)нииг аниқ ўйнатишдан мақсади нон топиш бўлгач, уни итга ташлаш мумкинми, маймун топганини ичига сиққанча еб, қолганини лунжига тўплайди».
2. Бу сўз «Хамса»нинг 1960 йил Тошкент нашрида «бойим» тарзида берилган. Бошқа манбаларда «бим» (қўрқув, қўрқинч, хавф) шакдлда тўғри ёзилган.
3. Байтнинг мазмуни: «Ҳиммат аҳлининг феъли кенглиги туфайли, унинг олдида бой ҳам, камбағал ҳам бирдек кўринади».
4. Мазмуни: «Сахийнинг қандай бойлиги бўлмасин, инъом этишда унинг қиммати кўзига кўринмайди, ҳатто охирги тангасигача эҳсон қилаверади».

XVII

1. Бу ҳикоят Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳамад ибн ал Валид ал-Фахри ат Туртуши (1220—27 йилда ўлган)нинг «Сирож ул-мулк», Абдураҳмон Жомийнинг «Искандарнома» достонларида ҳам бор (Е. Э. Бертельс, Навои ва Джами, 300—307, 360—389-бетлар). Навоий унга, биринчидан, воқеани Мағриб замни (Шимолий Африка)да бўлиб ўтгани, иккинчидан, ўша жойдаги подшоҳнинг жанг вақтида ўлгани каби деталларни қўшган.
2. «Тирик одамларга аралашмайди, эски қабрлардан бошқа жойда турмайди».
3. «Яна бири: ҳеч бирда камбағаллик билан алмашинмайдиган абадий бойликлар».

XIX

1. Қарама-қарши қўйиш усулидан фойдаланиб яратилган бу байтнинг мазмуни: «Шер тортиши керак бўлган нарсани чумоли қандай тортсин, филнинг юкини пашшага ортиб бўладими ахир».
2. Олдинги уч ва бу байтнинг мазмуни:
«У ҳар ишда замон аҳлидан устун, шу билан шоҳликка лойиқ, қуёшдек зўр меҳрли, соф кўнгил, қўшин тортганда оламни қўлга оладиган, адолат чоғи худди навбаҳордай чарақлагай, сиёсат бобида жаҳонни

ўртовчи яшиндай, шафқатсизликда душманни қайтарадиган,» қаттиқлик пайтларида халқпарвар бўлсин».
3. «Солиқ ёзувчи амалдор халққа ситам қилса, солиқ ёзувчи қўлини қаламдек қалам қилсин (тилсин)».
4. Китобат санъати ишлатилган бу байтда: зулм сўзидаги «лом» (л) ила «мим» (м)ни «лам»и жахдга, яъни морфологик қоида бўйича, бўлишсизлиқ белгисига айлаптириб, «зулм» сўзининг ўзини ҳам йўқ қилсин дейилади.
5. Сенинг сўзнинг гарчи жон бағишлоғчи бўлса-да, ҳозиргиси барчани ёппасига қириб юборгудек бўлди».
6. Юпитер планетаси, форсча номи Биржис бўлиб, мунажжимлар бу сайёрани «Саъди акбар» ва «Фалак қозиси», жойи олтинчи фалакда, дейдилар.
7. Арасту — юнон файласуфларидан Аристотель исмининг арабча шакли. Навоий тасвирича, Искандарнинг юришларида унинг ёнида бирга юрган, ҳар бир бобда илм-ҳикмат йўли билан мушкулларини ҳал қилиб турган етти олим, донишманд, ҳакимлардан бири.
8. Балинос — Искандар атрофидаги етти олим, ҳакимдан бирининг номи.
9. Илёс — қадимги адабиётда бу ном кишиларнинг дарё сафарларида йўлдоши ва йўлбошловчиси символи ўлароқ гавдаланади, қуруқлик сафарларида эса раҳнамо Хизрдир.
10. Навоий бу байт орқали ҳаммани (подшоҳми у, гадоми у, қатъи назар) адолатга ундамоқда.

XX

1. Ануишрвон — асли исми Хусрав I бўлиб, лақаби Ануширвондир. Ануширвон сўзининг маъноси — адабий руҳ эгаси, улмас руҳ эгаси демакдир. Ануширвон отаси Қубод ўлгандан сўнг (531 йил) тахтни эгаллайди ва Маздак қўзғолонини бостиради, шунинг учун воқеаномаларда адолат тимсоли сифатида шуҳрат қозонган.

XXI

Маҳмуд—тарихий шахс. Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуктагин (1030 йилда ўлган)—Ғазнавийлар давлати ҳукмдори (998—1030), сомонийларнинг Хуросондагн нойиби Сабуктагин вафот этгач (997), тахтни унинг катта ўғли Маҳмуд ғазнавий эгаллайди. Уни Маисур ибн Нуҳ II (сомонийлардан) Балх, Термиз ва Буст шаҳарлари нойиби деб тан олишга мажбур бўлган. Маҳмуд Ғазнавий 999 йили бутун Хуросонна эгаллаб ўзини султон деб эълон қилган. Сўнгра у 1001 йилда

Қорахонайлар хони Наср билан шартнома тузган. Шартномага кўра, иккала давлат учун Амударё чегара чизиғи деб белгиланган. Хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун (999—1016) халқ қўзғолони вақтида қатл этилгач, Маҳмуд Ғазнавий 1017 йилда Хоразмни босиб олган. Маҳмуд Ғазнавий 1025 йилда Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Соғониён ҳамда Хуттаи (Кўлоб)ни ўзига қаратиб олган. У Панжоб, Кашмир ва Шимолий Ҳиндистон вилоятларига 17 марта талончилик юришлари уюштирган. Маҳмуд Ғазнавий паҳлавий ва араб тилларини билган, ўзи шеърлар ҳам битган. У Ғазнада жуда кўп нодир китоблар тўплаган (ўаранг: ЎзСЭ, VII том, Т., 1976, 94-бет).

Бадиий адабиётда Маҳмудни одил подшоҳ сифатида талқин этиш анъанага айланган. Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор» достонида келтирилган Султон Санжар ва кампир хақидаги, Навоийнинг «Садди Искандарий» аслрида Маҳмуд ва Масъуд (Маҳмуднинг ўғли) ҳикоятлар фикримизга яхши далилдир (кўринг: Е. Э. Б е р т е ь с, «Навои и Джами» 390 стр.). Навоий бу ҳикоятда Маҳмуд ҳаётига боғлиқ бир лавҳа (кампир уйига бостириб киргач сарбозларни жазолаши) оркали унинг одил бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Низомий ва Навоий достонларида тасвирланган Маҳмуд образи тарихий Маҳмуд Ғазнавий бўлмай, буюк шоирлар бадиий тафаккурларининг маҳсулидир.

XXIII

1. Мўбади нуктасанж — сўзга эпчил донишмад маъносида.
2. Юкоридаги икки ва бу байтнинг мазмуни: «Яна қиссасига ақл югуртириб, тарихлари устида кўп ўйлаб ишларида қанчаки ғаройиб бўлса у ишда кўп ажойиб бор эса, унда мавжуд бўлган ёлғонларни чиқариб ташлаб, унга назм билан безак берсам», дейди.
3. Фатҳи билод — шаҳарларни қўлга киритиш.
4. Мағриб замин — Ғарб бу ўринда Африка мамлакатлари маъноснда.
5. Зангибор — бу ўринда Ҳабашистон маъносида ишлатилган.
6. Доро — Эронда ўтган каёнийлар сулоласининг охирги подшоҳи. Бу ҳақда юқорида ҳам айтилди.
7. Билоди Фаранг — Европа мамлакатлари маъносида.
8. Байтнинг мазмуни: «У ернинг халқларини мутеъ қилгач, Қрим билан Андалус (Испания)ни босиб олди».
9. Зардушт — қадимги Эронда ўтпарастлик динига асос солган киши (бу дин шу ном билан машҳур бўлган),
10. Суҳайл номли юлдуз Яман мамлакатида яхши кўринар экан ва у ерда ҳақиқ аталган қимматбаҳо тош кўп топилар экан, бу жойда ўшанга ишора қилинади.

11. Мазмуни: «Ос ва Рус томон юрганда, у ердагиларнин юзлари қўрқувдан қаҳрабодек сарғайиб кетди».
12. Чаркас — ҳозирги Грузия составида жойлашган мавзе. Гуржа эса ҳозирги Грузиянинг тарихий номи.
13. Мазмуни: «Чигил билан Яғмодан худди чаманда ғарбдан шарққа эсган шамолдай ўтиб кетди».
14. «Йўлларин ўлчатгач, мамлакатнинг йўллари орасидаги масофалар учун йиғоч (узунлик) ўлчовини тайинлади».
15. Бир йиғоч масофа ўн икки минг қари (метр)га тенг.
16. Байтнинг мазмуни: «Унинг ташаббуси билан ҳар бир йиғоч йўлга маълум белги қўйилди».
17. Мазмуни: «Тиғи чақмоқдай алангалангач, занжи (қора танли негр)лар кўмирдай куйдилар».
18. «Олтин тухум истаб кўп машаққатга дучор бўлма, чунки олтин тухум берувчи қуш ҳавога учиб кетган (ўлгап)».
19. «Унинг ғазаб ўти шундай алангаланиб кетган эдики, гўё осмон ичида қиёмат-қойим бошлангандек кўринарди».
20. Байтнинг мазмуни: «Мен унга шундай таъзир берайким, уни эслаганда ҳар қандай бадкирдор одамнинг кўзи очилиб кетадиган бўлсин».
21. Чавгону гўй — чавгон—учи эгри узун таёқ, гўй — чавгон ўйинида қўлланадиган тўп, копток.
22. «Сирлар ташувчи (элчи) икки букилиб деди: «Жонингга ҳақдан минг-минглаб раҳматлар бўлсин».
23. «Киши ўзига қул деб хитоб қилиши ҳар ҳолда тўғри йўл эмас».
24. «Қўтон (лайлак) катта қушлардан саналади, лекин шунқор олдида унинг нима жони бор?»
25. Олдинги икки ва бу баитнинг мазмуни: «Яна бири буким, шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй билан чавгон юборибдир. Бунда ҳам бир махфий ва рамзий маъно бор. Масалан, олимлар жустужу қилиб, ер юзини гўйдек думалоқ эканини аниқлаганлар».

XXIV

1. Рифқ — мулойимлик, ёқимлилик.
2. Мазмуни: «Қайси амал — ўринда бир гуруҳ ўтирган бўлса, ҳаммасининг майли бошқа амалга — юқори амалга ўтишида бўлади».
3. «Таассуб орага ташвиш солгач, орага яна низо-адоват тушди».
4. Мазмуни: «Булар ичида ўрта табақадагиларнинг низолари ашаддйароқ бўлиб, буларнинг ноаҳллиғидан жуда Кўп зарар юзага келади».
5. Бу тўрт байтда Навоий ўз замонида кўрган фожиаларини акс

эттирган: «Ҳусайн Бойқаро билан ўғли орасига низо тушиб, кўп қон тўкилгандан, унинг ўғиллари: ораларида ва умуман Темур авлоди орасида душманлик пайдо бўлиб, кўп халқни ва бир-бирларини хароб қилганлар.
Мазмуни: «Ҳар қалай икки дарвешнинг дўстлиги — бир-бирига душман бўлган икки шоҳдан афзалдир».

XXV

1. Чингизхон (асл номи Темужин, Темучин) (тахм. 1155—1227 25. 8)— мўғул феодал империяси асосчиси, саркарда.
2. «Агар киши дўстликни ҳавас қилса, то абад унга ушбу масал кифоядир».

XXVI

1. «Шоҳи Фаридунхаишм»—Искандарга нисбатан ишлатилган сифат.
2. «Ҳикмат ойини дононда»—Арастуга нисбатан айтилган.
3. Уч байтнинг мазмуни: «Бировнинг ножўя бир иши бўлиб, уни қилиши зарур бўлиб қолади. Аммо бу ишдан эл-юртга катта-кон зарар етадиган, таги қалтис, жанжал чиқадиган бўлса, биров бу ишни манъ этиш имкониятига эга бўлсаю, бундан ўзини четга олса, у кечирарли эмас».

XXVII

1. Мазмуни: «Кишилар хайр бериш учун Рум, Зангибор, Фаранг мамлакатларидан бошқа ҳамма жойга, дунё бўйича тўхтовсиз чоптилар».
2. Турон—Ўрта Осиёнинг шимоли-ғарби ва Қозоғистонинг жануби-ғарбидаги текислик.
3. «Ҳамма иқлимнинг ҳукмдорлари бўйинларига итоат халқасини осиб, тўда-тўда бўлиб келишар эди».
4. Бу ва олдинги уч байтнинг мазмуни: «Хитой мамлакатининг хоқони Мангу ҳам, Ҳинд элкнинг бошлиғи Қорахон ҳам, Миср юртининг азизи Варқаъ ҳам, Дашт элининг ҳокими Темуртош ҳам, Ховарон мамлакатидан Фарангису, Ширвон элидан Даволи каби кишиларнинг ҳамма-ҳаммаси Доронинг кўз ўнгидан ўтишди. Шоҳ ва шаҳзодаларнинг, саркарда ва амалдорларнинг сон-саноғи йўқ эди».
5. Мазмуни: «Лекин Искандарнинг шиори сулҳ ва тинчлик эди, у Дорога ўхшаб ҳовлиқмасди».
6. «Кеча посбонлари қанчалик ҳушёр бўлса, қўошн қоровуллари ҳам шунчалик зийрак— бедор эдилар».

7. У (Искандар) «Хаибар қўрғонидек ҳандақ ясади, йўқ Хайбар эмас, Искандар деворидек истеҳком қурди».
8. Бу икки байтнинг мазмуни: «Мен ҳикмат йўлида мунча лоф уриб, ажаб ерда уруш майдонини ёйиб-очиб қўнган эканман. Бу ердан қайтишнинг имкони йўқ, уруш қилсам нуқсондан бошқа ҳеч нарса бўлмас».
9. Мазмуни: «Қўшиннинг ҳар тарафини илғор қисм ўраб олтан бўлиб, улар душман тарафидан писиб келадиган тун ўғриларини (разведкачиларни) қўлга тушириш пайида эдилар».
10. «Гўё ерда зилзила пайдо бўлиб, у «ўз ҳомиласини ташлаб қўйди».
11. Тўрт байт мазмуни: «Тақдир икки дарёга жўш солди, бу ғавғо Миррих планетаси қулоғига етди. Полвонлар ҳайбатли наъралар торттилар, бу наъралар ер қатламларига зилзила солди. Ерда зилзила пайдо бўлди, «ва ер ўз юклорини юзага чиқарди», қиличбозлар, фалак турки (Миррих планетаси)дек бошдан-оёқ кўк темирга чулғандилар».
12. Боронғор — ҳаракатидаги қўшинининг ўнг қаноти.
13. «Бу вақтда жаннатга ўхшаш Самарқанд йўқ эди, буни (Самарқандни) Искандар бино қилди».
14. Шайпол — Искандарнинг қўшни бошлиқларидан бири.
15. «Қуролларнинг бир-бирига урилишидан чақмоқ ўти ярқирар, отларнинг кишнашидан эса, момақалдироқ садоси эшитиларди».
16. Мазмуни: «Фалак беяасининг табиати қисирлик бўлмаганда, бу ғавғодан у ҳомила ташлаб юборар эди».
17. Бориқи Барбарий— Доронинг собиқ аскари. У Дородан кўп жабр кўриб, Искандар қўшинига хизматга ўтган.
18. Ҳаррон — Доро паҳлавонларидан бири.
19. Шайда—Ҳарроннинг қариндошларидан, Доронинг паҳлавонларидан бири бўлган.
20. Равшанак — Эрон шоҳи Доронинг қизи. Доронинг жанг майдонида ўлими олдидан васиятига кўра, Искандар бу гўзал қизни хотинликка олган.
21. Бу байтнинг мазмуни: «Агар давр Дорога заҳарни тез берган бўлса, Искандарга ҳам абадиятни бера қолмайди-ку!»

XXVIII

1. Икки байтнинг мазмуки: «Кимки шоҳлик қилишни истаса, барча аскарларнинг ҳолидан воқиф бўлсин. Уларнинг таъминоти масаласини ҳал қилганда, ҳар кишининг даражасига қараб иззатини бажо келтирсин».
2. «Ҳайрил-умур»—ишнинг яхшиси демак, бу ерда «ишнинг яхшиси ўртачаликдир» деган арабча мақолга ишора қилинган.

3. Мазмуни: «Ферузани эшакмунчоқдан ва бутун чиннини синиқ сопол кўзадан фарқ қилса».
4. Арабча ёзувда ҳар иккала сўз бир шаклда — ( ) ёзилса-да, биринчиси минг, иккинчиси эса бир (абжад ҳисобида)дир.
5. Икки байтнинг мазмуни: «Биёбонда ўлган тошбақанинг қуруқ чаноги шаклан садафни эслатади. Лекин бунинг бирида дурдона бўлсл, иккинчисида бир неча чириган суякдан ўзга нарса бўлмайди».

XXIX

1. Бу қисмда гап Султон Абу Саид ҳақида бормоқда. Султон Абу Саид — Амир Темурнинг эвараларидан бири (Мироншоҳнинг набираси). Хуросон ҳукмдори бўлиап бу шоҳ Озарбайжонга ҳарбий юриши вақтида Муғон даштида ўлдирилган.

XXX

1. Навоий достонининг асосий бобларидаги ҳикмат қисмида Искандар кўпинча Арастуга савол билан мурожаат қилади. Бу йўл фақат етмиш учинчи бобнинг учинчи қисмида Суқротга ва етмиш еттинчи бобнинг учинчи қисмида Луқмонга мурожаат қилиш билан ўзгарган, холос.
2. Мазмуни: «Лекин буни қилиш нафсига оғир келади ва кишининг нафси енгиллик томонига муштоқ бўлади».
3. «Кимдаким бирон ёмон хислатга эга бўлса, ҳар ишда ва ҳар қандай ҳолатда ўша туғма хислатнинг таъсирдиа юради».
4. Аторид—Меркурий сайёраси.

XXXI

1. Байтнинг мазмуни: «Агар Доро иккидан бирини бериб, унинг ҳам ярмини халқдан ундириб келган бўлса, биз буни (маошни) икки баравар оширамиз».
2. «Шоҳ: Хазинадан икки ҳиссадан маош беринг,— деди. Шундай қилиб, эл ранждан қутулди».
3. Мазмуни: «Ҳамма хазинадан маошини олди, шаҳ ўзига тобеларни шундай рози қилди».
4. Байтулҳарам — Макка шаҳридаги Каъба шу ном билан юритилади.
5. Илҳоми ҳотиф — ғойибдан хабар берувчи илҳом, жони хоиф — қўрқувчи жон.
6. Мазмуни: «Агар итоат қилмай, бўйин эгмай, худо сақласин, жоҳиллик ва ўжарлик қилсанг».
7. Мазмуни: «Элчилар ҳар тарафга кетдилар. Улар ишда, сўзлашда лозим кўринган ҳамма нарсани майдасидан йиригигача билиб олган

эдилар».
8. Олдинги бешала ва бу байтнинг мазмуни: «Зеро, тангри менга уч ҳунарни насиб қилибдурким, агар бировдан енгилсам кутилмаган ғаройиб воқеа бўлур эди. Биринчиси шуким,
мамлакатим ниҳоятда мустаҳкам, унинг тоғлари баланд, қалъалари истеҳком шаклида. Бундан ташқари, бу ерда яна бир ажойиб иш қилинганким, қалъанинг бутун тевараги ҳам, ер ости ҳам дарёдан иборатдир. Иккинчиси шуким, менинг бир қанча сеҳргарларим бор бўлиб, улар ҳаммаси мендан мояна еб ётадиган хизматкорлардир Агар менинг бошимга фалак бирон офат юборса, улар шундай шафқатсизлик билан чора кўрадиларки, сеҳр-жодуни ишга солиб, юмронқозиқни йиртқич шерга, буғини салобатда қонхўр қоплонга айлантирадилар».
9. Ҳиндуйи раҳта — ҳиндча куй.

XXXII

1. Уч байтнинг мазмуни: «Ўтнинг манқали май ширасида жонланиб турсаю, май ширази худди манқалдаги ўтдек ўткир бўлса. Ўрдак шакл, тиниқ май идиши ёнида бўрдоқи ўрдак кабоби турса, ўтнинг шуъласи уйни гулшан, майнинг жилваси кўзни равшан айласа».
2. Шоир бу мисрада қор билан қопланган жаҳонни оқ пўстинга ўралган кишига ўхшатган.
3. Муаллиф бу мисрада сувни симобга ва музлаган сувни тоза кумушга ташбиҳ этмоқда.
4. «Ин якод»— кўз тегмасин учун ўқиладиган дуонинг боши.

XXXIII

1. «Кўз очиб қараса уйда, худди қоронғу кечада ҳамма ёқни ёритиб турган Сухайл юлдузидек Лайли ўтирган экан».

XXXIV

1. «...доройи дарёнавол»—Искандар маъносида.
2. «...ҳакими Масиҳомисол»—Арасту демак.
3. «Бунинг даҳшати билиниб тургач, киши табиати бундан қўрқувда бўлиши керак эди».
4. Тўрт байт мазмуни: «Донишманд мунажжим шундай деди: «Бу ишнинг бошқа бир сабаби бор. Масалан, қишнинг табиати совуқ, нам ва рутубатлидир. Ақл бу маеалага шу тарзда қарайди, ёш кишиларнинг табиатига майин ҳаво ёққани ҳолда, ҳарорат ва қуруқлик азият беради. Қуруқлик билан иссиқ ҳарорат алангалатган киши вужудини совуқ ва намчил ҳаво мўътадил ҳолатга келтиради».

5. Шабобу куҳулат — ёшлик ва қарилик маъноида.

XXXV

1. Арас риди—Арас дарёси — ҳозирги Озарбайжон территориясида.
2. Сипоҳон — Исфаҳон. У Эроннинг марказий қисмида жойлашган тарихий вилоят.
3. Хуросон—Эроннинг шимолий шарқий қисмидаги тарихий-маъмурий вилоят.
4. Ҳирманд—Хуросондаги дарёлардан бири.
5. Зобулистон — Эрондаги бир вилоят (юқорида ҳам эслатилган).
6. Нимрўд — Хуросондаги дарё.
7. Дирижаз — Хуросондаги дарё.
8. Бироҳими Адҳам (Иброҳим Адҳам)— шоҳликдан воз кечиб, тасаввуф йўлини қабул қилган машҳур шахс. 777 йилда вафот этган.
9. Мурғоб руд — Афғонистон ва Туркманистон ҳудудидан оқиб ўтадиган дарё.
10. Чахчарон—Хуросон ҳудудидан оқиб ўтадмган дарё.
11. Бу байтда шоир радд-ул-ажз мина-с-садр санъатидан фойдаланган. Хуросон — биринчи мисранинг боши ва иккинчи мисранинг охирида; Ҳирий (Ҳирот)— биринчи мисранинг охири ва иккинчи мисранинг бошида такрорланган.
12. Мовароуннаҳр—ўрта асрларда Амударё билан Сирдарё оралиғи шундан ном билан аталган.
13. Кўҳак— Зарафшон дарёсининг қадимги номи.
14. Фурот (арабча номи Шатт-ул-Фурот)—Ғарбий Осиёдаги энг катта дарё. У Туркия, Сурия на Ироқ ҳудудидан оқиб ўтади.
15. Нил— Африка қитъасидаги энг катта дарё.
16. Салсабил — жаннатдаги афсонавий булоқ.
17. «Сув бу тепанинг олдидан шундай оқар эдики, қараган киши: «Тепа ошиқнинг бошию, дарс суви уннг кўз ёши»,— дерди».
18. Бу байт ирсолу-л-масал санъатига яхши мисол бўла олади, Унда «минг қарғага бир кесак» мақоли ишлатилган.

XXXVII

1. Икки байтнинг мазмуни: «Гадо элга кам кўриниши керак, кўп кўринавериши уни ҳор қилади». Феруза (тоши) оз бўлгани учун, азиздир, эшакмунчоқ кўп бўлганидан ўнтаси бир пулдир».
2. Мазмуни: «Шоҳининг кўзи кўр бўлган эди».
3. Уч байтнинг мазмуни: «Кимки саъй-ҳаракат қилиб, менинг кўзимни очса, унга кўз нуримни, яъни кўзим пардасида яширинган қизимни

никоҳлаб бериб, уни кўз қорачиғидай фарзанд этаман, кўзим нурини унга пайванд қиламан», деб ваъда берган эди.

XXXVIII

1. Юқоридаги байтларнинг мазмуни: «Эй ҳикмат аҳлига сабоқ берувчи ҳаким! Бир жойда истиқомат қилганда осойишталигу, сафарга чиққанда минг турли машаққат бор бўлгани ҳолда, нима учун илм-ҳикмат аҳли сафарни маъқул топади?»
2. «Сафар ўтида куйишни ўзига мақсад қилиб олган одам ҳам вужуд отини тоблаб, чиниқтириб камолотга эришади».
3. Икки байтнинг мазмуни: «Масалан, сафарда юрган одамнинг еган таоми яхши ҳазм бўлади. Овқат тез ҳазм бўладими, кишнинг саломатлиги яхшиланаверади».

XXXIX

1. Байтнинг мазмуни: «У шоҳнинг савлатидан қочқинда, фалон қалъада унинг қўрғони бор.
2. «Доимо руҳпарвар насим эсиб тургани учун жаннатга ўхшайди, бўлмаса жаҳаннамнинг худди ўзидир».
3. «Бу иккининг тарки»— ўт ва шамолнинг тарки маъносида.
4. Бу мисрада такрир санъатидан («не» сўзннинг тўрт марта такрорланиши орқали айтилаётган фикр бўрттирилиб) моҳирона фойдаланилган..
5. Байтда Навоий илтизом санъатидан, ўринли фойдаланган. Унда «ўт», «ел». «сув» сўзлари бир неча бор такрорланган бўлиб, улар, биринчидан, мазмунни кучайтирган, иккинчидан, ўқувчи хотирида мустаҳкам из қолдиришни таъминлаган.
6. «Унинг туби Каюмарс замонидан бери ёниб турган катта олов ўчоғининг ўзидир».
7. Бу байтда тавзиъ (бир хил товушга эга бўлган сўзлардан фойдаланиш) ҳамда тасдир (сўзлар такрори) санъати ишлатилган.
8. «Ҳар томонга тахтга тош бостирилган, унинг бирига ел, бирига ўт яширилган».
9. «Ўт чоҳдан шуъла урганда, унинг яллиғи қалъани куйдиради».
10. «Шу онда Искандар билан Афлотун икковлари қўрғонга томон эмас, тангрининг қудратига кўз тикдилар».
11. Бу икки бандизод—Маллунинг ўғли ва қизи, демак.
12. «Яна тожингни ўзингга қайтариб, ўлкангни ҳам ўзингга бериб чиқиб кетамиз».
13. Барги мамотни соз этмак—ўликни кўмиш учун яроғини тайёрлаш (лозим).

14. Амру Зайд!—ҳозирги «Эшмат», «Тошмат» деган маънода.

XLII

1. Агар қилса таълил қувват кетиб,
Кўпидин табиатқа иллат етиб.

Байтнинг биринчи мисрасидаги «таълил» сўзи Абдужамил ва Султонали нусхаларида тўғри, ўз ўрнида қўлланилгани ҳолда, Истанбул ва Тошкент нусхаларида «тақлил» тарзида берилганки, натижада байтнинг мазмунига путур етган. «Таълил» сўзи касалланиш, баҳона қилиш маъноларини бериб, байтнинг иккинчи мисрасидаги «иллат» сўзм ҳам айнан «таълил»ни қўллашни талаб қиляпти. «Тақлил» эса «камайтирмоқ», «озайтирмоқ» маъноларини билдиради. Байтдан илгариги қисмларда гап овқатнинг инсон меъдаси учун зарурлиги, қарилик, камқувватлик ҳақида кетаётганини ҳисобга олсак, маъно қуйидагича ойдинлашади:

Киши бадани қаряликка юзлангач, гавда ҳарорати пасаяди, натижада меъда сусаяди, овқат яхши ҳазм бўлмайди. Агар шу сабаб билан овқат кам тановвул қилинса қувват кетади, кўп ейилса ҳазм бўлмайди, баданга иллат— касаллик юзланади, қарилик ана шундай бедаво дарддир.

XLIII

1. Бу беш байтда пил (фил) гавдаси ажойиб муболаға ва ўхшатишлар билан тасвирланган: фил гавдасини яхлит кулранг тошдан бўлган тоққа, бошини тоғ учидан чиқиб турган фалак сингари тўгарак тошга ўхшатилади, тоғ бўлганда ҳам кемага ўхшаб юрувчи, икки қулоғи эса кема елкани каби, хартуми «сомон йўли»дай, балки аждаҳо сингари, дейилади.
2. Бу мисра талқини: филнинг тиши шаклан тўғри алифдек бўла бориб, ломдек эгилади. Шу ўхшатиш орқали алифдек тўғри тишлар лом каби эгриларнинг дастидан (лоинкор маъносини билдиради) балогардон бўлиб кетганлигига ишора қилинади.
3. «Яна ҳар бир фил устида ажойиб бир тахт бўлиб, ҳар тахтнинг ичида тўққизта бахти кулган ҳинд маликаси ўтирар эди».
4. «Булар Зуҳал (Сатурн) юлдузи сингари олтин рангда, Баҳром (Марс) юлдузидай оташин ва ғазабнок, ўйлаганлари нуқул уруш ва адоват эди».
5. «Бу вакилларнинг Искандар олдида қиммати ғоят катта эди. Бинобарин, улар томонидаи келтирилган совғаю тортиқлар унинг наздида бир қора пулчалик ҳам кўринмайди».

6. Нигор — Деҳли яқинидаги ўрмон.
7. Илтизом санъати ишлатилган бу парчада сандал (қорасариқ рангли, ёқимли ҳидли дарахт) бир нёча бор такрорланган. Шоир сандал сўзини таъкидлаш орқали тилга олинган жойнинг ҳавоси ғоятда юмшоқ, ёқимли эканлигини бўрттириб кўрсатишга эришган.
8. Синд — Хиндистондаги дарёлардан бири.
9. Фасли рабеъ — баҳор фасли.
10. «Унда қишу ёз райҳонлар тўла, асалари у ерда гул терувчидир».

XLIV

1. Бу бантда ишлатилган «ано» икки маънони (она ва машаққат) билдиради.
2. Росу — сусарлар оиласидан бўлган йиртқич ҳайвон бўлиб, у каптар ва товуққа жуда ўч бўлади.

XLV

1. Адан— Арабистон ярим орвлидаги йирик шаҳарлардан бири. Ҳозирги Жанубий Яман Халқ Республикаси ҳудудидадир.
2. «Адан мамлакатида бир савдогар бор эди, у савдо ишида ўз касбдошларининг энг эпчили эди».
3. «Йўловчи савдогар ўз жонини қутқарди-ю, бироқ ўз ўғлидан ажралиб қолганини кўрди».
4. Бу парчада тавзиъ ҳамда илтизом санъатлари ишлатилган.

XLVI

1. Доройи хикмат— Искандар маъносида.
2. Нуктапардози доно—Арастуга нисбатан ишлатилган.
3. «Бироқ ҳар бир киши ақл эгаси бўлса, унинг ақли ўйламасдан бирор ишни қабул қилмайди».
4. Бу байтда ирсоли масал санъати ишлатилган. Унда «ким нима экса ўшани ўради» халқ мақоли мавжуд.

XLVII

1. Шаст билан мохийи сиймгун тутмоқ — қармоқ билан кумушдай (танга) балиқ тутмоқ.
2. Кўси рахил чолмоқ — кўчиш ноғорасини қоқмоқ, яъни қўзғалиш ҳақида сигнал бериш,
3. Солиб сулҳдин сўз, йиборгай расул, Боришмоқ тариқини қилғай қабул. Байтдаги «боришмоқ» сўзи «ярашмоқ»қа ишорадир (боришмоқ

сўзининг ўзи келишмоқ, келишиб олмоқ маъноларини билдиради).
4. «Тинчлик қоидасида киши урушдан қанча йироқ бўлса, шунча яхшироқдир».
5. «Ҳеч шубҳасиз, мен ғолиб бўлишим керак эди, охирида ҳам ҳақ (худо) менга нусрат ва зафар ато қилди».
6. Айладик — бу жойда «айласин» маъносида ишлатилган.
7. Равонроқ кетурсанг жавоби савоб, Савоб ўлғуси бизга доғи жавоб. Байтнинг биринчи мисрасидаги «равонроқ» сўзи асарнинг 1960 йил нашрида «бурунроқ» тарзида берилган.
8. Тундшер — Искандарга берилган сифат.
9. Икки байтнинг мазмуни: «Бутун Хитой юртларининг ҳаммасидан, яъни етти мамлакат, йўқ, етти эмас, етмиш ота-бобонинг юртидан лашкар тўплаган, аскарлари сон жиҳатидан осмон юлдузидан ҳам, саҳро қумидан ҳам кўп эди».
10. «Айланаси ароба (тўп аробаси) билан шундай мустаҳкам қўрғон бўлдики, фалак қўрғони ҳам ўшандай мустаҳкам эмас эди».
11. Ароба уза тўра— тўп аробаси олдида катта қалқон, демак.
12. Чу Ҳоқон соридин кўрунди қаро, Ясаб турди Искандар ул дашт аро. Байтдаги «ясаб турди» ибораси нашр (1960)да «ясол тузди»га айлантирилган. Ваҳолонки, ҳар икки ибора мантиқан бир-биридан фарқ қилмайди.
13. Икки байтнинг мазмуни: «Икки томондан эҳтиёт юзасидан, қўшинни қўриқлаш учун, тун посбонлари чиқадилар. Банди ушловчилар ҳам кетма-кет равона бўлиб, энг хира ҳулкар юлдузлардек, кўз илғамас ҳаракат қила бошладилар».
14. Ар—«агар»нинг қисқартирилган шакли (классик адабиётда вазн талаби билан «агар» сўзини «ар» тарзида қисқартириб ишлатиш кенг одат бўлган).

XLVIII

1. Хуршиди искандарийнинг чеҳра очишн—қуёш чиқиши маъносини билдиради.
2. Мазмуни: «Юлдузларнинг Чин қўшинидек ранги ўчиб, тақдир-қазо осмонининг кўк яйловини тақир қилиб қўйди».
3. «Попушакда шунқорни уриш одати йўқ».
4. «Мени йўл кезувчи элчи деб ўйлама, сенинг даргоҳингга хоқон келди».
5. Қоним сабил — қоним ҳадя маъносида ишлатилган.
6. Икки байтининг мазмуни: «Аслини олганда, сенда унча гуноҳ йўқ, ҳамма гап биз томондан содир бўляпти. Агар аввалги сўзларда, баъзи бир англашилмовчиликлар бўлса ҳам, энди унинг сабабини

билганимиздан сўнг, кўнглимизда ҳеч шубҳа қолмади».
7. «Турки ҳижоз»— чолгу куйи.

XLIX

1. Бу байт асарнинг бошқа нашрларида учрамайди. Ундаги арабча сўзларнинг мазмуни: «Назрларига вафо қилурлар».
2. Насси қуръон — қуръондан далил.
3. Ёлғоннинг ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида «Ҳайратул-аброр»да ҳам ҳикоя бор («Шер ва Дуррож»ни эсланг).
4. Мазмуни: «Олди-сотти иши битавермагач, охирда оғирлиги кампир (вазни)га тенг олтин бердилар».
5. «Агар шоҳ тўғрини қўйиб, эгри йўлдан юрадиган бўлса, худо кўрсатмасин, шоҳликдан воз кеча қолгани яхшироқдир».
6. «Рости расти»— ростлик, тўғрилик — шодлик, фароғат келтиради маъносида.
7. Мазмуни: «Тўғриликнинг байроғи алиф ( )дир, лекин у ҳарф арабчада «алиф» ўқилса бирни, «алф» ўқилса мингни билдиради» . «Масалан, бир одамнинг фикри тўғри бўлса, душман кўплигидан қандай хавфи бор?»
8. Мақол ишлатиш санъатидан фойдаланиб ёзилган бу байтнинг мазмуни қуйидагича: «Ўйлаш билан мақсад юзага чиқади, сабр билан ғўра ҳалво бўлади».

LII

1. Хўтан — Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидаги қадимий шаҳар. Такламакон чўлидаги воҳанинг маркази. Қадимда карвон йўлларининг кесишган жойи бўлган. XV асргача Хўтан оркали Хитойдан Европага ипак олиб борилган.
2. Мазмуни: «Қачонки кун билан ой қирон қилиб, бир-бирига рўбарў бўлса, арзимас доғлар уларнинг нурлари орасида кўзга илинадими?»
3. «Табъимиз бир нарса дейишдан ожиздир, хурмо дарахти (жаннатдаги) туби дарахти ишини қилолмайди».
4. Уч байтнинг мазмуни: «Унинг сипоҳ (лашкар)ларига бериладиган моёнанинг бир йиллигини тўлаш ҳам халқ учун вожибдир. Янги йилги бериладиган хирожларни эса дафина (кўмилган бойлик) қулфини очиб, мен ўз хазинамдан нақд бериб юбора қоларман. Агар сизларга шу фикрим маъқул бўлса, шахсан шоҳни қандай эъзозлашни менинг ўзим ўйлаб кўрарман!»
5. Мазмуни: «Яна бир минг тўққиз юз хил уй жиҳозлари қандай

тахланиб тугилган бўлса, шундан ечилмай турарди».
6. Ойинаи Чин (Чиний ойина)— хоқоннинг Искандарга қилган ажойиб совғаларидан бири бўлиб, Навоийнинг таърифича, у ойинанинг икки юзи икки хил мўжизали яъни бир юзи орқали гуноҳкор ва гуноҳсиз (гуноҳкор ойинага қараса акси кўринмас, гуноҳсиз қараса кўринар экан) аниқланса, иккинчи юзида мажлисда ўтириб кўп ичиб маст бўлиб қолган одамнинг башараси намоён бўлар экан.
7. Байт мазмуни: Букри ва камбағал, устида ипдан тўқилган эски кийими бўлган кўрммсиз кишилар кўнгил мамлакатининг шоҳи бўлиши мумкин. Инсонийликни, доноликни кийим ва ташқи кўриниш белгиламайди, демоқчи шоир.

Ёзилишида бир, аммо ўқилиши ва маъноси турлича бўлган сўзлар ўқувчини чалғитиб қўпол маънавий хатоларни юзага келтиради. Бу ҳол 1960 йил нашр нусхасида учрайди:

Чу байнинда бу нуктаға топти пай,
Бўлуб хушдил, анлар равон тарки май.

Байтдаги «байнинда» сўзининг «байн» шакли ора, оралиқ, ўрта маъноларини англатади ва унинг байт мазмунига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бантдан олдинги. қисмлар эса Чин хоқони томонидан Искандарга ҳадя қилинган «ойнаи чин» (Чиний ойина) ҳақида ҳикоя қиладн. Ана шуларни ҳисобга олиб ва байтдаги бошқа сўзлар мантиқидан келиб чиқиб, бу сўзни «байнинда» эмас, «бийнанда» деб ўқисак, «кўрувчи», «боқувчи» маъноларини беради ва шоир назарда тутган фикр ойдинлашади.
8. Шўхи Чинийнажод»— хоқон Искандарга тортиқ қилган гўзал, демак.
9. Икки байтнинг мазмуни: «Юзидаги кулдиргичи ҳам ярим давра шаклида бўлиб, бундан бутун замон кишилари жабрланар эди. Бағбақа чуқурчаси у давранинг нуқтаси бўлиб, бу даврнинг кўпгина бечоралари шу чуқурга асир бўлиб қолган эдилар».
10. Мазмуни: «Шоҳ шундай шаҳарни қурдики, кекса дунё ҳам мисли йўқлигидан «ламъякун» (мисли бўлмаган) оятини ўқир эди».
11. «У боғнинг тўрт паргарли эшиги ва саккиз пахсали девори бор».
12. «Бу дарахт шохларининг кўкдаги манзарасини кўрганда, «осмондаги юлдузлар шуларнинг меваси экан» деб ўйлайсан».
13. Мазмуни: «Унинг саҳнлари, қуббалари ва бурчлари бошдан-оёқ олтин билан бўялган».
14. Икки байтнинг мазмуни: «Аввал, ўлкаларниг бошида тожи бор амирсултонлари, улардан сўнг вазир-вузарою лашкарбошлари ўтирдилар. Афлотун, Арасту ва Фарфиёнус каби ҳикмат аҳли—

файласуфлар шоҳ атрофига жойлашдилар».

LIII

1. Бу байтда талмеҳ ва ўхшатиш санъатидан фойдаланилган. Унда берилган Халилуллоҳ — Иброҳим пайғамбарнинг лақаби.
2. Байтдаги «кужпушт» сўзи Абдужамил,. Султонали ва Порсо Шамсиев қўлёзмаларида «кўз пушт», нашр (1960) нусхасида «кўз пушти» тарзида хато берилган. Бу аҳволда берилиши унинг мазмунинигина мавҳумлаштириб қолмай, Навоийнинг айтмоқчи бўлган фалсафий фикрини ҳам йўққа чиқарган. Бу сўз бошқа қўлёзмаларда оддий «з» эмас, балки «жола»даги уч нуқтали ( ) ёзилган. Демак, ( ) «кўз» эмас, балки «куж» экани, унга «пушти» эмас, «пушт» сўзини қўшиб ўқиб кўрганимизда «кужпушт», яъни «букир» маъносини англатувчи қўшма сўз ясалади. Демак, бу сўз мантиқан юқоридаги мисраларда қайд қилинган мазмунга мувофиқ келади ва Навоий айтмоқчи бўлган юксак фалсафий маънони очишга хизмат қилади. Чунки биринчи мисрадаги пароканда ҳол, иккинчи мисрадаги «Бўйнида чу бўлғай ипе эски шол» жумласи мантиқан ана шу «кужпушт» сўзининг келишини талаб қилади.
3. Байтнинг мазмуни: «Саховатда мезон булутдек бўлмоғи лозим, зеро, булутга ер ҳам, ер эгаси ҳам баробардир».
4. Тўрт байт мазмуни: «Меҳмон ҳамма овқатни есин, тўйсия дейиш одамгарчиликдан бўлса ҳам, лекин мажбуран едириб, кишини жабрлаш инсофдан эмас. Сенинг уйинг Шайх Луқмоннинг мозори эмас, сени ҳеч ким бу жойнииг шайхи демайди. Худо молини исроф қилиш, бу қанақа гап? Жинниларга ўхшаб озиқ-овқатни тўкиб-сочиш нонкўрлик эмасми? Худо «енг-ичинг» дегани билан, «исроф қилманг» ҳам деганку, ахир?».
5. Икки байтнинг мазмуни: «Энг яхши одат шу бўлиши керакки, яхшими-ёмонми, бир одам сенинг дастурхонингга меҳмон бўлган экан, бошлаб уни хушмуомалалик билан хурсанд қил, сўнгра эса, исрофгарчилик ҳам қилма, хасислик ҳам».
6. Мазмуни: «Ишингга «Акрамуз-зайфа» (меҳмонни сийланг) сўзи нур солса, «Хайрул-умур» (ҳар бир ишда ўртачалик) расмини тут».

LIV

1. Баҳром гўр ёки Варахран V (шоҳлик йиллари 421—433)— сосонийлардан Яздигирднинг ўғди. Яман подшоҳи Нуъмон ва унниг ўғли Мунзир тарбиясида ўсган. Яздигирд зулмидан безор бўлган халқ у вафот қилгандан сунг Ардашер наслидан бўлган

Кисрони (баъзи манбаларда Хусравни) тахтга кўтаради. Бу воқеадан хабар топган Баҳром лашкар тортиб Эронга келади. У отасининг хатоларини такрорламаслик ва мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатишга ўз аъёнлари ва халқ олдида қасамёд қилади. Анъанавий шартга мувофиқ иккита шерни ўлдириб, улар ўртасидаги тожни олади ва подшоҳлик тахтига ўтиради. Унинг севган машғулоти гўр—қулон ови бўлганлиги учун ҳам у Гўр лақабига олган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» ва Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонларида Баҳром Гўр адолатли шоҳ, жасур саркарда, айни вақтда маишатпараст, худбин шахс сифатида тасвирланган.

2. Саккиз байтнинг мазмуни: «У уч уйликдан биттаси Қорундай бадавлат бўлса ҳам, аммо назари паст одам эди. У шоҳнинг айтганларига аҳамият бермади. Иккинчиси эса, исрофкунанда эди: у қўйлар сўйдириб, катта қозонлар осдириб, зўр бир зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлади. Очлик меҳмоннинг димоғини куйдириб, ичини ачитиб турган пайтда, унинг эртага пишадиган ошидан нима фойда эди? Валекин, учинчи хонадоннинг эгаси ақлли одам эди. Зотан, ақлдан мадад олувчи одамлар хушбахтдирлар. У бахтиёр одам, шоҳни ўз уйига олиб кириб, ўша ондаёқ унинг олдига уйида тайёр турган нон билан қатиқни қўйди. Моҳазар (тайёр турган овқат)ни егач, шоҳдан очлик ранжи, машаққати кетиб, жони ҳузур топти. Бинобарин, шоҳ мана шу моҳазар билан меҳмон қилган меҳмондўстга беҳадду-ҳисоб мол-дунё ҳадя этгани ҳолда, ҳалиги паст одамга жуда қаттиқ танбеҳ берди».

LV

1. Фармондеҳи рўзгор»— Искандарга нисбатан ишлатилган бирикма.

LVI

1. Чин — ҳозирги Бирма Иттифоқи таркибидаги бир округнинг номи. У Бангладеш ва Ҳиндистон билан чегарадош. Бу жой қадимда Хитой таркибида бўлган.
2. Бу байтда Искадар қуёшга, хоқон эса ойга ўхшатилади.
3. Бу байтда шоир тарсеъ санъатидан ўринли фойдаланган. Байтдаги ҳамма сўзларнинг вазни тенг.
4. Бу байтда: «Юлдузлар ҳолатини ва ер юзидаги «маволид», яъни жонли ва жонсиз, табиатни текшириб», дейилган.
5. Кавкаб анзори — юлдузларнинг ўзаро муносабат даражалари.
6. Мазмуни: «Маъдан аралашмаларидан тилсим қилиб, думалоқ шаклга эга бўлган икки курол ясадилар».

7. Фалак тулу арзи — фалакнинг узунлик ва кенглиги маъносида.
8. Миръоти гетинамо— жаҳоннамо кўзгу.
9. Қуёш кузгусининг шараф буржи топиши — баҳор келиши маъносини билдиради.
10. Мазмуни: «Ҳаммалари илм бобида абадий бахт каби, ёлғизлик, софликда соф ақл каби».
11. Уч байтнинг мазмуни: «Шоҳ сутурлоб (астролябия)ни қўлга олиб, шу асбоб ёрдами билан фалакнинг вазияти қанақа-ю, шуълаларига қараганда, қуёш юришидаги юксак даража қаерда эканини аниқлагач, бахтиёрлик билан майга майл қилиб, шодлик келинчагини ўзига никоҳлаб олди».
12. Олти байтнинг мазмуни. «Ҳар бир кимсанинг тожу тахти бўлса, у ўзидан кейин ўрнига валиаҳд қолдириш тадбирини ҳам кўрмоғи лозим. Масалан, қуёш магриб (ғарб)га ботиш олдидан ўз ўрнига ойни қойилмақом қилади. Моҳитобон гарчи қуёшчалик нур таратмаса ҳам, бари бир унинг ёруғлиги ўрнида ўринбосар бўлиб қолади. Агар бир дарахт богдан кўчирилса-ю, ўрнида бир ёш ниҳол қолса. оқибат натижада у боғнинг зийнати бўлиб қолади, ҳам меваси, ҳам сояси билан кишиларга наф етказади».
13. Тажнис (бир шаклдаги сўзларни турли маънода ишлатиш) санъати ишлатилган бу байтнинг мазмуни: «Навоий, турган манзилнинг Чинда бўлгач, тўй тугагунча «Чанга» (ёр-ёр) вазнида куйлайвер».

LVII

1. Икки байтнинг мазмуни: «Ҳут (февраль-мартга тўғри келади) кириб сабзаларга жон битиши билан, доим тирик ва абадий ўлмас яратувчи офтобни ҳамал (март-апрель) сабзалари (буржи) томон йўллаб, табиат неъматларини куёш ҳарорати билан парвариш қилиш тараддудига тушди.
2. Изоми рамим — чириган сўнгак (бу ерда дарахтнинг танаси маъносида ишлатилган).
3. Мазмуни: «Қонда фасод пайдо бўлса, савдо кўпайгани» дегани ҳакимлар таъбири бўлиб, бу ерда лолани қонга, ундагн қораларни савдога ўхшатган.

4. Ўвидин тушуб боғ аро зилзила, Чоқин шаклидин бўйнида силсила.

Байтнинг биринчи мисрасидаги «ўвидин» сўзи Султонали нусхасида «аридин» шаклида ёзилган. Маълумки. «ари» сўзи алиф билан ёзилади. Демак, котиб айн ҳарфидан кейин келадиган «вов» ҳарфини «ре» шаклида ёзиб, ҳам орфографик хатога, ҳам маъно

бузилишига йўл қўйган. Байтдан илгариги мисраларда баҳор фасли, шери ғурриндек наъра тортиб осмонда кезиб юрган серёғин булутлар, улардан томган оби ҳаёт қатралар, чақмоқ шуълалари каби манзаралар тасвирланган. Шуларга юқоридаги байт мазмунини ҳам қўшиб шарҳласак, қуйидаги манзара намоён бўлади ва байтнинг маъносини «аридин» эмас, «ўвидин» сўзи очишга хизмат қилажагига ишончимиз комил бўлади: Гулзорга ёққан баҳор ёмғирини қатра деб ўйлама, унинг ҳар бир томчиси оби ҳаёту йирик дурлардир. Момақалдироқ овозидан гўё боғда зилзила бўлаётгандек ҳамма ёқ титрайди. Чақмоқ ўзининг оловли ранги билан гўё шерсифат булутлар бўйнига тилла занжир тақади.

LIX

1. Икки байтнинг мазмуни: «Ер юзи ва ундаги одамларнинг табиати тўрт унсурга бўлинади: иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ, бу эса ўт ва сув, ел ва тупроқ» демакдир.

LX

1. Тўрт байт мазмуни: «Равшанак катта хотин сифатида. ётоқда шоҳ базмини қиздирар, у билан ҳар доим бир тахтда тиззама-тизза ўтирар ҳамда ҳарамхонадаги барча хонимларга бошлиқ ва малика эди. Нозмеҳр эса, иккинчи даражада, ўрим тахт ёнида бўлиб, шоҳга итоаткорларча бўйин эгиб ўтирар ва гоҳо ғамзакю истиғно
билан Искандарнинг жигарини хун қилар эди».
2. Маҳи сомирий: Кашмирнинг соҳири—ўзига мафтун қиладиган, демак.
3. «Шакар идишини шакаррез қилди, яъни тор оғзидан ширин сўз айтди, лекин у бол тагида ари найзаси, яъни аччиқ сўз бор эди».
4. «Унинг ғамзаси жаҳонни сеҳрласа, менга юзлаб Сомирий бузоқ бўлади». Бундаги Сомирий мифологик образ. У Мусо пайғамбар замонида Мусога қарши чиқиб, гапирадиган олтин бузоқ ясаб, шу билан кишиларни узига қаратишга уринган экан. Бу байтда ўшанга ишора қилинган.
5. Нозмеҳр мурожаатининг бу қисми илтизом санъатига ёркин мисол бўлиб, унда «гар ул» (Равшанак), «манга» (Нозмеҳр), «гар ул» (Равшанак), «менинг» (Нозмеҳр), сўзлари алоҳида таъкидланмоқда.
6. Ирсоли масал санъати ишлатилган бу байтда: «Оз бахт — кўп ҳусндан яхшироқ» халқ мақоли мавжуд.
7. Икки байтнинг мазмуни: «Оҳу шерни шу усул билан ов қилгач, ўз шикормга муҳаббат изҳор айлади. Сандал шоҳига фил тиши урилгач,

сўнгра не бўлганини айтишга эҳтиёж йўқдир».
8. Бу сўз бошқа ҳамма олдинги нашрларда «солиб» тарзида берилган.
9. Мулки Гажрот — Ғарбий Ҳиндистонда Арабистон денгизи соҳилидаги жойнинг номи.
10. Икки байтнинг мазмуни: «У даштни итга ўхшаш жониворлар тутиб кетган бўлиб, бу махлуқлар кўринишда худди чумолини эслатар эдилар. Ҳаммасининг оёқ-қўллари чумолиники сингари бўлишига қарамай, лекин улар йиртқич шердан зўр эдилар».
11. «Оллоҳу таолонинг қудрати шундай улуғки, унинг қудрати олдида ҳар қандай ақл, билим ва камолот эгаси ожиздир».
12. Бу сўз барча нашрларда «ву» деб берилган.

LXI

1. Басират кўзи—ақл-идрок кўзи, тафаккур кўзи, қалб кўзи ва ибрат кўзи, демакдир.
2. Осмоннинг тўққиз қават дастурхонида юз туман ноз-неъмат бўлгани билан (қўл етмагач) ундан не фойда?»
3. Уч байтнинг мазмуни: «Бошлаб, мен одам вужудий тимсолини шарҳлаб берай, сўнгра, унинг маънавий аҳволини баён айлай. Бу тимсол деганим — сахий денгизнинг дури, йўқ, денгиз дури эмас, инсон вужуди боғининг сарв дарахтидир. Одамнинг бошида шоҳлик тожи бор бўлиб, бу тож устида қимматбаҳо лаъл ўрнатилган».

LXIV

1. Байтдаги «машриқин» сўзи Абдужамил ва Тошкент нусхаларида ҳамда нашр (1960) нусхасида ҳам «мағрибин» шаклида хато берилган. Байт мазмунига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда сўз қуёш ҳақида, унинг Машриқ (Шарқ, кунчиқар)дан юз очиб кўтарилиши ҳақида кетяпти. Байтдаги «шаҳ» сўзи Искандарга эмас, балки осмон шоҳи — қуёшга тааллуқлидир. Байт мазмуни: Тонг ўз алвон байроғини кўтариб ёриша бошлади, Машриқ шоҳи — Қуёш жамол кўрсата бошлади.
2. Мазмуни: «Яна саф тортган жангчиларнинг наъралари янграб, жанг ноғараларининг садоси еру кўкни чок-чок қила бошлади».
3. «Буларнинг кўзи кўк, соқоли сариқ, юзи қора бўлгани ҳолда, ҳаммасининг пешонасида шохи бор эди».
4. Бу байтда ўхшатиш — Каркадан (Искандар паҳлавонларидан бири)ни филга монанд этиш билан бирга, унда тажнис (каркдан—карктан) санъати ҳам ишлатилган.
5. Раъд — Каркаданнинг лақаби.
6. Икки байтнинг мазмуни: «Ниҳоят, ваҳшийдан туғилган қайсар

паҳлавон бир ҳамла қилиб, унинг бўйнига чангакли ходани солди. Чангак маҳкам ўрнашгач, худди қармоқ билан балиқ тутгандек уни тортиб ерга урди».
7. Қаҳқар — Искандар паҳлавонларидан бирининг лақаби.
8. «Ўз кишиларига, «уруш қил» деб қатьий буюролмасди, чунки ҳариф ғоят зўр эди».
9. Икки байтнинг мазмуни: «Бу гўзал, ҳуснда хуршиди тобоннинг худди ўзи, яна Зуҳра юлдузидек хушовоз санъаткордир. Бу сифатлари бир тарафда турсин, жанг майдонида бунга бас келадиган жангчи топилмас».
10. Чин хоқони Искандарга тортиқ этган қиз ғоятда гўзал бўлган. Низомий достонида тасвирланишича, у (қиз) ваҳшийларга асир тушади ва уни Искандар одамлари озод этадилар ҳамда Искандар унга уйланади. Навоийда тасвирланган бу образ ўзининг садоқати, эпчиллиги, қисқаси, мислсиз жасорати билан Искандарни лол қолдиради. Бироқ Искандар унга уйланмайди.
11. «Қилинган бу шафқату марҳаматлар унинг бўйнига қуллик сиртмоғини солди».
12. «Қачон васлга эришув насиб бўлса, шу дамни кутиб, бир дамгина бўлса ҳам уни ғанимат бил!».

LXV

1. Талмиҳ санъати ишлатилган (Сулаймон, Фарҳод ва Мажнунга ишора) уч байтнинг мазмуни: «Агар Сулаймонсиз қолганига мотамзада бўлмаганида эди, узук ўз кўксига тош урмасди. Тоғ бечора Фарҳодсиз жон азоби чекади шекилли, эртаю кеч садо солиб, фиғон қилади. Дашт, жони азобда қолган Мажнундан ажралгани учун, катта йўлда юзини тимдалаб ётибди».
2. Олти байтнинг мазмуни: «Фироқ дастида жабрланувчиларнинг бошидаги бало бир неча хилдир: бири.— молу давлат айрилиғи бўлиб, жаҳон аҳлига бунинг таъсири зўрдир. Дўст-ёрдан айрилиқ доғи ҳам кишининг юрак-бағрини куйдглриб юборади: қариндош-уруғ, туққан жигарларнинг ҳажри ҳам ёмон, у киши жонига изтироб солади, яна бири ишқ дардига мубтало бўлиб, бировга кўнгил қўйишдир.
3. Айрилиқларнинг ҳаммасида азоб-уқубат бору аммо ҳеч қайсисининг машаққати мана шу кейингичалик эмас. Агар ҳақиқий мақсадга етишиш йўли топилмаса, буларнинг барчасидан мана шуниси мушкулдир».

LXVI

1. Мажнун ва Лайли афсонавий шахслар бўлиб, уларнинг самимий севгилари ҳақида ҳикоя қилувчи кўп ривоят, эртак ва достонлар мавжуд. Лайли ва Мажнун Алишер Навоийнинг шу номдаги достонида бош қаҳрамон сифатида тасвирланган.
2. Нажд — Арабистондаги тоғлардан бирй. Афсоналарга қараганда, Мажнун кўпинча ана шу тоғ этагида яшаган.

LXVIII

1. Яъжуж — афсонага кўра, хунук башара, баҳайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи, одамхўр махлуқ.
2. «Ўнг ва сўлдан ҳеч кимнинг келишига йўл қўймайдилар».
3. Беш байтнинг мазмуни: «Бу ерда гармсел шамоллар шундай ҳужум билан эсадики, бу шамол теккан заҳоти киши ҳалок бўлади. У ернинг ҳатто мўътадил ҳисобланган шамоли эсганда аждаҳо бўлса ҳам мавҳ этади. У даштнинг қолган уч кунлик йўли эса, ҳаммаси илонзордан иборатдир. У илонлар кофча, афъи, жаъфарий каби заҳарли илонлар бўлиб, ҳар бири у ердаги хазиналарни пойлайдиган аждаҳолардир. Уларнинг сони минг тумандан ошади, минг туман қаёқда, балки у илонларнинг сон-саноғи йўқ».
4. Ҳамул турки чин — Чин хоқони Искандарга тортиқ қилган гўзал аёлга ишора.
5. Хуш сўзи хаш ўқилади.
6. Қирвои сарҳади— қадимий эрон вилоятларидан бири.
7. Уч байтнинг мазмуни: «Бу тоғ билан зулмат ўртасида бир водий бўлиб, йўл бошловчилар у тарафга бора олмайдилар. У зулмат эмас, жаҳаннамдир, водий эмас — дўзахдир. Қисқаси, у ер — яъжуж деганларнинг қароргоҳидир. Бу яъжуж деганимиз юз минг туман балодан иборат. бўлиб, биз шу беҳисоб балолардан қочганлармиз».
8. Бу байтда ажойиб сифатлаш — пароканда соч, кичрайтириш — бир қариш, муболаға — уч қулоч ишлатилган.
9. Ўн минг қари — тахминан ўн минг метрга тенг масофа.
10. Ранг тўкмоқ — қурилиш режасини тортмоқ, маъносида.
11. «Ҳунарманд усталар ганч ўрнига ҳафтжўш (етти маъдан қотишмаси)ни бириктириб ерга қуйдилар».
12. Биринчи арз — ер, иккинчиси эн маъносида ишлатилган.
13. Садди Искандарий — Искандар тўсиғи, Искандар деворига ишора.
14. Уч байтнинг мазмуни: «Саднинг тепасига яна қалъаларнинг сингари қубба ва кунгиралар ҳам ясаб, улар темир билан мустаҳкамланди. У ерга посбонлар учун ҳам иккита жой қилинди ва душманни тошбўрон қилиш учун юқорига кўп тошлар йиғилди. Садни муҳофаза қилиб

қўриқлаб туриш учун ҳам бир неча юз киши тайинланди».

LXXII

1. «Тўртинчи осмонни қуёш жилвалантирган экан, унинг бундан фахрланишига ажабланишнинг ўрни борми?»
2. «Ўсимликлар, кондан чиқадиган маъданлар ва жонворларни, қизиқ шакл ва ажойиб кўринишли махлуқларни...».
3. «Соҳилларда ғаройиботлар кўп бўлгани каби, оролларда ҳам ажойиботлар бениҳоя эканини айтадилар. Ундай қизиқ нарсалар денгизларда қанчалик кўп бўлса, океанларда беҳадди-ҳисоб эмишлар».
4. Бу байт Алишер Навоийнинг «Асарлар»и X томида бошқа жойда берилган.
5. «Агар шоҳ машварат — мажлисда қаттиққўллик қилар экан, унинг ситамини чекмасликнинг иложи борми?»
6. «Кўп иш борки» нафс у ишда ўжарлик қилса лекин (у) ўша йўловчи ёрдами билан ҳал бўлади»..
7. «Яна икки юзтасида туялар ва отлар бўлиб, қирғоққа чиққанда керак бўлмши кўзда тутилган эди».
8. «Қазо менинг бошимга бу сафарни солди, киши тақдир ҳукмидан қайга қочиши мумкин?»
9. Уч байтнингг мазмуни: «Ғумғуч кемалар қўзғолгач, теран дарё ҳайқириб, тўлқинланиб кетди. Бу кемалардан сув юзида улуғ шаҳар тузилди, ҳаракатидан эса гўё ўзга бир олам пайдо булди. Кемалар қораси булут кўм-кўк осмонни қоплагандек, чуқур дарё юзини қоплаб олди».
10. «Эй муғанний! Мунгли бир куй чал, созингга хазин бир қўшиқни ҳам жўр айла».
11. Ҳубоб уйи — сув юзида пайдо бўлиб йўқоладиган пуфакча маъносида.

LXXIII

1. Суқрот, Сократ (мил. ав. 470 (469.)—Афина—399)—қадимги юнон файласуфи. Суқротнинг ҳаёти ва таълимоти ҳақидаги муҳим маълумотлар шогирдлари —Ксенофонт ва Платон асарлари орқали етиб келган. Суқрот демократияга душманликда асоссиз айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилингач, ўзи заҳар ичиб ўлган.

LXXVI

1. Ҳакими илоҳий — Суқрот ҳаким маъносида.
2. (Суқрот) «йўлдаги ишларни назорат қилиб борса, унинг ишига

Илёс (денгизлар пири) қўриқчилик қилар эди».
3. Уч байтнинг мазмуни: «У (Суқрот—Т. А.) кемаларни худди қушдек учириб, сув сайри—сафарини бошлаб юборди. Булар тушган сув Фаранг ва Рум денгизи бўлиб, униг аҳвол-вазияти ҳанузгача ҳеч кимга маълум эмас эди. Шоҳ аскар ва сипоҳлари билан у ердаги ороларни фатҳ эгиш ишига киришиб кетди».
4. «Денгизда текшириб ўрганилган ва ўлчанган жойлар ҳақида ёзилган қоғозларни» демоқчи.
5. Варақ-варақ қоғозлар билан тўлган у кема қайиқ сингари кичкина эмас. ниҳоятда чўнг-катта кема эди».
6. Икки байт мазмуни: «Сувда юришда қилинган бу ишлар иккинчи даражадаги ишлар бўлиб, менинг учун асосий иш буки, ҳозиргача денгиз доирасини айландиму, энди денгиз марказини ҳам аниқласам эди».
7. Биҳил ўлдиклар—(бундаги ўлдик— ўлсин маъносида) кечирсинлар, демак.
8. Қўшгирноқ орасидаги Искандар сўзининг мазмуни: «Сизлар ушбу жойда турниг, бу ерда тўрт йил мени кутинг. Румдан кучсизлик ва бошоғриғни қайтарувчи нарсалар олдиринг. Мен сафарга чиқиб ваъдам бўйича қайтиб кетсам, ўша доривор нарсалар менга куч-қувват бағишлашда илон бўлар. Ҳижрондан қутилиб, бир-биримиз билан кўришиб фароғат билан Румга қайтармиз. Агар бордию, фалак зулм кўрсатиб, бошқача ўйин ошкор этиб, мени денгизга ғарқ қилса, бу аждаҳони наҳанг ютиб юборса, бу билан ваъда вақти ўтиб кетса, мақсадингиз ҳосил бўлмай, ноумид қолсангиз, ҳаққимизга дуойи фотиҳа йўллаб, бизни кечириб, ўз йўлингизга равона бўлинг».
9. «Кемачилик илмида барча кемачидек, денгизга шўнғишда худди тимсоҳдек».
10. «Худди осмон юлдузлари каби денгиз юлдузлари ҳам кўздан йўқолишди».
11. «Гирдоб эмас, тагсиз чуқур чоҳ бўлиб, қуёш юсуфини гарқ қилар даражада». Бу ерда «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасидаги Юсуфни чоҳга ташлаш воқеаси эслатилмоқда.
12. Кемага денгиз тўлқинларнинг келиб урилишини тол баргига қуюн шамолининг урилишига ўхшатилмоқда.
13. «Уларнинг ҳаммаси (кемадагилар — Т. А.) ўзини олдирган бўлиб, фақат Искандаргина ўзини тетик сезарди».
14. Уч байтнинг мазмуни: «Сиз энди хурсандчилик билал шу ерда туринг. Мен ҳаммангиз билан хайр-хўшлашаман. Денгиз қаърига тушишни ҳавас қилган эдим, ҳозирги соатда шу ниятимга етиб турибман. Орзу қилган муродим ушаладиган бўлди, сўз тагига тушиб, у ердаги ҳаётни томоша қилайин».

15. Хусрав — Амир Хусрав Деҳлавийга ишора. Навоий бу байтда Искандарнинг денгиз саёҳати ҳақида турлича бир-бирига қарама-қарши ривоятлар борлиги ҳамда унга Хусрав Деҳлавий алоҳида эътибор берганлигини таъкидламоқда. Навоий ҳам ўз достонининг шу парчасида Деҳлавийга яқин тасвирлар беради. Бироқ улар ўртасида фарқ ҳам бор. Бу фарқ аввало, Деҳлазийда Искандарнинг денгиз сафаридан орқага қайтиши жуда қисқа муддатни ташкил этганидан иборат бўлса, Навоийда бу вақт бир йилни ташкил этади. Иккинчидан, Навоийнинг денгиз саёҳати манзарасининг тасвири, жонли, анча реалистик бўёқларга эга. Бу айниқса сафар даврида, Искандарнинг озиб кетгани, касал бўлишини баён этувчи манзараларда яққол кўзга ташланади.
16. Олти байтнинг мазмуни: «Бундан бошқа ҳам ривоят борки, бу ривоят берувчи ровий (қисса айтувчи—А. Г.)лар қошида мақбулдир. Менга ҳам шу кейнингиси маъқул бўлгани туфайли, уни айтиш фойдадан ҳоли эмас деб билурман. Бу шундан иборатки, тарихларни нақл қилувчи кишилар, Искандарни ҳам валий, ҳам набий (пайғамбар) бўлган деб айтадилар. Бу кейинги хабарга кўра, мурод-мақсадига етиш йўлида юрган Искандарнинг равшан дили океан ичида қаттиқ риёзат ва заҳмат чеккани сабабли, янада покизаланиб кетган».

LXXVII

1. Баҳром анга боттию чиқмади—Навоий «Сабъаи сайёр» достонидаги Баҳром тақдирига ишора қилмоқда.

LXXVIII

1. «Кимки дунёга ҳирс қўймаса, жаҳоннинг ранж-машаққатидан халос топиши осонроқдир».

LXXX

1. Юзингни шапалоқлаб кўкартирмасанг, кўкарганни оқ соч билан ёпмасанг».
2. «Ҳамма ёққа жар солиб, катта-кичик, барчага хабар етказиб дейилган.
3. Искандария — Миср Араб Республикаси шимолидаги қадимий шаҳар. Нил дарёси дельтасининг ғарбий қисмида. У шаҳарки милоддан аввал 332—331 йили Искандар Зулқарнайи қурдирган.
4. Ажал қўли ноғорасини қоққач, бўйнига абадийлик томон жўнаш ишини солди».
5. Фан-ҳикмат аҳиллари — оламлар китоблардек қора либос кийиб, илм сингари сиёҳга бурканиб олдилар».

6. Икки байт мазмуни: «Чунки бир жаҳон халқи яланғоч бўлиб. бутун дунёга ғавго солар эди, ногоҳ бундай қиёмат юз бериб ер кўкка чиқиб, фалак пастга тушди (дунё остин-усгун бўлди)».
7. Икки байтнинг мазмуни: «Лекин менга фалакдан, тез учадиган юлдузлару бепарво дунёдан ниҳоятда оғир зулм бўлди. Сендан илгарироқ у дунёга мен йўл олмадим, у ердан жаннатдан сенга бир тузукроқ жой тайёрламадим».
8. Бу мисрада Искандарнинг ўлиши қуёш ботиши (хуршид уёқти)га, Искандарнинг онаси қари осмон (золи чарх)га ўхша-тилган.
9. Уч байтнинг мазмуни: «Унинг танасини олиб бориб, худди руҳни танага киритгандек, қабрга киритдилар. Қора тупроқнинг бағрини ёриб, унинг ичига қуёшни кўмдилар. Охири қуёшнинг қора тупроққа ботиши, бу кўҳна дунёнинг расми — одатидир».

LXXXI

1. Достонда бир қанча олимлар образи мавжуд. Булар Нақумоҳис, Арасту, Филотун-Афлотун, Суқрот, Асқалинус, Буқрот, Ҳурмус, Файсоғурс кабилардир. Уларнинг кўплари жуда қадим замонлардан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида машҳур бўлиб, у олимлар томонидан яратилган асарларнинг кўпчилик қисми араб тилига таржима қилинганлиги туфайли кенг тарқалган ҳамда шу жойларда яшайдиган олимлар томонидан уларга шарҳлар берилган. Халқ орасида Арасту, Афлотун ҳақида афсона ва ривоятлар пайдо булган, бадиий асарлар ёзилган. Алишер Навоий бу афсона, ривоят, асарлар билан таниш бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ Навоий «Садди Искандарий»да олимларнинг тарихий обравларини яратиш ёки уларнинг илмий ишларини баён этиш, ижтимоий-фалсафий қарашларини талқин этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас. У анъаналарга амал қилгани ҳолда, юнон олимларидан халос топиш осонроқдир» нинг номларини келтирган. Бундан мақсад эса, улар образи орқали ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларни ёритиш эди. Шунинг учун ҳам Навоий олимларни антик дунёдан ўз замонига олиб кирган. Шоир улар орқали илм-маърифатни тарғиб қилади ҳамда ўз давридаги олимларни эл-юрт учун фойдали ишлар билан шуғулланишга ундайди. Бундан ташқари, Навоий ўз даври ҳукмдорларини илм-фан аҳлларига ҳомийлик қилишларини (шоирнинг ўзи бунга ёрқин мисол бўла олади), уларнинг оқилона маслаҳатларини тинглаб, давлатни идора қилишни уқтиради.
2. Бонуйи иффатпаноҳ — Искандарнинг онасига ишора. Бу образ ўзининг сабр-матонати, оқил-донолиги ҳамда тадбиркорлиги билан диққатга сазовор бўлиб, у ўзининг кўпгина яхши фазилатлари билан «Фарҳод ва Ширин»да

тасвирланган Меҳинбону образига яқин туради.
3. Икки байт мазмуни: «Дунё Бонуси (Искандарнинг онаси) етти дарё (етти ҳаким)нинг юз қўйганини билгач, уларнинг қадамини муборак билиб, ўз ҳузурига киришларига рухсат беради».
4. «Чунки у, дунёнинг энг ақллиси, ақл бобида халойиқ устозидир».
5. «Гавҳар дарёга чўкса ҳам бор бўлсин, қуёш ер тагига ботса ҳам қайтиб чиқсин».
6. «Шоҳ васиятларининг ҳаммасини ортиғи билан амалга оширди».
7. Ети ато бирла тўрт ано — етти иқлим билан тўрт унсур (тупроқ, сув, ўт, ҳаво) демак.
8. «Панд-насиҳат таҳсилини олгансан, сенга ақли етук бўлмаган одамгина насиҳат қилади».
9. «Бу қадимдан расми одат бўлиб, оллоҳнинг суннат ва қоидасидир».
10. «Сенгга ҳақ таоло шундай фазилатларни бағишлаган экан, бунга купдан-кўп шукр қилиш вожибдир».
11. «Уларга узр айтиш йўли билан сўзга киришиб, етти конга (етти ҳаким маъносида) бир вайрона (кўнгли вайрон она)дан шундай хазина тўкилди».

LXXXIV

1. Худога шукурки, бахтим ишимга ривож бериб, бу шоҳона китобни безаб тугатдим».
2. «Китобат санъати ишлатилган бу байтнинг мазмуни: «Китоб ибтидосини алиф билан бошлаб, охирини мим ҳарфи билан тамомладим».
3. Искандари сони—Ҳусайн Бойқаро демак.
4. Ул—Искандар, бу Ҳусайн Бойқаро деган маънода.
5. «Агар ундан насл қолмаган бўлса, худо бунга ўн олти фарзанд ато айлади».
6. «Фарҳоду Ширин» эрур отиға —«Фарҳод ва Ширин» Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадеъуззамон Мирзо номига бағишланганлигига ишора қилинган.
7. Музаффар Хусайн—Ҳусайн Бойқаронинг кичик ўғли. 1506 (911)да отаси вафотидан кейин акаси Бадеъуззамон билан бирга Хуросонда ҳукмрон бўлган. Лекин орадан кўп ўтмай, Шайбонийхоннинг ҳужумига учраб Астрободга қочган ва ўша ерда ўлган.
8. Арабча байтнинг мазмуни: «(бутун) дунёга инъомини (эҳсонини) давомли қилсин. Айт, унинг (Музаффар Ҳусани Мирзонинг— Х.А.) ҳукмронлигини абадий қилсин».
9. У (Музаффар Ҳусайн) адаб тахтининг осмон қадар баланд мартабали куёши, ҳаёт денгизининг покиза гавҳаридир».

10. Ирсоли масал санъати ишлатилган бу байтнинг мазмуни: «Йилнинг яхши-ёмон бўлиши — баҳорнинг келишидан маълум бўлгани каби, эл—халқ унинг оламни ёритувчи юзидан кўп умидвордир».

LXXXV

1. Икки байтнинг мазмуни: «Шуни унутмагинки, олам вафосиздир, шунингдек, оламда нимаики бўлса, бақосиздир, доимий эмасдир. Нима нарса бетайин ва беқарор бўлса, унга эътиқод қўйиш — ишониш яхши эмас».
2. Икки байт мазмуни: «Кучсиз-бечора одамларга хоҳ яхшилик ва хоҳ зугум қилсанг, кучлилардан ҳам шуни талаб эт, яъни одамларни ҳар ишда тенг кур. Одам муҳрга нимани ўйса, муҳр босилгач, қоғозга шу тушади».
3. «Улуғлик эгаси бўлмиш тангри ўз ҳифз — ҳимоятида сақламаса, одамга на ганж — хазина асқотадию, на мол-мулк».
4. Икки байтнинг мазмуни: «Фитна ва иғво билан шўғулланувчи кишиларни сиёсат остига олиш, уларга қаттиқ жазо бериш — ҳукмдор учун шартдир. Ёмонларни ҳаддан ташқари қўрқинчда сақлаш — яхшиларнинг ниҳоят даражада осойишта яшаши учун шароит яратиб беради».
5. Қўшин тортиш гарчи оғир кўринса-да, бусиз оғирликни йўқотиб бўлмайди.
6. Ясолни ком била тузмак — қўшин сафини мақсадга мувофиқ тартиб бериш.
7. Ети кавкаб — Искандар атрофидаги етти олим—ҳаким маъносида ишлатилган.
8. «Иккинчиси шуки, ота-онангга хизмат қил,. буларнинг иккисига қуллуқ қилишни ҳақиқий фарз деб бил».

LXXXVIII

1. Бу бобда Алишер Навоий ўз укаси Дарвешалига насиҳат қилади. Дарвешалининг туғилган ва вафот йили номаълум. Дарвешали Балх ҳокими, Навоийнинг вазирлик вақтида унинг китобдори бўлган. Унга 1482 йилда амирлик унвони берилган. У Иброҳим Ҳусайн (Ҳусайн Бойқаронинг ҳали вояга етмаган ўғли) номидан Балхни идора қилади. Мажидиддиннинг Навоийга қарши ҳаракатларидан норози бўлиб, 1490 йили Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд билан биргаликда Султон Ҳусайнга қарши бош кўтаради. Ҳусайн Бойқаро уни зиндонга солади. У 1494 йили Маккага боришга рухсат олади. Қайтиб келгач (1498), девони олийга хизматга тайинланади. Навоий вафотидан кейин Балхга кетади.

Шайбоний хизматида бўлади. Шайбоний вафотидан (1510) кейин Заҳириддин Муҳаммад Бобур хизматига ўтади. Унинг 1511 йилдан кейинги тақдири номаълум.

LXXXIX

1. Бу байт ружуъ (қайтиш сўзидан) санъатига ёрқин далил бўлиб, шоир унда аввал панжа, хора (тош) каби образли ибораларни ишлатиб, сўнг ундан қайтади ва пўлоди якпора, дейди.
2. Икки байтниинг мазмуни: «Зўрлар қаторига кираман деб, панжага қўл уриш билан, у папжадан ўз панжасига кўп шикастлар етказган кимсалар хам бўлган, Ҳаддан ортиқ зўр бериб кучайишлари натижасида уларнинг билаклари тирсакларидан чиқиб ҳам кетган».
3. «Паиж ганж»— Низомнй Гапжавий: «Хамса»сининг номи.
4. Пар—шоирнинг устози Абдураҳмон Жомий.
5. «Ҳар бир очилмаган қулфни очишда буюк кишиларнинг дуоси калид бўла олади».
6. Азми ҳарам қилмок—Маккага (ҳажга) бормоқ.
7. Тасдир санъати (байт ниёз сузи билан бошланиб, ўша сўз билан тугаган)дан фойдаланиб яратилган бу байтнинг мазмуни: «Орзу-истаги бор кишилар кирсин!» деган сўз эшитилди, буни эшитгач, умид билан кирдим».
8. Тўрт байтнинг мазмуни: «У кишининг жойи хилват эмас, юксак остонани эслатар, ўзлари эса, хилватда — ёлғиз ўтирувчига эмас, Жаброил фариштага ўхшар эдилар. Уни [Жаброилни] муқаддас нур равшан айлаган, яъни у нурдан яратилган бўлса, бунинг [Жомийнинг] сўзларидан муқаддас сирлар аён бўлар эди. Жаброилни эслатадиган даражада тўлиқ ақл эгасидир. Мен шундай бир ҳарамга маҳрам бўлдимки, йўқ у ҳарам эмас, ёруғлик ва поклик олами эди».
9. Олти байтнинг мазмуни «Уларнинг бу ёзганлари юзага чиққанда, сиёҳ билан ёзилган бу каби қора-қура нарсаларнинг оламда бўлишига ҳайратланасан. Уларнинг ёзганини ким ўқиса, худди қоронғи кечада қолгандек машаққатга тушади. У шундай зулматки, одам ичай деса, оби ҳаёт йўқ, у шундай тунки, унда офтоб нуридан нишона ҳам кўринмайди. Ундай шоирлар дунёга энг муаттар мушк сепдик, деб мақтанганларидан ҳам мушклари кўнгилни қора ва кўзни хира қилади, холос. Лекин бу ўрмонда иккита мард шер [Низомий билан Хусрав] бор бу денгиз ичида

иккита ботир наҳанг [Низомий ва Хусрав] бўлиб, бу ўрмонга кириш учун худди ўшандай жанговар шеру, бу денгизга тушиш учун ўшандай диловар наҳанг бўлмоқ керак».
10. Қўштироқ ичига олинган номлар Алишер Навоий «Хамса»сидаги беш достон: «Ҳайрзгул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»дир.
11. Саводин жузвдон аро солмоқ — қораламасини китобга мўлжалланган халтага солмоқ.
12. Анинг сари — Жомий сари, демак.
13. Икки байтнинг мазмуни: «Бундан кейин, ўз сўзлари билан ажам ва арабни олган, асли насаби турк бўлгани ҳолда «ҳиндий» лақаби билан ном чиқазган Хусрав бўлса, кўп афсоналарни қисқартириб, бу мустаҳкам қўрғонни қўлга киритди».
14. Бу раънога суратамой бўлмоқ—бу гўзалнинг суратини намоён қила олмоқ, яъни «Хамса» ёзиш ишини тугалламоқ, демакдир.
15. «Канап дарахтининг шохи хас-хашакча бўлмаса ҳам, қаландарга барваста сарв дарахтидай кўринади» (канап ипидан тўнлик мата тўқилади).
16. Пири кошиф — Жомий кўзда тутилмоқда.
17. Пири равшанзамир — Жомийга нисбатан ишлатилган.
18. «Асарим бир кема каби маърифат дарёси [Жомий] томон йўналгач, улуғ дарс (Жомий) ўз муборак қўлини бу дафтарларга узатди»,
19. «Қандай енгки, уни осмонга ташласа, кўкнинг қийшиқ юзини букиб юборар эди».
20. Эл тавфи Байтилҳарам — одамлар Каъба атрофида айлангандек (Каъба— Маккадаги зиёратгоҳ), демоқда.
21. Жамъи касир — бир тўда кишилар, демак.
22. «Бу хуштаъб ва муборак зотлар сен билан бир нафас кўришишини орзу қиладилар!»
23. Ҳасан Деҳлавий — умрининг аввалида нонвой бўлган. Кейинроқ Хусрав Деҳлавий билан танишиб, унинг всситаси билан илм ва адабиётга берилиб кетган. Ҳасан Деҳлавий ғазалгўйликда шуҳрат қозонган эди. У 1308 (707) йили Деҳлида вафот этган.
24. Ҳазроти Шайх — Низомий Гажнавий демак.
25. Устоду пир — Абдураҳмон Жомийга нисбатан айтилган.
26. Раҳбар — Ҳасан Деҳлавий кўзда тутилмоқда.

27. Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1204—1292), Абулқосим Фирдавсий (934—1020), Абулқосим Ҳасан бинн Аҳмад Унсурий (1040 Балхда вафот этган), Саноий Ғазнада туғилиб ўша ерда 1181 йилда вафот этган. Ҳоқоний — Афзалиддин Иброҳим бинни Али Ширвоний — қасидагўйликда зўр шуҳрат қозонган. У ҳаждан қайтишда 1186 (582)да Табризда ўлган. Қабри ўша ерда, Анварий — уинг номи Авҳадиддин. Хуросоннинг Абевард вилоятидаги Будна қишлоғида туғилиб, Тус (ҳозирги Машҳад)да тарбия олган. Замондошлари унга «ҳаким» унвонини берган эдилар. Анварий умрининг ўрталаридан шеър ва адабиёт билан шуғулланиб, устоз даражасигача кўтарилган. Анварий 1152 (53)547 ҳ.)да Балхда вафот этган.
28. Ики ёр—Жомий ва Хусрав кўзда тутилмоқда.
29. Икки байт мазмуни: «Бўлмаса, икки йилда битта «Хамса» ёзиб тамомлаш — ўтакетган хом хаёлдан бошқа нарса эмасдир. «Хамса» бўлганда ҳам шундай «Хамса»ки, у бешта гавҳар хазинасидан иборат бўлиб, сарфланиб, зое бўлиш хавфидан омонлик топган хазинадир».
30. Мавлавий — Абдураҳмон Жомийга нисбатан ишлатилган.
31. Димоғнинг юбс топиши — димоғ хушк бўлиб, қуруқшаб қолиши демак.

МУНДАРИЖА

I. Худоё, мусаллам худолиқ санга

II. Муножот ул карими халлоқ ва мукрими алал-итлоққаким, караминиng «коф»и саркашлик била ёзуқ «қоф»ини ерга паст қилур ва «ро»си ройи оламоро била маъсият «айн»ин кўр этар ва «мим»и лутфи эмим била хато хаттига афв рақами чекар ва ўз журми олойишин демак ва баҳри ғуфронидин амон истамак

III. Ул Расули амин наътиким, рисолат хутбасида муборак алқоби саййидул-мурсалин келди ва ул шафеъул-музаннибин васфиким, ҳумоюн сифоти «Ва мо арсалнока илло раҳматан лил-оламин» ёзилди, алайҳи афзалус-салавот ва акмалут – таҳиёт-20

IV. Ул ҳумойи баландпарвоз тайронининг суръати таърифидаким, меърож шабистонида кўзи наргиси била кўнгли ғунчаси «мозоғал-басару ва мо тағо» жўйборидин шодобдурур ва тақарруб айвонида муқаввас қошлари «қоба қавсайни ав адно» эътиборидин баҳраёб

V. Бу «Хамса» такмилидаким, салавоти хамса адосидек аввал фажр сажадотидин «Сиймоҳум фи вужуҳиҳим мин асариссужуд» зумрасиға кирилди ва зуҳр ракаотидин «Варкау мааррокиин» хайлиға қўшулулди ва аср қиёмидин «Ва иқомас-саловот» жамоатиға юз қўюлди ва мағриб қироатидин «Иқраъ бисми раббикаллази халақ» халқиға бош индурулди ва эмди ишо ниятидин отил табъни ғафлат уйқусиға борғоли қўймайин адосиға тарғиб қилилди

VI. Сўз таърифида бир неча сўзким, офариниш дарёсидин бурунғи чиққон гавҳари серобдурур ва хилқат сипеҳридин аввалғи тулуъ этган ахтари пуртоб ва бу муносабат била ҳазрати шайхи Низомий қаддаса сирраҳу маддоҳлиғиким, бу ахтарнинг сипеҳри гардони ул эрди ва бу таъриф била Мир Хусрав наввара марқадаҳу авсофиким, бу гавҳарнинг дарёйи бепоёни ул

VII. Сўз дурлари назмида низомийнизом ва такаллум гавҳарлари интизомида хусравкалом Низомий била Хусрав қойим мақоми, яъни ҳазрати махдуммий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллуҳулолий ало мафориқи фарқат-толибин жанобида арзи ниёз қилмоқ ва изҳори роз айламак

VIII. Иноят қуёши васфидаким, файз матлаъидин тулуъ этса,

тарбияти хорани ёқути обдор ва лаъли оташин қилур ва ҳидоят саҳоби таърифидаким, жуд ҳавосидин иртифоъ тутса, тақвиятидин туфроқтин лолаи сероб ва гули оташин очилур ва ўзининг кўнгли хораси ул қуёш партавин топқонин демак ва жисми туфроғи ул булут
намин кўрмагин айтмоқ

IX. Анингдекки, анбиёи мурсал анжумани анжумиға Муҳаммади арабий «айни» дин қуёшлиқ аён бўлди, салотини олий хайлида доғи Шоҳи ғозий вужуди божудидин ҳамул ҳол зоҳир бўлғондин шаммае зоҳир қилмоқ халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва аъло шонаҳу ва авзаҳа эҳсонаҳу

X. Хилофат тахтининг тожи зебандаси ва салтанат тожининг мулк бахшандаси, жаҳондорлиғ кишварининг соҳиб сарири ва жаҳонкушойлиқ сипеҳрининг меҳри мунири Султон Бадеъуззамон баҳодир мадҳида

XI. Бу гавҳарфишонликдин чун улуғ мақсуд тарих илми махзаниға вуқуф топмоғлиғ ва бу жавоҳир нишонликдин куллий мурод салотини мозия ҳолоти макшуф бўлмоғ эрди, ул жиҳатдин Ажам мулукиким, тўрт табақа воқеъдурурлар, алар аҳволидин ижмол тариқи била ихтисор этилди ва аввалғи табақаким пешдодийлардурур пешниҳод алар ишлари шарҳин қилинди

XII. Иккинчи табақаким каёнийлардурур аларнинг олий тахтлари ва каёний тожларин бошдин-аёққача демак

XIII. Учунчи табақаким, ашконийлардурурким, аларни мулуки тавойиф ҳам дебдурурлар, алар ҳолотидин достон сурмак

XIV. Тўртунчи табақа сосонийлар эрдиларким, жаҳон мулкида жаҳонбонлиқ қилдилар ва рубъи маскун мамлакатини билдилар

XV. Искандар достонининг оғозиким, ҳақ анжомиға еткургай ва тарихининг ифтитоҳиким, тенгри ихтитоми рақамин сургай ва анинг насабида ихтилофким, тарих аҳли қилмишлар ва ул ихтилофни рафъ этиб, аҳли таҳқиқ ишининг ҳақиқатин билмишлар ва малак Файлақуснинг дорил бақоға кетгани ва Искандарнинг мулки
фоний тахтин мақом этгани

XVI. Ҳиммат ҳумойининг баландпарвозлиғи таърифидаким, жаноҳайнининг сояси қуёшнинг анқойи заррин жаноҳиға зулмат қофида нишиман берур ва азимжуссалиғи васфидаким, байзонинг сиймин байзасин жаноҳайни остиға яшурур ва ҳар гадоға ул соя тушса, салотин

анинг гадойидурур ва ҳар шоҳдин соясин олса, гадо анинг қошида шоҳ кўринур

XVII. Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки филҳақиқат подшолиққа етган гадо ҳикоятиким, Искандар ани мазаллат чоҳидин чиқориб, салтанат коҳиға ўлтуртмоқ истади ва тож таркин қилиб, бошидин тарки тожи хаёлин чиқормади

XVIII. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, мақсудға қайси мақом яқинроқ ва ул мақом сари не навъ хиром муносиброқ ва Арасту йўқлуқ мақомиға йўл кўргузмак ва сабукборлиқ хироми оҳанги тузмак

XIX. Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик қилиб, хилофат тахтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт поясин баланд қилиб, тож қадрин аржуманд қилғонлари ва анинг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб, жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ тутқони

XX. Адолат айни таърифидаким салотиннинг зулумоти зулми орасида «айнул-ҳаёт» жовидонийдурур ва ичганга зилоли зиндагоний еткурур

XXI. Маҳмуд ҳикоятиким, ажал оғир уйқусиға борғондин сўнгра Масъуднинг тушига кирди ва адолат айнин пайдо қилур учун анга пандлар берди ва насиҳат зилолидин анинг юзига бир сув урдиким, ани ғафлат уйқусидин сескандурди

XXII. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, адолат натижаси не навъ ишлар бўла олғайким, ул натижа умидига киши ул йўлға қадам солғай ва Арастуға жаҳонкушойлиқ тили очилмоқ ва адл натижаси жаҳонгирлик эрканин собит қилмоқ ва одилға ул жаҳон саодати ҳам топилмоқ

XXIII. Искандар ишларининг тафсилини ижмол била дейилмак ва ул ижмолнинг мужмалотин тафсил қилмоқ ва Доронинг расули анга олтун байза тилай келиб, пўлод найзадек итик сўзлар жавоб топиб бормоқ ва ул синои ламъасининг барқи анинг хирмани сабриға ўт солмоқ ва кунжуд била гўй ва чавгон йибормаги ва Искандар ул чавгон била тўй уруб кунжудни қушлар термаги

XXIV. Мухолафат мазамматидаким, «мух» ҳасад била «улфат» дурур ва «мухл» андиша била «офат» кўрунурки, аксин тутса,

мусодақат юз берур ва таркин тутса, саодат сарманзилиға еткурур ва сойир эл мухолафати бобидаким, мужиби хонумон хароблиғидур ва салотинға воқеъ бўлса, жаҳон хароблиғи

XXV. Ики жаҳондор мухолафатидин жаҳон аҳли хирманиға бало барқи етгани ва ики ёр мувофақатидин ул туташқон ўтқа раҳмат ёмғури ёғиб, шуъласин паст этгани

XXVI. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудан саволи ул бобдаким, мухолафатки борча милалда мамнуъдурур ва низоъки борча маҳалда номасмуъ андоқ модда топилғаймуким, анда дилпазир бўлғай ва қилмоғи ногузир ва Арасту ул тийраликда ёруғлуғ кўргузмак ва ул мухолиф оҳангни ростда тузмак

XXVII. Доронинг Искандар сўзидин ошуфта бўлиб, сипоҳ йиғмоқтин оламға ошуб солиб, олам-олам черик йиғиб Искандар размиға азм қилғони ва Скандар ҳам ул дарёйи офат муқобаласида сели бало ва кўҳи махофат муқоталасиға барқи разм ва ваға ясаб юзлашгани ва офоқни ул ики шоҳ зеру забар қилурда Доронинг ливойи давлати ўзга сарсар офатидин сарнигун бўлиб Искандарнинг маҳчаи алами қуёш ливосидин ўтгани

XXVIII. Зобитаи русуми шоҳийдаким, корхонаи илоҳийдин намудордурур, анингдекки, ул боргоҳда хоҳ малоик хайли, хоҳ русул маъшари, хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос жамоати алоқадри маротибиҳим ҳар бири ўз ерида мураттабдур, бу коргоҳда ҳам ҳамул дастур била бўлса яхшироқ сурат, балки заруратдурур

XXIX. Султон Абу Саид Кўрагон наввара марқадаҳу ҳикоятиким, ройи уқдакушойи била кўп мамлакат олди ва тиғи умрфарсойи била кўп элга ошуб солди ва лекин сипоҳи рози эмас эркандин иш вақти борча қўзғолди ва ўзи аъдо аро маҳлакага қолди, балки хасм ул сарафрознинг тиғи кин била бўйнин чолди

XXX. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, соҳиб рой тааққул била иш бикри юзидин ниқоб очқондин сўнгра нега висолидин ком топмас ва анингжавоби

XXXI. Искандарнинг Доро мамоликига мулкрон бўлиб, кунуз ва хазоинидин меҳр ва саҳобдек зарпош ва дурафшонлиқ қилиб, сипоҳ ва раиятни ул эҳсонлардин обод этиб,олам мамолики шоҳларин тиларга элчилар йиборгони ва алар борча анинг амриға инқиёд қилиб, Кашмир шоҳи номувофиқ афсун ўқуб, Ҳинд ройи бозгуна жавоб бериб, Чин

хоқони чин сўздин қошиға чин солғони

XXXII. Қиш таърифидаким, тунд ели кўнгли ҳасратлиқ ушшоқ совуқ оҳидин нишона кўргузур ва совуқ замҳарири ичи ўтлуқ бедиллар кофурбор нафасидин фасона айтур ва тахта музеким, мармар тошидин дам урар ва чопқуни дурбошиким, жаҳонни барҳам ва бу фаслда фалакваш оқ уйким, қуёшдек шуъладин, балки шуъладек бодадин равшан бўлғай ва анжуман бир қуёшюзлук баҳори нозпарвард гулъузоридин гулшан

XXXШ. Мажнун ҳикоятиким, қиш кунининг узун қоронғу туни Лайли зулфининг мушки исин ел корвонидин истимом қилиб, гом урар эрдиким, бахт машшотаси улсарриштаи муродни илгига берди

XXXIV. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, шито фасли брудат касратидин ва ёғин шиддатидин мужиби паришонлиқ ва боиси бесомонликдурур, халқ анга невчун роғиб ва табъ анга нега толибдурур ва ҳаким жавобқа оғиз очмоқ ва ҳикмат сабоҳидин дурар сочмоқ

XXXV. Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси била азм этиб, Хуросонға етиб, Ҳироти сонаҳаллоҳу анил-офоти валбалиётни бино қилиб, Моваруннаҳрни олиб, Самарқанди бемонанд тарҳин солиб, Кашмир сори мутаважжиҳ бўлғони ва Кашмирийлар сеҳри дафъиға Мусо киби яди байзо кўргузуб, сеҳройин қалъаларин мўъжиза бирла бузуб, Маллунинг доғи бузулуб, тилисм қўрғонига азм этгани ва Искандарнинг Кашмир шаҳриға кетгани

XXXVI. Ҳакими коинотпайванд ва холиқи бемислу монанд маснуоти тамошоси анинг вужуди исботиға ҳужжати қотиъ ва бурҳони сотиъ экан бобда нукта сурмак ва ул саноеънинг бадоеъи жаҳон кезмакта кўпрак муяссар эрконга ҳам далил келтурмак ва сафар тариқин уч навъда тақсим қилмоқ: авзал, солики раҳнавард ўзлук баводисин қатъ этиб, мақсад ҳарамиға муҳтарам бўлмоқ; иккинчи сайёҳи жаҳонгард талаб манозилида бошдин қадам қилиб, муршиди комил иршоди била такмил топмоқ; учунчи, хисрави Баҳром набард сипоҳи анжум адад чекиб жаҳон мулкин олмоқ

XXXVII. Ики рафиқ ҳикоятиким, бири сайрдин қуёш сипеҳр кишварида шоҳ бўлғондек, мулк салтанатиға етти ва бири сукундин ер олам аҳлиға лагадкўб бўлғондек,хоксорлиқ ҳосил этти, бу ҳам то гарддек ҳаракат этмади, туфроқдин қўпуб олий мақомға етмади

XXXVIII. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун сафар мужиби шиддатдур, ҳикмат аҳлидин анга нега рухсатдур ва жавоб эшитмак

XXXIX. Искандарнинг Кашмир шаҳриға етгандин сўнгра Маллунинг тилисм қўрғонидин Кашмирдин ел била ўтни ўғурлағони ва ул вилоятни бир ўлук жисмдекки, нафаси мунқатиъ ва ғаризий ҳарорати мунтафий бўлмиш бўлғай қилғони ва Афлотуннинг ул тилисмни очқони ва яшургон ел била Маллунинг ҳаётин барбод этиб, махфий ўт шарор ва ахгарин анинг хирмани умриға сочқони ва Скандарнинг Маллу ўрнида Ферузнинг чароғи давлатин ёрутқони

XL. Сибо субҳининг сабоҳати таърифидаким, нафас-нафас андин ёруғлуқ юзланур ва шабоб гулзорининг назоҳати васфидаким, лаҳза-лаҳза андин очуғлуқ даст берур ва ул айёмда қуёшдек саждадин юзин ёрутмоқ тарғиби ва бу фаслда бинафшадек тоатқа қад нигун қилмоқ таҳриси

XLI. Ул ғофил йигит ҳикоятиким, воқиф пир насиҳати қадрин билмади, иш вақтидин ўтгандин сўнгра пушаймонлиғи суд қилмади

XLII. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саввли ул бобдаким, йигитликда табъ невчун ибодатдин мутанаффирдурур ва қариликда димоғ тааққулдин қосир ва ҳакимнинг пирона рой била шоҳи жувонбахтқа йўл кўргузгани

XLIII. Искандарнинг, кўнгил зулфи жодудин холи ҳиндуға майл этгандек, Кашмирдин Ҳиндустонға азимат қилғони ва ройи ҳинд жамоати аҳли яқин ва гуруҳи ҳикматойини шафеъ қилиб, алар подшоҳдин қули ёзуғин тилагондек, дархост қилиб, қабул тушгони ва рой Искандари соҳибройни Ҳинд сори бошлаб, бешаи Нигорда қишлоқ кўргузгони ва ул бешанинг тўрт ҳадди васфиким, баён ўзига ҳадди таъриф билмас, балки рубъи маскунда андоқ ер топилмас

XLIV. Авф фазилатидаким, дарёдил жувонмардлар мужримлар гуноҳи хасу хошокин бахшиш насими била кўнгул баҳридин адам савоҳилиға сурарлар ва юзларига дарё мавжидек чин тушмас ва ҳайрат зулумотидаги ovораларим карам шамъи раҳнамойилиғи била ул водийи ҳалоктин чиқорурлар ва ул тийраликтин аларға ҳек бушмас

XLIV. Ул тожир ҳикоятиким, суду савдосидин улуқ зиён бошига кслди ва жигаргўшаси фироқидин жигар парголалари юзин мунаққаш қилди ва белидаги нақдин ўлумлукни халос қилур учун берди ва

қутулғон ўлумлук анинг жигаргўшаси балки нақди эрди

XLVI. ҲИКМАТ. Искандарнинг саволи Арастудин ул бобдаким, ҳар амалғаким, бир жазодур, ул амал тухмиға бу бир недин сазодур ва жавоб маҳсулин кўтармак

XLVII. Искандарнинг, қуёш тун зулми зангборидин чиқиб, кун зиёси нимрузиға киргондек, Ҳинд соводидин чиқиб, Чин кишварига киргони ва Хоқони Чин анинг қуёшдек гармхўйлуқ била тиғи жаҳонгир тортиб келатурғонин эшитиб, муқобаласида заррадек беҳисоб черик йиғиб, анга мувофақатқа элчи йибориб, номувофиқ жавоб топқони ва ул жиҳатдин зарра ҳисоблиқ чериги зарра ҳайлидек қўзғолиб, ўзи тадбир ишин зарраи номаръий қўймагони

XLVIII. Қамарсайёҳ сарнус-сайри қуёш била қирон қилғондек Хоқон Искандарға рисолат учун муқорин бўлғони ва ул муқоранадин муқобалаға борғоч қамардек нур ва сафодин тўлғони

XLIX. Тузлук таърифидаким, даҳр бўстонининг сарвсифат озодавашларининг писандидароқ шевасидурур ва сидқ қавл васфидаким, сипеҳр шабистонининг субҳосо тозадамларинин баргузидароқ шимаси ва ройи савобнамой асариким, меҳри оламородек жузвий ҳаракат била куллий ерни ёрутур ва каломи салоҳафзой фавоидиким, оз нуқта била олам аҳлиға кўп натижа еткурур

L. Ардашер ҳикоятиким, қавий душман дафъини қилич била қилурдин ожиз эрди, ройи разин ва тиғи забон ул мушкил қазияға саранжом берди

LI. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, савоб ройға мужиби исобат не бўлғай ва хатоға жиҳати заъф не ва жавоб эшитмак

L.II. Хоқониинг Искандар учун зиёфат асбобин тузгани ва ани Чинга элтурга илтимос кўргузгони ва ул шоҳона базму ойни вазъи васфида хомаи нодира нигор дурфишонлиқ қилмоқ ва ул туҳаф ва наводир тазйини таърифида табъи балоғатшиор гавҳарпошлиқ кўргузмак ва пешкашлари теъдодида тўқуз фалак авроқин хомаға рақамзад қилмоқ ва базми дилкашлари шарҳида секкиз баҳишт риёзин ақл кўзига рад қилмоқ

L.Ш. Зиёфат боғининг сарвдек озодлари бобидаким, ғунчадек хизмат камарин чуст боғлаб гулдек очуқ юз била хони карамлари доим очуқдурур ва қўноғлари агар қумри бўлсун вагар булбулким, ҳар бири

ўз хўри ҳолиға кўра ул хондин наво топарлар ва алар ифрот имтилосидин муарродурурлар ва муфрит иштаҳосидин мубарро

L.IV. Баҳроми гўр ҳикоятиким, уч олачуқ элига меҳмон бўлди, икиси ифрот ва тафрит кўргузуб, мухотаб ва матъун бўлдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун

L.V. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, зиёфат хонин не навъ очмоқ яхшидур ва муроот суфрасин не навъ ёймоқ мустаҳсан кўрунур ва дононинг ул бобда
нукта сургони ва ҳикмат моидасидин Скандарга фойда еткургони

L.VI. Искандарнинг ҳукамо иттифоқи била фалак рози пинҳонийси ва олам сирри ниҳонийсини зоҳир ва пайдо ва равшан ва ҳувайдо қилурға сутурлоби хуршидтоб вамиръоти меҳрсифот тасниф қилғони ва бу ики туҳфаи меҳр мисолдин хотир жамъ этиб яна ики маҳваши меҳржамол висолиға рағбат қилғони ва ул бобда сур яроқин ва сурур тумтароқин муҳайё қилиб, сипеҳри бариндек айвонини Равшанак нуридин мунир тутқони ва Меҳрноз партавидин ёрутқони

L.VII. Йигитлик баҳоринг хушлуғи ва баҳор йигитлигининг дилкашлиғида гул ва булбулдек барг ва наво тузмак ва юз барг ва минг наво била нағма кўргузмак ва гулистон атфоли саҳоб доясидин сут ўрниға шираи жоний ва сув ўрниға оби зиндагоний ичгонидин руҳ наботи топқонин баён қилмоқ

L.VШ. Булбул ҳикоятиким, анинг гулбонгидин зоғ ёлқиб, балоғат аҳлиға гачча ҳинду ҳарза дегондек, таън қилди ва анинг фасиҳ жавобидин ўзгача сўзин билди

L.IX. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, инсонга майле табиий баҳор ва гулларга бўлмоғи недин бўла олғай ва анинг ҳикмат баҳоридин жавоб насими еткургони

L.X. Искандарнинг ул икки тоза вард, йўқ-йўққи, икки баҳори нозпарвард васлидин ком топқони ва Нозмеҳрининг меҳру нозидин бетоқат бўлўб, гул фаслида анинг гул жамолидин баҳра олғони ва анинг Равшанак рашкидинким маҳбублуқ мевасидурур, шамъдек саркашлик қилиб, чарбзабонлиқ била ўз шабистоноройлиғин равшан этгони ва Искандарнинг ул хилват висолидии чиқиб, Чин мулкидин Мағриб диёриға азм этгони ва ул диёр ғаройибидин ажаб қолғойи

L.XI. Басират кўзларин айнул-яқин куҳли ёрутқонлар бобидаким, қаён боқсалар офариниш ғаройибин мушоҳада қилурлар ва мубдеъи

корсоз ва мухтареъи банданавоз, сунъйға офарин айтурлар ва олами хокий хилқати сўзиким, «Хамирту тината одама бияди арбаина сабоҳан» дастбурди била суратпазир бўлди. «Ва лақад каррамно бани одама» парвариши била тахти хилофатғир

L.XII. Ул болиғлар ҳикоятиким, сув истай муҳит гирдобиға азм қилдилар, наҳанги фано туъмаси бўлғон замон сувдин айрилғонларин билдилар

L.XШ. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун онсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати идрокидин муарродур, неча сойир ҳайвонотдин мустаснодурур

L.XIV. Искандарнинг мўр хайлин шикор этгали сипоҳин тузотгони ва ул гуруҳи девсор девонавор етиб, анинг сипоҳи олида саф тузотгонлари ва алардин бир саф, шикан ики саф орасиға суруб, Искандар сипоҳининг сафдарларин ожиз этгони ва ул ғазолаи чиний шер суратида майдонға кириб, аждаҳошикорлиқ қилғони ва Искандар ғазоли чинийни оҳуйи ҳарам қилиб, анинг сайдин лутф ила яна сайд этгони ва ул бориб ўз сайдлари била мажлисқа етгони

L.XV. Ҳажр шоми тийралиги таърифидаким, бало дўзахининг дуди анинг жанибида тараб биҳиштининг сунбули бўла олғай ва ул шомда рўзгори қоропғонлар шарҳи ҳоли ихтилоликим, субҳи васлдин кўзлари ёрумайдур, хусусан, бу варақ юзин қаро қилғоннинг ҳоли ва васл гавҳари шабчароғининг жаҳонтоблиғи ва гавҳари шабчароғ васлидек ноёблиғи

L.XVI. Мажнун ҳикоятиким, фироқ тоғи оғирлиғидин ўзни тоғдин ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб ва қосиди камарин тутуб ташламоққа қўймади

L.XVII. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, ёлғузлуқ мужиби жамъиятдурур ва жамоат мужиби тафриқа, бас недин ҳажр мардуддурур ва васл маҳбуб

L.XVШ. Искандарнинг Мағриб диёри фатҳидин сўнгра Румға азм этганида Яъжуж зулмидин Қирвон навоҳиси халқининг тазаллум қилғони ва анинг ул бало рахнасиниберкитгали сад тарҳи солғони ва муҳандисваш меъморлар ва ҳандасаойин сангкорлар шиҳобкирдор ража била сад ўрниға ранг тўкмак ва Аторидхаёл устодлар ва Зуҳалосор ҳаддодлар гаж ўрниға рўйи маҳлул ва оҳак ерига пўлоди масқул қуюб сад учин фалак тоқига еткургонлари

L.XIX. Елдек сайр аро сабукборлиғ нафйин қилмоқ ва тоғдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ ва асҳоб суҳбатинким бир-бир ишлари борурға шитобдурур ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотниким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур, муғтанам тутмоқ ва адам ғарибистонидин шаммае ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият қилмоқ

L.XX. Ул кабутар ҳикоятиким, подшоҳнинг қасри зарнигори ҳибсидин қутулди ва ўз бузуқ ошёнини нишиман қилди ва бумдек анга ул вайрондин фароғат ганжи топилди

L.XXI. ҲИКМАТ. Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, табиатқа ватанда ком ва маълуф масканда ором жиҳати не бўлғай ва анинг жавоби

L.XXII. Искандарнинг қуёшдек жаҳонгирлигидин сўнгра дарёбор фатҳи учун орзу кемасига кириб, ҳавас елканин тортқони ва ҳукамо иттифоқи била Рум дарёси соҳилида олам мулкининг моҳир нажжорларин йиғиб, кема тартибиға амр қилғони ва уч минг ҳилоли қавсмонанд қурулғондин сўнгра миҳваросо тирлар била аларға қаттиқ ёйдин чиққан ўқдек равонлиқ бермаклари ва анинг ул сафиналарда мавж хутутидин биҳор фатҳномасин ўқуғони

L.XXIII. Искандарнинг ҳукамодин дарёбор вазъин савол этгони ва Суқротнинг курраи арз даврида сувнинг не навъ иҳота қилғонин шарҳ қилғони ва муҳит атрофида ети ахзар дарёким, ети чархи хазродек шўрангез, балки ҳунрездурур тақсим этиб, ўн ики минг жазоирким, холидотдин айрудур, мунқасам қилғони ва буҳайрот шарҳидин элга таҳайюрот солиб ва анҳор можаросидин сойилни баҳрдек хушклабликдин сероб қилғони

L.XXIV. Машриқда ганж топқон киши ҳикоятиким, мағриб ганжномасини ўқуб, меҳрдек боштин қадам қилиб, мағрибқа борди ва ул зари мағрибий топқоч меҳрдек уёқти

L.XXV. ҲИКМАТ. Искандарнинг саволи Суқротдин ул бобдаким, курраи арзни тамом сув иҳота қилмоғоннинг ҳикмати не бўлғай ва анинг жавоби

L.XXVI. Искандарнинг ети дарё била ўн ики минг жазоир билодин фатҳ этгандин сўнграким бир қатла муҳит даврасин паргорсифат эврулуб эрди. Муҳит нуктагоҳиға азимат қилғони ва ул сайрда йиғоч марокибнинг елдин ҳаракати ва сув даштининг самовий

ҳайъати ва кулокдин ул дашт аро кўп арғадол намудори ва ҳубобдин ул йўл аро кўп сангреза осори ва Искандарнинг Муҳит марказига етгони ва чарх дўлоби ани айландуруб, Искандария азми этгони

L.XXVП. Жаҳон базми соқийлари ҳаёсизлиғидаким, умр соғариға ажал заҳри қуярда ғофил била огоҳ аро тафовут кўрмаслар ва умр боғи соъилари вафосизлиғидаким, ҳаёт шохини ажал тиғи била қатъ этарда гадо била шоҳ аро фарқ бермаслар ва олами хокдин этак силкарга ишъор ва бу вартаи ҳалокдин илик тортарға иршод

L.XXVШ. Луқмон ҳикоятиким, жаҳон мутааллақотидин ганждек бир бузуғни ихтиёр этти ва минг йилдин сўнг сипеҳр аждаҳосидин анга ҳам осийб етти

L.XXIX. ҲИКМАТ. Бир соил саволи Луқмондин ул бобдаким, мунча илмингга боис ким эркин ва бизга андин хабар бергин ва анинг жаҳл аҳлиға ишорати ва аскин тутурбашорати

L.XXX. Искандарнинг нолдек марг печо-печида онасиға азо манъи учун нома ёзмоғи ва андин сўнгра ҳаёти номасин қазо навардида қилмоғи ва хайли анинг наъшин Искадарияға нақл қилмоғлари ва онасиға ул нома етиб, наъшқа ўтру чиққони ва ўғлин туфулиятда маҳд ичра уйқу учун навозиш қилғондек наъши мадҳи ичра доғи уйғонмас уйқусида навозиш қилмоғи ва кўкси чокидек ер кўксин доғи чок этиб ани туфроққа топшурғони

L.XXXI. Ети ҳакимнинг Искандар онасиға азо текургали келмаклари ва ҳар биринг дуо ва сано гулрухлариға ўзга иборат деболари либоси кийдуруб жилва бергони ва таҳсин ва офарин маҳвашлариға ўзга алфоз гавҳарлари зеварин токкони ва ул доғи ети фалак қошида даҳр золидек ўзни паст тутуб, аларға маъзират ошкор қилғони

L.XXXII. Ул илги кесилганнинг ҳикоятиким, қўлиға туҳмат тиғи дастбурд кўргузди ва ул ҳамдардлариға етгач, дастандозлиғ била навҳа тузди

L.XXXШ. ҲИКМАТ. Ул бобдаким, ики ҳамдард бир-бирига недин маълуфдурурлар ва ики ҳамжинс бир-биринг мулоқатиға невчун машъуф

L.XXXIV. Ул шаҳзодаи сипеҳржаноб мадҳиким, хуршиду ой қирон қилғонда туққан саъд ахтардурур ва сарву гул муқорин бўлғонда очилғон ғунчаи суханвар ва достон ибтидосини султони соҳибқирон

мадҳида бир неча дурфишонлиқ била музайян қилмоқ ва гузориш дебочасини Скандари даврон саносида бир неча гуҳаррезлиқ била мурассаъ этмак ва шаҳзода мадҳин насойиҳ била ихтисор қилмоқ ва ети ҳаким била Искандар ҳикматларин анга ошкор айламак ва сўнгра қойил ўз зодаи табъи ики лаъли оташин анинг қулоғиға лойиқ ва ики дурри самин анинг истимоиға мувофиқ назм силкига тортмоқ ва дуо жавоҳири била хатм қилмоқ

L.XXXV. Юқори мастур бўлғон ва илгари мазкур бўлғон дастур била мадҳдин дуоға ружуъ қилмоқ ва ҳукамо харадномаларига шуруъ қилмоқ

L.XXXVI. Гадойе камсармояи баландпоя ҳикоятиким, шоҳи баландпояи камсармояға насиҳатда сўз юзин ирик қилди ва бу сухон била ишига андом бермак тилади

L.XXXVII. ҲИКМАТ. Ул бобдаким, машваратда дегучига мулоҳаза қилмай дейилгонни кўнгулга жилва бермак керак ва сочилғон жавоҳирдин муносибин термак керак

L.XXXVШ. Ҳокимсурату дарвешсийрат, балки Дарвеш исми ҳукумат қисм, яъни ахавий маоби давлат иёбқа мавонзосо калом ва насойиҳи молакалом демак

L.XXXIX. Бу маодин жазоҳирин эҳтимом била назм силкига тортмоқнинг тақрири ва бу махозин тилисмотини истеҳком била итмомға еткурмакнинг таҳрири ва ҳам жавоҳир пири дарёзамир равшан кўнглига ер тутқоннинг баёни ва ҳам махозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳиға қабул тушганнинг тибёни ва алардин бу заифнинг подшоҳи ислом дуоси илтимоси ва бу ниёзманд илтимоси мужиби била аларнинг дуоси

ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Одам салавотуллоҳ алайҳ хилқати Одамнинг кунияти Булбашардур ва лақаби Сафиюллоҳдур. Чун иродатуллоҳ анинг хилқатиға муқтазий бўлди, Жабраилға амр бўлдиким, бир миқдор туфроғ анинг тийнати тахаммури учун ул ердинки, ҳоло Макка анинг ўрнидадур, келтурсун. Жабраил алайҳис-салом бу амрға иштиғол кўргузди, бирҳол тили била анга онт бердиким, туфроғни мендин олмаким, бўлмағайким, бу махлуқдин ношойист амр вужудқа келгайким, ул сабабдин мен ҳақ таолонинг мужиби сахту хитоби бўлғаймен. Жабраил а. с. қайтиб анинг сўзин арз қилди эрса, Микойилға ҳукм бўлди. Ул дағи ердин ҳам андоқ онт эшитиб қайтди, эрса, Исрофилға ҳукм бўлди. Ул ҳам ул икининг узри била қайтқондин сўнгра Азроилға буйруқ бўлдиким, ердин туфроқ кетургай. Ер Азроилға онт бергандин сўнгра Азроил айттиким, ҳақ субҳона ва таолонинг амри санинг онтингдин юқорироқдур. Бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, ҳақ таолонинг амри била биҳиштга келтуруб, Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаламнинг тийнатин тасним суйи била юғуруб, борча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офаринишидин мунунг хилқатидурким, охируз-замон пайғамбари бўлғусидур. Андин сўнгра Одам а. с. туфроғиға қирқ кун раҳмат ёмғури ёғдуруб, ўз қудрат илки била тахмир қилдиким, «хаммарту тийнати одама биядаййа арабина сабоҳан»[1] андин хабар берур. Чун инсон кисватин одамға кийдурдилар ҳақ субҳонаҳу ва таоло асмои ҳуснини анга ўргаттиким ва аллама одамаал асмоа куллаҳо**2** ва малойикайи муқарраб анинг илмиға муътариф бўлдилар ва тангри таоло ҳукми била анга сажда қилдилар. Иблисдин ўзгаким, ул жиндин эрди фасажадал малоикату куллуҳўм ажмаунилло иблиса[3]**.** Ва иблис кўп тоат қилғондин сўнг малоика мартабасиға етиб эрди. Чун тангри таоло амридин бўюн тўлғоди, шақоват ва лаънати жовид тавқи анинг бўйниға туштиким, «Ва инна алайкал-лаънати ило явмиддин»**4.** Одам ва Ҳаво биҳиштда сокин бўлсун деб амр бўлдиким, «ё Одаму, ускун анта ва завжука ал-жанната»**5.** Ва Ҳаво Одам а. с.нинг сўл ёнидин яратилди. Ва баъзи ривоятда андоқдурким, Ҳаво дунёда яратилиб эрди. Ҳар тақдир била Одамға буғдой емакдин наҳй бўлди. Баъзи узум, баъзи анжир дебдурлар. Иблис Одам жиҳатидин лаънати абадияға шойиста бўлуб эрди. Бу хусуматдин йилон воситаси била биҳиштга кириб, Одам а. с. буғдой емак васвасасин қилиб, чун иродатуллоҳ мунга жорий бўлуб эрдиким, олам

юзин Одам авлоди тутқай. Одам ва Ҳавони биҳиштдин чиқардилар. Ва Ҳиндистон мулкида бир-биридин айру туштилар. Одам а. с. Маккага келиб, Арафот ёнида Ҳавоға учради. Андин Арафот ул ерга лақаб қолди. Андин сўнгра Одам а. с. Каъба уйин ясади. Дағи Ҳиндистон сори азимат қилдилар. Ва Жабраил а. с. ҳубубот келтуруб, Одамға қўш суруб, экин экмак қоидасин ўргатти. Ва Ҳаво Одамдин хар қачон ҳомила бўлиб эрди, ики фарзанд келтурур эрди: бир ўғул, бир қиз. Бу ўғулға яна бир қорнидин келган қизни берурлар эрди ва бу қизни яна бир қориндин келган ўғулға берурлар эрдиким, орада фарқ бўлғай. Қобил била туқғон қизни оти Иқлимо дебдурлар. Тиладиким, Ҳобилға берғай. Қобил ўз синглининг ҳусни жиҳатидин анга мойил эрди, уномадиким Ҳобилға бергайлар. Одам икисига қурбон буюрдиким, ҳар қайсининг қурбони қабул тушса, анга бергай. Ҳобилнинг қурбони қабул тушуб, Одам а. с. Иқлимони анга берди. Қобил хусумат жиҳатидин Ҳобилдек қариндошиким, сабури жамол ва маънавий камол била ороста эрди ва Одам а. с. ани бағоят севар эрди, ҳалок қилиб, Одамни анинг фироқида мубтало қилди. Аввал кишиким, ноҳақ қон қилди Қобил эрди. Чун андин бурун ҳеч киши ўлукни кўрмайдур эрди. Қобил мутаҳаййир бўлуб, Ҳобилни кўтариб юрур эрди. Бори таоло ҳукми мунга мутааллиқ бўлдиким, одамизод майитнинг тадфинин билгай. Ики малакни ики қарға сурати била Қобил қошиға йибордиким, бир-бири била урушуб, бири яна бирин ўлтурди ва қотил қарға ерни тирнаб, минқори била қозиб, мақтулни дафн қилди. Қобил дағи бу таълимни олғоч, Ҳобилни гўр қазиб, дафн қилдиким, бори таоло Қобил тилидинким, «Аъ-жазту ан акуна мисли ҳазал ғуроби»6 каримасин адо қилур. Ва қурбон қилмоқ бу эрдиким, қўй ўлтуруб, тоғ устида қўярлар эрди. Осмондин ўт тушуб, қайсини куйдурса эрди, қабул нишонаси ул эрди. Чун Қобилнинг қурбони куймади, шайтон анга бу навъ бози бердиким, ўт сендин ранжа бўлубдурким, қурбонингни куйдурмади. Ўтқа сажда қилсанг, сендин хушнуд бўлур. Қобил дағи ўтқа сажда қилиб, оташпарастлик расми бунёд бўлди. Чун Одам а. с. Ҳобил фироқида кўб бетоқатлик қилур эрди, ҳақ таоло Шис а. с. ни Одамға каромат қилди. Ва Шис а. с. муҳаббати Одамнинг Ҳобил мотамида изтиробин кам қилди, Иқлимони анга никоҳ қилиб, ўз ўрнида валиаҳд қилди ва ҳаёт вадиъатин арвоҳ қобизиға топшурди. Ва умрин баъзи минг йил ва баъзи тўқуз юз ўтуз йил дебдурлар. Ва Одам а. с. сўнгра баъзи уч, баъзи ети кундин сўнгра Ҳавоға ажал етти. Мадфанларида ҳам ихтилоф бор. Аммо мавлоно шарафул милла ваддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида айтибдурким, Одам а. с. ни Шис ғусл бериб, намоз қилди ва Ҳиндистонда дафн қилди. Ҳаво ҳам Одам а. с. ёнида мадфун бўлди. Аммо Нуҳ а. с. замонидаким тўфон бўлди, Нуҳ аларнинг муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра Абул Қайс тоғида ва баъзи

дебдурларким, Байтул-муқаддасда дафн қилди. Ва Одам а. с.нинг Ҳобилға марсияси бор.

Р у б о и й:

Одамники, ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуъи мулк хайлиға масжуд этти.
Охир танидин руҳни манқуд этти,
Ул навъки, нобуд эди, нобуд этти.

Шис а. с. – Одамдин сўнгра анинг ўрнида ўлтуруб, анинг авлодиға муҳофазат бошлади. Ва бори таоло Шисға нубувват каромат қилди ва анга саҳифа нозил бўлди. Ва Каъба биносин тош ва гач била Шис а. с. иморат қилди. Ва Қобил авлодиким, куфр ва инод аҳли бўлуб, оташпарастликқа машғул эрдилар, қолин бўлуб, Одам авлодиға зарарлар тегар эрди. Шис а. с. чун бағоят далир ва шужоъ эрди, алар устига сипоҳ тортиб, фасодларин дафъ қилиб, алар берк тоғларда маскан қилиб, мустаъсал ва паришон бўлдилар. Ва Шис а. с. Бобилда Сус шаҳрин бино қилди. Ва ети ўғли бор эрди. Чун нубувватидин қирқ беш йил ўтти, ўғлонлариға Қобил авлодининг ҳарб ва дафъин васият қилди. Анушким, улуғроқ эрди, ўз ўрнида валиаҳд қилиб, оламға видоъ этти. Ва ани Одам а. с. ёнида дафн қилдилар. Ва ёши тўқуз юз ўн ики йилға етти.

Р у б о и й:

Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,
Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,
Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,
Охир бориға ажал буюрур таъжил.

Ануш пайғамбар эмас эрди, аммо валоятдин насиби бор эрди. Ва одил ва сахий киши эрди. Атбоъ ва авлодин Одам динига даъват қилди ва аввал кишиким, хурмо йиғочи экти, ул эрди. Ва аввал кишиким, садақа расми пайдо қилди, ул эрди. Ул сабабдинким, анинг замонида рафохийят кўп бўлди. Ва онча қўй ва ўй ва сойир баҳоним пайдо бўлдиким, ҳеч ҳисобин билмас эрди. Ул буюрдиким, чун ҳақ таоло ҳисобдин ортуқ мол каромат қилибдур, ҳар мингдин бирин айириб, муҳтожларға беринг.

Ва тарихи Жаъфарийда битибдурким, анинг замонида Сувод мулкида бир аждаҳо пайдо бўлуб, халойиққа кўб нуқсонлар еткурди. Ануш бориб, ул аждаҳони Одам а. с. биҳиштдин чиқарғон асо била

ўлтурди. Дедиларким, Мусо а. с.ға теккон ҳамул асодур. Анинг замонида жин хайли одамизод орасиға кириб, зарар еткурур эрди. Ва анинг ўн ики фарзанди бор эрди. Қинон улуғроқ эрди, ани валиаҳд қилиб, вафот қилди. Ани оталари ёнида дафн қилдилар. Ва умрида ихтилофдур. Жаъфарийда уч юз йил дебдурлар, аммо ўзга таворихда тўқуз юз олтмиш беш йил дебдурлар.

Б а й т:
Минг йил доғи сурса эри давронни Ануш,
Ҳам айлагуси эди ажал жомини нўш.

Қинон бинни Ануш чун отаси ўрниға ўлтурди, баъзи Сусни, баъзи Бобилни дебдурларким, ул иморат қилди, вале муттафиқдурларким, халқдин юзар-юзар киши айириб буюрдиким, кентлар, ҳисорлар ясадилар. Чун Қиноннинг ёши тўқуз юз йилға етти, Маҳлойилким, улуғроқ ўғли эрди, валиаҳд қилиб, оламдин ўтти.

Маҳлойил бинни Қинон оталари дорул-мулкидин Рум мулкига борди ва Шис а. с. авлодини ўзи била элтти ва сойир атбоъин олам мулкида пароканда қилди. Анинг замонида кўп ерда эл зоҳир бўлдилар. Умри секиз юз олтмиш бешга еткондин сўнг, Язидни валиаҳд қилиб, оламдин ўтти.

Язид бинни Маҳлойил. Дерларким, Язид бағоят зеборўй ва писандидахўй эрди. Қушлар эти ва болиғ эти емакка ул мухтариъ бўлди. Ва ариғлар қозиб, сув чиқорди ва кўп никоҳ қилур эрди. Анга қирқ ўғул пайдо бўлди. Боридин кичикроқ Ахнух эрдики, ани Идрис дебдурлар. Умри тўқуз юз олтмиш икига еткonда, Идрис а. с. ни валиаҳд қилиб, охират сафариға озим бўлди ва аждоди ёнида дафн қилдилар.

Идрис а. с. сурёний пайғамбардур. Отаси Язид замонида бутпарастлиқ шойъе бўлди. Анга ваҳй келдиким, ул элга бутпарастликдин манъ қилғай. Черик тортиб, кўп жиҳод қилиб, Қобил авлодинким, бутпарастлиқ қилур эрдилар, қатл ва асир қилиб, ғазв ва жиҳод қоидасин ул ароға киюрди. Ва ани халқ мусалласун-наъма дейдиларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳаким ва учунчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли ақидаси будурким, Ҳурмис ҳаким улдур. Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди ва киймак ва емак андин қолди. Ҳақ таоло анинг учун ўтуз саҳифа нозил қилди. Ва анинг замонидин Нуҳ а.с. замониғача тўрт юз ўтуз тўрт йилдур. Олтмиш беш ёшида Матушлах мутаваллид бўлди. Ва Идрис а. с.нинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳам шаръ аҳли қошида, ҳам тарих аҳли олида ақида будурким, ул тирикдур ва биҳиштдадурким, каломи олиҳи ондин хабар берурким, «варафаъноҳу ма-конан алиййан»**7.** Ва бу қиссанинг шарҳин мабсутроқ кутубдин маълум қилса бўлур. Ва ани янбуъул-ҳаёт дебдурлар. Умри уч

юз олтмиш бешга етконда ани малоика осмонға рафъ қилдилар. Ва борурда ўғли Матушлахни валиаҳд қилди. Ва ани Идрис дарс кўп айтурдин дебдурларким, ниҳоятдин кўпрак шогирди бор эрди. Ва анинг замонида мазкур бўлғон улум шойеъ бўлди.

Чу Идрис оламда бўлди муқим,
Расул эрдию, подшоҳу ҳаким.
Агарчи анга бўлди учмоқ макон,
Жаҳон ичра худ қолмади жовидон.

Матушлах бинни Ахнух. Анинг авлоди қолин бўлди. Ва дерларким, от анинг даврида кўп бўлди. Доно киши эрди. Доим авлодиға черик бошлатиб, Қобил авлоди устига йиборур эрди ва аларни мактум қилур эрди. Собеъ анинг ўғли эрдиким, ҳоло бир машҳур музаҳҳиблари бор. Ёши тўқуз юз сексонға етти. Баъзи мингдин ҳам ортуқ дебдурлар. Оқибат Малик Мулкоким ўғли эрди, валиаҳд қилди. Аммо Малик Матушлахдин бурунроқ ўтти ва Малик юз етмиш яшағонда оламға видоъ қилди. Ва Матушлах андин сўнгра ўғли кейнига азимат қилди.

Гар Матушлах ва гар Малик ўлсун вар Нуҳ,
Ичмак керак албатта фано жомидин сабуҳ.

Нуҳ бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис пайғамбари мурсалдур ва Бахиюллоҳ анинг лақабидур. Баъзи қирқ ёштин сўнгра, баъзи эллик ёштин сўнгра дебдурларки, анга ваҳй нозил бўлди. Ва анинг замонида олам халойиқи бутпараст бўлуб эрдилар Тўқуз юз эллик йил элни ўз динига даъват қилди. Сексон кишидин ортуқ қабул қилмадилар. Куффордин анга изолар тегар эрди. Ул сўз айтса, эшитмоли деб қулоғларин тутар эрдилар. Ҳаддин ўткондин сўнг, Нуҳ дуо қилди: «Рабби лотазарни алал арзи минал кафирина даййоро»[8] дуоси мустажоб бўлди. Жабраил а. с. бир дона келтуруб буюрдиким, ани Нуҳ а. с. экти ва ул еткоч йиғочи бўлди. Неча йилдин сўнгра ул йиғоч улғойди. Амр бўлдиким, ани кесиб, кема ясағай. Ул кеманинг тули уч юз қари ва арзи ва умқи анга кўра. Дебдурларким, кема тугангондин сўнгра, ҳақ таоло тўфон ошкор қилди. Андоққим, ҳам осмондин ёғар эрди, ҳам ердин сув қайнаб чиқар эрди. Ривоят мундоқдурким, сув аввал Нуҳ а. с. тануридин қайнаб чиқти. Алқисса, олти ойғача ҳол бу эрди, то тамом оламни сув тутти. Ва Нуҳ аввал имон келтургон сексон киши била кемага кириб, уч ўғли дағи кемага кириб, чун кема уч табақа эрди, бир табақада вуҳуш юз баҳойим ва сибоъ кириб, яна бир табақада башар кириб, кема ердин кўтарилиб, андоқ

бўлдиким, сув тоғлардин қирқ қари ўтти. Дерларки, Нуҳ а. с. кемаси ҳақ таоло амри била ики қотла машриқдин мағрибқа ва яна бир қотла мағрибдин машриққа борди. Чун тамом оламда кема ичидаги махлуқотдин ўзга ҳеч махлуқ қолмади, борча ҳалок бўлдилар. Тўфон таскин топти ва сув озола бошлади. Ва Нуҳ а. с. кемаси Мўсулда Жуди тоғи устида қарор тутти. Ва Нуҳ а. с. муҳаррам ойининг ўнида кемадин чиқиб, ҳамул ерда таскин тутуб, ул эл била бир кент ясадилар. Ва Нуҳ а. с. умри минг олти юз йил бўлғондин сўнг оламдин ўтти. Ва ривоят будурким, Одам замонидин Нуҳ а. с. замониғача ики минг беш юз йилдур ва Нуҳ давридин Иброҳим Халил салавотурраҳмон алайҳ давриғача минг беш юз йил ва - Иброҳим а. с. аҳдидин Мусо а. с. аҳдиғача тўрт юз олтмиш йил ва Мусо а. с. чоғидин Исо а. с. чоғигача минг тўқуз юз ўтуз йил ва Исо а. с. айёмидин Ҳазрат Рисолат с. а. в. фархунда айёмиғача юз сексон йил воқеъдур. Олам аҳли аксари Нуҳ наслидиндур. Бу жиҳатдин ани икинчи Одам дебдурлар. Ва анинг тўрт ўғли бор эрди: Ёфас ва Сом ва Ҳом ва Канъон. Ва бу Қанъон кофир эрдиким, Нуҳ а. с.га имон келтурмади ва тўфонда ҳалок бўлдиким, «иннаҳу лайса мин аҳлика»**9** анинг шаънида нозил бўлди. Ривоят будурким, Нуҳ а. с. кемадин чиққондин сўнг, ул сексон киши андоқ ҳалок бўлдиларким, алар наслидин киши қолмади. Нуҳ а. с. Турон ва Хўтанни Ёфасқа берди ва Эронни Сомға ва Ҳиндистонни Ҳомға. Бу мазкур бўлғон мамолик аҳли бу уч кишининг наслидиндурлар. Бу жиҳатдин Ёфасни Абут-Турк ва Сомни Абул-Ажам ва Ҳомни Абул-Ҳинд дебдурлар. Ва Ҳомнинг ранги қаро эрдиким, ҳинд аҳли қаро воқеъдурлар. Ва анинг жиҳати бу эрди. Дебдурларким, Нуҳ а. с. ўюб эрди ва аврат узви очилиб эрди, Ҳом кўруб кулди. Ва Ёфас ва Сом манъ қилиб ёптилар. Нуҳ а. с. уйғониб маълум қилиб, Ҳомни ёмон дуо қилди. Ул жиҳатдин ранги қаро бўлуб, пайғамбарлиқ анинг наслидин мунқатиъ бўлди. Ва Нуҳ а. с. кемага кирарда, Одам а. с. сўнгокин мадфанидин чиқориб, кемаға киюруб эрди, кемадин чиққонда, баъзи дебдурлар Мадян ерида, баъзи дерлар Нажафда дафн қилди.

Ёфасни пайғамбари мурсал дебдурлар. Ва ани ети ўғли бор эрди: Бука, Хизр, Суқлоб, Рус, Бик, Чин, Камо. Баъзи секиз ўғул дебдурлар ва секизинчи Торах дебдурлар. Ва Искандар Зулқарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур Рус наслидин.

Чун Ёфас Хито мулкида мутамаккин бўлди, бу ўғлонлариға ҳар ерники берди, ул ерни ул ўғли оти била атадилар. Чун бу тарихки битиладур, хотирда андоқдурким, Султони соҳибқирон ҳолот ва ансоби мазкур бўлғай, иншо аллоҳ таоло ул Ёфас тарихиға мавқуфдур. Чун бўлғусидур мунча била ихтисор қилилди.

Сомни ҳам баъзми пайғамбари мурсал дебдурлар ва кўпрак анбиё. Ва Эрон мулуки анинг наслидиндурлар.

Ва анинг олти ўғли бор эрди. Баъзи тўқуз ўғул ҳам дебдурлар. Каюмарсни ҳам анинг авлодидин тутубдурлар. Арфахшад анинг наслидиндур. Тўртинчи, Басти Қаҳитон Қолеъға етишурким, ибри Қолеъ наслидиндур. Арабнинг кўпи Қаҳитон наслидиндурлар. Қаҳитондин учунчи пушт Сибоға етарким, аъробдин Хамандий ва Вахмий ва Оъмирий ва Қазоъий ва Ашъарий ва Оздий ва Тоий Сибо наслидиндур. Ва Сомнинг икинчи ўғли Олимдурким, Хуросон ва Мисол анинг ўғлонларидурлар. Ироқ Хуросон ўғлидур. Ва Кирмон ва Макрон Мисол ўғлонлари. Ва учунчи ўғли Асва-дурким, Аҳвоз ва Паҳлу анинг ўғлонларидур. Ва Форс Паҳлунинг ўғлидур. Ва тўртинчи ўғли Будаздурким, Озарбайжон ва Арон ва Арман ва Фаръон анинг ўғлонларидурлар. Ва бешинчи ўғли Овадурким, Од ва Самуд қавми анинг наслидиндурлар. Ва олтинчи ўғли Сағрдурким, Шом ва Рум анинг ўғлонларидурлар.

Ҳомни ҳам баъзи пайғамбар дебдурлар. Аммо чун Нуҳ а. с. анга Ҳинд мамоликин муқаррар қилиб, ул навоҳийға юборди, Ҳомнинг авлоди ул васиъ мулкда ёйилдилар. Ва анинг тўқуз ўғли бор эрди: Ҳинд, Синд, Нуба, Канъон, Куш, Қибт, Барбар, Риҳ, Ҳабаш. Ва бу тўқуз кишининг авлоди кўп бўлди ва ароларида ўн секиз луғат пайдо бўлдиким, бири яна бирининг луғатин яхши англамаслар эрди. Баъзи дебдурларким, бу жиҳатдин ҳар луғат аҳли бир мулкка мутафарриқ бўлдилар. Аммо асли будурким, Ҳом авлодиға ул иқлимдағи мамоликни бериб узатти, анда аларнинг табаъи кўп бўлди, Алфозлари мутанаввеъ бўлуб, Бухтуннаср ва Намруд икаласин дерларким, Ҳомнинг Куш отлиғ ўғли наслидиндурлар. Бу тарихни мутолаа килур маходим арзиға еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуъдин паришонроқ ер йўқтур. Асру кўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдурким, битмоки ўҳур элга мужиби тараддуд бўлур. Ул жиҳатдин баъзи муътабар кутубдин ушмунча сўз била ихтисор қилилди.

Ҳуд а. с. Тарих аҳли баъзи дебдурларким, Нуҳ замонидан Иброҳим салавоттуллоҳ алайҳ замониғачаким минг ики юз йил бўлғай, Ҳуд била Солиҳ а. с. дин ўзга пайғамбари мабъус бўлмади. Ва Ҳуд а.с.нинг нисбатин мундоқ дебдуларким, ул Абдуллоҳ бинни Рамоҳ бинни Ҳорис бинни Ҳорут бинни Аваз бинни Эрам бинни Сом бинни Нуҳнинг ўғлидур. Ва аксар кутубда ани Обир бинни Солиҳ бинни Арфаҳшод бинни Сом бинни Нуҳ дебдурлар. Они Ҳақ субҳона ва таоло Од қавмиға йиборди. Ва ул қавм бағоят бийик бўйлуғ ва азим кучлук халқ эрдилар ва аларнинг ойини бутпарастлиғ эрди. Ишлари кўп нима емак ва фисқ эрди. Ҳуд а. с. эллик йил аларни имонға даъват қилди. Алар ғафлат ва жабборлиғдин анинг сўзин эсламадилар, ўз ноҳамворлиғларидин тажовуз қилдилар, магар қалилким, иймон шарафиға мушарраф бўлуб, иймонларин ул қавм ваҳмидин махфий

тутарлар эрди. Ҳуд а. с. алар ишидин ожиз бўлуб, балки навмид бўлғондин сўнгра, алар бобида ёмон дуо қилди. Ва ул дуо мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни қаҳат балосиға мубтало қилди. Ул навъким ети йил ёғин ёғмади. Доғи рудхона ва булоғлар қуруди. Ул чоғда маъҳуд бу эрдиким, ёмғур ёғмаса, Макка ҳарамиға бориб, қурбон қилиб, ҳақ таолодин ёғин истидъо қилур эрдилар. Луқмон бинни Одни неча киши била ул қавм ёмғур дуоси учун Маккага юбордилар. Ва Луқмон ҳам ёшурун иймон келтуруб эрди, аммо ароларида баъзи кофир эрди. Алар дуо қилғоч, уч пора булут пайдо бўлди: бирининг ранги оқ ва бирининг ранги қизил, бирининг ранги қаро. Доғи осмондин ун келдиким, Од қавмиға қойси булут керак? Луқмоннинг ул рафиқиким кофир эрди, бу тамаъ билаким, қаро булут сувлуқ бўлур, қаро булутни қавми учун тилади. Тенгри таоло анинг истидъоси била муродин берди. Ва ул сарсари эрдиким, ани риҳул ақим дебдурлар, Од қавмиға етти кеча ва секиз кун эсти. Андоқким, иморатларин йиқти ва йиғочларни қўнғорди. Ул қавмким ўз кучлариға мағрур эрдилар, хошокдек совуруб, тоғ ва тошға уруб, борисин ҳалок қилди. Ва бу ҳол шаввол ойида бардул-ажуз вақтида эрди.

Ҳуд а. с.нинг умрида ихтилофдур. Аммо «Соҳиби гузида» – куффор дафъидин сўнгра, эллик йил тирик бўлубдур, юз эллик яшағондин сўнгра, оламға видоъ қилди. Ибрий тил била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштақдур. Араб Ҳуд деди. Яъни, Банийул-лоҳдир. Муъжизоти кўптур. Ул жумладин бири Од кавмининг дафъи эрди.

Р у б о и й:
Ул қавми азим дедилар они Од,
Сардорлари Шадид ёхуд Шаддод.
Бир дам елидин оқибат ул аҳли инод,
Хошок каби борчаси бўлди барбод.

Солиҳ а. с. Они ҳақ субҳона ва таоло Ҳуд а. с. дин сўнгра Самуд қавмиға мабъус қилиб йиборди ва Самуд қавми Одийлардин бурун Ҳижардаким, Ҳижоз ва Шомнинг орасидадур, муқим эрдилар ва Од қавмининг заволидин сўнгра Самуд қавми аларнинг мулкиға бориб, бузулғон иморатларин ясаб, салтанат маснадида ўлтурдилар. Ва Тенгри таоло аларға онча мол ва жоҳу фароғат насиб қилдиким, ҳадду ҳасрдин ўтти. Бу жиҳатдин ғурур димоғлариға йўл топиб, жаҳл ва ғафлатдин гумроҳ бўлуб, ҳақ таоло амр ва наҳйидин бўюн тўлғоб, бутпарастлик ихтиёр қилдилар. Ва азим фисқу фужурға иштиғол кўргуздилар. Аларнинг ҳидоят танбеҳи учун Солиҳ а. с. мабъус бўлди. Ул қавмни туз йўлға далолат қилиб, ҳеч ким қабул қилмади. Кўп муддат ул ҳазрат

насойиҳ ва мавоиз ва ваъду ваъид кўргузди. Оз киши алардин анинг диниға майл қилдилар. Аммо Солиҳ а. с. тангри таоло ҳукми била алар даъватидин илик тортмас эрди. Алар ожиз бўлғондин сўнгра, Солиҳдин ғариб муъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чиқорғил. Солиҳ а. с. дуо қилиб, ҳақ таоло ул тошни шақ қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чиқти. Бовужуди мундоқ ҳол ул гумроҳлар нубувватиға муътариф бўлмадилар ва Солиҳ а. с. теваси ўтуз йилғача мавжуд эрди. Оқибат Самуд қавми ул тевани неча киши йибориб ўлтурттилар ва бўтаси қочиб тоғ сори юзланди. Солиҳ а. с. ул қавмға айттиким, бу бебокликким сиздин воқеъ бўлди, ҳақ таолодин мунинг интиқоми сизга бу бўлғусидурким, уч кунгача бир кун юзларингиз сориғ бўлғусидур, икинчи кун тийраликка мойил бўлуб, учунчи кун тамом қорарғусидур, деб уйига юзлонди. Ноқани ўлтургон бадбахтлар Солиҳ а. с.ни доғи ўлтурур қасди қилиб, Солиҳ а. с.нинг уммати айттиларким, ул бир сўз айтадурким, анинг мавъиди йироқ эрмас, тонглағача таҳаммул қилинг, осори зоҳир бўлса, ҳарне қилсангиз билурсиз. Бу сўз аларға маъқул кўрунуб қойттилар. Аммо Солиҳ а. с. деган йўсун била уч кунда уч аломат зоҳир бўлур. Ва ул қавмға ҳолате зоҳир бўлдиким, ўзларин изтироб бирла ерга урарлар эрди, ногоҳ Малакут оламидин бир маҳобатлиқ ун келдиким, борчалари ҳалок бўлдилар. Баъзи кутубда мундоқ дебдурларким, бир заифаким, оти Вазиъа эрди ва аёғ-илки мафлук ва Солиҳ а. с.ға доим тил текурур эрди, ўлмай қолди ва тани дуруст бўлуб, ул диёрдин водиюл-қарияға келди ва халойиққа ҳақ субҳона ва таолонинг қаҳҳорлиғ баҳри мавжға тушуб, Самуд қавмини фасод ва макони эгримида ғарқа қилғон ерга етиб, сув тилаб ичкондин сўнгра, ҳамул гирдобқа чўмди. Ривоятдурки, ул қавмдин Абузуъол отлиғ бир киши Макка ҳарамида тирик қолди. Ҳарамдин чиқғоч, ўлди ва анинг бир шох олтуни бор эрди, ҳамул олтун била дафн қилдилар. Неча минг йилдин сўнгра ҳазрат Рисолат а. с. замонида ул ҳазрат ул ердин ўтар эрдиким, асҳобқа айттиким, бу ер Абузуъолнинг мадфанидур. Ва Солиҳ набий ва Самуд қавмин қиссасини айтти ва ул шох олтундин ҳам хабар берди. Асҳоб ул ерни шақ қилиб, олтун мавжуд эди, олдилар. Солиҳ а. с.нинг умри ики юз сексон йилға етти. Шариати Нуҳ а. с. шариати эрди. Ва мадфани ҳарам яқинида Дорун-надвада, баъзи Рукн била Мақом орасида ҳам дебдурлар.

Р у б о и й:
Солиҳ келди Самуднинг қавми чоғи,
Толиҳ эдилар бу қавм боштин аёғи.
Бу турфаки, чарх золининг ўйнамоғи,
Толиҳни доғи қўймади, Солиҳни доғи.

Хантила бинни Сафвон Қаҳр бинни Қаҳитон ўғлидур. Они Тенгри таоло Асҳобур-расқаким, Каломуллоҳда мазкурдур, йиборди. Ва Рас подшоҳе эрди Самуд наслидин. Мағриб заминда ул яздонпараст эрди. Охиратул-умр ва вусъат салтанатдин димоғиға ғурур юзланди, Тенгрилик даъвоси қилди. Анинг замонида эронлар ливота қилиб, баҳойим била жамъ бўлур эрди. Ва хотунлар чарм ва теридин олат ясаб, ўзларига истиъмол қилурлар эрди. Ва ҳоло гўёки бу навъ зуафони рас ҳам дерлар. Ва баъзи ўзларини бир-бирига суртуб таскин берурлар эрдиким, аларни саътарий ҳам дерлар. Хантила ул қавмни бу афъолдин манъ қилди ва ҳақ таоло убудиятиға даъват қилди, қабул қилмадилар. Ҳаддин ўткондин сўнгра дуо қилдиким, аларнинг сувларин қурутти ва алар Хантила дуосидин билиб, анинг қасдиға черик тортиб, ул доғи атбоин йиғиб, Тенгри таоло ҳукми била Расқа ўтру юруди. Рас черики бир ўққим Хантила сори оттилар, ҳақ таоло қудратидин ул ўқ ёниб, отқан кишига тегиб, ани ҳалок қилди. Чун ул ботил сипоҳ ҳалок бўлдилар, Рас қочиб, бир мис ва рўйдин ясағон кўрғонға кирди, аммо фойда бермади. «Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин»**10** мазмуни била Азроил руҳин қабз қилди ва жаҳаннам сори йиборди. Соҳиби гузида бу навъ битибдурким, аммо Мавлоно Мирхонд «Равзат ус-сафо»да Солиҳ а. с. зикридин сўнгра Зулқарнайн Акбар қиссасин битиб, мундоқ баён қилибдурким, аксар аҳли тарих Нуҳ а. с.дин сўнгра ва Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳдин бурун Ҳуд била Солиҳ а. с.дин сўнгра ўзга пайғамбар бўлмайдур дебдурлар. Аммо салтанатдин баъзининг каломи мунга машъардурким, бу мобайнида Зулқарнайн Акбар нубувват мартабасиға мушарраф бўлубдур. Невчунки, мужоҳид Абдулло бинни Умар разийОллоҳу анҳумодни нақл қилибдурким, Зулқарнайннинг нубувватиға бир далил будурким, тангри таоло ўз каломида «ва қулно ё Зулқарнайн»**11**, деб анбиё дастури била хитоб қилиб, баъзи яъжуж дафъи учун сад боғлабдур ва яъжуж ва маъжуж сифотида доғи муболағалар кўргузубдур. Бу фақир қаламиға ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир қилғай. Ул ғаройибқа иттилоъ тилаган киши мабсут таворихда ўқуб, маҳзуз бўлғай. Ва лекин Банокатий таворихида Нуҳ била Иброҳим а. с. орасида ўн киши битибдурким, салтанат қилдилар. Ва бу ўн кишининг замони ики минг етмиш секиз йил ортуқ ё бирор нима ўксукрак дебдурлар. Ва аларнинг асомийси: Сом бинни Нуҳ, Арфахшад бинни Шолиҳ Синни Фолаҳ бинни Обир, Аръави бинни Фолаҳ бинни Солиҳ бинни Обир, Аръови бинни Фолиҳ бинни Солиҳ, Аргутохур бинни Соруғ, Торах бинни Моҳава. Гўё ўнунчи киши Иброҳим а. с. дур. Дерларки, Иброҳим бинни Торах битибдурким, кўпрак анбиё ва салотинни булар наслидин

теъдод қилибдурким, шарҳининг тули бор ҳам паришонлиғи.

Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
«Шаҳнома»нинг ул навъки лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.

Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳ улул-азм битибдурлар. Отас Озар эрдиким, ани Торах ҳам битибдурлар. Ва бу Озар Куфанинг Кавсармо отлиғ кентидиндур ва Иброҳим а. с.нинг валодати Самуд бинни Канъон бинни Куш бинни Орам бинни Сом бинни Нуҳ замонида эрди. Бу Намруд тарих аҳлининг иттифоқи била тўрт кишиким оламда салтанат қилдилар, бири улдур. Бу тўрт кишидин икиси пайғамбардурлар. Бири Зулқарнайн, бири Сулаймон а. с. Ва яна икиси кофирдурлар – бири Намруд, бири Бухтуннаср. Ва баъзи булардин ўзгани ҳам дебдурлар. Намруд замонининг коҳин ва мунажжимлари анга арз қилдиларким, бу йил бир нутфа раҳмға борадурким, ул киши мутаваллид бўлса, сенинг заволингға боисдур. Ул ҳукм қилдиким, ҳеч киши ул йил хотуни била мубошират қилмасун ва борча халойиқни зуафодин ойириб, ҳар ўнни бир амин кишига топшурди. Ва нужум аҳли бир кунни таъйин қилдиларким, ул кун ул муборак зот ота пуштидин она қорниға интиқол қилибдур. Намруд ўзи Бобил шаҳридинким пойтахт эрди, чиқиб буюрдиким, ҳсч киши шаҳрда қолмасун, борча халқ анинг била чиқғондин сўнгра, шаҳрда зуафо доғи чўқ -чўқ матофларға сайрға машғул бўлди. Озар Намрудға мулозим эрди ва шаҳрнинг бир дарвозасиға они қўюб эрди, иттифоқо анинг завжаси бу дарвозадин сайрға озим эрдиким, Озар кўруб анга мойил бўлди ва хилватқа киюруб, анинг била жамъ бўлди. Заифа ҳомила бўлди, аммо ёшурур эрдилар. Ҳам Озар ва ҳам ҳомила то ҳамл вазъининг вақти етти, Озарға жуфти айттиким, манга бу иш суубат била бўлғусидур. Улуғ бутхоналарға бориб, алардин тазаллум била менинг учун дуо қилким, жоним саломат қутулсун. Тифл мутаваллид бўлғач, сенга хабар қилдурой. Ва Намруд коҳинлар хабари билаким, ул тифл бу ёқинда мутаваллид бўлур деб эрдилар, ҳукм қилиб эрдиким, ҳар тифл мутаваллид бўлғоч, ўлтурсунлар. Баъзи етмиш минг, баъзи юз минг тифлни дебдурларким, ул шумнинг ҳукми била ўлтурдилар.

Чун Иброҳим а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани ёшуруб, Озарға хабар қилдиким, тифл ўлук тушти ва дафн қилдуқ. Ва Озардин ёшурун нақб ичинда анга парвариш берур эрди. Бир ривоят ҳам борким, онаси Намруд ваҳмидин ани бир ғорда асрар эрди. Ҳар тақдир била чун Иброҳим а. с. бўлуғ ҳаддиға етти, онаси анга дегнича андин кўп ғариб аҳвол мушоҳада қилур эрди, то улким онасидин бир кун сўрдиким,

манинг парвардигорим кимдур? Онаси дедиким: – мен, Дедиким: – санинг парвардигоринг кимдур? Дедиким: – отанг. Айтти ким: анинг парвардигори кимдур? Дедиким: Намруд. Деди: Намруднинг парвардигори кимдур? Айтти: олам аҳлининг парвардигори. Айтти: Намруднинг шакли яхшироқдур ё отамнинг? Деди: – отангнинг. Деди: – отамнинг ҳусни кўпракдур ё санинг? Деди: – манинг. Дедиким: – санинг чиройинг яхшироқдур ё манинг? Дедиким: – санинг. Иброҳим а. с. айттиким, парвардигор ўзидин яхшироқни яратмоқ бўлмас. Онаси мутаажжиб бўлуб, Озарға кайфияти ҳолдин хабар қилди. Ва Озар ул Намруд ҳукми ижросиға – Иброҳим а. с. қатлиға озим бўлуб, муборак юзин кўргач, оталиғ муҳаббати ани ул хаёлдин ўткорди. Ва Иброҳим а. с. парвардигори талабида саъй қилди. Бир кеча бу фикрда эрди, ҳар кавкаб тулуъ қилса, «ҳозо рабби»[12] ишорати била хушҳол бўлуб, ғуруб қилғоч, навмид бўлур эрди. То қуёшқа навбат етти, андин доғи маъюс бўлуб, «фаламмо афалат қола ё қавми инни бариун мимма тушрикун»[13] каримаси била мутаранним бўлуб, муборак замири анвори ҳидоят била боруди. Алқисса, Иброҳим а. с. ул вақтнинг бутларин билиб, иҳонат қилиб, элни Тенгри таолоға даъват қилди. То хабар Намрудқа етишти, Намруд мутараддид бўлуб, анинг иҳзориға ҳукм қилди. Иброҳим а. с. Намруд боргоҳиға киргоч, анга эл дастури била сажда қилмади. Намруд мутағаййир бўлуб, анга саждаға бош индурмагонининг сабабин сўрди эрса, Иброҳим а. с. айттиким, мени биров яратибдурким, тирикни ўлук, ўлукни тирик қилур. Намруд дедиким, мен ҳам бу ишни қилурмен. Буюрдиким, зиндондин ики киши келтуртуб, бирин ўлтурди, бирин озод қилди. Иброҳмўмининм а. с. бу навъ ўлтурмак ва тиргузмакни мусаллам тутмай, дедиким, менинг парвардигорим кунни машриқдин толеъ қилур, сен агар мағрибдин толеъ қилсанг, даъвингни мусаллам тутай. Намруд бу ҳужжатдин ожиз бўлуб, Иброҳим а. с. ул мажлисдин чиқиб, халойиқни илойина юзидин Тенгри таолоға далолат қилиб, даъватин фош қилди. Ривоятдурким, бир кун куффорнинг ийди эрдиким, борча ийдгоҳлариға чиқарлар эрди, Иброҳим а. с. бир баҳона била шаҳрда қолди. Доғи болту олиб, куффорнинг бутларин доғи ушотти, болтуни бутларнинг улугроғининг бўйнидин осиб, куффор келгондин сўнгра, ул ҳолдин бағоят музтариб бўлуб, таҳқиқ қилдилар. Иброҳим а. с. шаҳрда қолғонни билиб, ани мухотаб қилдиларким, бу ишни сен қилибсен. Ул айтти: – улуғ бутким болту анинг бўйнидадур ул қилди. Дедиларким, анинг жони ва ҳаракати йўқтур, бу иш қилғоли нечук бўлғай? Иброҳим а. с. айттиким, бир нимаким анинг мунча қудрати бўлмағай нечук Тенгриликка шойиста бўлғай? Бу сўздин дағи куффорни илзом қилиб, кўп киши анинг динига кирдилар. Чун бу сўз Намрудға етишти, билдиким, мунажжимлар хабар

берган киши Иброҳим а. с.дур. Ани маҳбус қилиб, ҳукм қилдиким, ғалаба ўтун йиғиб, ўт солдиларким, Иброҳим а.с.ни ул ўтқа солиб ўртагайлар. Ўтнинг ёқиниға киши бора олмас эрдиким, ани ўтқа солғайлар. Оқибат манжаниқ била ўт ичиға оттилар. Нақлдурким, ўтқа етмасдин бурун Жабраил а. с. келиб сўрдиким, ҳожатинг недур? Иброҳим а. с. дедиким, санга ҳеч ҳожатим йўқтур, анга ким ҳожатим бор. Ул вақтдур ҳақ таоло малоикага Иброҳим а. с.нинг сидқу таваккулин кўргузуб, ҳар ойинаким ўтни анга гулистон қилди, Намруд гумроҳға асар қилмай, Иброҳтм а. с.ни Бобил шаҳридин ихрож қилдурди. Иброҳим а. с. Сора билаки амузодаси ва жуфти эрди, Мисрға борди. Сибон бинни Аълвонки Миср подшоҳи эрди, Сораға тамаъ қилиб, Иброҳим а. с.дин олди. Узр юзидин анинг сори илик сунғоч, илики тутмас бўлди. Сораға узр қулуб, Ҳожар отлиғ канизак берди. Ва ул ҳолда Иброҳим а. с. кўзидин ҳижоблар рафъ бўлуб, Соранинг поклигига мутталиъ эрди. Чун Сора Иброҳим а. с. қошиға кирди, Мисрдин Фаластинға борди. Анда қаҳат эрди. Қулларин Халил Мисрий отлиғ дўстиға йибориб, қувват тилади. Ул бетавфиқ нима бермай, қулларни маҳрум қилиб қайтарди. Алар қопни қум била тўлдуруб келтуруб, Иброҳим а. с.ға кайфиятни айттилар. Иброҳим а. с. хижолатдин уюқламади. Ҳақ таоло ул қумни буғдой қилди. Ҳожар андин ёрғучоқ била ун қилиб, ўтмак пишурди ва Иброҳим а. с.ни уйғоттиким, таом егай. Иброҳим а. с. сўрдиким, ўтмакни қайдин олдинг? Ҳожар дедиким, қоптоғи ундин пишурдум. Иброҳим а. с. билдиким, тангри таоло ул сунъани кўргузубдур ва ул буғдойдин баъзисин экиб, тангри таоло онча баракат бердиким, Иброҳим а. с.ға бағоят кўп мол ҳосил бўлди ва меҳмондорлиғ шиъор қилди. Намруд жаҳлдин бир сандуқнинг тўрт поясиға тўрт қочирни боғлаб, ўзи сандуққа кириб, тўрт юқори гўшасида ит боғлаб, каркаслар ит сори майл қилиб ҳаволандилар. Осмон сори ўқ отиб, ўқни ҳақ таоло хунолуд анинг сандуқиға тушурди. Ва ул нодон тангри таолони ўқладим деб каркасларни юқори ёниға боғлаған итларни қуйи ёниға боғлаб, ерга инди. Ва гумроҳроқ бўлуб, Тенгрилик даъвосин кўпрак қилди. Ва баъзи Намрудни Ковис дебдурлар. Оқибат Иброҳим а. с. дуоси била Намруднинг сипоҳин паша хайли ҳалок қилди, еллар азоб била ани дағи ҳалок қилди. Ривоятдурким, ул паша Намруднинг мағзиға қасд қилса эрди, анинг монглайиға анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясатти. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошиға бир карак урғай, то бу азоб била жаҳаннамға борди.

Душмани хоксор жоҳилким,
Ҳаққа даъвойн иштирок этти.
Кўрки, ҳақ ғайратин не навъ опи,
Сарзанишлар била ҳалок этти.

Сора Ҳожарни Иброҳим а. с.ға бағишлади ва Иброҳим а. с.ға сексон ёшарғонда Тенгри таоло Исмоил а. с.ни берди ва Сора рашкдин Ҳожарға фитнани вожиб қилди. Ва Исмоил а. с.чун ики ёшади, Сора бетаҳаммул эрди. Иброҳим а. с. Ҳожар била Исмоил а. с.ни элтиб, бир биёбондаким, ҳақ таоло ўз каломида «Водин ғайри зи заръин»14дебдурки, Макка еридур, қўйди. Аларнинг мақдами баракатидин анда Зам-зам суйи пайдо бўлди ва халойиқ ул сув жиҳатидин кўп йиғилдилар. Ва Исмоил а. с анда парвариш топти ва журҳум аҳли анда йиғилдилар ва Иброҳим а. с. Каъба уйини анда бино қилғуси. Бу қисса бу ерда турсун, биз Лут а. с.нинг қиссасини шарҳ қилиб, иншо аллоҳ яна бу қисса бошиға келоли.

Лут а. с. Иброҳим а. с.нинг қардоши Ҳорун ўғли эрди. Тенгри таоло анга нубувват каромат қилиб, Муътафикот аҳли ҳидоят ва иршодиға йиборди. Ва Муътафикотни баъзи беш шаҳр ва баъзи ети шаҳр дебдурлар ва баъзи аҳли тарих бу шаҳарларни Сийстон била Кирмон орасида дебдурларки, ҳоло Лут биёбониға машҳурдир. Ва баъзи Арди навоҳийсидаким, Шом мулкида дебдурлар. Ҳар тақдир била Муътафикот шаҳри аҳли ливота шаҳватиға машъуф эдилар, бутпараст ҳам бор эрдилар. Лут а. с. ул мулкка бориб, неча вақт аларни Тенгри таоло ибодатиға далолат қилди. Ҳеч киши қабул қилмади ва ул ҳазратқа кўп изо ва малолат алардин етишти. Ва ул шумларғаки ғурабо алар мулкига убур қилурлар эрди ва шаниъ амр иштиғолиға қасд қилурлар эрди ва Лут а. с. Иброҳим а. с.дек зиёфат амриға машғул эрди, ҳар киши анга меҳмон бўлса эрди, ул палид қавм бу навъ ишга қасд қилур эрдилар. Лут а. с ожиз бўлуб, дуо қилди. Малоикани ҳақ таоло мард йигитлар суратида Лут а. с.ға меҳмон юбордиким, Муътафикотни бузғайлар. Ул қавм Лут а. снинг меҳмонлари қасдиға майл қилдилар. Лут эшикин боғлаб, алардин ул кеча муҳлат тиладиким, тонгла аларни топшурай. Ёрим кеча малоика ўзларин Лут а. с зоҳир қилиб, буюрдиларким, қўпунг ва бу шаҳрдин чиқинг. Лут а. с табаи била шаҳрдин чиқдилар. Жабраил а. с. ул шаҳрларни ердин қўнғориб, осмонға элтиб, сарнигун ерга урди ва ул элдин ҳар кишиким, ҳар қайда бор эрди сижжил тоши ёғиб, борисин ҳалок қилди. Ҳаттоки, Лут а. с: нинг жуфти ул қавмдин эрди, ул тошдин ҳалок бўлди Ва Лут а. с.нинг даъвати муддати йигирма йил ва бир нима. Ва баъзи ўтуз йил дебдурлар. Ва марқади Иброҳим а. с ёнида бўлди.

М а с н а в и й:

Гар Лут ва гар ливота аҳли-
Ким кетгали келдилар жаҳонға.
Кўргузмади бу жаҳони ғаддор,
Не яхшиға меҳр, не ёмонға.

Исмоил а. с. пайғамбари мурсал эрди. Ҳақ таоло Иброҳим а. с.ға йиборғандаким, Иброҳим а. с. Соранинг хотири учун ани Ҳожар била Макка биёбониға элтиб қўйғони мазкур бўлди. Анда Исмоил а. с. улғойиб, табъ пайдо қилди ва дойим овға майл қилур эрди. Иброҳим а. с. Шомдин Маккага келиб, гоҳи андин хабар тутар эрди. Бир қотла келганда, Исмоил а. с овда эрди, анинг уйига бориб, аҳволин сўрди. Ҳарами Иброҳим а. с.ни зиёфат қилмай, бепарволиғ била ани узотти. Иброҳим а. с. айттиким, Исмоил келса, айтқойсенким, эшигинг пошнасиға тағйир бергайсен деб. Исмоил а. с. келганда, заифаси айттиким, бу сифат била биров келиб эрди, санга бу навъ сўз эълом қилди. Исмоил а. с. билдиким, отаси эркандур. Ҳамул замон ул хотунни талоқ қилди, яна бировни никоҳ қилди. Яна бир йил Иброҳим а. с. Маккага келди ҳам Исмоил а. с. овда эрди. Аммо бу хотуни Иброҳим а. с.ға кўп таъзим қилиб, зиёфат истидъоси қилди. Иброҳим а. с. айттиким: Исмоил келса, айтгилким, эшигингнинг яхши пошнаси бор, тағйир бермагайсен. Исмоил а. с. келгач, маҳрами бу сўзни айтти. Исмоил а. с. билдиким, отаси бу заифадин рози бориб, сипориш қилибдур. Ани азиз ва муҳтарам тутти. То улки Иброҳим а. с. Маккага келиб мақом тутти ва юз яшаганда, ҳақ таоло Сорадин Иброҳимға Исҳоқ а. с.ни каромат қилдиким, ул оятки «Алҳамду лиллоҳиллази ва ҳабали алал кибари Исмоила ва Исҳоқа»15 андин хабар берур. Ва Иброҳим а. с.ға Жабраил башорат бердиким, минг пайғамбар Исҳоқ наслидин мутаваллид бўлғай. Иброҳим а. с. муножот қилиб дедиким, худоё, чун Исҳоққа бу навъ улуғ мавҳибат каромат қилдинг, Исмоилни ҳам бир махсус иноят била баҳраманд қил. Хитоб келдиким, охируззамон пайғамбари саллооллоҳу алайҳи васалламким, коинот офариниши ва мавжудот парваришиға анинг шариф зотининг хилқати сабабдур, Исмоил а. с. наслидин бўлғусидур. Иброҳим а. с. шодмон бўлуб, тангри таоло ҳазратида шукр қоидасин бажо келтуруб ва Маккада Каъба уйин бино қилди.Ва ул уй тамомға еткондин сўнгра, манқулдурким, шукр қилиб, учасин Каъба девориға қўюб, тафохур қилдиким, бу уйин туготдим деб. Хитоб келдиким, бир очниму тўйғорибсен ё бир ялонғочни буткорибсенким, мубоҳат қиладурсен!

Андин сўнгра Иброҳим а. с. билгачким, бу ики ишнинг не миқдор қурби ва фазилати бор эрмиш, меҳмонхона ясаб, эл зиёфатиға муболаға

кўргузди ва Тенгри таоло амри била қурбонға маъмур бўлди. Исмоил а. с.никим, қурратул-айни эрди, Тенгри ризосн учун Мино тоғи устида аёғ-илкин боғлаб, қурбон қилурға пичоқ бўғзиға сурди. Ва ҳақ таоло анинг сидқи баракотидин қурбонин қабул қилиб, биҳиштдин Исмоил а. с. эвази Жабраил а. с.ға амр бўлдиким, қўчқор келтуруб, Иброҳим а. с. ани қурбон қилди. Ва Исмоил а. с. Ҳазармавт аҳлиға ҳидоят учун маъмур бўлди ва ул халойиққа эллик йил насиҳат қилиб, Тенгри таоло йўлин кўргузди, қабул қилмадилар магар оз киши. Ва Иброҳим а. с.нинг умри ихтилофида юз тўқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қарийясида Тенгри таоло раҳматиға борди ва ани Сора ёнида дафн қилдилар. Лақаби Халилуллоҳ ва Халилул-раҳмондур. Ва куняти Абуз-Зийфон ва Абул-Ан-биё ва Абул-Муҳаммаддур. Санъати деҳқонлиқ. Ва Иброҳим Абу роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота. Анбиёға миллат отасидур.

Шеър:
Гар Иброҳиму Исмоил бўлсун
Ки, ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Бу фоний дайрда чун қилди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур.

Исҳоқ а. с. пайғамбари мурсалдур. Ҳақ таоло ани Шом аҳлиға йиборди ва ул Шом халойиқин Тенгри таолоға далолат қилди. Ва анинг ики ўғли бор эрди. Руфақодинки амузодаси эрди. Биринг оти Иъйс, биринг Яъқуб. Ва Шомда Исҳоқ а. с. кўзлари нобино бўлди ва фарзандларидин Иъйс овға мойил эрди. Яъқуб а. с. қўй асрамоққа ва Исҳоқ а. с.нинг муҳаббати Иъйсға кўп эрди ва руфақонинг Яъқубқа. Бир кун Исҳоқ а. с.нинг кўнгли бирён майл қилди. Иъйсни тилаб, ул орзуни анга зоҳир қилди. Иъйс ўқ ва ёсин олиб, тоғ сори югурди. Руфақо бу ҳолдин воқиф бўлуб, Яъқуб а. с.ға бу ҳолдин хабар берди. Филҳол бир семиз ўғлоғни бирён қилиб, Исҳоқ а. с. қошиға келтурди. Чун анбиё уйи саодати анга насиб эрди, Исҳоқ а. с. анинг борасида дуо қилди ва мустажоб бўлди. Сўнграким, Иъйс ҳам ул таомни тартиб қилди. Исҳоқ а. с. дедиким, улча мен сенга тиладим, насиб бўлғай. Тенгри таоло Яъқубқа насиб қилди. Анга дуо қилдиким, салотин сёнинг наслингдин бўлғай. Ва баъзи дебдурларким, Собир пайғамбар сенинг наслингдин бўлғай деб ҳам дуо қилди. Ва Айюб а. с. Иъйс авлодидиндур ва Иъйсға бу мазкур бўлғон жиҳатдин Яъқуб а. с.ға хусумат пайдо қилди. Ва Яъқуб а. с. андин ҳаросон эрди. Ва Исҳоқ а. с. умри юз сексонга еткондин сўнгра Тенгри таоло ҳукмин буткорди ва Иброҳим а. с. ёнида дафн қилдилар. Ушбу йил Юсуф а. с. Миср азизи бўлди.

Н а з м:
Хизрға насиб ўлса ҳайвон зилоли,
Скандарга ичмакка йўқ эҳтимоли.

Яъқуб а. с. пайғамбари мурсалдур ва кўпрак анбиё анинг наслидиндур. Ва Исроил ани дерлар. Исҳоқ а. с. анга васият қилиб эрди, чун Яъқуб а. с.нинг Иъйсдин доғи азим хавфи бор эрди. Баъзи дебдурларким, ҳамул кечаким Исҳоқ а. с. бақо оламига юзланди, Яъқуб а. с. Канъондин махфий чиқиб, Шом диёриға азимат қилди. Ва бу сафарда бир кеча туш кўрдиким, Тенгри таоло анга хитоб қилиб, ул муқаддас ерда Байтул-муқаддас биносин қилурга башорат берди. Ва ул ернинг ободонлиги Яъқуб а. с.нинг авлод ва зурриёти ҳоким бўлуб, нубувват ва ҳукумат қилиб, халойиқни ўз ҳимоятларида мураффаҳул-ҳол асрарға ваъда қилди. Яъқуб а. с. уйғониб шодмон бўлуб, Исҳоқ а. с.нинг дуоси анинг борасида мустажоб бўлғонин билиб, йўлға тушти. Ва мароҳил қатъ қилиб, Лубноннинг мақоми Фидон дегаи ерга етиб маскан қилди. Ва Яъқуб а. с.нинг суҳбати Лубнонға мулойим тушти. Ва Яъқуб а. с. анинг Лаййо отлиғ қизин қулмоқ истидъо-си қилди. Чун ҳеч бу кадхудолиғ асбобиға дастраси нўқ эрди, ети йил анинг қўйчилиқ амрин бажо келтурди. Никоҳ вужудин мунга қарор бердилар: Мавъид еткоч, ақд қилғон кеча Роҳилниким улуғроқ қизи эрди, ақд қилиб берди, Яъқуб а. с.ға маълум бўлгач,. Лубнонга гила изҳори қилди. Ул айттиким, улуғ эгачи уйда қолиб, кичики хасм уйига бормоқ номуносибдур. Ва агар кўнглунг тилар Лаййоға вобаста бўлмоқ, яна ети йил хидмат ихтиёр қил, то ани ҳам санга мусаллам тутай. Яъқуб а. с. анинг муддаосини қабул қилиб, ети йилдин сўнг, Лаййони ҳам анга берди. Ва Лаййо ики канизакким, бири Фалиҳа ва бири Залифаға мавсум эрдилар, Яъқуб а. с. уйига йиборди ва ул шаръда ики эгачи-сингилни бир кишига никоҳ қилмоқ раво эрди. Мусо а. с. замонида мамнуъ бўлди. Ва аксар таворих аҳли иттифоқлари борким, Яъқуб а. с.ға Лаййодин олти ўғул бўлди: Рўбил, Шамъун, Яҳудо, Лови, Зарбун, Яшхар. Ва Роҳилдин Юсуф а. с. ва Ибн-Ямин мутаваллид бўлдилар ва Фалиҳадин Дон ва Нафқол ва Залифадин" Ков ва Ашира вужудқа келдиким, «Каломулло»да исбат лафзиким мазкурдур, иборат бу жамоатдиндур. Ва Яъқуб а. с.ға бу фарзандлар муяссар бўлғондин сўнгра, қўй ва сонир мавошии ванддин кўб жамъият ҳосил бўлди. Ва Канъонғаким ватан Маълуф эрди борди. "Баъзи дебдурларким, бир йил: Канъонда бўлғондин сўнгра, Ибн Ямин мутаваллид бўлди. Ва Яъқуб а. с. ғурбатдин ватанға келгандин сўнгра, Иъйс сафар ихтиёр қилиб, Рум сори мутаваж-жиҳ бўлди. Ва анинг Исмоил а. с. қизидинки амузодаси эрди, беш ўғли бор эрди. Биринг оти Рум эрдики, ул мулкни анинг оти била атарлар. Ва Рум қайсарлари анинг наслидиндурлар. Ул кунки

Иъйс Румда оламдин ўтти, Яъқуб а. с. доғи Канъонда оламға видоъ қилди. Ва Иъйснинг сўнгокин Жирунға нақл қилиб, обоси мақобири жаворида қундилар. Ва Яъқуб а. с. Иъйснинг ғурбати айёмида Канъон аҳли ҳидоятиға маъмур бўлуб, неча вақт рисолат амриға машғул эрди, то дори бақоға борди. Ва анинг баъзи ҳолоти Юсуф а. с. қиссасида ижмол била иншоаллоҳ мазкур бўлғай. Иншоаллоҳул-азиз.

Ш е ъ р:

Яъқубни ҳам сипеҳри пурфан,
Берди неча кун жаҳонда маскан.
Паймонайи умри чунки тўлди,
Даврон анга доғи узр қўлди.

Юсуф а. с. қиссаси андин машҳуррокдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғаробат ва ширинлиги учун акобир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳи асбобин тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар. Ул жумладин бири Фирдавсий Тусий ва яна бири ҳазрат махдуми Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ал-Жомий навваралоҳу марқадаҳуким, андоққим Юсуф а. с.нинг ҳусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур. Аларнинг доғи фазл ва камолиға васф ҳожат эмас. Яна хожа Масъуд Ироқий ҳам назм қилибдур ва балоғатнинг додин беribдур. Яна доғи азизлар мушғуллуқ қилибдурлар. Бовужуди булар бу бебизоатки, ҳам иборат роқимдиндур. Коми хотирға бу орзуни кечурурким, иншооллоҳ умр омон берса, турк тили била-ўқ кофурчун варақ узра хомани мушкин шамомани сургай. Ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосиға еткургай.

Ҳақ бу тавфиқни насиб этгай,
Ё насиб улча тангридин етган.

Бас, бу мухтасарға қиссани ижмол расми била адо қилмоқ ансабдур.

Юсуф а. с. бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб, андоққн ҳусн истиғною ғурурға муқтазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен қул бўлсам эрди, менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хиёл далолат бемисллиққа қилур, улким «лайса камислиҳи шайъун ва ҳувас-самиъул-басир»,16 анинг шаънидадур. Ҳақ таоло ғайрат кўргузуб, андоқ қилдиким, оғолари Юсуфни ўн ети қалб дирамға соттилар. Ва мунинг кайфияти бу эрдиким, Юсуф а. с. туш кўруб эрдиким, гунашу ой ва ўн бир кавкаб анга сажда қилдилар. Бу тушни Яъқуб а. с.ға айттиким. «Ваизқола Юсуфу лиабиҳи ё абати инни раайту

аҳада ашара кавкабан ваш-шамса валқамара раайтуҳум ли сожидина»17андин хабар берур. Яъқуб а. с. айттиким, бу тушунгни қардошларингдин ёшурким, алардин сенга осиб тегмагайким, бу тушнинг таъбири будурким, отаю она ва қардошларинг сенга муҳтож бўлғайлар. Чун тақдири олиҳи Юсуф а. с.нинг меҳнатлариға мутааллиқ бўлуб эрди, қардошлари ул тушни ва оталари таъбирин эшитиб, мутағаййир бўлуб, Юсуф а. с. қасдиға бел боғладилар. Ва ўзларин Юсуф алайҳиссаломға мушфиқ кўргузуб, Яъқуб а. с.дин ани гаштка элтурбиз деб ёзиға бориб, ани чоҳға солиб, кўнглокин қўй қониға булғаб, Юсуфни бўри еди деб, қонлиғ кўнглокин Яъқуб а. с. қошиға келтурдилар. Ва Яъқуб а. с.ни муҳлик мотамға ва ўчмас ўтқа солдилар. Ва ҳамул учурда ул чоҳ бошинда бир карвон тушуб, чоҳға далв солиб, анда биров бор эканин билиб, Юсуф а. с.ни чоҳдин чиқардилар. Ва қардошлари хабар топиб, ул карвонға бориб Юсуф а. с.ни бизинг қулумиздур дебким қочиб эди деб, ул қофиланинг улуғи билаким, оти Молик бинни Зиъар Хазоий эрди, ўн ети ё йигирми дирамға соттилар. Ва Молик бу савдодин масрур эрдиким, Мисрда анинг баҳосидин суд мутасаввар эрди. Юсуф а. с.да заъф ва шикасталиқ ул мартабада эрдиким, Моликнинг ул сўзин эшитиб, ўз-ўзи била айтур эрдиким, бу мусулмонким менинг баҳомдин ўзин хуррам қилибдур, бу ҳол билаким мен-мен ики оқчаға олғойларкин ул олибдур. То иш анга еттиким, Мисрда анинг вазни била ети қотла мушк вазн қилиб, Малик Раённинг хозиниким, Мисрнинг азизи эрди, Юсуф а. с.ни сотқун олди. Ва азизнинг Зулайхо отлиғ хотуни бор эрди, Юсуф а. с.ға ошиқ бўлди. Ҳар неча ўзин забт қилур эрдиким, ани хадқ маълум қилмағай. Аммо бетоқатлиғ инон-ихтиёрин иликдин чиқарур эрди, то улки Юсуф а. с. ға ишқин изҳор қилиб, қалб висол қилди. Юсуф а. с. ул матлубин имтиноъ қилиб, Зулайхоға Тенгри таолодин тасвиф қилди ва мавоиз ва насойиҳ изҳор қилди. Ва бу ҳолатда Юсуф а. с. ўн ети ёшида эрди. Чун Зулайхо Юсуф а. с.ни ул ишдин бағоят мужтаниб кўрди, ваҳмдинким азизға изҳор қилғай. Узи азиз қошида Юсуф а. с.дин шикоят қилдиким, Юсуф манга изҳори тааллуқ қилиб, висол орзуси изҳорин қилди. Азиз тафаҳҳус қилғондин сўнгра маълум қилдиким, Зулайхо ўз қилғонин Юсуф а. с.ға туҳмат қилибдур. Бу иш Миср аҳли орасида иштиҳор топти. Ва Мисрнинг ашрофининг зуафоси Зулайхоға таън тили узоттиларким, фалон канъони қулға ошиқ бўлуб, ўзин халқ тилига солибдур. Зулайхо ул ишда муҳиқ эрканин собит қилур учун тоин ва таннозларни зиёфат қилур учун истидъо қилиб, алар ҳузурида Юсуф а. с.ни мажлисда киюргач ва ул жамоат олида турунж ва турунж кесарга иликларида бичоқлар эрди. Юсуф а. с.ни кўргач, «Мо ҳозо башаро»18 деб анинг жамоли майидин андоқ лояъқил бўлдиларким, турунж ўрниға иликларин кестилар. Юсуф а. с. чиқғоч, ўз ҳолларидин

воқиф бўлуб, Зулайхони маъзур туттилар. Ва Зулайхо эл мазаннаси дафъи учун азизға илтимос қилдиким, Юсуфни зиндонда маҳбус қилиб ва бу ҳибсда Тенгри таоло Юсуф а. с.ға таъбир илмин каромат қилди. Зиндон аҳли туш кўруб, бир-бирига айтсалар эрди, таъбир қилур эрди ва ҳеч тахаллуф қилмоғондин зиндон аҳли мутаажжиб бўлур эрдилар. Малик Раён сувчиси бирла баковули анга заҳр берур таваҳҳумидин ёзгуруб, зиндонға йиборди. Алар Юсуф а. с. эл тушига таъбир қилурин кўруб, иттифоқ била ҳар бири ёлғон туш ясаб, Юсуф а. с.ға арз қилдилар. Сувчи тушини мундоғ дедиким, бир боғда уч хўша узум кўрдум, ул узумни сиқсам, филҳол чоғир бўлди ва ани маликка туттум, ичиб манга илтифот ва таҳсин қилди. Баковул тушини мундоқ айдиким, Малик матбахидин уч хонда нон бошим устида кўрдум ва осмондин қушлар бошимға қўнуб, ул нонларни едилар. Чун Юсуф а. с. ул иковнунг ғайбдин оғизлариға келгон сўзларнинг бирини неъмат ва бирини балийятқа дол кўрди, дедидим: «ло яътикумо таомун турзақониҳи илло наббаътукумо битаъвилиҳи»19, яъни сизга улча кўрубсиз етмагай. Магар улки хабар берурмен сизга. Уч кундин сўнгра сувчини малик Раён чиқориб, риоят ва тарбият қилур. Ва баковулнинг бу узридин осор алар айттиларким, биз бу тушни кўрмайдур эрдик, балки ясаб эрдук. Юсуф а. с. айттиким, тангри таоло тақдири менинг тақририм била мувофиқ тушубдур, боқи сиз билурсиз. Ва сувчиға айттиким, малик Раёнға бориб эътибор топсанг, мени соғундургайсен. Чун Юсуф а. с. мухаллиси учун Тенгри таолоға илтижо қилмай, махлуқни васила қилди. Ҳақ таоло ғайратдин яна йиллар ани зиндонда асради ва ҳамул уч кунда малик Раён баковул қатлиға ҳукм қилди ва соқийни тарбият қилди. Ва ул соқий ети йилғача Юсуф а. с.ни соғинмади. Бир кеча малик Раён туш кўрдиким, ети семиз ўйини ети оруқ ўй едилар ва ети тоза кўкарган хўшани ети қуруқ хўша чирмошиб, бетароват қилди. Ва бу туш таъбиридин муаббирлар била коҳинлар ожиз бўлдилар. Соқийнинг ёдиға Юсуф а. с. келиб, малик арзиға еткурди ва малик амри била бориб, Юсуф а. с.дин бу туш таъбирин сўрди. Юсуф а. с. айттиким, семиз ўйлар, тоза хўшалар тўқлуқ ва зироатлиғ йилға далилдур ва оруғ ўйлар била қуруқ хўшалар қаҳатлиққа дол. Ети йил қутлуқ бўлуб, яна ети йил қаҳатлиғ бўлғусидур. Бурунғи йилларда ошлиғингизни яхши асрангким, сўнгғи йилларда ярағай. Соқий бу таъбирни маликка айтти эрса, ҳақиқати анга маълум бўлуб, Юсуф а. с.ни тилади. Юсуф а. с. бормай эълом қилдиким, турунж била иликин кескан зуафодин истифсор қилғил. Малик тафаҳҳусқа машғул бўлуб, азизни ва Зулайхони ва ул зуафони тилади. Ва Зулайхо ул жамоат била Юсуф а. с. нинг поклигига тонуғлуқ. бериб ва азиз инфиолдин Зулайхони талоқ қилди ва Юсуф а. с.ни зиндондин чиқориб, малик қошига келтурдилар. Малик эъзоз қилиб муносиб ерда ўлтуртуб,

дедиким, бу тушум таъбирин манга санинг ўз тақрирингдин эшитур хотирим бор. Юсуф а. с. бурун анинг тушин айттиким, кўп нима малик унутуб эрдиким, ёдиға келмади. Бағоят мутаажжиб бўлуб, Юсуф а.с. дин таъбирин ҳам тилади. Юсуф а. с. таъбирин юқори ўтган дастур била айттиким, Малик азизни азл қилиб, азизлиғни Юсуф а. с.ға берди. Ва мулк ва хазоиннинг амини ва соҳиби ихтиёри қилди. Юсуф а. с. вилоят маъмур йилларда ошлиғини яхши муҳофазат қилиб, қаҳат бўлғон йилларда халойиққа сабаби ризқ бўлди. Ва қаҳат шиддати бир ерга еттиким, халойиқ бору йўқин, балки ўз нафсларин егуликка соттилар. Ривоят будурким, Юсуф а. с. жамиъ Миср элин сотқун олиб, қаҳатдин чиққондин сўнгра озод қилди ва Зулайхони ўз никоҳи ақдига киюрди. Ва бу вақтда Юсуф а. с. ўтуз ики ёшар эрди ва Зулайхо ўтуз ва бикр эрди. Невчунки, азиз айнайн эрди. Ва Юсуф а. с. га Зулойходин ики ўғул бўлди. Нақлдурким, қаҳат шиддати саъб бўлғандаким, атрофдин халқ ризқ учун Юсуф а. с.ға юз қўюб эрдилар, Канъон эли ҳам ул жумладин эрди. Ва Яъқуб а. с. Юсуф а. е. фироқида халқдин улфат узуб ва фарзандларин унси мунқатиъ қилиб, гўша тутуб, Байтул-аҳзон мақоми бўлуб эрди. Фарзандлари анинг рухсати била Мисрға ўзи учун мутаважжиҳ бўлуб, Ибни Яминни Яъқуб а. с. ўз қошида асрадиким, андин Юсуф а. с. иси топар эрди. Чун ўн оғо-ини Юсуф а. с. хизматиға етиштилар, бизоатларин арз қилиб, рўзи тиладилар. Юсуф а. с. алардин насабларини сўруб, оталарининг ҳолин тафаҳҳус қилиб, тирик эрконин билиб, Ибни Ямин ҳолин маълум қилиб, эҳтиром этиб, ошлиғ бериб, бизоатларин доғи ошлиғ ичига ёшурун солиб узотти ва айттиким, яна келсангиз, қолғон ишингизни олиб келингким, бу қотлоғидин кўпрак риоят қилай. Алар Канъонға келғондин сўнг, кайфиятни Яъқуб а. с. қошида арз қилиб, яна қотла Ибни Яминни, агарчи Яъқуб а. с. рози эрмас эрди, ўзлари била олиб Мисрға Юсуф а. с. мулозиматиға борғайлар ва Яъқуб а. с. хизматида ўткан ҳолотни тақрир қилдилар. Ва илтимос этдиларки, Ибни Яминни бир қотла алар била азиз қошиға йиборғай. Анга агарчи ул саъб кўрунди, аммо заруратдин Ибни Яминни йиборди ва бир руқъа битди. Иброҳим а. с.нинг дасторинки, ирс расми била Яъқуб а. с.ға қолиб эрди, Ибни Яминдин ҳадийя дастури била азиз хизматиға ирсол қилди. Ва аларға васият қилдиким, Мисрға бир дарвозадин кирманг. «Ло тадхулу мин бобин воҳидин вадхулу мин абвобин мутафарриқа»[20].

Алар Яъқуб а. с. буюрғон дастур била амал қилиб, азиз эшикига ҳозир бўлдилар. Азизға хабар бўлғоч, аларни тилаб таъзим била ўлтуртуб, Ибни Ямин руқъа била дасторни Юсуф а. с.ға таслим қилди. Юсуф а. с.ға муфрит нишот юзланиб буюрдиким, алар илайиға хон торттилар ва ҳар иков илайида бир табақ қўйдурди. Ва Ибни Ямин ёлғуз

қолди. Алардин ани ўз қошиға тилаб ҳамтабақ қилди. Чун Юсуф а. с. бурқаъ била эрди, алар тонимас эрдилар. Юсуф а. с. нинг тоқати қолмади, қориндошиға ўзин нозуклук била изҳор қилиб, мутағаййир бўлмай, даҳи ул жамоатқа кетурган улоғлариға кўра ошлиғ бериб ва олтун кайлким, жавоҳир била тарсиъ қилиб эрдилар, Ибни Ямин юкида ёшуртти. Алар Канъонга мутаважжиҳ бўлғондин сўнг, киши йибориб, юкларин ахтартиб соъни Ибни Ямин юкида топтилар ва Ибни Яминни олиб азиз қошига келтирдилар. Ва қардошлари ҳам анинг била қойтиб келдилар. Бу ерда ихтилоф кўптур. Ҳар тақдир била Юсуф а. с. Ибни Яминни олиб қолиб, қардошлари яна Канъонға бориб, Яъқуб а. с.ға Ибни Яминнинг ўғурлуқ қилиб, азиз ани асрагонин айттилар. Яъқуб а. с. нинг меҳнати ўтти ва фурқати шуъласи бирга минг бўлуб, бир йўли оёғдин тушти. Оқибат азизға бир руқъа битиб, Яҳудо ўғли Фориздин йиборди ва ўз ҳолиниким, Юсуф отлиғ ўғли фироқидин не суубатқа қолиб эрди ва Ибни Ямин фурқатидин не шиддатқа мусаххар бўлди деб арз қилди. Юсуф а. с. анинг жавобида ул навъ насиҳатомиз руқъа йибордиким, Яъқуб а. с.ға еткач, ўқутуб айттиким, бу мактубдин анбиё каломи ва русул пайғоми ҳолоти кўнгулга етишадур.

Яна ўғлонлариға Мисрға борурни таклиф қилиб, алар бизоати музжот била келдилар. Ва бу қотла Юсуф а. с. ўзин аларға зоҳир қилиб, кўп алтоф кўргузди. Аларни ўз қилғонларининг хижолати ва Юсуф а.с.нинг лутфу карами лол қилиб, Яъқуб а. с.нинг кўзи кўрмасин арз қилдилар. Юсуф а. с. ўз кўнглокин Яҳудодин Яъқуб а. с.ға йиборди. Яҳудо Мисрдин чиққоч, Яъқуб а. с. ул кўнглок исин Канъонда топиб, ҳуззорға зоҳир қилди. Аларнинг димоғи хиффатиға ҳамл қилиб, то Яҳудо эшитиб, Юсуф а.с.нинг ҳаёти хабарин ва саломатлиғин Яъқуб а. с.ға еткуруб, кўнглокни анинг юзига солди, ҳамул замон басир бўлғон кўзи бино бўлуб, шукрлар қилди. Ва Яҳудо борча ҳол кайфиятин анга арз қилиб, Мисрға борур сўзида эрдиким, Юсуф ъ. с.нинг расулларин азим яроғлар била етиб ва зурриётин Мисрға элтиб, Юсуф а. с.ға хабар еткоч, истиқбол қилиб ва Малик Раён доғи ул давлатни ғанимат била мувофиқат қилди.

Юсуф а. с.ға яқинлошқоч, Яъқуб а. с. маҳмилдин чиқиб, Юсуф а. с. анинг аёғига тушуб кўруштилар. Ва Мисрға келиб, Юсуф а. с. отаси, онасини тахт устида ўлтуртуб, ўзи алар ёнида ўлтуруб, қардошлариға улча қоидаи икром эди, бажо келтурди. Ва алар борча анга саждаи таҳийят қилдилар. Ва Юсуф а. с. Яъқуб а. с.ға айттиким, «ё абати ҳозо таъвилу руъкойа мин қаблу»[21]. Бир ривоят била ўн ети йилдин сўнгра, бир ривоят била йигирми тўрт йилдин сўнгра Яъқуб а. с. Тенгри таоло раҳматиға борди ва Юсуф а. с.ни васий қилиб эрди ва анинг васияти била Қуддусда Иброҳим ва Исҳоқ а. с. жаворида қўйдилар. Ва оз

фурсатдин сўнгра малик Раён ҳам оламдин чиқди. Ва анинг беаъмамидин Қобус отлиғ кофир мақҳур Миср тахтида салтанатқа ўлтурди. Юсуф а. с. бир неча йил ани исломға далолат қилди, бир тутмас эрди. Аммо Юсуф а, с.ни таъзим қилур эрди. Юсуф а. с. анинг даъватидин маъюс бўлуб, балки ўз авқотидин ҳам ҳавл, ҳақ таолодин муножотда обоу аждоди суҳбатин тилади. Ва ул дуо мустажоб бўлди, бани Исроилға ислом русухиға васийят қилиб, Фиръавн била Мусо а. с.дин хабар бериб, ул қавмнинг валийси Яҳудони қилиб, ўзининг мадфанини Нил рудида Мисрдин бир йиғоч йироқ муқаррар қилди ва дорулфанодин гулшани бақоға хиром қилди. Бани Исроил Яъқуб а. с. зурриётидур ва исбот ўн бир ўғли.

Ш е ъ р:
Борди Юсуф, қолмасди Қобус ҳам бўлмай адам,
Ичтилар жоми фано сиддиқ ҳам, зиндиқ ҳам.

Хизр а. с. ни мурсал дебдурлар. Ва ул Арфахшад бинни Сомнинг ўғлонларидиндур ва Зулқарнайн замонида анинг мулозими эрди. Зулқарнайн ҳайвон суйи хиёли била зулумотқа киргонда Хизр а. с. ани бошлаб кирди. Ва дерларким, Илёс а. с. доғи била эрди. Умидким, қуйироқ зикр бўлғай.
Ул сувни Тенгри таоло бу иковга насиб қилди ва Зулқарнайн маҳрум ёндин.

Ва баъзи дебдурларким, ҳақ таоло Хизр а. с.ға илми ладунни насиб қилди ва ҳайвон суйи иборат ондиндур. Аҳли ислом муътақиди улдурким, Хизр а. с. умри жовид топибдур. Ва Хожа Муҳаммад Порсо қ. с. баъзи нусхада мундоқ битилибдурким, Хизр а. с. Сабзаворнинг Кавк отлиғ кентидиндур ва ҳоло Ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам динидадур ва имом Шофеъи раҳматуллоҳи мазҳабидадур, валлоҳу таоло аълам.

Шеър:

Хизр умрин тиларлар аҳли хирад,
Ер васлидурур, ҳаёти абад.

Айюб Сабур а. с. онаси Лут а. с. қизидур. Отасини Иъйс бинни Исҳоқ а. с. авлодидиндурур дебдурлар: Вале баъзи мухолафат қилибдурлар. Мавлуди Румдур, аммо Шомда муқим эрди. Ҳар навъ мол ва маноли кўп эрди ва ўн ўғли бор эрдн. Ғанимат жуфтидин ҳеч нима йўқ эрдиким, ҳақ таоло ибодати ва тасбиҳи ва таҳлилига ул навъ

машғул ва машъуф эрдиким, ҳеч нимага илтифот қилмас эрди. Ул мартабадаким, ҳақ таоло малоикаға анинг ҳолотини жилва бердиким, манинг ибодатимдин ўзга ҳеч нимага парво қилмас. Малоика айттиларким, худоё, ҳеч навъ жамъиятдин йўқтурким, анга насиб қилмайсен. Невчун санинг ибодатингдин ўзга иш қилғай.

Тенгри таоло малоикаға хитоб қилдиким, бу зоҳир жамиятлари паришонлиғ асбобидур. Вале сизинг мазаннангиз бу бўлсаким, бу жиҳатлардинким, анинг кўнгли жамъ учун ибодатқа машъуфдур, андоқ қилойки, сизлар билгайсизким, бўлар-бўлмаса ҳам анинг иши тоатдур. Бу муколимадин сўнгра Тенгри таоло Айюб а. с. сори балолар мутаважжиҳ қилди. Аввал мавошийсиға андоқ офат туштиким, бири қолмади. Анга айттилар эрса, илтифот қилмади. Мазруотиға андоқ бало юзландиким, йўқ ҳисоби тутти. Мунга ҳам мултафит бўлмади. Ҳар жиҳотики, анга не итлоқ қилса бўлур, бениёзлиқ ерига борди, парво қилмади, ҳамул ҳақ таоло ибодатиға машғул эрди. Уй йиқилиб ўн ўғли том остида қолдилар ва ҳалок бўлдилар. Ул дедиким, манга Тенгри таоло басдур, алар бўлмаса. бўлмасун! Булардин сўнгра ҳеч нимаси, балки ҳеч кишиси қолмади, муборак жисмига беморлиғлар ва балолар юзландн. Доғи жароҳатлар бўлуб, қуртлар тушти, доғи ул жароҳатлар исланиб, ул навоҳий халқи андин мутанаффир бўлуб, ароларидин ани ихрож қилиб, бир номуносиб ерга солдилар ва теграсида ҳеч киши қолмади. Ҳарамидинким, отини Раҳима бинти Яъқуб а. с. дебдурлар ва бинти Иброҳим бинни Юсуф а. с. ҳам дебдурлар. Ва Раҳима ё муздурлуқ, ё гадойлиқ қилиб, Айюб а. с.ға қут келтурур эрди. Ва Айюб. а. с. ул балийятқа сабр қилиб, Тенгри таоло тоатидин хотириға ўзга нима кечмай, дерларки, шариф баданидин бир қурт агар тушса эрди, яна олиб ўрниға қўяр эрдиким, сизга ҳақ бу насиб қилғон рўзидин маҳрум бўлманг. Ва шайтони лаъин Раҳимаға ҳар навъ иғволар қилур эрдиким, муҳофазати Айюб а. с.ға етмагай. Тенгри таоло ани шайтон мутобаатидин асрар эрди. То улким, бир кун бир заифа сурати бирла Раҳимаға учради. Ва Раҳима ул кун ҳеч нима топмайдур эрдиким, Айюб а. с.ға келтургай. Шайтон анга айттиким, менинг сочим бағоят қисқадур. Агар гисуларингни кесиб, манга берсангким сочимға уласам, мунча баҳосин берурман. Раҳима дедиким, Айюб а. с. қошиға бу кун қут топмайдур, манга гису бўлмаса бўлмасун. Ўз гисуларин кесиб, анга бериб, олғон важҳқа қут олиб, Айюб а. с. қошиға етмасдин бурун ул лаъин Айюб а. с. қошиға Раҳиманинг сочин келтуруб, номуносиб сўзлар деди. Раҳима қут кетургач, Айюб а. с. анинг сочин кўрмади. Машҳурдурким, аҳд қилдиким Раҳимани юз йиғоч урғай. Чун ҳақ субҳона ва таоло Айюбнинг балийятини ниҳоятқа еткурди. Ва ул ҳамул сабр ва шукр қилур эрди. Малакут оламиға шўр тушти ва ғавғо. Ва малоика анинг фазл ва сабурлуқин эътироф қилиб, ўз сўзларидин нодим

бўлдилар. Тенгри таоло иноят қилиб анга сиҳат йибориб, Жабраил а. с. келди ва иликин тутуб қўпорди. Ва тамом қуртлар танидин тушти. Ва ики жонибидин ики булоғ пайдо бўлди ва Жабраил а. с.нинг муборак жисмини ул сувларға ғусл бериб, борча жароҳатлари бутти. Ва Раҳиманинг поклигига тануғлуғ бериб, машҳурдирким, юз супургу йиғочни бир-бирига боғлаб, Раҳима учасиға уруб, уҳд-уҳдасидии чиқти. Ва Айюб а. с.ға Тенгри таоло зойеъ бўлғон амволидин ортуғроқ яна каромат қилди. Баъзи дебдурларким, авлодин ҳам тургузди, баъзи баробдурким, яна авлод берди ва анинг эвига баъзи дебдурларким, олтун чугуртка ёғди. Ва баъзи анинг манзилин Шомдадур ва баъзи Хуросон вилоятида Роз Машҳадда дебдурлар. Ва муддати нубувватида уч киши анга иймон келтурдилар ва балийятида муртад бўлдилар, сиҳотдин сўнгра Румға борди. Ҳўмилки, улуғроқ ўғли эрди, васий қилиб, оламдин ўтти. Умри бобида ихтилоф кўп учун битилмади.

Ш еъ р:

Бесабр улус гарчи жаҳондин кетти,
Айюб сабур доғи кетмай нетти.

Шуъайб а. с. Ани хатибул-анбиё дебдурлар. Иброҳим ё Солиҳ а. с. авлодидин эканда ихтилоф бор. Ва онаси Лут а. с. қизи эрди, оти Мико. Ва ҳақ таоло ани асҳоби Мадян ва асҳоби Айка ҳидоятиға мабъус қилди ва баъзи Мадян ва Айка асҳобидин бир қавм дебдурлар. Ва алар кайл ва вазн ишида қалблиғ қилур эрдилар. Ва танга ва пул сойир маскукотин нима қотиб бе аёр ясар эрдилар. Ва ўғрилиқ ва қароқчилиқ қилур эрдилар. Ва Шуъайб а. с. мулозиматиға келур элнинг йўлин тутуб, манъ ва изо этарлар эрди. Ва миллатлари бутпарастлиқ эрди. Шуъайб а. с. аларни туз йўлга далолат қилиб, Тенгри таоло азобидин қўрқутур эрди. Алар муқобаласида истиҳзо ва сафоҳат қплур эрдилар. Чун бу муддат татвил топти, ул қавм жаҳолатларидин Шуъайб а. с. тахвифин ёлғон хиёл қилиб, тамасхур юзидин азоб ваъдасиға тақозо кўргуздилар. Шуъайб а. с. муножот қилиб, «Раббана фатх байнано ва байна қавмино билҳаққи ва антахайр-ул-фотиҳин»[22] такаллуми била тазарруъ қилди. Тенгри таоло ети кун ҳавонинг ҳароратин ул мартабада қилдиким, ул қавм бетоқат бўлуб, аёл ва атфоллари била шаҳрларидин чиқиб, беша ва дарахтистонға юзландилар. Ва Ибни Аббос разийаллоҳу анҳудин манқулдурким қазои илоҳи дўзах ўтидин шуъла йибориб, борчасин ўртади. Ва тарих аҳли ани ҳам самум елига иснод қилибдурлар. Ҳар тақдир била Шуъайб а. с. Иброҳим а. с. шариатиға даъват қилур эрди ва даъвати муддатида минг етмиш киши даъватиға

кирдилар ва ул қавм ҳалокидин сўнгра, ҳақ таоло амри била ҳамул ерда сокин бўлди, то Мусо а. с. анга қўшулди. Ва Мусо а. с. айрилғондин сўнгра, ети йил ва тўрт ой ҳаётда эрди. Умри икки юз йигирмага еткондин сўнгра охират оламиға юзланди ва Маккада рукну ва мақом орасида мадфундур. Ва асҳоби рас зикриким ўтти, баъзи Шуъайб а.с. замонида дебдурлар. Ва Шуъайб а. с.ни сурённй тили била Шируб дебдурлар. Ва муъжизотидин бири улким, куффор тошни мис қилмоқ тиладилар, анинг дуоси била борча тошлар мис бўлди. Чун ақида қилмадилар, яна аввал ҳолига борди.

Ш е ъ р:

Шуъайб айлади чун жаҳондин хиром,
Зуҳур этти Мусо алайҳис-салом.

Мусо ва Ҳорун а. с. Мусо а. с. улул-азмдур ва лақаби Калимуллоҳдур. Ва Яъқуб а. с. авлодидиндур. Ва бу қиссанинг ибтидоси будурким, Юсуф а. с. ки, Раён бинни Валиддин сўнгра Қобус замонида риҳлат қилди. Қобус бани Исроилни забун қилиб, азим аниф таклифлар қилур эрди. Ва борчасин ўз убудийятиға мансуб қилиб, қибтиларғаким ўз қавми эрди, ожиз ва зеридаст қилиб эрди.

Чун ул Фиръавн жаҳаннамға борди, қардоши Валид бинни Мусъабки машҳурдирким, Фиръавн улдур. Миср салтанатида ўлтурди ва кўп йил халқни бутпарастликқа таклиф қилди. Чун салтанати замони имтидод топти, мабҳут димоғиға фосид хиёл бўлуб, «Ана раббукум-ул аъло»[23] даъвоси била элни ўз ибодатиға таклиф қилди, чун салтанати замони имтидод топти ва улуҳийят муддаоси била жаббор сифатлиғ бунёд қилди. Ва бани Исроилға жафо ва ситамни ҳаддин ўткорди. Ва андоққи, шарҳи кўпрак таворихда мастурдур ва халқ орасида машҳур. Ва қибтиларға риоят қилди.

Ва ул малъун бир кеча туш кўрдиким, Шом соридин бир ўт пайдо бўлуб, мисрийларнинг боғ ва саройларин куйдурди. Ва кент ва шаҳарларидин асар қўймади. Ваҳм била уйғониб, коҳинларни тилаб, бу тушнинг таъбирин тилади. Алар дедиларким, ул соридин биров мутаваллид бўлғайким, санинг давлатинг ва миллатинг заволига сайъ қилғай ва бани Исроилдин бўлғай. Ва қибтилар заволи ондин бўлғай. Фиръавн зуафо тайин қилдиким, бани Исроилдин ҳар ўғул мутаваллид бўлса, ўлтургайлар. Беш йилдин сўнгра бани Исроилға тоун заҳмати воқе бўлуб, кўп халқ зонеъ бўлди. Қибтилар Фиравнға айттиларким, бу тоифанинг атфолин сен ўлтурасен, улуғларин тоун. Оз вақтда тугонурлар. Бизинг хизмат ва пайкоримизни ким қилур?

Фиръавн нодонлиғидин буюрдиким, атфолни бир йил ўлтурсунлар, бир йил қўйсунлар.

Бахшиш йили Ҳорун а. с. мутаваллид бўлди ва ғайри бахшиш йил Мусо а. с. мутаваллид бўлди. Тафсили будурким, коҳинлар дедилар, Фиръавнгаким, ул мавлуд фалон кеча Искандарияда ота пуштидин раҳмға борур. Фиръавн Искандарияға бориб, ул кеча жамиъ бани Исроилни зуафодин айирди ва ўзи эса Осия бирлаким ҳарами эрди, хилват ихтиёр қилди. Ва Имрон Мусо а. с.нинг отасиким, муқарриб кишиси эрди, боғ эшикида қўйди. Зуафо сайрда эрдиларки, боғ эшикига еттилар, Имрон хотунин кўруб майл қилди.

Алқисса, Мусо а. с.ни онаси ҳомила бўлди ва Мусо а. с. нинг бир муъжизи буким, онасининг ҳомила эркани ўзга зуафодек маълум бўлмас эрди. Ва муаккалаларға вуқуф ҳосил эрмас эрди. Чун Мусо а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани бир тобутқа момуқлар орасида таъбия қилиб, дарзларин қир била тутуб, Нил рудиға солиб, Тенгри таолоға топшурди. Ва Фиръавннинг бир қизи бор эрдиким, анга барас иллати бор эрди. Ва иложидин атиббо навмид бўлуб эрдилар. Коҳинлар ушбу тарихда деб эрдилар, бир зулҳаёт дарёдин чиққойким, анинг оғзи луобидин ул мараз дафъ бўлғай. Қиз онаси била ҳамул ваъда куни Нил қироғинда ўлтуруб эрдиларким, ул тобут етиб, бир дарахтқа банд бўлди. Канизаклар ул сандуқни келтурдилар, Осия очти, тифли кўрдиким, бормоғин эмадур эрди. Яна Мусо а. с.нинг мўъжизи буким, оғзи суйи била ул барас филҳол дафъ бўлди ва Осия анга Мусо от қўйдики, ибрий тили била маъниси сарв дарахтидур. Она ва қиз Мусо а. с.ни Фиръавн қошиға келтурдилар. Ва Фиръавннинг кўзи анинг юзига тушкоч, Тенгри таоло Мусо а. с. муҳаббатини анинг кўнглига солиб, халқи айттиларким, бу ҳамул тифлдурким тилар эрдинг, қатлида таъхир қилма. Аммо Осия айттиким, «Қудрату айнен ли валака ло тақтулуҳу асойан янфаано авнаттиҳизаҳу валадо»**24**.

Фиръавн анинг қатлин Осияға бағишлаб, Осия анинг муҳофазати учун сутлук зуафо келтурди. Ҳеч қойсининг сутин ичмай, иттифоқо онасини ҳам келтуруб эрдилар, онасининг сутин ича киришти ва онаси сути била парвариш топти. Бир ёшоғондин сўнгра Осия Фиръавн қошиға келтурди. Фиръавн қўйниға олғоч, илик уруб, анинг сақолин тутуб, тортиб неча қилин узуб, Фиръавн ғазаб қилди, доғи Мусо а. с.нинг қатлиға ҳукм қилди. Осия монеъ бўлдиким, атфолни бу навъ ҳаракотқа мухотаб қилса бўлмаским, аларға шуур ва ғараз бўлмас. Имтиҳон учун буюрдиким, бир табақда ўт ва бир табақда ёқути аҳмар келтурдилар. Мусо а. с. илайига қўйдилар. Мусо а. с. илик ёқут табақиға узотти. Аммо Жабраил а. с. иликин ўт табақи сори мойил қилди. Ва Мусо а. с. бир чўғни олиб, оғзиға солди, тили куйди. Дерларки, муборак тилида лакнат воқеъ бўлдиким, син ҳарфин яхши айтаолмас эрди.

Андоққи, муножотида «Ваҳлул уқдатан мин лисони»25 андин хабар берур. Фиръавн бу ишни кўргач, мунбасит бўлуб, Мусо а. с.ни Осия анинг қошидин элтиб, тарбият қилур эрди, то ўн ёшиға етти. Ва ани салотин авлоди ва дастури била ғоят зеб ва тажаммулда асрар эрди. Ўтуз ёшиға еткач, қибтиларнинг ашрофидин биринг қизин анинг никоҳига киюрди. Ва ул тўйда мулук дастури била ойинлар боғлатти. Ва Мусо а. с.ға ики фарзанд бўлди. Ва ул муносибат асли била бани Исроилға қибтилар зулм қилғанда раҳм қилур эрди. Бир кун сайрда кўрдиким, бир бани исроилийға Қонун отлиғ қибти зулм қилғонда шиддат била изо қиладур. Ул насиҳат юзидин манъ қилди. Ва ул мумтонеъ бўлмади ва изони орттурди. Ва чун ул беқондалиғи ҳаддин ўтти, Мусо а. с.нинг ғазаби ўти муштаил бўлуб, ул қибтини урғоч, йиқилиб ўлди. Фиръавн эшиткоч, Мусо а. с. қатлини кўнглига жазм қилиб, анинг изҳориға ҳукм қилди. Ҳамул нажжорким, анинг онаси ани сувға солурда сандуқ йўнуб эрди, куфрдин ёниб, дин қабул қилиб эрди, Мусо а. с.ға ул ҳолдин хабар берди. Мусо а. с.ға чун ҳануз нубувват рутбаси етмайдур эрди, ваҳмдин яёғ Мисрдин қочиб, ети кеча-кундуз кўп риёзат била йўл қатъ қилиб, бир чоҳ бошиға етиштиким, Мадойин навоҳийсида эрди.

Ва анда бир дарахт соясида сокин бўлди. Бир лаҳзадин сўнгра эл гала қаросин ул чоҳ бошиға суворғали келтуруб, чоҳ устида ёпқон тошни олиб, қолин қўй ва мавошийға сув бердилар. Доғи чоҳға тошни ёпиб, галаларин суруб кеттилар. Ики заифа бир неча қўйни қироқға асраб эрдилар, эл кетқондин сўнгра, қўйларин суворуб, эл мавошийсидин қолғон сувни ўз қўйлариға бердилар. Мусо а. с. ул иштин мутаажжиб бўлуб, ул зуаффонинг кайфияти ҳолин сўруб, алар дедиларким, биз Шуъайб пайғамбар қизларибиз. Куффор қўйларин суворғондин сўнгра, ул галадин қолғон туфайли сувдурким, биз ҳам сувлаб борурбиз. Мусо а. с. аларнинг қўйлариға сув тортиб сероб қилиб йиборди.

Алар хушнуд келиб Шуъайбқа ул ҳолдин хабар бердилар. Шуъайб а. с. Мусо а. с.ни уйига индаб, ҳасаб ва насабни маълум қилиб, Сафура отлиғ қизин анга атади. Шу шарт билаким, секиз йил Мусо а. с. Шуъайб а. с.нинг кутган миъод ўткач, Мусо а. с.ни уйландуруб, бирор нима молидин бериб, ўн йилдин сўнгра одам Сафийуллоҳ биҳиштдин чиқарғон асони анга бериб, ани Мисрға узотти. Ва асо бобида сўз кўптур. Мабсут кутубдин билса бўлур.

Чун Мусо а. с. беш кун юруди, Тури Сино тоғига етишти. Олтинчи кечаким ҳаво совуғ бўлуб, булут оламни тийра қилди. Сафураға туғурур дарди пайдо бўлуб, ўтқа эҳтиёж бўлди ва ул тоғ сори мутаважжиҳ бўлдиким, ўт кетургай. Кўп юргондин сўнгра бир ёруглуғ кўрунди, еткоч, ул ёруғлуғ бир дарахтда эрди, Мусо а. с. еткоч, дарахтқа

чиқти. Ва ул ёруғлуғ қошида қуёш нури тийра кўрунди, аммо йиғочни куйдурмай яфроғ ва шохларин тозароқ қилиб эрди. Мусо а. с.ға ҳайрат ғолиб бўлуб деди: Ё раб, бу на ҳол эркин? «Инни аналлоҳ»[26] нидоси келиб, Мусо а. с.нинг давлатманд бошиға рисолат тожи қўюлди ва саодатманд эгнига нубувват хилъати кийдурулди ва яди байзо ва асо мўъжизаси каромат бўлди. Ва орада ўткон муколама «Тоҳо» сурасида маълум. Ва Мусо а. с. ўз убудийяти ажзин зоҳир қилиб, Ҳорун а. с.ға ҳам нубувват давлати насиб бўлуб, Фиръавн ҳидоятиға ва бани Исроил истихлосиға маъмур бўлди. Мусо а. с. водийи муқаддасдин масрур ёниб, манзилга келиб, тонгласи Миср азимати қилиб, ёткон кеча онаси уйига бориб, онаси ва халқини ўз диниға киюруб, Ҳорун а. с.ға нубувват башорати бериб, тонгласи Фиръави қасрига юзланди. Ва анга нубувват фарридин элга маҳобат даст бериб, Фиръавн била мулоқот қилиб, ани Тенгри таоло убудийятиға далолат қилди. Ва ўз нубувватин изҳор қилиб, ўз диниға йўл кўргузди. Фиръавн мўъжиза тилади эрса, Мусо а. с. асони илкидан солғоч, аждаҳое бўлдиким, ҳайбатидин неча киши ҳалок бўлди. Фиръавн ваҳмдин беҳуш бўлуб, ўз ҳолиға келди. Сўнгра, илтимос қилиб, Мусо а. с. асони олғоч, ҳамул асо бўлди. Ва асони олурда яди байзо кўргузди. Фиръавн деди: «Сен соҳирсен, менинг ҳам соҳирларим бор. Агар аларға ғолиб келсанг, сен дегондек қилай, йўқ эрса, сени ҳалок этай». Соҳирларин йиғиб, ҳолни аларға айтти. Алар қабул қилдиларким, неча кундин сўнгра биз сеҳрлар қилоликим, Мусо а. с. нинг сеҳрин ботил қилғай.

Миъдод куни алар ип ва йиғочлар била йилонлар ясаб эрдилар, ул даштқа қўйғоч, мутаҳаррик бўлуб, Мусо а. с. асони ташлағоч, аждаҳо бўлуб, ул сеҳрларни ютти. Ва Мусо а. с. тутқонда ҳамул асо бўлуб, ул: саҳара бу ҳолни кўргоч, Мусо а. с.ға иймон кетурдилар ва бани Исроил масрур бўлдилар.

Осия дағи Фиръавн мусоҳабати кудуратда батанг бўлди, ҳақ таолоға муножат қилдиким, «Раббибни ли индака байтан фил жаннати ва нажжини мин Фиръавна ва амалиҳи ва нажжини минал қавмиззолимин»**27**. Ҳақ таоло дуосин мустажоб қилди ва Фиръавн бани Исроилнинг сурурин кўруб, сойир қибтиларға буюрдиким, аларға бурунғидин кўпрак изо қилғайлар. Алар Мусо а. с. ҳазратида тазарруъ ва тазаллум қилдилар эрса, Мусо а. с. қибтилар бобида дуо қилди ва балийят алар сори юзланди. Ул эл уч йил қаҳат балосиға гирифтор бўлдилар. Иккинчи, тўфон балоси эрдиким, баъзи ёғин дебдурлар, баъзи тоун, ўзга нималар ҳам дебдурлар. Бу бало ети кунгача бўлди ва аксар ашрофлари ўлди. Ва учунчи, чугуртка балоси эрдиким, борча мазруот ва жиҳотларин нобуд қилди. Бу ҳам ети кун эрди. Тўртинчи, қамл балоси эрдиким, аъзоларига, балки қулоқ ва кўзларига тушуб, кўпини

маъдум қилди. Анда ихтилоф кўптур. Бешинчи, зафоъ балоси эрди. Чун булар била ул бадбахтлар танбиҳ бўлмадилар. Олтинчи бало ул эрдиким, ҳақ таоло аларға Нил суйин қон қилди. Бани Исроилға сув эрди, қибтиға қон. Бу ҳам ети кунга тортти. Етинчи бало ул эдиким, азим еллар ва тийра ҳаволар ва раъду барқ аларни ҳалок этти. Ва секизинчи бало ул эрдиким, ёзи вуҳуш ва сибоъини ҳақ таоло аларға мусаллат қилдиким, азоб қилдилар. Ҳар бало бўлғонда шарт қилур эрдиларким, дафъ бўлғонда, имон келтироли. Мусо а. с. дуо била дафъ қилғоч, куфрда музирроқ бўлуб, бани Исроилға зулм кўпрак қилур эрдилар. Чун Мусо а. с. Фиръавн била қавмидин ноумид бўлди, ўз қавми бани Исроилға ҳақ таоло амри била буюрдиким, Мисрдин чиқиб, Нил қироғинда тушсунлар. Ул қавм буюрғондек қилдилар. Ўткон балиёт асносида Фиръавн сарҳи мумаррадни Ҳомонға буюрдиким, осмонға чиқиб, Мусо а. с.нинг тенгриси била урушай, деб кўп муддат устодларни жамъ қилиб, ул сарҳни ясадиким, «Ё Ҳомонубни ли сарҳан»[28] анга долдур. Ва анинг иртифоъин баъзи тўрт йиғоч ва баъзи мундин ортуқ дебдурлар. Фиръавн чун ул қасрға чиқти, осмон анга ердин кўрунгондек кўрунди. Мунфаил тушкондин сўнг, ҳақ таоло амри била ул қаср нобуд бўлди. Чун Мусо а. с. қавмин Нил қироғинда таъбия қилди, Мусо а. с. нинг тобутин анинг васияти мужиби била олиб чиқтилар. Ва ул мақбара Нил руди ичинда қолиб эрди, Мусо а. с. дуоси била сув анинг устидин кетти. То ерни қозиб, тобутниким, баъзи тошдин, баъзи шишадин дебтурлар, чиқордилар. Фиръавн бу ҳолатдин вуқуф топғоч, черик тортиб, Мусо а. с. рўбарўйиға чиқти. Ул сипаҳнинг ададин ҳисобдин тошқари дебтурлар. Мусо а. с. бағоят мутаваҳҳим бўлди, Мусо а. с.ға нидо келдиким, «Изриб биасокал баҳра»[29].

Мусо а. с. ҳақ таоло амрин бажо келтурди. Нил дарёсида ўн ики ерда сув айрилиб, ўн ики кўча сув пайдо бўлди. Исбот ададн била мувофиқ Мусо а. с. ҳар сабт қавмини бир кўчага кирарга фармон буюрди. Аларға буюрғондек қилиб, чун ҳақ таоло амри била дарё туби қуруб эрди, солим ўттилар. Фиръавн сув қирғоғиға еткач, ул ҳолни мушоҳида қилғоч, аъзосиға раъша тушуб, сувға кирарда мутараддид бўлди ва Ҳомон иғвоси била отин сурди. Ва қибтилар доғи кирдилар. Чун тамом черикдин бири тошқори қолмади, ҳануз бири сувдин чиқмайдурлар эрдиким, сувға амр бўлдиким, муттасил бўлуб равон бўлди. Қаҳҳорлиғ ва мунтақимлиқ баҳри муталотим бўлди эрса, бир лаҳзада Фиръавн била андоқ азим сипоҳдин осор қолмади. «Наузу биллоҳи мин ғазабиллоҳи ва наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин сайиоти аъмолино»[30].

Ва бу воқеа ошуро кунида содир бўлди. Ва неча кун ул дарё юзида ва ики қироғида қибтилардин лошай эрди, ниҳоятсиз зеб ва тажаммулким, аларнинг либосида эрди, Мусо а. с. қавмиға иршод қилур

эрдиким, бу амволға тасарруф қилманг. Саодат аҳли маъмур бўлуб, шақоват аҳли ул жиҳодин ихтиёр қилиб жамъ қилур эрдилар. То оқибат аларға етишгон қуйироқ мазкур бўлғай, иншоаллоҳул-азиз. Ва Мусо а. с. Ювшаъ бинни Нунға қолин сипаҳ қўшуб, Мисрға йиборди. Ва ул Мисрни фатҳ қилиб, қибтилар амволин ва сойир жиҳотин забт қилиб ҳам қибтидин бир кишини валиаҳд қилди, доғи Мусо а. с.ға қўшулди. Ва Мусо а. с. муҳаррам ойининг ўн икисида сув яқосидин кўчуб азимат қилди. Ул ёнки Тенгри таоло амри эрди, баъзи Рай шаҳриға дебдурлар. Чун бани Исроил доим Мусо а. с.дин илтимос қилурлар эрдиким, бир алоҳида шариат бизинг учун Тенгри таолодин тиласангким, ул дастур била амал қилсак. Ул ҳазрат муножот қилиб, хитоб келдиким, Тури Сино тоғиға бориб, ўтуз кун рўза тутуб, улча тиларсен етсун.

Мусо а. с. қавмнинг хилофатин Ҳорун а. с.ға бериб, қавм ашрофидин етмиш киши айириб, ўзи била олиб Тури Синотоғиға бориб, миъод муқаррар қилдиким қачон келгаи. Чун рўза айёми ул муқаддас водийда муътакиф бўлди, Жабраил а. с. келиб, пайғом келтурдиким, яна ўн кун дағи бу дастур била ўткар. Чуи қирқ кун ўтти, Мусо а. с. Турға мутаважжиҳ бўлуб, ул жамоат қолдилар. Ораларида бир булут пайдо бўлуб, монеъ бўлди.

Мусо а. с. била ҳақ субҳона ва таоло тилсиз такаллум қилди ва ўн лавҳ йиборди. Ва анда шариат аҳкоми марқум эрди. Ва Мусо а. с. руъят истиъдоси қилиб муяссар бўлмади. Чун рафиқлари қошиға келди, ул қавмлари ҳақ таоло каломин эшитурни истидъо қилдилар. Борчани ғазаби илоҳи ҳалок қилди. Яна Мусо а. с. қойтиб, қавмға мулҳақ бўлди, ул ўн кун жиҳатидинким мавъидға ўтуб эрди, қавм Сомири иғвоси била гўсолапараст бўлуб эрдилар, магар ўн ики минг кишиким исботдин эрдилар.

Мусо а. с. бу ҳолдин мутаажжиб бўлуб, Ҳорунға ғазаб огоз қилди. Ҳорун а. с. масмуъ узр этиб ва Сомири бобида ёмон дуо қилди ва гўсолани куйдурди. Ва қавм бобида ҳақ таолодин хитоб келдиким, ул ўн ики минг кишиким гўсола парастиш қилмайдурлар, жамиъ бани Исроил элини қатл қилсунлар. Ғариб рустохез тушти ва ажиб қатл воқеъ бўлди. Яна Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло аларнинг қолғонин боғишлади ва тиғ юрумас бўлди. Мусо а. с. буюрдиким, қатлдин илик торттилар. Яна Мусо а. с. бориб муножот қилди, «Таврот» нозил бўлди. Ва ул қирқ мужаллад эрди. Ва анинг аҳкомин қавм эшиттилар ва қабул қилмадилар ва дедилар: «Самиъно ва асайно»[31]. Мусо а. с.ға яна малолат бўлуб, Жабраил а. с. Тур тоғини ердин кўториб, ул қавм боши устига келтурдиким, Тенгри таоло ҳукмин эшитмасалар, бошлариға урғайлар. Заруратдин сажда қилдилар, аммо ваҳмдин бир юз била сажда қилиб, бир кўзлари юқори тоғ сори эрдиким, тоғ тушмагай. Андоққи, яҳудға бу

дастур бўлдиким, эмди доғи бир юзлари била сажда қилурлар. Чун қавм дин қабул қилдилар, яна Мусо а. с. дуоси била ул тоғ алар боши устидин ғойиб бўлди. Ва, тўрт аҳкоми олти юз ўн учга қарор тутти. Ва Мусо а. с. қавмини бошлаб, Мисрға мутаважжиҳ бўлди. Ва Мусо а. с. сексен яшағонда Тенгри таоло амри била бир сандуқ ясаб, жавоҳир била мурассаъ қилиб, алвоҳи самовийни анда солиб, теграсига ҳафтранг дебодин шодурвон ва саропарда тикиб, анинг муҳофазатин Ҳорун а. с. ва авлодиға муқаррар қилди. Ва ани сандуқуш-шаҳода дедилар. Ва ул тавобеъ байтул-муҳаддасқа шуҳрат тутти. Ва бу учурда бани Исроил Омил отлиғ кишини қардошининг ики ўғли моли учун ўлтуруб, ики қавм орасиға солдилар ва қотилни топмоқ учун Мусо а. с.ға илҳоқ бунёд қилдилар. Мусо а. с. ул ики қавмғаким, мақтул аларнинг орасида толилиб эрди, қассомаға ҳукм қилди. Алар қабул қилмадилар ва дедиларким, дуо қил, то қотил топилсун. Дуо қилди. Тенгри таоло ҳукм буюрдиким, бир ўйин келтуруб ўлтурунг ва анинг бир узвини мақтулға урунг, то айтсунким, қотили кимдур. Алар ўй сифатида илҳоҳ қилиб, ўзларига ишни душвор қилдилар. То иш анга еттиким, бир ўйким ўрта ёшлиғ, ранги сориғ, зироат ва юк заҳматин кўрмаган бўлғай ва нопок ерда ўтламамиш бўлғай ва умрида анга машаққат етмамиш бўлғай, топқулуқ бўлдилар. Андоққим, Бақара сурасида мазкурдур. Ва топқондин сўнгра иёси баҳосида муболаға қилиб, ўй терисини ёрмоқ тўлдуруб анга берур ваъдаси била ўйни олиб ўлтурдилар. Ва этидин ўлукка уруб, ўлук тирилди. Ва Мусо а. с. андин қотилин сўрди. Ул ики қотилни кўргузди ва ҳамул замон Тенгри ҳукмин буткарди. Мусо а. с. қотилларин қасосқа еткурди ва ул ўйни куйдуруб, кулин асрадилар. Ҳар қачон бу навъ иш воқеъ бўлса, анинг кулидин ҳам бу хосият топар эрдилар. Ва ул мўъжиза Ҳорун а. с. авлодида эрди.

Ва бу воқеадин сўнгра, бани Исроилға Қурбон фарз бўлди ва Қорон жўясида Шуъайб а. с. келиб, Мусо а. с. ни кўрди. Мусо а. с. азим жашн қилиб, Шуъайб а. с. ни знёфат қилди. Ва Шуъайб Мусо а. с.ға буюрдиким, сибтининг раёсатни бир кишигаким, алар орасида ақл ва киёсат ва шижоат била ороста бўлғай, муқаррар қилди. Ва ул халойиқнинг ададин дафтарларда мастур қилдилар. Олти юз мингдин ортуғроқ эрдиларким, йигирми ёш била элликнинг орасида эрдилар. Шайх ва шабобининг ниҳояти йўқ эрди. Ўн ики киши буларға сардор бўлдилар. Ва бу вақт ҳавонинг ҳарорати чоғи эрди. Ҳақ таоло Мусо а. с.нинг черики устига доим бир қаро булут йибориб эрдиким, кўланка қилгай.

Ногоҳ Ҳорун била Марямнинг хиёлларида бу кечтиким, насаб ва ҳасабда биз Мусодин кам эмасбиз ва башарият жиҳатидин бир неча нима Мусо а. с. нисбатиға. Дедиларким, ул ҳазрат ул нималардин бири эрди. Ул булутдин бу иш манъиға наҳийб ун келдиким, эй бани Исроил,

сизга не ҳадким, Мусо а. с. била ўзунгузни тенг тутқайсизким, бу кунгача барча мурсал пайғамбарларни Жабраил воситаси била ва илҳом била ва рўё била ўз хитобимизға мушарраф қилибмиз. Ва анга воситасиз ўз каломи мажидимизга такаллум қилиббиз ва анга берилган мўъжизот ҳеч расулға берилмайдур. Бу ун муртафнъ бўлғоч, ул булут доғи ғойиб бўлуб ҳаво остида ҳарорат топиб, Ҳорун а. с. била Марям Мусо а. с. ҳазратида ул густохликдин истиғфор қилдилар ва ул афв қилди. Аммо Марям юзига барас иллати зоҳир бўлуб, ул ҳам Мусо а. с. дуоси била дафъ бўлди. Яна Қорун қиссасидур. Ул бани Исроилда илму фазлда мунфарид эрди. Ва ғоят ҳусн ва жамолидин ани мунаввар дерлар эрди. Ва Мусо а. с.нинг яқин қаробатидур. Ва Мусо а. с. анинг тарбиятида муболаға қилур эрди. Ва улуми ғариба ва фунуни ажибаким, файзи илоҳидин муборак замириға мунаққаш эрди. Анинг фаҳми етконча не анга таълим қилур эрди, бу жумладин, кимё илмидурким, Қорун ўргониб анга иштиғол кўргузди. Ва анинг молу тажаммули ул ерга еттиким, хазойину кунузларининг калидларин қирқ хачир кўтарур эрди. Аксар бани Исроил анга мунқод бўлдилар.

Мусо а. с. анга амр қилдиким, мингдин бир закот Тенгри таоло ҳукми била бергил. Ул бетавфиқ ибо қилди, бу Байтул-муқаддас ва сандуқи шаҳодат ихтиёрики Ҳорун а. с.ға тааллуқ эрди, истидъо қилди. Мусо а. с. айттиким, ул ишлар ҳақ таоло амри била анга қарор тутубдур. Андоқки, мунча зоҳир асбоби санга мутааллиқ бўлубдур. Қорун Мусо а. с.ға иҳонат ва истеҳзо қилиб, бир заифаға кўп мол бериб буюрдиким,, Мусо халойиққа ваъз ва насиҳат қилурда, ул заифа қўпуб, Мусо а. с.ға ўзи била туҳмат қилғай ва таврия ҳукми била Мусо а. с.ни бани Исроилға буюруб сиёсат қилдурғай. Ул вақтни асраб, ул хотун қўпуб, бу сўзни айтурда Тенгри таоло тилига рост сўзлар солдиким, Қорун анга буюртубдур. Ва сўзи тугагондин сўнг, иймон арз қилиб Мусо а. с.ға узр қулди. Мусо а. с.ға Қорун ишида ғазаб муставлий бўлуб, муножот қилиб, Жабраил а. с. келиб, ҳукм келтурдиким, биз ерни санинг фармонингда қилдуқ, Ҳорун ҳар нега шойиста бўлса қил. Мусо а. с. хушҳол бўлуб қавмға буюрдиким, Тенгри таоло мени Қорунға музаффар қилди. Ҳар ким анинг тобеъидур, анга қўшулсун, манинг тобеъим манга қотилсун.

Қавм мутаваҳҳим бўлуб, Мусо а. с.га қўшулдилар.. Мусо а. с. ерга айттики, «Ё арзи хузиҳи»[32]. Ер Қорунни ошуғиғача ўзига тортти. Ҳорун дедиким, эй Мусо яна сеҳр оғоз қилдинг. Мусо а. с. айтти: «Ё арзи хузиҳи». Тизиғача ерга ботти. Қорун мутаваҳҳим бўлуб», узр оғоз қилди. Мусо а. с. ға мақбул тушман ерга амр айтар эрди ва ер ани қуйироқ тортар эрди, то тамом ерга кирди ва гум бўлди. Хитоб келдики, ё Мусо, Қорун сендин етмиш қотла иймон тилади ва топмади. Бир қотла

биздин тиласа эрди, қабул қилур эрдук. Мусо а. с. дедиким, мен доғи кўз тутар эрдимким, сандин иймон тилагай. Тақдиринг йўқ эрди, тиламади. Андин сўнгра қавм арозил ва ботилга гумон бўлдиким, Мусо а. с. Қоруннинг моли тамаъиға ани ҳалок қилди. Мусо а. с. дуо қилдиким, анинг йиғилғони мажмуъи ерга кирдиким, ҳеч нима қолмади. Ва Мусо а. с. ға амри илоҳи нозил бўлуб эрдиким, Шом диёрига аъмолиқа ва жабборлар дафъин қилғай. Ва ул тоифа бағоят захим ва жасим эл эрдилар. Авж бинни Унуққи машҳурдурким, боши булутқа суртулур эрди, ул қавмдин эрди. Мусо а. с. ўн ики нақибниким, қавмнинг сардори қилиб эрди, йибордиким, Шомга бориб, ул қавм аҳволининг кайфиятин билиб, хабар келтургайлар. Ўзи қавм била алар сўнгича тебради. Алар Шомға етиб иттифоқо Авж бинни Унуққа йўлуқтилар ва Авж аларни тутуб, баъзи дебдурларким, этокига солиб, баъзи дебдурларким овучиға олиб, подшоҳ қошиға элттиким, бу тоифа келадур эрмишки, мулкни биздин олғайлар. Тамасхур қилиб, ул жамоатни қўйдилар. Қойтиб шарт қилдиларким, кўргонларин Мусо а. с.дин ўзга кишига демагайлар, қавм эшитсалар, таваҳҳум ғолиб бўлуб, мунҳазам бўлмағайлар. Аммо қавмға еткондин сўнгра Ювшаъ бинни Нунға Қолаб бинни Юфнодин ўзга ўн рафиқ юруб, қавмға айттилар: Мусо а. с. Шом азиматин мусаммам қилиб, бани Исроил дедиларким, бизга аъмолиқа била урушур қувват йўқтур, урушға бормасбиз. Эй Мусо, агар Шом мулки ҳукуматин тиларсен, «Изҳаб анта ва раббука фақотило»[33]. Мусо а. с. қавмидин ранжа бўлуб, сажда қилиб айттиким, «Рабби инни ло амлику илло нафси ва ахи, фафруқ байнано ва байнал қавмил фосиқин»**34**. Ва Ювшаъ ва Колут йиғлаб, қавмни ёмон дуо қилдилар. Ҳамул замон хитоб келдиким, Эй Мусо, неча бу қавм бизинг возиҳа оёт ва лойиҳа баййинотимизни кўруб, тамарруд ва исён қилғайлар. Чун буларни фосиқ дединг, жазоларин бероли. Бу ваиъддин сўнг, ул ўн кишиким, аҳдларин синдуруб эрдилар, жасадлари эриб оқти! Ва қавм қолиб, Мусо ва Ҳорун ва Ювшаъ ва Колут а. с. Шомға азимат қилдилар. Ва бани Исроил Мисрға ёндилар. Ва ул кун тонгидин оқшомғача йўл юруб, оқшом манзилға тушгондин сўнгра кўрдиларким, ҳамул кўчгон манзил эрди. Ҳайрат била тонгласи кўчуб, яна бу ҳолни кўрдилар. Билдиларким, ул афъоллари жиҳатидин Тенгри таоло аларни бу балоға гирифтор қилди, ердин чиқардин ноумид бўлуб, ерлик ерига тушуб, кўнгулларин балога қўндилар.

Мусо а. с. чун асҳоб била Шомга еттилар, ул кишиким аввал аларға учради, Авж бинни Унуқ эрди. Дебдурларки, Авж бир тоғ порасин кўториб, жамиъ кавмнинг устига ташлаб, борисин ҳалок қилди, деб келадур эрди. Сониъи корсоз қудрат изҳориға ҳудҳудга амр қилдиким, ул тоғ устида ўлтуруб чўқуғоч, андоқ тешилдиким, Авжнинг

бўйниға тушуб, ани ҳалок қилди. Баъзи дебдурларким, Мусо а. с. асоси зарби била ўлди.

Ва Мусо а. с. асҳоб била қавм сори келдиларким, бу киши ҳалок бўлди. Алар ул ҳолларин арз қилдилар. Мусо а. с. дуо қилиб, аларға карак ва таранжабин ёғар эрди. Ва бир тоштин ики булоғ жорий бўлуб, алар сероб бўлур эрдилар, то ҳақ таоло ул қавмни қирқ йил ул бодияда азоб била ҳалок қилдиким, бири қолмади. Аммо қудрат кўргузуб, тиҳада бўлғон авлод ва атбоъларин аларнинг адади била мувофиқ биёбондин нажот берди ва қавмдин ҳамул тўрт бузургвор чиқдилар. Мусо а. с.нинг фазлу илм ва нубувват жиҳатидин мартабаси андин ўттиким, уқул ҳавсаласиға сиғиқмай, ё тилига, ё кўнглига кечтиким, оё бу кун олам юзида Тенгри таолонинг мендин донороқ бандаси борму экан? Хитоб келдиким, эй Мусо, ўзунгдин олимроқ бандани кўрар бўлсанг, мажмаул баҳрайнға бор. Мусо ва Ювшаъ а. с. ул мавзиъға бордилар ва бир тош устида булоғ бошида озуқларни унуттилар. Ва ул қоқ болиғ эрди. Хизр а. с. мақдами баракотидин ул болиғ тирилиб, талпиниб ўзин сувға солди. Мусо а. с. Ювшаъдин жуъ дафъиға нима тилади эрса, Ювшаъ з. с. айтти, зодни фалон тош устида унутибмен. Иков ёндилар: «Қола Араайта из авайно илассахрати фаинни наситул ҳута»**35**. Чун ёниб ул мавзиъға еттилар. Мусо а. с. Хизр а. с.ға мушарраф бўлуб, андин мусоҳабат истидъоси қилди. Хизр а. с. дедиким, шояд санга менинг мусоҳабатлиғим тоқати бўлмағай. Мусо а. с. дедиким, «Сатажидуни иншо аллоҳу собиран вало аъси лака амро»[36] бу шарт била иков бир кемага кирдилар ва баҳр қатъининг асносида Хизр а. с. ул кеманинг тубин тешиб, маъюб қилди. Басе заҳмат била ясадилар. Мусо а. с. таажжуб қилиб, сабабин сўрди. Хизр а. с. айттиким, «Алам акул иннака лан тастатиа маия сабран»[37]. Мусо а. с. хомуш бўлуб, кемадин чиққондин сўнг бир шаҳрға еттилар. Сурук атфол ўюнға машғул эрдилар. Хизр а. с. алар орасидин бир тифлни ҳалок қилди. Мусо а. с. ни ҳайрат беихтиёр қилиб, яна ул иш кайфиятидин савол қилди. Яна Хизр а. с. дедиким, «Алам акул иннака лан тастатиа маия сабран»[37]. Мусо а. с. яна дегондин пушаймон бўлуб, азимат қилиб, кечқурун бир шаҳрға еттилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дебдурким, ул Антокия шаҳри эрди. Кеча анда бўлуб, ул элдин таом тилаб, алар ибо қилдилар. Иков андин ўтуб, бир ерга еттиларким, бир бузуқ девор эрдиким, оз асари қолиб эрди. Хизр а. с. ул деворни иморат қилиб, бийик қилди. Мусо а. с. яна таажжуб қилиб, бетоқат бўлуб дедиким, бу деворни не жиҳатдин иморат қилмоқға боис эркин. Хизр а. с. дедики, бизинг оромизда мусоҳабатлиғ ушмунча бўлғай. «Қола ҳозо фироқу байни ва байника»[38]. Ва лекин уч

иш ҳикматин Мусо а. с. сўруб, Хизр а. с. айттиким, кема ғарқиға жиҳат ул эрдиким, чиққон вилоят подшоҳи Манзар отлиғ золим кишидур. Элнинг бутун кемасин зулм била олур эрди ва бу кема ўн фақирнинг эрдиким, маошлари анинг ижараси била кечар эрди. Бу кемани анинг учун тештимки, пайвандлиғ кўруб, маъюб деб олмағай, то ул фақирлар маош жиҳатидин ожиз бўлмағайлар. Ва ул тифлки ўлтурдум, мусулмон элнинг ўғли эрди ва улғойса, кофир бўлғуси эрди. Анинг маслаҳати бу қатлда эрдиким, куфр аҳли зумрасиға кирмагай ва азоби дўзах муставжиби бўлмағай. Аммо бу вайрона иморатиға сабаб бу эрдиким, бу шаҳрда ики ятим тифлдурким, ато-ано солиҳ эркандур. Ва ул атфол учун бу девор орасида ганж мадфун қилибдурлар. Алар булуғ ҳаддиға етиб, муни тасарруф қилурдек бўлғунча, бу девор мунҳадим бўлур эрди. Ва алар ўз ҳақларин топмаслар эрди. Бу нишона жиҳатидин топқусидурлар.. Мусо а. с. Хизр а. с.нинг илмиға муътариф бўлуб, хайрбод қилиб, бир-биридин айрилиштилар. Баъзи бу воқеани тиҳадин бурун, баъзи сўнгра дебдурлар. Аммо асаҳ улдурким, тиҳа балийяси айёмида эркандур. Баъзи таворихда Ҳорун а. с.нинг воқеасин тиҳа балийясининг учунчи йилида дебдурлар ва баъзи ул балийянинг қирқинчи йилида ва анинг шарҳи будурким, мазкур-бўлғон тарихда Мусо а. с.ға ваҳйи келдиким, Ҳорун а. с.ға ажал етибдур. Анинг била фалон мавзиъға бор. Мусо а. с. Ҳорун а. с. била ул сори мутаважжиҳ бўлдилар. Бир ерга еттиларким, бир мутакаллиф уйда бир зебо тахт кўрунди. Ҳорун а. с. Мусо а. с. ға айттиким, хотирим орзу қиладурким, бу тахт устида ором топсам. Мусо а. с. айттиким, андоқ қил. Ҳорун а. с. истидъо қилдиким, Мусо а. с. дағи анинг била ётқай. Мусо а. с. қабул қилди. Чун иков тахт устида ёттилар, Ҳорун а. с. руҳ вадиъатин ажал мутақозийсиға топшурди. Мусо а. с. маълум қилғоч, анинг мадфаниға машғул бўлғоч, ул уй била тахт ғойиб бўлди. Мусо а. с. ул қавмға келиб, хабарни айтти эрса, бани Исроил дедиларким, Мусо а. с. бу жиҳатдинки қавм андин Ҳорун а. с.ни кўпрак севарлар, ани ўзи қатл қилибдур. Мусо а. с. дуо қилди, то ҳақ таоло ул тахтни Ҳорун а. с. била аларға кўргузди. Ва Ҳорун а. с. ул тахтдин қавмға манъ қилди. Доғи яна ул тахт ғойиб бўлди. Ва Мусо а. с. уй ва тахтни кўрган ерга олий иморат ясаб, Ҳорун а. с.нинг Алфозор отлиғ ўғлин отаси мансабида волий қилди. Бу ҳолдин сўнграким, Мусо а. с.нинг ёши юз йигирмига етиб эрди, бани Исроилни ҳозир қилиб, аларға насиҳатлар қилди. Ва котиблар ўлтуртуб, «Таврот»ни мутааддид битиб ва ўзи бирни муборак хати била битиб, Жабраил а. с. била тасҳиҳ қилиб, сандиқуш-шаҳодаға солди. Ва ўзгаларни тасҳиҳ қилғондин сўнгра ҳар қавмиға бирин берди. Ва анинг тиловати ва аҳкомининг ижросиға васият қилди. Ва ўз хилофатиии Ювшаъ а. с.ға бериб, элни анга топшурди, элдин васиқатлар олди.

Ювшаъ а. с. хилофатиға ва борча қабул қилғондин сўнгра Ювшаъ

била қавм орасидин чиқти ва Ювшаъ а. с.ни қучуб, хайрбод қилиб, кийгон кўнглоки орасидин ғойиб бўлди. Ноинсоф қавм Ювшаъни Мусо а. с. қатлиға муттаҳам қилиб, маҳбус қилдилар. Кечаси Мусо а. с. қавм тушига кириб, ул ишдин манъ қилиб тонгласи ани қўйдилар. Ва Мусо а. с. Ҳорундин уч ёш кичик эрди. Ва қабри маълум эрмаским қойдадур.

Р у б о и й:

Мусоки, жаҳонға тушти ғавғоси анинг,
Ҳорун эрди вазири доноси анинг.
Чун бўлди биҳишт сори маъвоси анинг,
Не қолди асо, не яди байзоси анинг.

Баъзи мутафаррик ахборки, ул чоғ воқеа бўлди, Фиръавн қизининг бир машшотаси бор эрди. Бир кун анинг сочин тарарда тароғи иликдин тушти. «Бисмиллоҳ» деб ердин олди. Қиз отасиға айтти. Отаси ул заифани темир қозуғлар била чормих қилиб, ўтлуқ қизиқ тошни бош ва юзига қўйдурди. Ул мазлума диндин ёнмади. Ва уч ойлиқ тифлни қизиқ танурға солди. Ва ул тифл онасиға фасиҳ тил била дедиким, «Исбири ё уммоҳ фақад васалти илаллоҳи ва нилти ризоҳу ва лайсал она байнаки ва байнал-жаннати илло хатватан авхатватайни»[39]. Бу ҳолдин азим халқ қибтилардин мусулмон бўлдилар. Ва Осия бинти Мизоҳум розияллоҳу анҳо анинг мақтали мужмалан ўтти, чун тожуррижол эрди, онча била ўтса бўлмас. Нисбати Лут а. с.ға етар ва Фиръавннинг акрабосидиндур. Баъзи анинг мақталин дебдурларким, машшотани Фиръавн қатл қилурда, ул изтироб қилиб, Фиръавнға қотиқ сўзлаб, динни изҳор қилди. Фиръавн ани ҳам машшотаға қилган азоб била қатл қилди. Аммо азоби чоғида Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло ул азобдин алам еткурмай, биҳишти жовидонға элтти. Ва Мусо а. с.нинг муъжизоти борча анбиёдин кўптур.

Ювшаъ бинни Нун а. с. мурсал пайғамбардур. Ва Мусо а. с.дин сўнгра Шом хилофатин яхши қилди. Ва кўпрак муфассирлар муттафиқдурлар мунгаким, ҳақ субҳона ва таоло ул оятда дебдурким: «Ва из қола Мусо лифатоҳу ло абраҳу ҳатто аблуға мажмаал баҳрайни ав амзия ҳуқубан»[40] иборат Ювшаъдиндур. Анга амр бўлдиким, Мусо а. с.дин сўнгра, Шом жабборлари яна истило топтилар, бориб аларни дафъ қилған. Ювшаъ а. с. бани Исроил била мутаважжиҳ бўлуб, Ардун рудиға етконда, сув улуқ эрди, Мусо дуоси била Нил шақ бўлуб черик ўтти. Ва Ари шаҳриким, матонат ва қўрғони рифъатда васфдин тошқоридур, муҳосара қилди. Халойиқ айттиларким, бу қалъани муҳосара била олмоқ мумкин эрмас. Ювшаъ а. с. эшитиб, дуо қилди. Ул

қўрғоннинг пораси йиқилиб, қавм кириб тасарруф қилдилар ва ғанойимни Ювшаъ а. с. амри илоҳи била буюрдиким, куйдирдилар. Бир киши бир олтин тошин хиёнат қилиб эрди, хоинға ҳам ўт тушти. Ва бу воқеадин сўнгра Ювшаъ а. с. қавмға амр қилдиким, ўтган ёзуғларингиз узри учун Тенгри ҳазратида тазарруъ қилиб, талаби мағфират қилинг! Аларким амр баҳо келтурдилар, мағфур бўлдилар. Баъзи ул сўзга истеҳзо қилдилар. Осмондин бир ўт тушуб, мустаҳзий элни ўртади. Ва Ювшаъ а. с. Дори шаҳрини фатҳ қилиб, Балқоға мутаважжиҳ бўлдилар. Ва Болиқ деган анда подшоҳ эрди. Балъам Боъурки, мустажобуд-даъва эрди, ул шаҳрда эрди.

Ювшаъ а. с. муҳосара қилғондин сўнгра Болиқ истидоъсидин дуо қилдиким, Ювшаъ а. с. сипоҳи мунҳазим бўлди. Ювшаъ а. с. муножот қилдиким, хитоб келдиким, бу шаҳрда бир банда бизинг исми аъзам била дуо қилур. Бу инҳизом анинг дуосидин бўлди. Ювшаъ а. с. дедиким, бори худоё, чун ғайри мавқеъ дуо қилди, ул исмни анга унутурғил. Тенгри таоло Ювшаъ а. с. истидъоси била ул исм Балъам замиридин маҳв бўлди. Яна Ювшаъ а. с. сипоҳ йиғиб, ул шаҳрни муҳосара қилди. Бу қотла хуш шакл фоҳишаларни шаҳрдин чиқардиларким, бани Исроилдин ҳар ким зино қилса эрди, Тенгри таоло бало йиборур эрди. Биров ул фавоҳишдин бири била зино қилғоч, ороларига тоун тушти. Ул киши била ул фоҳишани ўлтуруб, халқ тазарруъ қилиб, Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло ул балони дафъ қилди. Андин сўнгра Ювшаъ а. с. ул шаҳрни фатҳ қилди ва аъмолиқа қатлиға ҳукм қилди. Ва Балъам ҳам ул мақтуллар орасида, чун ислом таркин қилиб эрди, дўзах азимати қилди, жумъа сабоҳидин шомиғача ёқин қатл эрди. Ва аъмолиқадин хотиржамъ бўлмайдур эрди. Бани Исроилға шанба кечаси ва куни ҳам тоатдин ўзга ишга рухсат йўқ эрди.

Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло кунни мағриб соридин қойтириб, фалакда онча таваққуф бердиким, қавм душман ишидин фориғ бўлуб, ўз ибодатлариға машғул бўлдилар. Ва гунашни Ювшаъ а. с.дин бошқа Тенгри таоло Сулаймон а. с. била амирул-мўминин Али каррамуллоҳи важҳа мўъжиза ва кароматидин мағрибдин машриқ сори ҳаракат берди. Ҳар қойси ўз ерида келгай, иншоаллоҳ таоло.

Ва Ювшаъ а. с. бу фатҳдин сўнгра Оъй деган шаҳрни ҳам фатҳ қилиб, элидин ўн ики минг кофирни қатл қилди. Ва ул диёрда кўп халқни исломға киюрди. Ва мағриб заминға азм қилиб, кўп билод олиб, ўтуз бир подшоҳ куффордин ўлтуруб қойтти. Ва мунча ғаройиб тақрибан ети йилда бўлди. Ва андин сўнгра, йигирми йил халқни «Таврот» мутолаасиға таълим қилди. Андин сўнг қазо етти. Ва баъзи исломға кирганлардин ҳам муртад бўлдилар дебдурлар. Колут бинни Буқёни ўз хилофатиға мушарраф қилиб, халқни анга топшурди ва оламдин видоъ қилиб чиқти ёши баъзи ривоятда юз ўн ва баъзида юз

йигирми етидур. Валлоҳу аълам.

Ш е ъ р:
Ювшаъки, солиб куфр аҳли кўнглига харош,
Мусо динида эл била қилди маош.
Ҳар неча қуёшда айлади муъжиза фош,
Охир қаро ерга кирди андоққи қуёш.

Колут бинни Юфно а. с. кўпрак уламо қошида мурсалдур. Ювшаъ а. с.дин сўнгра бани Исроилни яхши забт қилиб, мулк очти. Охирул-амр Салм хайёмиға сипоҳ тортиб, малик Борақни асир қилди. Ва ул кофире эрдиким, йиллар жаббор сифатлиғ била салтанат қилди. Дерларки, етмиш подшоҳ ва подшоҳлиғ доия қилғонлар анинг ҳибсида эрдиларким, бормоғларин кесиб эрди. Шом таоми тортилурда аларни ҳозир қилиб, илайларига таом қўйдилар ва алар оғизларин ерга келтуруб, итлардек нима ерлар эрди. Колут анинг била ҳам бу муомалани қилди. Чун бу фатҳ даст берди, Колут қавмни Мисрға олиб келди ва кўп вақт ҳам нубувват ва ҳам салтанат сурди. Оқибат ўғли Нушо Қавсга салтанатни мусаллам тутуб, валиаҳд қилиб, оламдин ўтти. Муддати замони неча йил эркани маъдум эрмас учун битилмади.

Р у б о и й:
Колутки, Ювшаъ васий этти они,
Кўп вақт эрди олам аро даврони.
Ҳам шаҳлиғ ва ҳам нубувват эрди шони,
Гар шоҳу гар набий бўлурлар фони.

Ҳизқил а. с. Халойиқ ани Абулаъжуз дедилар. Шарҳи буким, атосининг ики хотуни бор эрди. Анинг аносиға фарзанд бўлмас эрди. Ва ёши ҳам улғойиб эрди. Аммо яна бир хотундин ўн ўғли бор эрди. Ва бу хотун андоққи, зуафо расмидур, ул бирга ҳам ўғулсизлиқ жиҳатидин ҳам таън қилур эрди, ҳам ажузалиғ жиҳатидин шамотат кўргузур эрди. Ажуза анинг шамотатидин мутаассир бўлуб, бир кеча тонг отқунча муножот қилиб, Тенгри таолодин бу балонинг иложин тилади. Тенгри таоло анинг дуосин бу навъ мустажоб қилибдурким, ул ўн ики ёштин йигит бўлди. Ва Ҳизқил а. с.нинг атосидин ҳомила бўлуб, Ҳизқил а. с. вужудқа келди. Бу жиҳатдин ани Абулажуз дебдурлар. Тафсир аҳли қошида мухолифатдур, бу бобдаким ул пайғамбарким, қавмини Тенгри таоло исёнлари жиҳатидин ҳалок қилди ва ул дуо била борчасин тиргузди, Ювшаъдур, ё Ушмул, ё Ҳизқил а. с. Ва дебдурларким, асаҳ улдурким, Ҳизқил а. с. бўлғай. Ул воқеа бу навъдурким, Ҳизқил а. с.ға амр бўлдиким, Илё шаҳриға бориб, куффорни динға далолат қилғай. Ва

баъзи Дорон деган шаҳрни дебдурлар. Ҳизқил а. с. амрни бу қавмға тарғиб қилди. Қабул қилмадилар. Қаҳри ялоҳи қавмни тоун балосиға мубтало қилди. Қавм ул бало махласиға жало ихтиёр қилдилар. Чун мулкларидин бир миқдор йўл чиқдилар, бир ҳойил ун осмондин келиб, борчаси ҳалок бўлдилар. Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу аларни тўрт минг дебдур ва Ҳасан секиз минг ва Ваҳб бинни Мунаббиҳ сексон минг. Ҳар тақдир била, чун борча ҳалок бўлдилар, киши йўқ эрдиким, аларни дафн қилғай. Ислониб этлари сўнгакларидин айрилди. Ҳизқил а. с. эътикофидин чиқиб, чун қавмға ўтуб, ул ҳолни кўрди, кўнглига риққат бўлуб, дуо қилдиким, Ёраб, бу халқни тиргуз! Дуоси мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни борчасин тиргузди. Бо вужуди бу ғариб ҳол қавм гоҳи Ҳизқил а. с. амриға мутиъ эрдилар, гоҳ эмас эрдилар. Муборак хотири алардин малул бўлуб, ватандин ҳижрат қилиб, Бобилға борди. Ва анда муддате бўлуб, Тенгри таоло ҳукмин буткарди. Ва муборак марқадин Ҳилла била Куфа орасида ҳам дебдурлар.

Р у б о и й:
Ҳизқил эрди расули покиза сифот,
Мурсал дедилар нубувватин борча сиқот.
Ўлганлар агарчи дамидин топти ҳаёт,
Ўлмакдин ўзига бўлмади лек нажот.

Илёс а. с. Ҳорун а. с. наслидиндур. Баъзи ани Идрис дебдурлар, бу манъи билаки, анинг руҳи ва ҳақиқати бу сурат била ноқислар такмили учун зуҳур қилмиш бўлғай. Баъзи ҳам мусаллам тутмайдурлар.

Ривоятдурки, Ҳизқил а. с.дин сўнгра бани Исроил орасида миллат ҳайсийятидин кўп булгончуғлуқ воқеъ бўлди. Ул навъки, Мусо а. с. дини ародин чиқти ва «Таврот» аҳкоми унут бўлди ва анвоъ бутлар ясаб, ул қавм бутпарастлиғқа машғул бўлдилар ва фисқ ва исёнлари ҳаддин ўтти. Ҳақ таоло Илёс а. с.ни аларнинг ҳидояти учун мабъус қилди. Ва Илёс а. с. аларни Тенгри таолоға далолат қилди. Ҳеч киши Илёс а. с. сўзин қабул қилмади ва анинг қатли қасдиға машғул бўлдилар. Илёс а. с. амри илоҳи била аларнинг аросидик чиқиб тоғлар аросида маҳфий маош ўткарур эрди, то улки Баълабак подшоҳи бир азим бут ясаб, отин Баъл қўйди. Ва борча ишда истионат андин қилур эрди. Ва севар ўғли хаста бўлди. Ҳар неча анинг сиҳатин истидъо қилди, фойда топмади. Хотуни маккораи қаттола ғариб эрди. Бани Исроилдин еги подшоҳға тегиб эрди. Ҳар бирин бир ҳийла била ўлтуруб ва етмиш фарзанд ул салотиндин ҳосил қилиб эрди. Ва Илёс а. с.ға бағоят душман эрди ва анинг қатлиға кўп саъй қилур эрди. Ва ўғли шифосиға Шом вилояти бутларидин истимдод учун жамоати касир йибориб эрди. Илёс а. с. чун аларға учраб дедиким, эй нодон қавм, бу жамодлардин ҳеч

нафъ ва зарар йўқдур, нега анга мараз берган холиқдин шифосин тиламассиз? Қавмға анинг сўзи ҳайбатидин титротма тушти. Келиб подшоҳқа айттиларким, кишилар йибориб Илёс а. с.ни келтурурға ҳукм қилди. Ул элга осмондин ўт тушуб куйдилар. Неча қотла бу навъ воқеъ бўлди. Оқибат Илёс а. с. амри илоҳи билан Баълабакка келиб, Юнус а. с. атоси уйида қарор тутти. Ва Юнус а. с. тифл эрди, неча кундин сўнгра яна тоғу дашт азимати қилди. Ва ул фаврда Юнус а. с. ға ажал етиб охир бўлди.

Юнус а. с. атоси Илёс а. с.ни топиб илтимос қилиб, Илёс а. с. дуоси билан Юнус а. с. баданиға руҳ кириб иҳё зумрасиға кирди. Ва Илёс а. с. ажузалар уйларида махфий юрур эрди. Чун қавм нодонлиғидин малул бўлди, дуо қилди, уч йил элга ёғин ёғмади ва азим қаҳат бўлди. Бу аснода Алясаъ а. с. Илёс а. с.ға рафиқ, бўлди. Ва ул йигит эрди. Ва Илёс а. с. улғойиб эрди, яна амри илоҳи била қавм аросиға кириб деди, йиллардурким бу жамодларни парастиш қиладурсиз, буларға шафоат қилингким, сизга ёғин ёғсун. Ва иллоҳ, сиз иймон келтурунг, мен Тенгри таолоға муножот қилай то ёғин ёғсун. Қабул қилдилар. Алар шафоатидин юбусат кўпрак бўлғай. Илёс а. с. дуосидин ёғин ёғиб, ҳубубот кўкарди. Куффор ваъдаға вафо қилмадилар, Илёс а. с.ға ул гумроҳлар ихтилотидин малолат ортқондин сўнгра, Алясаъ а. с. ни хилофатиға таъйин қилиб, халойиқ кўзидин махфий бўлди. Ва Тенгри таоло ани иззат қибобида элдин мастур асрабдур. Баҳру бар дармондаларига дастгирлиқ қилур. Ва ҳоло тирикдур. Авдоқки, Ҳизр а. с. валлоҳу таоло аълам. Ва муддат ва даъватида бир киши анинг диниға кирди.

Р у б о и й:

Илёсқа элдин чу кўб ўлди туғён,
Элнинг кўзидин руҳдек бўлди ниҳон.
Ҳар кимни халос қилса элдин яздон,
Не тонг анга умри абадий бўлса ниҳон.

Алясаъ а. с. бани Исроил анбиёсидиндур. Атосини. Ахтуб дебдурлар. Ва анинг иши деҳқонлиқ эрди. Илёс а. с.ға ваҳй еттиким, ани валиаҳдинг қил! Ўл ҳазрат анинг тарбиятиға машғул бўлди, иши элга хилофатқа етти. Ва муддате бани Исроилни ҳақ таолоға даъват қилди. Ва андин хориқ одот ва муъжизот кўп воқеъ бўлубдур. Ул жумладин бири буким, биров уйига меҳмон бўлди ва ул мезбониға фарзанд орзуси эрди ва бўлмас эрди. Анинг дуоси била Тенгри таоло анга фарзанд берди. Ва ул фарзандиға неча вақтдин сўнгра ажал етти. Яна анинг дуоси била руҳ баданиға кириб, кўп вақт тирилди. Бу навъ муъжизоти

кўптур. Бовужуди бу навъ ҳолот бани Исроил гоҳи анга мунқод эрдилар, гоҳи йўқ. Хотири ул элдин ториқиб, Зул-кифлни ўз хилофатиға таънин қилди. Ва ўзи муножот қилиб, Тенгри таолоға восил бўлди. Ва бу муродини Тенгри таоло ҳосил қилди.

Р у б о и й:

Илёс чу Алясаъни волий этти,
Ҳақдин анга анвори нубувват етти.
Гар ул қочиб эл малолатидин кетти,
Ул кетгондек бу доғи кетмай нетти.

Зул-кифл а. с. бобида ихтилоф кўбдур. Баъзи ани Дизқил дебдурлар. Баъзи дебдурларки, Айюб а. с.нинг ўғлидур, оти Башар. Ва агар бу ривоятлардин ҳар қойси рост бўлса, Алясаъ замонидин йироқ тушар. Ул асаҳ ривоят била Алясаъ бинни Ахтуб а. с.ға васийдур. Ва бу лақаб била мулаққаб бўлғанида ақвол кўптур. Бу мухтасарда ики қавл била ихтисор қилилур. Бири улким, Алясаънинг васоясиға бани Исроилнинг Тенгри таолоға далолат қилмоғида Мусо а. с. динининг ривожида ва «Таврот» аҳкомининг ижросида ва таълимида мутакаффил бўлди. Яна бир қавл улким, Тенгри таоло бир кофир подшоҳ даъватиға амр қилдиким, оти Канъон эди. Ул айттиким, мендин кўб исён воқеъ бўлубдур. Сўзунг била иймон қабул қилсам, не билайким Тенгри таоло қошида қабул борму, ё йўқ? Магар сен ҳақ таоло раҳматиға кафил бўлғайсенқим, мен кўнгул тинчи била иймон кетургаймен. Зул-кифл а. с. Канъонға кафил бўлди, кафолат хати битиб берди. Ул иймон қабул қилиб, салтанат таркин тутуб, Тенгри ибодатиға машғул бўлди. Чун ажал етти, ул хатни васият қилдиким, анинг била дафн қилғайлар. Ривоят будурким, ҳақ таоло пайғамбари кафолати жиҳатидин Канъонға раҳмат қилиб, биҳишт насиб қилди. Ва бир малакка амр бўлдиким, ул хат била элга зоҳир бўлуб, Канъон башоратин еткурди. Қавм ул ҳолдин мутаассир бўлуб, иймон қабул қилиб, анинг рисолатиға эътироф қилдилар. Баъзи дебдурларким, эътироф аҳлининг иймонлариға ҳам қабул учун кафил бўлди. Чун иши Тенгри таоло раҳматиға эътимодидин бу навъ ишларга кафолат эрди, бу лақаб била машҳур бўлди. Ва муддат қавми ҳидоятиға иштиғол кўргузуб, олами фонийға видоъ қилди.

Р у б о и й:

Зул-кифл ишиким, ҳаққа далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга кафолат эрди.

Чун қавмнинг ойини залолат эрди,
Ўтти чу замириға малолат эрди.

Ашмуил а. с. олий шаън пайғамбардур. Зул-Кифл ўткандин сўнгра, неча қарнғача бани Исроил орасида пайғамбар мабъус бўлмади. Ва Оъдий ғолиб бўлуб, аларнинг аҳволиға кўп футур юзланди, ва қатл, ва асир ва торож кўрдилар. Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайғамбарзода ва маликзода била торож ва асир элттилар. Қавм тазарруъ қилиб, ўзларига бир пешво тиладилар эрса, Тенгри таоло Ашмуил а. с.ни мабъус қилди. Ва анинг биъсати замонида олий имом Тенгри раҳматиға бордиким, қавмнинг қабз ва басти анинг илкида эрди. Қавм Ашмуилдин подшоҳ истидъо қилдилар. Ул илҳом мужиби била Шовакни дедики,. Толутқа машҳурдур, Тенгри таоло сизга подшоҳлиққа тақдир қилибдур. Қавм ор қилдиларким, бу вақтғача салтанат Яҳудо наслида эрди ва Шовак Ибни Ямин наслидин эрди. Ашмуил а. с. дедиким, тақдир будурким, анинг салтанати вақти еткач, Қуддус тоғики, муддатлардурки таскин топибдур, ўтсиз қайнай бошлағай. Ва Сакина тобутиким, қарнлардур ғойиб бўлғоли, ошкоро бўлғай. Ва ҳол улким, булар вуқуъ топти ва Ашмуил а. с. Толутни салтанат амриға мансуб қилди, Қавм доғи қабул қилдилар. Ва ул вақтда Фаластин мулки Жолутнинг истилосидин бани Исроил ул ерға етиб эрдиким, борча зулм кўрарлар эрди. Сўнгра аларға жизя таъйин қилиб эрди, Ашмуил а. с. Толутнис Жолут дафъиға амр қилди. Ва Толут сексон минг черик била Фаластин мулкига азимат қилди. Ва анинг сипоҳи Жолут ваҳмидин биёбонда сувсизлиғу исиғ ҳаво шиддатидин мутафарриқ бўлуб, уч юз ўн киши била Жолутқа етишти. Ва Жолут анинг олида сипоҳ тузатмакка ор қилиб, ёлғуз майдонға кирди. Ва Толут Довуд а. с.ға қизин берур ваъдасин қилди ва анга ўтру йиборди. Довуд а. с. Жолутни ҳалок қилди. Ва Жолутни ҳам Калбос дерлар. Бани Исроил фатҳ топиб, Жолут азим черикининг амволин тасарруф қилдилар. Ва Ашмуил а. с.нинг ёши эллик иккига етканда оламдин ўтти. Ва ўн ики йил қавм орасида нубувват қилди. Ва марқадин дерларки, Совададур, валлоҳу аълам.

Р у б о и й;

Чун қавмға Ашмуил бўлди ҳоди,
Жазм ўлди анга расуллуқ исноди.
Элга қилибон ҳақ йўлининг иршоди,
Азм этти, чу етти умрининг миъоди.

Довуд бинни Ийшо а. с. Яҳудо авлодидиндур. Анинг зикри

ижмоли била ўтти. Жузвий тафсил зарурдур. Ашмуил а. с. зикри доғи анинг зикрида лозим келур. Ва Довуд а. с. аҳволининг тафсили буким,, Ийшонинг ўн уч ўғли бор эрди. Довуд а. с. Борчадин кичикроқ эрди ва ҳақир жуссароқ эрди ва гириҳ манзарроқ эрди ва Ийшо ани шубонликқа таъйин қилиб эрди ва анга ажиб ҳолот мушоҳада бўлур эрди. Чун Ашмуил а. с. Калбос урушиға Толутни муқаррар қилди, ваҳй келдиким, Жолутнинг қатли Ийшо авлодидин ул бирининг иликидадурким, фалон зириҳ анинг бўйиға ростдур. Ашмуил а. с. Ийшонинг авлодидин тилаб, ўн ики оғоинининг бўйиға рост келмади, Ийшоға айтти: яна ўғлунг бор эса, келтур! Ийшо айттиким, бир ўғлум борким, қўй кутар. Аммо анга бу иш қобилияти йўқтур ва ани тиламак бефойдадур. Ашмуил а. с. анинг сўроғин сўруб, бориб топти. Қўйин сувдин ўткарадур эрди, сув улуғроқ жиҳатидин қўйларни икирар-икирар кўториб ўткарур эрди, Ашмуил а. с. кўргач, билдиким, нубувват шафқатининг осоридур. Анинг била мулоқот қилиб дедиким, санга ўз аҳволингдин ғарибосор ҳеч маълум бўлурму? Довуд а. с. айтти: бўлур. Шарҳини сўрди эрса, кўп ғариб осор баён қилди. Ул жумладин бири буким, келдиким, бир тош манинг бирла такаллум қилдиким, мен ул тош менким, манинг била Ҳорун а. с. фалон душманини ҳалок қилди. Ва мен ул тошни олиб тўбраға солдим. Яна ики тош ҳам ушбу дастур била бири Мусо а. с, бири Иброҳим а. с. душманини ўлтуруббиз, бизни дағи кўтор, деб айттилар. Аларни ҳам тўбраға солиб, солғондин сўнгра учоласи тош бир бўлди. Ашмуил а. с. Довуд а. с.ға нубувват ва салтанат башоратин бериб, Толут қошиға келтурди. Ва Толут куёвлики ва мулк шеркати ваъдаси бериб, Довуд а. с. Жолут майдониға кириб, ул тошни анга отиб, қодир қудрати била ани ҳалок қилиб Жолут бани Исроилға мағлуб бўлди, Ва Довуд а. с. Толут ваъдаларига вафо тилади. Толут кўп хизмат буюрғондин сўнгра, қизин анга берди. Ва бани Исроил қошида Довуд а. с. нинг иззу шарафи ортти. Ва Толут ваҳмдин пушаймон бўлуб, Довуд а. с. қасдиға бел боғлади. Довуд а. с. андин қочиб, махфий юрур эрди. Толут кўб киши анинг топмоғиға таъйин қилур эрдиким, ўлтургай. Бани Исроил уламо ва аҳборини қатлға еткурдиким, бу тоифадин ҳеч киши қолмади. Ва бу иш вуқуъидин сўнгра нодим бўлуб, паришон ҳол гўристонлар кезар эрдиким, не қилсам тенгри таоло тавбамни қабул қилғай. Бир мустабожуд-даъва заифа қолиб эрди, анга тавассул қилиб, ҳолин деди. Ул Ашмуил а. с. қабри бошиға бориб, дуо қилди. Ашмуил а. с. қабридин чиқиб айттиким, они жиҳод қилсангким, ўн ўғлунг илайингда шаҳид бўлсалар, сўнгра ўзунг шаҳодат топиб, Тенгри таоло тавбангни қабул қилғай, деб яна қабриға кирди. Ва қабр бутти. Ва Толут Ашмуил буюрғонини бажой келтуруб, бани Исроил андин халос бўлдилар. Бу ҳолдин сўнгра, Довуд а. с. нубувват баланд пояси била салтанат пироясиға мушарраф бўлди. Ва анинг шаънида бу оят

келдиким, «Ё Довуду инно жаъалнока халифатан фил арзи фаҳкум байнанноси бил ҳаққи»[41].

Ва дерларки азимати бир ерга еттиким, тўрт минг киши кеча анга нигоҳбонлиғ қилурлар эрди. Ва муъжизотидин бири ҳасан савтдурким, Тенгри таоло анга насиб қилди. «Забур»ни анга ирсол қилдиким, қачон ул савт била «Забур»ни ўқуса эрди, ваҳшу тайр, жину инс йиғилиб, беҳол бўлурлар эрди. Ва ул гоҳлар ўзга либос кийиб, ани тонимас элдин истифсор қилур эрдиким, Довуд сизинг била нечук маош қиладур. Бир кун анга масмуъ бўлдиким, Довуд а. с.нинг айби будурким, байтул-молдин маош ўткарадур. Мутаассир бўлуб, Тенгри таолодин бир санъат истидъо қилдиким, важҳи маош андин ҳосил қилғай. Тенгри таоло зирҳгарлик. санъатин анга каромат қилди. Яна бир муъжизаси бу эрдиким, зирҳгарликка ҳожати ифзор йўқ эрдиким,, темур иликида мумдек юмшар эрди. Ясалғондин сўнгра ўз ҳолиға борур эрди. Ривоятдурким, ҳар қачон Довуд а. с. тасбиҳ ва таҳлилға машғул бўлса эрди тоғу тош ва давобу ашжор анинг мувофақатиға тасбиҳға иштиғол қилурлар эрди. Ва ул авқотин тўрт қисм қилиб эрди. Бир кун уламо била суҳбат тутуб дарс ва таълимға машғул бўлур эрди. Ва яна бир кун қуззо маснадиға ўлтуруб, халойиқ қазоёсин бир-бирдин ўткарур эрди. Яна бир кун ўз ҳарамлари била зист қилур эрди. Яна бир кун муножотда дер эрдиким, ёраб, санинг ҳазратингда не навъ маош қилсамким, санга мустаҳсан тушгай? Хитоб келур эрдиким мени кўп ёд қил ва мен севганларни сев, халойиққа ўз нафсингға ҳукм қилғондек қил ва ғойиб қардошинг фаррошидин муҳтариз бўл!

Манқулдурким, бани Исроил уламоси бир кун дедиларким, оё, ҳеч бандаға бир кун ўтгаймуким, андин зиллати вужудқа келмагай? Довуд а. с. деди: шояд мендин ибодат қилур кун келмагай. Ва бу хиёл била ибодат куни ишга машғул бўлди. Кўрдиким, бир ғариб ранглик фаришта, кабутар чиройлиқ эрди, равзандин кириб, анинг қошинда қўнди. Довуд а. с.ға қил-ғон хиёлин унутуттурдилар. Ул қушни тутарға майл қилғоч, ул қуш равзандин чиқиб, томға қўнди. Довуд. а. с. ани тутмоқға томға чиқти. Ҳарён кўз солурдаким, қуш қаён борди экан, кўзи савмааси ёнидағи бир бўстонға туштиким, бир жамила ғусл қиладур эрди. Хотири бағоят мойил бўлди. Тафаҳҳус қилғондин сўнгра билдиким, Урёнинг манкуҳасидур. Ва Урё Довуд а. с.нинг Савоб отлиғ иниси била Балқо шаҳрининг муҳосараси машғул эрди. Ва қавмда мутааййин киши эрди. Довуд а. с. Савобқа нома битиб, душвор иш Урёға ружуъ қилдиким, Урё ул ҳарбда шаҳид бўлди.. Ва Довуд а. с. ул заифанинг иддати ўткондин сўнгра никоҳ қилмоқ бўлди. Ва ҳамоноки, Довуд а. с.нинг тўқсон тўқуз ҳарами бор эрди. Ул заифа деди: бу шарг била қабул қилурменким, мендин ўғлунг бўлса, валиаҳдинг бўлғай.

Довуд а. с. қабул қилуб, ани қулди. Сулаймон а. с.нинг онаси улдурким, нубувват ва салтанат Довуд а. с. дин сўнгра анга етти. Ва муддате Довуд а. с. ни Тенгри таоло қилғон хатосиға олим; қилмади, то бир кун хилватида тоатқа машғул эрдиким, илайида неча киши ҳозир бўлди. Ва бу иш ғайри маъҳуд эрди. Довуд а. с. сўрдиким, не халқсиз? Алар дедилар, қўрқма. «Қолу ло тахаф, хасмони бағо баъзуно ало баъзин фаҳкум байнано бил ҳаққи вало туштит ваҳдино ило савоис-сирот»**42**.

Довуд а. с. хусуматларидин сўрди. Алардин бири яна биридин шикоят қилдиким, тўқсон тўқуз қўйи бор. Ва менинг бир қўюм бор эрди, мендин тамаъ қилиб, ул қўюмни олди. Довуд а. с. айттиким, мундоқ бўлса, санга зулм қилибдурурлар. Алар табассум бўлуб дедилар: Қазо-ар-ражулу ало нафсиҳи»**43**. Ва ғойиб бўлдилар. Довуд а. с. билдиким, алар малойика эрдилар. Ва Довуд а. с. ўз қилғон ишининг қабоҳатидин хотириға келиб, дуд бошиға ошти. Ва бу хатоси узриға қирқ кун саждадин бош кўтармади. Навҳа била ўз ҳолиға йиғлаб тазаллум қилди. Жабраил а. с. келиб, бахшиш башоратин келтуруб дедиким, Урёнинг ризосин ҳосил қил, Тенгри таоло карами била худ гуноҳингдин ўтти.

Довуд а. с. Жабраил таълими била Урё қабри бошиға бориб, Урёдин талаби афв қилди. Ҳақ таоло Урё таниға руҳ киюруб, Довуд а. с. ани қатлға амр қилғонин афв қилиб, манкуҳасин никоҳ қилғоли жиҳатидин жавоб бермади. Довуд а. с. бошиға туфроқ совуруб, жазаъ бунёд қилди эрса, хитоб келдиким, сен хотирингни жамъ тут, биз чун гуноҳингни боғишладуқ, қиёмат куни Урёға онча жавр ва қусур каромат қилоликим, ул ҳам сени бухл қилғай. Довуд а. с. кўнгли ул иштин итмийнон топти. Ва бу воқеадин сўнг, ўтуз йил ҳаётда эрди. Ривоятдурким, Довуд а. с. тазаллуми ва муножоти чоғиким, мулк ишидин парвойи қолмайдур эрди, ўғли Шалум Арозил ва Авбош иғвоси била мулк ишига дахл қилиб, истиқлол кўси урди. Чун Довуд а. с. гуноҳи афв бўлуб, мулк ишига шуруъ қилди, Шалум ваҳмдин фирор ихтиёр қилди. Ва Довуд а. с. Савобни анинг дафъиға йибориб дедиким, иликласанг, ани қатл қилмағайсен. Савоб ани тутқоч, охир қилди. Довуд а. с. ранжида оламдин ўтди. Ўтар чоғда, Сулаймон а. с.ға анинг қасосин буюруб, Сулаймон а. с. ул амрни бажо келтурди. Ва бу вақтда бани Исроил ул навъ қолин бўлуб эрдиким, ададин киши билмас эрди. Тенгри таоло аларни тоун марази била кам қилди.

Манқулдурким, уч кеча-кундузда юз етмиш минг киши алардин Тенгри таоло ҳукмин буткордилар. Бу ҳолатда Довуд а. с. ва қавм, уламо ва аҳбори Байтул-муқаддаснинг саҳроси устига келиб, бошларин ялонг қилиб тазарруъ қилдилар. Ҳақ таоло ул балони дафъ қилғоч, Довуд а. с. қавмнинг қолғониға буюрдиким, бу ерда Тенгри таоло шукриға бир маъбад бино қилингким, ҳамиша шукр адосиға ибодат

қилғайсиз. Ва қавм анинг буйруғи била масжиди Ақсо иморатин бино қилдилар. Ёримиға еткондин сўнг, Довуд а. с. бир ривоят била, юз йигирми яшаб эрди, Тенгри таоло раҳматиға борди. Ва хилофат ва валиаҳди Сулаймон а. с. эрди, ўз салтанати замонида ул бинони туготти.

Р у б о и й:
Довудки, шоҳ эрди ва пайғамбари пок,
Жоҳи қошида паст эди авжи афлок.
Жониға ажал урарда тиғи бе бок,
Нафъ этмади шаҳлиғу нубувват хошок.

Сулаймон бинни Довуд а. с. андин машҳуррокдурким, аҳволи кўб шарҳқа эҳтиёж бўлғай, аммо жузвий тафсилдин чора йўқдур. Ул дуо қилдиким, «рабб иғфирли ва ҳабали мулкан ло янбағи ли аҳадин мин баъди»[44]. Ҳар ойина дуоси мустажоб бўлуб, бовужуди нубувват, баъзи дебдурларким бо вужуди улким, рубъи маскун салтанатини Тенгри таоло анга насиб қилди, бовужуди бу салтанат жину инс ва ваҳшу туюрни анинг маҳкуми амри қилди. Ва елни фармониға киюрди ва исми аъзам ёзилған хотам каромат қилдиким, мазкур бўлғонлар анинг баракотидин. Ул буюрғонни қилдилар. Ва ул бир бисот ясаттиким, жамиъ халқ сипоҳи анинг устида сиғар эрди. Қаён борса, элга амр қилур эрдиким, бу бисот била халқини анинг била элтур эрди. Ва машҳурдурким, сабоҳ Шомдин азимат қилиб, чоштни Истахрда ер эрди. Андин азимат қилиб, шом таомин Қобулда ихтиёр қилур эрдиким, «валисулаймонар-риҳа ғудуввуҳо шаҳрун ва равоҳуҳо шаҳрун»**45** анинг шаънида нозил бўлубдур.

Довуд а. с.дин сўнграким, масжиди Ақсо биносили Сулаймон а. с. тугатти ва анинг асносида Байтул муқаддас шаҳрини ҳам ясади. Ва шаҳри азаматида ва масжид зебида аҳли тарих ғариб муболағалар қилибдурлар. Ул жумладин бири буким, шаҳрға ўн ики қўрғон бири-бирининг давриға йўнғон тоштин ясатти. Яна бири буким, масжидни ети ранг тошдин туготиб, қиймати жавоҳир била мурассаъ қилди. Ва ушоқ тош ўрниға ҳамул жавоҳирдин тўктурди. Ва ул уйда амр қилдиким, ҳаргиз ибодатдин ва уламо илми таълимидин холи бўлмағай. Ва Байтул-муқаддас ва масжиди Ақсо кўб қарилар бу дастур била маъмур эрди. Вайронлиғи Бухтун-насрдин эрди, шоядки ўз ерида келгай.

Ва Сулаймон а. с. ваҳшу тайр тилин Тенгри таоло иноятидин билди. Бир майдони мураббаъким ҳар залъи-ўқ ики йиғоч бўлғай, фарш тушотиб эрдиким, хиштининг бири олтун, бири кўмуш эрди. Бир жониб тахтинким, жавоҳир била мурассаъ эрди қўярлар эрди. Тўрт минг олтун

курси тахтининг ики ёнида қўярлар эрдиким, бани Исроил уламо ва аҳборин ўлтурурлар эрди. Ва тахтқа ёқин Осифи Бурхиёки вазири эрди, анинг курсисин қўярлар эрди. Ва Сулаймон а. с. тулуъдин ғурубқача «мо халақа илло»46 қозиясин суруб, ҳукмин қилур эрди. Ва деву пари ва ваҳшу тайр хизматида тураралар эрди. Ва исиғ ҳавода туюр боши устида соя қилурлар эрди. Ва оқшом уйига азимат қилғоч, занбалбофлиғдин ҳосил қилғон нима била рўза очар эрди. Бир кун анинг ҳукми била ел мазкур бўлғон бисотни ва фаршни элтиб борадур эрди. Водийун-Намлға еттиким, баъзи ани Тойифи Ҳадидо дебдурлар. Ва мўр хайлининг шоҳи сипоҳиға амр қилдиким, Сулаймон сипоҳи била ўтадур. Масканингизга киринғким, сизга ул сипоҳдин зарарe етмагай. Сулаймон а. с. ул амрдин воқиф бўлуб, анда таваққуф қилиб, ул мўрни овучиға олиб, анинг била муколама қилди. Бири муни сўрдиким, хайлингни бизинг остимиздин танбиҳ қилдинг, билмассенмукин, бизинг оёғимиз остида мўр озурда бўлмас. Мўр дедиким, ё набийуллоҳ, сендин хотиржамъдурман, аммо шояд санинг шуурунг бўлмагай, хайлингдин осиб еткай, деб танбиҳ воқеъ бўлди. Ва раёсат шарти номаръий қолмади. Сулаймон а. с. дедиким, мандин азимуш-шаънроқ махлуқ билурмусен? Дедиким, сендин азимуш-шаънроқ мендурмен. Сенинг тахтинг бир жамоддур. Менинг тахтим санинг муборак илкингдур. Сулаймон а. с. деди: санинг сипоҳинг кўпрак экан ё манинг? Мўр деди: Манинг. Сулаймон а. с. деди: Манинг сипоҳим ададин киши билмас. Мўр амр қилди, етмиш минг мўр хайли чиқтиларким, бир хайлнинг ададин киши билмас эрди. Сулаймон а. с. ул иштин ибрат олиб, мўр Сулаймон а. с.ни чекуртка аёғи била зиёфат қилиб, Сулаймон а. с. мўрға навозишлар қилиб, ул ердин ўтти. Манқулдурким, Сулаймон а. с.нинг ҳашамати ниҳоятқа еткондин сўнгра, муддао қилдиким, ҳар махлуқниким ҳақ таоло анинг маҳкуми қилибдур, борчасин зиёфат қилғай. Муножот қилиб рухсат ҳам топти. Бир биёбони васиъ азим топтиким, бир тарафи дарё эрди. Девларга буюрдиким, ики минг ети юз қозон ясадиларким, ҳар қайсисининг даврасининг қутри минг қари эрди.

Банокатий тарихида дебдурким, йигирми ики минг ўй зибҳ бўлди. Ўзга борча ашёни мундин қиёс қилса бўлғай. Бу маъкулот неча вақтдин сўнгким туганди. Ул даштда ёйдилар ва борча махлуқотқа сало урди. Ва бу аснода Тенгри таоло баҳр давоббидин бир доббани сувдин чиқорди. Ва ул добба Сулаймон а. с.ға дедиким, сен махлуқотни зиёфат қиладур эмишсен, бу кун ризқимни ҳақ таоло санинг хонингга ҳавола қилибдур. Сулаймон а. с. деди, бу таомларднникм ёйилибдур, улча санга кофийдур, егил. Ул добба ул муддатда пишкон таомни тамом еб тўймай, Сулаймон а. с.дин нима тилади. Сулаймон а. с. ожиз бўлди. Добба дедиким, сабоҳ бир ризқимдин сулси ейилди, яна ики сулси қолибдур. Сулаймон а. с. деди: Магар сен Тенгри таоло хон арзоқидин тўйғайсен.

Добба дедиким; ё Сулаймон, сен муни билмасму эрдингким, Тенгри таоло махлуқотин магар ўз хони карамиднн тўйғозғай, бу навъким мени кўрдунг. Бу баҳрда Тенгри таоло андоқ жониворлар яратибдурким, ҳар бирига ики мендекни туъма қилибдур. Сулаймон а. с. Тенгри таоло сунъиға офаринлар қилиб, ўз қилғонидин мунфаил бўлуб, ҳақ таоло қошида ажзиға эътироф қилди, афву маърифат тилади. Тенгри таоло анинг матлубини анга еткурди. Ул танбиҳ бўлди. Манқулдурким, Сулаймон а. с. туюрдин ҳар бирини бир ишга таъйин қилур эрди. Ҳудҳудни сув топмоқ амриға муқаррар этиб эрдиким, тахти йилига биёбонларға гузар қилурда сув дарбойист бўлур эрди. Бир кун сувға эҳтиёж бўлуб, Ҳудҳуд топилмади. Сулаймон а. с. сувға буюрдиким, ани ҳозир қилғай. Ул ҳозир қилғоч, Сулаймон а. с. хитоб қилди, ғазаб билаким, қаён бориб эрдинг? Ва ҳол ул-ки, Ҳудҳуд бир замон мулозиматдин фориғ топиб, сайр учун тайрон қилиб, бир шаҳрға кўзи тушуб эрдиким, оти Сабо эрди ва подшоҳи Билқис отлиғ хотун эрди. Ва анинг аҳволининг кайфиятин машруҳ билиб келиб эрди, Сулаймон а. с. сўрғоч, арз қилдиким, бу навъ шаҳрға еттим ва бу навъ подшоҳи бор. Ғоят ҳусну жамол ва ниҳояти ҳусну камол ва салотиндин мунфарид ва миллати офтобпарастлиғ. Отаси Шароҳил Яъриб бинни Қаҳитон наслидин ва онаси Района жиниким, жин шоҳининг қизи бўлғай. Ва мунинг асносида онча таъриф қилдиким, Сулаймон а. с.ға анинг мулоқоти майли бўлуб, мактуб битдиким, ислом давлатиға мушарраф бўлсунки, «Иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллоҳир-раҳмон-ар-раҳими алло таълу алайя ваътуни муслимина»47 андин мухбирдур. Ва бу номани Ҳудҳудқа бериб, Сабо шаҳриға йиборди. Ва нома Билқисқа еткондин сўнгра, Билқис тааммул била тўрт кирпич икиси олтун, икиси кумуш, доғи бир муҳрлик дурж ва юз қиз ва ўғул – барисин борчасиға эранлар либоси кийдурулган ораста қилиб, Манзар бинни Умарким, ақл ва каёсатлиғ киши эрди, бу нималар била Сулаймон а. с. ҳазратиға йиборди. Доғи дедиким, агар хиштларни қабул қилур ва сенинг била истиғно юзидин мулоқот қилур, пайғамбар эмас ва агар акс қилур, пайғамбардур. Андин сўнгра ўғлонларни қизлардин айирсун, доғи ҳуққада не нима эрканни десун ва дегондин сўнгра етишмокин ҳам айтсун. Манзар мутаважжиҳ бўлуб, Сулаймон а. с.ға Жабраил а. с. келиб, ул ишлардин хабар берди. Сулаймон а. с. мазкур бўлғон ул ўн ики йиғоч олтун, кўмуш, хишт тўшагон ерда сипоҳини ораста қилиб, Манзарнинг йўлида тўрт хишт ўрнини очуқ қилдилар. Манзар бу ҳашаматни кўруб, ҳайрон қолиб, ўз келтургон туҳфасидин шарманда бўлуб, ҳамул очуқ қолғон тўрт хишт ўрниға қўюб, Сулаймон а. с. ҳазратиға келди. Очуқ юз била эъзозу икром қилиб буюрдиким, туҳфаким келтуруб эрдинг, не учун ташладинг? Ани қабул қилмасбиз, қойтиб Билқиса айтким, иймон қабул қилсун. Ва иносни зукурдин

айирди ва дурж ичинда дедиким, ёқути носуфтадур. Ани чиқориб буюрдиким, олмос била суфта қилсунлар. Чун Манзар Билқис хизматиға кўргонларин арз қилди, Билқис Сулаймон а. с. хизматиға мутаважжиҳ бўлди. Бир йиғоч ёқин етконда Сулаймон а. с.ға хабар бўлди. Ва мазолим девонида ўлтуруб, дедиким, бўлғайки Билқиснинг тахтин Сабо шаҳридин бот келтургай. «Қола ифритун минал жинни ана отика биҳи қабла ан тақума мин мақомика ва инни алайҳи лақавийюн амин»[48]. Сулаймон а. с. дедиким, мундин ботроқ керак. Яна бир жин дедиким, кўз юмуб – очқунча келтурай. Сулаймон а. с. қилғон даъвийси била ҳозир қилди. Ва ул тахтни Билқис ети ўтлош уй ичинда қўюб, борчасин муқаффал қилиб эрди, Сулаймон а. с. буюрдиким, ўз тахти устида қўйдилар. Билқискa бор бўлди ва ўз тахти гўшасида ер бериб, илтифотлар қилди. Билқис ўз тахтини кўруб, мутаажжиб бўлуб, Сулаймон а. с.нинг нубувватиға шаки қолмади. Ва Сулаймон а. с. Билқисни ўз қиз-қардоши қошида тушурди. Неча кунлук мусоҳабатдин сўнгра, мезбон меҳмоннинг хасойили ҳамидасин таъриф қилиб, Сулаймон а. с. Билқисни ўз никоҳиға тортти. Ва анинг муборак аёғида тук бор эрдн. Анинг жиҳатидин девлар ҳаммом биносин қилиб, тўра таркиби била ул ишнинг иложи қилдилар. Ва ул соҳиби давлат жиҳатидин неча минг йилдурким, халойиқ ҳаммом осойишиға мушаррафдурлар, таърифдин мустағнийдур. Сулаймон а. с. фитнаси «Қолаллоҳу таоло: ва лақад фатанно Сулаймона ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан сумма аноба»**49**. Сулаймон а. с. фитнаси шарҳида мухталиф ривоят бор. Аммо улча бу мухтасарға муносибдур ёзилур. Баъзи дебдурларки, бовужуди ети юз ҳарам ва уч юз суррият Тенгри таоло Сулаймон а. с.ға бир ўғул бердиким, бир кўзи кўр ва бир илики ва бир оёғи йўқ эрди. Сулаймон а. с. ва Билқис ва Осаф инсоф юзидин ўзларининг уюбиға муътариф бўлуб, дуо қилғоч ул тифлни ҳақ таоло тандуруст қилди ва анинг муҳофазати учун Сулаймон а. с. жинларни таъйин қилди. Тенгри таоло анинг ўз ўғлини сойир атфолдин мумтоз қилиб, писандида тушмай, Азроилға амр бўлдиким, руҳин қабз қилиб, жасадин Сулаймон а. с.нинг тахти устида ташладиларким, «Ва алқайно ало курсиййиҳи жасадан»**50** мақсуд мундин бўлғай. Ва Ваҳб бинни Мунаббиҳ била ибни Аббос Разийаллоҳу анҳумо дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг фитнаси интизои эрди. Ва жасад иборати Сихрборд отлиғ девдин эрдиким, анинг тахти устига анинг сурати била қирқ кун мутамассил бўлди. Ва бу иш кайфияти бу эрдиким, Сулаймон а. с. ким, Жазира мулукидин биринким, отин Сайдун дебдурлар ва бутпараст эрди ўлтурди. Қизинким малоҳат зевари била ороста эрди қўлди. Ул қиз отаси фироқида бетоқат эрди, Сулаймон а. с. анинг давосин тилаб топмас эрди. Ул қиз шайтон иғвоси била Сулаймон а. с.ға илтимос

қилдиким, девлар отам шакли била бир сурат ясаб келтурсаларким, гоҳи ани кўруб кўнглумга тасалли бўлса, анинг муддаоси мақбул тушуб, бу иш сурат тутти.

Чун қиз бурун бутпараст эрди, бу суратни парастиш қила бошлади. Сулаймон.а. с. ғофил ва бу иш Осафға етти. Осаф Сулаймон а. с. мажлисида анбиёйи собиқнинг наътин қилурда, Сулаймон а. с.нинг отаси замониғача туфулийят айёми маошининг таърифин қилди. Сулаймон а. с.ға бу душвор келдиким, мунча ғариб иноятларким, анга Тенгри таоло салтанати айёмида насиб қилди. Осаф алардин нечук нима демади. Осафдин истифсор қилғоч, айттиким, бировнингким қирқ кун уйида бутпарастлиғ бўлғай, анбиё зумрасида не навъ таъриф қилса бўлғай. Сулаймон а. с. сўруб билгандин сўнгра, ул бутни ушотиб, ўзи тазарруъға тушти. Бу аснода мустароҳға кирарда маъҳуд тариқи била хотамни Жарода отлиғ канизакка топшурди. Мазкур бўлғон дев Сулаймон а. с. сурати била келиб, канизакдин хотамни олиб, Сулаймон а. с. тахти устига чиқиб, ҳукм қила бошлади. Сулаймон а. с. чиқиб хотамни тилагач, шаклин ҳам Тенгри таоло мутағаййир қилиб эрди, канизак ани танимади. Дедиким, хотамни Сулаймон олди, сен не кишисен? Сулаймон а. с. ўз сурати билан бировни тахтида кўргач, билдиким, ҳол недур. Шаҳрдин чиқиб, шаҳрда саргардон юрур эрди. Қаён борса, не кишисен? – деб сўрсалар эрди, мен Сулаймонман, дер эрди. Ани телба деб, тош отиб, бошиға туфроқ сочиб, ийзо қилурлар эрди. Ва деви лаъин тахт устида номаъқул ва номашруъ ҳукмлар қилур эрди. Мутаажжиб ва мутағаййир бўлғондин сўнг, дев билдиким, қиладурғон иш анинг иши эмас. Ул хотамни дарёга ташлаб, ғойиб бўлди.

Ва Сулаймон а. с. рўзи жиҳатидин дарё қироғинда болиғчиларға муздурлуқ қилур эрди. Ул хотамни бир болиғ ютуб, аларнинг домиға тушуб, Сулаймон а. с. муздиға бердилар. Сулаймон а. с. болиғ ичидин хотамни олиб, яна салтанат тахтиға борди.

Ва бу воқеа ҳамул бутпарастлиғ айёми била мувофиқ қирқ кун ва Жасадни баъзи муфассирлар. бу девдин таъбир қилибдурлар. Ва анинг ғаройиб эъжозин бир гунаш раддидурким, мужмалан ўтти. Ва шарҳи будурким, осорини кўрарга машғул эрдиким, гунаш ботти ва муборак хотириға аср намози фавт бўлғон учун изтиробға тушти. Тенгри таоло гунашни қайтариб, ул ҳазрат намозин қилғунча ўз ерида турғузди. То намоз тугонди, яна ғуруб қилди. Тарих аҳли дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг савмаасининг эшикида ҳар кун ғайбдин бир дарахт пайдо бўлур эрди ва хосиятин Сулаймон а. с. сўрар эрди. Бир кун бир дарахт пайдо бўлди ва хосиятин сўрғоч, жавоб бердиким, хосиятим сенинг мулкунгга вайронлиғдур. Сулаймон а. с. билдиким, вақт етибдур. Васиятлар китобат қилди ва Тенгри таолодин илтимос қилдиким, анинг фавтин дев

ва паридин неча вақт махфий тутқай. Ва шишадин бир уйи бор эрдиким, анда тоат қилур эрди. Ул уйга кириб, асосиға таёниб оламдин ўтти. Ва халоиқ кўрар эрдиким, Сулаймон а. с. асосиға таёниб турубдур. То муддатлардин сўнгра, асосин қурт еб ушолди. Ва ул ҳазрат йиқилғондин эл фавтин билдилар ва анинг мавтидин ихфоси илтимосида сўзлар дебдурлар. Яхшироқ будурким, Байтулмуқаддас туганмоки ҳамонча фурсат мақсуд эрдиким, асо бутун эрди, тугагондин сўнгра асо синди ва девлар ул ишни туготиб эрдилар. Валлоҳу аълам.

Р у б о и й:

Оламни Сулаймонға ҳақ этмиш маъмур,
Ҳукми солди жину башар хайлиға шўр.
Охир чу ажал анга мақом айлади гўр,
Туфроқ ичида қилди ватан уйлаки мўр.

Луқмони ҳаким. Тарих аҳлидин баъзи ани ҳукамо силкида мазкур қилибдурлар. Ва кўпрак эл ани пайғамбар дебдурлар. Ва баъзи ривоятда мундоқдурки, Тенгри таоло нубувват ва ҳикмат орасида мухбир қилди. Ҳар тақдир била «Ва лақад отайно луқмонал-ҳикмата»51 анинг шаънидадур. Бўла олурки, бовужуди нубувват ҳикмат дағи анга насиб бўлмиш бўлғай. Ранги қаро эркандур. Довуд а. с. суҳбатиға мушарраф бўлур эрди. Ва андин кўб ғаройиб вужуд тутар эрди. Баъзи дебдурларки, қул эрди ва озод бўлғонида мухталиф ривоят бор. Бири буким, хожаси бир руд қироғинди биров била нард ўйнади, бу шарт билаким, мағлуб бўлғон бу руд суйин тамом ичгай ё молин бергай. Ва Луқмоннинг хожаси уткузди. Ҳариф рудхона суйин тамом ичмак таклиф қилди. Ва ул мутаҳаййир бўлди. Луқмон дедиким, шарт қиладурғон вақтдағи сувни ҳозир қил ё ғаразинг бу ҳозир сув бўлғон бўлса, руднинг бу қироғиндағи сувни ичкунча нори қироғиндағи сувни турғуз. Ҳариф бу ишдин ожиз бўлди. Хожаси халос топиб, Луқмонни озод қилди. Яна бири буким, хожаси анга буюрдиким, қўй ўлтуруб, яхшироқ: узвини пишуруб келтур. Ул юрокини тили била пишуруб келтурди. Яна бир қотла дедиким, қўй ўлтуруб, ёмонроқ узвини пишуруб келтур. Ҳамул ики узвдин келтурди. Хожа нуктасин сўрди эрса, дедиким, кўнгул: ношойиста афъолдин ва тил нобойиста ақволдин бири бўлса, алардин яхшироқ узв йўқтур ва агар бўлмаса, алардин ёмонроқ йўқ. Яна бири бу ким, хожа анга буюрдиким, кунжид эк! Ул арпа экти. Хожа сўрдиким, арпа экиб, кунжид нечук топарсен? Дедиким, чун сен ношойист иш қилиб, нечук Тенгри таолодин раҳмат ва жаннат тамаъ қилурсен, мен ҳам дедим: арпа эксам, кунжуд шояд бар топқаймен. Хожа мутанаббиҳ бўлуб, ани озод қилди. Дуо қилиб, уч

минг йил умр топибдур. Баъзи ети Каргас умри дебдурларки, ҳар бири беш юз йилдур, анинг сўзларидиндурким, тўрт минг сўз. битибдурлар ва тўрт сўз била ихтисор қилибдурлар. Икисини дойим ёд қилмоқ керак ва икисини унутмоқ керак. Бурунғи икидин бири ўзи қилғон яхшиликдур ва бири ғайри қилғон ёмонлиғ.

Луқмоннинг ғариб ҳолоти ва нофиъ мақолоти кўптур. Бу мухтасарда мунча била қаноат қилилди.

Р у б о и й:
Луқмонники баъзи дедилар пайғамбар,
Баъзи дедилар ҳакими покиза сияр.
Уч минг яшабон бу дайрни қилди мақар,
Минг мунча ҳам ўлса, қилғулукдур бу сафар.

Юнус бинни Мато а. с. отаси оти била машҳурдур. Отаси Дови бинни Яъқуб а. с. наслидиндур, мурсал. пайғамбардурким, «қолаллоҳу таоло ва инна Юнуса ламинал мурсалин»[52]. Агарчи Сулаймон а. с. замонидин анга дегинча, балки Сулаймон а. с. авлодидин эрди, аммо чун ҳеч тарихда марбут топилмади. Юнус а. с. чун Сулаймон а. с.дин сўнгра, мурсал пайғамбар эрди, андин бошланди. Ани Тенгри таоло мабъус қилиб, Суй элига йиборди. Ва Суй эли ани нубувватга такзиб қилиб, Юнус а. с. ғазаб қилди ва халқиға ёмон дуо қилди. Ва рухсати илоҳи бўлмай, аҳлу аёли била халқнинг орасидин чиқиб, алардин андоқ махфий бўлдиким, агар Тенгри таолодин қавмиға бало келса, ани дуо қилурға топмағайлар. Тенгри таоло хотимал-анбиё салавотуллоҳи алайҳи ва ало олиҳиға сабр қилмоққа амр қилиб, Юнус а. с. қилғонидин наҳй қилурким, «Фасбир лиҳукмираббика ва ло такун касоҳибин ҳути»**53** Чун Юнус а. с. элдин чиқти, қавмиға Тенгри таоло бир булут йибордиким, андин ўт ёғар эрди. Қавм муни кўргач, Юнус а. с.ни тилай бошладиларким, иймон кетургайлар. Чун билдиларким, Юнус а. с. алар топқудек бормайдур, дедиларким, Юнус а. с. бўлмаса Юнус а. с. Тенгриси ҳозирдур. Борчалари ўғул-ушоқлари била бошларин ялонг қилиб, тазарруъға машғул бўлдилар ва тавба ва инобат қила бошладилар. Чун тавбаларида содиқ эрдилар, Тенгри таоло қабул қилиб, ул балони алардин дафъ қилди. Аммо Юнус а. с. алардин айрилғонда кемага кириб, баҳр юзинда бир азим болиғ оғзин очиб, кема аҳлиға қасд қилди. Борча иттифоқ қилдиларким, бир кишини анга туъма бергайлар. Неча қотла қуръа солдилар. Юнус а. с.ға қуръа тушуб, Юнус а. с. билдиким, мағзуб бўлубдур. Ўзини болиғ оғзиға ташлади. Ва болиғ Юнус а. с.ни ютуб, Тенгри таоло болиғнинг қурсоғида ани асради. Ва Юнус а. с. қирқ кун болиғ ичинда эрди ва бу тасбиҳни вирд қилиб

эрдиким, «Ло илоҳа илло анта субҳонака инни кунту миназзолимин»54. Қирқ кундин сўнгра, Тенгри таоло Юнус а. с. хатосидин кечиб, ани уч қаронғулуқдин қутқордиким, бири кема ва бири сув ва бири болиғ қурсоғи бўлғай. Ва болиғ дарё қироғиға келиб, ани ёқоға солди. Ва ул янгло туққан ёшдек бўлуб эрди, бир сутлук кийикка амр бўлдиким, ҳар кун келиб, анга сут берур эрди ва бир йиғоч анга соя қилур эрди. Қирқ кундин сўнгра, ўз ҳолиға келиб, амри илоҳи била қавм орасиға кирди, қавм анинг ҳидояти била иймон шарафиға мушарраф бўлдилар. Ва кўб вақт бўлуб, Тенгри таоло ҳукмин буткарди. Ва дерларки, Куфада мадфундур.

Р у б о и й:

Юнуски нубувват кўзини ёрутти,
Танзиб ила қавм кўнглини ўрготти.
Болиғ ичида агарчи маскан тутти,
Ҳам охир ажал болиғи ани ютти.

Омус ва Мусо ва Маъ. Соҳиби «Гузида» Ҳамдуллоҳ Алмуставфи бу уч кишини аҳли тарихдин нақл қилибдурки, мурсал эрдилар. Ва бани Исроилни Мусо а. с. диниға даъват қилдилар.

Содиқ ва Сиддуқ ва Салум – бу уч кишига Тенгри таоло нубувват бериб, Антокийя халқиға йибордиким, алар ҳавлидин борча ҳалок бўлдилар. Ғайри атфолким, булуғ ҳаддиға еткайдур эрдилар ва ул атфол иймон давлатиға мушарраф бўлдилар.

Фанжар Мусо ва Момал-қавси ва Жавфарф ва Санъо Куси ва Урё – бу беш кишини аҳли тарих пайғамбар дебдурлар. Бани Исроилда Мусо а. с. диниға даъват қилдилар ва Зул-кифл аҳдиға ёқин эрдилар. Баъзи Зул-кифл а. с.ни булардин сўнгра айтибдурлар.

Фавойил ва Ҳикой. Баъзи муаррихлар бу иковни ҳам пайғамбар дебдурлар. Зул-кифл замонида Мусо а. с. диниға даъват қилдилар.

Зижурмо ва Мадоҳи. Баъзи қавл била пайғамбардурлар. Зул-кифл а. с.дин сўнгра ва даъватлари Мусо а. с. диниға эрди.

Ва Шуъё пайғамбар эрди. Ва баъзи дебдурларки, Юнус а. с. ўзидин сўнг ани бани Исроилға валий қилди. Ва ани баъзи дебдурларким, ул Юнус а. с.дин бурунроқ эрди. Валлоҳу аълам. Бухтун-насрнинг бузуғлиғи ва Байтул-муқаддасни вайрон қилиб, жавоҳириким Сулаймон а. с. ясағондин бери бор эрди, ул борчасин элтгони ва азим қатллар қилғони кўпрак аҳли тарих иттифоқи била бу анбиё замонидадур. Ва баъзи дебдурларким, Дониёл а. с.ни Бухтун-наср Байтул-муқаддасдин элтиб, муддати замонида асраб, бир туш кўруб, унутқондин сўнгра, Дониёл а. с. ҳам тушин, ҳам таъбирин айтиб, ул

банддин халос бўлди.

Узайр а. с. анбиё авлодидиндур. Бухтун-наср Байтул-муқаддасни бузғонда, ани абнойи жинси била асир қилиб, Бобилға элтти. Андин халос топиб келурда, бир кентда тушти ва эшокини боғлаб, учасин бир дарахтқа қўйди. Ва илайида анжир эрди ва бир зарфда узум шираси. Ва бу маҳалда хаёлиға Тенгри таоло амвотни иҳё қилуриға фикрга тушти. Ва ул кентнинг бузуғларида одамизоднинг қуруқ сўнгоклари бор эрди. Аларни кўруб, ҳайрати орттиким, бу чурук сўнгокларни тиргузмокта ғайри ҳайратки, ақлға муставлий бўлғай, ўзга нима йўқдур. Ҳақ таоло қудрати иқтизоси ул қилдиким, Узайрнинг ҳайрати дафъ бўлуб, бу ҳол анга айнал-яқин бўлғай. Ложарам, амр бўлдиким, руҳин муборак жасадидин чиқордилар ва маркабин доғи руҳсиз қилдилар. Ва Тенгри таоло Узайр а. с. жисмин эл кўзидин пинҳон асради, бу ҳолға юз йил ўтти.

Бу муддатдин сўнгра Тенгри таоло Узайр а. с.ниг тиргузди. Бир малак андин сўрдиким, «Кам лабиста?» Жавоб бердиким, «Явман ав баъза явмен». Ул малак дид, «Баллабиста миата омин фанзур ило таомика вш шаробика лам ятасаннаҳ. Ванзур ило ҳиморика ал-майити»55. Чун муни Узайр а. с. мулоҳаза қилди, кўрдиким, анжир ўз ўрнида ва узум шираси ҳамул зарфда тоза эрди. Ва маркабининг чуруган сўнгакларига боқти. Кўрдиким, бир-бирига муттасил бўлуб, устига ит ўрланди ва анинг устига тери тортилди, доғи руҳ баданиға кириб тирилди.

Узайр а. с. билдиким, анинг юз йил бурунғи қилғон тараддуди жиҳатидин ҳақ таоло анга бу навъ қудратин кўргузди. Ва анинг санъатиға офарин ўқуб, маркабин миниб, ўз шаҳриға тебради. Ул шаҳрға еткондин сўнгра, чун юз йил ўткон жиҳатидин кўп тағйир топиб эрди, ҳеч ерни тонимай, кўб заҳмат била ўз саройини топти. Аммо киши йўқ эрди, бир кўр канизакдин ўзга. Сўнгра Узайр а. с. андин сўрдиким, бу уй. Узайрнинг уйидур? Ул тасдиқ қилиб дедиким, сен кимсенким, бу юз йилдаким, менинг махдумум ғойиб булубдур. Мен ани кам эшитибмен. Ул дедиким, мен Узайрдурмен. Канизак айттиким, агар чин айтасен, Узайр а. с. мустажобуд – даъва эрди, дуо қилким, манинг кўзум бино бўлсун. Узайр а. с. дуо қилди. Ҳақ таоло ул канизакнинг кўзин бино қилди. Узайр а. с. нинг муборак юзин кўргач, танидиким, анга бу юз йилда ҳеч тағйир воқеъ бўлмайдур эрди. Фарёд қилиб аёғиға тушуб, югуруб Узайр а. с.нинг ўғлонлариға мужда еткурдиким, ўғлонлари бири юз ёшар эрди, бири юз ўн ёшар эрди. Атоларин йигит кўруб танимадиларким, Узайр а. с.нинг бағрида бир хол бор эрдиким ҳилол шакли била. Ул нишонани очиб кўруб, алар ҳам муборак қадамиға юз суртуб, қавмға хабар бўлди. Қавм ҳам инонмай, дедиларким, «Таврот»ни ҳечким Узайр а. с.дин яхшироқ билмас эрди, то ул китобни

Бухтун-наср элтти орамизда киши билмас. Узайр а. с. «Тавротони азбар ўқуди ва алар билдилар. Баъзи ерларда ёшурун қолғонни муқобала қилдилар эрса, бир ҳарф ортуқ-ўксук эмас эрди. Баъзи бу ғариб ҳолотдин Узайр а. с.ни ибнуллоҳ дедилар. «Ва қолатил-яҳуду узайр-унубнуллоҳи»[56]. Ва баъзи муаррихлар Узайр а. с.ни бўлғон ҳолотини Армиёға иснод қилибдурлар. Ва Узайр а. с.ни Арз отлиғ иниси била туғуб била ўлдилар. Аммо ўлар вақтда Узайр а. с. юз ёшар ва Арз ики юз ёшар эрди. Мундин ғариброқ ҳол таворихда оз воқеъдур. Ва ўғлонлари қари кишилар эрди, ёшқа атоларидан улуғроқ. Валлоҳу аълам.

Зикриё ва Яҳё а. с. ва Марям бинти Умрон. Алар зайлида Зикриё а. с.ни Сулаймон а. с. наслидин дебдурлар. Ва ул Байтул-муқаддасда мужовир эрди. Ва Умронким, Зикриё а. с.нинг амузодаси эрди, ул дағи мужовир эрди. Икаласининг ҳарамлари эгочи-сингил эрдилар. Имронға фарзанд кўп бўлди ва Зикриё а. с. ға бўлмади. Имрон бу шукронаға назр қилдиким, яна фарзанд бўлса, Байтул-муқаддасқа мужовир бўлған. Ва ҳарамики оти Ҳифа эрди Марямға ҳомила эрди. Ва туққондин сўнгра назр жиҳатидин Имрон мутаҳаййир бўлдиким, иносни мужовир қилмаслар эрди.

«Қолаллоҳу таоло инни вазаътуҳо унсо валлоҳу аъламу бимо вазаъат ва лайсаз-закари кал унсо ва инни саммайтуҳо Маряма ва инни уъийзуҳо бика вазуррийя таҳоминаш-шайтонир-ражим»[57]. Бу шарафдин Марямни бир нимага чирмаб, Ҳифа Байтул-муқаддасқа элтти. Уламо ва аҳборанинг қавлин мункири кўрдилар.

Зикриё а. с.ға ваҳй келдиким, бу фаҳирани ўғулға қабул қилдуқ «Фатақаббалаҳо раббуҳо биқабулин ҳасанин»**58**. Бу жиҳатдин ахбор анинг муҳофазатиға машғул бўлдилар. Зикриё а. с. дедиким, анинг тааҳҳуди манга авлодурки, холаси манинг уюмдадур. Ахбор қабул қилмай уч қотла қуръа солдилар. Учолосида қуръа Зикриё а. с. отиға тушти. Борча заруратан мусаллам туттилар. Сўнгра Зикриё а. с. Марямни уйига элтиб, Ашбоъким, Зикриёнинг ҳарами ва Марямнинг холаси эрди, анинг муҳофазатиға машғул бўлди, то анга ибодатқа ва масжид хизмати қобилияти пайдо бўлди.. Сўнгра Зикриё а. с. анинг учун масжидда бир ғурфа ясаттиким, эшики йўқ эрди. Зина била анга чиқор эрди. Ва ўзи ғойиб бўлса, ғурфа тўшукин қуфл қилур эрди. Ва ул жумладин бири буким, қишда ёз меваси ва акс ҳам кўрар эрди. Сўрғондаким, «анно лаки ҳозо. фи ғайри вақтиҳи»**59**, жавоб топтиким, «ҳозо мин индиллоҳи ярзуқу ман яшоъу биғайри ҳисоб»**60**.

Ва бу вақтда Зикриё а. с. ва ҳарами Кибарсанда эрдилар. Зикриё а. с. дедиким, Холиқиким Марямға ғайр вақтида бу навъ фавокиҳ насиб қила олур, манинг ҳам ҳаётим шажарасидин, агарчи ғайри вақтдур, бир

неча каромат қила олур. Бу орзу кўнглига ўтти, Жабраил а. с. анга Яҳё а. с. вужудиға башорат берди. «Фанодат-ҳал-малоикату ва ҳува қойимун юсалли фил миҳроби»[61]. Ва чун Яҳё а. с. мутаваллид бўлди, оз вақтдин сўнгра Тенгри таоло муборак кўнглин ваҳй нузулидин мунаввар қилдиким. «Ё Яҳё ҳузил китоба биқувватен ва отайноҳул-ҳукма сабийян»**62**. Ва Яҳё а. с.нинг тоати бағоят ва йиғламоғи бениҳоят эрди. Дерларки, ғоят букодин ики юзида ики новдондек чуқур хат пайдо бўлуб эрди ва бу фаврда Марям зуафо ғадридин ғусл қилур маҳалда Жабраил а. с. ани Исо а. с.ға башорат берди. Баъзи дебдурлар Исо а. с. тўқуз ойдин сўнгра мутаваллид бўлди. Халойиқ номуносиб сўзлар дедилар. Аммо Исо а. с. ҳамул дам такаллум қилиб, Тенгри таолонинг бандалиғи ва ўзининг нубувватиға ва онаси поклиғиға тонуғлуқ берди ва хотамул-анбиё вужуди муборакиға саллОллоҳу алайҳи вассалам башорат еткурди. Неча вақтким, ўтти, Яҳё а. с. била мусоҳабат қилур эрди. Ул вақтким, Исо а. с. мутаваллид бўлди ва ахбор анга таън қилдилар. Бовужуди улки, Тенгри таоло Исо а. с.ни ўткан такаллум билаки мутақаллим қилди, бани Исроилнинг ҳам юзи, ҳам кўнгли қаролади. Исо а. с.ни ул иш туҳмати била муаззаб тутар эрдилар. То иш ул ерга еттиким, Зикриё а. с. ул нопок эл орасидин қочти. Ва алар қовлай бориб, машҳурдурким, ул ҳазрат йиғоч шикофиға кириб, ул шикоф бутти. Ва аъдо етиб, этокининг учин йиғочдин тошқори кўруб, йиғоч бошидин арра қўюб Зикриё а. с.ни ҳалок қилдилар.

Бу ерда чун сўз дердин, балки дам урардин хома тили лол ва тил хомаси гунг мақолдур, авло улким, мақсудқа шуруъ қилоли. Яҳё а. с. қатли бу навъ эрдиким, ул замоннинг подшоҳининг ёшқа етгон ҳарами бор эрди. Бу жиҳатдинки, чун қарибдур, бўлмағайким, подшоҳ яна бировни никоҳиға киюргай ва анинг мужиби азли бўлғай. Узга абушқадин жамила қизи бор эрди, подшоҳға тарғиб қилдиким, ул қизни олғай. Подшоҳ Яҳё а. с.дин сўрди эрса, Яҳё а. с. дедиким, санга анинг никоҳи раво эрмас. Ул қиз била онасиға Яҳё а. с. адовати пайдо бўлди. Бир кунки подшоҳ маст эрди, ул қизни онаси ороста қилиб, анинг қошиға йиборди. Сукр ғалаёни ва шаҳват туғёнидин анга майл қилди. Қиз ибо қилдиким, агар ҳожатимни раво қилурсен, бу иш бўлур. Сўрдиким, ҳожатинг недур? Ул бадбахт дедиким, ҳожатим Яҳё а. с. нинг қатлидур. Ул зоний бу зония хотири учун Яҳё маъсум қатлиға ризо берди. Дерларки, ул ҳазрат қатл бўлғондин сўнгра, ул ики малъунни ер ютти. Дерларки, бани Исроилнинг ики фасодидин сўнғиси Яҳё а. с. қатлидур. Бу амр вуқуъидин сўнгра, Тенгри таоло форс мулукидин Хурвис отлиғни бани Исроилға истило бердиким, ул ики пайғамбар қони эвази аларни андоқ қатл қилдиким, яҳуддин киши оз қолди. Дерларки, Байтул-муқаддас дарвозасидин Хурвис ўрдусиғача

рудхонадек қон оқти. Алқисса, Зикриё а. с. дори фанодин бу навъ до-ри бақоға бордилар.

Р у б о и й:
Айлаб Зикриё била Яҳёни қабул,
Қилди икисини олам аҳлиға расул.
Не қилдилар эркин бу ато бирла ўғул
Ким, элга яна аларни қилди мақтул.

Исо бинни Марям салавотуллоҳи алайҳ бир қавл била учунчи улул-азмдур, бир қавл била бешинчи. Андин бурунғи анбиёдин сўнгра ҳеч қойсиға қирқ ёшдин бурун нубувват етмади. Ва лекин ул модарзод пайғамбар эрди. Ва анинг валодатидин бурун Тенгри таоло Марямға анинг вужуди башоратин бердиким, «Из қолатил-малоикату ё Маряму инналлоҳа юбаш-шируки бикалиматен минҳу исмиҳул масиҳу Исабну Маряма ва жийҳан фит-дунё вал охирати ва минал-муқаррабийна ва юкаллимунноса фил маҳди ва каҳлан»**63**.

Масиҳ лафзида сўз кўптур. Ва Исо а. с. валодатида ҳам сўз кўптур. Тафосир кутубидин маълум бўлур. Чун бу мухтасарда матлуб ихтисордур, яъни муаррихона ишларга қонеъ бўлулди. Муқаррардурким, Исо а. с.нинг отаси йўқтур. Марям Жабраил а. с.нинг нафаси била ҳомила бўлди ва туғурур вақтда Байтуллиуқаддасдин чиқиб, қироғроқ ерда вазъ ҳамл қилди. Халқ бу ишни билиб, бориб ул ҳолни кўруб, ирик сўзлар айта бошладилар. Юқорироқ битилибдуркнм, Исо а. с. не навъ жавоблар берди. Андин сўнг эл мутаажжиб бўлуб, сўз айта олмай қайттилар. Марямни Ҳабиб Нажжорким, холазодаси эрди, Исо а. с. била олиб Дамашққа борди. Исо а. с. ўн уч ёшағунча анда маош қилди. Анда ҳам Исо а. с.нинг муъжизоти кўб зоҳир бўлди.

Чун «Инжил» Исо а. с.ға нозил бўлди, учовда Байтул-муқаддасқа келиб, Исо а. с. амри илоҳи била халқни Тенгри таоло амриға далолат қилди. Халқ ани такзиб қилиб, номуносиб сўзлар дедилар. Аммо ҳавориюн иймон келтуруб, динини қабул қилдилар. Ва алар ўн ики киши эрдилар, пешалари бўёғчилиқ эрди. Исо а. с.дин муъжиза тиладилар, борчанинг бўяр рахтларин олиб, Нил кўйига солди. Алар изтироб қилғочким, булардан ҳар бирини бир ранг буюрубдурлар. Исо а. с. Мил кўйига илик урди. Ҳар бириниким чиқарди, иёси тилагон ранг била чиқти. Бу муъжиза ул элга мужиби имон бўлди. Ул нимаким Исо а. с. элига амр қилди тавҳид эрди. Ва хотамун-нубувватнинг рисолатига иқрор қилдиким, Қолаллоҳу таоло: «ва из қола Исабну Маряма ё бани исроила инни расулуллоҳи илайкум мусаддиқан лимо байна ядайя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу

Аҳмаду»[64]. Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи вассалам.

Исо а. с. олам ва дунё асбобидин ҳеч нима қабул қилмади ва алардин бир пашмина тўн ва бўрк ва бир асоси бор эрди. Бир ерда бўлмас эрди, дойим сайрда эрди. Рўзи учун касб қилмади, ҳар не етти қонеъ бўлди. Чун ҳавориюн илтимос қилдиларким, бир маркаб мингилким, яёғлиқ машаққати камроқ бўлғай. Анинг емак ва муҳофазати ташвишидин рад қилди. Ва илтимос қилдиларким, бир маскан ясоли. Қабул қилмади. Ва зуафо била ихтилоти йўқ эрди. Бу жиҳатлардин мужаррадликка машҳур бўлди. Ва сойир муъжизотидин бири хуффошдурким, болчиғдин ул ҳайъот била ясаб, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин руҳ топиб учти ва эмдигача бор. Ва бири акмаҳ ва бири абрас иложидурким, Қолаллоҳу таоло, «Анни ахлуқу лакўм минат-тийни каҳийатут-тайри фаанфуху фиҳи фаякуну тайран биизниллоҳи ва убриул-акмаҳа вал-абраса»**65** яна улким, дуо била ўлукни тиргуздик, «ва уҳйил мавта биизниллоҳи»**66**. Ва ул ўлукким, Исо а. с. тиргузди ибнал-аъжуз эрди. Ва шарҳи будурким, сайр асносида бир ажузани кўрдиким, бир қабр бошида муассир навҳа қиладур, кайфиятин сўрди. Дедиким, ўғлум эрди ва фироқидин бетоқатмсн. Исо а. с. дуо қилиб, Тенгри таоло ул маййитка руҳ киюрди ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайки, бурунғи ҳолиға борғай ва мавт сакароти бўлмагай. Руҳуллоҳ дуоси била бу иш ҳам бўлди ва руҳуллоҳ андин ўтти. Насибин вилоятида малике бор эрди; мутакаббир ва жабборсифат. Исо а. с. анинг даъватиға маъмур бўлуб, ул ён азимат қилди ва ҳавориюнға дедиким, сиздин ким бўлғайким шу шаҳрға кириб нидо қилғайким, Исо ру-ҳуллоҳким, Тенгри таолонинг расулидур ва калимасидур келибдур. Яъқуб ва Тумон ва Шамъун отлиғ учов дедиларким, биз борурбиз. Исо а. с. ҳар қайси бобида бир сўз айтти, дағи аларни узотти. Алардин икиси илгорирак, Шамъун кейинрак юруб, Яъқуб ул нидони қилди. Эл ҳужум қилғоч, ёнди. Тумон иқрор қилди. Ани подшоҳ қошиға элттилар. Ҳамул сўзни айтти. Ул золим буюрдиким, Тумоннинг иликин, аёғин кесиб, кўзларин ҳам кўр қилдилар. Ул сўзидин қайтмади. Бу маҳалда Шамъун етиб, маликдин Тумон илзомиға сўз истидъосини қилди, рухсат топти. Доғи Тумондин сўрдиким, бу кишиким, сен анинг рисолатиға иқрор қиласен ҳеч ҳужжати ва муъжизи борму? Тумон дедиким, бор! Шамъун дедиким, айт! Ул дедиким, акмаҳ ва абрасни илож қилур. Шамъун дедиким, бу ишта атиббо шариктурлар. Тумон дедиким, киши оқшом не емиш бўлса ва уйида не нима бўлса, айтур. Шамъун дедиким, имкони сиҳр борким, жин тасхири қилмиш бўлған. Тумон дедиким, болчиғдин қуш ясаб, дамини анга ҳуруб, руҳ таниға киюрур. Шамъун дедиким, имкони сиҳр бор. Тумон дедиким, ўлукни тиргузур. Шамъун малик сори боқиб

айтти: мунинг имтиҳони осондур ва имкони йўқтурким, бу иш Тенгри таолодин ё пайғамбаридин келур. Агар ҳукм қилсангким, ул киши ҳозир бўлса, филҳол маълум бўлур. Исо а. с.ни ҳозир қилдилар, Тумон айтқон сўзларни сўрдилар. Борчасиға иқрор қилди. Шамъун деди: агар бу сўзларинг чиндур, аввал рафиқингдин бошла. Исо а. с. Тумоннинг кесилган аъзосини ўрунлариға қўюб, дуо қилди. Тенгри таоло борчасин буткорди. Ва хуффош бобида тақозо қилдилар, ясади. Салмони форсии раҳматуллоҳи илайҳдин манқулдурким, ул вилоятнинг жамиъ муразосини дедиларким, саҳиҳ қилмоқ керак. Анинг дуоси била борча сиҳат топтилар. Борчадин, сўнгра ўлукни тиргузмак илтимос қилдилар. Исо а. с. дедиким, ҳар ўлукниким сиз десангиз дуо қилай. Иттифоқ била Сом бинни Нуҳни дедилар. Тиргузким, мавтидин тўрт минг нил ўтуб эрди, анинг қабри бошиға бориб, Исо а. с. ики ракъат намоз қилиб, дуо қилди. Қабр шақ бўлуб, бир оқ соч-соқоллиқ киши чиқти ва элга дедиким, Исо руҳуллоҳ пайғамбардур, анинг динаға кириng ва ғанимат тутунг. Исо а. с. андин сўрдиким, сизинг замонда соч оқармас эрмиш. Сом дедиким, санинг дуонг уни еткоч, қиёмат бўлғон соғиниб, ваҳму хавфдин булар оқарди. Чун Сом элга пандлар деди, Исо а. с. дуоси била аввалғи ҳолиға борди ва шақ бўлғон ер бир-бирига қўшулди. Ҳам Салмони форсиндин манқулдурким, бу муъжизани кўруб, ул мулк эли мусулмон бўлдилар. Баъзи сафардаким, емакка танглик воқеъ эрди. Бани Исроил ҳавориюнға дедиларким, агар Исо а. с. дуо қилсаким, Тенгри таоло осмондин моида йиборсаким, таомға муҳтож халойиқ андин баҳра топсалар ва Тенгри таоло вужуди ва Исо а. с. нубувватиға таинлари бўлса, деб ҳавориюн арз қилғоч, Исо а. с. тазарруъ қилиб дедиким, «раббано анзил айлайна моидатан минас-самои такуну лано иъйдан ли аввалина ва охирина ва оятан минка варзуқно ва анта хайр-рур-розиқин»**67**.

Чун Исо а. с. муножотдин фориғ бўлди, ваҳй келдиким, биз моида йиборали ва лек ҳар киши куфрони неъмат қилса, қоттиқ азобға гирифтор бўлур. Исо а. с. бу сўзни айтқоч, борча дедиларким, ҳар киши куфрони неъмат қилса, Тенгри таоло анга азоб насиб қилғай. Бу сўздин сўнгра Тенгри таоло осмондин моида йиборди. Хоннинг азамат зебу зийнатини айтмоқ ҳожат эмаски, Тенгри таоло хони эрди. Аммо моида нон ва бирён болиғ эрди. Таъм ва мазаси ҳам таърифдин тошқари эрди. Ва анда туз ва сабзалар бор эрди. Бир ривоят била уч кун ва бир ривоят била қирқ кун бу моида инди. Қавм ҳар неча едилар кам бўлмади. Жамиъ муразо ани егоч, сиҳат топтилар. Сабоҳ инар эрди, оқшомғача эл андин ерлар эрди. Оқшом яна осмонга борур эрди. Қавмдин баъзи инкорға тил узоттиким, бу моида осмондин келмайдур, Исо сиҳр қиладур.

Ҳар ойнаким, Тенгри таоло куфрони неъмат қилғонларни ваъда

қилғон дастур бпла тўнғуз шакли била ўрунларидин қўпордн. Ва ул тўнғузлар мазбалаларда кезиб, нажосатларни ерлар эрдилар.

Исо а. с. қошиға кириб, кўзларидин ёш бориб, бошларин ерга қўярлар эрди. То уч кундин сўнгра ақабаҳ вужуҳ била адам йўлиға азимат қилдилар. «Наузу бил-лоҳи мин шурўри анфусино ва мин саййиоти аъмоли-но»[68]. Ва Исо а. с.нинг муъжизоти бағоят ғариб ва кўптур. Масбутроқ кутубдин маълум қилса бўлур. Ва Исо а. с. осмонға чиққанида мухталиф ривоёт кўптур. Аммо соҳиби «Гузида» мундоқ дебдурким, ул жамоат яҳуд ва масх бўлғондин сўнгра, Исо а. с. ёниб Байтул-муқаддасқа келди. Ва ул гумроҳларининг бақиняси Исо а. с.нинг қатлиға қасд қилдилар. Ва Исо а. с. махфий бўлди. Ва Шамъуини туттилар ва ул Исо а. с. ни кўргузмади. Парвис ўтуз дирам ришват олиб, Исо а. с.ни кўргузди. Жуҳудлар тиладиларки, Исо а. с.ни тутуб ўлтурганлар. Тенгри та.оло аларнинг кўзидин ани ғойиб қилиб, осмонга чиқорди. Ва Ийшуъниким, жуҳудларнинг улуги эрди, Исо а. с.нинг шакли била муташаккил бўлдн. Жуҳудлар ани Исо а. с. соғиниб туттилар қатл қилголи. Ул ҳар неча фарёд қилдиким, мен Ийшуъмен, фойда бермади. Ани бир дарахтқа бўғзидин остилар. Ва ети кеча-кундуз осиғлиғ қолди. Марям ани Исо а. с. соғиниб, ҳар кеча келиб азо расми била йиғлар эрди. Исо а. с.ни Марям хотири итминоин учун етинчи кеча осмондин ерга нозил қилдиким, Марям қошиға келди. Марямға аҳволдин хабардор қилиб, Марямнинг хотири қарор топти. Яҳё а. с, яна ети киши ҳавориюндин Исо а. с.ни кўрдилар. Ва Исо а. с. аларға пандлар ва насиҳатлар қилди ва ҳар қойсини бир ишга таъйин қилди, тонгласи бу ғариб ишни ошкоро қилдилар эрса, яҳуд борчани такзиб қилиб зиндонға маҳбус қилдилар. Аммо Ийшуъни йўқлағонлар бориб, осилғон кишини кўрдилар. Ийшуъ эрдиким, ани Тенгри таоло асли суратиға элтиб эрди. Бу ишдин кўб эл Исо а. с. динин ихтиёр қилдилар. Ва Марямни баъзи дебдурларким, Исо а. с. дафъндин бурун оламдин кетти. Баъзи дебдурларким Исо а. с. олти йилдин сўнгра, ҳар тақдир била ваъда будурким, Маҳди зуҳур қилғондин сўнгра Исо а. с. осмондин ингой, доғи Дажжолни ҳалок қилиб, сойир милал аҳлин хотамун-нубувва миллатиға далолат қилғай. Саллаллоҳу алайҳи вассалам, вал илму индаллоҳу.

Исо а. с.ни дебдурларким, ўн ети ёшида мабъус бўлди. Ўтуз учида осмонға чиқти.

Р у б о и й:
Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани,
Кўк равзаси бўлди жилвагоҳу чамани.

Ер аҳлидин улки бўлса тажрид фани,
Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг ватани.

Асҳоби каҳф ва баъзи мутафаррик ахбор. Асҳоби каҳф бобида ихтилоф кўптур. Мухтасари будурким, Юнон мулкида Ақсус шаҳрида Дақёнус отлиғ малики жаббор бор эрмишким, баъзи дебдурларким, бутпараст эрмиш, баъзи дебдурларким, улуҳийят даъвоси қилур эрмиш. Ва бу асҳоби каҳф, баъзи ривоят била анинг мулкиминг бузургзодалари ва баъзи ривоят била, наввоб ва мулозимлари эрмишлар ва мусулмон экандурлар. Ва ёшурун Тенгри таоло ибодатин қилур эрмишлар. Дақёнус бу ҳолдин воқиф бўлуб, аларнинг қатли фикрида бўлмиш. Алар бу ҳолни маълум қилиб, иттифоқ била шаҳрларидин қочиб, эл йўлуқур ваҳмидин йўлсиз биёбонға тушуб, бир қўйчиға учраб, қўйчи даги аларға қўшулуб, қўйчининг ити ҳам эришиб, Рақим отлиғ ғорға кирмишлар. Ва аларнинг ададида тараддуд бор, начукким «Каломи мажид» хабар берурким, «саяқулуна салосатун робиуҳум калбуҳум ва яқ.улуна хамсатун содисуҳум калбуҳўм ражман билғайби ва яқулуна сабъатун ва соминуҳум калбуҳум»**69**. Ҳар тақдир била ғорға кириб, ҳақ таоло уйқуни аларға муставлий қилиб, алар уч юз тўқуз йил уюмишлар. «Салоса миатин синийна ваздоду тисъан»**70**.

Ва муддатда Дақёнус жаҳаннамға бориб, неча подшоҳ гардиш бўлуб, бир худопараст одил подшоҳға салтанат еткондаким, асҳоби каҳф Тенгри таоло амри била уйғонмишлар. Ва Тамлихо деган рафиқларин шаҳрға йибормишлар, таом келтурур учун. Ул рафиқ ғордин чиқиб, йўллар вазъин ўзгача кўруб, шаҳрға еткоч, шаҳр авзоин мутағаййир топиб, халойиқни Исо а. с. динида фаҳм қилиб мутаҳаййир бўлмиш. Биззарура таом олурға дирам чиқарғоч, – Дақёнус ганжин топибсен, – деб они тутмишлар. Кўб можародин сўнгра подшоҳ қошиға элтмишлар. Ул фақири мутаҳаййир ўзга подшоҳ, ўзга халқ кўруб ҳайрон эрмиш. Подшоҳ анинг ҳоли кайфиятин сўруб, ул фақирки ҳар сўзки ўз ҳолидин аларға айтур ажаб кўрунуб, подшоҳ уламони йиғиб, бу бобда қилу қол қилиб, сўнгра алар демишларким, Исо а. с. «Инжил»да бу ҳолдин хабар беribдурким, Дақёнус чоғида бу жамоат ғорға кириб, уч юз тўқуз йил ўтуб, санинг замонингда уйғонғойлар. Подшоҳ бу ишдин масрур бўлуб, Тамлихоға йўл бошлатиб, асҳоби қаҳф сиҳатиға мушарраф бўлуб, алар таом еб, Тенгри таолоға саждоти шукр қилиб, яна уйқуға бормишлар. Уюқлағоч, руҳларин қобизи арвоҳ ҳақ таоло амри била қабз қилмиш. Ва ул подшоҳ ғор эшикида улуғ гунбад ясаб, аларни мадфун қилиб, ул ер халойиққа азим маъбад бўлмиш.
Бу қисса таворих, балки тафосирда мабсут бор. Ва ахборнинг ғарибидин бири будур. Ва Ханталатус-содиқнинг ҳидояти ҳозур элигаким, Яман мулкидиндур, асҳоби каҳфдин сўнгра дейилибдур, ул

пайғамбаридурким, ҳақ таоло диниға ул қавмни даъват қилдилар. Ва ул бединлар аларни такзиб қилиб, ўлтурдилар. Тенгри таоло Бобил подшоҳин ул элга муставлий қилдиким, барчасин ҳалок қилди. Ва Исо а. с.дин сексон йилға дегинча диниға халал йўқ эрди.

Юнус жуҳуд азим риёзатлар била элни муътақид қилиб, Исо а. с. қошидин келадурмен ва баъзи Тенгри Исонинг ўғлидур дебдурлар, баъзн Исо Тенгрининг ўғлидур дебдурлар ва баъзи шарикдур, деб излол қилди ва ўзин хилватда зибҳ қилди. Ва ул нодон қавм уч фирқа бўлуб, ул шумнинг сўзи била амал қилдилар ва кўб вақтқа дегинча бу ботил миллат эл орасида бор эрди. Ва «ихталафаалзобу байнаҳўм»71 аларнинг шаънидадур.

Р у б о и й:
Каҳф аҳлиға юзланди аду қайғуси,
Бўлдилар агарчи ғорнинг маҳбуси.
Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси,
Ҳам оқибат этти адам ул уйқуси.

Жиржис а. с. – Шом вилоятининг Фаластин шаҳрида муқим эрди. Баъзи дебдурларким, Исо а. с.нинг ҳавориюнининг шогирди эрди ва кўб мол ва ғанимати бор эрди. Ва ул вақтда мулк подшоҳи жаббори эрди, бутпараст. Ва бир азим бут олтун ва жавоҳирдин ясаб, отин Афлуқ қўюб эрди ва халойиққа ул бут ибодатин таклиф қилур эрди. Ҳарким мутобаат қилмаса, ҳалок қилур эрди. Ва тахтгоҳи Мўсул эрди. Чун анинг замонида зулм ва таадди кўб эрди, Жиржис а. с. туҳфа ва табриклар мураттаб қилиб бордиким, анга пешкаш қилиб, анинг зилли ҳимоятиға халқининг зулмидин эмин бўлғай. Иттифоқо ул етган замон бир улуғ ўт ёқиб, халқни Афлуқ парастиш қилурға таклиф қилур эрди, қабул қилмағонни ул ўтка соладур эрди. Жиржис а. с. бу ҳолни кўруб, ҳамийят ва ғайрати ўти муштаил бўлуб, амволни мустаҳиқларға улошиб, ҳақ таоло амри била ул золимни насиҳат бошлаб, Тенгри таоло убудиятиға далолат қилди. Ул золим дедиким, Афлуққа сажда қилсанг, халоссен, йўқ эрса, азоб била ҳалок қилай. Чун бу амр мутааззир эрди, буюрдиким, темир тороғлар била Жиржис а. с.нинг аъзо ва ранг ва пайин бир-биридин ойириб, темир қозуғни ўтқа солиб қизитиб, бошиға қоқтурди ва зиндонға йибориб, чормих қилиб, бир сутунни устига насб қилди. Ёрим кеча ҳақ таоло бир малакни йибориб, Жиржис а. с. ни ул сутун остидин чиқориб, баданиға руҳ киюруб, ани нубувват давлатиға мушарраф қилиб, дедиким, ё Жиржис, ҳақ таоло санга хитоб қилдиким, сабур бўл ва ғам емаким, сени ети йил бу куффор балосиға гирифтор қилғумдур. Санга андоқ муъжизот насиб қилғум-дурким, ўзга анбиёға қилмамиш бўлғаймен. Сени яна уч қотла куффор иликида мақтул

қилғумдур, яна доғи жон бергумдур. Андин сўнгра ўз дуонг била биҳишти жовидонға киюргумдур. Жиржис а. с. деди: Ҳар не ҳақ таолодиндур келса, хуштур. Сабоҳ бўлғоч, яна Жиржис а. с. ул малик даргоҳиға борди. Кўруб ҳайрон қелдилар. Яна насиҳат оғоз қилди. Ул бадбахт буюрдиким, Жиржис а. с.нинг бошиға арра қўюб ики бўлдилар. Ва сойир жисмини пора-пора қилиб, шерхонаға элтиб, сибоъ оллиға солдилар. Сибоъ анинг пораларин ҳурмат била асрадилар. Ҳақ таоло яна Жиржис а. с.ни тиргузуб, яна ул бебок боргоҳиға ҳозир бўлуб, насиҳат бунёд қилди. Ул дедиким, бу киши соҳирдур. Мамлакат соҳирларни ҳозир қилингким, анга ғолиб келсунлар. Соҳирлар келиб, ики йилон харитадин чиқордиларким, ики уй бўлдилар. Ўйлар била шиёр қилиб, тухм сочиб, ҳамул замон анинг маҳсулидин нон пишурдилар. Ул эл шод бўлуб, подшоҳ амр қилдиким, агар Жиржиснинг шаклин ит шакли била қила олсангиз, иноятлар қилай. Алар бир аёғ сувға афсун ўқуб, Жиржис а. с.ға ичурдилар. Ҳеч асар қилмади. Саҳара ажзларидин муътариф бўлдилар. Биров дедиким, сиз Жиржис а. с.ни соҳир дерсиз, соҳир ҳаргиз ўлукни тиргуза олурму? Саҳара дедиларким, йўқ. Ул дедиким, биз ўз кўзумиз била кўрдукки, Шом вилоятида бир ажузанинг бир ўйи ўлуб эрди. Ул ажуза Жиржис а. с.ға дарди дил қилди эрса, Жиржис а. с. асосин бериб, таълим берди. Ул ажуза асони элтиб, ўлгон ўйиға урғоч, ўй тирилди. Бу сўздин саҳара Жиржис а. с.ға иймон кетурдилар. Ва ул ғаддор борчасин ўлтурди. Ва анинг наввобидин бири Журжис а. с.ға дедиким, биз ўлтурур курсиларни андоқ қилсангким, аввалғи ҳолларига борса, не десанг қилоли. Дуо қилди. Ҳамул қуруқ йиғочлар дарахтлар бўлдиларким, баъзида гул ва баъзида мева зоҳир бўлди. Бир қотла Жиржие а. с.ни бир темир ун жавфиға солиб, нафг ва гугурд била ул жавфни мамлу қилиб, ул уйни бир улуқ ўтқа солдиларким эриди. Бу аснода оламни зулмат тутуб, андоқ ёғин ва раъд ва барқ бўлдиким, кундузни кечадин фарқ қилмадилар.

Бир малакка амр бўлди, бу ун суратин олиб ерга урди. Андоқ садо келдиким, халқ йиқилиб беҳол бўлдилар.

Ва Жиржис а. с. уй ичидин солим чиқиб, яна ул бедавлатлар даъватиға машғул бўлди. Бу қотла дедиларким, фалон ғорда салаф мулукидин нечанинг мақбараси бор, дуо била аларни тиргузсангки, бизинг била сўзлашсунлар, не десанг қилоли. Жиржис а. с дуо қилиб аларни тиргузди. Ва алар Жиржис а. с.дин. дуойи мағфират талабин қилдилар. Ва ул ерга аёғ уруб ул тоштин бир чашма пайдо бўлди, аларға ғусл буюрди. Дуо қилди. Тенгри таоло аларға. мағфирати арзоний тутти ва яна ўз ҳолларига бордилар. Бу қотла Жиржис а. с.ни бир ажуза бева уйида банд қилдиларким, очлиғ азоби била ўлғай. Ул уйда бир сутун бор эрди, бир мевалик азим дарахт бўлди. Ул малъун билиб, ул дарахтни кесиб ва уйни бузуб, Жиржис а. с ни купдуруб, кулин уч қисм

қилиб, сулсин баҳрға, сулсин тоқға, сулсин елга совуртти. Ҳақ таоло елга амр қилдиким, ул кулларни йиғиб, бир ерда Жиржис а. с. кул ичидин чиқти.

Ва ажузанинг бир ўғли бор эрди кўр ва гунг ва кар ва ланг. Жиржис а. с. дуоси била қулоғи,, кўзи аввал ҳолиға борди. Яна ики узви сиҳатиға ажуза илтимос қилди эрса, тонглаға ваъда берди. Тонгласи ул Тенгри таолонинг душмани пайғамбарни бутхонаға элтиб, ҳукм қилдиким, бутқа сажда қилғай. Ул ҳазрат «Забур»ни бийик ўқуб, ул ланг ва гунгга буюрдиким, бориб бутларға айтким, сизларни Жиржис а. с. тилади. Ул борди ва бу сўзни дегач, бутлар барчаси Жиржис а. с. сори мутаважжиҳ бўлдилар. Пайғамбар аёғини ерга урғоч, борчасин ер ютти. Ва Жнржис а; с. дуо қилдиким, худоё, ети йилким ваъда қилиб эрдинг бўлди ва куффордин азоблар ҳам вуқуъ топти. Эмди куффорни ҳалок қил ва мени ўзунгга восил қил. Филҳол бир булут пайдо бўлуб, ўт ёғдуруб жамиъ малаин ўртониб, Жиржис а. с.ни ҳақ таоло ўзига восил қилди.

Р у б о и й :
Жиржиски, ойини рисолат тузди,
Куфр аҳлига кўб мўъжизалар кўргузди.
Не суд агар элни дами тиргузди
Ким, тори ҳаётин неча қотла узди.

Жамоати акбиёки, ғайри мурсал эрдилар, аларнинг адади муйаян эрмас. Баъзи юз йигирми тўрт минг ва баъзи секиз минг дебдурлар. Ва булардин уч юз ўн учни мурсал дебдурлар. Ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жабраил воситаси била келмиш бўлғай. Ва ғайри мурсал улким, илҳом ё туш била элга раҳнамойлиқ қилғай. Улулазм улдурким, бовужуди бу ики шақ анга китоби осмоний келмиш бўлғай ва бошқа шариати бўлғай. Ва хотим улким, бовужуди бу ики шақ ондин сўнгра пайғамбар бўлмағайким, бу сифат ҳазрати Муҳаммад арабий саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи васалламға мусалламдур, бас.

Чун мурсал адади ва асомийси ғайри машоҳир маълум эрмас, ғайри мурсалға ҳам не еткай. Аммо мурсални муътабар кутубдин улча мумкиндур саъй ва иҳтиёт қилиб зикр қилилди. Ва ғайри мурсал адади ва асомийсининг отларин битиб, аксар, балки борча кутубда таҳқиқ бўлмағон жиҳатидин нуқта ҳам қўймайдурлар ва воқойеъ ва ҳолотларини битмайдурлар. Муборак исмларин ғалат битмак беадаблиғ ва аҳволларин шарҳ қилмоқ бефойда кўрунган учун, алар зикридин қалам журдаи хуш хиромидин инон тортилди. Ва баъзи Жиржис а. с.

ғайри мурсал дебдурлар, валлоҳу аълам.

Шеър:
Чун муътабар анбиё сўзи топти савод,
Уббод ила ҳикмат аҳлин эттук бунёд.

Барсисой Обид. Ибн Аббос разийаллоҳу анҳумодин манқулдурким, Исо а. с. рафъидин сўнгра бани Исроил қавмида Барсисой Обид етмиш йил ибодат қилди, халқ анга мурид ва муътақид бўлдилар. Шайтон аҳли салоҳ суратида анинг савмаасиға келиб, ибодатға машгул бўлди. Ва бир йилғача ўзин андоқ тоатқа машғул кўргуздиким, Барсисой анинг ихтилотиға майл кўргузди. Ва гуфту шунуфтдин ораларида суҳбати гарм бўлди. Чун Ҳариф сода киши эрди ва ҳариф музаввир Обидқа бир исм ўргатдиким, беморларға мужиби шифодур. Неча кишининг бўғзини бўғуб, Обидқа нишон берди. Обид мулк подшоҳининг қизиға бу ҳол даст берди. Ани дуоси била дафъ бўлуб, мужиби шуҳрат бўлди, то улки, ул Обид савмаасиға келтурдилар. Ва Обид хилватиға киюруб, чун кулли эътимодлари бор эрди,ётқуруб кеттилар.

Обид муолажаға машғул бўлғонда кўрмаган шакл била кўруб, шайтон васваса оғоз қилди. Чун хилват эмин ер эрди ва жамила беҳуш, Обид масх фурсатни танимат тутти. Матлуби муяссар бўлғондин сўнгра рафиқи ҳозир бўлуб дедиким, ажаб иш қилдинг. Ва ул ҳам иши қабоҳатиға воқиф бўлуб, илож тилади. Дедиким, иложи қатлдурким, бир ерда мадфун бўлған. То айтилғойким, уйдин чиқибдур, билмасбиз қаён борибдур. Рафиқ раҳнамойлиғи била бу иш ҳам вужуд тутти. Андин сўнгра рафиқ подшоҳға бу ишдин хабар бериб, воқеъ эркони зоҳир бўлғондин сўнгра, Обидни азоб била қатл ҳукми қилди. Ва ул ҳолда яна рафиқи ўз шайтанатин зоҳир қилиб деди: бу балодин сени халос қилай, агар манга сажда қилсанг. Ул нодон бу ишни ҳам қилди, дағи мақтул бўлди.

Шеър:
Бўлма мағрур кўҳ ёки асо,
Кўрки, не ишга қолди Барсисо.

(Асҳоби Ухдуд қол Оллоҳу таоло) қутила асҳобул-ухдуд»**72.** Бу қавм Яман мулкидин эрдилар ва Зулвос буларнинг подшоҳи эрди. Ва борча бутпараст ва гумроҳ эрдилар. Ва Зулвоснинг бир вазири бор эрди, соҳир. Қариғон чоғда бир йигитни тарбият қилибким, қоим мақоми қилғай. Ва ул йигит бир кун бир йўл била борадур эрди, бир ун эшиттики, биров Тенгри таолонинг отин тутуб тазарруъ қилур. Ул от

кўнглига хуш келиб, мутаассир бўлуб, тилаб, ул мутакаллимни топти. Бир обид эрди. Ер остида қавм қўрқунчидин ибодат қиладур эрди. Анинг хидматиға машғул бўлуб, бот ҳақ таолодин олин маротиб топти. Андоққи, бир йўлида жамъи бир аждаҳо қўрқунчидин мутаваққиф эрдилар ва музтариб. Ул илгари бориб, аждаҳонинг учасиға иликин силаб аждаҳо йўлдин қироқ чиқиб, халқ ўтти. Ва бу навъ хаворик андин кўб зоҳир бўлди. Подшоҳнинг бир ҳожибининг кўзи рамад шиддатидин кўр бўлуб, ҳечким илож қилаолмайдур эрди, ул дуо била бино қилди. Ва ҳожиб дин қабул қилди. Подшоҳ андин кўзи ёруғоч, сабабин сўрди эрса, улча воқеъ эрди, деди. Подшоҳ ул йигитни ва обидни тилаб, миллатларин билгандин сўнгра ислом динидин ружуъ буюрди. Чун қабул тушмади, ҳожиб била обидни ўлтуруб, йигитни болиглар туъмаси учун баҳрға йиборди. Тенгиз қироғинда анинг дуоси мулозимларини сувға солиб, йигит солим келди ва подшоҳни динға давъат қилди. Бу қотла тоғдин ташласунлар, деб йиборди ҳам ел ани элтганларни тоғдин учуруб, ул солим келди. Сўнгра ани дорға осиб, сангборон ва тирборон қилдилар, кор қилмади ва дори остиға ўт ёқтилар, асар қилмади. Чун йигитга ҳақ таоло висоли иштиёқи ғолиб эрди, дедиким, Тенгри таоло отин тутуб ўқ отинг. Алар ул дегондек қилдилар. Ўқ анга ўтти ва ҳалок бўлди.

Чун обид йигит ўлди, ҳақ таоло амри била асҳоби Ухдуд ҳам куйдилар.

Ш е ъ р:
Магар оҳ урди ул дам Обиди пок
Ки, яксар куйдилар ул қавми бебок.

Шамсун Обид. Манқулдурким, Исо а. с. била ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам замонларининг орасида араб ичра обиди эрдиким, кеча иши ибодат эрди. Тенгри таоло анга анча куч бериб эрдиким, мушриклар неча анга қасд қилдилар, зафар топаолмадилар. Оқибат хотунин қавм шоҳи ўз никоҳи ваъдаси била фириб бериб, ул бевафо ваъда қилдиким, ани гирифтор қилған.

Ш е ъ р:
Даъ зикраҳунна миммо лаҳунна вафоу,
Риҳуссабо ваваъди савоу**73**.

Бир кеча обид уюғонда ғаддора анинг илик-аёғин берк таноб била боғлаб, Шамсун уйғонди ва зўр қилди ва ипларни узуб, ул ишнинг қилғон сабабин сўрди эрса, дедиким, санинг зўрунгни имтиҳон қилдим. Аҳли шарик муни билгоч, занжир йибордилар. Бу қотла занжир била

боғлади. Обид яна уйғониб, зўр қилиб, занжир доғи узулди. Оқибат макр ва фусун била обид содадин иқрор тортти ва ҳам анинг маҳосини тукидин бош бормоғин боғлаб, куффорға топшурди. Алар Шамсунни банд қилиб, подшоҳ қошиға элттилар. Подшоҳ бир манзарада ўлтуруб эрдиким, ани тўрт сутун устига насб қилдилар. Обидқа қатл ҳукми қилдилар. Обид дуо қилди эрса, бир қушқа амр бўлдиким, ани ул банддин халос қилиб, буюрдиким, ул сутунларни тортиб, ул иморатни йиқти. Ва подшоҳ ва хоси ҳалок бўлдилар.

Манқулдурким, Шамсун минг ой ибодат қилди. Ва аҳли Тафсир дебдурларким, каломуллоҳда «Лайлатул-қадри хайрўн мин алфи шаҳр»[74] дин мақсуд ул минг ойдур. Обидқа бу махлас воқеъ бўлуб, хотунин талоқ қилди.

Ш е ъ р:
Улдурур Обиди алал-итлоқ-
Ки, жаҳоннинг ажузин этти талоқ.

Жариҳ Роҳиб. Ибн Аббос разиналлоҳу анҳудин манқулдурким, Жариҳ отлиғ ҳам Исо а. с. Замонидин сўнгра бир обид йигит пайдо бўлдиким, ўн уч ёшидин ибодатқа машғул бўлди. Ва анинг каромат ва хаворик одоти кўб машҳур эрди. Ва аҳли ширк доим анинг ийзосиға, балки дафъиға макрлар қилур эрди.

Ва Жариҳнинг онаси бор эрди-солиҳан обида. Ҳар кун бир қотла Жариҳ учун таом келтурур эрди. Бир кун таом келтуруб, савмаа эшикин қоқти. Чун Жариҳ намозға машғул эрди, эшик очарға кечрак келиб, онаси малул бўлуб, дуо қилдиким, «Арокаллоҳулву-жуҳал мувмисот»[75]. Яъни Тенгри таоло санга зония хотунларнинг юзин Кўргузсун. Ва онасининг бу дуоси мустажоб бўлуб, жамъики анинг қасдида эрдилар, бир зонияни мол ваъдаси била фирифта қилиб, Жариҳнинг савмаасиға раҳнамолиғ қилдилар. Ва ул зония Жариҳқа ўз зиноси била туҳмат қилди. Ва ул ашрор Жариҳнинг бўйниға ип тақиб, маликлари қошиға элтиб, малик Жариҳқа қатл ҳукми қилди. Онаси эшитиб, малик суҳбатиға бориб дедиким, ўғлумнинг , бу туҳматдин поклигига гувоҳим бор, балки манинг дуом жиҳатидин бу балоға учрабдур. Малик дедиким, гувоҳинг кимдур? Солиҳа ул зонияни тилаб, илик қорниға қўюб муножотдин сўнгра қориндоғи тифлни чорлоғоч, тифл лаббайк, деб жавоб берди. Солиҳа сўрдиким, санинг отанг кимдур? Тифл дедиким, фалон қўйчи. Уч қотла савол бу эрди ва жавоб бу. Бу ажиб ҳолдин борча мутаажжуб бўлуб, Жариҳқа узр қўлди.

Деларки, тифл туққонда ҳам аҳли фасод бу туҳматни оғоз қилдилар. Уч кунлук тифл яна ҳамул айтқон сўзин айтти. Ва Жариҳни

ҳақ таоло ул балодин қутқорди.

Ш е ъ р:
Ҳар кимсаки, пок эса дағодин,
Тенгри ани асрасун балодин.

Ҳукамо зикри. Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур. Ва аксар эл ани набий дебдурлар. Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасида ҳам мазкур қилилди. Ва андин бир-ики сўз била мазкур қилинур. Ул дебдурки, борча юкни торттим, бурчдин оғирроқ. юк кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, офиятдин чучукрок шарбат тотмадим, хушхўй ётларға қаробатдур ва бадхўй қаробатларға ёт. Андин сўрдиларким, не нимадурким, фойдаси борча халойиққа теяр? Дедиким, ёмонларнинг йўқлуғи. Ва анинг умри юқори битилибдур.

Ш е ъ р:
Ёшинг Луқмондин ар худ бўлмаса кам,
Чу борғунгдур борур дамдур ҳамул дам.

Фишоғурс ҳаким. Луқмони ҳакимнинг шогирдидур. Баъзи дебдурлар, Гуштосб замонида эрди. Мусиқий илми анинг возеъидур. Андин бурун бу фанни тадвин қилғон киши маълум эмас. Ва соз ҳам анинг мухтариъидур ва камолда таърифдин мустағний. Анинг сўзларидиндурким, киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса, нописанддур ва ўтконлар била онт ичмак ёлғон нишонасидур ва мусибатқа сабр қилмоқ шамотат қилғучининг мусибати.

Ш е ъ р:
Андаки соз сафар ўлди анга,
Созлари навҳагар ўлди анга.

Жомосб ҳаким. Гуштасбнинг қардошидур ва Луқмоннинг шогирди эрди. Нужум илмида ғариб аҳкоми бор. Ўз замонидин сўнгра уч минг йилгача келур ишларни ҳукм қилибдур. Ва анинг сўзларидиндурким, каримнинг ёмонроқ хислати ўз илмининг тарки ва лаимнинг яхшироқ хислати ўз илмининг тарки. Ва анинг мадфани Форс вилоятидадур.

Ш е ъ р:
Кишига бўлса кўкка чиқмоқ фан,
Не асиғ, кўрса оқибат мадфан.

Буқрот ҳаким Фишоғурснинг шогирдидур. Ва Баҳман чоғида

эрди ва тибб илмида моҳир эрди ва тасонифи бор. Ва фусули Буқрот ул жумладиндурким, атиббо қошида бағоят муътабардур. Ул дебдурким, умр қисқадур, иш узун. Оқил улдурким, бу қисқа умрни бир нимага сарф қилғайким, заруратроқдур, яъни охират маслаҳати ва Тенгри таоло ризоси.

Ш е ъ р:
Кишики қилди амал Тенгрининг ризоси била,
Ҳақ этти охиратин кому муддаоси била.

Буқротис ҳаким. Буқротис Буқрот шогирдларидиндур. Анинг сўзларидиндурким, шариф илм кўнгулда қарор тутмас, тахсис нималар кўнгулдин чиқмас. Яхши сўз кўнгулни ёрутур ва яхши хат кўзнинг неъмати арусидурким, анинг маҳри шукрдур. Ва озким пойдор бўлғай кўбдин яхшироқни нопойдор бўлғай.

Ш е ъ р:
Бировким пойдор ўлғай эрур ҳақ,
Анинг ғайри эрур маъдуми мутлақ.

Суқрот ҳаким Буқротиснинг шогирдидур ва Ҳумой бинти Баҳман замонида эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, нодонға тавозуъ қилмоқ ҳанзалға сув бермакдурким, неча кўп ичса, талхроқ бўлур. Саъй ишиким, ўз еринда бўлмағай, қилур ишда коҳиллиддин ёмонроқдур ва душман била машварат қилиб ва душманлиғин билса бўлурким, не поядадур.

Ш е ъ р:
Чекса душман сенинг салоҳингга тил,
Маҳзи афсод бўлғусидур бил.

Афлотун ҳаким Суқротнинг шогирдидур. Ва Дороб замонида зуҳур қилди ва Искандари Румийға мусоҳиб бўлди. Ва ҳакими олиҳи эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳға чоғир ичмак ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва раийятнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмағай. Муфлиски, ўзин ғаний тутқай дижамдекдурким ўзин семиз кўргузгай. Жуд тиламан бермакдур, невчунки, тилаб берган тилаганнинг мукофотидур.

Шеър:
Тиламай жуд қил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.

Аристотолис ҳаким Афлотуннинг шогирдидур, Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидин будурким, подшоҳ улуғ рудға ўхшар ва атбон ариғларғаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суниға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; Ул ачиғ бўлса, булар ачиғ; Ул соф бўлса, булар соф; Ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳға вожибдур – ғоят ҳикмат ва эътидол била маош қилмоқ, то хайл ва ҳашами анга мутобаат қилгайлар.

Ш е ъ р:
Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Икисининг суйиға бир маза бор.

Балинос ҳаким Аристотолиснинг шогирдидур. Искандария минораси тилисминиким, фаранг аҳли қилғон, анда кўрунур эрди, Балинос ясаб эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳ керакким, борча элдин нима олгай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлғай. Йўққи, борчаға нима бергай беэътидоллиқ била, то мулк бузулғай.

Ш е ъ р:
Чу шаҳ оз олса бўлғай мулк обод,
Чу кўб берди, бўлур юз мулк барбод,

-яъни кўб берса, кўб олмоғ лозимдур.

Жолинус ҳаким Балиноснинг шогирдидур. Ва анинг сўзларидиндурким, андуҳ жон беморлиғидур. Беморким, иштаҳаси бўлғай, ул тандурустдин яхшироқдурким, иштаҳаси бўлмағайким, анга сиҳат ортар ва мунга ранж.

Ш е ъ р:
Бемори муштаҳийға саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштаҳий эрмас, зиёнидур.

Батлимус Ҳаким Жолинус шогирдидур. Ва анинг сўзларидин буким, қобилнинг саодати будурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғайлар.

Ш е ъ р:
Улус афъолидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд.

Содиқ Нўширавони одил замонида эрди. Ва Нўширавонға насиҳатнома

битибдур. Бу муфрид сўз анинг сўзларидиндурким, шоҳ ва гадоға фойдаси омдур. «Ло тъкул таоман ва фи мэъдатика таомўн»76.

Ш е ъ р:
Зарари борча элга ом ўлган,
Ким таом устида таом ўлғай.

Бузуржмеҳр Нўширавони одилнинг вазири эрди. Анинг ўзларидиндурким, устодимдин сўрдимким, йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Дедиким, – йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак яхшидур.

Ш е ъ р:
Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.

ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ
БУРУНҒИ ТАБАҚА ПЕШДОДИЙЛАРДУР

Ажам тарихида форс салотинини тўрт табақа қилибдурлар. Бурунғи табақа пешдодийлардур ва алар ўн бир кишидурларким, салтанат қилибдурлар. Тарих уламоси иттифоқи била бировким аввал салтанат қилди, Каюмарс эрди. Аммо анинг нисбати бобида ихтилоф кўптурким, муғ дебдурким, Одам алайҳис-салом улдур ва баъзи Ажамдин дебдурларким, Одам алай-ҳис-саломнинг набирасидурур ва баъзи фурсдин ани Нуҳ алайҳис-саломнинг авлодидин дебдурлар. Яна доғи сўз кўп бор, аммо сиқатдин йироқроқ учун битилмади. Одам деганлар қавли била ани гилшоҳ дебдур-лар, бу маъни билаким, болчиғдин яратилди. Яъни киши пуштидин эмас эрди. Узга қавллар билаким Каюмарс дебдурлар. Маъниси ҳаййи нотиқдур, яъни тиригиким сўз айтқай. Аммо «Низом ут-таворих» ва «Жоме ут-таворихи Жалолий» ва Банокатийда дағи иттифоқ била ҳужжат ул-ислом имом Муҳаммад Ғаззолий қуддиса сирриҳу «Насиҳат ул-мулук»да ани Шис алайҳис-саломнинг қардошидур деганни таън қилибдурлар, нединким Шис алайҳис-салом Заҳҳоки алаввони замонидадур. Ва тарих аҳли

иттифоқи била Каюмарс замонидин Заҳҳок замониғача минг йилға яқин бор. Ҳар тақдир била подшоҳлик қоидаси андин бурун йўқ эрди. Бу қоидани ул тузди. Дағи аввал кишиким шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди, аммо анда гоҳи бўлур эрди. Дағи Истахрни бино қилди, аммо кўпрак авқот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида қирқ йил салтанат қилди. Дағи Сиёмак ўғли Ҳушангниким набираси эрди, валиаҳд қилиб, вафосиз жаҳонға видоъ этти.

Шеър:
Бурунроқ кишиким тузуб руду жом,
Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом.
Каюмарс эди, лек даврони дун,
Анга берди бози боридин бурун.

ҲУШАНГ хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди ва «Жовидон хирад» отлиғ китобни амали ҳикматида ул тасниф қилдиким, Маъмун халифа вазири Ҳасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима қилибдур. Ва шайх Бу Али Мискавайҳ «Одоб ул-араб ва ал-фурс» отлиғ китобида ани зикр қилурким, анинг мутолааси мусаннифининг фазлу камолиға далилдурур. Ва ажам ани пайғамбар дебдур. Ва дод ва адл жиҳатидин ани пешдод дедилар. Ва темирни тошдин ул чиқорди. Ва Табарий дебдурурким, йиғочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чиқорди ва барсни ва итни ул кийик олғувчи қилди ва отқа эгар ул ясади ва тевани юкка ул киюрди ва отқа эшакни турғузуб, хачир хиёлин ул қилди ва ариглар қозиб, сув солиб, ободонлиқ ул қилди. Ерга фарш ул солди ва тулку ва ос ва тойин терисин ул киярга қобил қилди. Умри бобида ихтилоф бор. Аммо подшоҳлиғи қирқ йил эрди. Ва тажарруд ва тақво тариқи била ўткарди. Доим тоғларда ибодат қилур эрди. Таворихда мундоқ мусбатдурким, девлар ани саждада топиб, тош била бошин янчиб ўлтурдилар. Ва Таҳмурас девбанд ўғли эрди, атоси ҳолидин воқиф бўлуб, девларни атоси қасосиға ҳалок қилди. Дағи ул мавзуда шаҳр бино қилиб, отин Балх қўйди. Ва Сус била Бобил шаҳрини Ҳушанг ясади. Ва баъзи Куфани ҳам анга мансуб қилибдурлар.

Шеър:
Йўқ эрди жаҳондори анжумсипоҳ,
Жаҳон ичра андоққи Ҳушанг шоҳ.
Малакшева шоҳе эди беадил,
Фалак девга қилди ани қатил.

ТАҲМУРАС атоси Ҳушангнинг чун валиаҳди эрди, анинг ўрнида салтанат тахтиға ўлтурди ва халойиқ риоятиға ва мамолик ҳимоятиға жидд била машғул бўлди. Ва анинг замонида азим қаҳат воқеъ бўлди. Ғанийларға буюрдиким, чошт таоми била ўткаргайлар ва шом таомини масокинга бергайлар. Ва рўза тутмоқ ондин суннат қолди. Ва ул бино қилғон шаҳрлар Марвда Қуҳандиз ва Хуросонда Нишопур ва Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя. Ва Табарий дебдурким, Омил ва Табаристонни дағи ул бино қилди. Ва форсий китоб битмак ва бўз тўқумоқни ул ихтироъ қилди. Ва анинг замонида қаттиқ вабо бўлди. Ҳар кимнинг бир севар кишиси бор эрса эрди, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрдилар, то бутпарастликқа мунжар бўлди. Ва Таҳмурас ўтуз икки йил мулк сурди.

Ш е ъ р:
Шаҳе эрди Таҳмурас офоқ аро-
Ки, адл этти чархи кўҳан тоқ аро.
Неча девбанд эрди, ул аржуманд,
Ажал деви охир ани қилди банд.

ЖАМШИД. Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебдурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб нхтироълар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслиҳасидурким, пайдо қилдиким, ондин бурун тош ва йиғоч эрди. Синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебдурлар, қалқон ҳам дебдурларким, ул ясади. Ва ҳаммом бино қилди ва ғаввослиғ хаёл қилди. Ва ипак ва қазз ва кўпрак тўқур нималарни ва рангларни ва ишларни ароға киюрдиким, андин бурун киши аросида йўқ эрди. Ва шаҳрдин шаҳрғача деҳлар буюрди ва хейла ишга қонун ва қоида қўйди.

Ва Истахр шаҳрин улғайтти, андоқки тули Хуфракдин Ромжаррадқа еттиким, ўн ики йиғоч бўлғай ва арзи ўн йиғочқа етти. Ва анда улуқ биное солдиким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани чиҳил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб, анда азим жашн қилди.

Ул вақтким қуёш нуқтан эътидоли рубъиға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сийт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди. Ва салтанатининг замони ети юз йилғача бўлди. Оқибат муфрит жоҳ ва ғурури ва азим давлат такаббури димоғиға фосид хаёл солиб оламни ўз ибодатиға амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб, ақолим ва кишварларға йибориб, элга ўзининг парастишин буюрди. Ҳар ойина ғайрати илоҳи муқтазий ул бўлдиким, анга жазо етгай, Шаддод Одқа тақдир бўлдики, қардоши ўғли Заҳҳоки алавонини сипоҳ била йиборди, то ани тутуб, арра била ики бўлуб, жисмин пора-пора қилди. Табарийда анинг қатли Бюросбқа мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқдур.

Ш е ъ р:
Чу Жамшид тахт узра тутти мақом,
Димоғиға йўл топти савдойи хом.
Ани қилди ҳақ макри айлаб ситез,
Сиёсат қиличи била рез-рез.

ШАДДОД ВА ШАДИД. Эрамки, Арфаҳшаднинг қардоши эрди, анинг ети ўғли бор эрди: Од, Самуд, Саҳор, Там, Ҳадис, Ҳосим, Мора. Од Яманға борди, Самуд Ҳижозда сокин бўлди, Саҳор Тайда, Там Уммонда ва Баҳрайида, Ҳадис Ямомада, Ҳосим Ҳарам ва Синвон орасида, Мора ондаким, ани анинг оти била айтурлар. Аммо булардин Од авлоди қалин бўлуб истило топтилар ва аларнинг ўғли Аршади Умлиқ бинни Од эрди. Чун ул ўтти, ўғлонлари Шадид ва Шаддод подшоҳ бўлдилар ва Заҳҳокниким, аларға нисбати юқори ўтти, Жамшид устига йибордилар. Ул Жамшидни даф қилиб, ўзи салтанат тахтиға ўлтурди.

Шеър:
Фалак буйлаким жавр қилди падид,
Не Шаддод қолғусидур, не Шадид.

ЗАҲҲОК БИННИ МАРОДИС чун Жамшид қатлидин сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди Тенгри таоло Ҳуд алайҳис-саломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул қилмади. Тенгри таоло ани, ва қавмини ранжул-ақим била ҳалок қилди ва Шаддод ўғли Мазид подшоҳ бўлди. Ва Иброҳим алайҳис-салом анинг замонида эрди. Ва Юсуф алайҳис-салом ҳам анда мутаваллид бўлди ва Ҳуд алайҳис-салом диниға кирди. Ва Ҳазрамутда эрдилар, то ўттилар. Аммо Заҳҳок салтанати ва зулми узоқға тортти, андоққим эл анинг зулмидии ожиз бўлдиларким, анинг ики эгнидин андоқ мараз пайдо бўлуб эрдиким, оғриғиға одамизод мағзидин ўзга ҳеч нима таскин бермас эрди. Баъзи муаррихлар анинг ики эгнидин йилонлар чиқиб, ғизолари киши мағзи эрди ҳам дебдурлар. Ҳар тақдир била ул ҳар кун бу жиҳатдин ики киши ўлтурур эрди. Гунаҳлик киши бўлмаса, чек солиб, сойир халқдин қатл қилур эрди. Сипоҳонда Кова оҳангарнинг бир-ўғли бор эрди, бу жиҳатдни қатл бўлуб эрди, яна бир ўғлиға дағи чек тушти. Ул бетаҳаммул бўлуб, қичқириб, элга кўп таънлар қилиб, Заҳҳокни сўкти. Эл даги анга муттафиқ бўлуб, хуруж қилдилар. Дағи Сипоҳон волисиии ўлтуруб, Заҳҳок устиға юрудилар. Багоят қалин эл жамъ бўлуб, Фаридунниким, баъзи Жамшид набираси дебдурлар, баъзи Обидин ўғлиғаким Таҳмурас наслидин бўлғай, нисбат қилибдурлар. Ул чоғда Заҳҳок ваҳмидин қўйчилар орасида ёшурун бўлур эрди, тониб, кўториб, Кова оҳангар сипоҳсолор бўлуб, темурчилар белига боғлар сахтиёнин йиғоч бошиға боғлаб, алам қилиб юруб, Заҳҳокдин чун эл аюрулуб эрдилар, туролмай қочти. Аммо уни қовуб иликлаб, Фаридун ани жазосиға еткурди. Заҳҳок салтанати минг йил эрди.

Ш е ъ р:
Фалак то эрур зулм қилмоққа хос,
Эмас золиму одил андин халос.
Қилиб қатл Заҳҳокни тўймади,
Фаридунни дағи қуруқ қўймади.

ФАРИДУН яхши ахлоқлиқ, олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била марҳам қўйди ва қолғон уммолқаким, оъдийлар эрдилар, даф қилди ва Кова оҳангарни улуқ тарбият қилиб, тайаммун учун анинг йиғочқа боғлаб, алам қилғон сахтиёнини мурассаъ қилдиким, дарафши ковиёни они дерлар. Ва оламнинг аксар билодин олди. Анинг уч ўғли бор эрди улуғи Салм, ўртончиси Тур, кичики Эраж. Мамоликин учовга қисмат қилди. Рум ва Мағрибдин Яман ҳудудиғача Салмга берди, Туркистон ва Чин ҳудудин Турға берди. Форс ва Ироқ ва Хуросонни Эражға бердиким, ўзининг дорул-мулки ва тахти эрди. Чун Эраж бағоят оқил ва халиқ эрди, ики оғоларидин ани кўпрак севар эрди. Аларда бу ҳасад доим бор эрди. Чун тахти анга муфавваз бўлди, алар ҳасаддин иттифоқ қилиб, Эражни ўлтурдилар.

Фаридун улгойиб эрди, алардин интиқом тортардин ожиз эрди. Бу воқеадин аҳволи бағоят хароб бўлуб, Эраж нисбатидин Манучеҳрким, набираси эрди, тақвият ва тарбият қилдиким, Жаддининг қонини Салм ва Турдин тилаб, аларни қатл қилди ва Фаридуннинг армони қолмади. Оламдин ўтуб, Манучеҳрни валиаҳд қилди. Ва Фаридуннинг подшоҳлиғи беш юз йил эрди. Ва Мусо алайҳис-салом ва Қорун анинг замонида эрдилар.

Ш е ъ р:

Фаридунким оламда ёйди бисот,
Басе олам аҳлиға етти нишот.
Ани ҳам фалак чекти туфроқ сари,
Не золим, не одил кетарлар бари.

МАНУЧЕҲР Эражнинг қизининг ўғли эрди. Баъзи дебдурларким, ўғлининг ўғли. Ва ул одил подшоҳ эрди. Фирот орифин ул қозди ва Ироққа сув элтти ва боғлар, бўстонлар тарҳ солди ва ашжор ва гул ва райҳон боғларда экти. Ва кўпрак деҳқонлик зийнату зебин ул ароға кетурди. Ва замонидин олтмиш йил ўткондин сўнгра Тур ўғли Афросиёб сипоҳ тортиб анинг устига юруди. Ул Табаристон сори тортиб, урушмой, Аму суйидин норини анга мусаллам тутуб, яраш бўлуб, Афросиёб қойтти. Ва ҳақ таоло анинг замонида Мусо ва Хорун

алайҳумус-саломни Фиръавнғаким, оти Валид бинни Мусъаб эрди йиборди. Ва ул Довуд бин-ни Сом авлодидиндурким Шаддод ани Миср ҳукуматиға йибориб эрди. Ва Шуайб бинни Мадян бинни Исмоил алайҳис-салом анинг замонида мабъус бўлди. Ва сипоҳсолори Сом бинни Наримон эрди. Ва Золким, Рустамнинг атосидур, анинг замонида мутаваллид бўлди. Ва Манучеҳр юз йигирми йил подшоҳлиқ қилди.

Ш е ъ р:
Манучеҳрким, бўлди оламга шоҳ,
Анго бўлдилар борча шаҳлар сипоҳ.
Анго ҳам вафосизлиқ этти жаҳон,
Кишига жаҳон қолмади жовидон.

НАВДАР Манучеҳрнинг ўғлидур. Атосидин сўнгра мулк анга етти. Аммо ул айёш ва бепарво киши эрди. Манучеҳр қўйғон қоида ва русумни тузаолмади ва мулк ва сипоҳиға халал йўл топти. Афросиёб черик тортиб келиб, ани тутуб ўлтурди. Ва ўн ики йил Эрон мулкида туруб, бузуғлуқ қилди. Ва ул навъким, оз ерда ободонлиқ қолди. Баъзи таворихда Навдарин Сиҳри Наримон дебдурлар. Ва подшоҳлиғин баъзи олти йил ва баъзи ики йил битибдурлар.

Ш е ъ р:
Чу Навдарға тушти жаҳон кишвари,
Халойиқ фароғатдин ўлди бари.
Ангоким жаҳондин вафо етмади,
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.

АФРОСИЁБ. Они баъзи дебдурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур. Ва баъзи анинг нисбатин Каюмарсға еткурубдурлар. Аммо бурунғи дурустроқдур. Чун Навдарни ўлтурди, Эрон мулкини андоқ буздики, оз ерда маъмурлуқ қолди, йиғочларни кести ва иморатларни йиқти ва коризлар била булоғларни кўмди. Ва ул фурсатда Сом Наримон ўтуб, ўғли Зол Рустам атоси анинг таъзиятиға машғул эрди, баъзи дебдурларким, Зол ўз кучи била сипоҳ ороста қилиб, они Эрон мулкидин чиқорди. Баъзи дебдурларким, Зоб бинни

Таҳмосбким, Манучеҳр набираларидиндур хуруж қилиб, ул анинг била урушур яроғин топмай, юз уюруб ўз мулкига азимат қилди. Афросиёб подшоҳлиғи ўн ики йил эрди.

Ш е ъ р:
Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,
Эмас эрди иш сирринииг огаҳи.
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон.

ЗОБ БИННИ ТАҲМОСБни Зав ҳам дебдурлар. Насаби юқори ўтти. Одил подшоҳ эрди. Кўп вақт Эронда Афросиёб бузғон ерларнинг ислоҳиға машғул бўлди, юз ободонликқа қўйди. Дерларким, ети йил раийятдин хирож олмади. Ва баъзи хазойинким, Манучеҳр ва Навдардин қолиб эрдиким, Афросиёб қилои ҳасонатидин иликлай олмади. Ул хазойин била ети йил Зоб Таҳмосб салтанат асбобин тузуб, маош ўткарди. Ва Зол бинни Сом анга хидматлар қилди ва бузуғ мамоликни тузарда мададлар берди. Ва Зоб икки рудхонаким, Зобин дерлар, Ироқ мулкида чиқарди. Ва баъзи Диёри Бакрда дебдурлар. Ва ўз ҳаёти замонида салтанатни Гиршосбқа мусаллам тутти. Анинг подшоҳлиқин Банокатий беш йил дебдур. Узга таворихда ўтуз йилдур.

Ш е ъ р:
Чу офоқ мулкига июҳ ўлди Зоб,
Тузатти неким бузди Афросиёб.
Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши.

ГИРШОСБнинг онаси ибни Ямин бинни Яъқуб алайҳис-саломнинг қизи эрди ва атоси Зоб бинни Таҳмосбнинг қардоши эрди. Кўпрак таворихда Рустами достонин анинг наслидин дебдурлар. Аммо фақир қошида бу қавл йироқроқ кўрунур, невчунким, Золким Рустамнинг атосидур, анинг қошида сипоҳсолор эрди ва Гиршосбни «Гузида»да, балки хейли таворихда Манучеҳр набиралиғига чиқарибдурлар. Ва Рустамни Сом бинни Наримон бинни Атруб бинни

Обтинға еткурубдурлар, валлоҳу аълам. Гиршосб чоғида Афросиёб яна черик тортиб, Эронға келиб, Гиршосб била масоф тузуб, разм қилди. Афросиёб урушида Гиршосб фавт бўлди ва Золи Зар Зобилистондин черик тортиб келиб, Афросиёбни Эрондин чиқарди. Ва Гиршосбнинг салтанати замонида ихтилофдур: «Низомут-таворих» ва Банокатийда йигирми йилдур, «Гузида» била «Мунтахаб»да олти йил, баъзида беш йил ҳам бор, валлоҳу аълам.

Ш е ъ р:
Чу Гиршосб бўлди жаҳон Хусрави,
Бор эрса яна шоҳлар пайрави.
Чиқорди ородин сипеҳри дижам,
Нечукким яна шоҳлар, они ҳам.

ИККИНЧИ ТАБАҚА КАЁНИЙЛАРДУР

Ва алар тўқуз киши салтанат қилдилар. Ва баъзи Искандарни доғи алардин тутубдурлар ва ўн дебдурлар. Салтанатларининг замонида ҳар навъ дебдурлар. Борча тақдир била ети юз йилдин юқоридур. Ва каёнинлардин аввал кишиким салтанат қилди Кайқубод эрди. Ва ани Зоб бинни Таҳмосб ўғли Манучеҳр наслидин дебдурлар. Кўпрак авқот Жайҳун қироғинда бўлуб, атрок била урушуб юрур эрди. Ул вақтқачаким пешдодийлар тугандилар, Афросиёб яна Турондин Эрон қасдиға сипоҳ тортиб юруди. Ва Кайқубод Албурзкуҳда эрди, Зол Рустамни йибордиким, ани келтурди ва бошиға тож қўюб, Эрон салтанатин анга мусаллам тутуб юруб, Афросиёбни қайтардилар. Ва Рустам ул урушким, Афросиёб била урушти, анинг замонида эрди. Рустамға жаҳонпаҳлавонлиғ лақабин бериб, сипоҳсолор қилди. Ва Луқмони ҳаким ва Ашмуил алайҳис-салом ва Толут анинг замонида эрдилар. Баъзн Ҳазқил ва Хизр алайҳимус-салом ва Илёс ва Алясаъни ҳам дебдурлар ва Юнус алайҳис-салом дебдурлар. Ва Кайқубод юз йигирма йил подшоҳлиқ қилди.

Шеър:
Чу тузди жаҳон базмини Кайқубод,
Суруди каёни била эрди шод.
Вале қилди чархи мухолиф сияр,
Анинг дағи хунёгарин навҳагар.

КАЙКОВУСким, баъзи Кайқубоднинг ўғли дебдурлар, баъзи набираси дебдурлар. Чун анинг валиаҳди эрди, анинг ўрниға – салтанат тахтиға ўлтурди. Ва ул мухталиф мизож ва мунқариб рой киши эрди. Бовужуди азим салтанат неча қотла ўзин муҳликаларга солиб, бандларға тушти ва Рустам халос қилди. Бири Мозандарон қайдидурким, Рустамни, Фирдавсий «Шаҳнома»да дебдурким, Ҳафтхон йўли била бориб, они қутқорди. Яна бири Яманда Зулазор Ҳимяриким, Яман подшоҳи эрди, анинг ғафлати жиҳатидин ани жамиъ аркони давлатини тутуб, банд қилди. Анда ҳам Рустам бориб, Зулазор била мусолиҳаға қарор бериб, Судобаким Зулазорнинг қизи эрди, Кайковусқа қулуб, ани ва элин чиқорди. Бу ишлар шукронасиға ўз хоҳарзодасинким, оти Меҳриноз эрди, Рустамға бериб, ани сипоҳсолорлиғдин салтанат поясиға еткурди. Ва Кайковуснинг ўғли бор эрди, Судобадин ўзга анодин Сиёвуш отлиғким, Юсуф алайҳис-саломдин сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди. Борча эрдамларда ҳусниға яраша эрди. Ва ани Рустам асраб эрди, тарбият топиб эрди, Судоба ўтай аноси анга ошиқ бўлуб эрди, ондин ком ҳосил қила олмай, ўз қўрқунчидин Кайковус қошида ани ўзи била бадном қилиб чоқти ва ул ўз бароати учун ўтқа кирди. Чун ул туҳматдин муарро эрди, ўтдин осийб топмади ва атосининг хато ройи ва талаввун мизожидин ваҳм қилиб, қочиб Туронға Афросиёб қошиға борди. Афросиёб анга эъзоз ва икром қилиб, қизин бериб, Туркистон вилоятин берди. Аммо Гирсиюзнинг ҳасаддин сиоят қилғони била таҳқиқ қилмай, ани бегуноҳ ўлтурди ва онинг борасиға ажаб ҳайф юзидин зулм борди. Анинг қатлидин сўнгра Афросиёб қизидин анинг ўғли туғди, Отин Кайхисрав қўйдилар. Ул булуғ ҳаддиға еткондин сўнгра Каю бинни Кудраз Кашвод Исфаҳондин ёшурун ёлғуз келиб, Кайхисравни онаси била олиб қочиб, Эронға элтти ва Рустам Снёвуш қонин тилаб, Ту-ронға черик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қочти ва Рустам Афросиёб Эронни бузғондек Туронни бузуб, ёниб келди. Ва Кайковуснинг фосид хаёлотидин бири бу

эрдиким, сандуққа кириб, тўрт гўшасида қочир ё бургут боғлаб, осмонға борурмен деб ҳаво тутуб, қушлар ҳорғондин сўнгра ани ерга тушурдилар. Чун қариб эрди, Кайхисравни валиахд қилиб, тиригида ани подшоҳ қилди. Ва пайғамбарлардин Довуд ва Сулаймон алайҳис-салом ва Луқмони ҳаким анинг замонида эрдилар. Ва осоридин расаддурким, Бобилда ясабдурким, ҳоло Талли ақаркун дерлар. Сиёвуш учун Эрон аҳли андоқ мотам туттиларким, ҳаргиз ҳеч киши ёд бермас. Тарих аҳли муттафиқдурларким, соч қирқмоқ ва кўк ва қаро киймак ул мотамдин қолди. Ва Кайковус юз эллик йил подшоҳлиғ қилди.

Шеър:
Чу Ковус маснад уза топти зеб,
Неча кун анга чарх берди фиреб.
Агарчи фалакка етурди ани,
Фалакдин вале ерга урди ани.

КАЙХИСРАВни чун Каю Турон заминдин кетурди, Эронда салтанат тахтиға ўлтурди. Ва Фаромурз била Тусни Афросиёб дафъиға йиборди ва ул анга ёқин уруғ эрдилар, сўз туттурдиким, Сиёвуш наслидин Фаруд Турондадур, анга осийб ва заҳмат еткурмангиз. Фаруд алар била низоъ зоҳир қилди ва иликка тушти. Тус саъй била қатлға тушти. Алар Афросиёбдин шикаст топиб, қайтиб кслдилар. Кайхисрав Тусқа ғазаб қилиб хабс буюруб, ул истеъфо қилиб, яна Афросиёб урушин ўзига тутуб, Кайхисрав ани банддин чиқориб, яна сипоҳ бошлатиб йиборди. Бу қотла ҳам Афросиёбқа зафар топа олмади. Оқибат Кайхисрав ўзи азим черик тортиб юруди. Афросиёб туруш бермади, доғи юз қайтарди. Ва ул қочар эрди ва бу қовар (эрди. Неча қотлаким туруб урушти, фатҳ ва зафар Кайхисравға эрди.

Хоразмда урушуб, Шайданким, Афросиёбнинг ўғли эрди, ўлтурди. Афросиёб андин ҳам азимат қилиб, Ироқи Ажам сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ул доги мутаоқиб келур эрди. То Озарбайжонгача урушуб, Афросиёб Кайхисрав иликида мақтул бўлди. Ва Рустамнинг неча қотла масофлари Афросиёб ва Кудраз Кашводнинг масофлари Пирон ва Ясса била масофлари ва Бижаннинг Арман заминга бориб, қабонларни ўлтуруб, Манижа они Туронға элтиб, Афросиёб бандиға тушгони ва Рустам бозургонлар сурати билан бориб, Бижонин

банддин халос қилғони таворих ва «Шаҳнома» мазмуни била Кайхисрав замонида воқеъдур. Ва Кайхисравнинг хотири Афросиёб ифсодидин жамъ бўлғондин сўнгра Луҳросбниким ҳам Кайқубод наслидин эрди, подшоҳликқа ўлтуртуб, ўзи салтанат тарки тутуб, эл аросидин ғойиб бўлди. Баъзи дсбдурларким, ул пайғамбар эрди, аммо онча яхши осор ва сифоти бор эрдиким, Каёнийларда андоқ подшоҳ ўтмади, Баъзи дебдурларким, Сулаймон алайҳис-саломдин қочиб, Балх ноҳиятиға бориб, анда ҳалок бўлди, валлоҳу аълам. Кайхисравнинг подшоҳлиги олтмиш йил эрди. Анинг замонида анбиёдин Сулаймон алайҳис-салом ва ахбордин Силуни ва ҳукамодин Фишоғурс эрдилар.

Ш е ъ р:
Яна бўлди Кайхисрави пок рой,
Жаҳон кишвару мулкида кадхудой.
Ва лекин бу Зол уштулум айлади,
Жаҳондин дағи ани гум айлади.

ЛУҲРОСБ БИННИ АРУНД Кайковуснинг инисининг ўғлидур. Дорулмулки Балх эрди. Оламнинг кўпрак мулкин очти. Аммо чун атолари салтанат қилмайдур эрдилар ва Қайхисравнииг ўғли йўқ жиҳатидин мулкин анга бергонда, элга қотиғ келди. Чун ул бу ишни англади, эл била андоқ бориштиким, борча ани тиладилар. Мулк очмоғининг жиҳати ул бўлди. Ики ўғли бор эрди – Гуштосб била Заррин. Анга бир саҳв туштиким, ўз ўғлонларидин Кайковус атбоиға яхшироқ мамолик берди. Бу жиҳатдин Гуштосб, чун бағоят рашид ва баҳодир киши эрди, таҳаммул қила олмай, андин ёмонлаб Румға борди. Анда анга яхши ишлар даст берди. Таворихда аждаҳо ва каркидон ўлтурди дебдурлар. Ҳар тақдир била қайсар ани куёв қилиб, қизин анга берди. Ул отасидин интиқом тортарға Румдин черик тортиб, жаҳд қилиб, Хуросонға юруди. Отаси ўз ғалатин билиб, ани валиаҳд қилиб, подшоҳлиғин анга бериб, ўзи чунулғайиб эрди, гўша тутуб, ибодатқа машғул бўлди. Ва Бухтуннаср бинни Кудразки, оламнинг бузуғлуғи дерларки, анинг зулмидин эрди, Луҳросбнинг гумаштаси эрдиким, ики қатла Байтул-муқаддасни ер била тузатти. Ва Дониёл била Узайр алайҳис-саломни асир қилди. Бу жиҳатдин дебдурларким, ҳар хил ё уч хил масх бўлди. Андин сўнг Дониёл алай-ҳис-саломни қўйди. Ва

Дониёл алайҳис-салом черик тортиб Бухтуннаср устига юруди, қочиб Хузистон қўрғонини беркитти. Ва Дониёл алайҳис-салом қўрғонни олиб, ани ҳалок қилди. Ва лекин Бухтунпаср бобида бағоят сўз кўп учун бу мухтасарда мундин ортуқ битилмади. Чун Луҳросб тахтни Гуштосбқа топшурди ва ўзи Балхда ибодатқа машгул эрди, Гуштосб баъзи билод фатҳиға машгул эрканда, Аржосб келиб, Балхни олиб, Луҳросбни ўлтурди. Ва Луҳросбнинг подшоҳлиғи юз йигирми йил эрди. Ва анинг замонидағи анбиё Узайр била Урмиё ва Дониёл алайҳумус-салом эрдилар, вассалом.

Ш е ъ р:
Яна бўлди Луҳросб соҳиб сарир,
Ки бўлди қўлида салотин асир.
Не мулки омон топти Гуштосбдин,
Не жони халос ўлди Жомосбдин.

ГУШТОСБ Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва зардўшт анинг замонида зуҳур қилди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди, «Зинд» китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди, Гуштосбни ҳам фирифта қилди. Гуштосб зардўшт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатқа киюрди ва Румда қайсарға киши йибориб, ани дағи бу динға далолат қилди. Қайсар Фаридун аҳдномасин кўргуздиким, Рум қайсарлари бир динда бўлсалар, киши тағйир бермасун. Ул жадди фармонин инқиёд қилиб, ул таклифдин кечти ва ўзи Истахр тахтида «Зинд» китобни ўқурға машғул бўлди.

Аржосб бинни Афросиёбдурким, турк подшоҳи эрди, андоққи зикри ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Луҳросбни ўлтуруб, қизларниким, Гуштосбнинг сннгиллари бўлғай асир қилиб, Балхни бузуб, кўп ганойим била мулкиға қайтти. Гуштосб эшитиб, интиқом учун Рустамни рақам қилди, Рустам сўзин инқиёд қилмади ва Зобилистондин келмади. Ва ўз ўғли Исфандиёрниким, Дурри сафид қўрғонида маҳбус қилиб эрди, чиқориб, мулк ваъдаси қилиб, сипоҳ бошлатиб,. Аржосб интиқомиға йиборди. Исфандиёр бориб, Аржосбни ўлтуруб, Туронни Байтатқа дегинча олиб, сингилларин асирликдин чиқориб, азим ғанойим била келди, дағи салтанат истидъоси қилди.

Гуштосб ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмаған жиҳатдин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёрнинг Рустам урушиға йибордиким, анинг тарафидин хотиржамъ эмас эрди. Бир йўли ани дафъ қил, дағи фароғат била подшоҳликқа ўлтур, деб ул ком ва ноком Рустам устига бориб, Рустам мулойимат ва узрхоҳлиғ била анга ўтру келиб, кўп ҳурмат ва таъзимлар била анинг била Гуштосб хидматиға борурни қабул қилди. Ва ул ғоят ғурур ва паҳлавонлиғидин андин уруш тиладиким, зўр даст била Рустамни тутқай. Рустам улғайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири била, ё дебдурларки, Симурғ мадади била бори ҳар тақдир била ҳийла қилиб, Исфандиёрни ҳалок қилди. Чун «Шаҳнома»даким Фирдавсий дебдур, бағоят машҳурдур, шарҳи ҳожат эрмас. Алқисса, Гуштосб бу хабардин воқиф бўлғач, бу ишдин кўп пушаймон бўлди. Вале Исфандиёр ўғли Баҳманни валиаҳд қилди. Ва ҳукамодин Суқротким, Фишоғурс тилмизи эрди ва Жомосбким, замоннинг саромади эрди, Гуштосб замонида эрдилар. Ва Гуштосб замони осоридин Самарқанд қўрғони ва девориким, Эрон ва Турон орасиға тортилибдур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳридурларким, басе акобир ва ашроф андиндурлар. Ва салтанати юз йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:
Чу Гуштосп тузди сарир узра базм,
Анга ҳам фалак айлади кинға азм.
Адам бўлди қонуни Гуштосби,
Анингдекки, ойини Луҳросби.

БАҲМАН подшоҳ бўлғондин сўнгра адл ойин қилди ва аввал азиматки қилди, Зобилистонға қилдиким, атоси Исфандиёр қонин тилагай. Чун Рустам қолмайдур эрди, ўғли Фаромурз ё иниси Зуворани дорга ости ва Золни муқайяд қилди ва яна озод қилди. Ва форсийлар ани дароздаст дебдурлар кўп мулкка тасарруф иликин сунғондин. Бухтуннаср ўғли Насрни Бобилдин азл қилди ва Гуҳаршниким, Жомосб набираларидин эрди ва аноси бани Исроил наслидин бирининг қизи анинг наслидин йиборди ва буюрдиким, бани Исроил элин бошлаб, Шом раёсатиға йиборди ва буюрдиким, Бантул-муқаддасни иморат қилдилар.

Баҳманнинг атоси Толут наслидин эрди ва ҳарами Арчион

бинни Сулаймон алайҳис-салом қизидин ики ўғли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч қизи бор эрди: Ҳумон ва Фаранг ва Баҳмандўхт. Сосон зоҳид ва муттақий киши эрди. Мулкка парво қилмади, гўша тутти. Ҳумойниким, Ҳумонни ҳам дебдурлар. Баҳман ўз ақдиға киюруб эрди. Мавт маразида тожни анинг қорнига қўйдиким, Доробқа ҳомила эрди. Аркони давлати иттифоқ била ўғли туққунча ани подшоҳ кўтардилар. Баъзи дебдурларким. Баҳман подшоҳлиғинн ё Ҳумойға берди, ё тожни андин туғар фарзандға ҳавола қилди. Ҳар тақдир била бўлса Сосон бу жиҳатдин ошуфта бўлди ва ибодат ихтиёр қилиб, қироқ тутти, валлоҳу аълам. Ва анинг осоридин Форсда Гуворбандидурким, амир Сайфиддин Масъуд деган Бағдод йўли устида работ ясаб ва яна Басо ва Чаҳрум ва Бусиғон ҳам анинг осоридиндур. Ва подшоҳлиғининг замони юз ўн ики йил эрди ва анинг асридаги ҳукамо Буқротис ва Буқрот табиб эрди, вассалом.

Ш е ъ р:

Чу Баҳманға етти вафосиз жаҳон,
Анинг узри кўнглидин ўлди ниҳон.
Ёйилгон замон шавкати Баҳмани,
Равон қилди Баҳман елидек ани.

ҲУМОЙ рой ва хирадлиғ хотун эрди. Баҳмандин сўнгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди ва салтанат ҳубби қўймадиким, ўғлини подшоҳликқа мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай. Ани бир сандуққа солиб, қийр била маҳкам қилиб, дарёға солди. Дебдурларким, бир гозур иликиға тушуб, ани фарзандчилай асраб, тарбият қилди. Булуғ ҳаддиға еткандин сўнгра, салтанат гавҳари ўз ишин қилиб, гозурлуқ ишин макруҳ тутуб, илму фазл ва адаб касбин қилиб, силоҳшўрлуқ ўрганиб, сипоҳийлиқ қоидасин хўб билди. Гозур ани сувда топқан учун Дороб от қўюб эрди. Чун ўз ҳимматин ул ишдин бийикрак мулоҳаза қилди. Гозурдин ўз ҳоли каифиятини савол қилдиким, мен ўзумни сенинг ўғлунг гумон қилмайдурмен, манга ўз нажодимдин хабар бер! Гозур мункир бўлди. Кўп сўз орада ўткандин сўнг гозур билдиким, ёшураолмас. Айттиким, сени сандуқ била сув ичида топиб, тарбият қилдим. Ва сандуқ ичинда нуқуд ва жавоҳир ҳам бор эрди, баъзиким қолиб эрди, Доробқа таслим қилди. Ва ул фурсатда

Ҳумой Эрон черикини ясаб, Рум фатҳиға йиборадур эрди, Дороб ул сармоя била ўз яроғин қилиб, сипаҳсолорға мулозим бўлуб, ул юрушга борди. Йўлда андин ғариб мардоналиғлар ва паҳлавонлиғлар зоҳир бўлди. Андоққи, шуҳрат тутуб, Ҳумойға битиб йибордиларким, бу навъ нодир йигит пайдо бўлуб, подшоҳ давлатхоҳлиғиға мундоқ ишлар қиладур ва Ҳумой кўнглига анинг меҳри ер тутуб, анга иноят ваъдалари битиб йиборди. То иттифоқи ҳасанадин баъзи таворихда битибдурларким, Рум урушида қайсарни ул тутти. Бу қатла худ элга ангуштнамо бўлуб, яна Ҳумонға они битидиларким, черик қайтқандин сўнгра Ҳумой черикига ўтру бир манзил келиб, фатҳ кайфиятин таҳқиқ қилур эрди, Доробни кўргуздилар. Кўзи анга тушкач, кўнглига изтироб тушуб, эмчокига сут келди. Таҳайюр ва таажжуб била гавҳар ва нажодин тафаҳҳус қилди эрса, Дороб андоққим, бор эрди арз қилди. Ҳумой жазм билдиким, анинг ўғлидур. Аркони давлатқа кайфиятни билдируб, Доробнинг юзун ўпуб, шодмонлиғлар била тожни анинг бошиға қўюб, тахтни анга мусаллам тутти ва ўзи парда кейнига кириб, подшоҳлиққа ўғлини ўлтуртти. Ва Ҳумойнинг салтанатининг муддати ўтуз ики йил эрди ва осори Истахрда Ҳазорсутун эрдиким, ани Искандар бузди. Ва баъзи Чиҳил минорни ҳам анга мансуб қилибдурлар. Ва Самара шаҳриким, Жарбодқон дерлар ҳам, ул бино қилди.

Ш е ъ р:
Яна бирнеча кун Ҳумой олди мулк,
Эронлар бориб ичига қолди мулк.
Туганди анинг мулку даврони ҳам,
Фалак Золи қатъ айлади они ҳам.

ДОРОБ чун Ҳумой ўрниға тахтқа ўлтурди, адл ва дод пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва хўбсурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инқиёд қилдилар. Ва Рум қайсариким, ул замонда Файлақус эрди, саркашлик қилди эрса, сипоҳ тортиб Румға юруб, қайсарни тутти ва банд қилди. Чун Румни қаёсирадин ўзга киши забт қилмоқ душвор эрди ҳам ани ўқ тарбият қилиб, минг байза олтунким, ҳар бири вазнға қирқ мисқол бўлғай, хирож тайин қилиб, қайсарнинг қизин қулуб, Румдин ёнди. Ул қиздин нохуш ис фаҳм қилиб, табъи

мутанаффир бўлуб, атоси қошиға қайтариб йиборди. Баъзи дебдурларким, ул қиз Исқандарға ҳомила эрди. Қайсар ўз қизин ақдиға киюруб, ўғли мутаваллид бўлғондин сўнгра Дороб ўғлидур демакка номусланиб, ўз ўғлимдур деб Искандарни ўғулчилай асраб, валиаҳд қилди ва элчи йибормак учун Ем оти боғломоғни Дороб қилди. Ва Рашитан отлиғ вазири бор эрди, кофий ва оқил киши эрди. Доробжурд шаҳрин ул ясаб, Дороб отиға ул тасмийя қилди. Ва Дороб маосири пайғамбарлардин Жиржис алайҳис-салом эрди ва ҳукамодин Афлотун олиҳи. Ва анинг салтанатини баъзи олтмиш йил, баъзи эллик ики йил дедилар.

Ш е ъ р:
Чу тахт узра Дороби равшан замир,
Ҳумой ўрниға бўлди оромғир,
Анинг доғи стти фалак поясин,
Бошидин айирди ҳумо соясин.

ДОРО БИННИ ДОРОБни атоси Дороб чун валиаҳд қилиб эрди, атоси ўрниға подшоҳ бўлди. Чун золим табъ киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар. Рашитанниким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байри отлиғ иниси сиояти била тиладиким, азл қилғай. Баъзи дебдурларким, ул Искандарға киши йибориб, маъҳуди хирож бермакдин ани пушаймон қилди. Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искандар жавоб бердиким, ул юмуртқаларни қўяр қуш учти, Доро дағи кўнглидин бу тамаъни чиқарсун. Дороға бу сўздин ғазаб муставлий бўлуб, устига черик тортиб, масофанинг ики сафи тузалганда, Доронинг ики ноиби ким, анинг зулмидин ториқиб эрдилар, ани ҳалок қилдилар. Баъзи дебдурларким, ики ҳамадонлиғ киши фидойилиғ дастури била бу ишни қилдилар. Баъзи дебдурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалғи қавл саҳиҳроқдур. Чун ул сипоҳ орасида йиқилди, Искандар келиб, анинг бошин ўз тиззи устига қўюб, онт ичтиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Ва Доро Искандарға уч васият қилди. Бир улким, Равшанакниким, анинг қизи эрди, қулғай. Бир улким, анинг қотилларин ўлтургай. Бир улким, анинг атбоиким, Фурс мулуки наслидин эрдилар, қатл қилмаған, дағи риоят қилғай. Искандар

барчани қабул қилғоч, Доро охир дамда Искандардек муставлий адусидин хушнуд ўтти. Ва бу достонни фақир «Садди Искандарий»даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур, машруҳ адо қилибдурмен. Ва Доронинг подшоҳлиғи ўн тўрт йил эрди.

Шеър:
Яна бирнеча вақт Доройи даҳр,
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр.
Фалак заҳр агар берди Дороға бот,
Скандарга ҳам берман оби ҳаёт.

ИСКАНДАР нисбатида ихтилоф кўптур. Баъзи ани Дороб ўғли дебдурлар, андоққи Дороб зикрида ўтти. Ва Банокатийда ва «Девонун-насаб» китобидин мундоқ нақл қилибдурким, Искандар Хурмуси Румий ўғлидурким, Хурмус отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ефас бинни Нуҳдур. Ва анинг умрини минг олти юз йил дебдурлар ва Зулқарнайнким, анинг лақабидур, важҳи тасмиясин мундоқ дебдурларким, ул замонда минг йилни бир қари дер эрмишлар. Яна ҳам Банокатийдадурким, анинг атоси Бозур бинин Албон эрди Искандария подшоҳи ва аноси Афлиюн бинни Нуқо қизи эрди. Ва Бозур ва Афлиюн орасида доим адоват эрди. Мулк маслаҳати учун яраштилар ва ул мусолиҳанинг таъкиди учун Афлиюннинг қизин қулди ва ўз мулкига элтти. Бозурнинг эли бир қайд била андоқ қилдиларким, Бозур ул қизни кўздин солиб, атосиға йиборди ва қиз Бозурдин ҳомила эрди, йўлда андоқ ҳаводис юзландиким, ул қиз бир атка бир энага, бир хожасарой била қолди. Иттифоқо бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилдиким, махуф манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни ҳалок қилур эрди. Бу ҳолда йироқтин қалин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлни бир қиймати нимага чирмаб, ул чоҳ бошида қўюб, қочтилар. Кўринган қаро худ дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир сурук қўйдин бир сутлук ўчку ойириб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлға сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчку бир қари хотуннунг эрди. Бир кун ўчкуси ғойиб бўлғон жиҳатдин ани тилай, ул чоҳ бошиға келиб, ул ғариб ҳолға мутталиъ бўлди. Таҳайюр юзидин Искандарни олиб, ўғулчилай улғайтиб, подшоҳ ўғли дабиристониға дабирга топшурди. Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва камолотни касб қилиб,

сипоҳийлик русуми ва баҳодирлуқ фунунида ҳам ягона бўлди. Бир кун ул подшоҳ дабирга ғазаб қилиб, ҳисобға тилади. Чун подшоҳ золим ва нодон эрди, Искандарга ақл ва ҳикмат анда турмоқни рухсат бермай, ул диёрдин ҳазимат қилди. Йўлда чокари от ва силоҳни ани уюқлатиб, олиб қочти. Ул яёғ бир шаҳарғача бордиким, иттифоқо Афлиюннинг шаҳри эрди. Аноси қаср томида дашт сори тамошо қиладур эрдиким, Искандарнинг қаросин кўруб, меҳри ҳаракатқа келиб, эмчокига сут келди. Таҳайюр қилиб ани тилаб, аҳволни тафаҳҳус қилғондин сўнг, ўғли эрконин билди. Афлиюнға изҳор қилғоч, анинғ ўғли йўқ эрди ва улғайиб эрди мулкни набираси Искандарга топшуруб, ўзи ибодатқа машғул бўлди. Искандар черик тортиб, отаси мулкини олди ва макнати азим бўлуб, Дороға хуруж қилиб, ани ҳам юқори ўткандек ародин кўториб, жаҳон мулкин олди. Аксар таворихда анинг умрин ўтуз олти йил ва салотинни ўн уч йил битибдурлар. Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилған ишча қилса бўлғай. Амир Хисрав Деҳлавий «Ойинайи Искандарий»да анинг салтанати замонин беш юз йилдин ортуқ дебдур. Аммо Ҳазрат шайх Низомий қуддиса сирриҳу «Искандарнома»да ики қари маъҳуд дебдур ва таҳқиқ юзидин ихтилофи ривоётни рад қилиб, ани Файлақус ўғли дебдур. Ва фақир «Садди Искандарий»да ул ики бузургвор қавлини сойир муаррихлар ақволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибмен. Ҳар тақдир била Искандар подшоҳе эрдиким, андин бурунғи ва сўнгғи салотин бу кунгача ул қилғон ишни қилмадилар. Ҳам ҳаким эрди, ҳам вали. Баъзи анга нубувват устоди ҳам қилдилар. Тўрт юз ҳаким хизматида эрдилар. Афлотуни олиҳи бошлиғ ва Арастудек вазири бор эрди. Секиз минг шоҳ ва шаҳзода хидматини қилур эрдилар. Оламнинг баҳру барин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа кирди. Анинг била кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илёс алайҳумус-салом эрдилар. Ул сув аларға насиб бўлуб, Скандар маҳрум ёнди ва баъзи Шаҳризурда ва баъзи Бобилда дерларким, вафот топти ва Искандарияга нақл қилдилар. Машҳурдурким, васият қилдиким, ялон иликин тобутдин тошқори чиқорсунларким, олам аҳлиға мужиби танбиҳ, балки ибрат бўлғайким, оламдин илик торта тутқайлар. Ва анинг осоридин Яъжуж саддидур ва Марв ва Ҳиротва Самарқанд ва Исфаҳонни ҳам дебдурларким, ул бино қилди. Ва ул ўткондин сўнг ўғли Искандарус мулкни қабул қилмай, ибодатқа машғул бўлди. Ва Румда Батлимусни қайсар қилдилар,

валлоҳу аълам. Ва мулуки тавойифни Эрон заминда ул тайин қилди. Уч юз олтмиш йилғача алар ичин аро низоъ қилиб, Румға ҳеч қайсининг зарари етмади.

М а с н а в и й:

Скандарки фатҳ айлади баҳру бар,
Кириб тахти фармониға хушку тар.
Етишти зуҳал авжиға рифъати,
Чалинди фалак тоқиға навбати.
Валоят била ҳикмату шоҳлиғ,
Нубувват ишидин ҳам огоҳлиғ.
Гаҳи Садди Яъжуж қисм айлабон,
Гаҳи юз ажойиб тилисм айлабон,
Бу ҳашмат бериб, изиди пок анга,
Не зулм этти, кўр, чархи бебок анга.
Ки холи қўлин бенаволар киби,
Узотиб борурда гадолар киби.
Чиқарди жаҳон мулкидин воясиз,
Қўли комдин, нақдидин моясиз.
Яналарга, кўр, чарх неткусидур,
Санга ё манга худ не еткусидур.

УЧИНЧИ ТАБАКА АШКОНИЙЛАР ВА МУЛУКИ ТАВОЙИФ ЭРДИЛАР

Тарих аҳли орасида бу табақа даги салотин тартибида бағоят мухолифат кўптур. Аммо бир сўзда борча муттафиқдурлар. Биз ул сўзниким, муттафақун алайҳдур, адо қилоли. Сўнгра ул сўзларниким, мухталафун фиҳдур, зикр қилиб, ҳар нимагаким ўхшаши кўпракдур, қарор бероли. Улча муттафақун алайҳдур бу сўздурким, Искандар чун Эрон мулки била Форсни фатҳ қилди, бу мамоликни билган салотинни ва авлодни йиғди ва алар бобида не қилмоққа ройин бир-бирига қарор бера олман, ожиз бўлди. Аристотолиским, анинг вазири эрди, ҳозир эрмас эрди. Анга битиб юбориб, андин рой тилади. Ва ул жавоб битиб

йибордиким, бу жамиятни қатл қилмоқ шаръан ва ақлан муносиб эрмас ва қўймоғлиғлари мулкка мужиби фасод ва хотирга мужиби тараддуддур. Чун сен булар мамлакатин ҳар қойсини заруратан бировга бергунгдур, аввал ўзларига ўқ бериб, ўз қошингдин буларни мулкка насиб қилиб қўнғайсенким, ўтар дунёда мунча салотиннинг бежиҳат қонин тўкмамиш бўлғайсен. Ва аларни мамнуни миннат қилиб, ўзунгга яхши от қозғонмиш бўлғай сен. Дағи ул кун сўнграки сен бўлмасанг булар ичин аро мунозаат қилиб, сенинг дорул-мулкунгким Румдур, таарруз кечрак қилғайлар. Искандарға Арастунинг ройи дилпазир тушуб, ул жамоатни Арасту кўрган рой била насб қилдиким, мулуки тавокиф аларни дебдурлар. Ва улча бу табақада аҳли тарих сўзида ихтилофдур. Бу жамоатнинг оти ва ададида ва салтанатларининг муддати ва тақдим ва таъхиридадур ва бу хилофларға тавфиқ бермак ва татбиқ қилмоқ сўзни пароканда қилиб, ўқуғучини ёлқитиб, ҳавосин паришон қилур. Заруратан ижмол била андин ўтмак муносиброқ кўрунди. Искандар мулуки тавойифни мамоликка насб қилғанда, Дажли яқосидин бери Ироқ ва Рай ва Хуросонғача Абтаҳши Румииға берди ва ул тўрт йил мулк сурди. Ва Ашкким, Доронинг ўғли эрди ва Искандар замонида ваҳмдин ёшурун юрур эрди, анга хуруж қилиб, ани ўлтурди ва тахт билди.

АШҚ БИННИ ДОРО. Чун Абтаҳши Румийни орадин чиқарди ва Эрон мулкин Рум аҳли кудуратидин софи қилиб, сойир мулуки тавойиф била мувофақат қилди. Ва алар ани бағоят ҳурмат туттилар ва мундоқ муқаррар қилдиларким, нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битгайлар ва бот ёғи ароға кирса, бир-бирига мадад еткургайлар ва улуқ-кичиклик орада бўлғай. Мундин ортуқ таклиф арода бўлмағай. Анинг замони уч йил эрди.

ШОПУР БИННИ АШК. Баъзи дебдурларким, Исо алайҳис-салом анинг замонида мабъус бўлди ва Яҳё ва Зикриё ва Жиржис алайҳумус-саломни ҳам баъзи дебдурларким, анинг замонида эрдилар. Ва Ағустус қайсар анга муосир эрди. Ва Шопур мулки йигирми йил эрди.

БАҲРОМ БИННИ ШОПУР. Атосининг васияти била ато тахтини билди. Анинг подшоҳлиғи ўн бир йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ БАҲРОМ. Ул дағи атосиға валиаҳд эрди ва подшохлиғи ўн беш йил эрди.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Атосиға қоим мақом бўлди ва подшоҳлиғи ўн тўқуз йил эрди.

АНУШ БИННИ ЯЛОШ. Анинг подшоҳлиғи ўн йил эрди. Баъзи дебдурларким, Ироқ ва Форсда Ашк фарзандларидин Уйғур отлиғ бир подшоҳ эрди. Шопурдин эллик йилдин сўнгра ва Яҳё алайҳис-салом анинг замонида шаҳид бўлди. Ва ул салтанатни ўғли Гударзға мусаллам тутти.

ГУДАРЗ БИННИ УЙҒУР. Улуғ подшоҳ бўлди ва адл ва инсоф тариқидин чиқти ва бани Исроилға черик тортиб, азим қатллар қилди. Дерларким, Бухтуннаср қилғондек. Бани Исроил била маош қилди. Бир кун овда ажал шикорисининг сайди бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи эллик ети йил эрди.

ЭРОН БИННИ ЯЛОШ. Гударзнинг қардоши ўғли эрди. Олим ва одил эрди. Гударз замонида анинг зулм ва таҳаттукидин хазойик холи ва мулки бузуғ эрди. Ул риоят ва лутф била, раийятни маъмур ва мулкни ободон ва хазинани мамлу қилди. Ва анинг салтанати қирқ йил эрди.

НАРСИ БИННИ ГУДАРЗ. Отасининг валиаҳди эрди. Чун подшоҳликқа ўлтурди. Шом вилоятиға бориб, Яҳё алайҳис-салом қатли интиқомиға жуҳудларни қирди ва қолғонидин баъзини овора ва баъзисини залил қилди ва андин сўнгра бани Исроил қавмидин мунқатиъ бўлди. Ва ул вақтда бани Исроил қавмидин подшоҳи Матинё эрди, Сулаймон алайҳис-салом авлодидинким, баъзи дебдурларки, Бухтун-наср ани ҳалок қилди ва Гударзнинг подшохлиғи ўтуз йил эрди.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Баъзи дебдурларким, ул Эрон ўғли эрдики, Гударзнинг қардоши бўлғай. Чун подшоҳ бўлди, яхши қавоид ва русум пайдо қилди ва отасининг зулм ва тааддисин орадин чиқорди. Ва тўрт ҳарами бор эрди. Алардин бири анга заҳр бериб, ҳалок қилди. Ва салтанати замони тўқуз йил эрди.

ФИРУЗ БИННИ ҲУРМУЗ. Анинг ўрнида тахтқа ўлтурди ва ул дағи дод ва адл қоидасин тузди. Аммо айёш киши эрди ва овни севар эрди. Овда руҳи ғизоли ажал ўқиға қатил бўлди. Ва салтанати замони ети йил эрди.

ХУСРАВ БИННИ ФИРУЗ андин сўнгра подшоҳлиғ қилди ва анинг салтанати замони ўтуз йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ анинг қоим мақоми бўлди ва ул

ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳунар аҳлин севар эрди ва анинг замонида ҳунар аҳли азиз бўлдилар ва ҳунарлар такмил топти. Оқибат ул дағи ўзгалар азимат қилғондек озим бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи қирқ йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ЯЛОШ анинг тахтини эгаллади ва ул Хусравнинг қардоши эрди. Оқибат ул дағи қардоши ичкан шарбатни ичти ва анинг подшоҳлиғи беш йил эрди.

АРДУВОН БИННИ ЯЛОШ ашконийларнинг сўнгғи подшоҳи эрди, азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табақадағи салотиндин ортти. Ва мулуки тавойифдин кўпин ул мақҳур қилиб, мулкин олди ва ўзига мунқод қилди. Ва охирул-амр Ардашер Бобак ани орадин чиқориб, мулк ашконийлардин сосонийларға интиқол топти. Ва ашконийлар бу мухтасарда ўн беш киши битилди ва «Низомут-таворих»да ўн киши битилибдур ва Банокатинда ўн тўрт киши битилибдур ва «Жомеут-таворих»и Жалолийда йигирма киши ва «Гузида»да Ҳамдуллоҳул-муставфи уч фирқа қилиб, йигирми бир подшоҳ битибдур ва ани мулуки тавойифдин тутубдур. Гўёки бу худ ғалатдурким, алар мулуки тавойиф бўлғайлар. Невчунким ўзи ўқ танокуз келтурубдурким, мулуки тавойифдин баъзини Ашк бинни Доро ўлтурди ва ашконийларни бу Ашк бинни Доро насли дебдур. Ва салтанатларининг замонин ҳам мухталиф битибдур. Бу фақир улча имкон ихтиёт бор эрди қилдимким, ўзларни сабт қилдим. Аммо муддатларин эътимод қилғудек нақл топмадим, битилмади. Аммо ҳар қойсининг зикрида тафзил қилибдур. Ҳисоб қилғон киши топар ва мулуки тавойифни баъзи тўқсон киши дебдурлар ва баъзи эллик киши ва баъзи ҳам булардин ортуқ ўксук дебдурлар, вал-илму индаллоҳи.

Ш е ъ р:

Скандар бўлурда жаҳондин ниҳон,
Мулуки тавойифқа берди жаҳон.
Алар ҳам бериб тахту тожиға зеб,
Жаҳондин едилар неча кун фиреб.
Тағофулларин чунки фаҳм эттилар,
Талофий қилурдин бурун кеттилар.
Жаҳон мулкин ашконий олди тамом,
Аларға булар бўлди қоим мақом.

Қаю бирнинг ўлғач аён навбати,
Соғиндики, жовид эрур мулкати.
Неча кун димоғиға солди ғурур,
Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур.
Каҳондин кетиб, ком ола олмади,
Кишига жаҳон жовидон қолмади.
Алардек яна юз минг ўлса падид,
Ҳам алардек ўқ бўлғуси нопадид.
Бу кетмак эмас барча шаҳларға хос,
Гадолар дағи топмас андин халос.
Жаҳонким, вафо келди андин йироқ,
Йироқ ўлса, андин киши яхшироқ.

ТЎРТИНЧИ ТАБАҚА СОСОНИЙЛАРДУР

Ким аларни акобира дебдурлар. Буларнинг дағи ададларин мухталиф битибдурлар. Баъзи ўтуз ики ва баъзи ўтуз бир ва баъзи йигирми секиз ва салтанатларининг муддатларини ҳам мувофиқ битмайдурлар. Соҳиби «Гузида» беш юз йигирми ети йил битибдур ва Банокатий беш юз ўтуз бир йил битибдур ва Қози Байзовий тўрт юз ўтуз йил дебдур. Ҳар тақдир била Ардашер Бобак Сосонийларнинг аввалғи подшоҳидур. Ва ул Сосон бинни Баҳман набирасидур. Ва анинг шарҳи будурким, чун Баҳман Ҳумойни валиаҳд қилди, Сосонким ўғли эрди, гўша тутти, андоққим, мазкур бўлди. Ва давлат ул табақадин ашконийларға мунтақил бўлғанда, Сосондин бир ўғул қолиб эрди, анинг оти ҳам Сосон эрди, мутаворий ва мактум юрур эрди. То рўзгор ҳаводиси иқтизосидин Бобак қошидаким, Ардувоннинг Форс вилоятида бу гумаштаси эрди, ўзин тобеъ тутар эрди. Ва Бобак ул навоҳийда кўп макнат ва шавкат пайдо қилиб эрди, чун Сосоннинг барча атвориға мулоҳаза қилур эрди, андин осори раёсат ва хирадмандлиғ зоҳир бўлур эрди. Бир кеча туш кўрдиким, қуёш Сосоннинг манглайидин тулуъ қиладур.

Анинг аҳволини муболаға била тафтиш қилди эрса, маълум қилдиким, ҳол недур. Эҳтиром ва эъзоз қилиб, ани куёв қилди. Ва

Ардашер Бобакнинг қизидин мутаваллид бўлди. Чун Сосон орадин чиқиб эрди, ани Бобак оти била атадилар. Чун Ардашер булуғ ҳаддиға етти, барча билик била эрдамда ягона бўлуб шуҳрат тутти. Ардувон эшитиб, ани Бобакдин тилаб, ўз ўғлонлари била тарбият қилур эрди, бир кун алар овға бориб эрдилар, Ардувон ёшурун либос тағйир қилиб, аларнинг овда забт ва рабт била отиш-тутушларин билай деб борди. Барча навъда Ардашерни ўз ўғлонларидин ортуқ топти. Рашк била ҳасаддин ғазаб қилдиким, ул бир навкар ўғли анга салтанат ойинининг иктисобини муносибдур деб ўз мирохўрлуғини буюрди. Ардашер зарурат ва ваҳмдин ул хидматқа машғул эрди. Иттифоқо бир кун тавила бошида ўлтуруб эрдиким, Ардувоннинг ҳарамидин неча канизак ўтуб борадурлар эрди. Бири Ардашерни кўруб, кўнгил олдуруб, алқисса аларнинг орасида мулоқот ва хусусият воқеъ бўлди ва Ардувоннинг махфий аҳволи ва мақолидин ул канизак Ардашерга хабар берур эрди. Бу учурда Бобакнинг вафоти хабари келди. Ардашер муддао изҳор қилдиким, Ардувон анинг атоси мансабин анга бериб йиборган. Мақбул тушмади. Ул ҳукуматқа ўз ўғлин муқаррар қилиб йиборди. Чун Ардашер ул ишдин навмид бўлди, ваҳми ғолиб бўлди. Бу фаврда ул канизак анга хабар бердиким, Ардувон бир мудҳиш туш кўруб, билур элдин таъбирин сўруб, мундоқ дебдурларким, мулк сендин интиқол топиб, бировга мунтақил бўлғусидурким, бу ҳафта сенинг даргоҳингдин кетар. Ва Ардувон бу сўздин мутаваҳҳиш бўлуб, бу ишнинг тафаҳҳусидадурким, ул кишини топиб, дафъ қилғай. Бу сўздин Ардашернинг дағдағаси кўпрак бўлуб, ҳам анинг ўқ тавиласидин эътимоди отлар қушлаб қочти. Ва канизак ҳам анинг била муттафиқ эрди. Чун Ардашер Истахр шаҳрига етти, атосининг атбоидин баъзи анга йиғилдилар. Кўп эл маълум қилиб, анга муттафиқ бўлуб, Ардувоннинг ўғлиға хуруж қилиб, ани орадин кўтардилар. Ва Ардувон эшитиб, ўзи анинг дафъин қилмоқдин ўзга чора топмай, сипоҳ тортиб келиб, Ардашер била урушуб, босилди ва қатдға етти. Ва қолған мулуки тавойифни ҳам мақҳур қилиб, мамолик фатҳиға юз қўйди. Ва Ардувон қизини никоҳиға киюрди. Ва Ардувоннинг тўрт ўғли бор эрди. Икиси талаф бўлуб, икиси қочиб Ҳиндистонға бордилар ва анда ҳар навъ бўлса, ўткарур эрдилар. Сингиллари била хабарлашиб, анга заҳр йибордиларким, Ардашерга бериб ҳалок қилғай. Шояд бу васила била мулк аларға тушкай. Ардашер бир кун овдин келиб, шарбат тилагач, ул

қиз шарбатни заҳролуд қилиб, муҳайё асраб эрди, филҳол тутаберди. Ардашер давлат раҳнамуни амри била шарбатни олурда тааммул зоҳир қилди эрса, шарбат бергувчи мутағаййир бўлуб, ялки титраб, шарбатдин ёрими тўкулди. Ардашер бағоят хирадманд эрди. Қолғаниға нон тўғраб, итка берди зрса, ҳалок бўлди. Тафаҳҳус қилғоч, ул иш кайфияти маълум бўлди ва қизни вазирға топшуруб, буюрдиким, ҳалок қилғай. Вазир оқибатандиш киши эрди, ўлтурурда қиз айттиким, подшоҳдин ҳомиламен. Ани асраб, ўзин хасий қилиб, бир неча кун иложидин сўнгра кескин узвни бир ҳуққаға солиб, муҳр қилиб, Ардашер ҳузурида хозинға топширдиким, мен бу амонатни тиласам бергайсен. Бу ҳолдин оз вақт ўткач, ҳомила ўғул туғулди ва вазир анга Шоҳпур от қўйди. Ва иҳтимом била тарбият қилур эрди, то ўн ёшиға етканда, ҳусну жамол ва рушду камолда нодир бўлуб эрди. Бир кун вазир Ардашер қошиға кириб, ани бағоят малул топти, жиҳатин сўрди. Чун Ардашернинг ўғли йўқ эрди, дедиким, нечук малолат бўлмағайким, олам мулкин олдим ва умр охирға етти, заруратан ўлмак керак ва мулкни ёт кишига қўюб бормоқ керак. Вазир айтти: подшоҳ ғам емасунким, андоқ ўғли бор ким, маълум эмаски, ҳеч подшоҳда бўлмиш бўлғай. Ардашер ҳайрат қилиб, кайфиятни яхши маълум қилди эрса, вазир амонат ҳуққани тилаб, ул розни ошкоро қилдиким, мен бу куннинг фикрин қилиб эрдим. Ҳомилани ўлтурмай, туҳмат дафъи учун ўзумға бу ҳолли раво кўрдум. Ва подшоҳзода туғди ва ўн яшабдур ва оти Шоҳпур қўюлубдур. Ардашер шодмон бўлуб буюрдиким, ани анинг ёши атфол била ясаб, анинг ҳошиға келтурдилар. Бир-бир ўткариб, ул еткач, оталиғ меҳри ҳаракатқа келиб, ани қўйниға олиб ўпуб, Тенгри таолоға шукрлар қилиб, онасини ҳарамға йиборди. Вазирға кўп иноятлар қилди. Ва анинг оти Шопурға қарор топти, ўз валиаҳди қилди. Ва анинг осоридин Форсда Аруси кўраси дерларким, анинг шарҳи узундур. Таворихда бор, билай деган киши ўқуб билгай. Яна Ардашерки, ани Гавошер дерлар, Кирмонда ва Аҳвоз ва Хузистонда ва Мўсул, Жазирадин, хиттайи Баҳрайндин. Ва подшоҳлиғи муддати ўтуз йил эрди ва ўн тўрт йил ҳукми олам мамоликига нофиз бўлди. Ажал еткоч, жаҳон анга ҳам ўзга жаҳондорларға қилғонни қилди.

Шеър:

Жаҳон мулкини олди чун Ардашер,

Тавоноу доно шаҳ эрди далер.
Уларда не нафъ этти донолиғи,
Не дафъ айлай олди тавонолиғи.

ШОПУР БИННИ АРДАШЕР. Чун атоси ўрнида тахтқа ўлтурди, ато расм ва қонунин тағйир бермади ва ул тайин қилған элни вилоятлардин ва маносибдин азл қилмади. Ва оқил ва одил подшоҳ эрди. Ва анга арз қилдиларким, Қустантанияда Рум қайсари ўз ҳаддидин тажовуз қилибдур. Шопур Насибин шаҳрин муҳосара била олди ва қайсарнинг хазойинини тасарруф қилди. Қайсар ўз ҳаддини билиб, шафиълар восита қилиб, хирож қабул қилди. Шопур фатҳ ва нусрат била қайтти. Ва анинг осоридин Хуросонда Нишопурдурким, ани Таҳмурас бунёд қилиб эрди, туганмасдин бурун юз бузуғлуққа қўйди. Аммо Шопур ани янги бошtин шатранж бисоти вазъи била ободон қилди. Ва айтурларким, акосира бу ихтироъни қилиб эрдиларким, шаҳрлар бнно қилсалар, жониворлар шакли била тарҳ қилурлар эрди. Андоққим, Савсанни йилон шакли била ва Суштарни от шакли била. Яна ул ясаған ерлардин бири Жандшопур, Хузистонда Шодшопурдур. Қазвин ё Сийстонда Моний мусаввири зиндиқ анинг замонида пайдо бўлди. Ва подшоҳлиғи ўтуз йил эрди.

Ш е ъ р:
Чу Шопур бўлди жаҳон хусрави,
Адолатда бўлди ато пайрави.
Вале охирул-амр чархи дижам,
Ани ҳам отасидек этти адам.

ҲУРМУЗ БИННИ ШОПУР. Ани Ҳурмузи қатиъ дедилар. Бу жиҳатдинким, отаси Шопур ани Хуросон вилоятининг аёлатиға йибориб эрди ва Шопур жоҳдўст ва бадгумон киши эрди. Ҳурмуз Хуросонни тузди ва азим черик йиғиб, мустаид қилди. Ҳосидлар Шопурға ёмон кўргуздилар. Шопур анинг бошида истиқлол хиёл қилиб, ёмон элтиб келуриға ҳукм қилди. Ҳурмуз фаҳм қилдиким, қасд қилғусидур, бир иликни кесиб, Шопур хидматиға йиборди. Ва ул замонда расм эрдиким, ноқис кишини подшоҳ қилмаслар эрди. Шопур

анинг бегуноҳлигин билиб, тоинларин мақҳур қилиб, кўнгли анинг учун бузулуб, ани валиаҳд қилди. Ва ул Моний мусаввирни ва атбоин ҳужжат била такфир қилиб, жазолариға еткурди. Анинг осори Хузистонда Ром Ҳурмуз ва Бағдод навоҳийсида дастгирдур. Ва салтанати замонида ихтилоф бор. Баъзи ики баъзи уч, баъзи ўтуз йил дебдурлар.

Ш е ъ р:
Чу Ҳурмузни бахт этти маснаднишин,
Адолат била тузди олам ишин.
Агарчи қўлин қисқа қилди билик,
Фалак қилмади қисқа андин илик.

БАҲРОМ БИННИ ҲУРМУЗ атоси Ҳурмуз васияти била подшоҳ бўлди ва Моний нақкошнинг, миллатиким, зиндиқа эрди, анинг замонида шойиъ бўлди. Ва кўп халойиқ анга фирифта бўлдилар ва анинг диниға кирдилар. Атбои қолин ва бу Баҳром худопараст эрди ва хирадманд подшоҳ эрди. Тиладиким, Монийнинг миллатин дафъ қилғай. Аввал ани умидворлиғлар била мусоҳиб ва мулозим қилди ва атбоин ўзидин ваҳмсиз қилди, то барча зоҳир бўлдилар. Андин сўнгра уламони йиғиб, анинг била баҳсқа солди ва уламо ани якнафар қилиб, куфрни анга собит қилдилар. Бу ҳужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб, сомон тиқтирди ва атбоин қатл қилди. Баъзи дебдурларки, Моний элга бу сўз бирла фириб берур эрдики, руҳ инсон баданида зиндондадур ва анинг ери ўзга оламдур. Руҳқа тасниф ҳосил қилмоқ керак ва ботроқ бу зиндондин халос этмак керакки, туфроқ кудуратидин халос бўлуб, ўз мақомиға еткай. Чун Баҳром ани тилади, дедиким, айтур сўзларингни айт. Моний бу сўзларни айтти. Баҳром дедиким, чун сенинг руҳунг бадан зиндонидадур, азоб била биз сенинг ўқ қавлунг била амал қилиб, руҳунгни азобдин қутқорурбиз деб буюрдиким, ани қатл қилдилар. Ва Баҳромнинг замони ва муддати уч йил ва уч ой эрди.

Ш е ъ р:
Чу Баҳром даври замони эди,
Замонида машҳури Моний эди.

Ани даҳи нобуд қилди фалак,
Бу бирнинг даҳи нақшини қилди ҳақ.

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ. Ани салаф дедялар. Такаллуфи кўп эрди ва такаббури ва таҳайюри беҳад. Оз саҳвға кўп итоб қилур эрди, жузвий гунаҳға номақдур сиёсат кўргузур эрди. Халойиқ анинг бадхўйлуғидин ожиз бўлуб, муъбадлар ва ҳакимларға истиғоса кўргузуб, истионат қилдилар. Алар тааммуллар қилиб мунга қарор бердиларким, тонгла сабоҳдин ҳеч кишин анга ёвумағанлар. Тонгласи жамиъ улус бу ишни қилдилар. Ҳар кишини тилади, топмади. Эл ожиз бўлғондек ул даҳи ожиз ва мутаҳаййир қолди. Муъбадлар келиб, насиҳат қилдиларким, подшоҳ улус ва эл била подшоҳдур. Эл бўлмаса, салтанат мумкин эмас. Сен элни мизожинг тундлуғидин ўзунгдин рамида қилдинг. Ложарам сендин йироқлик тиладилар.

Баҳром алардин тааҳҳуд қилдиким, мен мутанаббиҳ бўлдум, келсунлар. Истидъо қилиб муъбадлар яна элни анинг қошиға келтурдилар. Ва ул тундхўйлуғни тарк қилиб, адолат ва муросо ва афв пеша қилди. Ва салтанатининг замони йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:
Неча эрди Баҳром, Баҳроми тез,
Иши чарх Баҳроми янглиғ ситез.
Етиб вақт тушти ажал домиға,
Борур баҳс афлок баҳромиға.

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ. Ато ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани Шаҳаншоҳ дедилар. Бу лақаб била шуҳрат тутти ва аввал кишиким, бу лақаб топти ул эрди. Шаъни аржуманд ва ахлоқи дилписанд подшоҳ эрди, ахлоқи элга марғуб ва атвори улусқа матлуб. Зулм биносин бузди ва адл асосин тузди. Аммо даврони умридек бевафо эрди ва умри давронидек бебақо. Ва ул тўрт ой мулк сурди ва борур мулкни ўзгаларга топшурди.

Ш е ъ р:
Шаҳаншоҳ чун сурди оламға рахш,

Қуёшдек эдию, даҳр уза нурбахш.
Неча меҳрдек топти авжи камол,
Фалак давридин топти охир завол.

НАРСИ БИННИ БАҲРОМ. Атоси ўрнида салтанат тахтиға ўлтурди ва ул дағи атосидек комкор ва олий миқдор ва хирадманд ва ҳушёр подшоҳ эрди. Кўп кишвар ва мулк олди ва охир риҳлат кўсин чалди. Ва мулкининг муддати тўқуз йил эрди.

Шеър:
Чу Нарси бўлуб мулк ила комжўй,
Ато тахтида бўлди оромжўй.
Не қўйди фалак ҳам анинг комини,
Не аждоди тахтида оромини.

ҲУРМУЗ БИННИ НАРСИ. Ул бағоят мутажаббир ва мутаваҳҳим киши эрди. Салтанатидин бурун бу сифотин эл билиб, андин харосон эдилар. Эмдиким, мулк олиб, ато ўрниға подшоҳ бўлди, халойиқ мутаваҳҳим бўлдилар. Ва ул бовужуди бу навъ маош ўз атвориға бағоят муътақид эрди. Бир кун ғоят худписандлиғидин бир ҳакимдин сўрдиким, манинг афъол ва сифотимға не нима керакликдур? Ғарази буким, ул таҳсинлар қилғайким, ҳеч нима кераклик эрмас. Ҳаким мундоқ жавоб бердиким, халойиққа ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлғондек ўз нафсингға ҳам ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлмоқ санга керакликдур. Ул бу сўздин, чун зоти жавҳари бор эрди, ғафлат уйқусидин сескониб, ўз қилиғи теграсига уюрулуб, мустаҳсан атвор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди. Чун вафот қилди, ўғли йўқ эрди, аммо ҳарами ҳомила эрди. Тожни анинг боши устида осиб, анга подшоҳлиқ буюрурлар эрди, то Шопур туғди. Ва Ҳурмузнинг замони ети йил ё тўқуз йил эрди.

Ш е ъ р:
Чу Ҳурмузға тушти бу даҳри дани,
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.

Ва лекин ажал айлагач турктоз,
Не қолди ғурур ул замон не ниёз.

ШОПУРИ ЗУЛ АКТОФ Хирадманд подшоҳ эрди, аммо қоҳир эрди. Баъзи ани дебдурларким, она қорнида қолди ва туғқунча тожни онаси боши устидин осарлар эрди. Аввал кишиким, туфулиятда яхши рой хотириға келди ул эрди. Ва анинг шарҳи будурким, олти ёшида Шаҳрди деган вазири анинг қошида эдиким, шом вақтида нақора уни келди. Шопур вазирдин сўрдиким, не нақорадур? Ул дедиким, жамоатики дарёдин кўпрук била нори юзга ўтубдурлар, чун кўпрук бирдур, аларни қайтарурға ҳар кечқурун хабар қилур учун нақора қоқарларким, кечрак қолсалар кўпрук устига ғавғо бўлуб, сувға йиқилур имкони бор. Шопур айттиким, яна бир кўпрук дағи ясасунлар, то эл фароғат била ўтгайлар. Ва ани ҳукми била кўпрук ясадилар. Анинг туфулият замонида мулкда араб истилосидин кўп шўриш пайдо бўлуб, ғассонийлардин подшоҳики оти Тойир эрди, Тайқунниким, Сосон тахтгоҳи эрди, чопиб, Ҳурмузнинг эгачисини тутубким, Шопурға хола бўлғай, асир қилиб, никоҳиға киюруб, мулкни бузуб қайтди. Ва Тойирға Пушардин бир қиз бўлдиким, назокат ва жамолда назири йўқ эрди. Отин Малика қўйдилар. Шопур йигит бўлғондин сўнгра черик тортиб, Тойир устига бориб, Тойир қўрғонини беркитти. Ва ул муҳосара қилиб, Малика ичкаридин Шопур била муттафиқ бўлуб, қўрғонни Шопурға берди ва Шопур Тойирни ўлтуруб, Маликани қулди. Дебдурларким, бир кеча Шопур тушакида Малика нола қилиб, уюй олмас эрди. Яхши эҳтиёт қилдилар. Бир муруд барги тўшак остида қолғон жиҳатдин эрмиш. Шопур сўрдиким, сени не навъ тарбият қилибдурларким, мунча нозук бўлубсен? Малика айттиким, отам манга ғизо сўнгак мағзидин ўзгаким наботни ун қилиб, анга сепмиш бўлғайлар бердурмас эрди. Шопур дедиким, андоқ парвариш берган отаға не вафо қилдингким, манга қилғайсен, деб ани сиёсат қилди ва бу бузуғлуқ қилғон аъроб қасдиға буюрди ва кўп таъзият била ўлтуртур эрди. Машҳур мундоқдурким, эгинларин ёриб, бағринларин сўктуруб тошлатур эрди, алар бу азоб била ўларлар эрди. Бу жиҳатдин ани зул-актоф дедилар.

Ва Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг аждодидин Молик бинни Насрким, аъробнинг бузургвори эрди, анинг замонида эрди. Андин сўрдиким, арабқа мунча таъзиб ва қатлнинг жиҳати недур?

Шопур айттиким, манга мунажжимлар хабар беribдурларким, Муҳаммад отлиғ пайғамбари саллалолҳу алайҳи васаллам бу қавмдин пайдо бўлуб, тахтни менинг авлодимдин олиб, аларни тугатқусидур. Бу жиҳатдин аввалдин интиқом тортадурмен. Молик айтти: аввалан қойдинким мунажжимлар чин айтмиш бўлғайлар, икинчи улким, бар тақдирким сўзлари чин бўлса, сен бу бедодни бу қавмға қилмағонинг яхшироқким, агар ул соҳиби давлат пайдо бўлса, сенинг бу афъолингдин истимоъ қилса, авлодингға кўпрак нуқсон еткургай. Бу сўздин Шопур ул ишни тарк қилди. Раҳматан лилоламин. Демак, бу соҳиби давлат шаънидадурким, минг йилға яқин ўз валодатидин бурунроқ мазлумларни золимлардин қутқарур. Ҳумоюн исми мазкур бўлғон била сойир нос ўлумдин ва подшоҳни гунаҳсиз ўлтурмакдин ва шақоватдин озод қилур, саллаллоҳу алайи ва ало олиҳи ва авлодиҳи ва асҳобиҳи ва саллам. Алқисса Шопурға Гуштасб қилған хатодек хатойи воқеъ бўлдиким, мусофарат тариқи била Румға борди. Ва сўз мухтасар, ани Румда танидилар ва қайсар ани тутуб ялангочлаб, ўй хомиға тикиб, маҳбус қилиб, сипоҳ тортиб юруб, анинг мулкин олиб, кўп бузуғлуқ қалди. Шопурни асрар кишининг қизи ошиқ бўлуб, ул ҳибсдин қутқариб, иков қочиб, Қазвинға келдилар. Соҳиби «Гузида» ким, Қазвинликдур, мундоқ дебдурким, Қазвинда бир боғқа кирдиким, бир зоҳид кишининг эрдиким, ҳоло ул ерни Шопурон дерларким. Шопур иморат қилибдур. Андоғи элдин таҳқиқ қалди. Дедиларким, Шопурнинг вазири Рудбордадур ва сипаҳсолори Шаҳриёрда. Ва ўзга барча ерни қайсар олди. Шопур ёшурун кишилар йибориб, ул иковни тилаб, яна черик тортиб, қайсар била масоф қилиб, қайсарни тутти ва ҳар хароблиқким анинг мулкида қилиб эрди, буюрдиким, ободон қилғай. Аммо устод ва муздур Румдин келтургай. Ва ул саранжом қилди. Ва дебдурларким, бурнин тешиб, ип тақиб, ики қулоғин кесиб югуртти. Ва бу хоксор баъзи таворихда кўрубменким, қайсар Шопурни ўзи била кетуруб, Бағдодни Шопурнинг кишилари муҳосара қилиб эрдилар. Ва Бағдод ҳавоси бағоят исиғ бўлур. Анда ўй хомиға еткуруб, кунасга солди. Ва бир кун азим жашн қилиб эрдиким, мажмуъ эли усурук эрди. Чун мамоликни таламоқ шойиъ эрди. Шопурни асрар кишиларнинг эли баъзи эшаклик фақирларни талаб келтуруб эрдилар ва юклар ёғ эрди. Асирлардин бири Шопур ҳолидин воқиф бўлуб, ул ёғлардин қуруғон хомға қуюб, хом юмшағондин сўнгра ани халос қилди. Ва ул ўзини

шаҳриға солиб, сипоҳ ясаб, филҳол чиқиб, қайсарни ва борча элни маст дастгир қилди ва юқориғи ўткан ишларни андин сўнгра қилди, валлоҳу аълам. Ва баъзи Моний мусаввирни бу Шопур замонида дебдурлар. Ва пайғамбарлиғи даъвисида муъжизаси паргорсиз доира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибдур. Ва бу ҳамким, бир юмуртқача куррада олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибол ва биҳорни машруҳ ясаб, кентлар ва рудхоналарғача кўргузуб эрдиким, Шопур ҳужжат била ани сиёсат қилиб, мардуд миллатин дафъ қилди. Анинг осоридин Қазвиннинг шаҳристонидур ва Мадойин шаҳрининг таждиди ва Шустарда Шодрувон ва Фируз Шопур ва Сийстонда баъзи ер ва Ҳиндустонда неча шаҳр. Ва салтанатининг муддати етмиш йил эрди ва баъзи етмиш ики дебдурлар.

Ш е ъ р:
Чу Шопур олиб қоф то қофни,
Чиқорур эди беҳад актофин.
Чиқорди ани гардиши мухталиф,
Анингдекки, ул эл танидин катиф.

АРДАШЕР БИННИ ҲУРМУЗ Шопур Зул-актофнинг иниси эрди. Вафот қилурда чун Шопур ўғли кичик эрди, салтанатни инисига бердиким, ўғли улғайса, анга бергай. «Гузида»да мундоқ битибдурким, Ардашер бағоят хирадманд ва доно киши эрди. Орияти давлатқа кўнгул боғламай, эл била баски яхшилиқ қилди, анга Некукор лақаб қўйдилар. Чун Шопур ўғли улғайди, мулкни анга мусаллам тутуб, ўзи орадин чиқти. Салтанати замони ўн йил эрди. Аммо Банокатий мунинг акси битибдурким, ул бағоят золим ва жобир эрди. Эл анинг бедодидин батанг келиб, иттифоқ била ани салтанатдин халъ қилиб, мулкни Шопурға бердилар. Валлоҳу аълам.

Ш е ъ р:
Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк,
Басе биму умид аро қолди мулк.
Неким олам аҳлиға қилди писанд,
Анга они еткурди чархи баланд.

ШОПУР БИННИ ШОПУР чун тахтқа ўлтурди, бағоят атвори, ҳусн ва ахлоқи мустаҳсан подшоҳ эрди. Ғоят яхшилиғидин Рум подшоҳини ўзига мутиъ қилиб эрди, андоққи қайсар вафоти чоғида, чун ўғли кичик эрди, Шопурға киши йибориб, истидъо қилдиким, мен қарибмен, дағи умрумға эътимодим йўқтур ва ўғлум: кичикдур, бир кишигаким, сенинг эътимодинг бор, йиборким, Румда салтанат қилсун. Уғлум улғайса, мулкни анга топшурғай. Шопур Шервинни йиборди. Қайсар вафот қилғач, Шервин Румда ҳукумат қилди. Чун мулк вориси улғайди, Шервин такаллуф қилмай, мулкни анга топшурди. Бу иш агар воқеъ эрса, ғаройибдиндурур. Ва Шервинни қайсар қўймади. Румдин борғали. Баҳром Гўр замониғача Румда эрди ва Шопур чодир ичинда эрдиким, қоттиқ ел қўпуб, чодирни анинг бошиға йиқти ва сутун бошиға тегиб, ҳалок бўлди. Ва салтанати беш йил ва бир нима эрди.

Ш е ъ р:
Чу Шопури Шопур тузди бисот,
Жаҳон мулкида зоҳир айлаб нишот.
Сутун бошиға отиб, этти забун,
Ани дағи бу гунбади бесутун.

БАҲРОМ БИННИ ШОПУР атоси Шопур ўрниға тахтқа ўлтурди ва анинг сийратин баъзи муаррихлар яхши дебдурлар ва баъзи ёмон. Ва ани Қирмоншоҳ дерлар. Баъзи дебдурларким Кирмон шаҳрин ул бино қилди. Баъзи дебдурларким, атоси замонида Кирмонда ҳукумат қилғон жиҳатдин анинг сифотида улча эл писанд қилмайдурларким, гуноҳкорни ҳеч кимнинг шафоати била озод қилмас эрди. Ва анинг ўғли Баҳромни баъзи атоси ўрниға ондин сўнгра ўлтуруб, бир йил подшоҳлик қилди дебдурлар ва баъзи эътибор қилмайдурлар. Ва Банокатий дебдурким, анинг зулмидин эл анга ғавғо қилдилар ва ул ғавғода ҳалок бўлди. Ва салтанатини ўғлиға бердилар ва ул ўн ики йил мулк сурди.

Шеър:
Жаҳон мулки чун қолди Баҳромға,

Халойиқ иши тушти нокомға.
Ани дағи гардуни не ваҳму бок,
Чекиб кому ноком қилди ҳалок.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, ул золим ва нодон киши эрди. Ардашер Бобокондин бири сосонийнажод салотиндин халойиққа ҳарнеча шафқат ва адолат етти. Ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди ва мамоликка ҳарнеча маъмурлуқ ва оросталиқ юзланди, ул барчанинг подоши ва бузуғлуқ ва паришонликни ҳаддин ошурди. Секиз йилдин сўнгра анга бир ўғул бўлди. Отин Баҳром қўйди. Ва Нуъмон бинни Мунзарки, араб подшоҳи эрди, анга топшурдиким, Ҳияра шаҳридаким, Куфага яқиндур ва ҳавоси дилкушой ва фазоси руҳафзой ердур, анга парвариш бериб, тарбият қилғай. Ва Яздижирдни Тус вилоятидаги Чашман сабз навоҳийсида от йиқиб ўлтурди. Баъзи сув оти дебдурлар, баъзи дебдурларким, фаришта от сурати била келиб, ани эл бошидин во қилди. Баъзи дебдурларки, дев эрди. Бори воқеи от ҳам бўлса, ҳамул девдур. Ҳар тақдир билан бир отеким, тундлуғидин киши ёвий олмади. Ул нодонлиғидин ани тутти ва ўзи эгарлади ва қўшқун солурда, тепиб охир қилди. Ва анинг ийзо ва азоби элга йигирми йилға тортти.

Ш е ъ р:
Макон тутти чун тахт узра Яздижирд,
Тааддию зулм айлади элга вирд.
Неча кун сақолиғаким, кулди чарх,
Ажал илкидин барчасин юлди чарх.

БАҲРОМ БИННИ ЯЗДИЖИРД чун атосидин сўнгра салтанат тахтиға ўлтурди, отаси бузғонларни тузди ва онинг зулми ўрниға адолат кўргузди. Ва ани Баҳром Гўр дедилар. Мунинг жиҳатин баъзи дедиларким, тўрни шер сайд қилғанда, анинг ўқи икисидин ўтуб, ерга тегди. Баъзи дебдурларким, гўр овиға кўп мойил эрди. Чун Яздижирд ўлди, аркони давлатиким, ондин зулм кўриб эрдилар, мулк анинг ўғлиға бермакка кориҳ эрдилар. Ложарам, Ардашер наслидин Кисро отлиғ кишини тахтқа ўлтурттилар. Ложарам, Баҳром чун муни

эшитти, йигит бўлуб эрди, Нуъмон била отаси тахтиға мутаважжиҳ бўлди. Эл отаси жафосини изҳор қилиб дедиларким, бизга ўзга киши ҳоло подшоҳ бўлубдур, сен ўз фикрингни қил! Баҳром аларға кўп истимолатлар бериб дедиким, мулк манга маврусийдур. Сиз агар Кисрони подшоҳ қилибсиз, айтмонким, филҳол ани азл қилинг. Ва лекин чун салтанатқа шижоатдин гузир йўқтур, кўрунгким, қойси биримиз сизга ҳодиса даст берса, дафъиға кўшиш қила олурбиз. Подшоҳлиғ анинг бўлсун. Оқибат анга қарор топтиким, салтанат тожин ики оч арслон орасида қўйғайлар, ҳар киши олса, боши ул тож била ороста бўлғай. Чун бу маърака тузулди, Кисро тож таркин тутуб, бош саломатлиғин ғанимат билди. Аммо Баҳром арслонларни ҳалок қилиб, тожни бошиға қўюб, тахтға ултурди ва адолат бунёд қилди. Андоққим, халойиқ мураффаҳ ва рози ва мулк маъмур ва ободон бўлди. Чун кўнгли бу жонибдин тинди, айш ва нашотқа майл қилди. Ва ул бобда муболағани ҳаддин ошурди. Ва чоғирки, мудовамати мужиби ғафлат ва бепарволикдур, ани мулк ишидин фориғ қилди. Ҳар ойинаким, ҳар киши ҳар неким кўнгли тиласа қила бошлади, то мулкка равнақ ва сипоҳқа насақ қолмади. Бу ишдин хоқони турк воқиф бўлуб, черик тортиб Жайхундин ўтуб, анинг вилоятиға дахл қилди. Баҳром чун ғафлат уйқусидин уйғонди, мулкни вайрон ва душманни муставли ва сипоҳни паришон топти. Билдиким, масоф тузуб, иш қила олмас. Мулкни Нарсиғаким, иниси эрди, топшурди ва ўзи уч минг киши била Озарбайжон оташкадасиға борурмен деб элдин чиқти. Билмадиларким, қаён борди. Эл гумон қилдиларким, хоқондин қочди. Заруратан хоқонға пешкашлар била арзадошт қилиб, киши йибордиларким, келсанг мулкни топшурурбиз деб. Хоқоннинг хотири жамъ бўлуб, таскин била мулк тасарруфиға машғул бўлди. Аммо Баҳром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти Қипчоқдин чиқиб, Хоразм бостуруб, Журжон навоҳийсида хоқонға шабихун уруб, оз киши била уч юз минг черикин бузуб, хоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эрдиким, андин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва андин сўнгра дағи ҳеч кишига даст бермайдур эрди. Магарким, Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхок халладаллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди. Ва анинг мужмали будурким, ул ҳазрат Хуросон тахтин олғондаким, ҳануз мулк тўқтамайдур эрди, Ёдгор Муҳаммад Мирзоким, мулк вориси эрди азим черик била ул ҳазратнинг устига юруди. Ва

баъзи кўтаҳандиш эл бевафолиғ қилиб, анга қочиб борғон жиҳатдин халойиқ баддил бўлуб, уруш яроғин топилмай, ул ҳазрат мулкни солиб, оз киши била қироққа тортти. Ва ғаним тахтни олиб, мулкка мутасарриф бўлуб, фароғат била беадад хайл ва сипоҳини мулк бузмоқға қўёберган чоғдаким халойиқ фиғон ва ғиреви ул ҳазратнинг қулоғиға етишти. Усру оз нафар била ул ғолиб адув устига келиб, мулкига кириб, тахтиға юз қўюб, қаср салтанатида ани тутуб, дафъ қилиб, халқни анинг бедодидин халос қилди. Ва бу фақирнинг хиёлиға андоқ келурким, ул саҳарким бу иш воқеъ бўлди, ҳарнечаким мулоҳаза қилилди, юз кишига етмас эрдиларким, ул воқеада ҳозир эрдилар. Иншо Оллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатириға дегинча шарҳ қилилғай. Ва Баҳромнинг тахтни қўюб, мусофарат тариқи била Ҳиндистонға борғонин ҳам, чун ғаройиби умурдиндир, мужмалан баён қилоли. Андоқ дебдурларким, Баҳром тамошо ва тафарруж ва нашотқа мойил киши эрди ва худрой ва забардаст ва ўз тавонолиғиға эътимод қилиб, бул ажаб ишларга мутасадди бўлур эрди. Ва алардин бири будурким, Ҳиндистон мулкининг ажубасин эшитиб, тафарружин ҳавас қилди. Ва мулкни Нарсиға топшуруб, ёшурун элдин чиқиб, Ҳиндистонға борди. Ва доим сайд била кун ўткарур эрди. Теграсидаги эл анинг ишидин мутаҳаййир бўлуб, фавж-фавж ани кўргали борурлар эрди ва шижоатиға ҳайрон қолурлар эрдиким, беша сабоини-мисли қоплон ва арслон ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эрди. Бир бешадаки, йўл қироғинда бўлғай, бир азим филким, андин улуғроқ бўлаолмағай, қутуруб ё маст бўлуб, йўл бошиға келиб, элга зарар еткура бошлади. Андоққим, кўп эл ҳалак бўлуб, ул шориъ боғланди. Ва подшоҳ неча қотла қолин эл йибориб дафъ қила олмади. Ва Баҳромнинг хабарин подшоҳқа айттилар. Ани тилаб ажаб қолдиким, бағоят хўбсурат ва қавий ҳайкал эрди. Ул ишни анга зоҳир қилди эрса, қабул қилиб, ёлғуз бориб, ул пилни ўлтурди. Подшоҳ мулозамат истидъоси қилди. Ул ризо бериб, онсиз бир аёғ ичмас эрди. То улким подшоҳға азим ваҳме мутаважжиҳ бўлуб. Рой ўзин анга ҳариф кўрмай фирор яроғин қилди, Баҳром оз сипоҳ била юруб, ул душманнинг дафъин қилди. Подшоҳ қизин Баҳромға бериб, мулкин ҳам анга атаб, валиаҳд қилмоқ бўлди. Баҳром ўзин ошкор қилдиким, не кишидур. Рой мутаваҳҳим бўлуб, билмадиким не қилғай. Баҳром ани ўзидин эмин қилиб, Диндистонни яна анга бериб, хирож тайин қилиб, Синд қирғоғидин Ажам сориғи

вилоятларни олиб, Ройнинг қизи била ниҳоятсиз яроғ ясаб, мулкига келди. Ва тўрт минг уйлуқ созанда ва гўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб келдики, ҳоло бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур. Ва Дилором жанги ва ети қаср ва хаварнақ ва сойир ҳолотин билан деган киши бу фақир «Хамса»сида «Сабъаи сайёр»да ўқуб, маълум қилсун. Ва Баҳромнинг подшоҳлиғи етмиш йил ва олтмиш уч йил ҳам дебдурлар.

Ш е ъ р:
Чу шоҳ ўлди оламға Баҳром Гўр,
Жаҳонда маю аншдин солди шўр.
Ажал шарбат айшини шўр этиб,
Чиқарди жаҳондин ерин гўр этиб.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ. Атоси васияти била салтанат тахтиға ўлтурди. Ва ул подшоҳе эрди бағоят зеборўй ва хушхўй. Адолат ва озарм пеша қилди. Анинг замонида мамолик мураффаҳулҳол ва раоё фориғулбол бўлди. Ғоят юмшоғ сўзлугидин ани Яздижирди Нарм дедилар Ва салтанатининг муддатин соҳиби «Гузида» бир йил битибдур ва Банокатий ўн йил битибдур ва Қози Байзовий ўн секиз йил ва беш ой битибдур ва «Жомеъут-таворих»и Жалолийда ўн ети йил битилибдур. Ва аҳли тарих анинг замонида ихтилоф кўп қилибдурлар. Чун фойдаси йўқ эрди, таарруз қилилмади.

Ш е ъ р:
Яна Яздижирд бинни Баҳром эди
Ки оламға адлидин ором эди.
Агар хўйи юмшоғ эди гар ирик,
Фалак қўймади ани доғи тирик.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД. Яздижирднинг икис ўғли бор эрди: улуғи Фируз ва кичики Ҳурмуз. Аммо Яздижирд Фирузни Сийстон била Нимруз мулкига йибориб эрди ва ул мамоликни анга мусаллам тутуб эрди. Ва Ҳурмуз кичикроқ эрди, валиаҳд қилиб, тахтин анга мусаллам тутти. Фируз бу ғадрға таҳаммул қилмади. Ҳиётила

подшоҳиға илтижо қилиб, анинг мадади била сипоҳ тортиб, Ҳурмуз бошиға келди ва масоф тузуб, ани асир қилди. Ва баъзи дерларким, ани тутуб, қатлға еткурди. Ва баъзи муаррихлар ани салотин ҳисобиға қотмайдурлар. Ул сабабдин подшоҳлиғи замониға таарруз қилмайдурлар, вал – илму индаллоҳи.

ФИРУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД мусулмон ва оқил ва кордон ва одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва риоят била раоёни хушнуд ва шод этти. Анинг салтанати замонида ети йил қаҳат воқеъ бўлди ва раоёдин хирожни соқит қилди. Бу ети йил ҳеч киши кишидин ҳеч нима тиламади ва кўпрак муҳтожларға хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди. Анинг адолати баракотидин ҳақ таоло изз шаън ети йилдин сўнграким ёмғур берди. Ул йилда онча маҳсул карам қилдиким, ети йиллик қаҳатнинг қусурин рост қилди. Анинг била Хушнавоз орасидаким, Ҳиётила мулкининг подшоҳи эрди, ғариб ва ривоят қилибдурлар. Аммо маҳолға яқинроқ учун битилмади. Билайин деган киши мабсутроқ кутубда тилаб топар. Ва Фируз кўпрак мамоликни олғондин сўнгра Туркистон мулкига юруди. Ва Туркистон подшоҳи анинг бир манзилида азим чоҳлар қаздуруб, устин хас пўш қилиб эрди, ғофил анда етканда, кўп эли ул чоҳларға тушуб, ўзи дағи бир чоҳқа тушуб ҳалок бўлдилар. Ва анинг осоридин Фирузосордур Рай навоҳийсида ва Равшан Фируздур Журжонда ва Ром Фируздур-Ҳиндистонда ва Исфаҳоннинг янги шаҳридур ва Шод Фируздур Озарбайжонда ва Ком Фируздур Форсда ва Хўжандда бир девор тортибдур. Баъзи эллик йиғоч: дебдурлар, ики вилоятнинг фосили ва баъзи ортуқ ва ўксук ҳам дебдурлар. Ва салтанати замони йигирми олти йил эрди.

Ш е ъ р:
Чу Фируз бинни Яздижирд ўлди шоҳ,
Анга муфтахир эрди хайлу сипоҳ.
Анга дағи гардун жафо айлади,
Ажал чоҳиға мубтало айлади.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ чун салтанат тахтин олди Сухроким атоси замонида вазир ва мамлакат масоли ҳида мушир эрди, ани ҳамул вузарот мансабиға тайин қилди ва мулк ихтиёрин анга топшурди.

Сухро, чун мусулмоншева ва хирадмандпеша киши эрди, мамоликни тузди ва улусни ғаний қилди. Ва Ялошнинг иниси Қубод Ялошдин қочиб, Хоқони туркка борди ва борурда йўлда Исфаройин шаҳриға етканда, бир деҳқон уйига тушти. Агарчи мизбони ани танимади, аммо чун бағоят важиҳ ва мутакаллим киши эрди, зиёфат қоидасини яхши маръий тутти ва билдиким, азимуш-шаъа кишидур. Деҳқоннинг соҳибжамол қизи бор эрди, кўруб хотири майл қилиб, никоҳ истидъоси муяссар бўлуб, андин ўтуб хоқонға борди. Ул қиз Қубоддин ҳомила бўлуб, вақти еткоч, ўғул туғурди ва отин Нўширавон қилдилар. Қубод тўрт йил хоқон қошида туруб, хоқон анга қалин черик бериб, ул черикни бошлаб Ялош устига борурда, Исфаройинға еткач, ўғли Нўширавон била кўзи ёруди. Ҳамул кун элчи Ялошнинг аркони давлатидин етиб, Қубодға Ялошнинг ўлгонин хабарин еткурди ва аин подшоҳликқа тилаган арзадоштларни топшурди. Қубод фарзандининг мулоқотин шугун тутуб, хоқон черикин ҳам андин қайтариб, ҳарам била ўғлин олиб, Мадойинға етиб, подшоҳликқа ўлтурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади. Ва Ялошнинг подшоҳлиғннинг замони беш йилдин жузвий ўксукдур. Ва Ироқда Ялошобод деган шаҳр анинг биносидурур.

Ш е ъ р:
Ялош бинни Фируз офоқ аро,
Не беш йилки беш кун эди кадхудо.
Ва лекин ани дағи бу кунда пир
Ажал хайли илкига қилди асир.

ҚУБОД БИННИ ФИРУЗ. Подшоҳлиқ тожи била сарфароз бўлғондин сўнгра Сухрони ўқ вазир қилди. Аммо Сухро ўз ҳаддидин тажовуз қила бошлади. Ани дафъ қилиб, Шопур деганни вазир қилди. Баъзи дебдурларким, Бузуржмеҳр ҳаким Сухронинг фарзандидур ва ул Қубод хидматида бўлур эрди. Ва Маздаки лаин Қубод замонида пайдо бўлуб, нубувват даъвоси ошкор қилди ва элни бир-бирининг моли ва аёлиға шарикликка рухсат берди. Бу жиҳатдин авбош ва арзол йиғилиб, ғавғо қилдилар. Ва анинг атбои кўп бўлди ва Қубодни дағи фириб ва фусун била ўз миллатиға киюрди. Ва муъжизаси «Ўт манинг била такаллум қилур», – демак эрди ва оташкада ёнида нақб уруб, бировни

таъйин қилиб эрдиким, ўзи ўтқа на хитоб қилса эрди, ул киши Маздак ўргатган жавобни бийик ун била айтур эрди. Чун Қубод анинг миллатини қабул қилди, эл мол ва аёллари номаҳфузлугидин ожиз бўлуб, иттифоқ қилиб, Қубодни тутуб банд қилдилар. Ва Жомосбниким, анинг иниси эрди, подшоҳ қилдилар. Маздак қочиб Озарбайжонға борди. Ва Қубоднинг сингли ани ҳийла била қочурди. Ва ул Туркистонға бориб, баъзи Ҳиётила дебдурлар, ҳар тақдир била кўмак олиб, мулк устига юругач, билдиларким, Жомосб анинг била муқовамат қила олмас. Ани ҳам банд қилдилар ва Қубодға топшуруб, Қубодин яна тахтқа ўлтурттилар. Ва анинг замоннда Яман мулкнининг мулукидин Шумур зулжаноҳ хуруж қилиб, анга юрудн. Ва ул анинг била муқоваматдин ўзни ожиз кўруб, яращти ва қолни туҳфа ва табаррук бериб, ўткарди ва Шумур зулжаноҳ Жаиҳундин ўтуб, Мовароуннаҳрни олди. Ва Қубоднинг осоридин Форсда Козирун ва Ироқда Ҳалвон ва Мўсулда Чоқут ва Табаристонда неча мавзуъни дебдурурлар. Ва Авжон ва Шаҳриёри Монийнн ва дағи анга нисбат берурлар. Ва муаррихлар Жомосбни мулук аъдодида тутмайдурлар. Ва Қубод била қаисар орасида низоъ бўлди. Қубод Румга черик тортиб, музаффар ва мансур ёнди. Ва умрннинг охирида Нўширавонни ўз ўрнида ўлтуртуб, ўзи гўша тутти. Ва Қубод салтанатини баъзи олтмнш уч ва баъзи олтмиш тўрт йил дедплар.

Ш е ъ р:
Қубод ўлди чун мулк уза қаҳрамон,
Халойиққа андин эди баҳрамон.
Анга даги чарх этти охир инод,
Будур иш Қубод ўлса ар Қайқубод.

НЎШИРАВОН УЛ-ОДИЛ БИННИ КУБОД чун салтанат тахтин мушарраф қилди ва хилофат тожин сарафроз этти, Ардашер Бобокон қоида ва русумин иҳё қилди ва анинг васиятларин мутолаа қилиб, ул дастур била амал қилурга муртакиб бўлди. Аммо адолат ва шафқат қонунин андин дағи орттурди. Адл жўйборидин мулк боғинда фароғат ашжори шодоб бўлди ва инсоф тарбиятидин амният ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди. Анинг замонини жамиъ салотин замониға таржиҳ қилса бўлур, невчунки, чун

ҳазрат пайғамбари охираззамон салавотуллоҳи васалламаҳу алайҳ анинг фархунда замонида мутаваллид бўлди.

Ва ул ҳазрат бу ишка эътибор қўюб, ўз каломи муъжиз низомини мундоқ сўрубдурким, вулитду фи замони ас-султонул-одил Анушировон. Дебдурларким, анинг даврида биров яна бировдин бир боғ сотқун олди. Ва ул боғда кироманд дафина топти. Боғнинг бурунғи эгасига айттиким, келиб боғингдағи топилған мадфунни олғилким, мен сендин боғ сотқун олибмен, йўққи, ўзга нима олғоним йўқ. Ул айттиким, мен сенга боғни ҳар не билаки анга дохилдур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу хазина байтул-мол дохилидур, подшоҳқа тааллуқ тутар. Ҳар тақдир била можаро Нўширавонға етишти. Нўширавон сўрдиким, ўғул-қизингиз борму? Ҳамоноки бор зрди буюрдиким, ул бирининг қизини ул бирининг ўғлиға бердилар. Ул дафинани ул ики янги кадхудо бўлғонларға мусаллам туттилар. Бир кун бир йўлда тушуб, кабоб буюрди. Туз йўқ эрди. Яқинроқ бир кент кўрунди. Биров бордиким туз кетургай. Нўширавон муболаға қилдиким, тузни сотқун ол! Мажлис ҳуззори айттилар: бу тузға не миқдор баҳо бўлғанки, сотқун олғанлар? Дедиким, мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёмон расм қўйғай, ёмон русум жузвий бўлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий қилурлар. Бадномлиқ ани бунёд қилғанга борур. Дорулмулки Мадойин эрди. Кисро тоқин ул ясади ва адл занжирин ул ости. Ва Бузуржмеҳр ҳаким анинг вазири эрди. Анинг машварати била Маздакка истимолатлар бериб, иликка киюрди. Ва хусусиятлар зоҳир қилиб, атбоин мулозим қилди ва ҳужжат била анинг дини ботил эрканни анга собит қилди ва ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларға сарнигуя кўмдурди. Ва ўзин ўз илки била ўлтурди ва олам юзин анинг нопок лошидин пок қилди. Ва айтса бўлурки, борча адолати бир сори эрди ва бу бир сори эрди. Ва анинг замонида Рум қайсари анинг била мухолифат изҳор қилди. Нўширавон сипоҳ тортиб, Румни мусахар қилиб, қайсарни тутуб, хирож бўйниға қўюб, муқаррар қилибким, ҳар нил бир қатла анинг даргоҳиға келгай. Дағи миннат қўюб, қайтиб Чин мулкига хоқон устига юруди. Хоқон сулҳ жонибидин кириб, Фарғонадин ерини Нўширавонға мусаллам тутуб, қизин анга бериб узотти. Ва Нўширавон ондин қайтиб Ҳиётила мулкин мусаххар қилиб, Ҳиндистон азимати қилди. Ройи ҳинд чун ўзин анга ҳариф кўрмади, тазарруъ ва тазаллум юзидин кишилар ораға солиб, ул дағи хирож қабул

қилди. Ондин қайтқонда, анга арз қилдиларким, қифчоқ Дарбандға муставлий бўлуптур. Ул йўлға убур қилиб, Қифчоқни мақҳур қилиб, Дарбандни олиб, ободон қилиб, яхши кишилар тайин қилнб, андоқ мазбут қилдиким, ул ноҳиятдин хотири жамъ бўлуб, Мадойинға азм қилди. Ва Дарбанд навоҳийсидағи қифчоқ бузған кўрғонларни иморат қилиб, кишилар тайин қилди. Ва мамоликида йўлларни тузотиб, сувларға кўпруклар боғлаб, аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилдиким, мусофирлар фароғат била бориш-келиш қилғайлар. Ва Сайф зи Язан Ҳимярики, Яман подшоҳи эрди ва мулкин Масрук бинни Абраҳа олиб, ани Ямандин чиқариб эрди. Нўширавон даргоҳиға юз қўюб истимдод қилди ва тазаллум кўргузди. Ва Нўширавон имдод қилиб, дарё йўлидин Яманға ниборив, анинг кўмаги мададн била мулкин олди. Ва Абраҳа ул кишидурким, Маккани бузғоли азимат қилиб эрдиким, бори таоло тайри Абобилни йибориб, ани ва черикин ҳалок қилди. Ва «Алам тара кайфа» сураси, бизнинг пайғамбарғаким, хотимул-анбиёдур саллаллоҳу алайҳи васаллам, анинг шаънида нозил бўлди. Ва ул ҳазрат мутаваллид бўлғон кеча оташкадаларнинг ўтиким, неча минг йил ўчмаган эрди, ўчти ва Сова дарёси ерга сингди, андоққим сувгасари анда қолмади ва ўн ики кунгра кисро тоқидин йиқилди. Ва Кисро бу ишлардин мутаҳаййир бўлуб, Сатиҳ коҳинни тилаб, андин бу аломат кайфиятни истфсор қилди эрса, ул айттиким, бу ишлар анга далолат қилурким, бу кеча Арабда Қурайш қабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлғайким, фурс мулуки давлати анинг замонида охир бўлған ва ул охир замон пайғамбари бўлғай. Нўширавон баъсати қачон бўлурини сўрди.Сатиҳ коҳин деди: йнқилғон ўн икки кунгра ададн била сендин сўнгра ўн икки киши сенинг насабингдин салтанат қилғайлар. Андин сўнгра ул соҳиби давлат борчаға муставлий бўлғай ва миллати оламни тутқай. Ва андоққи ул айтиб эрди бўлди. Ва Нўширавон боргоҳида тўрт олтун курси дойим қўюлур эрди. Бирида Бузуржмеҳр ўлтурур эрди, бирида қайсари Рум ва бирида қифчоқ хони. Ва анинг сойир салотин учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилғайларким, бу мухтасарда ул кунжойиш йўқтурким, борчасин битилгай, ики-уч калима била ихтисор қилилди. Ва ул булардурким, адл бир кўрғондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас. Ва адл ганжедурким, кўпрак олғон сайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур. Ва хирадманд

улдурким, махфий андоқ иш қилмағайким, ошкоро ани қила олмаған ва биров анбида андоқ сўз демагайким, юзига дей олмаған. Урушда душман оз деб ғофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтунни оз ўт куйдурур. Тахтининг тўрт поясида тўрт сўз битилиб эрдиким, ҳаркимда подшоҳлиқ йўқ – комкорлиқ йўқ, ҳаркимда хотун нўқ – ғамгусорлиқ йўқ, ҳаркимда фарзанд йўқ – дўстдорлиқ йўқ, ҳаркимда булар ҳеч қойси йўқ – беморлиқ йўқ. Ва анинг осоридин Румия шаҳри дебдурларким, Мадойин ёнида Антокия тарҳи била ясади. Ва салтанати замонини баъзи қирқ йил ва баъзи қирқ ети
йилу ети ой дебдурлар.

Шеър:
Анушировн Хусравий додгар,
Ки обод эди адлидин баҳру бар.
Анга дағи даврон вафо қилмади,
Санга қилмағай, чун анга қилмади.

ҲУРМУЗ БИННИ АНУШИРВОН Атоси васияти била тахтқа ўлтурди. Баъзи ани золим ва жобир дебдурлар. Аммо баъзи адл ва инсофқа нисбат беribдурлар. Ҳар тақдир била сиёсати ғолиб ва интиқоми шадид киши эрди. Агарчи аввалар Анушировн қавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гуноҳға кўп сиёсат қилур жиҳатидин эл андин мутаваҳҳим бўлдилар ва мужиби танаффур бўлди. Чун элдин танаффур маълум қилди, ул жиҳатдинким, табъида интиқом ва сиёсат сифати ғолиб эрди. Раоёға хирожни орттурди ва сипоҳиға жузвий жарима учун қатлни лозим тутти. Чун эл бир йўли навмид бўлдилар, атрофдин душманлар мулки тамаъиға юз қўйдилар. Румдин қайсар ва Арабдин Аббосул-аҳвол ва мағрибдан Умар Валадрақ ва Туркистондин хоқони Чин. Бурунғи учовни туҳфа ва ҳадоё била истирзо қилиб қайтарди. Аммо хоқони Чин бошиға Баҳроми чўбинаким, Ажам мулукидин эрди, сипаҳсолор қилиб, Хуросонға йиборди. Баҳром хоқон била урушиб, хоқон ва ўғли Баҳром иликида қатлға еттилар. Хоқон черикидин Баҳромға ғанимат ва ўлжа ҳаддин тошқори тушуб эрди, баъзиниким, салотинға лойиқ бўлғай, Ҳурмуз хидматиға йиборди. Ва кўп таҳсин ва эҳсон тамаъ тутти. Ҳурмузға бадгўйлар мундоқ еткурдиларким, Баҳром асру кўп ғанимат олибдур, дағи санга оз нима

йиборибдур. Ҳурмуз жиҳатсиз бадфеъллиғи жиҳатидин ва мол ҳирсидин Баҳромнинг ишин писанд қилмай, машҳур мундоқдурким, анга бурунчак ва чарх йибордиким, қилған ишингга лойиқ булардур. Баҳроми чўбин мутагаййир бўлуб анга ёғиқди, дағи Парвиз отиға ва анинг навкарлигига ўзин мансуб қилди. Ғарази бу тадбир эрдиким, Ҳурмуз ўғлидин бадгумон бўлуб, ародин кўтаргай ва Баҳром осонлиғ била Ҳурмузни дафъ қилиб, подшоҳлиғини олган. Ва бу ройи мувофиқ тушти. Ҳурмуз Парвиз қасдиға машғул бўлиб, Парвиз ваҳмдин қочиб, Арман вилоятиға борди ва Ширинга ошиқ бўлди. Андоққи, шарҳи келгусидур. Иншо алло, чун Парвиз қочти, Баҳромға бормади. Ҳурмуз билдиким, Баҳром кайд қилибдур ва ўғли гунаҳсиз эркандур, сипоҳ ясаб, Баҳром ўтрусиға йиборди. Баҳром анинг сипоҳин урушуб бости. Ва Ҳурмуз салтанати корхонаси мутазалзил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзига мийл тортиб, Арманға киши йибориб, Парвизин келтўруб подшоҳ қилдилар. Ва анинг салтанати ўн бир йил ва бирор нима эрди.

Шеър:
Яна Ҳурмуз ўлди чу кишвар хидев,
Сиёсатлари солди элга ғирев.
Анга даги элдин етиб интиқом,
Адам кишвари сари қилди хиром.

БАҲРОМИ ЧЎБИНА. Чун Ҳурмузни аркони давлати кўр қилдилар ва Хусрав ва Парвиз Армандин келиб, атоси тахтиға ўлтурди, Баҳроми Чўбина анинг устига черик тортиб, ул даги сипоҳ ясаб, Баҳромға ўтру чиқти. Ва Наҳравондин ўтуб, бир-бирига яқинлаштилар. Парвиз кўрдиким, Баҳром била муқовамат қилур тоқати йўқтур. Ҳурмуздин истимдод қилиб рой тилади. Ҳурмуз битиб йибордиким, хазойин била ўғул ушоғингни берк кўрғонларға мазбут қилиб, Румға бориб, қайсардин мадад тила! Парвиз ул дегондек қилиб, Баҳром вилоятидин рўгардон бўлуб, қайсарға паноҳ элтти. Баҳром Парвизға қовгунчи йибориб, ўзи Мадойинға келиб, подиюҳлиққа ўлтурди. Чун Парвиз қайсар имдоди била анинг устига келиб, ул даги чиқиб урушти. Босилиб, хоқон хидматиға борди. Анда заҳр бериб Баҳромни охир қилдилар. Ва анинг салтанати ики инлу бир нима эрди. Ва баъзи

тарихда ани мулук ададига киюрмайдурлар. Ва Шервон салотинини анинг наслидин дебдурлар ва анинг нажодини баъзи Каркини милодқа ва баъзи Яздижирд бинни Баҳромға еткурубдурлар.

Шеър:
Чу Баҳроми Чўбинни бахти баланд,
Жаҳон мулкида айлади аржуманд.
Вале они Парвиз тиндурмади,
Дам урмади то мулкдин сурмади.

ХУСРАВ ПАРВИЗ БИННИ ҲУРМУЗ ул вақтдаким Баҳромдин юз қайтарди, Бандуя била Бастом анга ҳам тағойи эрдилар, ҳам сипаҳсолор. Ва Ҳурмузнинг кўзига алар мийл тортиб эрдилар ва Ҳурмуз интиқомидин эмин эмас эрдилар. Парвизға айттиларким, Ҳурмуз санга Рум азимати буюруб, Баҳромни бизинг интиқомимиз жиҳатидин тилаб мулкни бергусидур. Агар ани орадин кўтарсанг, хотир жамъ бўлур. Парвиз жавоб бермади. Алар анинг тек турғонидин ул ишга ризо фаҳм қилмоқ туҳмати била Ҳурмузни ҳалок қилиб, оз киши била Парвизни Фирот суйидин ўткориб, Рум азимати қилдилар. Йўлда бир дайрда тушуб эрдиларким, Баҳром сипоҳи пайдо бўлди. Бандуя Парвизни узотиб, ўзи анинг салтанат либосин кийиб қолди. Сипоҳ еткоч, эшикни боғлаб, дайр томиға чиқти. Ани ул либос била Парвиз гумон қилдилар. Дедиким: чун сизга гирифтор бўлдум бағоят кўфтадурмен. Бу кун дайр теграсида ўлтурдунг, тонгла мени олиб ёнинг. Чўн бу навъ илтимос қилди, ул сипоҳ қабул қилиб дайр теграсида туштилар. Тонгласи чун ани чиқардилар, қилғон тадбиридин воқиф бўлдилар. Чора йўқ эрди. Баҳром қошиға элттилар. Баҳром анинг табъаи кўп жиҳатидин ўлтура олмадилар. Чун Парвиз Румга етти, қайсар анинг камоҳий ҳолин билиб, яхши дилжўйлик қилиб, Марям отлиғ қизин анга никоҳ қилди ва қолин мадад бериб узотти. Баҳром устига келиб, Баҳром андми босилиб, қочиб хоқон қошиға борди. Парвиз Мадонин тахтига ўлтуруб, кўп мамоликни ҳийтаи тасарруфига киюрди. Ва макнат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунғи салотинга муяссар бўлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлғон нималарни ҳайрат тариқи била теъдод қилибдурлар. Ул жумладин бири бир тахтдурким, ани Тоқдис дерлар эрди, олтундинким,

иртифои юз қариш эрди. Ва ани жавоҳир била мурассаъ қилиб эрдилар ва тўрт поясида афлок ва ажум ва ақолими сабъа суратин хўброқ важҳ била тортиб эрдиларким, ул анда ўлтуруб, салтанат қилур эрди. Яна бир тожким, вазни олтмиш ботмон эрди, олтундинким минг гавҳар била мукаллал қилиб эрдиларким, ҳар бири чумчуқ юмуртқасича. Ва устида гавҳар шабчароғким, мулк хирожи эрди ва ул тожни олтун занжир била боши муҳозийсиға осар эрди. Яна бир фарш эди, дебодинким, вусъати бир жариб эрдиким, ани жавоҳир била мурассаъ қилиб эрдилар. Ёшил дебо ва гуногун жавоҳир, сабза ва раёҳин ўрниға қабашким, бу нималар нўқтур. Бу фарш устида мажлис тузар эрди. Яна бир от эдиким, Шабдизға машҳур эрдиким, сойир отлардин тўрт қариш бийикрок эрдиким, ул ўлғондин сўнгра суратин орттуруб, анинг била хурсанд бўлур эрди. Яна бир Борбад отлиғ муғанний эрдики, замонининг ягонаси эрди. Яна Шопур отлиғ наққош эрдиким, анинг назири ҳам ул замонда йўқ эрди. Яна Бузург Уммиддек. вазири бор эрдиким, асрининг аълами эрди. Яна минг қилода пили бор эрди ва анинг замонида пил Ҳиндистондин ўзга ерда болалади ва ул ҳам ғариб амр эрди. Ўн секиз минг от тавиласида парвариш топар эрдики, тўрт минги ўзининг жанибати эрди. Ўн ики минг оқ теваси бор эрдики, туркий дерлар. Шодурвонида неча минг соҳибжамол канизак эрдиким, алардин неча юз муғаннія эрдилар. Ганжи бодовард анга насиб бўлди. Ва ул минг кемада олтун ва кумуш ва жавоҳир ва нафойис эрдиким, Румдин неча минг йилда қаёсирадин қолғон эрдиким, биридин яна бирига дарё била элтурда ел ани Мадойинға келтурди ва ул тасарруф қилди ва ани ганжи бодовард дедилар. Отланғанда неча юз саққо муқаррар эрдики, гард маҳалида йўлға сув сепар эрдилар. Ва неча юз ходим уд сўзлар била бухурот куйдуруб, ел тарафидин атрофида олиб юрурлар эрди. Ва Кисро тоқин дебдурларким, ёримчуқ эрди ул тугатти. Ва Ширинdек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди. Ва фақир барча муаррихлар нақизи тарафидин ики сўз топибменким, анга даст бердики, ҳеч кишига даст бермайдур, ўткон борчадин? куллийракдур. Бири улким, агарчи Ширинdек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақиби бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хусравдек подшоҳ кўнгли Фарҳодқа майл қилиб, илтифот ва тараҳҳум зоҳир қилди. Ва ани билиб Хусрав рашкдин макр била Фарҳод қатлиға

бонс бўлдиким, андин машҳуррокдурким, битмак ҳожат бўлғай. Яна бири ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам биъсатиким анинг замонида воқеъ бўлдиким, бу ўткон барча тажаммул ва макнатни бу давлатнинг минг улушидин бир улуши тутса бўлмаским, ул ҳазрат анга дин ва ислом даъватиға нома битиб киши йиборди. Ва ул бу музахрафот ғуруридин ул ҳазратнинг муборак номасин йиртти ва итоат қилмади. Ва ўз мулк ва давлатиға қасд қилди. Ва ҳазрат муъжизасидан мулкига завол дориб, Шеруяки анинг ўғли эрди маъмур бўлди. Мунгаким Фарҳоднинг бегунаҳ қатлиға атосини қасос қилди. Ва булар барча ижмол била ўтти. Умид улким, барча ўз маҳалида тафсил била дағи адо бўлғай. Иншо алло ва Хусрав Парвизнинг салтанати ўтуз йил эрди.

Шеър:
Чу Хусрав бўлуб мулук ила сарфароз,
Мулук ичра топти бу навъ имтиёз.
Вале чарх айлаб ситамсозлиқ,
Заволида ҳам берди дамсозлиқ.

ШЕРУЯ БИННИ ХУСРАВ. Шеруя атосини ўлтургондин сўнгра, подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди. Ва атосининг ўлтургонининг шарҳи узундур. Аммо мужмали будурким, Хусравнинг ғоят тажаммули ва жоҳидин ул навъким юқори теъдод қилилди, димоғида ғурур ва феълида футур воқеъ бўлуб эрди ва сиёсат ва ғазаби элга ҳаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буким, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг заволинг ўз авлодингнинг илгида бўлғусидур. Бу ҳазаён жиҳатидин ўн ети ўғлинни бир ҳисорға солиб, маҳбус асраб, қўймас эрдиким, хотун киши алар қошида ёвуғай. Мунажжимлар айтқон амр сурат боғлағай, яна ўз улусидин, алуҳдату аъларрови, йигирми минг кишини зиндонға солиб эрдиким, булардин минг киши эътиборлуқ улуқ кишилар эрди. Бир черикда яхши юрумадингиз деб ва ҳар кун нечани буюруб эрдиким, ўлтурурлар эрди. Ва Мардоншоҳ отлиғ сипоҳсолориниким, неча мамлакатнинг сардори эрди, мунажжимлар дегон билаким, санга Зобилистон ҳокимидин ҳазарбор тилаб, гуноҳсиз ўлтуруридин ижтиноб қилиб, қўлин кести ва сўнгра риоят қилай деди. Ул қабул қилмади ва қатл истидъоси қилди эрса, қатл буюрди. Бу жиҳатлардин халойиқ андин жониға етиб эрдилар, барча иттифоқ била

Шеруя билаким Марямдин туғуб эрди, иттифоқ қилиб, ани подшоҳ кўтариб, Парвизни тутуб ҳабс қилдилар. Шеруяға айттиларким, ул мундоқ ношойист ишлар қилибдур, ани ўлтур, йўқса сени ўлтурур. Шеруя деди: ҳужжат билан ўлтурай. Қилғон ишларин айтиб йиборди. Ҳар қайсиға бир жавоб айтди. Эл ғавғо килиб, йигирми минг маҳбусни чиқордилар. Шеруя кўрдиким, иш ўзга бўлди. Мардоншоҳ ўғлини йибордиким, Хусравни ўлтурди. Атосини ўлтургондин сўнгра анинг ҳам жисмига азим ранж тори бўлуб, ети ойдин сўнгра ҳаёт вадиатин ажал мутақозийсига топшурди. Мулк ҳирсидин ўн ети оғоинисини дағи ўлтурди. Мунча шақоватқа мутасаддий бўлғондин сўнгра булар натижасидин Кисро Арслон бинни Кисро Қубод бинни Фируз бу ародадур.

Шеър:
Чу Шеруя дун баргашта бахт,
Бу янглиғ лақаблар била олди тахт.
Ҳануз айламай тахт узра мақом,
Буюрди фалак тахта сори хиром.

АРДАШЕР БИННИ ШЕРУЯ. Чун Шеруя вафот қилди ва жамиъ мулк тегар оғо-инисини ўлтуруб эрди, ҳеч кииш акосирадин топмадиларким подшоҳ қилғанлар. Шеруянинг ети яшар ўғли бор эрди. Ардашер отлиғ. Заруратдин ани подшоҳ қилдилар. Ва чук Ардашер кичик эрди, Меҳрижисниким, Парвизнинг хонсолори эрди ва бағоят рой ва тадбирга мансуб эрди ва локнафас ва некандишликка машҳур. Иттифоқи била ани вазир қилдиларким, Ардашер улғайгунча мулк тадбирин қила тургай. Ва Рум сағрида Шаҳрирод деган Парвизнинг бир улуқ кишиси бор эрдиким, ҳар кулли иш бўлса, анинг била машварат қилмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ қилғонлар анинг била машварат қилмай, ул ишни қилдилар. Ул бу ишдин мутағаййир бўлуб, Ардашерга хуруж қилди. Ва черик тортиб келиб, ҳам Ардашер, ҳам Меҳрижисни ўлтуруб, Мадойин тахтида тож бошиға қўюб, подшоҳликқа ўлтурди. Ва Ардашер бир йил ва олти ой подшоҳ эрди.

Шеър:
Яна Ардашер эрди тифле нажанд,
Ки бўлди мақоми сарири баланд.
Бийик тахтдин чархи беваҳму бок
Қуйи ташлаб, ул тифл бўлди ҳалок.

ШАҲРИРОД. Чун подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди, чун андин улугроқ ва тенгтўшлуқ эл бор эрдилар. Аларга анинг хидмати қотиқ келур эрди. Ва ор қилурларки, анга акосира қоидаси била мулозамат қилғайлар. Ва акосиранинг қоидаси бу эрдиким, сабоҳким элга бори ом берурлар эрди, халойиқ ер ўпуб, сажда қилурлар эрди. Аммо анга баъзи қилсалар эрди, баъзига бўюнёрлиғ бермас эрдиким, сажда қилганлар, Акосира отланур бўлсалар эрди, расм эрдиким, сипоҳ йироқтин ҳалқа уруб, отлиғ турарлар эрди. Бир кун Шаҳрирод отланганда бу расм маъын эмас эрди. Ул ошуфталиқ қилдиким, нега маъҳуд қоидаси била турмайдурлар. Сипоҳ орасидин биров бир синон била бу ёниға урдиким, ул ёнидин ўтти. Ва пароканда заҳмлар била ани охир қилдилар ва асғига ип тақиб маҳаллотқа судрадиларким, тикмас киши салтанат хаёлин қилса, сазоси будур. Ва анинг салтанати қирқ кун эрди. Чун акосира наслидин киши топилмади, Парвизнинг Турондўхт отлиғ қизини подшоҳ кўтариб, тахтқа ўлтурттилар.

Ш е ъ р:
Чу ғасп айлади Шаҳрирод мулк,
Анинг нангидин бўлди барбод мулк.
Жазосин анинг фарз билди сипеҳр,
Ўз ўрниға бу ишни қилди сипеҳр.

ТУРОНДЎХТ. Чун подшоҳлиғ тахтиға ором тутти, бағоят оқила эрди, билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо қилмагусидур. Дод ва адл бунёд қилди ва халойиққа кўп умидворлиғлар берди. Узидин бурунғи жамиъ акосира замонидин қолғон шалтоқларни жамиъ раоёға бағишлаб, дафтарларни буюрдиким ювдилар ва яхши ойинлар ораға киюрди. Ва Парвиз замонида Румдин Жилсиё отлиғ бутларким, Мадойинға келтуруб эрди, румлуғлар тилар эрдиларким ва акосира

бермаслар, ани румийларга йиборди. Ва мусолиҳайи мулк маслаҳати учунким алардин элга осиб тегмагай, қайсар миннатдор бўлуб ярашти. Ва халойиқ андин басе мураффах ва масрур бўлдилар. Ва анинг замонида ҳазрат саййидул-мурсалин саллаллоҳу алайҳи васаллам фано тангнойидин бақо оламиға хиром қилдилар ва хилофат Або Бакр Сиддиқ разий аллоҳу анҳуға муқаррар бўлди. Ва Турондўхт Шаҳриродни ўлтургон кишиниким, Масруҳ Хуросоний дерлар эрди, тарбият қилиб, вузарот берди. Ва бир йилу тўрт ой подшоҳлиқ қилғондин сўнгра мулкка видоъ қилди. Ва Парвизнинг йироқроқ қаробатидин Жаштанд отлиғ бировни салтанат тахтиға ўлтурттилар. Ул бечора дағи бир ойғача хаёлиға салтанатдин кўп молихулиё йўл берди. Бир ойдин сўнгра оламдин ўтти.

Шеър:
Чу Турон сарир узра топти сукун,
Анга ҳам вафо қилмади чархи дун.
Ул этти вафо, чарх қилди ситам,
Анга йўққи ёлғуз яна бирга ҳам.

ОЗАРМДЎХТ. Чун подшоҳлиққа ўлтурди, кишини вазир қўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамоқ муқаррар қилди. Ва ул Турондўхт сингли эрди ва акосира дудмонида андин соҳибжамолроқ тарамайдур эрди. Ва Парвизнинг Фируз Ҳурмуз отлиғ сипоҳсолори бир эрдиким, Хуросон мулкини анга бериб эрди. Ва ул Рустам отлиғ ўғлин ўз хилофатиға – Хуросонға йибориб эрди ва Рустам бағоят баҳодир киши эрди. Ва бул Рустамдурким амирул-мўминин Умар разий аллоҳу анҳу Мадойинға Саъд Ваққоснн ислом черикин бошлатиб йиборганда, Яздижирд бу Рустамни ўтру йиборибдурким, иншо алло ўз ерида келгай. Ва Фируз Ҳурмуз зуафоға машъуф киши эрди, Озармдўхт ҳавосида беихтиёр бўлуб, ҳарам жонибин риоят қилмай, шаҳват ва нафсониятқа мағлуб бўлуб, киши ораға солиб таашшуқ изҳор қилди. Озармдўхт кечаға ваъда бериб, ул мавъидқа етканда, буюрдиким ани ўлдуруб, бошин қаср эшигида остилар. Чун тонгласи халойиқ муни кўрдилар, чун улуқ киши эрди, мутағаййир бўлдилар. Кайфиятни маълум қилғоч, таскин топтилар ва Фируз Ҳурмузға таън қилдилар. Рустам эшитиб, Хуросондин сипоҳ тортиб

Мадойинға келиб, Озармдўхт била масоф қилиб, ани тутуб ҳам атоси қилғон муддаони ҳосил қилди, ҳам қониға қасос қилди. Ва андин сўнгра салтанат қилурға киши топмадилар. Ва анинг салтанати замони олти ой эрди.

Ш е ъ р:
Чу Озармдўхт ўлди маснад нишин,
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин.
Қатил ўлди ул дағи топмай даранг,
Вале келтуруб мулк ҳолиға нанг.

КИСРО МЕҲРИЖИС. Акосира мулки бу ерга етконда, паришонлиғ кўп юзланган учун, тарихи мазбут эмас. Муаррихлар ҳар навъ нима битибдурлар. Аммо Табарийда бу навъ мастурдурким, Кисро Мехрижис Аҳвозда эрди. Ул Ардашер Бобак наслидин эрди. Акосира аркони давлати ани топиб келтуруб, тахтқа ўлтурттилар. Ва ул бирнеча кун подшоҳ эрди ва лекин бу улуқ иш уҳдасидин чиқа олмади ва ожиз бўлди.

Ани дағи дафъ қилдилар. Чун мулк шоҳсиз бўла олмас, Насибин деган биров Хирод Хусрав отлиғ Парвиз отлиғ Хусрав ўғлонларидин топтиларки, Шеруя қардошларин қатл қилурда қочиб эрди ва ёшунуб юрур эрди. Ани келтуруб, тахтқа ўлтурттилар. Ул дағи бошқара олмади. Ани дағи орадин кўтардилар ва руҳсат бердиларким, келган ерингга бор. Чун Парвиз ўғли эрди, ўлтурмадилар. Ва яна кўп Нўширавон наслиднн Фируз Меҳрон отлиғ кишини топтиларким, аноси Маҳондўхт эрди. Аммо ул киши мажнунваш эрди. Чун тахтқа ўлтуруб, тож бошиға қўюб илайида турдилар, ул паришон сўз айта бошладиким, манга бу тахт ва тождин нанг ва ордур. Кўрдиларким, ул дағи бу иш қобили эрмас. Ани ҳам орадин сурдилар. Яна киши тилар эрдилар. Мағриб шаҳарларидин бирида Фаррухзодни топтилар ва тахтқа ўлтурттилар. Ва ани ҳам Парвиз авлодидин дебдурлар. Ва ул дағи олти ой салтанат қилғондин сўнгра қатлға келди. Андин сўнг мутаҳаййир бўлдилар. Ва ул вақтда Яздижирд бинни Шаҳриёр Истахрда эрди, атоси Шаҳриёр Парвиз ўғли эрди ва Шеруя оғо-инисини ўлтурурда, Ширин ани қочуруб эрди, ул жиҳатдинким ўзи асраб эрди ва ул ёшурун қочиб юрур эрди. Ва анднн бир ўғул бўлуб, отин Яздижирд қўюб эрди.

Атосидин сўнгра ҳам Истахрда бўлур эрди. Ани топиб, таклиф била тахтқа ўлтурттилар. Ва анинг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди ва ҳар ёндин душманлар истило топтилар, батахсис араб. Ва Яздижирд муддате саъй қилиб, илик-аёғ урди ва бўлдура олмади ва амирул-мўминин Умар разий аллоҳу анҳу черикига мулкин олдуруб, қочиб, мулк араб илкига тушти ва ислом ливоси сарафроз бўлуб, куфр алами нигунсор бўлди. Яздижирд қочиб Исфаҳонға бориб, андин Кирмонға кириб, анда ҳам тура олмай, Марвға борди ва кейинча қовғун келиб, ёлғуз бир тегирмонда ёшунди. Тегирмон иёси анинг от-тўниға кўз қорортиб, ани ўлтуруб жиҳотин ийалади. Яздижирднинг подшоҳлиғи йигирми йил эрди, вассалом.

МАСНАВИЙ

Агар Яздижирд ўлсун ар Шаҳриёр,
Вагар Баҳман ўлсун, гар Исфандиёр,
Ки қўйди вужуд уйига чун қадам,
Яна анга бўлмоқ керактур адам.
Скандардек олғон юруб баҳру бар,
Агар топса минг йил жаҳонда мақар,
Яна бўлса маъмури тўқуз сипеҳр,
Оти наъли бўлса ёруқ моҳу-меҳр,
Борурда чу қолмас булардин бири,
Таманносин айларга қилмас кири.
Бировгаки рўзи бўлуб шоҳлиқ,
Замириға солса ҳақ огоҳлиқ,
Ки билса жаҳонға вафо йўқтурур,
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқтурур.
Кўзига жаҳон ҳашматин илмаса,
Ҳақ амридин ўзга амал қилмаса,
Адолат учун истаса мулку жоҳ,
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ,
Ҳар ишким бўлур муддаоси анга,
Ғараз бўлса Тенгри ризоси анга.
Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,

Шаҳ ўлса вале бўлса дарвишхўй,
Муни шоҳлиғ деса эрмас йироқ,
Ки ғафлатдин огоҳлиқ яхшироқ.
Вале қилмади шоҳлардин киши,
Ки бу иш эрур Шоҳ Ғози иши.
Демай айни инсонки инсон айн,
Хам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.
Шаҳо келди шаҳлиғ мусаллам санга,
Не шаҳлиғки дарвишлиғ ҳам санга.
Десам айлайин васфинг осон эмас,
Ки мингдин бирин демак имкон эмас.
Валекин манга улча мақдур эди,
Ул ишларниким асру машҳур эди,
Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,
Замоники назм айладим панж ганж.
Ки ҳар ганжида улча зоҳирдурур,
Нисорингға юз минг жавоҳирдурур,
Ки они киюргон замон қошингга,
Борисин нисор айладим бошингга.
Чу девонға дебоча қилдим рақам,
Сифотингни шарҳ айладим анда ҳам.
Ки ҳар лафзини ақли жавҳаршунос
Кўруб, жавҳари фард айлар қиёс.
Чу «Назмул-жавоҳир» битиб отингга,
Ўкуш васф дарж айладим зотингга.
Ки анжум дурин гар тўкар чархи куз,
Эмас бир гуҳарнинг баҳоси ҳануз.
Яна дағи кўп назми гуҳарфишон
Басе наср дағи жавоҳирфишон.
Ки чун торттим хоман мушкбиз,
Санинг васфингга айладим нуктарез.
Бори гарчи поку мухайял эди.
Вале борча васфингда мужмал эди.
Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқинким анинг шарҳи топмас баён,
Вале азмим эмди будурким худой,

Агар бўлса умрумға муҳлат физон,
Чекиб турфа тарихингга хомани,
Қилиб нуктаға тез ҳангомани.
Сифотингни аввалдин охирғача,
Хаёлоти махфию зоҳирғача
Валодат кунидин тутуб то бу дам,
Борин шарҳ ила айлагаймен рақам.
Бурунроқ солиб турфа бунёд анга.
Бериб зикр обоу аждод анга.
Суруб нукта султонлар аҳволидин,
Ҳикоят қилиб хонлар аҳволиднн.
Дебон борчанинг мулку давронини,
Муайян қилиб даври поёнини.
Дебонким қаю олди аввал жаҳон,
Жаҳон они не янглиғ етти ниҳон.
Чу маснаддин этти анинг рахтини,
Ким олди жаҳондорлиғ тахтини.
Чу ул топти маснад юзидин фирор,
Яна шоҳлиқ кимга топти қарор.

Анга тегруким сен шаҳи некбахт,
Атодин-ато вориси тожу тахт.
Ки холо чалиб салтанат навбатин,
Топибсен жаҳондорлиғ шавкатин.
Адолат била хос эрур йўқса ом,
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом.
Ки ҳақ айлабон мулку жоҳинг фузун,
Ҳаётинг танобини этсун узун.
Ғаразким бу сўз етса анжомиға,
Бу тарих юз қўйса итмомиға.
Анга ҳар киши солса очиб назар,
Бўлуб кўнгли мазмундин баҳравор.
Яқин англағай табъи донишвари,
Ки меросинг эрмиш жаҳон кишвари,
Санинг ҳаққинг эрмиш жаҳондорлиқ.
Жаҳон хонлиғиға сазоворлиқ.

Навоий чу арз айладинг муддао,
Келу муддао қилғил эмди дуо.
Ало, токи шаҳсиз чу бўлғай жаҳон,
Замон аҳлиға бўлмағуси амон.
Сен ўлғил замон аҳлиға шоҳу бас,
Санга адл тарвижи дилхоҳу бас.
Қиёматқача ҳашматинг мустадом,
Саломинг қилиб шоҳлар вассалом.